ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ

СУД АМАЛИЁТИНИ УМУМЛАШТИРИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(кўчирмалар)

ТОШКЕНТ – 2015

УЎК 346.21(575.1)
КБК 67.404(5Ў)
С95

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси К. Камилов ҳамда раис ўринбосари Ш. Саидовлар раҳбарлигида тайёрланди.

Тузувчилар:
С. Шадиева, Ш. Полванов, И. Алимов, А. Игамбердиев

Суд амалиётини умумлаштириш материаллари тўплами (кўчирмалар). – Тошкент: «Niso Poligraf» нашриёти, 2015.– 640 б.

Ушбу тўплам Олий хўжалик суди томонидан сўнгги 6 йил ичида амалга оширилган суд амалиётини умумлаштириш натижалари бўйича тузилган маълумотномалардан кўчирмаларни ўз ичига қамраб олган. Мазкур тўпламда фуқаровий-ҳуқуқий ҳамда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўришга, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашга оид хўжалик судларининг амалиёти, хусусан, ижара, суғурта, гаров ва бошқа шартномалардан келиб чиқадиган, солиқ, божхона, рақобат соҳасидаги, Хўжалик процессуал кодекси нормаларини қўллаш билан боғлиқ суд амалиёти аниқ мисоллар асосида ёритиб берилган.

Тўпламдан хўжалик суди судьялари, прокуратура ходимлари, адвокатлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизматлари ҳамда юридик таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабалари, юридик соҳа билан қизиқувчи барча шахслар фойдаланишлари мумкин.

Мазкур тўплам GIZнинг «Марказий Осиёда ҳуқуқий давлатчиликни қўллаб-қувватлаш» дастури кўмагида чоп этилди.

Deutsche Gesellschaft für Internationale Zusammenarbeit (GIZ) GmbH (Германия халқаро ҳамкорлик жамияти) ушбу дастурни Германия иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги (BMZ) топшириғига биноан амалга оширади.

УЎК 346.21(575.1)
КБК 67.404(5Ў)

Бепул тарқатишга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-4316-4-5

© Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, 2015.
© GIZ, 2015
© «Niso Poligraf» нашриёти, 2015.

СЎЗ БОШИ

Ҳақиқатан амалда мавжуд бўлган ҳуқуқий давлатнинг пойдеворларидан бири мустақил, шаффоф ва самарали одил судлов бўлади. У фуқаролар ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари учун имкон яратади ҳамда мамлакатда ҳукукий барқарорликни таъминлайди. Бундан ташқари одил судлов сиёсий ва иқтисодий хатти-ҳаракатлар учун замин яратиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватлайди.

Лекин судлар ўз вазифасини бажаришлари учун судьялар ҳуқуқий таълимнинг талабларига жавоб беришларининг ўзи етарли эмас. Амалда мавжуд ва ишончга сазовор бўлган одил судловнинг асосий белгилари бу мустақиллик, шаффофлик ва малакадир. Барча ёш демократик давлатлар ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида қонунчилик меъёрларининг амал қилиш ва қўллаш доирасини бир хил тушунилишини таъминлаш каби вазифа билан тўқнашадилар. Бу ҳам қийинчиликлардан ўтиш даврининг ажралмас қисмидир.

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан кўриб чиқилган хўжалик низолар юзасидан қабул қилинган қарорлар ва умумлаштирилган материаллар ҳамда уларнинг мавзусига бағишланган илмий тадқиқотлар тўплами бўлиб, турли хил касбий гуруҳларнинг вакиллари сифатида ҳуқуқни қўлловчи шахслар, хусусан қуйи инстанция судьялари, адвокат, прокурор ва юристлар учун амалий қўлланма сифатида хизмат қилиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, мазкур тўплам кенг оммани суд ҳокимиятининг ушбу тармоғидаги долзарб ҳуқуқий анъаналар ҳақида бохабар қилади.

Ва, ниҳоят, тўплам барча ҳуқуқни қўлловчи шахсларни юқори инстанция судларининг қарорларини пухта ўрганишга, ўйлаб

чиқишга, ўз аргументациясида фойдаланишга ёки илмий ишларида – танқидий нуқтаи назардан ҳам – таҳлил қилишга чорлайди. Зеро, суд амалиётини айнан илмий-танқидий ўрганилиши ҳуқуқни такомиллаштиришга хизмат қилади. Бу ножўя «судьяларга тарсаки» сифатида тушунилмаслиги ва бу маънода ман этилиши лозим. Аксинча, ҳуқуқий баҳс ҳуқуқнинг ривожланишини жонлантиради ва фаоллаштиради.

Мазкур тўплам айнан шу маънода муҳим ҳисса қўшишини тилаб қоламиз.

Йорг Пуделка
Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)
«Марказий Осиёда ҳуқуқий давлатчиликни қўллаб-қувватлаш»
Дастурининг раҳбари

КИРИШ СЎЗИ

Юртимизда истиқлол йилларида барча соҳалар каби суд ҳокимиятининг тўла мустақиллигини қарор топтиришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қонунийликни таъминлаш ҳамда демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш борасида унинг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганларидек, мамлакатимизда суд ислоҳотларини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг мустақил тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш – ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг ажралмас қисми бўлган хўжалик судларининг фаолияти иқтисодиёт соҳасида одил судловни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш ва уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этишга қаратилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқларини чуқур англаб етиши, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг чуқурлашуви, хусусий секторнинг янада ривожланиши, чет эл инвестициялари киритилишининг кенгайиши, иқтисодий қонунчиликнинг эркинлашуви ва хўжалик субъектлари фаолияти ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамланиши, қолаверса, жамиятда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси кескин ошиши натижасида Хўжалик процессуал кодекси нормалари такомиллашиб, хўжалик судларига тааллуқли ишлар доираси тобора кенгайиб борди.

Хўжалик судларининг ишларни кўриш амалиёти юзасидан ўтказилган умумлаштиришлар асосида яратилган ушбу тўпламда

хўжалик судларининг фуқаролик ва маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга оид, процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашга оид, банкротлик тўғрисидаги ишларни кўришга оид, кассация инстанциясида ишларни кўришга оид амалиёти мисоллар асосида ёритиб берилган.

Тўпламнинг ҳажми Олий хўжалик суди томонидан 2008–2013 йиллар ҳамда 2014 йилнинг биринчи ярмида ўтказилган суд амалиётини умумлаштириш материалларини тўлиқ жойлаштириш имконини бермаганлиги сабабли, унда мазкур умумлаштириш материалларидан кўчирмалар жойлаштирилган.

Тўпламда амалиётда учрайдиган муаммоли вазиятлар, ҳуқуқ нормаларини қўллашдаги турлича амалиётни бирхиллаштиришга оид тавсиялар ҳам ўрин олган.

Илк бор хўжалик судларининг ишларни кўриш амалиёти алоҳида тўплам ҳолида чоп этилиши судлар фаолиятининг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Мазкур нашр амалий характерга эга бўлиб, ундан биринчи навбатда хўжалик суди судьялари ва ходимлари, прокурорлар, адвокатлар, юристлар ва ишда иштирок этувчи шахслар фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, у хўжалик судлов ишларини юритиш билан қизиқувчи барча шахслар ва кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган бўлиб, ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари ҳамда хўжалик судлари судьялари ва ходимларини тайёрлашда ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

Ишонамизки, ушбу тўплам хўжалик судларининг амалий фаолиятида фойдаланиш учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади ва судлар томонидан иқтисодий низолар тўғри ҳал қилинишига кўмаклашади.

Тўпламни чоп этишда яқиндан кўмаклашган Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)га ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

ТЎПЛАМДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ҚИСҚАРТИРИШЛАР

АБ – акциядорлик бирлашмаси;
АТБ – акциядорлик тижорат банки;
АТИБ – акциядорлик тижорат ипотека банки;
БК – Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси;
БЮД – божхона юк декларацияси;
ДАСК – Давлат акциядорлик суғурта компанияси;
ДАТЙК – Ўзбекистон Республикаси Давлат акциядорлик темир-йўл компанияси;
ДК – давлат корхонаси;
ДМҚ – Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси;
ДСБ – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси;
ДСИ – Давлат солиқ инспекцияси;
ДСҚ – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси;
ДУК – Давлат унитар корхонаси;
ЕК – Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси;
ЖК – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси;
ЖИЭК – жазони ижро этиш колонияси;
ЖК – жамоа корхонаси;
ИЧБ – ишлаб чиқариш бирлашмаси;
ИЧК – ишлаб чиқариш корхонаси;
ИИББ – Ички ишлар Бош бошқармаси;
ИЧТФ – ишлаб чиқариш тижорат фирмаси;
КТИЧСФ – кўп тармоқли ишлаб чиқариш савдо фирмаси;
КТХФ – кўп тармоқли хусусий фирма;
МТП – машина трактор парки;
МЧЖ – масъулияти чекланган жамият;
МХХ – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;
НКМ – назорат-касса машинаси;
ОАЖ – очиқ акциядорлик жамияти;

ОАТБ – очиқ акциядорлик тижорат банки;
СВОЖЖДЛҚК – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш;
СИЧХК – савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси;
СИЧФ – савдо ишлаб чиқариш фирмаси;
СК – Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси;
ССП – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси;
ТИФ Миллий банки – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки;
УК – унитар корхона;
УШК – унитар шўъба корхонаси;
ФК – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси;
ФХ – фермер хўжалиги;
ХПК – Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси;
ХФ – хусусий фирма;
ХИЧФ – хусусий ишлаб чиқариш фирмаси;
ХК – хусусий корхона;
ШК – шўъба корхонаси;
ҚК – қўшма корхона;
ҲАБ – ҳудудий акциядорлик бирлашмаси;
ЯТТ – якка тартибдаги тадбиркор;
ҚҚС – қўшилган қиймат солиғи;
ҚВП – қишлоқ врачлик пункти;
ХУЖМШ – хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати;
Нью-Йорк Конвенцияси – Нью-Йорк шаҳрида 1958 йил 10 июнда имзоланган «Чет давлатлар ҳакамлик қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида»ги Конвенция;
Киев Битими – Киев шаҳрида 1992 йил 20 мартда имзоланган «Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Битим;
Гаага Конвенцияси – Гаага шаҳрида 1954 йил 1 мартда имзоланган «Фуқаролик процесси масалаларига доир Конвенция».

1-боб. ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ СУД АМАЛИЁТИ

1.1. КЎЧМАС МУЛК ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАР ҲАМДА МОЛ-МУЛКНИ ИНСОФЛИ ЭГАЛЛОВЧИДАН ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ОИД СУД АМАЛИЁТИ (2006–2007 йиллар ва 2008 йилнинг 1-чораги)

1. Агар шартномада кўчмас мулкни сотиб олувчига топшириладиган тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ белгиланган бўлмаса, сотиб олувчига ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва бу кўчмас мулкдан фойдаланиш учун зарур бўлган муайян қисмига мулк ҳуқуқи ўтади.

«JANGOVAR» ХК хўжалик судига жавобгарлар АТБ «Ипак йўли», «AL-TOTUV» ЁАЖ, «SAN TREE DOYS» ҚК, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли Давлат нотариал идораси, «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» МЧЖ, Тошкент шаҳар ҳудудий суд қарорларини ижро этиш департаменти, «POYANDOZ» МЧЖ, Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, гаров шартномасини ҳамда олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, кредитор АТБ «Ипак йўли» қарздор «AL-TOTUV» ЁАЖга 189 500 000 сўм маблағни 2007 йил 4 февралгача қайтариш шарти билан кредитга берган. Кредит қайтарилишини таъминлаш мақсадида банк «JANGOVAR» ХКга тегишли бўлган умумий майдони 2 275 кв.м бўлган 3 711 кв.м ер майдонида жойлашган бир қаватли ишлаб чиқариш биносини ҳамда «SAN TREE DOYS» ҚКга тегишли ускуналарни гаров

шартномаси асосида гаров сифатида қабул қилган. Гаров шартномаси Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли Давлат нотариал идорасининг нотариуси томонидан рўйхатга олинган. Қарздор кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли, банк судга мурожаат қилган ва суднинг 10–0514/7144-сонли иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори билан ундирув гаровга олинган мол-мулкка қаратилган. Суднинг ушбу ҳал қилув қарорига асосан гаровга қўйилган мол-мулклар хатланиб, аукцион савдосига қўйилган ва 2005 йил 16 декабрь куни «POYANDOZ» МЧЖга сотилган.

«JANGOVAR» ХКнинг даъво аризасида гаров шартномаси алдаш, янглишиш асосида тузилганлиги, шартнома «Гаров тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддасига риоя этмасдан тузилганлиги, шартноманинг 2-бандига кўра бино ҳамда тегишли ер майдонининг ижара ҳуқуқи гаровга қўйилганлиги, бино бевосита жойлашган ер майдони эса шартномада кўрсатилмаганлиги, қонун ҳужжатларида бинолар, ёки иншоотлар ипотекасига фақат айни ўша шартнома бўйича бу бино ёки иншоот жойлашган ер участкасини, ёхуд бу участканинг гаровга қўйилаётган объект ишлаб туришини таъминлайдиган қисмини, ёхуд бу участканинг, ёки унинг тегишли қисмининг гаровга қўювчига тегишли ижарага олиш ҳуқуқини бир пайтнинг ўзида ипотека қилган ҳолдагина йўл қўйилиши лозимлиги асос сифатида келтирилган.

Биринчи ва кассация инстанциялари судлари томонидан ушбу низо бўйича асослантирилган ва қонуний қарорлар қабул қилинган. Чунки, биринчидан, гаров шартномасида бевосита бино жойлашган ер майдони кўрсатилмаганлиги бутун шартномани ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди. Иккинчидан, ФК 482-моддасининг учинчи қисмига кўра, агар шартномада кўчмас мулкни сотиб олувчига топшириладиган тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ белгиланган бўлмаса, сотиб олувчига ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва бу кўчмас мулкдан фойдаланиш учун зарур бўлган муайян қисмига мулк ҳуқуқи ўтади, яъни ушбу ер майдони шартномада кўрсатилмаган бўлса ҳам, унга бўлган мулк ҳуқуқи бино билан бирга сотиб олувчига ўтади. Шундай экан, олди-сотди шартномасида сотиб олувчига топширилаётган бино жойлашган ер майдонининг кўрсатилиши шарт ҳисобланмайди.

2. «Мулкчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2 ва 3-моддаларига кўра мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқини бошқа шахсларга беришга фақат ўзи ҳақлидир. Фуқаролик кодексининг 164-моддасига мувофиқ эса мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Тошкент шаҳар прокуратураси ДМҚ манфаатида жавобгарлар «Тошкент чинни заводи» ОТАЖ ва «Asian-transport group Incorporated» компаниясига нисбатан хўжалик судига даъво аризасини киритиб, «Бинокор» санаторий-профилакторий мажмуаси олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, хўжалик судининг 2000 йил 15 майдаги ҳал қилув қарори билан жавобгарнинг мол-мулкидан давлат бюджети олдидаги боқиманда қарзлари ҳисобига 80 683 200 сўм ундирилган. Ушбу ҳал қилув қарори асосида суд ижрочиси томонидан бошқа мол-мулклар қаторида «Бинокор» санаторий-профилакторий мажмуаси ҳам хатланган. Ушбу мажмуа бошқа инфраструктура объектлари билан бир қаторда жавобгарга ДМҚнинг 1994 йил 30 июндаги 450-к-ПО-сонли буйруғи асосида фойдаланиш учун, яъни тасарруф этиш ҳуқуқисиз берилган. Лекин низоли мажмуа 3 045 323 сўмга баҳоланиб, 2000 йил 26 декабрда 494-сонли олди-сотди шартномасига асосан фуқаро М. Ишбаевага сотилган. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан мазкур шартнома бекор қилинган ва ушбу ҳал қилув қарори кейинчалик апелляция инстанцияси судининг қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган.

Шунга қарамасдан, «Тошкент чинни заводи» ОТАЖнинг раҳбари 2002 йил 8 август куни Собир Раҳимов ДСИга хат билан мурожаат қилиб, корхонанинг бюджет олдидаги қарзини қоплаш учун давлат мулки бўлган «Бинокор» санаторий-профилакторий мажмуасини хатлашни сўраган. Туман ДСИ ходимлари томонидан 43 446 318 сўмга баҳоланган объект хатланиб, ДМҚнинг Тошкент

шаҳар бошқармасига савдога қўйиш учун юборилган. Тошкент муниципал биржаси марказида низоли санаторий-профилакторий мажмуаси «Asian-transport group Incorporated» компаниясига сотилган ва бу тўғрисида «Тошкент чинни заводи» ОТАЖ ва сотиб олувчи раҳбарлари томонидан олди-сотди шартномаси имзоланган. Шу сабабли, Тошкент шаҳар прокуратураси ДМҚ манфаатида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантириб, шартномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қонуний ҳал қилув қарори қабул қилган. Бунда суд санаторий-профилакторий мажмуаси «Тошкент чинни заводи» ОТАЖга фақат фойдаланиш учун берилганлигини, низоли мулк давлат мулки ҳисобланишини, унинг сотилиши Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган «Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига зид равишда амалга оширилганлигини асос қилиб кўрсатган. Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

ФКнинг 164-моддасига кўра мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мазкур ҳолатда «Тошкент чинни заводи» ОТАЖнинг санаторий-профилакторий мажмуасига нисбатан мулк ҳуқуқи бўлмаган. ДМҚ томонидан санаторий-профилакторий мажмуаси жавобгарга фақатгина фойдаланиш учун берилган. Амалдаги қонун ҳужжатларига асосан эса фақат мулкнинг эгаси уни тасарруф этиш ҳуқуқига ҳақлидир.

3. Даъвогарнинг савдони ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаби рад этилганда, кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаби ҳам рад этилади.

ДМҚ Тошкент вилоят бошқармасининг 2005 йил 31 мартдаги буйруғига асосан объектнинг дастлабки баҳоси 67 923 900 сўм деб белгиланган.

ДМҚ Тошкент вилоят бошқармаси ва «Аммофос» АЖ ўртасида тузилган олди-сотди шартномасига мувофиқ 2005 йил 21 октябрда бўлиб ўтган биржа савдосида объект АЖга 17 216 918 сўмга сотилган.

Вилоят прокуратураси хўжалик судига мурожаат қилиб, савдо ўтказиш жараёнида бир қатор қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилган, объект паст нархда сотилган деб ҳисоблаб, мазкур олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Даъвогар бунга асос қилиб Х. Сулайманова номидаги Суд–экспертиза республика Маркази томонидан «Иссиқхона»нинг бозор нархи 172 252 395 сўмга баҳоланганлигини, бундай объект давлат манфаатларига зарар етказган ҳолда паст нархда сотилганлиги учун ДМҚ Тошкент вилоят бошқармасининг мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг 205-моддаси 2-қисмининг «а» ва «б» бандлари ҳамда 208-моддаси асосида жиноят иши қўзғатилганлигини кўрсатган.

Иш ҳужжатларига кўра, ушбу объект Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги «2005–2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги ПҚ 29-сон Қарорида назарда тутилган. Ушбу Қарор ижросини таъминлаш мақсадида «Давлат мулк объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Низом талаблари асосида бундай тоифадаги объектларнинг бошланғич нархини белгилаш учун «Тошкент вилояти баҳолаш ва консалтинг маркази» жалб қилинган. Баҳолаш маркази томонидан иссиқхона бозор нархида 66 540 258 сўм ёки 62 892 АҚШ доллари миқдорида баҳоланган.

Биржа савдосига қўйилган иссиқхона узоқ вақтгача, яъни 2005 йилнинг апрелидан сентябрга қадар сотилмаганлиги, талабгорлар бўлмаганлиги боис «Давинком» ГИФнинг бош директори бошланғич нархни пасайтиришни илтимос қилиб, ДМҚнинг Тошкент вилоят бошқармасига мурожаат қилган.

ДМҚ Тошкент вилоят бошқармаси, «Хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат активлари бошланғич нархини босқичма-босқич пасайтириш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан объектнинг нархини пасайтиришга розилигини билдирган. Ушбу Низомда сотилмаётган объектларнинг нархи босқичма-босқич пасайтирилиши назарда тутилган, лекин сотиш нархи объектнинг

баланс қийматидан паст бўлмаслиги белгиланган. Иссиқхона объектининг баланс қиймати 17 749 400 сўмни ташкил этган ва биржа савдосида ҳам ушбу объект айнан шу нархда сотилган.

ФКнинг 381-моддасига мувофиқ қонунда белгиланган қоидалар бузилиб ўтказилган кимошди савдоси манфаатдор шахс талаби билан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Кимошди савдосини ҳақиқий эмас деб топиш кимошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан тузилган шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабабчи бўлади. Мазкур ҳолатда биржа савдолари қонун талабларига асосан ўтказилганлиги сабабли, суд даъво талабларини рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган. Биржа савдолари ҳақиқий эмас деб топилмаганлиги сабабли, шартномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб ҳам рад этилган.

4. ФК 379-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ фақат битта иштирокчи қатнашган аукцион ва танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

Даъвогар «Намангансувқурилиш» ОАЖга қарашли «6-механизациялашган кўчма колонна» ШК жавобгарлар Суд қарорларини ижро этиш Департаменти Наманган вилоят бўлими ва Тўрақўрғон туман бўлинмаси, Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги МЧЖ Наманган филиалига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, даъвогарга тегишли «Кисловодск» модулидан қурилган техникаларни сақлаш омбори биноси суд қарорига асосан мавжуд кредиторлик қарзи ҳисобига хатланиб ва қайтадан нотўғри ва арзон нархда баҳоланиб, аукцион савдосида сотилганлиги тўғрисидаги 2006 йил 7 апрелда тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ишга харидор «Эркин савдо файз» МЧЖ қўшимча жавобгар сифатида жалб этилган.

Иш ҳужжатларига кўра, вилоят хўжалик судининг 16–0503/925-сонли иши бўйича ундирувчи «Андижоннефт» УК фойдасига жавобгар «Намангансувқурилиш» ОАЖга қарашли «6-механизациялашган кўчма колонна» ШКдан 31 441 883 сўм ундирилган. Тўрақўрғон туман суд ижрочиси томонидан ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш мақсадида қарздорнинг молмулки хатланган. Мулкларни баҳолаш консалтинг сервис маркази қарздорга тегишли омбор биносини 2005 йил 1 апрель ҳолатига

19 011 239 сўмга баҳолаган. Суд ижрочиси ушбу хулосани ижро ишига қўшмасдан, ушбу объектни қайтадан нархлашни «Наманган кўчмас мулк ва сармоялар агентлиги» МЧЖга топширган.

«Наманган кўчмас мулк ва сармоялар агентлиги» МЧЖ мулкни 2006 йил 1 январь ҳолатига 8 516 735 сўмга баҳолаган. Ҳар иккала эксперт мутахассислар томонидан мулкнинг ҳақиқий ҳолати, унинг яроқлилик даражаси, хусусиятлари ўрганилмасдан, мулк эгаси экспертизага жалб этилмасдан хулоса берилган.

Бундан ташқари, аукцион савдо қатнашчиси «Эркин савдо файз» МЧЖ раҳбари А. Камалов бир вақтнинг ўзида бошқа қатнашчи «Бумеранг савдо сервиз» МЧЖда бош ҳисобчи лавозимида, «Эркин савдо файз» МЧЖнинг бош ҳисобчиси А. Инамов эса «Бумеранг савдо сервиз» МЧЖ раҳбари бўлиб ишлаши суд томонидан аукцион савдода бир киши қатнашган деб баҳоланган. Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги МЧЖда аукцион ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 6-бандига кўра, бир киши қатнашган аукцион савдо ўтказилмаган деб ҳисобланиши белгиланганлиги эътиборга олиниб, ФКнинг 381-моддасига асосан қарздорга тегишли «Кисловодск» модулидан қурилган техникаларни сақлаш омбори биноси аукцион савдосининг якуний баённомаси ва шунга асосан тузилган олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган.

5. ФКнинг 382-моддасида белгиланган асосларга ҳамда ушбу Кодекснинг 384-моддаси талабларига риоя этмаслик шартнома ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўла олмайди.

ФК 229-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган, ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкини берган шахсдан ўғирланган, ё бўлмаса уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли.

Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси даъвогар «Рико Петрол» МЧЖ манфаатида жавобгарлар Ўзбекистон банклари ассоциациясининг универсал биржа маркази Самарқанд филиали,

ТИФ «Миллий банк» Самарқанд бўлими ва «Самарқанд нефтгаз» МЧЖга нисбатан вилоят хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон банклари ассоциациясининг универсал биржа маркази Самарқанд филиали томонидан 2006 йил 12 май куни ўтказилган биржа савдосининг савдо баённомасини ва шу кунги қўшимча жавобгар ТИФ «Миллий банк» Самарқанд бўлими ва «Самарқанд нефтгаз» МЧЖ ўртасида тузилган кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, ТИФ «Миллий банк» Самарқанд бўлими томонидан банк балансида бўлган қурилиши тугалланмаган супермаркет биноси, 2 қаватли ишлаб чиқариш биноси ва компрессорлари 2006 йил 25 январь куни Ўзбекистон банклари ассоциациясининг универсал биржа маркази Самарқанд филиали орқали сотувга қўйилиб, 2006 йил 29 мартдаги 6-сонли кўчмас мулк олди-сотди шартномасига асосан «Рико Петрол» МЧЖга 93 427 260 сўмга сотилган.

Шартномада сотиб олинган кўчмас мулк учун тўлов жадвал асосида уч чоракка бўлиб, яъни 2006 йилнинг 2, 3-чоракларида 31 158 000 сўмдан, 4-чорагида эса 31 158 260 сўм тўланиши, тўловлар тўлиқ амалга оширилгандан кейин 10 банк иш кунида мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан сотиб олувчига топширилиши белгиланган.

Банк 2006 йил 3 май куни «Рико Петрол» МЧЖни 2006 йил 6 май кунига қадар биринчи тўловни амалга ошириши кераклиги, акс ҳолда мулкни олди-сотди шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирган. Ушбу огоҳлантириш хатига асосан «Рико Петрол» МЧЖ 2006 йил 5 май куни 1-сонли тўлов топшириқномаси билан 15 000 000 сўмни банк ҳисоб рақамига ўтказиб берган. Бироқ, банк шу куннинг ўзида ўтказиб берилган суммани шартнома бекор қилинганлигини важ қилиб қайтарган. 2006 йил 6 май куни ушбу сумма такроран банкка ўтказиб берилган, лекин банк томонидан қабул қилинмасдан яна «Рико Петрол» МЧЖга қайтарилган.

ТИФ «Миллий банк» Самарқанд бўлими ва «Рико Петрол» МЧЖ ўртасида 2006 йил 29 мартда тузилган кўчмас мулк олди-сотди шартномаси бекор қилинмасдан, банк бошқарувчисининг 2006 йил 12 майдаги хати билан низоли мулк қайтадан Ўзбекистон банклари ассоциациясининг универсал биржа марка-

зи Самарқанд филиали орқали сотувга қўйилган ва шу куннинг ўзида «Самарқанд нефтгаз» МЧЖга 93 427 260 сўмга сотилиб, кўчмас мулк олди-сотди шартномаси расмийлаштирилган.

Банк томонидан 2006 йил 16, 31 май кунлари хатлар билан «Рико Петрол» МЧЖ 2006 йил 1 июнга қадар тўловларни амалга ошириши шартлиги, акс ҳолда олди-сотди шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирилган. Шу сабабли, «Рико Петрол» МЧЖ 2006 йил 25 май куни 15 000 000 сўм, 27 май куни 10 000 000 сўм, 30 май куни 12 000 000 сўм, 31 май куни 13 300 000 сўм, жами 50 300 000 сўм банк ҳисоб рақамига ўтказиб берган ва банк томонидан ушбу пул маблағлари қабул қилиб олинган.

Суд, ТИФ Миллий банк Самарқанд бўлими ва «Рико Петрол» МЧЖ ўртасида кўчмас мулк олди-сотди шартномаси бекор қилинмасдан, банк томонидан низоли мулк яна Ўзбекистон банклари ассоциациясининг универсал биржа маркази Самарқанд филиали орқали ноқонуний равишда қайта сотувга қўйилиб, «Самарқанд нефтгаз» МЧЖга сотилганлигини эътиборга олиб, ФКнинг 382, 384-моддаларига мувофиқ, агар ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкинлиги, тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса, ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда шартнома ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлиги, тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланиши, шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилиши, бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина, ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкинлиги белгиланганлигига, бироқ ТИФ «Миллий банк» Самарқанд бўлими томонидан мазкур қонун та-

лабларига ва шартнома шартларига риоя этилмаганлигига асосланиб, даъво талабларини қаноатлантириш, биржа савдосининг савдо баённомасини ва ТИФ «Миллий банк» Самарқанд бўлими билан «Самарқанд нефтгаз» МЧЖ ўртасида тузилган кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

ТИФ «Миллий банк» Самарқанд бўлими ва «Самарқанд нефтгаз» МЧЖнинг кассация шикоятлари асосида кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган. Суд ФКнинг 382-моддасида белгиланган асослар ҳамда шу Кодекснинг 384-моддаси қоидаларига риоя қилинмаганлиги битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлмаслиги, даъвогар кўчмас мулк олди-сотди шартномасининг ноқонунийлигини исботламаганлиги, низоли мулк биржа орқали қонуний равишда сотиб олинганлиги, «Самарқанд нефтгаз» МЧЖ ФК 229-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ инсофли эгалловчи ҳисобланишидан келиб чиққан.

6. ФКнинг 484-моддасига мувофиқ кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома бўйича сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган кўчмас мулкни аниқ белгилаш имконини берадиган маълумотлар, шу жумладан кўчмас мулк тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлашганлигини белгилаш имконини берадиган маълумотлар кўрсатилган бўлиши шарт.

Шартномада бундай маълумотлар бўлмаса, бошқа шахсга топширилиши лозим бўлган кўчмас мулк тўғрисидаги шартни тарафлар ўзаро келишиб олмаган, тегишли шартнома эса тузилмаган ҳисобланади.

Даъвогар «Олтин водий» жамоа таъминот базаси жавобгарлар Андижон туман суд ижрочилари бўлинмаси, «Эксперт-Маг» баҳолаш маркази, «Андижонмулксавдо» МЧЖ ва «Андижон дунёси» КТИЧСФга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, суд ижрочиси томонидан «Олтин водий» жамоа таъминот базасининг хатланган мол-мулкини сотиш юзасидан ўтказилган аукцион савдоси ва шу савдо натижасида тузилган кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, кўчмас мулк олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, «Олтин водий» жамоа таъминот базасининг бино ва бошқа кўчмас мулки кадастр ҳужжатлари олинмасдан ҳамда суд ижрочиси ушбу кадастр ҳужжатларига асосланмасдан, «Олтин водий» жамоа таъминот базасининг бино ва бошқа кўчмас мулкини рўйхатдан ўтказиш ва хатлашда хатога йўл қўйиб, Б–1 ва Б–2 литерли бинолар ўрнига Б–2 литерли ҳамда бухгалтерия ва кадастр ҳужжатларида умуман мавжуд бўлмаган Б–3 литерли бинони ҳам қўшиб хатлаб, уларни сотувга қўйган. Кўчмас мулк олди-сотди шартномасига ва мулкни топшириш-қабул қилиш далолатномасига сотувга қўйилмаган ҳамда баҳоловчи томонидан баҳоланмаган Б-литерли омборхона ўртасида жойлашган Д-литерли навес, Б-литерли навес деб номланиб рўйхатга киритилиб, асоссиз сотилган. Натижада аслида сотувга қўйилмаган Д-литерли навес ноқонуний равишда Б-литерли омборхона деб ҳамда савдога қўйилмаган 1,8 га ер майдони, шу жумладан 1,1 га мевали боғ ва бошқа қурилиши тугалланмаган бинолар «Андижон дунёси» КТИЧСФга бепул ўтказиб берилган.

Суд ФКнинг 484-моддасига мувофиқ, кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома бўйича сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган кўчмас мулкни аниқ белгилаш имконини берадиган маълумотлар, шу жумладан кўчмас мулк тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлашганлигини белгилаш имконини берадиган маълумотлар кўрсатилган бўлиши шартлиги белгиланганлигига, ушбу Кодекснинг 116-моддасига кўра эса қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигига асосланиб, даъво талабларини қаноатлантириб, тўғри ва асосли қонуний қарор қабул қилган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2008 йил 22 майдаги 80-сонли қарори
билан тасдиқланган)

1.2. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН 2007 ЙИЛ ВА 2008 ЙИЛНИНГ 9 ОЙИ ДАВОМИДА ИЖАРА ШАРТНОМАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. «Ижара тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 4-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, мол-мулк эгаси ёки у вакил қилган идора мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқига эга бўлган ижарага берувчи ҳисобланади.

ФК 177-моддасининг 3-қисмига кўра, УК хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаровга қўйишга, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига ҳисса сифатида топширишга ёки бу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли эмас.

Даъвогар «John's Terminal» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Фан нашриёти» типографиясидан 48 914 287 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, ижарага олувчи «John's Terminal» МЧЖ билан ижарага берувчи «Фан нашриёти» типографияси ўртасида тузилган ижара шартномасига асосан ижарага берувчи 456,22 кв.м.дан иборат маъмурий бино ва омборхоналарни бир йил муддатга, яъни 2006 йил 31 декабргача ижарага берган. Мазкур шартнома 2006 йил 10 апрелда 190-сон билан рўйхатга олинган.

Ушбу ижара шартномаси юзасидан томонлар ўртасида 2006 йил 27 январда тузилган қўшимча келишувига мувофиқ, ижарага олувчи ижарага берувчининг розилиги билан ижарага берувчининг балансида бўлган нотураржой бинони таъмирлаш, фасадпардоз ишларини амалга ошириш мажбуриятини олган. Шунингдек, ижарага олувчига зарурат бўлганда 2006 йилнинг 26 январдаги №1 ва №2 режаларга мувофиқ жалб қилинган манбалар ва материаллар ҳисобидан текинга молиявий ва товар-хом ашё ёрдами бериш тўғрисидаги шартнома бўйича тегишли ташкилотларни жалб қилиб қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш юклатилган.

Ижарага берувчи қўшимча келишувнинг 3-бандига кўра, ижара шартномасининг 4-бандида кўрсатилган умумий 456,22 кв.м майдондаги нотураржой биноларни 2010 йил 31 декабргача бўлган муддатга ижарага топшириш мажбуриятини олган.

Қўшимча келишув 2007 йил 12 февралда 3495/25-сон билан кадастр хизматида рўйхатдан ўтган.

«Фан нашриёти» типографияси томонидан ижарачи «John's Terminal» МЧЖга ижарага олинган бинони 2007 йил 31 мартга қадар бўшатиш тўғрисида 2007 йил 5 январда хат юборилганлиги сабабли, «John's Terminal» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси киритиб, ижарага олинган бинога капитал таъмирлаш учун сарфланган 48 914 287 сўмни ундириб беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 5 мартдаги «Фанлар Академиясининг мақоми тўғрисида»ги 149-сон Фармонининг 3-бандига асосан асосий фондлар ва бошқа давлат мулклари бегоналаштириш ҳуқуқисиз Фанлар Академияси ихтиёрига мулк сифатида берилган.

«Фан нашриёти» типографияси Уставининг 4-бандига асосан типография Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, мулкдор Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг розилиги билан мулкни тасарруф этиш, ундан фойдаланиш, ижарага бериш, алмаштириш ва корхона балансига бериш ҳуқуқига эга.

Тарафлар томонидан 2006 йил 20 январда тузилган ижара шартномаси Фанлар Академияси Президенти томонидан 2006 йил 10 апрелда тасдиқланган бўлса-да, бироқ қўшимча келишув Фанлар Академиясига тасдиқлаш учун тақдим этилмаган.

ФК 177-моддасининг 3-қисмига кўра, УК хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаровга қўйишга, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига ҳисса сифатида топширишга ёки бу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли эмас.

«Ижара тўғрисида»ги Қонун 11-моддасининг 3-қисмида ижарага берувчининг рухсатисиз амалга оширилган яхшилашлар, агар уларни ижарага берилган мол-мулкка зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлмаса, шартноманинг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилингач, ижарага берувчига текинга ўтиши белгиланган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг даъвони қаноатлантириш тўғрисидаги қарорлари қайд этиб ўтилган моддий ҳуқуқ нормалари ва мулкдорнинг манфаатлари ҳисобга олинмасдан қабул қилинганлиги учун кассация инстанцияси суди қуйи инстанция судларининг қарорларини бекор қилиб, даъвони рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

2. «Ижара тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 11-моддасининг 3-қисмига асосан ижарага берувчининг рухсатисиз амалга оширилган яхшилашлар, агар уларни ижарага берилган мол-мулкка зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлмаса, шартноманинг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилингач, ижарага берувчига текинга ўтади.

ФКнинг 555-моддасига мувофиқ, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчи томонидан ижарага берувчининг розилигисиз амалга оширилган ва ижарага берилган мол-мулкдан ажратиб олиб бўлмайдиган яхшилашларнинг қиймати тўланмайди.

Даъвогар Фарғона вилоят Давлат мулкини бошқариш бошқармаси хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар вилоят маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармасидан 12 889 208 сўм ундиришни сўраган.

Тарафлар ўртасида 2006 йил 24 январда тузилган шартномада даъвогар жами 22 та хона учун жавобгарга йилига 8 177 690 сўм ижара ҳақи тўлаб бериши кўзда тутилган. Шартномада ушбу сумма 364,3 кв.м иборат 22 та хонага коммунал хизмат кўрсатиш баҳоси сифатида таснифланган ҳамда молия бошқармаси томонидан тасдиқланган сарф-харажатлар миқдорига асосан тузилганлиги кўрсатилган.

Даъвогар томонидан ушбу ижарага олинган умумий майдони 364,3 кв.м иборат бўлган 22 та хона ва йўлаклар таъмирланиб, жами 19 015 968 сўм маблағ сарфланган.

Даъвогар ва жавобгар томонидан тузилган далолатномага асосан мазкур таъмирлашга сарфланган маблағнинг 6 126 760 сўм қисми жавобгар томонидан даъвогарнинг ижара ҳақидан бўлган қарзи ҳисобига қабул қилинган.

Даъвогар таъмирлашга сарфланган харажатнинг қолган 12 889 208 сўм қисмини жавобгар тўлаб бериши лозимлигини баён қилиб, жавобгардан шу суммани ундириб беришни сўраган.

ФКнинг 548-моддасига кўра, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи мол-мулкни яхши ҳолда сақлаши, ижарага олинган мол-мулкни ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши ва сақлаш бўйича бошқа харажатларни қилиши ҳам лозим.

ФКнинг 555-моддасига мувофиқ агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчи томонидан ижарага берувчининг розилигисиз амалга оширилган ва ижарага берилган мол-мулкдан ажратиб олиб бўлмайдиган яхшилашларнинг қиймати тўланмайди.

«Ижара тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 11-моддасининг 3-қисмига асосан ижарага берувчининг рухсатисиз амалга оширилган яхшилашлар, агар уларни ижарага берилган мол-мулкка зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлмаса, шартноманинг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилингач, ижарага берувчига текинга ўтиши белгиланган.

Даъвогар фойдаланиш учун олган ижара объектини ўз ҳисобидан таъмирлаган бўлса-да, таъмирлаш ишларини бажариш учун жавобгар мулкдордан рухсат олмаганлиги туфайли хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг ижарага олган бинони яхшилаш учун таъмирлаш ишларига сарфлаган харажатларини ундириб бериш тўғрисидаги даъвоси рад этилган.

3. ФК 234-моддасининг биринчи қисмига асосан, мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса – қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Даъвогар «Резинотехника» ОАЖ хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар «Кўмир Файз» МЧЖдан 2 867 096 сўм асосий қарз, 240836 сўм пеня ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларига мувофиқ тарафлар ўртасида 2007 йил 15 сентябрда тузилган мулк ижара шартномасига кўра ижарага берувчи ижарачига К–700 русумли техникасини 6 ойга ижарага бериш, шартноманинг 4.2 бандига асосан ижарага олувчи фойда-

ланган мулк учун ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Даъвогар шартномага асосан К–700 русумли техникани шартномада белгиланган муддатда жавобгарга топширган, жавобгар эса ўз шартномавий мажбуриятларини тўлиқ бажармасдан 2007 йилнинг ноябрь, декабрь, ойлари ҳамда 2008 йилнинг январь, февраль, март, апрель ойлари учун жами 2 867 096 сўм ижара ҳақини тўламай келган. Бу қарз суммаси тарафлар ўртасида 2008 йил 6 март ҳолатига тузилган ўзаро солиштирма далолатномада ўз аксини топган.

ФКнинг 234-моддасига асосан кредитор қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шартноманинг 8.1-бандида тўлови кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов кечиктирилган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида пеня назарда тутилган.

ФКнинг 333-моддасига асосан, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Юқоридагиларга кўра, биринчи инстанция суди даъвони тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

4. Ижара ҳақининг шартномада келишилган муддатда ва миқдорда тўланмаганлиги бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланиш ҳисобланади ва ушбу маблағлар суммасига ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган фоизлар тўланиши мумкин.

Даъвогар «Кенжа Жавохир» ФХ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Гулистон автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармасидан 1 807 000 сўм асосий қарз ва бошқа шахсларнинг пул маблағларини тўлашни кечиктирганлиги ҳамда улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз ҳисобида 421 268 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан 1 807 000 сўм асосий қарз ва 25 298 сўм банк фоизи ундирилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогар жавобгарга 2005 йил 2 сентябрдаги ижара шартномасига асосан «МТЗ–80» русумли трак-

торни ижарага берган. Жавобгар трактордан 2005 йил сентябрь, октябрь, ноябрь ва декабрь ойларида фойдаланган. Бироқ, жавобгар тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлиги учун даъвогар 2006 йил 30 январда ҳисоб-фактурани унинг вакилига топширган. Қўшимча билдирги билан бу ҳисоб-фактура бўйича 1 807 000 сўм тўланиши лозимлиги маълум қилинган.

Шартномага кўра, тўловлар ҳар ойнинг 25-санасида калькуляцияга асосан амалга оширилиши лозим бўлса-да, даъвогар ҳар ойда калькуляция тақдим этмасдан, жамлаган ҳолда юқорида қайд этилган ҳисоб-фактурани жавобгарга топширган. Тўлов 2006 йил февраль ойида амалга оширилиши лозим бўлган, лекин даъвогар хўжалик судига 2007 йил 18 июнда даъво тақдим этган вақтида ҳам қарз тўланмаган, яъни жавобгар 16,5 ой давомида даъвогарга қарзни тўлаб бермасдан унинг маблағларидан фойдаланиб келган.

Даъвогар шартномада жавобгарлик чоралари белгиланмаганлиги сабабли Фуқаролик кодексининг 327-моддасига асосан жавобгар ижара ҳақи ҳисобидан тўлаши лозим бўлган пул маблағларини тўлашни кечиктирганлиги ҳамда улардан фойдаланганлиги учун ушбу маблағлар суммасига тўлов кечиктирилган кунлар учун банк фоизи ундиришни талаб қилган.

ФК 327-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш, ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш, ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши лозим.

Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундириб олинганида суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қоидалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланган бўлмаса қўлланилади.

Банк фоизининг ҳисоб ставкаси 14 фоизни ташкил этган бўлиб, тўлов кечиктирилган 16,5 ой учун жами 19,22 фоизни ташкил этади. Ўз навбатида тўлов кечиктирилган 1 807 000 сўмнинг 19,22 фоизи 347 305 сўмни ташкил қилади.

Биринчи инстанция суди томонидан асосий қарз иш ҳужжатлари билан тасдиқланганлиги учун 1 807 000 сўм ундирилган. Бироқ, банк фоизининг қарз суммасига нисбатан 14 фоиз миқдорида ҳисобланиши кўрсатилган бўлса-да, суд томонидан банк фоизининг ҳисоб ставкаси нотўғри равишда ҳисоб-китоб қилиниб, жавобгардан даъвогар фойдасига 25 298 сўм миқдорида банк фоизи ундирилган.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорининг банк фоизи ундириш қисмини ўзгартириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 347 305 сўм банк фоизи ундириш тўғрисида қарор қабул қилган.

5. Ижара ҳақининг шартлашилган муддатда ва миқдорда тўланмаганлиги ижара шартномасини жиддий равишда бузиш ҳисобланади ва бу ҳолат шартномани бекор қилиш учун асос бўлади.

Даъвогар Тошкент вилоят прокуратураси ЯТТ О. Туранов манфаатида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Хакипет» ҚКдан 3 500 000 сўм ижара ҳақини ундиришни, 2004 йил 1 октябрдаги 72-сон ижара шартномасини ва ушбу шартномага қўшимча равишда тузилган 2004 йил 1 ноябрдаги шартномани бекор қилиб, жавобгарни бинодан мажбурий чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, 2004 йил 1 октябрдаги ижара шартномаси ҳамда қўшимча шартнома бекор қилинган. «Хакипет» ҚК бинодан мажбурий чиқарилган ҳамда ЯТТ О. Туранов фойдасига 3 100 000 сўм ижара ҳақи ундирилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, ЯТТ О. Туранов ва «Хакипет» ҚК ўртасида 2004 йил 1 октябрдаги 72-сон ижара шартномасига асосан «ижарага берувчи» ўзига қарашли бўлган Ўртачирчиқ тумани, «Янги-ҳаёт» қўрғонидаги 19-уйнинг 73, 74 ва 75-хонадонларни «Хакипет» ҚК бир йил муддатга кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижарага бериб, ижарага олинган хонадонларнинг умумий ижара ҳақи бир ойга 100 000 сўм миқдорида белгиланган.

«Хакипет» ҚК ижарага олинган хоналардан 2007 йилнинг 1 сентябрга қадар фойдаланиб келган бўлса-да, ижара ҳақини тўламасдан келган. Натижада ижара ҳақидан жами 3 500 000 сўмлик қарздорлик вужудга келган. Бироқ, жавобгар 2007 йил

12 январдаги 1-сон юк хатига асосан даъвогарга 390 000 сўмлик маҳсулот берган. Бунинг натижасида жавобгарнинг ижара ҳақи тўловидан 3 110 000 сўмлик қарздорлиги қолган. Мазкур қарздорлик суммаси ишдаги далиллар билан ўз тасдиғини топган.

ФК 382-моддасининг иккинчи қисмига кўра тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Жавобгар ижара ҳақини ўз вақтида тўламаганлиги сабабли «ижарага берувчи» томонидан ижара шартномасини бекор қилиш ва уй-жойларни бўшатиш тўғрисида талабнома юборилган, бироқ у жавобсиз қолдирилган.

Юқоридагиларга кўра, биринчи инстанция суди даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида хулосага келган. Кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

6. ФК 544-моддасининг иккинчи қисмига асосан молмулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби, шартлари ва муддатлари мулк ижараси шартномаси билан белгиланади.

Даъвогар «Зухал» АЖнинг тугатиш бошқарувчиси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Чошгоҳ» МЧЖдан 3 600 000 сўм асосий қарз, 1 800 000 сўм пеня ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан ижара ҳақини ҳар ойда 5 000 сўмдан тўлашга келишилган ҳолда даъвогар жавобгарга ўров дастгоҳини ижарага берган.

Тугатиш бошқарувчиси даъво аризасида аудитор хулосасига кўра жавобгардан 3 600 000 сўм ижара ҳақини ундиришни сўраган бўлса-да, томонлар ўртасида тузилган шартномада белгиланган ижара ҳақи миқдоридан келиб чиқиб, жавобгарнинг ижара ҳақидан қарздорлиги қайта ҳисоб-китоб қилинганда қарз миқдори 80 000 сўмни ташкил қилган.

Суд ФКнинг 544-моддасига мувофиқ шартнома шартларидан келиб чиқиб, даъвони қисман қаноатлантириш, яъни жавобгардан даъвогар фойдасига 80 000 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

7. ФК 564-моддасининг иккинчи қисмига кўра, транспорт воситасини экипажсиз ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмаган ҳолда вақтинча эга-

лик қилиш ва фойдаланиш учун ижарага олувчига ҳақ эвазига беради.

Даъвогар Бухоро тумани «Работ қалмоқ техникаси» МТП МЧЖ даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Бухоро тумани «Боғи Қаҳҳор» ФХдан 3 000 000 сўм асосий қарз, 1 500 000 сўм пеня ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан 3 000 000 сўм асосий қарз ва 150 000 сўм пеня ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар ўртасида 2007 йил 5 мартда тузилган ижара шартномасига мувофиқ, даъвогар ўз тасарруфида бўлган тракторни ва пахта қатор орасига ишлов берувчи культиваторни 2007 йил 25 ноябрга қадар агротехник тадбирларни бажариш учун жавобгарга ижарага бериши, жавобгар эса ижара ҳақини тўлаб бериши лозим бўлган.

Шартноманинг 4.1 бандига кўра, «Ижарачи» ижарага олинган техникалар учун 2007 йил 25 ноябрга қадар тўлиқ ижара ҳақи тўлаши ва трактор ҳамда культиваторни далолатнома асосида МТПга келтириб топширишга келишилган. Аммо жавобгар шартномада белгиланган тўлов интизомига риоя қилмаган ва ижарага олинган техникаларни даъвогарга қайтариб топширмаган.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси суди қуйи инстанция судлари томонидан қабул қилинган қарорларни моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари талабларига мувофиқ деб ҳисоблаб, уларни ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган.

8. ФК 565-моддасининг иккинчи қисмига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Даъвогар «Нав Жим Ғаллакор» ФХ даъво ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Оташ-Нур» МЧЖдан 3 600 000 сўм ижара ҳақини ундириш, жавобгар билан тузилган ижара шартномасини бекор қилиш ва ижарага берилган мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан олиб беришни сўраган.

Иш ҳужжатларига мувофиқ, томонлар ўртасида 2005 йил 26 апрелда тузилган ижара шартномасининг 1.1 бандига кўра, ижарага берувчи ижарага олувчига «ВТ–150Л» русумли тракторини фойдаланиш учун топширириши, ижарага олувчи тракторни қабул

қилиб олиш ва шартномага асосан ижара ҳақи тўловларини тўлаб бориш мажбуриятини олган.

Бироқ ФК 565-моддасининг иккинчи қисмига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак бўлса-да, ушбу шартнома нотариал тасдиқланмаган.

Бундан ташқари, даъвогар даъво аризасида ижарага олувчига «ВТ–150Л» русумли тракторини ижарага берганлигини билдирган бўлса-да, тракторни топшириш-қабул қилиш далолатномасини, ижара ҳақи тўловларини амалга оширмаганлиги юзасидан 2005–2006 ва 2007 йилларда берилган талабномаларни, даъво талабларини бошқа исботловчи далилларни, шунингдек шартноманинг асл нусхасини судга тақдим этмаган.

Биринчи инстанция суди мазкур ижара шартномаси нотариал тасдиқланмаганлиги ҳамда даъвогар томонидан тракторнинг ижарачига топширилганлигини тасдиқловчи далиллар судга тақдим этилмаганлигини инобатга олиб, ХПКнинг 55-моддасини қўллаб, даъво талабларини рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

9. ФК 574-моддасининг 3-қисмига мувофиқ, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Даъвогар «Нилуфар-Ю» ХФ судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, жавобгар «Файз Диона сервис» ХКни Фарғона шаҳар У. Юсупов кўчаси 5-уйдан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар ўртасида 2007 йил 2 январда тузилган ижара шартномасига мувофиқ, даъвогар ўзига тегишли бўлган Фарғона шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 5-уйда жойлашган бинонинг 20 кв.м жавобгар «Файз Диона сервис» ХКга 2007 йил 31 декабрга қадар ҳар ой учун 50 000 сўмдан, бир йил учун жами 600 000 сўм миқдорида ижара ҳақи тўлаш шарти билан ижарага берган.

Шартноманинг 5.2-бандига кўра, ижарага олувчи ижара муддати тугашига 30 кун қолганида ижара объектидан фойдаланиш истагини билдирмаса, ижара муддати тугаши билан далолатномага асосан уни топшириши ва топшириш давомида аниқланган камчилик ва нуқсонларни ўз ҳисобидан бартараф этиш лозимлиги белгиланган.

Даъвогар шартноманинг 5.1-банди талабидан келиб чиқиб, 2008 йил 17–30 январь кунларида жавобгарни ёзма равишда огоҳлантириб, эгаллаб турган ижара объектини бўшатишни талаб қилган.

ФКнинг 228-моддасига мувофиқ мулкдор ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли.

Жавобгарнинг мулк даъвогарга тўлиқ тегишли эмаслиги ва мулкка нисбатан унинг ҳам улуши борлиги тўғрисидаги важини суд инобатга олмаган. Чунки фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2007 йил 6 июндаги ажримига асосан даъвогарларнинг даъвоси рад этилган ҳамда 2007 йил 9 октябрдаги ТА № 0359242-сон мулкка эгалик қилувчи гувоҳномага асосан хусусий мулк даъвогар раҳбарига тегишли эканлиги қайд қилинган.

ХПК 60-моддасининг 3-қисмида умумий суднинг фуқаролик иши бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган хўжалик суди учун умумий суднинг ҳал қилув қарорида аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга алоқадор ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийлиги белгиланган.

ФК 574-моддасининг 3-қисмига мувофиқ бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Мазкур ҳолатда ижара шартномасининг амал қилиш муддати 2008 йил 1 январда тугаган бўлиб, жавобгар шу пайтдан бошлаб бинони ноқонуний эгаллаб турган.

Хўжалик суди даъвогарнинг даъво талабини асосли деб топиб, уни қаноатлантириш, жавобгар «Файз Диона сервис» ХКни ноқонуний эгаллаб турган уйдан мажбурий тартибда чиқариш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

10. ФК 578-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси бекор қилинганида ижарага олинган бино ёки иншоот ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда ижарага берувчига қайтарилиши лозим.

Даъвогар С. Раҳимов туман 33-оилавий поликлиникаси даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «DILSHOD DENTA» ХФни бинодан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар ўртасида 2007 йил 1 январда тузилган ижара шартномасига мувофиқ ижарага берувчи С. Раҳимов туман 33-оилавий поликлиникаси ижарачи «DILSHOD DENTA» ХФга С. Раҳимов тумани, Калонов кўчаси, 1-уйда жойлашган умумий майдони 248,9 кв.метр бўлган бинони ижарага бериш, ижарачи эса шартномада назарда тутилган ижара ҳақи ва бошқа тўловларни белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Шартноманинг 2.1-бандига асосан ижара ҳақи 1 йил учун 1 182 315 сўм миқдорида белгиланган. Шартноманинг 1.1-бандига кўра, унинг амал қилиш муддати 2007 йил 1 январдан 2007 йил 31 декабрга қадар белгиланган.

Ижарачи «DILSHOD DENTA» ХФнинг шартнома муддатини узайтириш тўғрисидаги 2008 йил 7 январдаги хатига ижарага берувчи 33-оилавий поликлиника 2008 йил 8 январдаги жавоб хатида шартнома муддатини узайтиришга розилик билдирмаган.

Ижарага берувчи ижарачига 2008 йил 27 февралдаги хат билан ижара шартномасининг муддати тугаганлиги сабабли 5 кун муддат ичида эгаллаб турган бинони бўшатишни сўраган. Бироқ, ижарачи томонидан ижарага берувчининг ушбу талаби бажарилмаган. Ваҳоланки, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 5.20-бандига кўра, шартнома муддати тугагач, шартномани узайтиришга ижарага берувчининг розилиги бўлмаган тақдирда, ижарачи эгаллаб турган бинони 5 кун муддат ичида бўшатиши шартлиги белгиланган.

Кассация инстанцияси суди қуйи инстанция судлари тўғри хулосага келган деб ҳисоблаб, суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида қарор қабул қилган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2008 йил 27 ноябрдаги 170-сонли қарори билан тасдиқланган)

1.3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИНГ ШАРТНОМАЛАРНИ ТУЗИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ЮЗАСИДАН СУД АМАЛИЁТИ (2008 йил ва 2009 йилнинг биринчи ярми)

1. ФКга ёки бошқа қонунларга мувофиқ шартнома тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шартнома тузишга мажбур қилиш тўғрисидаги ишлар хўжалик судига тааллуқлидир.

Даъвогар «KOMMUNAL TONG» ХУЖМШ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «New World Organization L.T.D» корхонасини шартнома тузишга мажбур қилишни сўраган.

«KOMMUNAL TONG» ХУЖМШ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 123-сонли уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмаси бўлиб, 2006 йил 1 январда ташкил этилган.

Даъвогар даъво аризасида 123-уйга тегишли ер майдонининг бир қисмида 1994 йилда қурилган яшаш учун мўлжалланмаган бино бўлиб, мазкур бино «Мухадамин Хожи» ХКга тегишли эканлиги, ХК уни «New World Organization L.T.D» корхонасига 2004 йил 1 июлдаги шартномага асосан ижарага берганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган «Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом (кейинги ўринларда матнда Низом деб юритилади) 7-бандининг 3-кичик бандига асосан яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг мулкдори (арендага олувчи, ижарага олувчи) ўзига тегишли жойга техник хизмат кўрсатиш, кўп квартирали уйлардаги умумий фойдаланиладиган жойларни сақлаш ва таъмирлаш, коммунал хизматлар бўйича харажатларни шартномада ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлашга мажбурлиги, «New World Organization L.T.D» корхонаси ширкат билан шартнома тузишдан бош тортганлигини асос қилиб, жавобгарни шартнома тузишга мажбур қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган. Жавобгар уйни сақлаш ва таъмирлаш

бўйича умумий харажатларда иштирок этиш бўйича даъвогар билан шартнома тузишга мажбур қилинган.

Суд ҳал қилув қарорида «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан жавобгар даъвогар билан шартнома тузишга мажбур эканлиги, Низом 7-бандининг 3-кичик бандига кўра яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг мулкдори ўзига тегишли жойга техник хизмат кўрсатиш, кўп квартирали уйлардаги умумий фойдаланиладиган жойларни сақлаш ва таъмирлаш, коммунал хизматлар бўйича харажатларни шартномада ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлашга мажбурлиги ҳақидаги моддий ҳуқуқ нормаларга асосланган ҳолда жавобгарни шартнома тузишга мажбурлаш ҳақида хулосага келган.

Бироқ Низом 7-бандининг 3-кичик бандида яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг мулкдори (арендага олувчи, ижарага олувчи) ўзига тегишли жойга техник хизмат кўрсатиш, кўп квартирали уйлардаги умумий фойдаланиладиган жойларни сақлаш ва таъмирлаш, коммунал хизматлар бўйича харажатларни шартномада ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлашга мажбурлиги кўрсатилган бўлса-да, қонунда **ижарага олувчи** ширкат билан шартнома тузишга мажбур эканлиги кўрсатилмаган.

«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг бешинчи бандига кўра, ширкатнинг кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори билан муносабатлари улар ўртасида мажбурий тартибда тузиладиган шартнома билан тартибга солинади. Мазкур модданинг олтинчи қисмига кўра, кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори шартнома тузишдан бўйин товлаган тақдирда, ширкат шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этишга ҳақли.

2. Шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Вазиятнинг тарафлар олдиндан кўра билганларида шартномани умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиладиган

шартлар билан тузишлари мумкин бўлган даражада ўзгариши унинг жиддий ўзгариши ҳисобланади.

Даъвогар «Меҳригиё» ФХ жавобгарлар «Қизилтепа пахта тозалаш» АЖ ва Кармана туман ҳокимлигига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, пахта хом ашёси ва уруғлик харид қилиш бўйича 2008 йил 24 январда тузилган контрактация шартномасини 1.2-бандини ўзгартиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, Кармана туман ҳокимининг 2007 йил 14 декабрдаги қарорига асосан даъвогарга туман захира ерларидан қўшимча 34,8 га ер майдони (шундан 33,2 га экин ери) ажратилган ва ҳоким қарори билан ФХнинг умумий ер майдони 370,3 гани, шундан экин ерларига мўлжалланган ер майдони 43,2 га.ни ташкил этиши белгиланган. Туман ҳокимининг қарори Навоий вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланган. Бироқ, даъвогарга қўшимча равишда ажратилган ер майдонлари илгари Марказий ўрмон хўжалиги томонидан фойдаланиб келинган бўлган. Ўрмон хўжалиги ФХга ҳоким қарори билан ажратилган ер майдонларини ихтиёрий топширишдан бош тортиб, туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида хўжалик судига мурожаат қилган.

Суднинг 2008 йил 14 майдаги ҳал қилув қарори билан ҳоким қарори ҳақиқий эмас деб топилган. Натижада даъвогар билан ҳокимият ўртасидаги 34,8 га ер майдонини ижарага бериш тўғрисидаги шартнома тузилмасдан қолган.

Бироқ даъвогар туман ҳокимининг 2007 йил 14 декабрдаги қарори билан ажратилган ер майдонлари унга топширилишига ишониб ўлчаб топширилмаган ерлар ҳисобига ҳам «Қизилтепа пахта тозалаш» АЖ билан 2008 йил ҳосили учун 2008 йил 24 январда контрактация шартномасини тузган.

Мазкур шартномага асосан ФХ муқаддам ўзига тегишли бўлган 5,0 га ҳамда унга ҳоким қарори билан ажратилган 27,4 га жами 32,4 га ердан 90,7 т, яъни ҳар га.дан 2,8 т пахта хом ашёсини етиштириб бериш мажбуриятини олган.

Ваҳоланки, даъвогарнинг жами 10 га экин ери бўлиб, унинг 5 га.га ғалла ва қолган 5 га.ига пахта экилган. 5 га пахта экилган майдондан шартномада кўрсатилган 90,7 т пахта олиш имкони мавжуд бўлмаганлиги учун даъвогар жавобгар «Қизилтепа пахта тозалаш» АЖга контрактация шартномаси шартларини

ўзгартиришни сўраб 2008 йил 2 июнда 8-сонли хат билан мурожаат қилган. Бироқ, «Қизилтепа пахта тозалаш» АЖдан тегишли жавобни олмаган.

ФК 383-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Вазиятнинг тарафлар олдиндан кўра билганларида шартномани умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиладиган шартлар билан тузишлари мумкин бўлган даражада ўзгариши унинг жиддий ўзгариши ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосан, суд даъвони қисман қаноатлантириб, шартнома 1.2-бандининг биринчи қисмини ўзгартиришни лозим топган. Унга кўра, даъвогар 5 га ер майдонидан 14 т, яъни ҳар га.дан 2,8 т пахта хом ашёсини етказиб бериши лозимлиги белгиланган.

3. Офертани акцептлаш учун белгиланган муддатда олган шахснинг унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари (товарларни жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳ.к.), агар қонун ҳужжатларида ёки офертада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки кўрсатилмаган бўлса, акцепт ҳисобланади.

ССП Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар Фарғона «Пахтасаноат» ҲАБ манфаатини кўзлаб хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Электрохимзавод» ЁАЖ ҚК томонидан йўлланган оферта (шартнома лойиҳаси) бўйича юборилган келишмовчиликлар баённомасининг 1.1, 2.2, 2.3, 4.2, 9.1 ва 9.2-бандларини қабул қилишга жавобгарни мажбурлашни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, «Электрохимзавод» ЁАЖ ҚК томонидан Фарғона «Пахтасаноат» ҲАБга 2007 йил 23 ноябрда «Кимёвий препаратлар етказиб бериш тўғрисида» 734-сонли шартнома лойиҳаси (оферта) йўлланган.

Даъвогар шартнома лойиҳаси шартларининг айрим бандлари билан келишмаганлиги учун «Электрохимзавод» ЁАЖ ҚКга шартнома лойиҳасини келишмовчиликлар баённомаси билан қайтарган.

«Электрохимзавод» ЁАЖ ҚК даъвогар томонидан юборилган келишмовчиликлар баённомасининг 3.1, 3.2, 5.4 ва 7.1-бандларини қабул қилиб, қолган 1.1, 2.2, 2.3, 4.2, 9.1 ва 9.2-бандларини қабул қилишни рад этган.

Бироқ, мазкур юборилган оферта (шартнома лойиҳаси) асосида Фарғона «Пахтасаноат» ҲАБ 2007 йилнинг 16 декабридан 26 декабригача «Электрохимзавод» ЁАЖ ҚК ҳисоб рақамига 1 204 728 772 сўм пул маблағини ўтказиб, корхонадан 1 200 007 500 сўмлик кимёвий препаратларни олиб кетган. Даъвогарнинг бу хатти-ҳаракати унга йўлланган офертани акцептлаганидан далолат беради.

ФК 370-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, офертани акцептлаш учун белгиланган муддатда олган шахснинг унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари (товарларни жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳ.к.), агар қонун ҳужжатларида ёки офертада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки кўрсатилмаган бўлса, акцепт ҳисобланади.

Юқоридагиларга кўра, суд даъво талабини рад этишни лозим деб топган.

4. Шартномани ўзгартириш тўғрисидаги низолар юзасидан тарафлар ўртасида тузилган келишув битими, агар у қонун ҳужжатларига хилоф бўлмаса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаса, суд томонидан тасдиқланади.

Даъвогар «XINJIANG BORTOLA BRAVE INDUSTRAL TRADE Co LTD» компанияси жавобгар ДМҚ Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, учинчи шахс Тошкент шаҳар муниципал биржа Марказига нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, 2000 йил 24 ноябрдаги олди-сотди шартномасининг 2.4-бандини ўзгартиришни сўраган.

Тошкент шаҳар муниципал биржа Маркази томонидан ташкил этилган биржа савдолари натижасида тарафлар ҳамда учинчи шахс ўртасида 2000 йил 24 ноябрда қурилиши тугалланмаган тўрт қаватли бинога (ертўласи билан) мулк ҳуқуқини бериш шарти билан олди-сотди шартномаси имзоланган.

Шартноманинг 2.2, 2.3, 3.3-бандларига асосан даъвогар сотиб олинган бино қийматини 2001 йил 24 февралга қадар тўлаш, жа-

вобгар эса тўловлар тўлиқ амалга оширилгандан сўнг даъвогарга давлат ордерини бериш мажбуриятини олган.

Бундан ташқари, шартноманинг 2.4-бандига асосан даъвогар икки йил муддат ичида қурилиши тугалланмаган бинога 3 000 000 АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш мажбуриятини олган.

Даъвогар шартноманинг ушбу шартини бажариш учун қўшимча қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилганлигини, бунинг учун эса ер ажратиш ва қурилишни амалга оширишга рухсат берувчи ваколатли давлат органлари томонидан ўз вақтида рухсат берилмаганлигини асос қилиб, шартноманинг ушбу бандини ўзгартиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида тарафлар ва учинчи шахс ўртасида даъвогар томонидан инвестиция мажбуриятларини амалга ошириш муддатлари бўйича келишув битими тузилиб, судга тақдим этилган.

Келишув битимида даъвогар шартнома бўйича инвестиция мажбуриятларини бўлиб-бўлиб 2009 йил 31 декабрга қадар бажариш, жавобгар эса даъвогарнинг инвестиция мажбуриятларини бўлиб-бўлиб 2009 йил 31 декабрга қадар бажаришга розилик бериш мажбуриятини олган.

Судга тақдим этилган келишув битими қонун ҳужжатларига хилоф эмаслиги ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги инобатга олиниб, апелляция инстанцияси судининг 2008 йил 13 июндаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилинган ва келишув битими тасдиқланиб, иш юритиш тугатилган.

5. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин. Акс ҳолда даъво кўрмасдан қолдирилади.

Даъвогар «IRRIGATOR QURILISH PLYUS» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар

«Джахонгир-И» ХК билан тузилган 2007 йил 3 мартдаги шартномани бекор қилишни сўраган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, тарафлар ўртасида 2007 йил 3 мартда олди-сотди шартномаси тузилган. Мазкур шартномага асосан даъвогар ўзига тегишли бўлган магазин биносини сотиш, жавобгар эса мулкнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Даъвогар даъво аризасида корхонанинг собиқ раҳбари магазин биносининг кадастр баҳосини аниқламасдан туриб шартнома тузганлигини билдириб, шартномани бекор қилишни сўраган.

ФК 384-моддасининг иккинчи қисмига кўра, бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олингандан кейингина, ёки таклифда кўрсатилган, ёхуд қонунда ёикни шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

ХПК 88-моддасининг 5-бандига кўра, даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, хўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдиради.

Биринчи инстанция суди томонидан ишни кўриш жараёнида даъвогар шартномани бекор қилиш ҳақида жавобгарга таклиф юбормаганлигини аниқлаган. Яъни, даъвогар низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этмаган.

Шунинг учун, суднинг 2009 йил 19 мартдаги ажрими билан даъво кўрмасдан қолдирилган.

6. Тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан келиб чиққан низоларни суд ҳал этишда шартнома лойиҳаси шартларининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид эмаслигидан келиб чиқиши лозим.

Даъвогар «Навоий иссиқлик электр станцияси» ОАЖ даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Навоий конметаллургия комбинати» ДК томонидан 2008 йил 14 февралда йўлланган хўжалик ичимлик сувини фойдаланиш учун етказиб бериш тўғрисидаги 1/215-сонли шартнома лойиҳаси (оферта) бўйича юзага келган келишмовчиликларни ҳал этишни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъвони қисман қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар жавобгар томонидан юборилган шартнома лойиҳаси (оферта)нинг айрим бандлари билан келиша олмасдан, жавобгарга шартнома лойиҳасининг 1.1, 4.1 ва 4.2-бандлари бўйича келишмовчиликлар баённомасини юборган. Бироқ, жавобгар келишмовчиликлар баённомасида кўрсатилган шартларни қабул қилишга розилик билдирмаган.

Биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори билан шартнома лойиҳасининг 4.2-банди қуйидаги матнда тузилишини белгилаган:

– жорий йилнинг 5 санасигача шартноманинг 4.3-бандига мувофиқ ҳолда тузилган солиштирма далолатнома бўйича «Навоий кон-металлургия комбинати»нинг ҳисоб рақамига 15 фоиз тўловлар пул ўтказиш йўли билан олдиндан ўтказилади. Қолган 85 фоиз тўловлар 60 кун ичида ҳисоб-китоб даври тугагач тўлаб берилади. Тўлов тарафлар келишуви билан схема кўринишида амалга оширилиши мумкин. Агар ойлик солиштирма далолатнома тузиладиган кунда «Навоий кон-металлургия комбинати»нинг «Навоий иссиқлик электр станцияси» ОАЖ олдида қарздорлиги мавжуд бўлса, олдиндан тўловлар талаб қилинмайди.

Биринчи инстанция суди шартноманинг 1.1 ва 4.1-бандларини улар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилганлиги учун ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган. Суд ушбу бандлардаги шартларни амалдаги қонун ҳужжатларига, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1994 йил 24 апрелда 44-рақам билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида Коммунал сув таъминоти тизимидан фойдаланиш Қоидалари»га мувофиқ деб ҳисоблаган.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция суди низони тўғри ҳал этган деб ҳисоблаб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

7. Бир тараф шартнома шартларини тўла ёки қисман бажармаса ва шартномада бир тарафнинг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги шартномани бекор қилишга асос бўлиши тўғрисидаги тарафлар келишуви мавжуд бўлса, шартнома бир томонлама бекор қилиниши мумкин.

«Бўстон агромаш файз» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси ДМҚнинг 2008 йил 16 майдаги 88-сонли шартномани бекор қилишга қаратилган хатти-ҳаракатларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суднинг 2009 йил 15 январдаги ажрими билан «Тўрткўл-сувқурилиш» ОАЖ ва Тўрткўл туман ДСИ ишга учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2009 йил 23 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарорига асосан «Тўрткўлсувқурилиш» ОАЖнинг 54,3 фоиз давлат улуши 2008 йил 28 мартда ўтказилган тендер савдосига чиқарилган ҳамда тендер савдосида «Бўстон агромаш файз» МЧЖ тендер ғолиби деб эълон қилинган.

«Бўстон агромаш файз» МЧЖ, «Тўрткўлсувқурилиш» ОАЖ ва Қорақалпоғистон Республикаси ДМҚ қўмитаси ўртасида 2008 йил 16 майда 88-сонли олди-сотди шартномаси тузилган. Шартномага кўра «Бўстон агромаш файз» МЧЖ шартнома имзоланган кундан бошлаб уч ой муддатда 30 000 000 сўм миқдоридаги кредиторлик қарзларини ва ишчиларнинг иш ҳақларини тўлаб бериши ҳамда транспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлари ва ТТЗ–80 русумли трактор олиб келиш учун 70 000 000 сўмлик инвестиция киритиши лозим бўлган.

ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

«Бўстон агромаш файз» МЧЖ шартнома мажбуриятларини бажармаган, Қорақалпоғистон Республикаси ДМҚга бизнес-режада кўрсатилган соф фойдани олганлиги (шартноманинг 3.6-банди), инвестицион мажбуриятларни бажарганлиги тўғрисида ҳар ойда маълумот, ҳар чоракда эса ҳисобот (шартноманинг 3.13-банди) топширмаган. Шунинг учун, Қорақалпоғистон Республикаси ДМҚ 2008 йил 16 майдаги шартномани бир томонлама бекор қилган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 5.5-бандида сотиб олувчи томонидан шартнома мажбурияти бажарилмаган тақдирда шартнома бир томонлама бекор қилиниши мумкинлиги қайд этилган.

ФК 382-моддасининг тўртинчи қисмига биноан, бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувида бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

Кассация инстанцияси суди Қорақалпоғистон Республикаси ДМҚнинг шартномани бекор қилиш бўйича хатти-ҳаракатини қонуний деб топиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2009 йил 29 октябрдаги 112-сонли қарори билан тасдиқланган)

1.4. 2007–2009 ЙИЛЛАРДА ХЎЖАЛИК СУДЛАРИДА ДАЪВО МУДДАТИГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. ФКнинг 152 ва 159-моддаларига биноан даъво муддати фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади ва бундай ариза берилганда суд иккинчи тарафнинг аризасига кўра даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги сабабини узрли деб топган ҳолда, даъво муддатини тиклаши мумкин.

Даъвогар «Йўл-Лойиҳа-Бюроси» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар Тошкент тумани Йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш корхонаси ҳисобидан 323 132 сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзи ва 161 566 сўмлик неустойкани ундиришни сўраган. Шунингдек, даъвогар ўтказиб юборилган даъво муддатини узрли деб топиш ҳақида ариза тақдим қилган.

Биринчи инстанция судининг 2007 йил 26 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво муддати тикланиб, даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилган.

Даъвогар ва жавобгар ўртасида 2003 йил 1 декабрь куни тузилган шартномага асосан даъвогар таъмирлаш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиққан. Бажарилган 323 132 сўмлик лойиҳа ишлари жавобгар томонидан 2003 йил 18 декабрь куни далолатнома асосида қабул қилиб олинган. Шартноманинг 2.2 ва 2.3-бандларига кўра, жавобгар 30% миқдорида аванс тўловини амалга ошириш, ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида бажарувчига

қолган суммани тўлаш мажбуриятини олган. Бироқ, буюртмачи томонидан бажарилган ишлар учун тўлов амалга оширилмаганлиги сабабли даъвогар 2007 йил февраль ойида судга даъво киритган.

Ишни кўриш куни жавобгар суд мажлисига келмаган ва даъво муддатини қўллаш ҳақида мурожаат қилмаган. Суд ХПКнинг 130-моддасига асосан ишни жавобгар иштирокисиз кўрган.

ФКнинг 152-моддасига биноан бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади ва даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

Ушбу Кодекснинг 159-моддасига кўра, башарти суд даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги сабабини узрли деб топса, бузилган ҳуқуқ ҳимоя қилиниши керак.

Қайд қилинган нормаларга асосан даъво муддати фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади ва бундай ариза берилганда, суд даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги сабабини узрли деб топса, даъво муддатини тиклаши мумкин.

Мазкур ҳолатда жавобгар суд мажлисига келмаган ва суддан даъво муддатини қўллашни сўрамаган. Шу сабабли, суд даъво муддатини қўллаш ҳақидаги масалани кўрмаган ва низони мазмунан ҳал қилган.

2. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган ва низоли) тўғрисидаги талабларга ФКнинг 150-моддасида белгиланган умумий даъво муддати жорий этилади.

«Бунёдкор» МЧЖ судга мурожаат қилиб, АТ «Пахтабанк» билан тузилган 2004 йил 19 апрелдаги гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида жавобгар даъво аризасига эътироз билдириб, даъво муддати ўтганлиги сабабли, даъвони рад этишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, 2004 йил 30 март куни АТ «Пахтабанк» ва «Сирожиддин Бизнес» ХИЧТФ ўртасида 36-сонли кредит шартномаси имзоланган. Ушбу шартноманинг 3.2-

бандига асосан кредит мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида учинчи шахснинг мол-мулки гаровга олинган.

Шундан сўнг тарафлар ўртасида кредит таъминоти сифатида 2004 йил 19 апрелда уч томонлама гаров шартномаси имзоланган. Гаровга «Бунёдкор» МЧЖга қарашли, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чиғатой-Оқтепа ҚФЙ, Шифобахш сув кўчаси, 4-уйда жойлашган объектлар қўйилган.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъвогар «Пахтабанк»нинг фойдасига 5 486 910 сўм қарз ундирилиб, ундирув жавобгар «Бунёдкор» МЧЖнинг гаровга қўйилган мол-мулкига қаратилган.

Аниқланишича, гаров шартномаси нотариал тартибда расмийлаштирилган, бироқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган. Бу ҳолат Тошкент вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг маълумотномасида ўз аксини топган.

ФКнинг 112-моддасига кўра эса, битимнинг нотариал шакли ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Тарафлар ўртасида тузилган гаров шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб бермайди ва у ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Ишни кўриш жараёнида судга жавобгар томонидан даъво муддатини қўллаш ҳақида ариза тақдим этилган.

ФКнинг 153-моддасига кўра, даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади. Қўллаш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Бундай ҳолатда суд гаров шартномаси 2004 йил 19 апрелда тузилганлигидан, уни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб билан даъво қилиш муддати ўтиб кетганлигидан келиб чиқиб, мазкур низо юзасидан даъво муддатини қўллашни лозим деб топган ҳамда даъвони рад этган.

Кассация инстанцияси судининг 2009 йил 23 ноябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

3. ФКнинг 157-моддасига кўра, даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво кўзғатилиши билан, шунинг-

дек мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилади. Яъни, мажбур шахс томонидан даъво муддатининг ўтиши даврида (уч йиллик мобайнида) қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан даъво муддатининг ўтиши узилади.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси «20-трест» МЧЖнинг 9-сон Кўчма механизация колоннаси манфаатини кўзлаб хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Ромитан туманидаги Марказий шифохонасидан 5 552 000 сўмлик бажарилган ишлар ҳақи ва тўлов кечиктирилганлиги учун 2 776 000 сўм неустойка ундиришни сўраган.

Суднинг 2008 йил 28 октябрдаги ажрими билан Ромитан тумани Қизил-Ровот ҚВП ишга қўшимча жавобгар сифатида жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2008 йил 17 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, Ромитан тумани Қизил-Ровот ҚВПдан «20-трест» МЧЖнинг 9-сон Кўчма механизация колоннаси фойдасига 5 130 000 сўм асосий қарз суммаси ундирилган.

Иш апелляция ва кассация тартибида кўрилмаган.

Ишни кўриш жараёнида жавобгар пудратчи томонидан қурилиш ишлари 2004 йилда бажарилганлиги ва ФКда белгиланган даъво муддати ўтганлиги сабабли даъвони рад этишни сўраган.

Ромитан тумани Марказий шифохонасининг 2008 йил 24 январдаги буйруғига асосан пудратчи олдидаги 5 130 000 сўмлик қарздорлик Ромитан тумани Қизил-Ровот ҚВПга ўтказилган. Суд ушбу қарздорлик Қизил-Ровот ҚВП томонидан қабул қилиб олинганлигини, ФКнинг 157-моддасига асосан даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво қўзғатилиши билан, шунингдек мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилишини инобатга олиб, даъвони қисман қаноатлантириш тўғрисида хулосага келган.

Биринчи инстанция суди томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликка йўл қўйилган.

ФКнинг 157-моддасига кўра, даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво қўзғатилиши билан, шунингдек мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши

билан узилади. Яъни, мажбур шахс томонидан даъво муддатининг ўтиши даврида (уч йиллик мобайнида) қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан даъво муддатининг ўтиши узилади.

Мазкур ҳолатда тарафлар ўртасида тузилган пудрат шартномаси бўйича ишлар 2004 йил март ойида бажарилган ва далолатномалар расмийлаштирилган. Шартномада тўловлар ишни қабул қилиб олгандан кейин Ф–2 ва Ф–3 шаклдаги далолатномалар асосида амалга оширилиши белгиланган. Шу боис пудратчининг бажарилган ишлар учун тўловларни амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқи 2004 йил март ойида вужудга келган ва даъво муддатини ўтиши шу даврдан бошланиб, 2007 йил март ойида тугаган. Ромитан тумани Марказий шифохонасининг 2008 йил 24 январдаги 20-сонли буйруғига асосан пудратчи олдидаги 5 130 000 сўмлик қарздорлик Ромитан тумани Қизил-Ровот ҚВПга ўтказилган. Қизил-Ровот ҚВП томонидан қарздорлик далолатнома асосида даъво муддати ўтгандан кейин қабул қилиб олинган.

4. Мажбур шахс томонидан қарз эвазига ашёни олиш таклиф этилиши қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракат ҳисобланади ва даъво муддатининг ўтишини узилишига олиб келади. Бундай ҳолатда даъво муддати ўтказиб юборилган деб ҳисобланмайди, чунки ФК 157-моддасининг иккинчи қисмига кўра, узилишдан кейин даъво муддатининг ўтиши янгидан бошланади.

2005 йил 1 июнь куни «Кушан» МЧЖ ва «Наманганагросаноатқурилиш» ОАЖ ўртасида маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган. Ушбу шартномага асосан «Кушан» МЧЖ «Наманганагросаноатқурилиш» ОАЖга 2005 йилнинг июнь ва октябрь ойларида жами 8 074 000 сўмлик қурилиш маҳсулоти етказиб берган. Бироқ, харидор томонидан етказиб берилган маҳсулотнинг қиймати тўлаб берилмаган ва шу сабабли «Кушан» МЧЖ 2009 йил март ойида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Наманганагросаноатқурилиш» ОАЖдан 8 074 000 сўм асосий қарз ҳамда тўлов кечиктирилганлиги учун 4 037 000 сўм неустойка ундириб беришни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида жавобгар ФКнинг 150-моддасида белгиланган уч йиллик даъво муддати ўтганлиги сабабли даъвони рад этишни сўраган.

Даъвогар вакили суд мажлисида уч йил давомида жавобгарга бир неча бор маҳсулот ҳақини тўлаш масаласида мурожаат қилинганлигини, жавобгар қарзни тан олса-да, томонлар келиша олмаганликларини, хўжалик судига 2008 йилнинг август ва сентябрь ойларида даъво аризаси билан мурожаат қилинганлигини, бироқ хўжалик суди даъво аризаларини қайтарганлигини важ қилиб, ФКнинг 150, 154 ва 157-моддаларига асосан ўтказиб юборилган даъво муддатини узрли деб топиш ҳақида илтимосномани тақдим қилган.

Биринчи инстанция судининг 2009 йил 1 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан 8 074 000 сўм асосий қарз ва 403 700 сўм неустойка ундирилган.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг маҳсулот ҳақини тўлаб бериш тўғрисида бир неча бор қилган мурожаатига жавобгар томонидан 2008 йилнинг май ойида даъвогарга қарз эвазига «ЗИЛ» русумли автотранспорт воситасини олишни таклиф қилинганлигини, автотранспорт воситасининг ҳолати даъвогарни қониқтирмаганлиги боис, томонлар келишувга келмаганликларини, яъни даъвогар даъво муддати ўтгунга қадар қарзни ундириш чораларини кўрганлигини асос қилиб, ФКнинг 159-моддасига биноан даъво муддатини ўтказилиши сабабларини узрли деб топган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Кассация инстанцияси судининг 2009 йил 13 июлдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

5. Даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво қўзғатилиши билан узилади. Даъво аризасининг ХПК 118-моддасига асосан қайтарилиши даъво муддатининг узилишига олиб келмайди.

Даъвогар «Сурайё» ФХ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Бўз пахта тозалаш» АЖдан жами 4 136 169 сўм пеня ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2007 йил 26 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 3 308 935 сўм пеня ундирилган, даъвонинг қолган қисми рад этилган.

Иш апелляция ва кассация тартибида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида 2004 йил 2 январда ва 2005 йил 21 январда контрактация шартномалари

тузилган. Ушбу шартномаларга асосан даъвогар жавобгарга 2004 йилда 27 600 кг, 2005 йилда эса 35 900 кг пахта хом ашёси етказиб берган.

Контрактация шартномаларининг 4.3-бандида жавобгарга етказиб берилган маҳсулот қийматининг 80 фоизи маҳсулот топширилгандан сўнг 7 кун ичида тўлаб берилиши, 20 фоизи эса кейинги йилнинг 31 август кунигача тўланиши белгиланган.

Жавобгар томонидан шартномавий мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаган, маҳсулот ҳақининг 80 фоизи шартномада белгиланган 7 кунлик муддатда тўланмаган. Бу ҳолатлар тарафлар томонидан тақдим этилган маълумотномалар билан ўз исботини топган.

Жавобгарнинг 2004 йил пахта ҳосили бўйича даъво қилиш муддати ўтиб кетганлиги ҳақидаги важини биринчи инстанция суди инобатга олган. Чунки, ФКнинг 157-моддасига кўра, даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво қўзғатилиши билан, шунингдек мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогар томонидан охирги маҳсулот 2004 йил 8 ноябрда топширилган. Жавобгар томонидан маҳсулот ҳақи шартномага мувофиқ 2004 йил 15 ноябрда тўланиши лозим бўлган. Даъвогарнинг даъво қилиш муддати ФКнинг 150-моддасига мувофиқ 2007 йил 16 ноябргача бўлган. Даъвогар томонидан 2007 йил 24 октябрда белгиланган тартибда даъво қўзғатилиши билан умумий даъво муддати ўтиши узилган.

Шу сабабли, биринчи инстанция суди даъво аризасини мазмунан кўриб чиқиб, уни қисман қаноатлантириш тўғрисида қонуний хулосага келган.

6. Белгиланган тартибда даъво қўзғатиш ёки мажбур шахснинг қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатлари даъво муддати давомида амалга оширилган ҳоллардагина, даъво муддати узилган деб ҳисобланади.

ССП Бухоро вилоят бошқармаси «Мардона» ХИЧФ манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Бил-ол» ХФдан 29 973 000 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2008 йил 25 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2008 йил 15 октябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2008 йил 1 декабрдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2009 йил 23 мартдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

«Мардона» ХИЧФ билан «Бил-ол» ХФ ўртасида 1998 йил 25 декабрда жами баҳоси 50 000 000 сўм бўлган 200 т пахта момиғи етказиб бериш ҳақида ҳамда 1999 йил 10 мартда жами баҳоси 79 730 000 сўм бўлган 119 т пилла етказиб бериш ҳақида шартномалар имзоланган. Шартномалар шартларига кўра, жавобгар даъвогарга олдиндан 100 фоизлик тўловларни амалга ошириши, шундан сўнг даъвогар маҳсулотни етказиб бериши лозим бўлган. Бироқ, жавобгар олдиндан 100 фоизлик тўловларни амалга оширмаганлиги, тўловларни кечиктирганлиги учун даъвогар унга нисбатан юқорида қайд этилган 2 та шартнома бўйича жами 27 973 000 сўм неустойка ҳисоблаб, жавобгардан ундириб беришни сўраган.

Иш ҳужжатларидаги жавобгар томонидан судга тақдим этилган илтимосномада даъво муддатини қўллаш сўралган.

ФКнинг 153-моддасига асосан, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади. Қўлланилиши тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Даъвогар тарафлар ўртасида 1998 – 1999 йилларда тузилган шартномалар бўйича мажбуриятлар жавобгар «Бил-ол» ХФ томонидан бажарилмаганлиги ҳақидаги даъво билан 2005 йил 28 мартда хўжалик судига мурожаат қилган.

Шу сабабли, суд даъво муддати даъвогар томонидан ўтказиб юборилганлиги ҳақида тўғри хулосага келган.

Даъвогарнинг 2004 йил 4 декабрда тарафлар ўртасида тузилган ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномасига асосан жавобгар томонидан даъво суммаси тан олинганлиги ҳолати даъво муддатининг узилиши ва янгидан ҳисобланишига асос бўлиши ҳақидаги важи суд томонидан асосли равишда инобатга олинмаган. Чунки даъво муддати солиштириш далолатномаси тузилгунга

қадар тугаган (биринчи шартнома бўйича–2001 йил 26 декабрда, иккинчи шартнома бўйича – 2002 йил 11 мартда). Қонун нормаларининг (ФК 154, 157-моддалари) мазмунига кўра, тугаган даъво муддати узилмайди, балки у узрли сабабларга (ФК 159-моддаси) кўра суд томонидан тикланиши мумкин.

Иш биринчи инстанция судида кўрилаётган пайтда жавобгарнинг даъво муддатини қўллаш ҳақидаги талаби мавжуд бўлиб, даъвогар томонидан даъво муддатини қўлламасликка асос бўладиган далиллар келтирилмаган ва даъво муддатини тиклаш ҳақида (узрли ҳолатлари кўрсатилган ва тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда) илтимоснома берилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

7. Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади ва қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Самарқанд вилоят «Сувоқова» ИЧБ Самарқанд вилоят хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарлар Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими ва Самарқанд шаҳар молия бўлимидан 26 186 197 сўм асосий қарз, 1 471 103 сўм пеня, жами 27 657 301 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2007 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, Самарқанд вилоят «Сувоқова» ишлаб-чиқариш бирлашмаси фойдасига жавобгар Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлимидан 2 314 031 сўм асосий қарз ундирилган. Даъвонинг қолган қисми рад этилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Кассация инстанцияси судининг 2007 йил 26 июндаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Самарқанд вилоят «Сувоқова» ИЧБ билан Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими ўртасида 2006 йил 3 январда коммунал оқова тармоқларидан фойдаланиш ва оқова сув қабул қилиш тўғрисида 114-сонли шартнома тузилган.

Шартномага биноан «Сувоқова» ИЧБ ҳар м³ оқова сувларни 132 сўмдан қабул қилиш, мижоз эса оқова сувларни оқизганлиги

учун календарь ой тамом бўлганидан кейин 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш, кўрсатилган хизматлар учун 15 фоиз тўловни олдиндан амалга ошириш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 1.4-бандида оқизиладиган оқова сув сув ўлчагич асбоби орқали ишлатган сув миқдорига тенг қилиб олиниши, марказлаштирилган иссиқлик сув таъминоти бўлган тақдирда оқова сув миқдори 1.3 коэффициентга кўпайтириб олиниши, 1.5-бандида оқизилган оқова сув миқдори ишлатилган сув миқдоридан кам бўлган ҳолларда «мижоз» «Сувоқова» ИЧБ ўрнатган муддатда оқизилган оқова сувлар ҳисобини «Сувоқова» ИЧБга беришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Самарқанд вилоят «Сувоқова» ИЧБнинг даъво аризасида Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлимидан унга қарашли бўлган умумтаълим мактаблари, болалар боғчалари ҳамда МТМларнинг оқова хизматидан фойдаланганлиги учун жами 27 657 301 сўм ундириш сўралган.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг жавобгардан 126-сонли болалар боғчасида сарфланган оқова сувнинг қарздорлигини ундириш ҳақидаги талабига нисбатан ўз ташаббуси билан даъво муддатини қўллаб, даъвонинг ушбу қисмини рад этиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Кассация инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига даъво муддатини қўллаш ҳақидаги ариза жавобгар томонидан берилмасдан, суднинг ташаббуси билан нотўғри қўлланилганлиги сабаб бўлган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2010 йил 23 апрелдаги 46-сонли қарори
билан тасдиқланган)

1.5. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН 2008–2009 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА БИТИМЛАРНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШГА ДОИР НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. Зўрлик таъсирида тузилган битим жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

«Зумрад ёғду» ФХ жавобгар «Тошкентдонмаҳсулот» ОАЖ-га нисбатан хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида 2008 йил 23 апрелда тузилган 1212-сонли контрактация шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида 2008 йил 23 апрелда тузилган 1212-сонли контрактация шартномаси маҳаллий ҳокимият идораларининг мажбурлови билан тузилган бўлиб, аслида тарафлар ўртасида давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон харид қилиш бўйича 2007 йил 22 ноябрда тузилган 1208-сонли контрактация шартномаси мавжуд бўлган.

Ушбу 1208-сонли контрактация шартномасига кўра, даъвогар – хўжалик жавобгар – тайёрловчига 2008 йил ҳосилидан 23 га ер майдонидан 3-синф 34,5 тонна буғдой топшириш мажбуриятини олган. Тарафлар ўртасидаги ушбу шартнома бекор қилинмасдан, 2008 йил 23 апрелда 1212-сон билан даъвогар – хўжалик 37 га ер майдонидан 3-синф 60,5 тонна буғдой топшириш мажбуриятини олганлиги ҳақида шартнома тузилган.

ФК 123-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ зўрлик таъсирида тузилган битим жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шу боис, суд даъво талабини асосли деб ҳисоблаб, уни қаноатлантирган.

2. Алдаш йўли билан тузилган битим жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Даъвогар «Гўзал ҳаёт» ФХ даъво аризасида кредитор АТ «Ғаллабанк» Сирдарё вилоят филиали, кафил «Гўзал ҳаёт» ФХ, қарздор ЯТТ Д. Каримбердиева ўртасида тузилган кафиллик

шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни, ЯТТ Д. Каримбердиевадан етказилган 1 800 000 зарарни ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилмаган.

Аниқланишича, АТ «Ғаллабанк» Сирдарё вилоят филиали ва ЯТТ Д. Каримбердиева ўртасида тузилган кредит шартномаси юзасидан кредитнинг қайтарилишини таъминлаш мақсадида кафил сифатида «Гўзал ҳаёт» ФХ билан кафиллик шартномаси тузилган.

ФК 102-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ шартнома тузиш учун икки ёки уч ёхуд ундан кўп тараф келишиб хоҳиш билдирган бўлиши керак.

«Гўзал ҳаёт» ФХ раҳбари ушбу кафиллик шартномаси тузилганлигидан хабардор бўлмаган. ЯТТ Д. Каримбердиеванинг турмуш ўртоғи С. Исломов ушбу банкда ишлаганлиги ва у айнан «Гўзал ҳаёт» ФХнинг банкдаги операцияларини олиб борганлиги, у томонидан кафиллик шартномасига ФХнинг муҳри ва раҳбарининг имзоси алдов йўли билан қўйдириб олинганлиги кўрсатмалари билан тўлиқ тасдиқланган.

Ишни кўриш жараёнида кафиллик шартномаси банк ходими С. Исломов томонидан алдов йўли билан расмийлаштирилганлиги ва бунинг натижасида «Гўзал ҳаёт» ФХнинг ҳисоб рақамидан ЯТТ Д. Каримбердиеванинг кредит қарздорлиги бўйича 1 800 000 сўм ундириб олинганлиги аниқланган.

ФКнинг 123-моддасига асосан алдаш йўли билан тузилган битим жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қайд этилганларни инобатга олиб, суд даъво талабларини тўлиқ қаноатлантириб, тарафлар ўртасида тузилган кафиллик шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш, жавобгар ЯТТ Д. Каримбердиевадан даъвогар фойдасига 1 800 000 сўм зарарни ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган.

3. Давлат корхонаси ўзига бириктириб қўйилган молмулкни унинг мулкдорининг розилиги билангина бошқа шахсга беришга ёки уни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли. Ушбу талабга риоя этилмасдан тузилган битим, манфаатдор шахс томонидан келтирилган даъво асосида суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙК хўжалик судига мурожаат этиб, жавобгарлар «Sardor-Kom Biznes» МЧЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙКнинг 406-сонли ихтисослашган «Қурилиш-монтаж поезди» ДУК, АТ «Туронбанк» марказий амалиёт бошқармасига нисбатан улар ўртасида тузилган кафиллик шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙК Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 ноябрдаги 551-сонли қарорига асосан ташкил этилган. Ушбу қарорнинг 1-сонли иловасига асосан 406-сонли ихтисослашган «Қурилиш-монтаж поезди» ДУК даъвогарнинг таркибига кирувчи ДУК ҳисобланиб, унга мол-мулк оператив бошқариш ҳуқуқи билан берилган, яъни даъвогар ушбу ДУК ягона таъсисчиси ҳисобланади.

406-сонли ихтисослашган «Қурилиш монтаж поезди» ДУК, «Sardor-Kom Biznes» МЧЖ ва АТ «Туронбанк» МАБ ўртасида тузилган кафиллик шартномасида «Sardor-Kom Biznes» МЧЖ ва банк ўртасида имзоланган кредит шартномасига асосан ажратилган кредитнинг қайтарилишини таъминлаш белгиланган.

ФК 179-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ДУК ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни унинг мулкдорининг розилиги билангина бошқа шахсга беришга ёки уни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли.

Бироқ, жавобгар ДУК раҳбари «Sardor-Kom Biznes» МЧЖнинг банк олдидаги кредит қарзини қайтарилишини таъминлаш мақсадида мулкдорнинг розилигини олмасдан, кафиллик шартномасини имзолаган.

406-сонли ихтисослашган «Қурилиш-монтаж поезди» ДУК Низомига кўра, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙК ДУКнинг мулкдори ҳисобланиши, ДАТЙКнинг рухсати билан корхона қонун асосида мулкка эгалик қилиши ва бошқариши белгиланган бўлиб, унда мулкни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи мавжуд эмас.

ФКнинг 126-моддасига асосан агар юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб

қўйилганига нисбатан ёинки битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлса, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган, ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қайд этилганларга асосан, суд кафиллик шартномасини ҳақиқий эмас деб топган.

4. Ишнинг ҳолатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ муайян далиллар билан тасдиқланиши керак бўлса, бошқа далиллар билан тасдиқланиши мумкин эмас. Шартномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни кўришда суд шартномани талаб қилиб олиши ва унга ҳуқуқий баҳо бериши шарт.

Оҳангарон туман ҳокими хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Оқ тулпор чавандоз» ФХ билан 23,6 га ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини ва ер ресурслари Давлат кадастри хизмати томонидан берилган 079237-сонли гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, Оҳангарон туман ҳокимининг 2002 йил 26 январдаги 28-сонли қарори билан «Оқ тулпор чавандоз» ФХ ташкил этилиб, унга 23,6 га ер майдони ажратилган ва ер участкасига бўлган ҳуқуқ рўйхатга олинганлиги тўғрисида 079237-сонли гувоҳнома берилган.

Ижара шартномаси бекор қилинмаган бўлса-да, Оҳангарон туман ҳокими ФХ фойдаланиб келаётган ер майдонини туман захира фондига қайтариб олиш тўғрисида 2007 йил 13 августда 274-сонли қарор чиқарган.

Ишни кассация инстанцияси судида кўриш жараёнида иш ҳужжатларида даъвогар томонидан ҳақиқий эмас деб топиш сўралган шартнома мавжуд эмаслиги аниқланган.

Бундан ташқари, даъво аризасида ФХга туман ер ресурслари Давлат кадастри хизмати томонидан берилган №079237-сонли гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш талаби қўйилган бўлса-да,

биринчи инстанция суди томонидан ушбу гувоҳномани берган орган ишга жалб қилинмаган ва даъво юзасидан унинг фикри сўралмаган.

Қайд этилганларга асосан кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юборган.

5. Вакил қилинмаган шахс томонидан бошқа шахс номидан тузилган ёки ваколатлардан ташқари чиқиб тузилган битим ваколат берган шахс ушбу битимни кейинчалик маъқуллаган тақдирдагина унинг учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Битим тузишга ваколат берган шахс битимнинг ижрога қабул қилинганлигидан гувоҳлик берувчи ҳаракатлар қилган ҳолда ҳам бундай битим маъқулланган ҳисобланади.

«ANVARBEK» ФХ даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Янгибозор туман ҳокимининг 2008 йил 29 октябрдаги 714-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Янгибозор туман ҳокимлиги хўжалик судига қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «ANVARBEK» ФХ билан тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни ва ФХни тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан дастлабки даъво тўлиқ, қарши даъво талаблари эса қисман қаноатлантирилган. Қарши даъвонинг ФХни тугатиш ҳақидаги қисми рад этилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Янгибозор туман ҳокимининг 2004 йил 17 январдаги 263-сонли қарорига асосан «ANVARBEK» ФХга 25,1 га ер майдони ажратилган ва туман ҳокимлиги билан ФХ ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида шартнома тузилган. ФХ қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, ижарага берилган ер майдонидан фойдаланиб келган.

Янгибозор туман ҳокимлиги 2008 йил 29 октябрда 714-сонли қарори билан ижара шартномаси асосида даъвогарга ажратиб берилган ер майдонини туман захира ер фондига қайтариб олган.

Биринчи инстанция суди Янгибозор туман ҳокимлиги ва «ANVARBEK» ФХ ўртасида тузилган 2004 йил 22 январдаги

ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси ФХ раҳбари томонидан эмас, балки мансаб мавқеи ва фамилияси кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланганлигини, яъни шартномани имзолаш ваколати берилган ёки берилмаган шахс томонидан имзоланганлигини асос қилиб, шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилиши лозимлиги ҳақида хулосага келган.

ФКнинг 132-моддасига кўра, вакил қилинмаган шахс томонидан бошқа шахс номидан тузилган ёки ваколатлардан ташқари чиқиб тузилган битим ваколат берган шахс ушбу битимни кейинчалик маъқуллаган тақдирдагина унинг учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Битим тузишга ваколат берган шахс битимнинг ижрога қабул қилинганлигидан гувоҳлик берувчи ҳаракатлар қилган ҳолда ҳам бундай битим маъқулланган ҳисобланади.

Битим тузишга ваколат берган шахс томонидан битимнинг кейинчалик маъқулланиши уни тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий битимга айлантиради.

Биринчи инстанция суди ушбу шартноманинг тузилиш сабаблари юзасидан ФХ раҳбарининг фикрини аниқламаган.

ФК 113-моддасининг биринчи қисмига кўра, битим ушбу Кодексда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли (низоли битим) ёки бундай деб топилишидан қатъи назар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим).

Ҳал қилув қарорида тарафлар ўртасида тузилган шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилиши лозимлиги қайд этилган. Лекин ҳал қилув қарорида суднинг ушбу хулосаси асослантириб берилмаган. Аксинча, шартнома ФКнинг 126-моддаси асосида ҳақиқий эмас деб топилиши кўрсатилган. Яъни, суд шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини ёки низоли шартнома эканлигини асослантириб бермаган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди ФХ билан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисидаги шартномани ҳақиқий эмас деб топиб, туман ҳокимининг ФХни тугатиш тўғрисидаги даъво талабини рад қилган.

Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисидаги шартнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда ер майдони ижарага берувчига ўтиши лозим. Ер майдони фермер хўжалигидан

туман ҳокимлиги захира фондига ўтказилган тақдирда ФХни тугатишни рад қилиш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ўрганилмаган.

Қайд этилганларга асосан кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

6. Агар шахс шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган бўлса, ушбу шартнома айнан шу шахснинг даъвоси асосида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Даъвогар «268-ХИКМК» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Марғилон магистрал автомобиль йўлини эксплуатация қилиш бўлими ва «268-ХИКМК» ОТАЖ ўртасида тузилган олди-сотди ва ўзаро ҳамкорлик шартномаларини ҳақиқий эмас деб топишни, шартнома асосида тарафлар бир-бирларига берган мулкларни асл ҳолича қайтариб бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

«268-ХИКМК» ОТАЖ ҳамда Марғилон автомобиль йўллар бошқармаси (Шарқий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослашган таъмирлаш фойдаланиш ДКнинг Марғилон филиали) ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик шартномаси ҳамда «268-ХИКМК» ОТАЖ ва Фарғона автомобиль йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси ўртасида тузилган бино ва иншоотларни олди-сотди тўғрисидаги шартномалар ҳақиқий эмас деб топилиб, тарафлар зиммасига шартнома асосида бир-бирларига берган мулкларни (пул маблағларини) асл ҳолича қайтариш мажбурияти юклатилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «268-ХИКМК» ОТАЖ ҳамда Марғилон автомобиль йўллар бошқармаси (Марғилон АЙБ) ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик шартномасида «268-ХИКМК» ОТАЖ ўзининг балансида бўлган ТП–250-трансформатор подстанцияси, «козловой кран», «ГПР» газ ва электр тармоқларини Марғилон АЙБга бепул бериши кўрсатилган.

Шунингдек, «268-ХИКМК» ОТАЖ (сотувчи) билан Фарғона автомобиль йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси (со-

тиб олувчи) ўртасида тузилган бино ва иншоотларни олди-сотди шартномасига асосан сотувчи ўзига тегишли бўлган икки қаватдан иборат маъмурий бино, материаллар, тайёрлаш цехи, механика устахонаси, козловой кран, артезиан қудуғи, металл тўсиқлар, темир бетон тўсиқлар, сўриток майдонларни сотиш, (сотиб олувчи) эса мазкур мулклар учун жами 37 554 200 сўм ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Даъвогар тарафлар ўртасида тузилган шартномалар, кўчмас мулкларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари қонун талабларига асосан тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги ҳақидаги важ билан юқорида қайд этилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топишни, шартнома асосида тарафлар бир-бирларига берган мулкларни асл ҳолича қайтариб бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Кассация инстанцияси суди, биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган, апелляция инстанцияси суди эса бу хатога эътибор бермаган.

Тарафлар ўртасида тузилган бино ва иншоотларни олди-сотди тўғрисидаги шартномада сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган мулклар аниқ кўрсатилган. Шунингдек, шартноманинг 3.4-бандида ҳужжатларни расмийлаштириш ва давлат кадастр рўйхатидан ўтказиш мажбурияти сотувчи, яъни, даъвогар «268-ХИКМК» ОТАЖ зиммасига юклатилган.

ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Даъвогар шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган. Шунинг учун ушбу шартнома айнан даъвогарнинг даъвоси асосида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Фарғона вилоят хўжалик судининг 15–0402/1378-сонли бошқа хўжалик иши бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорига асосан Фарғона автомобиль йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси билан тарафлар ўртасида тузилган бино ва иншоотларни олди-сотди шартномаси асосида сотиб олинган мулклар учун тўланиши лозим бўлган 23 197 230 сўм «268-ХИКМК» ОТАЖ фойдасига ундирилган.

Қайд этилганларга асосан кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳамда апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, даъвони рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

7. Юридик шахснинг таъсис шартномаси битим ҳисобланади ва унга нисбатан ФКнинг битимларни ҳақиқий эмаслиги ҳақидаги қоидалари қўлланилади.

«Фарғона Умид Нигоҳи» агросаноат фирмаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Фарғона АН-Сабзавоткор» МЧЖ, «Андижон» мева-сабзавотни қайта ишлаб чиқариш МЧЖга нисбатан таъсисчилар умумий йиғилиш қарори ва таъсис шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни ва жамият таркибидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилмаган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Фарғона АН-Сабзавоткор» МЧЖ таъсисчиларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ таъсисчилар сафида ўзгаришлар бўлганлиги боис, «Фарғона Умид Нигоҳи» МЧЖ 8,32 фоиз улуш билан жамият таъсисчилар сафига киритилган ва тарафлар ўртасида таъсис шартномаси расмийлаштирилган.

Даъвогар юқоридаги умумий йиғилиш баённомаси рус тилида юритилганлиги сабабли йиғилишда муҳокама қилинган масалаларни тушунмаган ҳолда йиғилиш қарорини тасдиқлаб, таъсис шартномасини имзолаганлигини, аслида жамиятнинг таъсисчиси этиб ҳисобланмаслигини, таъсис шартномаси нотариал тартибда тасдиқланмаганлигини важ қилиб кўрсатган.

Ишдаги ҳужжатларга мувофиқ дастлаб «Сабзавоткор» ШХ ва «Андижон» мева-сабзавот қайта ишлаб чиқариш корхоналари иштирокида «Фарғона Ан-Сабзавоткор» МЧЖни ташкил қилиш тўғрисида 2005 йил 10 майда таъсис шартномаси расмийлаштирилган.

Бироқ, «Сабзавоткор» ШХ фаолияти тугатилиши муносабати билан Фарғона шаҳар ҳокимининг 2007 йил 12 октябрдаги 860-сонли қарорига асосан «Фарғона Умид Нигоҳи» агросаноат фирмаси «Сабзавоткор» ширкат хўжалигининг ҳуқуқий вориси этиб белгиланган ва ширкат хўжалигига тегишли бўлган, тугатиш

комиссияси томонидан сотилмасдан қолган барча мол-мулклар «Фарғона Умид Нигоҳи» агросаноат фирмасига ўтказилган.

Ширкат хўжалиги ўз фаолиятини якунлаши муносабати билан «Фарғона Ан-Сабзавоткор» МЧЖ таъсисчиларининг 2007 йил 26 декабрда умумий йиғилиши ўтказилиб, Фарғона шаҳар ҳокимининг 2007 йил 12 октябрдаги 860-сонли қарорига асосан «Фарғона Умид Нигоҳи» агросаноат фирмаси «Сабзавоткор» ШХнинг ҳуқуқий вориси этиб белгиланганлиги сабабли, таъсисчилар умумий йиғилиши қарорига асосан «Сабзавоткор» ширкат хўжалигининг ўрнига «Фарғона Ан-Сабзавоткор» МЧЖ таъсисчилари сафига ширкат хўжалигининг мол-мулклари ҳисобидан «Фарғона Умид Нигоҳи» МЧЖ қўшилган ҳамда бу борада таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, жамият таъсисчиларининг 2007 йил 26 декабрдаги умумий йиғилиш баённомаси рус тилида тузилган бўлса-да, жамият таъсис шартномаси ва Низоми ўзбек тилида расмийлаштирилган.

Бундан ташқари, «Фарғона Умид Нигоҳи» агрофирмаси томонидан 2007 йил 21 майда 27-сонли ҳамда 2007 йил 25 декабрда 42-сонли алоқа хатлари билан айнан «Фарғона Ан-Сабзавоткор» МЧЖга мурожаат қилинган бўлиб, мазкур алоқа хатларида «Сабзавоткор» ШХ тугатилиши муносабати билан жамиятга таъсисчи этиб, ширкат хўжалигининг ўрнига «Фарғона Умид Нигоҳи» МЧЖни киритиш таклифи қўйилган.

Шунингдек, жамиятга улуш сифатида киритилаётган мол-мулкларни қайта топшириш ва қабул қилиш тўғрисида 2007 йил 15 октябрда тузилган далолатномада умумий қиймати 13 226 582 сўмлик асосий воситалар «Фарғона Ан-Сабзавоткор» МЧЖга «Фарғона Умид Нигоҳи» МЧЖ томонидан таъсисчилик улуши сифатида ихтиёрий тартибда топширилганлиги қайд қилинган. Ўтган даврлар мобайнида жамият фаолиятида кўрилган фойда тақсимотида ҳам даъвогар корхонага улуш сифатида тегишли маблағлар ўтказиб келинган.

Суд Фарғона шаҳар ҳокимининг 2007 йил 12 октябрдаги 860-сонли қарорига асосан «Фарғона Умид Нигоҳи» агросаноат фирмаси тўғридан-тўғри «Сабзавоткор» ШХнинг ҳуқуқий вориси этиб белгиланганлиги, шаҳар ҳокимининг мазкур қарори бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги

боис, битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни рад қилишни лозим топган.

8. Ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир.

Даъвогар «Омад Бурчмулло» МТП МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Ёдгоройим» ФХдан 2 283 610 сўм ижара ҳақи, ижара ҳақини ўз вақтида тўланмаганлиги учун 1 076 805 сўм жарима, автотранспорт воситаси ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун 270 кунга 10 000 сўмдан ҳисобланган 2 700 000 сўм миқдорида жарима ва 325 000 сўмлик моддий зарар, жами 6 385 415 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан 630 000 сўм ижара ҳақи ва 315 000 сўм жарима ундирилган. Даъвонинг 325 000 сўм миқдордаги моддий зарарни ундириш қисми бўйича даъвогар ушбу талабидан воз кечганлиги сабабли иш юритиш тугатилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Иш кассация инстанцияси судида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Омад Бурчмулло» МТП МЧЖ ва «Ёдгоройим» ФХ ўртасида тузилган ижара шартномасига кўра, «Омад Бурчмулло» МТП МЧЖ (ижарага берувчи) «Ёдгоройим» ФХ (ижарага олувчи)га ўз балансидаги «ГАЗ–53» русумли автотранспорт воситасини ижарага 2007 йил 1 ноябргача муддатга берган. Шартнома шартларига кўра, ижарага олувчи автотранспорт воситасидан фойдаланганлик учун ҳар ойнинг 14-кунида 130 000 сўм миқдорида ижара пулини ўтказиш мажбуриятини олган. Лекин ижарага олувчи ўз шартномавий мажбуриятини бажармасдан, 2007 йил 14 апрелдан 1 ноябрга қадар жами 780 000 сўм ижара ҳақини тўламаган.

ФКнинг 111-моддасига кўра ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Қонун ҳужжатларида муайян турдаги кўчар мол-мулк хусусида тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш белгилаб қўйилиши мумкин.

ФКнинг 565-моддасига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги «Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 38-сонли қарорининг (тарафлар ўртасида шартнома имзолаши пайтида амалда бўлган) 2-бандида 2006 йил 1 июлдан бошлаб автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя) ва ижарага бериш шартномаларини нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган, «Давлат белгиси» давлат – ИЧБда тайёрланадиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилиши, нотариал тартибда тасдиқланган бошқа шахсга бериш шартномалари рўйхатдан ўтказилиши, ишончномалар ва ижарага бериш шартномалари эса – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида ҳисобга қўйилиши кераклиги белгиланган.

ФКнинг 112-моддасига биноан битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

ФКнинг 114-моддасига кўра ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир.

Шунингдек, ФКнинг 366-моддасига асосан нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса – шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, «Омад Бурчмулло» МТП МЧЖ ва «Ёдгоройим» ФХ ўртасида тузилган «ГАЗ–53»

русумли автотранспорт воситасини ижарага бериш ҳақидаги шартномаси нотариал тасдиқланмаган ва давлат рўйхатидан ўтказилмаган.

Бундай ҳолатда тарафлар ўртасида тузилган ушбу шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир ва унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди.

Шу боис, биринчи инстанция суди даъвогарнинг талабини қаноатлантиришни рад этиши лозим эди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

9. Қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган кўчмас мол-мулк билан боғлиқ бўлган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

«Ишантаев» ФХ «Жантураев» ФХга нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, мулк ҳуқуқини тан олишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш кассация инстанцияси судида кўрилмаган.

ФКнинг 84-моддасига биноан кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

ФКнинг 112-моддасида ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши кераклиги, кўчмас мол-мулк хусусида тузилган битимларни рўйхатдан ўтказиш ва тегишли реестрларни юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланиши кўрсатилган.

Битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаришлиги ва бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслиги ФКнинг 112-моддасида белгиланган.

Шунингдек, ФК 366-моддасининг иккинчи қисмига биноан нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса – шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Жантураев» ФХнинг аъзолари умумий йиғилишининг баённомасида «Жантураев» ФХга тегишли бўлган қўра ва уйнинг бир қисмини «Ишантаев» ФХга сотувга қўйиш ва қўрага тегишли 21 га яйлов ажратиб бериш белгиланган.

Ушбу ФХнинг аъзолари умумий йиғилишининг қарорига асосан «Жантураев» ФХ ва «Ишантаев» ФХ ўртасида шартнома тузилган ва унга кўра қўранинг бир қисми 1 055 000 сўмга даъвогарга сотилган.

Бироқ, битим давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва шу боис «Жантураев» ФХ ва «Ишантаев» ФХ ўртасида тузилган шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

10. МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилиши ноқонуний ўтказилганлиги асос қилиниб, битимни ҳақиқий эмас деб топиш сўралган даъво аризаси рад этилиши лозим.

Даъвогар «ZAR-DS» МЧЖ жавобгарлар «Нилуфар СТ» МЧЖ, 1-сонли Давлат нотариал идораси ва ДАТ «Асакабанк»га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, 2004 йил 24 февралда тузилган гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилмаган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, 2004 йилнинг февраль ойида буюртмачи МЧЖ шаклидаги «FARM GLASS» ҚК буюртмаси асосида «Баҳолаш ва консалтинг маркази» МЧЖ томонидан «Нилуфар СТ» МЧЖга тегишли бўлган мол-мулк баҳоланиб, унинг баҳоси 11 727 801,5 сўм ёки 9 544 886,1 евро миқдорида белгиланган.

2004 йилнинг февраль ойида ДАТ «Асакабанк», МЧЖ шаклидаги «FARM GLASS» ҚК ва «Нилуфар СТ» МЧЖ томонидан «Ни-

луфар СТ» МЧЖга тегишли бўлган мол-мулк қиймати тўғрисида иккита қўшма далолатнома тузилиб, гаровга қўйилаётган мол-мулк ҳужжатлар асосида ҳақиқатда «Нилуфар СТ» МЧЖга тегишли эканлиги аниқланган.

«Гаровга олувчи» ДАТ «Асакабанк» ва «гаровга қўювчилар» – «Нилуфар СТ» МЧЖ, «Сарбонтекс» ҚК ўртасида тузилган гаров шартномаси 2004 йил 24 февралда Гулистон шаҳар 1-сонли Давлат нотариал идорасида 1–1081-рақами билан рўйхатга олинган.

Гаров шартномасига мувофиқ, гаровга қўювчи «Нилуфар СТ» МЧЖнинг жами 9 339 950 евро қийматидаги мол-мулки «Нилуфар СТ» МЧЖ таъсисчилари умумий йиғилишининг қарори асосида банк томонидан гаровга олинган.

«ZAR-DS» МЧЖнинг даъво аризасида «Нилуфар СТ» МЧЖ таъсисчилари умумий йиғилишининг 2004 йил 14 январдаги қарори ноқонунийлиги асос қилиниб, гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш сўралган.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасига асосан, агар жамиятнинг уставида йирик битимларнинг анча катта миқдори назарда тутилган бўлмаса, бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоиздан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни тассаруфидан чиқариш эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим йирик битим деб ҳисобланади, йирик битимни тузиш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

«Нилуфар СТ» МЧЖнинг таъсисчилари умумий йиғилишига жамиятнинг 94,2 фоизлик улушига эга бўлган таъсисчи «ZAR-DS» МЧЖ раиси А. Исмоилов раҳбарлик қилган.

Қонуннинг 41-моддасида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, жамиятнинг устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарори овоз беришда иштирок этмаган, ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг

аризасига кўра, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши белгиланган.

«Нилуфар СТ» МЧЖ таъсисчилари умумий йиғилишининг МЧЖ мол-мулкини гаровга қўйиш тўғрисидаги қарори қонуний кучда бўлиб, белгиланган тартибда бекор қилинмаган ва ҳақиқий эмас деб топилмаган.

Шу сабабли, суд даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2010 йил 27 майдаги 70-сонли қарори билан тасдиқланган)

1.6. ГАРОВ (ИПОТЕКА) ШАРТНОМАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ (2008–2009 йиллар ва 2010 йилнинг биринчи чораги)

1. Мулкдорнинг розилигисиз мулкни гаровга қўйишга йўл қўйилмайди.

«ЮКО» МТП хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарлар АТ «Туронбанк» Сирдарё вилоят филиали ва «Юкс-эл-агро» МЧЖ ўртасида тузилган гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилмаган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, АТ «Туронбанк» Сирдарё вилоят филиали ва «Юкс-эл-агро» МЧЖ ўртасида 2006 йил 17 январда кредит шартномаси тузилиб, йиллик 16 фоиз устама тўлаш шарти билан 1 йил муддатга 39 975 000 сўм кредит ажратилган.

Кредитнинг қайтарилиши таъминоти сифатида 2006 йил 17 февралда «ЮКО» МТП ва АТ «Туронбанк» Сирдарё вилоят филиали ўртасида гаров шартномаси тузилиб, унга асосан «ЮКО» МТПнинг 3 дона ВТ–150 Д русумли трактори гаровга қўйилган. Гаровга қўйилган қишлоқ хўжалиги техникалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 мартдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш лойиҳаси доирасида Япония ҳукуматининг беғараз ёрдамидан

фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 127-сонли қарорига асосан грант маблағлари ҳисобига келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2004 йил 28 майдаги 122-сонли буйруғи билан Япония ҳукуматининг КР–2 Дастури доирасида Ҳамкорлик жамғармасидан ажратилган грантлар асосида келтирилаётган қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда сервис хизмат кўрсатиш бозорида рақобатни ривожлантириш мақсадида Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги корхоналарига механизациялаштирилган ва бошқа хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, юридик шахс мақомига эга «ЮКО» МТП ташкил этилган ва унинг Низоми тасдиқланган.

Мазкур Низомнинг 4.2-бандида МТПнинг устав жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ажратилган мол-мулк ва бошқа маблағлардан шаклланиши, 4.4-бандида эса МТПнинг мол-мулкини сотиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг розилиги билан амалга оширилиши мумкинлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат корхоналари тўғрисида»ги Низомнинг 17-бандига биноан ДК мулкини тасарруф этиш, асосий воситаларни сотиш, уларни ижара ёки гаровга топшириш ДКнинг ижро этувчи органи томонидан муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади.

«ЮКО» МТПнинг мол-мулкни тасарруф этиш ваколати бўлмаса-да, қишлоқ хўжалиги техникалари гаровга қўйилган.

Қайд этилганларга асосан, биринчи инстанция суди тарафлар ўртасида тузилган гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қонуний хулосага келган.

2. МЧЖга тегишли бўлган ва гаровга қўйилаётган мол-мулкнинг қиймати жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлса, бундай битим йирик битим ҳисобланади ва ушбу мол-мулкни гаровга қўйиш учун МЧЖ таъсисчилари (иштирокчилари)нинг розилиги олиниши талаб қилинади.

«ZAR-DS» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарлар «Нилуфар СТ» МЧЖ, Гулистон шаҳар 1-сонли Давлат нотариал идораси ва ДАТ «Асакабанк»га нисбатан 2004 йил 24 фев-

ралда тузилган гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суднинг ажрими билан «FARM GLASS» МЧЖ шаклидаги ҚК ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб этилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, ДАТ «Асакабанк»и ва «FARM GLASS» МЧЖ ўртасида 2004 йил 6 февралда 2004–03-сонли ва 2004 йил 20 февралда 2004–04-сонли кредит шартномалари тузилган. Мазкур шартномаларнинг таъминоти сифатида 2004 йил 20 февралда 2004–05-сонли гаров шартномаси тузилиб, у 2004 йил 24 февралда Гулистон шаҳар 1-сонли Давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган. Шартноманинг 4-бандига кўра, «Нилуфар СТ» МЧЖнинг жами 9 339 950 Евро миқдоридаги мол-мулки ва асбоб-ускуналари гаровга олинган.

Даъвогар ўз даъво аризасида «ZAR-DS» МЧЖ «Нилуфар СТ» МЧЖни таъсисчиси эканлигини ва устав жамғармасининг 94,2 фоиз улушига эга эканлигини, гаровга қўйилган мол-мулк «Нилуфар СТ» МЧЖнинг устав жамғармасини шакллантириш учун берилган мулкий кўринишдаги улуш бўлганлигини ва у таъсисчилар розилигисиз гаровга қўйилганлигини, бу билан «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг талаби бузилганлигини важ қилиб кўрсатган.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 44-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар жамиятнинг уставида йирик битимларнинг анча катта миқдори назарда тутилган бўлмаса, бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг улуши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим йирик битим деб ҳисобланади.

Мазкур моддaнинг учинчи қисмига кўра, йирик битимни тузиш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Бироқ, иш ҳужжатларидан кўринишича «Нилуфар СТ» МЧЖнинг таъсисчилари умумий йиғилишининг 2004 йил 14 январдаги қарори билан жамиятнинг мол-мулки ва асбоб-ускуналарини гаровга қўйилишига розилик берилган. Таъсисчиларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг 94,2 фоиз улушига эга бўлган таъсисчиси «ZAR-DS» МЧЖ ва 5,8 фоиз улушга эга бўлган «Ҳусниддин» ишлаб чиқариш ва тижорат фирмаси вакиллари иштирокида ўтказилган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

3. Ипотекага қўювчи «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасида назарда тутилган ўзига маълум бўлган учинчи шахсларнинг ипотека нарсасига бўлган барча ҳуқуқлари ҳақида ипотекага олувчини ёзма шаклда огоҳлантириш мажбуриятини бажармаганлиги навбатдаги ипотекани ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

«Ипотека банк» АТИБ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарлар «Қурилиш монтаж» МЧЖ, «Агробанк» ОАТБ Марғилон филиали, Марғилон шаҳар «Ермулккадастр» хизмати, Марғилон шаҳар Давлат нотариал идорасига нисбатан 2009 йил 29 майдаги ипотека шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан Ўзбекистон Республикаси «Агробанк» ОАТБ ва Фарғона вилоят «Ермулккадастр» хизмати қўшимча жавобгар сифатида ишга жалб қилинган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, АТ «Ўзуйжойжамғармабанк»и Фарғона бўлими (ҳозирда «Ипотека банк» АТИБнинг Фарғона вилоят филиали) 2005 йил февралдаги кредит шартномасига асосан «ХМС Чин иноқ» ХФга 20 000 000 сўм кредит ажратган. Кредит қайтарилиши таъминоти сифатида «Қурилиш монтаж» МЧЖга тегишли бўлган бино ва иншоотлар гаров шартномаси асосида гаровга қўйилган.

Мазкур бино ва иншоотлар «Қурилиш монтаж» МЧЖ томонидан «Агробанк» ОАТБ Марғилон филиалидан олинган 15 000 000 сўм кредит қайтарилиши таъминоти сифатида 2009 йил 29 май-

даги ипотека шартномасига асосан гаровга қўйилган. Ушбу шартнома Марғилон шаҳар давлат нотариал идорасида тасдиқланиб, 2–337-сон билан реестрга киритилган.

ФК 273-моддасининг учинчи қисмига кўра, гаровга қўювчи ҳар бир навбатдаги гаровга олувчига ушбу мол-мулкнинг мавжуд бўлган барча гаровлари ҳақида маълум қилиши шарт ва у ушбу мажбуриятни бажармаслик туфайли гаровга олувчиларга етказилган зарар учун жавоб беради.

«Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасида ипотекага қўювчи ипотека тўғрисида шартнома тузилаётганда ипотека давлат рўйхатидан ўтказилаётган пайтда ўзига маълум бўлган учинчи шахсларнинг ипотека нарсасига бўлган барча ҳуқуқлари ҳақида ипотекага олувчини ёзма шаклда огоҳлантириши шарт. Бу мажбуриятнинг бажарилмаслиги ипотекага олувчига ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини ёки ипотека тўғрисидаги шартнома шартлари ўзгартирилишини талаб қилиш ҳуқуқини беради деб белгиланган бўлса-да, ипотекага қўювчи «Қурилиш монтаж» МЧЖ раҳбари томонидан гаровга қўйилаётган мол-мулкка нисбатан «Ипотека банк» АТИБ Фарғона вилоят филиалининг ҳуқуқлари ҳақида навбатдаги гаровга олувчи «Агробанк» ОАТБ Марғилон филиалига маълум қилинмаган.

ФКнинг 116-моддасига кўра, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ тарғибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

«Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 48-моддасида гаровга қўйилган мол-мулк ўзида турган ёки туриши лозим бўлган гаровга олувчи уни ўзганинг ғайриқонуний эгалигидан, шу жумладан гаровга қўювчининг эгалигидан талаб қилишга ҳақли. Шартнома шартларига кўра, ўзига ўтказилган гаров нарсасидан фойдаланиш ҳуқуқи гаровга олувчига берилган ҳолда, у бошқа шахслардан, шу жумладан гаровга қўювчидан ўз ҳуқуқининг ҳар қандай бузилишлари бартараф этилишини, бу бузилишлар эгаликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бўлса ҳам, талаб қилиши мумкин.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилиб, жавобгар «Қурилиш монтаж» МЧЖ ва

«Агробанк» ОАТБ Марғилон бўлими ўртасидаги 2009 йил 29 майдаги ипотека шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган.

4. Ипотека шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади ва кучга киради. Ипотека шартномасини нотариал тартибда тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ҳисобланади.

Даъвогар ТИФ Миллий банки Тошкент вилоят бўлими даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Қўлдош ота» хусусий чорвачилик хўжалигининг гаровдаги ва бошқа мол-мулки ҳисобидан 25 000 000 сўм муддати ўтган кредит қарзи, 7 371 284 сўм кредит фоизини ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида кредит шартномаси тузилган. Шартномага кўра хўжаликка қора мол ва уларга озуқа (ем-хашак) сотиб олиши учун уч йил муддатга 30 000 000 сўм кредит ажратилган.

Кредит қайтарилишини таъминлаш мақсадида тарафлар ўртасида гаров шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра хўжалик ўзига тегишли бўлган бино ва иншоотлар ҳамда «Нексия» автомобилини гаровга қўйган. Кейинчалик тарафлар ўртасида тузилган келишув шартномасига биноан гаровга қўйилган «Нексия» автомобили 1995 йилда ишлаб чиқарилган «Форд Эскорт» русумли автомобиль билан алмаштирилган.

Биринчи инстанция суди тарафлар ўртасида тузилган гаров шартномаси бўйича гаровга «Қўлдош ота» хусусий чорвачилик хўжалигига тегишли бўлган 14 хонали бир қаватли бино ва иншоотлар қўйилганлигига, мазкур гаров шартномаси эса давлат рўйхатидан ўтказилмаганлигига ҳуқуқий баҳо бермасдан, қарздорликни гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан ундириш ҳақида хулосага келган.

Ваҳоланки, «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига кўра ипотека тўғрисидаги шартнома (шу жумладан, навбатдагилари ҳам) нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Ипотека

тўғрисидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади ва кучга киради. Ипотека тўғрисидаги шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

5. Агар ундирувни қаратиш сўралган гаровга қўйилган мол-мулк фуқарога тегишли бўлса, низо хўжалик судига тааллуқли эмаслиги сабабли, иш бўйича иш юритиш ХПК 86-моддасининг 1-бандига асосан тугатилади.

ССП «Агробанк» ОАТБ Янги Нишон бўлими манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Рўзиев Икромжон Норбоевич» ФХ ва қўшимча жавобгар «Континент-Миллениум» ХИЧФнинг гаровга қўйилган мол-мулкидан 46 200 000 сўм кредит қарзи, 3 785 000 сўм кредит фоизи ва 4 998 500 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан иш юритиш тугатилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Агробанк» ОАТБ Янги Нишон бўлими билан жавобгар «Рўзиев Икромжон Норбоевич» ФХ ўртасида 2007 йил 11 январда кредит шартномаси тузилган. Унга асосан банк томонидан жавобгарга уч йил муддатга 2010 йил 11 январгача йиллик 16 фоиз устама тўлаш шарти билан 50 000 000 сўм кредит берилган.

Кредит қайтарилишини таъминлаш мақсадида тарафлар ўртасида 2007 йил 12 январда ипотека шартномаси тузилиб, унга кўра 1999 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли автомашина, «Континент-Миллениум» ХИЧФга тегишли учта маиший хизмат уйи бинолари гаровга қўйилган. Ипотека шартномасининг 2.1-бандидан кўринишича, гаровга қўйилган «Нексия» русумли автомашина фуқаро М. Хушшиевага тегишли бўлган.

ХПК 23-моддасининг 4-қисмига кўра ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий юрисдикция судига тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий юрисдикция судида кўрилиши керак.

Шу сабабли, биринчи инстанция суди ХПК 86-моддасининг 1-бандига асосан низо бўйича иш юритишни тугатган.

6. Суднинг ундирувни гаров нарсасига қаратиш ҳақидаги қарорида гаровдаги мол-мулкнинг номи, жойлашган жойи, гаров шартномасида кўрсатилган миқдордаги бошланғич сотув баҳоси кўрсатилиши лозим.

ССП ОАТ «Ғаллабанк» Навоий вилоят бўлими манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Консигнатор» ИЧФга нисбатан кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиб, 43 450 000 сўм кредит қарзи, 497 610 сўм кредит фоизи, жами 43 947 610 сўм ундиришни ва ундирувни гаровдаги мол-мулкка қаратишни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида 2005 йил 6 ноябрда кредит шартномаси тузилган. Шартномага асосан банк кредит олувчига ускуна сотиб олиш учун муддати уч йилга, йиллик 20 фоиз устама тўлаш шарти билан 50 000 000 сўм кредит ажратган.

Кредит қайтарилишини таъминлаш мақсадида тарафлар ўртасида 2005 йил 10 ноябрда гаров шартномаси тузилиб, унга кўра кредит олувчи ўз эгалигида бўлган Кармана тумани Ибн Сино ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган 10 843,15 кв.м. бўлган умумий қиймати 180 010 567 сўм бўлган кўчмас мулкларни гаровга қўйган.

Жавобгар кредит шартномасида белгиланган тартибда тўловларни амалга оширмаганлиги учун даъвогар хўжалик судига мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли «Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги Пленум қарорининг 23-бандига кўра ундирувни гаров нарсасига суд тартибида қаратишда суднинг қарорида гаровдаги мол-мулкнинг номи, жойлашган жойи, гаров шартномасида кўрсатилган миқдордаги бошланғич сотув баҳоси кўрсатилиши лозим.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан жами 43 954 610 сўм ундирилган. Ундирув жавобгар «Консигнатор» ишлаб чиқариш фирмасига тегишли бўлган Кармана тумани Ибн Сино ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган А-ёрдамчи

бино, Б-мол сўйиш биноси, В–1-омборхона, В-музлатгич биноси, Г-колбаса цехи, Д-ёрдамчи бино, Е-компрессор биноси, И-айвон, Л-омборхона, М-омборхона, К-ҳовуз, Н-колбаса цехи, Н-ҳожатхона, а-асфальт майдони, б-девор, в-дарвоза литерлик бинолар, умумий ер майдони 10 843,15 кв.м. умумий қиймати 180 010 567 сўм бўлган кўчмас мол-мулкка қаратилган. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги даъво талаби (шартнома муддати тугаганлиги сабабли) рад этилган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2010 йил 28 августдаги 105-сонли қарори билан тасдиқланган)

1.7. БАНКРОТЛИККА ОИД ИШЛАРНИ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ (2008, 2009 йиллар ва 2010 йилнинг биринчи ярми)

1. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига кўра қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш масаласини судья ариза тушган пайтдан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал этиши лозим.

Ўртачирчиқ туман ДСИ хўжалик судига «Минерал ўғитлар чакана сотиш» корхонасини соддалаштирилган таомил бўйича банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан 2008 йил 18 ноябрь куни мурожаат қилган. Лекин судья аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш масаласини ҳал этмай, 2008 йил 16 январь куни аризани қаноатлантириш, корхонани банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

2. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан тугатилган корхонани тугатиш жараёнида фақат бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича қарзлари аниқланиб, давлат солиқ хизмати органи ёки тугатиш комиссияси ушбу корхонани банкрот деб топиш учун хўжалик судига ариза билан мурожаат қилганда, мазкур қарздорлик Ҳукумат комиссияси қарори билан ҳисобдан чиқарилиши лозимлиги сабабли, бундай аризаларни ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг биринчи бандига асосан қабул қилиш рад этилиши лозим.

Гулистон туман ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Алпомиш» ХКни (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) банкрот деб топишни сўраган.

Суднинг 2008 йил 11 февралдаги ҳал қилув қарори билан қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Қарздорнинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига илова қилинган ҳужжатларга кўра, Гулистон туман ҳокимининг 2005 йил 9 августдаги 629-сон қарори билан қарздор Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги 327-сон Қарорига асосан тугатилган. Тугатиш жараёнида қарздорнинг фақат бюджет ва бюджетдан ташқари мажбурий тўловлар бўйича 19 363 900 сўм қарзи мавжудлиги аниқланган.

Суд ушбу корхонани банкрот деб топишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги 327-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 апрелдаги 182-сон қарори билан тасдиқланган «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси тўғрисида Низом»нинг 8-бандида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарнинг маблағлари ва мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, уларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича тўланмаган қарзлари Ўзбекистон Республикаси ДСҚ тақдимномасига кўра муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси қарори билан ҳисобдан чиқарилиши белгиланганлигига эътибор бермаган.

Пленум 142-сонли қарорининг 36-банди учинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил

3 июлдаги 327-сонли Қарорига биноан хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан тугатилган корхонани тугатиш жараёнида фақат бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича қарзлари аниқланиб, давлат солиқ хизмати органи ёки тугатиш комиссияси ушбу корхонани банкрот деб топиш учун хўжалик судига ариза билан мурожаат қилганда, ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан бундай аризани қабул қилиш рад этилиши назарда тутилган».

Шу боис, хўжалик суди ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг биринчи бандига асосан бу аризани қабул қилишни рад этиши лозим эди.

Хўжалик суди қонунда белгиланган қоидага тўлиқ риоя этмай, ушбу тоифадаги аризаларни иш юритишга қабул қилиб, тугатиш жараёнида фақат бюджет ва бюджетдан ташқари мажбурий тўловлар бўйича қарздор эканлиги аниқланган корхонани банкрот деб топиб, ДСҚ тақдимномасига кўра Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси қарори билан ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган бюджет ва бюджетдан ташқари мажбурий тўловлар бўйича қарзларни суд қарорларига асосан ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйган.

3. Банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича қарздорни банкрот деб топишга доир ариза иш юритишга қабул қилинган пайтдан эътиборан икки ҳафта ичида кўриб чиқилиши лозим.

Андижон вилоят прокуратураси 2010 йил 26 январда хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Афсона текстил люкс» ХКни банкрот деб топишни сўраган.

Ариза «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасида кўрсатилган беш кунлик муддат бузилиб, 2010 йил 3 февралда иш юритишга қабул қилинган ва ишни кўриш 2010 йил 23 февралга тайинланган. Иш ҳужжатларида ишни кўришга тайинланганлиги тўғрисидаги ажрим 2010 йил 17 февралда жавобгарга шахсан топширилгани тўғрисида алоқа бўлимининг хабарномаси бўлса-да, 23 февраль куни жавобгар суд мажлисига келмагани сабабли ишни кўриш 2010 йил 2 март кунига қолдирилган ва шу куни ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Худди шундай, Андижон шаҳар ДСИнинг «Оптима ишонч савдо» МЧЖни (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) банкрот

деб топиш тўғрисидаги аризаси 2010 йил 6 январда иш юритишга қабул қилиниб, кўриб чиқиш учун 26 январь кунига тайинланган.

Яъни суд, қарздорни соддалаштирилган тартибда банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани ўз иш юритувига қабул қилиб, уни олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиши лозимлигига эътибор қаратмаган.

4. Агар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги сабабли тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, бундай юридик шахс «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган тартибда банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича тугатилади.

Боғот туман ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Уйғун» ХКни (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) банкрот деб топишни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, қарздор Боғот туман ҳокимининг қарорига асосан давлат рўйхатидан ўтказилган. ДСИ томонидан қарздорнинг ҳисоб рақамига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан 7 623 524 сўм қарзи вужудга келганлиги учун инкасса топшириқномаси қўйилган. Бироқ, қарздорнинг вужудга келган қарзини тўлаш учун ҳисоб рақамида пул маблағи бўлмаганлиги сабабли ДСИнинг даъво аризасига асосан суднинг ҳал қилув қарори билан қарздордан 5 647 300 сўм солиқ қарзи, 117 446 сўм харажатлари ундирилиб, солиқ қарзини ундириш қарздорнинг мол-мулкига қаратилган ва ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг ижро варақалари берилган.

Хоразм вилоят Суд ижрочилари департаментининг Боғот туман ижро бўлими томонидан суд қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ижро иши қўзғатилган. Бироқ, қарздорга тегишли бирон-бир мол-мулк бўлмаганлиги сабабли, ижро варақаси ДСИга ижросиз қайтарилган.

Аризачи Боғот туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясининг аризасига кўра, қарздор олти ойдан ортиқ муддат давомида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги сабабли хўжалик судининг 2006 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарори билан тугатилган.

ДСИ 2008 йил 23 августда хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, қарздорни банкрот деб топишни сўраган.

Ушбу ариза суд томонидан 2008 йил 2 сентябрда иш юритишга қабул қилиниб, қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб, ишни кўришни 2008 йил 6 октябрга белгиланган. 2008 йил 6 октябрь куни суд ишда қарздор корхона раҳбари иштирокини таъминлаш мақсадида ишни кўришни 2008 йил 20 октябрга қолдирган ва шу куни ДСИнинг аризасини қаноатлантириб, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

5. Қарздорнинг мол-мулки мавжуд эмаслиги сабабли ижро ҳужжатини ижросиз қайтариш тўғрисидаги суд ижрочисининг қарори қарздорни ҳозир бўлмаган қарздор деб ҳисоблашга асос бўлади.

Чироқчи туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, қарздор «Яшин комиссионгўштхарид» МЧЖни (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) банкрот деб топишни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, қарздорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан 447 000 сўм қарзи мавжудлиги сабабли, ДСИ хўжалик судига суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб мазкур қарзни ундириб беришни сўраган. Қарздор томонидан ДСИга охирги ҳисобот 2009 йил 1 январда топширилган. Хўжалик суди томонидан 2009 йил 16 ноябрда қарздордан давлат бюджетига 447 000 сўм ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқарилган. Мазкур суд буйруғини мажбурий ижрога қаратиш учун Чироқчи туман суд ижрочилари бўлимига тақдим этилган. Бироқ қарздорнинг мол-мулки мавжуд бўлмаганлиги сабабли, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддаси биринчи қисмининг учинчи бандига асосан суд буйруғи ДСИга ижросиз қайтарилган.

Шундан сўнг ДСИ қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилган. Хўжалик суди томонидан ариза 2010 йил 5 апрель куни банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича иш юритишга қабул қилинган ва бу ҳақда ажрим чиқарилиб, ишни кўриш 2010 йил 22 апрель кунига белгиланган.

Бироқ, суд 2010 йил 22 апрелдаги суд мажлисида қарздор вакилини иштирокини таъминлаш мақсадида ишни кўришни 2010 йил 23 апрелга қолдирган.

Ваҳоланки, Пленум 142-сонли қарорининг 35-бандига кўра, қарздорнинг ҳозир бўлмаганлиги сифатида нафақат унинг раҳбари йўқлиги, балки хўжалик юритувчи субъект мол-мулкининг йўқлигини ҳам тушуниш лозим. Бу ҳол қарздор – юридик шахс турган жойи (почта манзили) бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, уй-жой мулкдорларининг ширкати, турар жой ёки одам яшамайдиган жойнинг мулкдори вакиллари ва (ёки) суд бошқарувчиси иштирокида тузилган далолатнома ёхуд қарздорнинг мол-мулки мавжуд эмаслиги сабабли ижро ҳужжатини ижросиз қайтариш тўғрисидаги суд ижрочисининг қарори билан тасдиқланиши мумкин.

Бундан ташқари, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 189-моддаси биринчи қисмида хўжалик суди ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани ўз иш юритувига қабул қилиб олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиши белгиланган бўлса-да, суд ишни кўришни ариза иш юритишга қабул қилингандан сўнг 17 кундан кейинга белгилаган.

6. Тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги хўжалик иши бўйича кузатув жорий этилмайди ва муваққат бошқарувчиси тайинланмайди.

Урганч шаҳар ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, қарздор «Восток-Тур» ХФни (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) банкрот деб топишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, қарздор Урганч шаҳар ҳокимининг 2002 йил 7 февралдаги 143-сонли қарорига асосан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Қарздор олти ойдан ортиқ муддат давомида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги учун хўжалик судининг 2005 йил 4 февралдаги ҳал қилув қарори билан тугатилган.

ДСИ қарздорнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан жами 2 156 183 сўм қарзи мавжудлиги сабабли уни банкрот деб топишни сўраб, 2008 йил 15 июлда ариза билан хўжалик судига мурожаат қилган.

Суд 2008 йил 21 июль куни аризани иш юритишга қабул қилиб, қарздорга нисбатан банкротлик ишини қўзғатган ва ишни кўришни 2008 йил 22 августга тайинлаб, суд муҳокамасига қадар

кузатув жорий қилган. Кузатув ишларини олиб бориш учун муваққат бошқарувчи тайинланган.

Суднинг 2008 йил 12 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Бундан ташқари, ишни кўриш жараёнида суд томонидан бир неча ҳолатларга эътибор қаратилмаган. Хусусан:

– қарздор олти ойдан ортиқ муддат давомида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги сабабли хўжалик судининг 2005 йил 4 февралдаги ҳал қилув қарори билан тугатилганлигига қарамасдан суд банкротлик ишини банкротликнинг соддалаштирилган тартибида эмас, балки умумий тартибда кўриб чиқиб, қарздорга нисбатан кузатув жорий қилган. Ваҳоланки, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 186-моддаси иккинчи қисмига кўра тугатилаётган юридик шахснинг банкротлигида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланилмаслиги;

– тугатилаётган қарздорнинг қарзи фақат бюджет олдида бўлганлиги боис ХПК 117-моддасининг 1-бандига асосан аризани қабул қилишни рад этиш ўрнига, ариза иш юритишга қабул қилиниб, иш мазмунан кўриб чиқилган. Бу билан суд Пленум 142-сонли қарорининг 36-банди талабига тўлиқ риоя этилмаганлиги;

– банкротлик таомилларини ўтказиш учун тайинланган суд бошқарувчилари аттестатларининг нусхалари иш ҳужжатларига илова қилинмаганлиги;

– хўжалик судининг банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорида тугатиш бошқарувчиси томонидан тугатишга доир иш юритиш натижалари ҳақидаги ҳисоботни тақдим этиш учун аниқ муддат белгиланмаганлиги ҳолатлари инобатга олинмаган.

7. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 186-моддаси биринчи қисми талабига кўра хўжалик суди тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиб, тугатиш бошқарувчисини тайинлайди.

Хўжалик судининг 2009 йил 27 июлдаги ҳал қилув қарори билан «Мангуст люкс» МЧЖ банкрот деб топилиб, Андижон шаҳар ДСИ ходими А. Нишоновни тугатиш бошқарувчиси сифатида тайинлаган. А. Нишонов хўжалик судига ариза билан мурожаат

қилиб, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан у манфаатдор шахс бўлганлиги сабабли тугатиш бошқарувчиси вазифасидан озод қилишни сўраган. Хўжалик суди шу куни тугатиш бошқарувчиси А. Нишоновнинг ўрнига А. Тухтаровни тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлаган.

Пленум 142-сонли қарорининг 11-бандида суд бошқарувчисини тайинлаш масаласини ҳал этишда хўжалик суди тегишли аттестатни талаб қилиб олиши ва унинг нусхасини иш ҳужжатларига қўшиш лозимлиги тушунтирилган.

Аммо мазкур ишни кўришда суд тугатиш бошқарувчисининг тегишли аттестатларини талаб қилиб олмаган.

8. Қарздор банкрот деб топилганда ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланганда, унинг кредиторлари расмий нашр орқали хабардор қилиниши лозим.

Жарқўрғон туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, қарздор «Атторвали» ХКни (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) банкрот деб топишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, қарздор Жарқўрғон туман ҳокимининг 2001 йил 5 октябрдаги 1545-сонли қарорига асосан давлат рўйхатидан ўтказилган. Қарздор ДСИга сўнгги маротаба 2002 йил декабрь ойида ҳисобот топширган. Қарздор қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ҳамда унинг солиқ ва мажбурий тўловлардан 966 000 сўм қарздорлиги вужудга келганлиги сабабли, хўжалик судининг 2009 йил 29 августдаги ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб А. Бозоров тайинланган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 186-моддаси учинчи қисмига кўра, кредиторлар тугатилаётган юридик шахсга бўлган ўз талабларини тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги эълон чиқарилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида унга тақдим этишга ҳақли.

Бироқ иш ҳужжатларида қарздор банкрот деб топилиб, унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги тўғрисидаги хабар чоп этилганлиги ҳақидаги далиллар мавжуд эмас.

Тугатиш бошқарувчисининг тугатиш ишлари бўйича якуний ҳисоботида корхона хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилганлиги боис, кредиторлар йиғилиши бўлиб

ўтиши ҳақида «Солиқчи минбари» газетасида эълон берилганлиги қайд этилган.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 июндаги 160-сонли «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан «Биржа» ва «Солиқ инфо» газеталарини «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган маълумотлар эълон қилинадиган расмий нашр этиб белгиланганлигига суд эътибор бермаган ва бу ҳақда суднинг тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисидаги ажримида бирон-бир фикр билдирилмаган.

9. Кредиторлар тугатилаётган юридик шахсга бўлган ўз талабларини тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги эълон чиқарилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида тақдим этишга ҳақли.

Қизириқ туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, қарздор «Норқобилов Хуршид» ФХ (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) банкрот деб топишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, қарздор Қизириқ туман ҳокимининг 2005 йил 24 февралдаги 118-сонли қарорига асосан давлат рўйхатидан ўтказилган. Қарздор ДСИга сўнгги маротаба 2005 йил якуни бўйича ҳисобот топширган.

Қизириқ туман ҳокимлиги ҳузуридаги махсус тугатиш комиссиясининг 4-сонли баёнига асосан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ҳамда солиқ ва мажбурий тўловлардан 737 344 сўм қарздорлиги вужудга келганлиги сабабли қарздорнинг бундан буён фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса берилиб, ДСИга ФХни банкрот деб топиш ҳақида хўжалик судига ариза киритиш юклатилган.

Хўжалик судининг 2009 йил 28 майдаги ҳал қилув қарори билан қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган. Тугатиш бошқарувчиси тайинланган.

Тугатиш бошқарувчиси қарздор банкрот деб топилиб, унга нисбатан тугатиш ишлари бошланганлиги ҳақида кредиторларни расмий нашр орқали хабардор қилмасдан, 2009 йил 15 июнда тугатиш ишлари бўйича якуний ҳисоботни хўжалик судига тақдим этган. Суд 2009 йил 24 июнда кредиторлар қонунда белгиланган

тартибда хабардор қилинмаганлигига, шунингдек уларнинг тугатилаётган юридик шахсга нисбатан ўз талабларини тақдим этиш муддати ҳам тугамаганлигига эътибор қаратмасдан, тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисида ажрим чиқарган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 186-моддаси учинчи қисмига кўра, кредиторлар тугатилаётган юридик шахсга бўлган ўз талабларини тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги эълон чиқарилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида унга тақдим этишга ҳақли.

Суд қарздор банкрот деб топилиб, унга нисбатан тугатиш ишлари бошланганлиги ҳақида тугатиш бошқарувчиси кредиторларни расмий нашр орқали хабардор қилмаганлиги ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 186-моддаси учинчи қисмида кредиторлар ўз талабларини тақдим этишга ҳақли бўлган муддат ўтмаганлиги ҳолатларини эътибордан четда қолдирган.

10. Тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақидаги суд бошқарувчиси томонидан хўжалик судига тақдим қилинган ҳисоботга кредиторлар талабларининг реестри ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида маълумотлар расмий нашрда чоп этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши шарт.

Зомин туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Тулпор» ФХни (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) банкротликнинг соддалаштирилган тартибида банкрот деб топишни сўраган.

2010 йил 1 мартдаги ҳал қилув қарори билан қарздор банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб ДСИ вакили тайинланган.

Тугатишга доир иш юритиш тамомланганидан кейин тугатиш бошқарувчиси томонидан 2010 йил 24 май куни хўжалик судига тугатишга доир иш юритишни якунлаш ҳақида ҳисобот тақдим этилган.

Суд бошқарувчиси томонидан тақдим қилинган якуний ҳисобот суд томонидан кўриб чиқилган ва у суднинг 2010 йил 31 майдаги ажрими билан тасдиқланиб, қарздорнинг фаолияти тугатилган, банкротликка доир иш юритиш якунланган деб ҳисобланган ва давлат реестридан чиқарилган.

Хўжалик суди томонидан тугатишга доир иш юритишни якунлаш ҳақидаги ҳисоботни кўриб чиқишда суд бошқарувчиси томо-

нидан бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлигига эътибор берилмаган. Хусусан, ҳисоботга кредиторларнинг талаблари реестри илова қилинмаганлигига, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида маълумот расмий нашрда эмас, балки маҳаллий рўзномада эълон қилинганлигига, эълонда Қонуннинг 127-моддасида белгиланган барча маълумотлар кўрсатилмаганлигига эътибор қаратилмаган.

Бундан ташқари, тугатиш бошқарувчисини тайинлаш масаласини ҳал этишда хўжалик суди тегишли аттестатни талаб қилиб олмаган ва унинг нусхасини иш ҳужжатларига қўшмаган. Ҳал қилув қарорида тугатиш бошқарувчиси томонидан тугатишга доир иш юритиш натижалари ҳақидаги ҳисоботни тақдим этишнинг аниқ муддати белгиланмаган. Суд томонидан тугатишга доир иш юритиш таомилини якунлаш тўғрисида ҳисоботни кўриб чиқиб, тугатишга доир иш юритиш тамомлаш ҳақида ажрим чиқариш ўрнига ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида ажрим чиқарилган.

11. Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатлари дарҳол ижро этилади.

Мирзо Улуғбек туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, қарздор «Мерлин» МЧЖни (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топишни сўраган.

Қарздор хўжалик судининг 2009 йил 5 январдаги ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Мазкур ҳал қилув қарори билан қарздордан давлат бюджети ҳисобига 560 800 сўм давлат божи ва ДСИ фойдасига 7 200 сўм почта харажати ундирилган.

Бироқ суд ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш учун ижро варақасини 2009 йил 6 февралда берган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун 50-моддасининг иккинчи қисмига кўра, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатлари, агар ушбу Қонунда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, дарҳол ижро этилиши лозимлиги белгиланган.

Суд 2009 йил 5 январда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган куни уни ижро этиш учун ижро варақаси берилишига эътибор қаратмаган.

12. Тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказиш натижалари тўғрисида тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган якуний ҳисобот кўриб чиқилганидан кейин хўжалик суди тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги ҳақида ажрим чиқаради ва тугатиш бошқарувчиси зиммасига мазкур ажримни юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ўн кун ичида тақдим этиш мажбуриятини юклайди.

Марғилон шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Сарзамин имкон» ХКни (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) банкрот деб топишни сўраган.

Хўжалик судининг 2009 йил 26 январдаги ҳал қилув қарори билан қарздор банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Тугатиш бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақида тақдим этган ҳисоботини кўриб чиқиб, суд 2010 йил 29 март куни тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги ҳақида ажрим чиқарган. Ажримнинг хулоса қисмида тугатиш бошқарувчиси зиммасига 3 кунлик муддат ичида мазкур ажрим нусхасини юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этиш мажбурияти юкланган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 144-моддаси биринчи қисмига кўра тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказиш натижалари тўғрисида тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган ҳисобот кўриб чиқилганидан кейин хўжалик суди тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги ҳақида ажрим чиқаради ва тугатиш бошқарувчиси зиммасига мазкур ажримни юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга 10 кун ичида тақдим этиш мажбуриятини юклайди.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2010 йил 28 октябрдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган)

1.8. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИ ҚЎЛЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ (2005–2010 йиллар)

1. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 55-моддасининг 4-хатбошига кўра, инвесторлар, текширувчи органлар ва назорат қилувчи органларни атайин нотўғри маълумотлар тарқатиш (тақдим этиш) орқали чалғитганлик учун энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда иқтисодий санкциялар қўлланилади.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Самарқанд туман МТП» ОАЖга энг кам иш ҳақининг 400 баравари миқдорида иқтисодий жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига оид ишларни кўриб чиқиш Комиссияси томонидан 2008 йил 24 октябрда «Самарқанд туман МТП» ОАЖ акциядорлари реестри ҳамда жамиятнинг 2-ЦБ ҳисоботлари асосида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши масаласи ОАЖ вакиллари иштирокида кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозори тўғрисида қонун ҳужжатларининг бузилишига оид ишларни кўриб чиқиш Комиссиясининг 2008 йил 24 октябрдаги йиғилишида жамият томонидан тақдим қилинган ҳужжатларда акциядорларнинг умумий йиғилишлари 60 фоиздан ортиқ овозга эга акциялар тўпланганлиги тўғрисида атайин нотўғри маълумотлар тақдим қилиш йўли билан инвесторлар ва давлат назорати органларини чалғитишга йўл қўйилганлиги, жамият акциядорлар реестрида «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги депо ҳисобига номинал қиймати 1 000 сўмдан бўлган 800 дона 800 000 сўмлик оддий акциялар жойлаштирилган бўлса-да, акциядорлар реестрида ширкат хўжалиги ҳисобига қўшимча 1 700 дона 1 700 000 сўмлик оддий акциялар топшириқномаларсиз ўтказиб юборилганли-

ги, жамият акциядори И. Негматовага депо ҳисобида жойлашган 1500 дона 1 500 000 сўм акцияларга 2004–2005 йиллар учун ҳисобланган дивидендлар 2007 йил октябрга қадар тўланмаган бўлса-да, 2004–2005 йиллар якунлари бўйича 2-ЦБ ҳисоботларда ушбу дивидендлар тўлиқ тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар тақдим қилинганлиги, акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланмаган «Консаудитинформ» ЁАЖ аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви ўтказилганлиги, жамият Низом жамғармасига 72 893 дона 72 893 000 сўмлик оддий акциялар чиқарилган бўлса-да, бошқармага тақдим қилинган акциядорлар реестрида 73 069 дона 73 069 000 сўмлик (176 дона кўп) оддий акциялар акциядорлар ўртасида жойлаштирилганлиги, 2-ЦБ ҳисоботи биринчи қисмининг 11-банди талабларига зид равишда кузатув кенгаши аъзоси А. Ҳакимов 2008 йил 24 июндаги акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган бўлсада, жамият кузатув кенгаши аъзолари рўйхатига киритилмасдан маълумот берилганлиги, 2008 йил 24 июндаги умумий йиғилиш натижаси бўйича саноқ комиссиясининг баённомасида умумий йиғилиш кун тартибидаги 9 та масаладан фақатгина 5-масала юзасидан овозлар ҳисобланган бўлиб, кун тартибидаги 8 та масала бўйича овоз бериш натижалари юзасидан акциялар сони қайд қилинмаганлиги, жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлашда кумулятив овоз бериш тартиби қўлланилмаганлиги аниқланган.

Умумий йиғилишда «Самарқанд туман МТП» ОАЖга энг кам иш ҳақининг 400 баравари миқдорида иқтисодий санкция қўллаш, уни жамият ихтиёрий равишда тўлашга рози бўлмаса, хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан қўлланилиши лозим бўлган жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги 2008 йил 24 октябрда жавобгарга йўлланган 02/686–1-сонли хат жавобгар томонидан қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

«Самарқанд туман МТП» ОАЖ томонидан собиқ ширкат хўжаликлари номидаги акциялар қонунда белгиланган тартибда қайта расмийлаштирилмасдан туриб, тумандаги муқобил машина-трактор паркларига асоссиз равишда депонент мақоми берилиб, ОАЖнинг 2006 ва 2007 йиллар якунлари бўйича ўтказилган умумий йиғилишларида уларнинг иштирок этишига йўл қўйиб,

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 36-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланишга ҳамда умумий йиғилишларда иштирок этиш орқали акциядорлик жамиятини бошқаришга рухсат берилиб, амалдаги қонун талаби бузилишига йўл қўйилган.

Шунингдек, ОАЖ акциядори И. Негматовага депо ҳисобида жойлашган 1 500 дона 1 500 000 сўмлик акцияларга 2004–2005 йиллар учун ҳисобланган дивидендлар 2007 йил октябрь ойига қадар тўланмаган бўлса-да, жамият томонидан 2005 йил 30 майдаги, 2006 йил 5 июндаги кузатув хатлари орқали бошқармага тақдим этилган 2004 ҳамда 2005 йил якунлари бўйича 2-ЦБ ҳисоботларида ушбу дивидендлар тўлиқ тўланганлиги кўрсатилган.

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 55-моддасининг 4-хатбошисига кўра, инвесторлар, текширувчи органлар ва назорат қилувчи органларни атайин нотўғри маълумотлар тарқатиш (тақдим этиш) орқали чалғитганлик учун – энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда иқтисодий санкциялар қўлланилади.

Шу боис кассация инстанцияси суди қарори билан биринчи инстанция судининг даъвони рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвосини қисман қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилган. «Самарқанд туман МТП» ОАЖга нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги энг кам иш ҳақи 25 040 сўмнинг 300 баравари миқдорида, яъни 7 512 000 сўм жарима қўлланилган.

2. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганлик учун ишларни кўриб чиқиш ва санкцияларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 39-бандига кўра, қарорни бажариш жавобгарликни белгиловчи қонун ҳужжатлари меъёрлари бекор қилиниши билан тўхтатилади.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Чимён таъмирлаш механика заводи» ОАЖга нисбатан қўлланилган 5 484 500 сўм иқтисодий жаримани ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг 2005 йил 17 июндаги қарори билан ОАЖ томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бузилиб, инвесторларга тегишли даромадлар тўланмаганлиги учун «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 31-моддаси учинчи қисмининг 5-бандига мувофиқ, ОАЖга энг кам иш ҳақининг 700 баравари миқдорида 5 484 500 сўм иқтисодий жарима қўлланилган.

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганлик учун ишларни кўриб чиқиш ва санкцияларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 36-бандига кўра, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига қўлланилган иқтисодий санкцияларнинг суммаси, улар томонидан иқтисодий санкцияларни қўллаш тўғрисидаги қарор олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида тўланиши керак.

Даъвогар томонидан жавобгарга нисбатан 2005 йил 17 июнда иқтисодий жарима қўлланилган бўлса-да, лекин унинг ижроси таъминланмаган. Даъвогар ўтган вақт давомида бу ишлар юзасидан тегишли чораларни кўрмаган.

«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш киритилиб мазкур Қонуннинг 31-моддаси янги таҳрирда қабул қилинган.

Ушбу Қонуннинг 31-моддаси янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан бирга Қонуннинг олдинги таҳрирдаги 31-моддаси учинчи қисмининг 5-бандида белгиланган, активлар билан мустаҳкамланмаган қимматли қоғозларни эмиссия қилганлик, айрим инвесторларга асоссиз мулкий ҳуқуқлар белгилаганлик, уларнинг мулкий ҳуқуқларига риоя этмаганлик ҳамда инвесторларга тегишли даромадларни тўламаганлик учун – энг кам иш ҳақининг 700 баравари миқдорида иқтисодий жарима белгилаш ҳақидаги жавобгарлик чорасини белгиловчи қисми бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг 2002 йил 13 мартдаги 2002–4-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганлик учун ишларни кўриб чиқиш ва санкцияларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 39-бандига кўра, қарорни бажариш жавобгарликни белгиловчи қонун ҳужжатлари меъёрлари бекор қилиниши билан тўхтатилиши назарда тутилган.

Шу боис, суд даъво талабини рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган.

3. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 56-моддасига кўра, дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан ошмаслиги лозим.

Даъвогар «Krokus Lyuks» МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Марказий МТП» АЖ ҳисобидан 10 829 903 сўм миқдоридаги дивидендларни ундиришни сўраган.

Иш ҳолатларига кўра, «Krokus Lyuks» МЧЖ «Марказий МТП» АЖнинг акциядори бўлиб, МЧЖ 14 198 дона акцияга эгалик қилган. 2005–2008 йиллар учун ҳисобланган 10 829 903 сўмлик дивидендлар жамият томонидан МЧЖга тўланмаган. Дивидендларни тўлаш юзасидан даъвогар жавобгарга 2005 йил 5 августда 109/297-сонли, 2007 йил 2 июлда 109/149-сонли ва 109/198-сонли, 2008 йил 20 июнда 109/157-сонли огоҳлантириш хатлари билан мурожаат қилган.

Лекин жавобгар дивидендларни муддатида тўламаган. Натижада, 2008 йил 20 июнь ҳолатига умумий қарздорлик 10 829 903 сўмни ташкил қилган ва бу ҳақда тарафлар ўртасида 2008 йил 1 февралда солиштирма далолатнома тузилган.

Қайд этилган Қонуннинг 53-моддасига кўра, дивиденд фойданинг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сўнг акциядорлар жамияти ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисмидир.

Қонуннинг 56-моддасига кўра, жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Тўланиши (эълон қилиниши) тўғрисида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилинган дивидендлар жамият устави ёки акциядорлар умумий йиғилиши қарорида белгиланган муддатда, лекин қарор қабул қилингандан кейин 60 кундан кечиктирмасдан тўланиши лозим.

Акциядорлик жамияти қонунга асосан вужудга келган ўз мажбуриятини бажармаганлиги сабабли даъвогар уни бажаришни талаб қилган. Шу сабабли, суд даъвони қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган.

4. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 53-моддасига кўра, жамият акцияларининг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

Бухоро вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Бухоро вилоят МТП бирлашмаси» ОАЖдан 22 587 100 сўмлик дивидендларни ва ўз вақтида тўланмаган дивидендлар учун 2 788 593 сўмлик пеня, жами 24 695 100 сўмни ундиришни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилган. «Бухоро вилоят МТП бирлашмаси» ОАЖдан республика бюджети фойдасига 15 725 100 сўмлик дивиденд, 379 440 сўмлик пеня, Бухоро вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси фойдасига эса 42 160 сўм пеня ундирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Бухоро вилоят бошқармасининг 2000 йил 28 ноябрдаги 761-сонли буйруғига асосан «Бухоро вилоят МТП бирлашмаси» ОАЖ ташкил этилган. 2001 йил 22 мартда жамиятга мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи ордер берилган. Жамият Бухоро вилоят Адлия бошқармаси томонидан 2007 йил 27 февралда рўйхатга олинган.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 53-моддасига кўра жамият акцияларининг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. ФКнинг 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун

ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. «Бухоро вилоят МТП бирлашмаси» ОАЖ томонидан давлат фойдасига ҳисобланган 22 587 100 сўмлик дивиденд ўз вақтида тўланмаган.

Шу сабабли даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 22 587 100 сўм дивидендни ундиришни сўраган.

ФКнинг 333-моддасига кўра қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавоб беради. Лекин иш судда кўрилган кунга қадар жавобгар томонидан даъво аризасида кўрсатилган қарз, яъни, 6 862 000 сўм тўлов амалга оширилган. Бу ҳолат, жавобгар томонидан судга тақдим этилган тўлов топшириқномаси билан исботланади. Шу сабабли, суд асосий қарзни ундириш ҳақидаги даъво талабини 15 725 100 сўм миқдорда қаноатлантиришни лозим топган.

Шунингдек, даъвогар дивидендлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун 2 108 000 сўм пеня ҳам ундиришни сўраган.

Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим. Эмитент акциядорларнинг умумий йиғилиши белгиланган муддатларда дивидендларни ўз айби билан тўланмаган тақдирда тўланмаган ва тўлиқ олинмаган дивидендлар юзасидан Марказий банк белгилаган такрор молиялаш ставкалари бўйича пеня ҳисобланади.

Даъвогарнинг ўзи дебиторлик қарзини ундириш чорасини ўз вақтида кўрмаганлиги ва бу билан пеня миқдорининг кўпайишига кўмаклашганлигини инобатга олиб, суд, ФКнинг 326-моддасига асосланган ҳолда, даъвогар томонидан талаб қилинган неустойкани 421 600 сўм миқдорда қаноатлантиришни лозим топган.

5. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 55-моддасига кўра, дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

«Нохид» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, «Самарқандгўштсутсавдо» АЖнинг 2007 йил 28 июнда-

ги умумий йиғилиш қарорининг дивидендларни тўлаш қисмини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, 2007 йил 28 июнда «Самарқандгўштсутсавдо» АЖ акциядорларининг 2006 йил якунларига бағишланган умумий йиғилиши ўтказилган бўлиб, кун тартибидаги масалалардан бири 2006 йил якунлари бўйича соф фойдани тақсимлаш масаласи бўлган. Умумий йиғилиш баённомасидан кўринишича, 2006 йил якунлари бўйича олинган соф фойданинг 80 фоиз қисмини дивиденд сифатида тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган. 2007 йил 18 августдаги тўлов топшириқномаси орқали Самарқанд вилоят молия бошқармасига давлат улуши ҳисобланган 750 000 сўм дивидендлар тўланган. Кейинчалик Молия бошқармасининг 2007 йил 5 ноябрдаги 3-сонли тўлов талабномасига асосан 2 984 400 сўм ундирилган. Шундай қилиб, жамиятдан давлат улуши акцияларига 3 731 000 сўм дивидендлар тўланган.

Ваҳоланки, «Самарқандгўштсутсавдо» АЖ Кузатув кенгашининг 2007 йил 26 майдаги мажлис баённомасидан кўринишича, умумий йиғилишга давлат акцияларига 750 000 сўм миқдорда дивиденд тўлаш ҳақида тавсия берилган.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 55-моддасига кўра, йиллик дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп ва тўланган оралиқ дивидендларидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 июндаги ПҚ–374-сонли «Ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига биноан улгуржи-харид ва товар айирбошлаш операцияларини кенгайтириш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва транспорт воситаларини сотиб олиш учун ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалар нинг айланма маблағларини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида 2006 йил 1 июндан бошлаб Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи республика Ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий (вилоят, вилоятлараро, туманлараро) базалари уч йил муддатга ялпи даромад солиғи тўлашдан озод этилган. Лекин, мазкур имтиёздан фойдаланган ҳолда олинган соф фойдани

улгуржи-харид товар айирбошлаш операцияларини кенгайтириш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва транспорт воситаларини сотиб олишдан бошқа мақсадларга, жумладан дивидендларни тўлашга йўллантириш мумкин эмас.

Биринчи инстанция суди юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, даъвони қаноатлантириб қонуний тўхтамга келган.

6. Аудиторлик текшируви ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киради.

МЧЖ шаклидаги «Хоразм аудит консалтинг» аудиторлик ташкилоти Хоразм вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Урганч ёғ» ОАЖдан 147 622 986 сўм аудиторлик хизмати ҳақи ва 73 811 493 сўм пеня, жами 221 434 479 сўм ундиришни сўраган.

ССП Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси «Урганч ёғ» ОАЖ манфаатида хўжалик судига қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ шаклидаги «Хоразм аудит консалтинг» аудиторлик ташкилоти ва «Урганч ёғ» ОАЖ ўртасида 2009 йил 9 июнда тузилган 47-сонли шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ҳамда «Урганч ёғ» ОАЖ томонидан МЧЖ шаклидаги «Хоразм аудит консалтинг» аудиторлик ташкилотига аудиторлик хизматлари учун ўтказиб берилган 30 млн. сўмни қайтаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан дастлабки даъво рад этилиб, қарши даъво қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, 2009 йил 9 июнда МЧЖ шаклидаги «Хоразм аудит консалтинг» аудиторлик ташкилоти билан «Урганч ёғ» ОАЖ ўртасида аудитор ташкилотини жалб этиш ва унинг хизматига ҳақ тўлаш ҳақида шартнома тузилган. Мазкур шартномага асосан МЧЖ шаклидаги «Хоразм аудит консалтинг» аудиторлик ташкилоти томонидан «Урганч ёғ» ОАЖ ва унинг таркибига кирувчи «Ўзхимвект» ҚКнинг 2005 йил 1 январдан 2007 йил апрелгача бўлган даврдаги фаолияти юзасидан ҳужжатли тафтиш ўтказилган.

Шартноманинг 1.5-бандида ўтказилган текшириш натижасида бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, солиқларни тўлаш ва бошқалардан аниқланган хатолар ва ноаниқликлардан «Урганч ёғ» ОАЖ фойдасига ҳисобланиб, унди-

риладиган суммадан 10 фоизи миқдорида МЧЖ шаклидаги «Хоразм аудит консалтинг» аудиторлик ташкилотига тўлаш белгиланган.

Ўтказилган ҳужжатли тафтишда тегишли мансабдор шахслар томонидан «Урганч ёғ» ОАЖга 1 776 229 860 сўм моддий зарар етказилганлиги аниқланган. «Урганч ёғ» ОАЖ томонидан МЧЖ шаклидаги «Хоразм аудит консалтинг» аудиторлик ташкилотига 30 000 000 сўм тўлаб берилган.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 13-моддасининг биринчи қисмига кўра аудиторлик текширувининг буюртмачиси аудиторлик текшируви ўтказилишини қўзғатувчи хўжалик юритувчи субъект, унинг мулкдори, шунингдек устав капиталида қонун ҳужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдордаги улушга эга қатнашчилар ва акциядорлар, назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардир.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 65-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи хатбошисига кўра аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киради. Бу норма «Урганч ёғ» ОАЖ Уставининг 9.4-бандида ҳам белгиланган.

«Урганч ёғ» ОАЖ билан «Хоразм аудит консалтинг» аудиторлик ташкилоти ўртасида аудитор ташкилотини жалб этиш ва унинг хизматига ҳақ тўлаш ҳақида 2009 йил 9 июнда тузилган 47-сонли шартнома эса «Урганч ёғ» ОАЖ акциядорлар йиғилишининг розилигисиз тузилиб, акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган.

ФКнинг 125-моддасига кўра юридик шахс томонидан унинг устав мақсадларига зид ҳолда тузилган ёки тегишли фаолият билан шуғулланишга лицензияси бўлмаган юридик шахс томонидан тузилган битим унинг муассиси (иштирокчиси) ёки ваколатли давлат органининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шу боис биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қарши даъво қаноатлантирилиб, дастлабки даъво рад этилган.

Кассация инстанцияси суди эса суднинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

7. Давлат улуши мавжуд бўлган жамият мол-мулкини сотишда Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармасининг розилиги олиниши керак.

«Хоразм ипаги» МЧЖ «Чанашик» ХИЧКга нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2002 йил 1 ноябрдаги 196-сонли олди-сотди шартномасини ва кадастр ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

2010 йил 12 февралдаги суд ажрими билан Республика кўчмас мулк биржаси ва Урганч шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри ишга жавобгар сифатида жалб қилинган.

Низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар «Хоразм ипаги» МЧЖ кадастр ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво талабидан воз кечган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, 2002 йил 1 ноябрдаги 196-сонли олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган, кадастр ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво талаби бўйича иш юритиш тугатилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Хоразм ипаги» акциядорлик жамиятининг 2002 йил 5 сентябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан жамиятга қарашли бўлган «Бар» ва «Новвойхона» биноларини кимошди савдосида сотишга келишилган ҳамда Республика кўчмас мулк биржаси Хоразм филиали орқали бинолар «Чанашик» ХИЧКга сотилган.

ФК 218-моддасининг биринчи қисмида улушли мулкдаги мол-мулк унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан тасарруф этилиши, ушбу Кодекс 225-моддасининг иккинчи қисмида эса биргаликдаги мулк бўлган мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилиши, мол-мулкни тасарруф этиш хусусидаги битим иштирокчиларидан қайси бири томонидан тузилаётган бўлишидан қатъи назар, бундай розилик талаб қилиниши белгиланган.

«Хоразм ипаги» акциядорлик жамиятида давлат улуши 30,32 фоизни ташкил қилган ҳолда, «Хоразм ипаги» акциядорлик жамияти Республика кўчмас мулк биржаси Хоразм филиали орқали биноларни «Чанашик» ХИЧКга сотишда Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармасидан рухсат олмаган.

Қолаверса, 2002 йил 1 ноябрдаги 196-сонли олди-сотди шартномаси бўйича тўлов «Чанашик» ХИЧК томонидан ҳанузгача амалга оширилмаган.

«Хоразм ипаги» МЧЖ кадастр ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво талабидан воз кечганлиги инобатга олиниб, даъво талабининг бу қисми бўйича иш юритиш тугатилган.

Шу боис, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси суди эса суднинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

8. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар Республика бюджетига ўз вақтида ўтказилмаганлик учун, ҳисобланган дивидендларни тўлаш муддати тугаган санадан бошлаб муддати ўтган ҳар бир кун учун неустойка тўланиши шарт.

Навоий вилоят молия бошқармаси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, Зарафшон шаҳридаги «Амантайтау Голдфилдс» ЁАЖдан 1 231 242 614 сўм дивидендни ҳамда 823 757 621 сўм устамани ундириб беришни сўраган.

Навоий вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, «Амантайтау Голдфилдс» ЁАЖдан 823 757 621 сўм пеня ундирилиб, даъвонинг 1 231 242 614 сўмлик тўланмаган дивидендлар қисми, ушбу дивидендлар тўлаб берилганлиги боис қаноатлантириш рад этилган.

Иш ҳолатларига кўра, «Амантайтау Голдфилдс» ЁАЖ акциядорларининг 2006 йил 15 июндаги умумий йиғилиш қарорига асосан 2005-молиявий йил якуни бўйича давлат улушига тегишли 2 176 655 000 сўмлик дивидендлар тўлови ажратилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган.

Дивидендлар тўлаш муддати қарорда белгиланиб, 60 кун муддат ичида давлат улушига ҳисобланган дивидендларни тўлаб бериш қайд этилган.

Лекин «Амантайтау Голдфилдс» ЁАЖ томонидан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 56-моддаси талаблари бузилиб, ҳисобланган давлат улушига тегишли 2 176 655 000

сўмлик дивидендлар тўлови 60 кун муддат ичида тўлаб берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш Давлат қўмитаси, ДСҚнинг 2002 йил 25 мартдаги қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 11 апрелда 1121-сон билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 18-бандида хўжалик юритувчи субъектга назорат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаларидан келиб чиқиб пеня шаклида неустойка қўлланилиши белгиланган.

Мазкур низом талабларидан келиб чиқиб, Зарафшон шаҳридаги «Амантайтау Голдфилдс» ЁАЖдан 823 757 621 сўм пеня ундирилган.

9. Акциядорлик жамиятининг йил якуни бўйича эълон қилинган дивидендларни акциядорга тўламаслик ёки тўловни кечиктирганлик акциядорнинг даъвоси асосида дивиденд пулини ва дивиденд тўловини кечиктирганлик учун Марказий банк белгилаган такрор молиялаш ставкалари бўйича пеня ундиришга асос бўлади.

Даъвогар «Семурғ» инвестиция фонди хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Китоб–76» ОАЖдан 3 498 842 сўмлик дивидендларни ва 816 936 сўм пеня ундириб беришни сўраган.

Ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, «Китоб–76» ОАЖ умумий йиғилиши 2007 йил якуни бўйича ҳисобланган дивидендларни эълон қилган. Унга кўра «Семурғ» инвестиция фондига 3 498 842 сўм дивиденд тўлаш белгиланган. Бироқ тўланиши лозим бўлган дивиденд тўланмаган. Шу боис даъвогар хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгардан 3 498 842 сўм дивиденд пули ва уни дивиденд тўловини кечиктирганлик учун 816 936 сўм пеня ундиришни сўраган.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига кўра акциядорлик жамияти эълон қилган диви-

дендларни тўлашни акциядор суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Эмитент акциядорларнинг умумий йиғилиши белгилаган муддатларда дивидендларни ўз айби билан тўламаган тақдирда тўланмаган ва тўлиқ олинмаган дивидендлар юзасидан Марказий банк белгилаган такрор молиялаш ставкалари бўйича пеня ундирилади.

Шу сабабли, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвонинг дивиденд ундириш талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 4-бандида тушунтириш берилган.

Шу боис биринчи инстанция суди ундириш талаб қилинган пенянинг миқдорини камайтириб, жавобгардан даъвогарга 349 000 сўм пеня ундирган.

10. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 71-моддасига асосан акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда жамият кузатув кенгаши умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни, умумий йиғилишнинг кун тартибини, умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестри тузиладиган санани, умумий йиғилишни ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри тузиладиган санани, умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини, умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини, овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини белгилайди.

Даъвогар «Хўжайли-текстиль» ОАЖ жавобгар «GUZEL TEKSTIL» ҚКга нисбатан хўжалик судига даъво аризаси би-

лан мурожаат қилиб, «Хўжайли-текстиль» ОАЖнинг 2009 йил 19 июлда ўтказилган жамиятнинг бино ва иншоотларини сотиш ҳақидаги акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция тартибида кўрилмаган.

Кассация инстанция судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳолатларига кўра, 2009 йил 19 июнда «Хўжайли-текстиль» ОАЖда акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилган. Навбатдан ташқари йиғилишда жамиятнинг бино ва иншоотларини сотиш муҳокама қилиниб, бу ҳақда шу куни умумий йиғилиш қарори қабул қилинган.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 71-моддасига кўра, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганида жамият кузатув кенгаши, ушбу Қонун 72-моддасининг ўн иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда умумий йиғилишни чақирувчи шахслар – умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойи; умумий йиғилишнинг кун тартиби; умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестри тузиладиган санани; умумий йиғилишни ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри тузиладиган санани; умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини; умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини; овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини белгилайди.

Ушбу Қонуннинг 72-моддасига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарори билан унинг ташаббусига биноан, жамият тафтиш комиссияси талабига кўра, шунингдек талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акциядорларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби билан ўтказилади.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантириш тўғрисида қонуний тўхтамга келган. Чунки жамият томонидан акциядор-

ларнинг навбатдан ташқари йиғилишини ўтказишда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 71 ва 72-моддаларида белгиланган талабларга риоя этилмаган.

Кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида хулосага келган.

11. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 80-моддасига асосан акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорлар умумий йиғилиши ёпилганидан кейин кечи билан 15 кун ичида икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

«TNH-Sarmoya» МЧЖ жавобгарлар «Чорсу деҳқон бозори» ОАЖ ҳамда Наманган вилоят бозорлар уюшмасига нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ОАЖ акциядорларининг 2010 йил 2 июндаги умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, ОАЖ кузатув кенгаши 2010 йил 29 апрелдаги йиғилиш баёнининг «ж» бандига кўра, жамиятнинг бошқарув органлари – кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзоларини тасдиқлаш, 6-масаланинг учинчи қисмига кўра, жамият ижроия органига умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида акциядорларга оммавий ахборот воситаларида эълон беришни таъминлаш ва шу билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш вазифаси топширилганлиги ҳақида расмийлаштирилган йиғилиш баёни кузатув кенгаши раиси А. Абдуллаев томонидан имзоланган.

Шу сабабли, ОАЖ акциядорларининг 2009 йил якуни бўйича умумий йиғилиш 2010 йил 2 июнь куни соат 14–00да ўтказилиши ҳақида «Биржа» рўзномасининг 2010 йил 4 май кунги 55(1158)-сонида эълон берилган. Ушбу эълонда кун тартибидаги 7-масала сифатида жамият бошқарув органлари кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзоларини тасдиқлаш кўрсатилган.

ОАЖ акциядорларининг 2009 йил молия-хўжалик фаолияти юзасидан умумий йиғилиши 2010 йил 2 июнда ўтказилиб, умумий йиғилиш кун тартибига 10 та масала қўйилган, шундан 7-масала жамиятнинг бошқарув органлари – кузатув кенгаши ва

ижроия органи аъзоларини сайлаш кўрсатилган ва қарор қисми 7-бандига асосан жамият кузатув кенгаши аъзолигига А. Абдуллаев, Ш. Сайфитдинов, Б. Турсунов, Т. Тожибоев ва Ф. Убайдуллаевлар сайланган.

Биринчи инстанция суди томонидан даъвони қисман қаноатлантириш учун кун тартибига қўйилган жамият бошқарув органлари, «кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзоларини тасдиқлаш ҳақида»ги масала 2010 йил 2 июндаги йиғилиш вақтида «кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзоларини сайлаш ҳақида»ги масалага ўзгартирилиб, шу куннинг ўзида тақдим этилган номзодлар кўриб чиқилиб, сайланиши белгиланганлиги асос сифатида келтирилган.

Апелляция инстанцияси суди ОАЖ акциядорларининг 2010 йил 2 июнда ўтказилган йиғилиш қарори жамият кузатув кенгашининг 2010 йил 8 июндаги йиғилиш баёнига асосан 2010 йил 9 июнь куни Ш. Сайфитдинов томонидан қонуний равишда имзоланганлигини важ қилиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 80-моддасига асосан акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорлар умумий йиғилиши ёпилганидан кейин кечи билан 15 кун ичида икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

ОАЖ акциядорларининг 2009 йил молия-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган 2010 йил 2 июндаги йиғилишда А. Абдуллаев раислик қилган. Аммо жамият кузатув кенгашининг 2010 йил 8 июндаги йиғилиш баёнига асосан йиғилиш баённомасини имзолаш ваколати Ш. Сайфитдиновга берилганлиги важ қилиниб, йиғилиш баённомаси 2010 йил 9 июнь санаси билан А. Абдуллаевнинг исми-шарифи кўрсатилган йиғилиш баённомаси Ш. Сайфитдинов томонидан имзоланган.

Апелляция инстанцияси суди ушбу ҳолатни қонуний деб ҳисоблаб, ҳал қилув қарорини бекор қилиш, даъвони рад этиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Жавобгарлар томонидан умумий йиғилишда А. Абдуллаев раислик қилган бўлса-да, Ш. Сайфитдинов унинг ўрнига йиғилиш баённомасини имзолаши мумкинлигини исботлаб берилмаган.

Қайд этилганларга асосан кассация инстанцияси судлов ҳайъати апелляция инстанцияси суди қарорини бекор қилиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида тўхтамга келган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2011 йил 22 мартдаги 37-сонли қарори билан тасдиқланган)

1.9. ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН НИЗОЛАРНИ КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ (2008–2010 йиллар)

1. Кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилганида, агар кафил янги қарздор учун жавобгар бўлиш ҳақида кредиторга розилик берган бўлмаса, кафиллик бекор бўлади.

Ўзбекистон Савдо-саноат паласи «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АК Наманган вилояти филиали манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарлар «Дуккортепа қўш толи» ФХ ва «Косонсой пахта толаси» АЖдан солидар тартибда 1 796 500 сўм асосий қарз, 898 200 сўм пеня, жами 2 694 700 сўм ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АК Наманган вилоят филиали ва «Ш. Рашидов» ширкат хўжалиги ўртасида 2002 йил 28 январда лизинг шартномаси тузилган. Ушбу шартномада даъвогар «Ш. Рашидов» ширкат хўжалигига 1 дона ТТЗ–80.11-русумли тракторни лизингга бериши, ширкат хўжалиги эса тўлов жадвалига асосан лизинг тўловларини тўлаб бориши белгиланган. Шу куни тарафлар ва «Косонсой пахта толаси» АЖ ўртасида кафиллик шартномаси тузилган. Унга кўра, «Косонсой пахта толаси» АЖ кафил сифатида ширкат хўжалиги лизинг тўловлари бўйича мажбуриятларини белгиланган муддатларда ва миқдорда бажармаган тақдирда, унинг мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олган.

«Ш. Рашидов» ширкат хўжалиги тугатилганлиги боис, 2006 йил 22 майда қўшимча келишув тузилиб, юқоридаги лизинг объекти «Дуккортепа қўш толи» ФХга расмийлаштириб берилган.

Қўшимча келишувга мувофиқ ширкат хўжалиги, яъни лизинг олувчининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ФХга ўтказилган. Бироқ кредитор, яъни «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АК Наманган вилояти филиали «Косонсой пахта толаси» АЖдан янги қарздорга кафил бўлиш тўғрисидаги розиликни олмаган.

Ваҳоланки, ФК 298-моддасининг иккинчи қисмига кўра, кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилганида, агар кафил янги қарздор учун жавобгар бўлиш ҳақида кредиторга розилик берган бўлмаса, шунингдек кафил таъминлаган мажбуриятни бажариш муддати келганида кредитор қарздор ёки кафил таклиф қилган тегишли ижрони қабул қилишдан бош тортса, кафиллик бекор бўлади.

ФКнинг мазкур нормасига асосан кафиллик шартномаси бекор бўлган бўлса-да, суд даъвони қисман қаноатлантириб, «Дуккортепа қўш толи» ФХ ва «Косонсой пахта толаси» АЖдан солидар тартибда 1 196 500 сўм асосий қарз, 44 910 сўм пеня ва 5000 сўм почта харажатларини ундирган.

Кассация инстанциясининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, «Косонсой пахта толаси» АЖ жавобгарликдан озод қилинган.

2. Лизингга олувчи кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва лизингга олувчи кредитор олдида солидар жавоб беради, башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса.

ССП «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АК Наманган вилоят филиали манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарлар «Жаннат ул Фирдавс» ФХ ва «Косонсой пахта тозалаш» АЖдан 2 781 700 сўм асосий қарз, 1 390 800 сўм пеня ва 5 000 сўм почта харажатлари ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АК Наманган вилоят филиали ва «Жаннат ул Фирдавс» ФХ ўртасида 2006 йил 16 январда лизинг шартномаси тузилган. Мазкур шартномада даъвогар «Жаннат ул Фирдавс» ФХга 1 дона ТТЗ–80.11-русумли тракторни лизингга бериши, ФХ эса трактор таннархи қийматининг 15 фоизини олдиндан тўлаб, қолган тўловларни тўлов жадвалига мувофиқ амалга ошириши белгиланган. 2006 йил 16 январда лизинг шартномаси тарафлари ва «Ко-

сонсой пахта тозалаш» АЖ ўртасида кафиллик шартномаси тузилган. Кафиллик шартномасига кўра «Косонсой пахта тозалаш» АЖ «Жаннат ул Фирдавс» ФХ лизинг тўловлари бўйича ўз мажбуриятларини белгиланган муддатларда ва миқдорда бажармаган тақдирда, унинг мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олган.

«Жаннат ул Фирдавс» ФХ олинган трактор учун лизинг тўловларини тўлиқ тўлаб бермасдан, даъвогардан 2 781 700 сўм қарз бўлиб қолган. Лизинг тўловларининг кечиктирилган кунлари учун 1 390 800 сўм пеня ҳисобланган. Даъвогар лизинг тўловларини тўлаб беришни сўраб «Жаннат ул Фирдавс» ФХ ва «Косонсой пахта тозалаш» АЖга талабномалар юборган. Бироқ талабномалар қарздор ва кафил томонидан оқибатсиз қолдирилган. Шу сабабли ССП «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АК Наманган вилоят филиали манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, мазкур қарз суммаларини солидар тартибда «Жаннат ул Фирдавс» ФХ ва «Косонсой пахта тозалаш» АЖдан ундиришни сўраган.

«Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига кўра, лизинг шартномасига боғлиқ равишда сарфланган маблағлар қайтарилишининг кафолати сифатида лизинг берувчи лизинг олувчидан таъминлаш берилишини, шу жумладан гаров, банк кафолати ёки учинчи шахснинг кафиллиги кўринишидаги таъминлаш берилишини талаб қилиши мумкин.

ФК 293-моддасининг биринчи қисмига асосан қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар, башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса.

Юқоридаги қонун ҳужжатларига асосан суд даъвони қисман қаноатлантириб, қарздор «Жаннат ул Фирдавс» ФХ ва кафил «Косонсой пахта тозалаш» АЖдан солидар тартибда 2 781 700 сўм асосий қарз, 69 540 сўм пеня ва 5 000 сўм почта харажатларини ундиришни лозим топган.

3. Тасодифан нобуд бўлган лизинг объекти учун жавобгарлик лизингга олувчига уни қабул қилиб олган пайтдан бошлаб ўтади.

Даъвогар «Бернур» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарлар «Албатрос» ОАЖ ва «Рустам» ФХдан 22 400 000 сўм зарарни ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Албатрос» ОАЖ ва «Рустам» ФХ ўртасида 2008 йил 11 июлда лизинг шартномаси тузилган. Мазкур шартномага асосан «Албатрос» ОАЖ (лизингга берувчи) «Рустам» ФХ (лизингга олувчи)нинг топшириғига биноан «Бернур» МЧЖ (сотувчи)дан 1 дона ТТЗ–80.11-русумли тракторни сотиб олиб уни 5 йил муддатга лизинг олувчига лизингга бериши, лизингга олувчи эса трактор учун олдиндан унинг баҳосини 15 фоизи миқдорида аванс тўлаб бериши, шунингдек лизинг тўловларининг қолган қисмини тўлов жадвали асосида тўлаб бориши белгиланган. 2008 йил 14 июлда «Албатрос» ОАЖ ва «Бернур» МЧЖ ўртасида олди-сотди шартномаси тузилиб, унга кўра «Бернур» МЧЖ 1 дона ТТЗ–80.11-русумли тракторни 24 000 000 сўмга «Албатрос» МЧЖга бериш, «Албатрос» МЧЖ эса трактор ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини олган. Олди-сотди шартномасининг 5.3-бандида трактор қийматининг 15 фоизи олдиндан тўланиши, тўловнинг қолган қисми 90 кун ичида амалга оширилиши белгиланган. Шартноманинг 4.1-бандида лизинг объекти шартнома тузилган кундан бошлаб 30 кун муддат ичида сотувчи омборида топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан лизинг берувчи томонидан лизинг олувчига топширилиши белгиланган. Бироқ шартномада белгиланган муддат ичида лизинг объекти лизинг олувчига топширилмаган. 2008 йил 1 августда сотувчи омборида ёнғин юзага келиши натижасида лизинг объекти ёниб кетган. Сотувчи олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда лизинг объекти олиб кетилмаганлиги сабабли трактор учун амалга оширилмасдан қолган 22 400 000 сўмни лизингга берувчи ва лизингга олувчидан солидар тартибда ундиришни сўраган.

Суд даъвони тўлиқ қаноатлантириб, жавобгарлардан даъвогар фойдасига 22 400 000 сўм ундирган.

Ваҳоланки, ФКнинг 593-моддасига кўра, лизинг бўйича ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчига бу мол-мулкни топшириш пайтида ўтади.

4. Лизинг олувчи лизинг объекти олди-сотди шартномасини бекор қилишга ёки уни ҳақиқий эмас деб топишга ҳақли эмас.

Даъвогар «Барлос» ФХ жавобгарлар «Қурилиш лизинг» ОАЖ ва «Жаҳон» МЧЖга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2008 йил 20 сентябрдаги лизинг шартномасини ва 2008 йил 21 сентябрдаги олди-сотди шартномасини бекор қилишни ҳамда «Қурилиш лизинг» ОАЖдан 8 000 000 сўм ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Барлос» ФХ ва «Қурилиш лизинг» ОАЖ ўртасида 2008 йил 20 сентябрда лизинг шартномаси тузилган. Унга кўра, «Қурилиш лизинг» ОАЖ (лизинг берувчи) Барлос» ФХ (лизинг олувчи)нинг топшириғига биноан «Жаҳон» МЧЖ (сотувчи)дан 1 дона Лада–2107-русумли автомобилни сотиб олиб, уни 2 йил муддатга лизинг олувчига лизингга бериши, лизингга олувчи эса автомобиль учун олдиндан унинг баҳосини 15 фоизи миқдорида аванс тўлаб бериши, шунингдек автомобиль қийматининг қолган қисмини ва лизинг фоизларини тўлов жадвали асосида тўлаб бориши лозим бўлган. 2008 йил 21 сентябрда «Қурилиш лизинг» ОАЖ ва «Жаҳон» МЧЖ ўртасида олди-сотди шартномаси тузилиб, унга асосан «Жаҳон» МЧЖ 1 дона Лада–2107-русумли автомобилни 22 000 000 сўмга лизинг объекти сифатида лизингга олувчига топшириш шарти билан «Қурилиш лизинг» ОАЖга бериш, «Қурилиш лизинг» ОАЖ эса автомобиль ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини олган. Олди-сотди шартномасига кўра, автомобиль қийматининг 50 фоизи олдиндан тўланиши, тўловнинг қолган қисми 90 кун ичида амалга оширилиши лозим бўлган. «Қурилиш лизинг» ОАЖ аванс тўловини амалга оширган бўлса-да, тўловнинг қолган қисмини амалга оширмаган.

Лизинг шартномасига мувофиқ, лизингга берувчи автомобилни белгиланган муддатларда лизингга олувчига тошириш-қабул қилиш далолатномаси асосида топширган. Ўз навбатида, лизингга олувчи ҳам аванс тўловларини шартномада кўрсатилган муддатларда тўлаб бериб, қолган тўловларни тўлов жадвалига асосан амалга ошириб борган. Натижада лизингга олувчи 2009 йил 1 февраль ҳолатига лизингга берувчига 8 000 000 сўм пул маблағи тўлаб берган. Бироқ сотувчи лизинг олувчига талабнома юбориб, олди-сотди шартномасига асосан лизинг берувчи томонидан амалга оширилмаган пул маблағларини тўлаб беришни сўраган.

Шу сабабли лизинг олувчи хўжалик судига мурожаат қилиб, лизинг шартномаси ва олди-сотди шартномасини бекор қилиб, тўлаб берилган 8 000 000 сўм лизинг тўловларини ундиришни сўраган.

Суд даъвони қисман қаноатлантириб, лизинг шартномасини бекор қилиб, лизингга берувчидан 8 000 000 сўм лизинг тўловларини ундирган. Даъво талабининг олди-сотди шартномасини бекор қилиш қисмини рад этган.

Суднинг бундай хулосага келишига «Лизинг тўғрисида»ги Қонун 13-моддасининг иккинчи қисмидаги қоида асос бўлган. Мазкур модданинг иккинчи қисмига кўра, агар лизинг шартномасида ёки олди-сотди шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчининг лизинг олувчига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари лизинг берувчига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларидек бўлади. Бунда лизинг олувчи лизинг объекти олди-сотди шартномасини бекор қилишга ёки уни ҳақиқий эмас деб топишга ҳақли эмас.

5. Лизинг субъектларидан бири лизинг шартномасини нотариал тасдиқланишини талаб қилганда, шартнома нотариал тасдиқланиши лозим.

Даъвогар «Гелиос» МЧЖ жавобгар «Инфинлизинг» МЧЖга нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, лизинг шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни ва 18 216 178 сўм ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Гелиос» МЧЖ (лизинг олувчи) ва «Инфинлизинг» МЧЖ (лизинг берувчи) ўртасида 2008 йил 23 октябрда лизинг шартномаси тузилган. Мазкур шартномага кўра, «Инфинлизинг» МЧЖ «Гелиос» МЧЖга 1 дона Лада 21703–114–01-русумли автомобилни лизингга бериши, «Гелиос» МЧЖ эса, лизинг объектини қабул қилиб олиши ва унинг ҳақини тўлаб бериши белгиланган. Шартноманинг 8.1-бандига асосан лизинг объектининг баҳоси 29 289 АҚШ доллари қилиб белгиланган. 2008 йил 12 ноябрда тарафлар ўртасида лизинг объектини топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилган.

Лизингга олувчи тарафлар ўртасида тузилган лизинг шартномаси нотариал тасдиқланмаганлиги учун уни ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим деб ҳисоблаб, лизинг берувчига шартномани нотариал тасдиқлаш ҳақида таклиф киритган. Бироқ жавобгар томонидан таклиф эътиборсиз қолдирилган. Шу боис даъвогар ли-

зинг шартномасини ҳақиқий эмас деб топиб, 18 216 178 сўм лизинг тўловларини жавобгардан ундиришни сўраган.

«Лизинг тўғрисида»ги Қонун 9-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандига кўра, мол-мулк лизинг объекти ҳисобланиб, у ҳақда тузиладиган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда нотариал тасдиқланиши лозим.

ФК 110-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандида тарафлардан бирининг талаби бўйича битим нотариал тасдиқланиши шартлиги белгиланган.

Мазкур қонун ҳужжатларига асосан суд даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топган.

6. Лизинг берувчи лизинг олувчига лизинг объектини шартномада белгиланган муддатда топширмаса, лизинг олувчи ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

«Shosh invest group» МЧЖ даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Тезкор авто сервис» МЧЖдан 12 593 АҚШ доллари миқдорида асосий қарз, 10 609 АҚШ доллари миқдорида жарима ва адвокатлик хизмати учун тўланган 450 000 сўмни ундириб беришни сўраган.

Жавобгар даъвогар томонидан лизинг объекти шартномада белгиланган муддатдан 3 ой кеч топширилганлиги боис қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъвогардан 13 726 939 сўм пеня ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Shosh invest group» МЧЖ ва «Тезкор авто сервис» МЧЖ ўртасида 2008 йил 21 июлда лизинг шартномаси тузилган. Унга кўра, даъвогар 98 000 АҚШ доллари қийматидаги «Hyundai HD 270» русумли юк кўтарадиган автомашинани лизинг асосида бериши, жавобгар эса автомашина учун 120 банк иш кунидан кечиктирмай автомашина баҳосининг 50 фоизи миқдорида аванс тўлаб бериши, шунингдек автомашина қийматининг қолган қисмини ва лизинг фоизларини, жами 111 301 АҚШ долларини тўлов жадвали асосида тўлаши белгиланган. Тўлов жадвалига асосан лизинг тўловларини амалга ошириш муддати 13 ой қилиб кўрсатилган.

«Тезкор авто сервис» МЧЖ 2008 йил 21 июлда 26 500 000 сўм ва 24 июлда 41 200 000 сўм, жами 67 700 000 сўм пул маблағларини «Shosh invest group» МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб бериб лизинг объекти қийматининг 50 фоизидан ортиғини тўлаб берган. Бироқ

«Shosh invest group» МЧЖ автомашинани «Тезкор авто сервис» МЧЖга 2009 йил 6 мартда топширган. Жавобгар 2010 йил 19 февралга қадар даъвогарнинг ҳисоб рақамига 113 627,56 АҚШ доллари миқдорида лизинг тўловларини ўтказиб берган. Даъвогар жавобгар лизинг тўловларини тўлов жадвалига мувофиқ ҳолда амалга оширмаганлиги учун лизинг тўловлари, жарима, шунингдек адвокатлик хизмати учун амалга оширилган тўловларни ундириш тўғрисида хўжалик судига даъво аризаси берган.

Ўз навбатида, жавобгар ҳам лизинг объекти шартномада белгиланган муддатдан 3 ой кеч топширилганлиги боис қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъвогардан 13 726 939 сўм пеня ундиришни сўраган.

Дастлабки даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига жами 3 348 282 сўм ундирилган.

Қарши даъво ҳам қисман қаноатлантирилиб, даъвогардан жавобгар фойдасига 6 863 469 сўм ундирилган.

ФК 592-моддасининг иккинчи қисмига кўра, агар лизинг шартномасининг нарсаси бўлган мол-мулк шу шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, оқилона муддатда лизинг олувчига топширилмаган бўлса, лизинг берувчи жавобгар бўладиган ҳолатлар туфайли муддат ўтказиб юборилган тақдирда, лизинг олувчи шартномани бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

«Лизинг тўғрисида»ги Қонун 24-моддасининг биринчи қисмида лизинг берувчи мол-мулкни етказиб бермаганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, етказиб бериш муддатини ўтказиб юборганлик ва тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни етказиб берганлик учун, агар бу унинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли бўлса, лизинг олувчининг олдида жавобгар бўлиши белгиланган.

ФК ва «Лизинг тўғрисида»ги Қонунга асосан жавобгар асосли равишда қарши даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, даъвогардан неустойка ундиришни сўраган. Суд даъвогарнинг молиявий аҳволини ҳисобга олиб талабни қисман қаноатлантирган.

7. Лизинг берувчи томонидан лизинг олувчидан ўз мол-мулкини талаб қилиб олиш тўғрисидаги талаб суд буйруғи беришга асос бўлади.

«FLC-LEAZING» ҚК хўжалик судига мурожаат қилиб, «Нодирабегим-А» ИЧСФ лизинг объектини қайтариб олиб бериш тўғрисида суд буйруғи беришни сўраган.

Аниқланишича, «FLC-LEAZING» ҚК (лизинг берувчи) ва «Нодирабегим-А» ИЧСФ (лизинг олувчи) ўртасида лизинг шартномаси тузилган. Унга кўра, лизинг берувчи лизинг олувчининг топшириғига биноан «PREMIUM AUTO» МЧЖ (сотувчи)дан 153 500 000 сўмлик «Nissan Pathfinder LE A/T 4WD» русумли автомобилни мулк қилиб олиш ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун 24 ойга бериш, лизинг олувчи эса лизинг объектини қабул қилиб олиш ва 2008 йил 5 декабрдан бошлаб 2011 йилнинг 5 ноябрига қадар шартномага илова қилинган жадвалга асосан лизинг берувчига лизинг объектининг қиймати ҳамда 61 132 800 сўм лизинг маржасини тўлаб бериш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 16.1-бандида, агар лизинг олувчи шартномага илова қилинган жадвалдаги тўловларни амалга оширишни икки марта кечиктирса, лизинг берувчи лизинг объектини олиб қўйишга ҳақлилиги белгиланган.

Лизинг берувчи ўз шартномавий мажбуриятини бажариб, лизинг объектини сотувчидан сотиб олиб, лизинг олувчига топширган. Бироқ лизинг олувчининг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида 2010 йил 10 январь ҳолатига лизинг берувчида 16 239 192 сўм қарздорлик вужудга келган.

ХПК 103-моддасининг 4-бандига кўра, лизинг берувчи томонидан лизинг олувчидан ўз мол-мулкини талаб қилиб олиш тўғрисида талаб қўйилса, судья томонидан суд буйруғи берилади.

ХПКнинг мазкур нормасига асосан судья томонидан «Нодирабегим-А» ИЧСФдан «FLC-LEAZING» ҚКга «Nissan Pathfinder LE A/T 4WD» русумли автомобилни олиб бериш тўғрисида суд буйруғи берилган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2011 йил 26 майдаги 58-сонли қарори билан тасдиқланган)

1.10. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН 2009–2010 ЙИЛЛАР ВА 2011 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ МОБАЙНИДА СУҒУРТА ШАРТНОМАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. Суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтда кучга киради. Агар шартномада суғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, шартномада шартлашилган суғурта суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

Андижон вилоят прокуратураси «Paxtaobod parranda» МЧЖ манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарлар «Alskom» суғурта компанияси ОАЖ ва унинг Андижон филиалидан 1 085 000 000 сўм етказилган зарар ундиришни сўраган.

Ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар Андижон вилоят прокуратураси хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖ манфаатида киритилган 2010 йил 25 ноябрдаги даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни сўраган.

МЧЖ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, ХПКнинг 44-моддасига асосан даъво аризасини мазмунан кўришни ҳамда жавобгарлардан 1 085 000 000 сўм етказилган зарар ҳамда 500 000 000 сўм маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, МЧЖ ва ОАЖнинг Андижон филиали ўртасида 2009 йил 28 апрелда суғурта полиси расмийлаштирилиб, МЧЖнинг жами 946 000 000 сўмлик бино иншоотлари суғурталанган.

Шунингдек, тарафлар ўртасида 2010 йил 27 майда суғурта шартномаси тузилиб, унга кўра МЧЖнинг 622 200 000 сўмлик парранда сақлаш дастгоҳлари суғурталанган.

ФК 928-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, бир турдаги мол-мулк (товарлар, юклар ва ҳоказоларнинг) турли туркумларини муайян муддат давомида бир хилдаги шартларда мунтазам суғурталаш суғурта қилдирувчининг суғурталовчи билан келишувига биноан битта суғурта шартномаси – бош полис асосида амалга оширилиши мумкин.

ФКнинг 930-моддасига кўра суғурта қоидаларида мавжуд бўлган ва суғурта шарномаси (полиси) матнига киритилмаган шартлар, агар шартномада (полисда) шундай қоидалар қўлланилиши тўғридан-тўғри кўрсатилган ва қоидаларнинг ўзи шартнома (полис) билан битта ҳужжатда ёки унинг орқа томонида баён қилинган ёхуд унга илова қилинган бўлса, суғурта қилувчи (наф олувчи) учун мажбурийдир.

Суғурта полисига илова қилинган жадвалга мувофиқ, МЧЖ суғурталанаётган мулкларнинг 0,2 фоизи миқдорида, яъни 28.04.2009 йилдан 27.04.2010 йилгача бўлган давр учун – 1 892 000 сўм, 28.04.2010 йилдан 27.04.2011 йилгача бўлган давр учун – 1 892 000 сўм, 28.04.2011 йилдан 27.04.2012 йилгача бўлган давр учун – 1 892 000 сўм суғурта мукофотини тўлаши лозим бўлган.

МЧЖ томонидан тўлов жадвалидаги биринчи 1 892 000 сўм мукофот пули 2009 йил 5 майда амалга оширилган бўлиб, ушбу тўлов 28.04.2009–27.04.2010 йилгача бўлган давр учун тўланган. Аммо тўлов жадвалидаги 28.04.2010–27.04.2011 йил даври учун 1 892 000 сўм суғурта мукофоти ўз вақтида тўланмаган.

2010 йил 11 июнда табиий офат, яъни сув тошқини содир бўлган.

Андижон вилоят ҳокимлигининг 2010 йил 11 июндаги йиғилиш баёнининг 9-банди ижроси бўйича сув тошқини натижасида МЧЖ томонидан кўрилган зарарларни аниқлаш юзасидан комиссиянинг 2010 йил 22 июлдаги далолатномасида табиий офат – сув тошқини 2010 йил 11 июнь соат 03–04 чамасида содир бўлганлиги қайд этилган.

ФКнинг 947-моддасига асосан, суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтдан кучга киради. Агар шартномада суғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, шартномада шартлашилган суғурта суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

Тарафлар ўртасида тузилган 2010 йил 27 майдаги суғурта шартномасининг 5.1-бандида шартнома бир йил муддатга тузилган бўлиб, суғурта компаниясининг мажбуриятлари суғурта мукофоти ёки унинг бир қисми тўланганидан сўнг эртанги куннинг соат 00–00 дан кейин вужудга келиши белгилаб қўйилган.

МЧЖ мазкур шартнома бўйича суғурта мукофотини табиий офат юз берганидан кейин, яъни 2010 йил 11 июнь соат 9–00 ларда тўлаган.

Сув тошқини ҳодисаси суғурта жавобгарлиги бошланмай туриб рўй берганлиги сабабли, биринчи инстанция суди 1 085 000 000 сўм етказилган зарарни ундиришни рад этиш ҳақида хулосага келиш билан биргаликда даъво талабининг 500 000 000 сўм маънавий зарарни ундириш қисми хўжалик суди судловига тааллуқли бўлмасада, даъво талабининг ушбу қисмини ҳам рад этган.

ХПК 86-моддасининг 1-қисмига асосан низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса иш юритиш тугатилиши лозим.

Шу боис кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириб, даъво талабининг жавобгарлардан 500 000 000 сўм маънавий зарарни ундириш қисми бўйича иш юритишни тугатиб, ҳал қилув қарорининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдирган.

2. Суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг ўз хоҳишига кўра суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечиши суғурталовчига тўланган суғурта мукофотини олиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

«Сардор» МЧЖ «Мадад» суғурта агентлигига нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 1 000 000 сўм суғурта мукофотини ундиришни ва суғурта шартномасини муддатидан илгари бекор қилишни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Сардор» МЧЖ ҳамда «Мадад» суғурта агентлиги ўртасида 2008 йил 10 апрелда мулкий суғурта шартномаси тузилган. Унга кўра, «Сардор» МЧЖга қарашли бино анҳор ёқасида жойлашганлиги учун сув тошқини хавфидан суғурта қилинган. Суғурта мукофоти сифатида суғурта агентлигига 1 000 000 сўм тўлаб берилган. Суғурта шартномаси амал қилиш муддати бир йил қилиб белгиланган. Бироқ тарафлар ўртасида тузилган шартнома кучга кирганидан бир ой ўтгач «Сардор» МЧЖ суғурта агентлигига мурожаат қилиб, суғурталанган бинони бузиб, қайтадан мустаҳкам қилиб қуришни бошлаганлиги сабабли суғурта шартномасидан воз кечишини маълум қилган. Шу сабабли, «Сардор» МЧЖ суғурта шартномасини бекор қилишни таклиф қилиб, тўланган суғурта мукофотини қайтариб беришни сўраган.

Суғурта агентлиги МЧЖнинг талабномасини эътиборсиз қолдирган.

ФК 948-моддасининг биринчи қисмига кўра, суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган шартнома муддати келишидан олдин бекор бўлади. Суғурталанган мол-мулкнинг юз берган суғурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлиши ҳам шундай ҳолатлар жумласига киради.

Мазкур модданинг учинчи қисмида суғурта шартномаси ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор бўлганда, суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишда олиш ҳуқуқига эгалиги белгиланган.

Суд ФК 948-моддасининг ушбу нормаларига асосланиб суғурта мукофотининг бир қисмини, яъни 250 000 сўмини даъвогар фойдасига ундириб, суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилган.

Бироқ ФК 948-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда, суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қайтариб берилмайди.

«Сардор» МЧЖ (суғурта қилдирувчи) суғурталанган бинони қайта қураётганлиги муносабати билан ўз хоҳишига кўра уни бузиб ташлаган ва шунинг учун суғурта шартномасидан воз кечган.

Шу боис, бундай ҳолатда суд суғурта шартномасини муддатидан илгари бекор қилиб, суғурта мукофотини ундиришни рад этиши лозим эди.

3. Суғурта шартномасида назарда тутилмаган суғурта ҳодисаси учун суғурталовчи суғурта товони (суғурта пули)ни тўламайди.

Даъвогар «Қуралай» ФХ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Ўзагросуғурта» ДАСК Сурхондарё вилоят дирекцияси ҳамда Жарқўрғон туман бўлими ҳисобидан 6 870 000 сўм суғурта товонини ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларига биноан, 2008 йил 15 мартда даъвогар «Қуралай» ФХ ва «Ўзагросуғурта» ДАСК Сурхондарё вилоят ди-

рекцияси ҳамда Жарқўрғон туман бўлими ўртасида ёғ-мой берадиган экинлар етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг экинлардан кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарарини ихтиёрий суғурталаш мақсадида суғурта шартномаси тузилган.

2008 йил 15 апрелда мониторинг ўтказилиб, унинг натижаси бўйича маълумотнома тузилган. Унда зиғир уруғи сийрак, масхар эса бир текис униб чиққанлиги маълум қилинган. Бироқ, ҳаддан ташқари кўпайиб кетаётган чигиртка кўчатларни бир бошдан еб кетаётганлиги қайд этилган.

Суғурта шартномасининг 2-бандида жала, сел, дўл, қурғоқчилик, суғориш манбаларидаги сувсизлик ёки камсувлик, узоқ давом этган ёғингарчилик туфайли экинларнинг ётиб қолиши натижасида ҳосилнинг нобуд бўлиши суғурта ҳодисаси сифатида тан олиниши ва суғурта товонининг тўланиши учун асос бўлиши белгиланган.

Бироқ, чигирткаларнинг ҳосилни еб нобуд қилиши суғурта шартномасида суғурта ҳодисасини келтириб чиқариши белгиланмаган.

ФК 915-моддасининг биринчи қисмига кўра, мулкий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Бундан ташқари, суғурта шартномасининг 7.1-бандида суғурта қилдирувчи, суғурталанган экинларнинг зарарланиши ёки нобуд бўлиши натижасида суғурталанган ҳосилни олиш имконияти камайса ёки йўқолса суғурталовчига 3 кун ичида бўлиб ўтган ҳодиса тўғрисида хабарнома бериши белгиланган бўлса-да, ФХ томонидан белгиланган муддатларда туман суғурта бўлимига мурожаат қилинмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд даъво талабини рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган.

4. Агар суғурта қилдирувчи манфаатсиз мол-мулкни суғурта қилдираётган бўлса, бундай суғурта шартномаси ҳақиқий бўлмаган шартнома ҳисобланади.

Даъвогар «Жаннат» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Мадад» суғурта агентлигидан 12 000 000 сўм суғурта товони (суғурта пули) ни ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Жаннат» МЧЖ ва «Мадад» суғурта агентлиги ўртасида 2009 йил 12 декабрда суғурта шартномаси тузилган. Унга кўра, МЧЖнинг дарё бўйидаги сув чиқарадиган насоси суғурта қилинган. Шартномада суғурталовчи насос суғурта ҳодисаси туфайли қаттиқ шикастланганда ёки нобуд бўлганда 12 000 000 сўм суғурта товонини тўлаб бериши, бунинг учун суғурта қилдирувчи 600 000 сўм суғурта мукофоти тўлаб бериши белгиланган. Шартноманинг 5.3-бандига асосан суғурта мукофоти шартнома имзоланганидан кейин 5 иш куни ичида тўлаб берилган. Бироқ шартнома қиш фаслида тузилганлиги сабабли насоснинг ишлаш ҳолатини текшириш имконияти мавжуд бўлмаган. Чунки қишда дарёнинг суви кескин камайиб кетган. Эрта баҳорда дарё сувининг кескин кўтарилиши натижасида насос ўрнатилган жойларни сув ювиши оқибатида насосга қаттиқ шикаст етган. Шу сабабли, «Жаннат» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Мадад» суғурта агентлигидан 12 000 000 сўм суғурта товони ундиришни сўраган.

Суд низони тўғри ҳал этиш учун суд мажлисига туман ҳокимиятидан вакил жалб қилиб, суғурта ҳодисаси юзасидан унинг тушунтиришларини эшитган. Туман ҳокимияти вакилининг тушунтиришларига кўра, насос суғурталанишидан олдинроқ ишламасдан қолган. Бу ҳақда шу ҳудуддаги фермер хўжаликлари ва тегишли қишлоқ хўжалиги ташкилотлари вакиллари томонидан далолатнома расмийлаштирилган. Туман ҳокимияти вакили томонидан мазкур далолатнома судга тақдим қилинган.

ФК 917-моддасининг иккинчи қисмига кўра, суғурталанган мол-мулкнинг асралишидан суғурта қилдирувчида ва наф олувчида манфаат бўлмаган пайтда тузилган мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси ҳақиқий эмас.

ФК 955-моддасининг иккинчи қисмида суғурта шартномаси ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганда, суғурталовчи мулкий

суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлашни рад этишга ҳақлилиги белгиланган.

Шу боис, суд даъвогарнинг суғурта товонини ундириш тўғрисидаги талабини рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

5. ФК 939-моддасининг иккинчи қисмига кўра мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфи қўшалоқ суғурта қилинганда ҳар бир суғурталовчи суғурта товонини (суғурта пули) ўзи тузган шартнома доирасида тўлашга мажбур бўлади, бироқ барча суғурталовчилардан олинган суғурта товонларининг (суғурта пули) умумий суммаси ҳақиқий зарардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Даъвогар «Unipolis» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, «12-автобус саройи» ОАЖ ҳисобидан 1 462 641 сўм суғурта товонини (суғурта пули) ундириб беришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, 2009 йил 10 мартда «12-автобус саройи» ОАЖ (суғурталанувчи) ва «Unipolis» МЧЖ (суғурталовчи) ўртасида «Транспорт воситасини суғурталаш» шартномаси тузилган. Ушбу шартнома ва суғурта полисига асосан давлат рақами 10 AU 779 бўлган «Mercedes Benz Conecto Low Floor» русумли автобус суғурталанган.

Ушбу суғурта шартномасига мувофиқ, суғурталовчи суғурта ҳодисаси рўй бериши оқибатида суғурталанувчи (наф олувчи)га етказилган зарарни мазкур шартномада назарда тутилган шартларда ва тартибда суғурталанувчи томонидан суғурта мукофоти тўланган тақдирда тўлаб бериши белгиланган.

2009 йил 19 мартда Маҳмудов Бобир давлат рақами 10 Z 5722 бўлган «ВАЗ–3110» русумли автомашинани Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси бўйлаб Ивлеева кўчаси томонидан Глинка кўчаси томон бошқариб келаётиб, техник носоз ҳолда тўхтаб турган И. Мирзаевга тегишли давлат рақами 10 AU 779 бўлган «Mercedes Benz Conecto Low Floor» русумли автобусга техник ёрдам кўрсатиб таъмирлаш ишлари олиб бораётган ҳайдовчи В. Бондаренко бошқарувидаги давлат рақами 10 AE 314 бўлган «ИЗАС–4951» русумли автомашинанинг орқа томонидан тўқнашув содир қилган. Бу тўқнашув оқибатида суғурталанган автобусга 1 462 641 сўм миқдорда моддий зарар етказилган.

Ушбу ҳодиса бўйича жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 2009 йил 10 июндаги ҳукми мавжуд

бўлиб, унга асосан Б. Маҳмудов йўл транспорт ҳодисасини содир қилишда айбдор деб топилиб, ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан жазога ҳукм қилинган.

Айбдор шахс Б. Маҳмудовга суғурта товонини регресс тартибда ундириш тўғрисида регресс талабнома билан мурожаат қилинган.

Аниқланишича, Б. Маҳмудов ўзининг транспорт воситаси эгаси сифатидаги фуқаролик жавобгарлигини «Ўзагросуғурта» ДАКнинг «Poytaxt Sugurta» ШКсида суғурта қилдирган. «Poytaxt Sugurta» ШКси 2009 йил 11 сентябрдаги «12-автобус саройи» ОАЖга етказилган ҳақиқий зарарни, яъни 1 462 641 сўмни тўлиқ тўлаб берган.

Бундан ташқари, содир бўлган ушбу суғурта ҳодисаси бўйича «Unipolis» МЧЖ ҳам 2009 йил 29 апрелда 281-сонли тўлов топшириқномаси билан «12-автобус саройи» ОАЖга 1 462 641 сўм тўлаб берган.

ФКнинг 914-моддасига асосан, суғурта фуқаро ёки юридик шахс (суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузадиган мулкий ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилади.

ФК 939-моддасининг иккинчи қисмида, мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфи қўшалоқ суғурта қилинганда ҳар бир суғурталовчи суғурта товонини ўзи тузган шартнома доирасида тўлашга мажбур бўлади, бироқ барча суғурталовчилардан олинган суғурта товонларининг умумий суммаси ҳақиқий зарардан ортиқ бўлиши мумкин эмас деб кўрсатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қоидалар 60-бандининг 2-қисмида мажбурий ва ихтиёрий суғурта шартномаси бўйича мол-мулкка етказилган зарар учун суғурта товони (суғурта пули) тўлаш юзасидан суғурталовчининг мажбуриятлари пайдо бўлган тақдирда, биринчи навбатда мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта товони (суғурта пули) тўланиши, мол-мулкка етказилган зарарнинг тўланмаган қисми ихтиёрий суғурта шартномаси бўйича қопланиши, бунда мажбурий ва ихтиёрий суғурта бўйича тўланган суғурта товонининг умумий суммаси жабрланувчининг

мол-мулкига етказилган ҳақиқий зарардан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Юз берган суғурта ҳодисаси бўйича ҳақиқий зарар қиймати 1 462 641 сўмга тенг бўлганлиги учун «12-автобус саройи» ОАЖ мазкур ҳодиса натижасида етказилган ҳақиқий зарар қийматинигина олиши лозим. Биринчи навбатда мажбурий суғурта шартномаси бўйича товон тўланган бўлиб, кейин эса ихтиёрий суғурта товони тўланган. Жами суғурта товони етказилган ҳақиқий зарар қийматидан ортиб кетган.

Шу боис, суд асосли равишда даъвони қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган.

6. «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасида кўрсатилган ҳолларда, шу жумладан, агар зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда етказилган бўлса, суғурталовчи зарар етказган шахсдан (суғурта қилдирувчидан, фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсдан) ўзи тўлаган суғурта тўловини регресс тартибида ундиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Даъвогар «Alfa Invest» суғурта ташкилоти хўжалик судига мурожаат қилиб, «Green Line Trading» МЧЖдан 1 557 675 сўм ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, тарафлар ўртасида 2009 йил 6 июлда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида шартнома тузилган. Унга кўра, «Alfa Invest» суғурта ташкилоти жавобгарнинг «Дамас» русумли автотранспорт воситаси эгаси сифатидаги фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган.

2010 йил 7 мартда соат 21–30да «Green Line Trading» МЧЖнинг ҳайдовчиси А. Богданов йўл ҳаракати Қоидаларининг 3.6-банди талабига зид ҳолатда ҳаракатланиб, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда иш жойидан йўл варақаси орқали бириктирилган «Дамас» русумли автотранспортини бошқариб, соатига 40 км тезликда ҳаракатланиб, ўз йўналишини чапга ўзгартириб, оқибатда унга нисбатан қарама-қарши томондан ҳаракатланаётган

ҳайдовчи Ф. Эшимов бошқарувидаги «Нексия» русумли автотранспорт воситаси билан урилиб, тўқнашув содир этган.

«ProOcenka» МЧЖ томонидан тузилган калькуляцияга кўра Ф. Эшимов бошқарувидаги «Нексия» русумли автотранспорт воситасига 1 935 253 сўм миқдорида моддий зарар етказилган. Ушбу сумма Ф. Эшимовга суғурта ташкилоти томонидан тўлиқ тўлаб берилган. Натижада даъвогар 2010 йил 4 июнда жавобгарга хат юбориб, 1 557 675 сўмни суғурта ташкилотига тўлаб беришни талаб қилган. Аммо жавобгар томонидан даъвогарнинг талаби оқибатсиз қолдирилган. Шу боис суғурта ташкилоти судга даъво билан мурожаат қилган.

«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонун 24-моддасининг 3-хатбошисига кўра, зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда етказилган бўлса, суғурталовчи зарар етказган шахсдан (суғурта қилдирувчига, фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсга) ўзи тўлаган суғурта тўловини регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, ФКнинг 957-моддасига кўра, агар мулкий суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг суғурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи (суброгация) тўланган сумма доирасида суғурта товонини тўлаган суғурталовчига ўтади. Шу боис биринчи инстанция суди даъвони асосли равишда қаноатлантирган.

7. ФКнинг 951-моддасига биноан суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол суғурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилмаган бўлса, ва агар бу ҳақда суғурталовчида маълумотлар йўқлиги унинг суғурта товонини (суғурта пули) тўлаш мажбуриятига таъсир этмаслиги исботланмаса, суғурталовчига суғурта товонини (суғурта пули) тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси хўжалик судига мурожаат қилиб, «Alfa Invest» суғурта ташкилотидан 25 685 802 сўм ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, 2009 йил 14 сентябрда тарафлар ўртасида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида шартнома тузилган. Ушбу шартномага кўра, суғурта ташкилоти иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши даврида ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини олган.

2010 йил 15 июль куни соат 13–30да ойлик иш режаси асосида «Ўрта Осиё махсус қурилиш» бошқармасининг Самарқанд минтақавий кон-техника инспекцияси бошлиғи Н. Тен Навоий-Когон йўналиши бўйича «Жигули» русумли хизмат автотранспорт воситасида кетаётганида «УАЗ» русумли автомашина билан тўқнашган. Тўқнашиш оқибатида олинган тан жароҳати натижасида Н. Тен соат 14–30да вафот этган. Ушбу бахтсиз ҳодиса юзасидан тузилган махсус комиссия хулосасига кўра, содир бўлган бахтсиз ҳодиса ишлаб-чиқариш билан боғлиқ деб топилган.

Шу боис, даъвогар суғурта ташкилотига мурожаат қилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда шикастланиши ёки саломатликнинг бошқа хил зарарланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўлаш қоидалари»га асосан тўланиши лозим бўлган 25 685 802 сўм зарар суммаси ва ўртача иш ҳақининг 5 ойлиги миқдорида, яъни 1 783 735 сўм нафақа суммасини тўлаб беришни талаб қилган.

Суғурта ташкилоти даъвогарнинг талабини рад қилган ва бунга Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари»нинг 29-бандини асос қилиб келтирган. Унга кўра, суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси вужудга келган кундан бошлаб ўн кун ичида суғурта ҳодисаси ҳақида суғурталанувчига хабар бериши лозим бўлган. Бироқ, даъвогар бу талабга риоя қилмаганлиги ФКнинг 951-моддасига биноан суғурталовчига суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқини беришини важ қилиб келтирган.

ФК 951-моддасининг биринчи қисмида мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол суғурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши шартлиги, агар шартномада хабар қилиш муддати ва (ёки) усули назарда тутилган бўлса, бу шартлашилган муддатда ва шартномада кўрсатилган усулда қилиниши лозимлиги, агар наф олувчи ўзининг фойдасига тузилган шартнома бўйича суғурта товонига бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш ниятида бўлса, айни шундай мажбурият наф олувчи зиммасида бўлиши белгиланган.

Бироқ ФК 951-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятнинг бажарилмаслиги суғурталовчига, агар суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганини ўз вақтида билганлиги ёхуд бу ҳақда суғурталовчида маълумотлар йўқлиги унинг суғурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир этмаслиги исботланмаса, суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

Мазкур ҳолатда суғурта ҳодисаси рўй берганлиги юзасидан ўз вақтида суғурталовчини хабардор қилинмаслиги унинг суғурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир этмайди. Чунки даъвогарнинг ходими бўлган Н. Тен олинган тан жароҳати натижасида вафот этган ва бу ҳақда суғурталовчининг ўз вақтида хабардор қилмаслиги суғурта ҳодисасига таъсир қилмайди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда суд даъвогарнинг талабини қаноатлантирган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2011 йил 25 августдаги 84-сонли қарори
билан тасдиқланган)

1.11. МУЛК ИЖАРАСИ ШАРТНОМАЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН НИЗОЛАРНИ КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ (2009–2010 йиллар ва 2011 йилнинг биринчи ярми)

1. Тарафлар ўз ўрталаридаги дастлабки мажбуриятни бошқа нарсани ёки бошқача ижро этиш усулини назарда тутувчи янги мажбурият билан алмаштириш (мажбуриятни янгилаш) ҳақида келишиб олсалар, мажбурият бекор бўлади.

Даъвогар «AMU POLVON SOHILI» ФХ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Кўприкқурилиш» трестининг 67-«Кўприкқурилиш» отрядидан 12 688 000 сўм ижара ҳақи ва 1 268 800 сўм пеня ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида 2005 йил 2 декабрда тузилган ижара шартномасига асосан даъвогар жавобгарга «ТО–18» русумли юк кўтармаси (погрузчик)ни 2006 йил 31 декабрга қадар ижарага берган.

Ушбу шартноманинг 2.1-бандига мувофиқ, ижара ҳақи ойига 2 537 600 сўм миқдорида белгиланган.

Жавобгар ижарага берилган «ТО–18» русумли юк кўтармаси (погрузчик)дан фойдаланиб, 2005 йил декабрдан 2006 йил март ойигача бўлган давр учун ижара ҳақини тўлаб берган.

2006 йил 1 мартда тарафлар ўртасида «ТО–18» русумли юк кўтармаси (погрузчик)ни олди-сотди шартномаси имзоланиб, унда мазкур транспорт воситасининг баҳоси 18 000 000 сўм қилиб белгиланган. Шартнома шартларига кўра, жавобгар – сотиб олувчи ушбу суммани тўлаб бериши, даъвогар – сотувчи эса жавобгарга кўрсатилган транспорт воситасини тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда топшириши лозим бўлган.

Жавобгар олди-сотди шартномаси бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятини бажариш мақсадида тўлов топшириқномаси билан даъвогарнинг ҳисоб рақамига 18 000 000 сўм пул маблағини ўтказиб берган.

ФК 347-моддасининг биринчи қисмига кўра, тарафлар ўз ўрталаридаги дастлабки мажбуриятни бошқа нарсани ёки бошқача

ижро этиш усулини назарда тутувчи янги мажбурият билан алмаштириш (мажбуриятни янгилаш) ҳақида келишиб олсалар, мажбурият бекор бўлади.

Шунинг учун судлар даъвогарнинг жавобгардан ижара ҳақини ундириш тўғрисидаги талабини рад этиш ҳақида хулосага келган.

2. Мулк ижараси шартномасининг муддати тамом бўлганидан кейин ҳам ижарага олувчи мулкдан фойдаланишни давом эттирса ва ижарага берувчи бунга эътироз билдирмаган бўлса, шартнома аввалги шартлар асосида номаълум муддатга қайтадан тузилган ҳисобланади.

«Asbobsoz» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «TBS GROUP» МЧЖни Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 49-уйдаги 384 кв.м мажбурий тартибда кўчириш ҳамда ундан 9 216 000 сўм ижара ҳақини ундиришни сўраган.

Ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар даъвогар судга қўшимча даъво аризаси тақдим этиб «TBS GROUP» МЧЖдан 36 870 000 сўм ижара ҳақини ундиришни (даъво талабининг 9 216 000 сўм ундириш қисмини 36 870 000 сўмга кўпайтиришни) сўраган.

Жавобгар «TBS GROUP» МЧЖ «Asbobsoz» МЧЖга нисбатан қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида 2008 йил 25 декабрда тузилган ижара шартномаси муддати аввалги шартлар билан узайтирилганлигини тасдиқлашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан дастлабки даъво қисман қаноатлантирилган. Жавобгар «TBS GROUP» МЧЖ Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси 49-уйдаги умумий майдони 968,25 кв.м бўлган бинодан мажбурий тартибда кўчирилган ҳамда жавобгардан даъвогар фойдасига 11 522 175 сўм ундирилган. Қарши даъво аризаси бўйича иш юритиш тугатилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Asbobsoz» МЧЖ (ижарага берувчи) билан «TBS GROUP» МЧЖ (ижарага олувчи) ўртасида 2008 йил 25 декабрда тузилган 12-сонли ижара шартномасига кўра, ижарага берувчи ўзига қарашли бўлган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 49-уйда жойлашган умумий майдони 968,25 кв.м бўлган бинони ижарага бериши, ижарага олувчи эса ҳар ойда 1 355 550 сўм ижара ҳақи тўлаши лозим бўлиб, шартноманинг амал қилиш муддати 2009 йил 30 ноябргача белгиланган.

Кейинчалик тарафлар ўртасида 2008 йил 25 декабрда ижара шартномасига қўшимча келишув тузилиб, унга кўра, ижарага берилган майдон 968,25 кв.м дан 487,0 кв.м га камайтирилган, шунингдек 2009 йил 1 апрелдан бир ойлик ижара ҳақи 681 800 сўм миқдорида белгиланган.

ФКнинг 553-моддасига кўра, агарда қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан кейин янги муддатга мулк ижараси шартномасини тузишда шароитлар тенг бўлган ҳолларда бошқа шахсларга нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади. Ижарага олувчи ижарага берувчини мулк ижараси шартномасида белгиланган муддатда, агар шартномада бундай муддат белгиланган бўлмаса, шартноманинг амал қилиши тамом бўлгунча оқилона муддатда бундай шартномани тузиш истаги ҳақида ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

Бироқ «TBS GROUP» МЧЖ ўзининг шартнома тузиш истаги мавжудлиги ҳақида ижарага берувчини огоҳлантирганлигини тасдиқловчи далиллар иш ҳужжатларида мавжуд эмас.

Шунингдек, юқорида қайд этилган модданинг тўртинчи бандида ҳамда «Ижара тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида, агар мулк ижараси шартномасининг муддати тамом бўлганидан кейин ҳам ижарага олувчи мулкдан фойдаланишни давом эттирса ва ижарага берувчи бунга эътироз билдирмаган бўлса, шартнома аввалги шартлар асосида номаълум муддатга қайтадан тузилган ҳисобланиши назарда тутилган.

Бироқ шартнома муддати тамом бўлгандан сўнг ижарага берувчининг жавобгар томонидан ижара мулкидан фойдаланишини давом эттиришига ёзма эътирози бўлган.

Юқорида қайд этилган нормалар талабидан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди томонидан даъво талабининг жавобгарни бинодан мажбурий тартибда чиқариш қисми қаноатлантирилган.

Бироқ суд ижара ҳақи ва давлат божини ҳисоблашда хатоликка йўл қўйганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини қисман ўзгартирган.

3. Мулкдор ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши (кейинги ўринда матнда – ХДП) хўжалик судига мурожаат

қилиб, «Инвест-Мир-Сервис» МЧЖни ноқонуний эгаллаб турган хонадан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси суди қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, ХДП билан «Инвест-Мир-Сервис» МЧЖ ўртасида 2006 йил 28 декабрда бино, иншоот, бошқа кўчмас мулк объекти ижараси шартномаси тузилган. Ушбу ижара шартномасига асосан ХДПга қарашли бўлган бинонинг 2-қаватидаги 206-хона «Инвест-Мир-Сервис» МЧЖга ижарага берилган.

Ижара шартномасининг 5.1-бандига асосан ижара муддати 2006 йилнинг 1 декабридан 2008 йилнинг 31 декабригача белгиланган. ХДП тарафлар ўртасида тузилган ижара шартномасининг муддати тугаганлиги сабабли 2009 йил 9 январда хат билан мурожаат қилиб, МЧЖ эгаллаб турган 206-хонани 3 кун ичида, яъни 2009 йил 12 январга қадар бўшатишни сўраган. Жавобгар томонидан ҳеч қандай фикр билдирилмаган ва хонани бўшатиш чораси кўрилмаган.

ХДП суд мажлисида мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома билан мулкнинг ўзига тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган.

ХПК 55-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

ФКнинг 228-моддасига асосан мулкдор ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли.

Шу сабабли биринчи инстанция суди жавобгар – «Инвест-Мир-Сервис» МЧЖни эгаллаб турган хонадан мажбурий тартибда чиқариш ҳақидаги даъвони қаноатлантирган. Кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

4. Ваколатсиз шахс томонидан тузилган ижара шартномасини ваколат берувчи кейинчалик маъқуллаганда, яъни ушбу шартномани ижрога қабул қилинганлигидан гувоҳлик берувчи ҳаракатларни амалга оширганда, шартнома унинг учун

ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади.

«Ўзбекқишлоқсавдо» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ЯТТ И. Валиуллинадан 3 500 000 сўм асосий қарз, 1 925 000 сўм пеня, 6 000 000 сўм жарима, 1 178 435 коммунал тўловлар, жами 12 603 435 сўм ундиришни сўраган.

Жавобгар ЯТТ И. Валиуллина қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Ўзбекқишлоқсавдо» МЧЖ билан 2008 йил 17 декабрда тузилган ижара шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган. ЯТТдан «Ўзбекқишлоқсавдо» МЧЖ фойдасига 3 500 000 сўм асосий қарз ва 262 500 сўм пеня ундирилган.

Даъвонинг қолган қисми ва қарши даъво рад этилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, 2008 йил 17 декабрда тарафлар ўртасида ижара шартномаси тузилган. Унга асосан «Ўзбекқишлоқсавдо» МЧЖ (ижарага берувчи) Урганч тумани, Ғайбу қишлоғида жойлашган иссиқхона биносини ЯТТ И. Валиуллина (ижарага олувчи)га вақтинчалик фойдаланишга бериш, ижарага олувчи эса ижара ҳақи тўловларини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 3.1-бандига кўра ижара ҳақи ойига 500 000 сўм миқдорида белгиланган. Ижара шартномасига мувофиқ жавобгар иссиқхонадан 2008 йил 17 декабрдан 2009 йил 17 июлга қадар, яъни 7 ой мобайнида фойдаланиб келган. Аммо, жавобгар шартномавий мажбуриятини лозим даражада бажармаган ва шартномада кўрсатилган муддат ичида 3 500 000 сўмлик ижара ҳақини тўламаган.

Шу боис биринчи инстанция суди томонидан даъво талабининг 3 500 000 сўмлик асосий қарзни ундириш қисми қонуний равишда қаноатлантирилган.

Даъвогар шартноманинг 4.2-бандига асосан ижара ҳақи тўлови кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 фоиз миқдорида, жами бўлиб 1 925 000 сўмлик пеня ҳамда шартноманинг 4.3-бандига мувофиқ шартнома шартларини лозим даражада бажармаганлиги учун 6 000 000 сўм жаримани ҳам ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 4-бандига ва ФКнинг 326-моддасига кўра, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкий аҳволи эътиборга олиниши лозим. Биринчи инстанция суди ушбу ҳуқуқ нормасидан келиб чиқиб талаб қилинаётган пеня миқдорини 262 500 сўмга камайтириб, ундирган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 3-бандига кўра, агар шартномада битта мажбуриятни бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня кўринишида тўлаш назарда тутилган бўлса, даъвогар фақат бир шаклдаги неустойкани талаб қилишга ҳақли. Шу сабабли биринчи инстанция суди томонидан даъво талабининг 1 925 000 сўм пеня ундириш қисми қаноатлантирилиб, 6 000 000 сўм жаримани ундириш қисми рад этилган.

Шунингдек, даъвогар жавобгардан коммунал тўловлари, яъни табиий газдан ҳамда электр энергиясидан бўлган 1 178 435 сўм қарзни ундиришни ҳам сўраган. Суд тарафлар ўртасида тузилган ижара шартномасида мазкур тўловларни тўлаш назарда тутилмаганлиги сабабли даъвогарнинг ушбу талабини рад қилган.

Жавобгарнинг қарши даъво аризасида «Ўзбекқишлоқсавдо» МЧЖ билан тузилган ижара шартномаси И. Валиуллина эмас балки, унинг отаси В. Валиуллин томонидан имзоланганлигини важ қилиб, шу асосга кўра шартномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

ФКнинг 132-моддасига кўра, вакил қилинмаган шахс томонидан бошқа шахс номидан тузилган ёки ваколатлардан ташқари чиқиб тузилган битим ваколат берган шахс ушбу битимни кейинчалик маъқуллаган тақдирдагина унинг учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Битим тузишга ваколат берган шахс битимни ижрога қабул қилганлигидан гувоҳлик берувчи ҳаракатлар қилган ҳолда ҳам бундай битим маъқулланган ҳисобланади. Битим тузишга ваколат берган шахс томонидан битимнинг кейинчалик маъқулланиши уни тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий битимга айлантиради.

ЯТТ И. Валиуллина тузилган ижара шартномасига 7 ойгача ҳеч қандай эътироз билдирмасдан ижарага олинган иссиқхонадан фойдаланиб келган. Бу ҳолат ЯТТнинг битимни маъқуллаганлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

5. Агар ижарага берувчи ижарага олувчига мулкни ижара объектини эксплуатация қилиш ва фойдаланиш учун зарур бўлган ҳужжатларсиз берган бўлса, ижара ҳақи ундирилмайди.

«Билол» ОАЖ (ижарага берувчи) хўжалик судига мурожаат қилиб, «Фано» МЧЖ (ижарага олувчи)дан 12 000 000 сўм ижара ҳақи ва бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун 2 000 000 сўм фоиз ундиришни сўраган.

Жавобгар қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ФКнинг 552-моддасига асосан ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Иш апелляция инстанциясида кўрилмаган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, тарафлар ўртасида «Исузу» автобусини ижарага бериш тўғрисида шартнома тузилган. Автобус ижара олувчига топширилган. Бироқ ижарага олувчи автобусдан фойдалана олмаган, чунки ижарага берувчи автобусни техник паспортисиз топширган. Авто-мототранспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларига асосан транспорт воситалари техник паспортисиз фойдаланилиши мумкин эмас ва унга нисбатан жавобгарлик белгиланган.

Ижарага олувчи ижарага берувчига бир неча маротаба мурожаат қилиб, автобуснинг техник паспортини топширишни талаб қилган. Бироқ даъвогар техник паспортни жавобгарга топширмаган. Шу сабабли жавобгар қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ижара шартномасини бекор қилишни сўраган.

ФКнинг 541-моддаси иккинчи қисмига кўра мол-мулкни топширишга тайёрлаш, шу жумладан топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш ижарага берувчининг бурчи бўлиб, унинг ҳисобидан амалга оширилади. Агарда шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулк барча мансуб

ашёлари ва унга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорт, сифат сертификати ва ҳоказолар) билан бирга ижарага топширилади. Агарда бундай мансуб ашёлар ва ҳужжатлар топширилган бўлмаса ва уларсиз ижарага олувчи мол-мулкдан унинг ўз вазифаси бўйича фойдалана олмаса ёхуд шартнома тузиш пайтида мўлжаллашга ҳақли бўлган анча нарсасидан маҳрум бўлса, у ижарага берувчидан бундай мансуб ашёлар ва ҳужжатларни топширишни ёхуд шартномани бекор қилишни, шунингдек зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

ФКнинг 552-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра ижарага олувчининг талаби билан мулк ижараси шартномаси суд томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин, агар:

– ижарага берувчи мол-мулкни фойдаланиш учун ижарага олувчига бермаса ёки мол-мулкдан шартнома шартларига ёхуд мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланишга тўсқинлик қилса.

Биринчи инстанция суди ФКнинг мазкур нормаларига асосан жавобгарнинг ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги қарши даъво аризасини қаноатлантирган. Дастлабки даъво аризасини ижарага берувчи томонидан шартнома шартлари бузилганлиги оқибатида ижарага олувчи ижарага олинган мулкдан (автобусдан) белгиланган мақсадда фойдалана олмаганлигини ҳисобга олиб, уни қаноатлантиришни рад этган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанция суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

6. Ижарага олувчи унга ижарага топширилмаган мулкни аслида фойдаланишида бўлган учинчи шахсдан талаб қилиб олиши мумкин эмас.

Даъвогар «Нур» МЧЖ «Фирдавс» ХКга нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, МЧЖга ижарага топширилиши белгиланган 80 кв.м майдонда жойлашган бинони уни эгаллаб турган «Фирдавс» ХКдан талаб қилиб олишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, даъвогар ва Бинолардан фойдаланиш департаменти ўртасида 80 кв.м майдонда жойлашган бинони ижарага бериш шартномаси тузилган.

ФКнинг 535-моддасига мувофиқ мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади. Мазкур нормага асосан мулкни ижарага олувчига топшириш ижарага берувчининг мажбурияти ҳисобланади.

Суд ижарага берувчи томонидан бино ижарага олувчига топширилмаганлиги ҳамда ижарага олувчи бинодан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритмаганлигини аниқлаб, ижарага олувчи низоли мулкнинг қонуний эгаси эмаслиги тўғрисида хулосага келган.

Шундай экан, даъвогар учинчи шахсларнинг ҳаракатларидан мулкий-ҳуқуқий ҳимояланиш усулидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган.

Унинг ҳуқуқлари, агар ижарага берувчи ижарага олувчига ижарага берилган мол-мулкни шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилган бўлмаса, оқилона муддатда топширмаган бўлса, ижарага олувчи ФКнинг 331-моддасига мувофиқ бу мол-мулкни ундан талаб қилиб олиш ва ижронинг кечикканлиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ёки шартномани бекор қилиш ва унинг бажарилмаганлиги сабабли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган ФКнинг 541-моддаси 4-қисмига асосан ҳимоя қилиниши мумкин эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

7. Ижарага берилган мол-мулкнинг мулкдори ўзгарганда, ижара шартномасини қайта расмийлаштириш масаласи қўйилган-қўйилмаганлигидан қатъи назар, аввалги мулкдор мулкни ижарага беришдан келадиган даромадни олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади, янгиси эса – олиш ҳуқуқига эга бўлади.

«Рисолат» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Келажак» АЖдан ФКнинг 1028-моддасига асосан мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи жавобгардан унга ўтгандан кейин олинган даромадни ундиришни сўраган.

Ишга мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида низоли мулкни ижарага олувчи «Бахтиёр» ХК жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, жавобгар «Келажак» АЖ ва учинчи шахс «Бахтиёр» ХК ўртасида кўчмас мулк ижара шартномаси тузилган. Унга кўра, жавобгар ўзига тегишли бўлган 2 қаватли бинони ХКга ижарага берган. Шартнома муддати тугамасдан ижарага олувчи эгаллаб турган бино даъвогар томонидан сотиб олинган. Бироқ ижара предмети сотилганлиги тўғрисида ижарага олувчи хабардор қилинмаган.

Биринчи инстанция суди даъвогар низоли бинонинг мулкдори бўлгандан кейин ижара шартномаси бўйича ижарага берувчини алмаштириш масаласини кўтармаганлигини ҳамда жавобгар билан учинчи шахс ўртасидаги ижара шартномаси бекор қилинмаганлиги ёки қонунда белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилмаганлигини инобатга олиб, ижарага олувчи ижара ҳақини учинчи шахсга тўғри тўлаб келган деган хулосага келган.

Бироқ апелляция инстанция суди ФКнинг 549-моддасига асосан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини асоссиз деб топиб, уни бекор қилган.

ФКнинг 549-моддаси кўра, ижарага топширилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши мулк ижараси шартномасининг ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши учун асос бўлмайди. Бунда ижара шартномасини қайта расмийлаштириш масаласи қўйилган-қўйилмаганлигидан қатъи назар эски мулкдор мулкни ижарага беришдан фойда олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади, янги мулкдор эса фойда олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Модомики, даъвогар бинонинг янги мулкдори бўлганлиги учун ФКнинг 1028-моддасига асосан олинмаган даромадларини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

ФКнинг 1028-моддасида мол-мулкни асоссиз олган ёки тежаб қолган шахс бойликнинг асоссиз орттирилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб ана шу мол-мулкдан чиқариб олган ёки чиқариб олиши лозим бўлган барча даромадларни жабрланувчига қайтариши ёки тўлаши шартлиги белгиланган.

8. Ижарага берилган мол-мулкка бўлган эгалик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтганлиги ўз-ўзидан аввалги мулкдор билан ижарага олувчи ўртасида тузилган ижара шартномаси шартларига ўзгартириш киритиш учун асос ҳисобланмайди,

янги мулкдор – ижарага берувчи ҳақидаги маълумотларни ўзгартириш бундан мустасно.

«Қурувчи» АЖ (мол-мулкнинг янги мулкдори) жавобгар «Фиравн» ХКга (ижарага олувчига) нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ижара шартномасининг ижарага берувчи ва ижара муддатлари қисмига ўзгартириш киритишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, жавобгар «Фиравн» ХК (ижарага олувчи) ва «Навбаҳор» ХФ (ижарага берувчи) ўртасида ижара шартномаси тузилган. Унга кўра, ХФ ўзига тегишли 2 қаватли бинонинг 1 қаватидаги бир нечта хонасини ижарага берган. Аммо ижарага берувчи 2 қаватли бинони кейинчалик «Қурувчи» АЖга сотган.

Бинонинг янги мулкдори ижарага олувчига ижара шартномасининг ижарага берувчи ва ижара муддатларини назарда тутувчи қисмига ўзгартириш киритишни таклиф қилган. Ижарага олувчи ижара шартномасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги даъвогарнинг таклифини рад қилганлиги учун АЖ тегишли талаб билан хўжалик судига мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди ФКнинг 549-моддасига асосан даъвони қаноатлантиришни рад қилган.

ФК 549-моддасининг биринчи қисмига кўра, ижарага топширилган мол-мулкка нисбатан мулк (хўжалик юритиш, оператив бошқариш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш) ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши мулк ижараси шартномасининг ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши учун асос бўлмайди.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорининг шартномадаги ижарага берувчини ўзгартириш ҳақидаги даъво талабини рад қилиш қисмини қуйидаги асосларга кўра бекор қилган.

ФКнинг 538-моддасига кўра ижара шартномаси бўйича ижарага берувчи мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади. Жавобгар томонидан ижарага олинган мол-мулкнинг мулкдори ўзгариши муносабати билан аввалги ижарага берувчи ижара шартномасининг тарафи бўлмасдан қолган.

9. Ижарага берувчи ижарага олувчидан ижара шартномаси муддати тугаганлиги муносабати билан ижарага берилган мулкни қабул қилишдан ўзи бош тортса, мулкни қайтариш муддати ўтиб кетганлиги учун ижара ҳақини талаб қилишга ҳақли эмас.

«Ал-Ҳилол» АЖ (ижарага берувчи) хўжалик судига мурожаат қилиб, ФКнинг 554-моддаси 2-қисмига асосан «Асил» ХК (ижарага олувчи)дан ижара шартномаси муддати тамом бўлган кундан мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган кунга қадар давр учун 5 700 000 сўм ижара ҳақини ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанция судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Ал-Ҳилол» АЖ ва «Асил» ХК ўртасида ижара шартномаси имзоланган. Унга кўра, «Ал-Ҳилол» АЖга тегишли 52 кв.м майдонда жойлашган бино «Асил» ХКга ижарага берилган. Ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугаган бўлса-да, ижарага олувчи бинони ижарага берувчига топширмаган.

Тарафлар ўртасида тузилган ижара шартномасида унинг амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин ижарага олувчи бинони тарафлар имзолайдиган қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан қайтариши лозимлиги кўрсатилган.

Жавобгар шартноманинг амал қилиш муддати тамом бўлиши билан бинони бўшатиб берган ва бир неча маротаба даъвогарни огоҳлантириб, шартномада келишилган далолатномани расмийлаштиришга тайёрлигини маълум қилган. Бироқ далолатнома даъвогар томонидан ўз вақтида расмийлаштирилмаган.

ФКнинг 554-моддаси иккинчи қисмига асосан, агар ижарага олувчи ижарага олган мол-мулкни қайтармаса ёки кечиктириб қайтарса, ижарага берувчи кечиктирилган барча вақт давомида мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Аммо мазкур низода ижарага берилган бинонинг ўз вақтида далолатнома асосида топширилмасдан қолишига ижарага берувчининг бинони қабул қилишни рад этганлиги сабаб бўлган.

10. Ижара мулкидан шартнома муддати тамом бўлганидан кейин ҳақиқатда фойдаланганлик учун ижара ҳақи ушбу шартномада белгиланган миқдорда ундирилади.

«Санрайз» АЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Пирамида» МЧЖдан ижара шартномаси муддати тамом бўлгандан

кейин бинони бўшатгунга қадар бўлган даврга ҳисобланган 3 500 000 сўм ижара ҳақини ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Санрайз» АЖ ва «Пирамида» МЧЖ ўртасида ижара шартномаси тузилган. Унга кўра, «Санрайз» АЖ ўзига тегишли бинони «Пирамида» МЧЖга ижарага берган. Шартномада унинг амал қилиши 2009 йил 1 октябрга қадар белгиланган бўлса-да, ижарага берувчи шартнома предметини унда белгиланган муддатларда ва тартибда топширмаган. Шу сабабли ижарага берувчи ижарага олувчидан белгиланган тартибда топширилмаган мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақини тўлашни талаб қилган.

ФК 554-моддасининг иккинчи қисмига кўра, агар ижарага олувчи ижарага олган мол-мулкни қайтармаса ёки кечиктириб қайтарса, ижарага берувчи кечиктирилган барча вақт давомида мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Мазкур моддага биноан ижара шартномасида белгиланган муддатларда ва тартибда ижара предметининг ижарага берувчига қайтарилмаганлиги ижарага олувчи учун фойдаланилган даврга ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини келтириб чиқаради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2011 йил 29 сентябрдаги 87-сонли қарори
билан тасдиқланган)

1.12. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН 2010–2011 ЙИЛЛАР ВА 2012 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ МОБАЙНИДА СУҒУРТА ШАРТНОМАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ КЎРИШ СУД АМАЛИЁТИ

1. Мол-мулкнинг суғурта қиймати суғурта шартномасини тузиш пайтида тарафларнинг келишувига кўра аниқланади. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда, суғурта товони суғурта қийматидан ортиқ бўлмаган миқдорда етказилган зарар қийматига мувофиқ ҳолда тўланади.

Даъвогар «Автогазсервис» ХК хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Ўзагросуғурта» ДАСКдан 10 698 994 сўм суғурта товони ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Автогазсервис» ХК ва «Ўзагросуғурта» ДАСК Бешариқ туман бўлими ўртасида 2009 йил 23 декабрда гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси тузилган. Унга кўра, гаровга қўйилган 7 хонали турар жой, савдо дўкони, молхона, оператор хонаси, 2 та навес, ҳовуз ва дарвоза суғурта қилинган. Суғурта шартномасига асосан даъвогарга 20 162 912 сўмга суғурта полиси берилган. Суғурта шартномаси ва полисида сув тошқини ҳам суғурта ҳодисаси сифатида кўрсатилган.

2010 йилнинг 23 июнь ва 5 август кунлари Тожикистон Республикаси ҳудудидан оқиб келувчи Исфарасой каналида сув сатҳи юқори бўлганлиги сабабли «Деҳқонтўда» каналининг сув сатҳи ҳам меъёридан ошиб кетган. Каналдан сув тошиб чиқиши натижасида унинг атрофидаги хўжаликларга, шу жумладан «Автогазсервис» ХКга тегишли бўлган ва суғурталанган биноиншоотларга жиддий зарар етган. Бу ҳақда 2010 йил 25 августда «Ўзагросуғурта» ДАСК Бешариқ туман бўлими ходимлари, ХК раҳбари ва бошқа тегишли ташкилотлар ходимлари томонидан далолатнома тузилган.

«Ўзагросуғурта» ДАСК томонидан ихтиёрий равишда суғурта товонини тўлаб берилмаганлиги сабабли, даъвогар «Ўзагросуғурта» ДАСКдан 10 698 994 сўм суғурта товони ундириш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суд даъвони қисман қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 1 033 298 сўм суғурта товони ундиришни лозим топган.

Суднинг бундай хулосага келишига кредит ва гаров шартномасида гаровга олинган мулкларнинг кадастр баҳоси 1 033 298 сўмни ташкил этиши ва суғурта пули қиймати ҳам шу миқдордан келиб чиқиб белгиланишига асосланган.

Ваҳоланки, ТИФ Миллий банк Бешариқ филиали ва «Автогазсервис» ХК ўртасида тузилган 2009 йил 15 декабрдаги 15-сонли кредит шартномасининг 3.4-бандида қарз олувчига мажбуриятлар бажарилиши таъминоти сифатида банкка қиймати 20 162 918 сўм бўлган ипотека шартномасини тақдим этиш мажбурияти юклатилган.

2009 йил 15 декабрда томонлар ўртасида ипотека шартномаси тузилган. Мазкур шартнома 28 декабрда Фарғона вилояти хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати ДУК томонидан рўйхатдан ўтказилиб, гувоҳнома берилган. Ушбу гувоҳномада ҳам гаровга қўйилаётган мол-мулкнинг қиймати 20 162 918 сўмни ташкил этиши кўрсатилган.

Бундан ташқари, суғурта шартномаси тузилаётганда ТИФ Миллий банк Бешариқ филиали, «Автогазсервис» ХК ва «Ўзагросуғурта» ДАСК Бешариқ туман бўлими ўртасида далолатнома тасдиқланган. Унда гаровга қўйилган мол-мулкнинг рўйхати тузилиб, улар баҳоланган. Далолатномада гаровга қўйилган ва суғурталаниши назарда тутилаётган мол-мулкнинг қиймати 20 162 918 сўмни ташкил қилиши кўрсатилган.

ФК 934-моддасининг биринчи қисмига кўра, мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта товонини тўлаш мажбуриятини оладиган ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича тўлаш мажбуриятини оладиган сумма (суғурта пули) суғурта қилдирувчининг суғурталовчи билан келишувига кўра ушбу модда қоидаларига мувофиқ белгиланади.

ФК 935-моддасининг биринчи қисмига асосан суғурта шартномасини тузиш пайтида тарафларнинг келишувига кўра аниқланадиган, суғурта манфаати билан боғланадиган мол-мулк қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қиймати (суғурта баҳоси) деб ҳисобланади.

Шу боис, апелляция инстанцияси суди суғурта товонини ундиришда гаровга қўйилган мол-мулкнинг кадастр баҳосига эмас, балки суғурта ҳодисаси натижасида даъвогарга етказилган ҳақиқий зарарга эътиборини қаратишни лозим деб ҳисоблаган ва ҳал қилув қарорини ўзгартириб, даъвони тўлиқ қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилган.

2. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи ўзи тўлаб берган зарар суммасини, агар иш берувчи зарар етказилишида айбдор бўлмаса, ундан талаб қилишга ҳақли эмас.

Даъвогар «Альфа-ишонч» суғурта компанияси хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Электрқурилиш» УКдан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича наф олувчига тўлаб берилган 20 957 856 сўм зарар суммасини ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Альфа-ишонч» суғурта компанияси ва «Электрқурилиш» УК ўртасида 2010 йил 12 апрелда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган. Унга кўра, суғурталовчи (даъвогар) суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда иш берувчига, жабрланувчи (наф олувчи)га меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки ходимнинг ушбу шартнома амал қиладиган даврда меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғини бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаб бериш мажбуриятини олган.

2010 йил 6 август куни чамаси соат 16–00 ларда «Электрқурилиш» УК электрмонтёри К. Баходиров меҳнат шартномасига асосан ўз вазифаларини амалга ошираётган вақтда бахтсиз ҳодиса юз бериши натижасида вафот этган.

Даъвогар марҳум К. Баходировнинг турмуш ўртоғи О. Баходировага 2010 йил 5 декабрда 330-сонли ҳамда 2010 йил 6 декабрдаги 341-сонли тўлов топшириқномалари асосида жами 20 957 856 сўм суғурта товонини тўлаб берган.

Даъвогарнинг жавобгарга суброгация тартибида марҳумнинг турмуш ўртоғига тўлаб берилган суғурта товонини қайтариш

ҳақидаги 2011 йил 10 январдаги талабномаси оқибатсиз қолдирилган.

Шу боис суғурта компанияси судга мурожаат қилиб, жавобгардан суғурта компанияси иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига асосан наф олувчига тўлаб берган суғурта товонини ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Суднинг хулосасида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари»нинг 74-банди асос сифатида кўрсатилган.

Бироқ «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари»нинг 74-бандига кўра, иш берувчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан ундирилган зарарлар бўйича жавобгар бўлган шахсга нисбатан эга бўлган талаб қилиш ҳуқуқи суғурта товонини тўлашни амалга оширган суғурталовчига у тўлаган сумма доирасида ўтади.

Мазкур ҳолатда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисанинг вужудга келишида айбдор шахс бўлмаганлиги сабабли, иш берувчи қопланган зарарни ҳеч кимдан талаб қила олмайди.

Шу боис, иш берувчи суғурталовчи томонидан тўланган зарар суммаси бўйича жавобгар бўла олмайди. Ўз навбатида суғурталовчи тўлаб берган зарар суммасини иш берувчидан талаб қилишга ҳақли эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанцияси судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

3. Суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини исботлаб берганда, суд суғурта шартномасига асосан суғурталовчидан суғурта қилдирувчи (наф олувчи) фойдасига суғурта товонини ундириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Даъвогар «Бувайда орзуси» ФХ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Ўзагросуғурта» ДАСКдан 2 527 000 сўм суғурта товони ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Бувайда орзуси» ФХ ва «Ўзагросуғурта» ДАСК Бувайда туман бўлими ўртасида 2008

йил 20 июнда «Қишлоқ хўжалиги корхонасининг бўлғуси пахта экинидан кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарарни суғурталаш тўғрисида»ги шартнома тузилган. Унга кўра, суғурталовчи (жавобгар) суғурта қилдирувчи (даъвогар) га пахта экинидан суғурта таваккалчиликлари туфайли кам ҳосил олишидан кўрилган молиявий зарарни қоплаш бўйича суғурта ҳимоясини бериш, суғурта қилдирувчи эса, шартнома бўйича ҳисобланган суғурта мукофотини белгиланган муддатда суғурталовчига тўлаб бериш мажбуриятини олган. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта полисига асосан 4 433 300 сўм суғурта пули тўлаб бериши белгиланган. Суғурта шартномасида сув сатҳининг паст бўлиши ҳам суғурта ҳодисаларидан бири сифатида кўрсатилган.

2008 йил июнь ва июль ойларида ФХга пахта экинини суғориш учун ажратилиши лозим бўлганидан анча кам миқдорда сув ажратилганлиги учун кўзланган ҳосил олинмасдан қолган. Натижада ФХ пахта экинидан 2 527 000 сўм миқдорида зарар кўрган ва судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, суғурта шартномасига асосан жавобгардан 2 527 000 сўм суғурта товони ундиришни сўраган.

Суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини инкор этиб, даъвони рад этишни сўраган.

Бироқ суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси рўй берганлигини ҳужжатлар билан исботлаб берган. Хусусан, Сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг 2008 йил 10 октябрдаги маълумотномасида июнь ойида ФХга ажратилиши лозим бўлган 32 331,7 м^3 сув ўрнига 24 248,7 м^3 ва июль ойида 32 331,7 м^3 сув ўрнига 22 560,0 м^3 сув ажратилганлиги қайд қилинган. Бундан кўриниб турибдики, суғурта ҳодисаси ҳақиқатдан юз берган ва бунинг оқибатида пахта экинидан мўлжалланганидан кам ҳосил олинган.

Ваҳоланки, ФК 915-моддасининг биринчи қисмига кўра, мулкий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ за-

рарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Шу боис биринчи инстанция суди даъвони тўлиқ қаноатлантирган.

4. Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлиқ тўламаганда, суғурталовчи суддан тўланмаган суғурта мукофотини ундиришни талаб қилишга эмас, балки суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчига суғурта товонини суғурта мукофотининг тўланган қисмига мувофиқ ҳолда тўлашга ҳақли.

Кредитор «Капитал суғурта» ОАЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, қарздор «Ўктам» ХКдан 7 155 847 сўм ундириш тўғрисида суд буйруғи беришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Капитал суғурта» ОАЖ Бухоро вилоят филиали ва «Ўктам» ХК ўртасида 2010 йил 27 мартда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси тузилган. Унга кўра, суғурталовчи («Капитал суғурта» ОАЖ Бухоро вилоят филиали) суғурта қилдирувчи («Ўктам» ХК)га тегишли автотранспорт воситалари (3 та) билан боғлиқ суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта пулини тўлаш, суғурта қилдирувчи эса, ушбу автотранспорт воситалари учун суғурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олган.

Суғурта мукофотининг қиймати суғурта қийматининг 1 фоизини, яъни 11 500 000 сўмни ташкил қилган ва ушбу сумма шартномада белгиланган муддатларда бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган.

Бироқ қарздор шартнома шартларини тўлиқ бажармаган ва шартномада белгиланган муддатларда суғурта мукофотининг 7 155 847 сўм қисмини тўламаган. Қарздорнинг шартнома шартларини бажармаганлиги томонлар ўртасида тузилган солиштириш далолатномасида ўз аксини топган.

Шу боис кредитор хўжалик судига мурожаат қилиб, қарздордан шартномага асосан тўланмаган 7 155 847 сўмни ундириш тўғрисида суд буйруғи беришни сўраган.

Биринчи инстанция суди кредиторнинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларга асосан суд буйруғи берган.

Қарздор судга ариза билан мурожаат қилиб, узрли сабабларга кўра кредиторнинг талабига қарши ўз вақтида эътироз билдириш

имкониятига эга бўлмаганлигини билдириб, суд буйруғини бекор қилишни сўраган.

ФК 942-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, агар суғурта шартномасида суғурта мукофотини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, шартномада навбатдаги суғурта бадалларини белгиланган муддатларда тўламаслик оқибатлари кўрсатиб қўйилиши мумкин.

ФК 942-моддасининг бешинчи қисмига биноан, агар суғурта ҳодисаси тўлаш муддати ўтказиб юборилган навбатдаги суғурта бадали тўланишидан олдин юз берган бўлса, суғурталовчи мулкий суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товони ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пули миқдорини суғурта мукофотининг ўзига тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган суғурта бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

Тарафлар ўртасида тузилган суғурта шартномаси 11-бўлимининг 1-бандида суғурта қилдирувчи суғурта мукофоти пулини тўлиқ тўламаганда, суғурта қилдирувчининг жавобгарлиги тўланган суғурта мукофоти қисмига мувофиқ ҳолда белгиланиши кўрсатилган.

Шартнома мазмунидан кўриниб турибдики, агар суғурта ҳодисаси содир бўлса, суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта товонини суғурта мукофотининг тўланган қисмига мувофиқ ҳолда тўлайди.

Бундан кўриниб турибдики, суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлиқ тўламаганда, суғурталовчи тўланмаган суғурта мукофотини ундиришни талаб қилишга эмас, балки суғурта ҳодисаси содир бўлганда, суғурта қилдирувчига суғурта товонини суғурта мукофотининг тўланган қисмига мувофиқ ҳолда тўлашга ҳақли бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд, суғурта шартномаси бўйича вақтида тўланмаган суғурта мукофоти дебитор қарздорлик бўлиб ҳисобланмаслиги ва бундай талаб ХПК 103-моддасида назарда тутилмаганлиги сабабли, қарздорнинг аризасига асосан суд буйруғини бекор қилган.

5. Суғурталовчи суғурта шартномасига асосан суғурта қилдирувчи (наф олувчи) томонидан етказилган зарарни қоплаб берганда, қопланган зарарни жавобгар шахсдан та-

лаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида суғурталовчига ўтади.

Даъвогар «Ўзагросуғурта» ДАСК хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Хуршид Хўжаёр набираси» ФХдан 610 600 сўм ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган пахта хом ашёси етиштиришни маблағ билан таъминлаш мақсадида 2008 йил 5 мартда «Хуршид Хўжаёр набираси» ФХ ва «Турон банк» ОАТ Шаҳрисабз филиали кредит шартномасига асосан томонидан 4 115 700 сўм имтиёзли кредит берилган.

Мазкур имтиёзли кредит қайтарилишини таъминлаш мақсадида 2008 йил 25 апрелда «Ўзагросуғурта» ДАСК ва «Хуршид Хўжаёр набираси» ФХ ўртасида суғурта шартномаси имзоланиб, унга асосан ФХга берилган Бош суғурта полисида суғурталовчи суғурта қилдирувчи томонидан имтиёзли кредит маблағлари тўлиқ ёки қисман қайтарилмаганда, кредитнинг қайтарилмаган қисмини тўлаб беришни ўз зиммасига олган.

ФХ томонидан банкдан олинган кредит маблағлари тўлиқ қайтарилмаган, яъни кредит тўловларининг 610 600 сўми тўлаб берилмаган. Шу сабабли, суғурта ташкилоти банкка суғурта қилдирувчининг 610 600 сўм қарзини тўлаб берган.

Суғурталовчи банкка тўлаб берган пул маблағларини амалдаги қонун ҳужжатлари ва Бош суғурта полиси шартларига асосан суғурта ташкилотига тўлаб бериш тўғрисида талабнома билан жавобгарга мурожаат қилган. Бироқ жавобгар томонидан пул маблағлари талабномада кўрсатилган муддатларда тўлаб берилмаган ва шу боис «Ўзагросуғурта» ДАСК судга мурожаат қилиб, ФХдан Бош суғурта полисига асосан банкка тўлаб берилган 610 600 сўмни ундиришни сўраган.

ФК 957-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар мулкий суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг суғурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида суғурта товонини тўлаган суғурталовчига ўтади.

Биринчи инстанция суди ФК 957-моддасининг биринчи қисмига таянган ҳолда даъво талабини қаноатлантирган.

6. Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта ҳодисаси содир бўлганда, шартномада белгиланган муддатларда ва усулларда суғурталовчини хабардор қилиши шарт. Суғурта ҳодисаси ҳақида ўз вақтида хабар бермаслик суғурталовчига суғурта пулини тўлаш мажбуриятини амалга оширишга таъсир этмаслигини исботлаб бера олмаса, суғурталовчи суғурта товонини тўлашни рад этади.

Даъвогар «Ашурали Раҳимберди бобо» ФХ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Мадад» суғурта агентлиги ва учинчи шахс «Кеш» кредит уюшмасидан 10 013 200 сўм ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Ашурали Раҳимберди бобо» ФХ ва «Кеш» кредит уюшмаси ўртасида 2009 йил 12 августда лизинг шартномаси тузилган. Унга кўра, «Кеш» кредит уюшмаси «Сергели-Автотехсервис» ОАЖдан 15 282 270 сўмга «Нексия» русумли енгил автомашинани йиллик 28 фоиз устама ҳақи билан сотиб олиб беришни ўз зиммасига олган.

Шартномага асосан ФХ «Кеш» кредит уюшмасига 12 000 000 сўм тўлаб берган. Кредит уюшмаси давлат рақами 70 163 ВАА бўлган «Нексия» русумли автомашинани ФХга сотиб олиб берган. Лизинг объекти 2009 йил 12 августдаги қабул қилиш далолатномасига асосан ФХга топширилган.

«Ашурали Раҳимберди бобо» ФХ, «Мадад» суғурта агентлиги Қашқадарё вилоят филиали ва «Кеш» кредит уюшмаси ўртасида 2009 йил 24 августда лизинг объектини суғурта қилиш тўғрисида шартнома имзоланган. ФХ суғурта товони сифатида суғурта агентлигига 458 468 сўм суғурта мукофотини тўлаган.

ФХ раҳбари А. Рузиев 2010 йил 13 январда Қарши-Касби йўлининг 22 километрида лизинг объекти бўлган «Нексия» автомашинасини бошқариб келаётган вақтда автомашинанинг шинасига номаълум жисм кириши натижасида бошқарувни йўқотган. Автомашина йўл четидаги бетон устунга урилган. Натижада автомашинага 10 013 200 сўм миқдорида зарар етган.

ФХ суғурта ҳодисаси содир бўлган кундан 1 ой кейин суғурта ташкилотига мурожаат қилиб, суғурта пулини тўлаб беришни сўраган. Бироқ «Мадад» суғурта агентлиги ФХга суғурта пулини тўлаб беришдан бош тортган. Шу сабабли ФХ судга мурожаат

қилиб, суғурта агентлигидан 10 013 200 сўм суғурта пулини ундиришни сўраган.

Томонлар ўртасида тузилган суғурта шартномасининг 5.2-бандида суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда, 3 кундан кечиктирмай суғурталовчини хабардор қилиши белгиланган.

ФК 951-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол суғурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши шарт. Агар шартномада хабар қилиш муддати ва (ёки) усули назарда тутилган бўлса, бу шартлашилган муддатда ва шартномада кўрсатилган усулда қилиниши лозим. Агар наф олувчи ўзининг фойдасига тузилган шартнома бўйича суғурта товонига бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш ниятида бўлса, айни шундай мажбурият наф олувчи зиммасида бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятнинг бажарилмаслиги суғурталовчига, агар суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганини ўз вақтида билганлиги ёхуд бу ҳақда суғурталовчида маълумотлар йўқлиги унинг суғурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир этмаслиги исботланмаса, суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида хулосага келган.

7. ФК 929-моддасининг биринчи қисмига асосан мулкий суғурта шартномасини тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида келишувга эришилиши лозим бўлган муҳим шартлар белгиланиши керак. Хусусан, шартномада муҳим шартлар сифатида юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида маълумотлар бўлиши шарт.

ССП «Жондор қурилиш имкон» МЧЖ манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, «Кафолат» ДАСКдан 122 000 285 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Жондор қурилиш имкон» МЧЖ ва «Кафолат» ДАСК Бухоро вилоят филиали ўртасида 2010 йил 25 майда суғурта шартномаси тузилган. Унга кўра, суғурталовчи суғурта қилдирувчи томонидан қурилиш монтаж ишларини олиб борилиши даврида суғурта ҳодисаси содир бўлганда, кўриладиган зарарни қоплаб бериш мажбуриятини олган. Ўз навбатида суғурта қилдирувчи шартномада белгиланган суғурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олган.

МЧЖ томонидан Жондор тумани Пўлоти ҚФЙ, Арабхона қишлоғида қурилаётган 7 та қурилиши тугалланмаган намунавий уйларнинг том қисми 2011 йил 11 апрелдан 12 апрелга ўтар кечаси бўлиб ўтган қаттиқ шамол натижасида учиб кетган.

«Наманган кўчмас мулк ва сармоялар агентлиги» МЧЖ томонидан 2011 йил 25 майда баҳолаш экспертизаси ўтказилган. Эксперт хулосасига кўра, қаттиқ шамол натижасида МЧЖ томонидан кўрилган зарар миқдори 122 000 285 сўмни ташкил қилган.

Шу сабабли ССП МЧЖ манфаатида судга мурожаат қилиб, суғурта ҳодисаси натижасида кўрилган 122 000 285 сўм зарар ва 7 587 580 сўм баҳолаш экспертизаси учун қилинган харажатни ундиришни сўраган.

Томонлар ўртасида тузилган суғурта шартномасида бўрон, довул суғурта ҳодисаси сифатида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг 2011 йил 16 июндаги маълумотномасида Жондор тумани яқинида 2011 йил 10–13 апрелда 19–20 м/сек тезликда шамол эсганлиги қайд қилинган. Бироқ «бўрон» термини «Узгидромет» норматив ҳужжатларида қайд қилинмаганлиги ва ушбу терминдан амалиётда фойдаланилмаслиги, балки қаттиқ шамол термини ишлатилиши билдирилган. Қаттиқ шамол термини 15–24 м/сек тезликда эсган шамолларга нисбатан ишлатилиши, баъзи метрология луғатларида «бўрон» термини учрашлиги ва у 25–28 м/сек тезликда эсган шамолларга нисбатан қўлланилиши маълум қилинган.

ФК 929-моддасининг биринчи қисмига кўра, мулкий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида келишувга эришилиши лозим муҳим шартлар белги-

ланган. Мазкур шартлар сифатида юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида маълумотлар бўлиши ҳам кўрсатилган.

Бироқ томонлар ўртасида тузилган суғурта шартномасида бўрон, довул (буря, ураган) суғурта ҳодисаси сифатида кўрсатилган бўлса-да, уларнинг ўзига хос хусусиятлари берилмаганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

8. Агар суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси тузилаётганда, суғурталовчига суғурта ҳодисаси содир бўлиши мумкинлиги тўғрисида тўлиқ маълумот бермаган бўлиб, суғурта ҳодисаси рўй бериши эҳтимоли ўтиб кетган бўлса, суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.

Даъвогар «Мадад» суғурта компанияси «Марварид» ФХга нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2010 йил 11 январда тузилган суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Мадад» суғурта компанияси ва «Марварид» ФХ ўртасида 2010 йил 11 январда суғурта шартномаси тузилган. Унга кўра, суғурта компанияси ФХга тегишли бўлган дарё ёқасида жойлашган 10 га майдондаги полиз экинларига суғурта ҳодисаси натижасида зиён етганда, суғурта полисида белгиланган сумма миқдорида суғурта товонини тўлаб беришни, ФХ эса суғурта мукофотини шартномада кўрсатилган муддатларда тўлаш мажбуриятини олган.

ФХ суғурта шартномаси тузилаётган вақтда ФХга тегишли ер майдонларидаги экинлар 3 йилдан буён сув тошқинидан жиддий зиён кўраётганлиги ҳақида суғурталовчига маълум қилмаган. Шу сабабли суғурта компанияси 2010 йил 2 июлда судга мурожаат қилиб, 2010 йил 11 январда тузилган суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

ФК 931-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларига кўра, суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлиб, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли кутилажак зарар миқдори (суғурта хав-

фи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни суғурталовчига хабар қилиши шарт.

Агар суғурта шартномаси тузилганидан кейин, ушбу моддани-нинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида суғурта қилдирувчи суғурталовчига била туриб ёлғон маълумот берган-лиги аниқланса, суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ва ушбу Кодекс 123-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган оқибатлар қўлланилишини талаб қилишга ҳақли.

Биринчи инстанция суди ФК 931-моддасининг мазкур норма-ларига асосан даъвони қаноатлантириб, томонлар ўртасида 2010 йил 11 январда тузилган суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топган.

Аммо биринчи инстанция суди ФХга тегишли ер майдонлари 3 йилдан буён март-май ойларида дарё суви кўтариладиган вақтда сув остида қолганлигига эътибор бермаган. Даъвогар даъво ари-заси билан мурожаат қилган вақтда (2010 йил 2 июлда) дарё суви сатҳининг кўтарилиш хавфи йўқолган давр бўлган.

ФК 931-моддасининг бешинчи қисмига асосан агар суғурта қилдирувчи айтиб қўймаган ҳолатлар ўтиб кетган бўлса, суғур-таловчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила ол-майди.

Шу боис апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

9. Суғурта шартномасида суғурта мукофотини бўлиб-бўлиб тўлаш белгиланган бўлиб, суғурта ҳодисаси тўлаш муддати ўтказиб юборилган навбатдаги суғурта мукофоти тўланишидан олдин юз берган бўлса, суд низони ҳал қилишда суғурта товонини суғурта мукофотининг суғурталовчига тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган суғурта бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

Даъвогар «Мурод» ХК хўжалик судига мурожаат қилиб, жа-вобгар «Кафолат» суғурта компаниясидан 100 000 000 сўм суғурта товони ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Кафолат» суғурта компа-нияси ва «Мурод» ХК ўртасида 2012 йил 12 февралда суғурта

шартномаси тузилган. Унга кўра, суғурта компанияси ХКга қарашли маъмурий бино, гаражлар ва бошқа 2400 квадрат метр майдондаги қурилиши тугалланмаган кўчмас мулкка суғурта ҳодисаси натижасида зиён етганда, 100 000 000 сўмгача миқдорида суғурта пулини тўлаб беришни, ХК эса 5 000 000 сўм суғурта мукофотини шартномада кўрсатилган муддатларда бўлиб-бўлиб тўлаш мажбуриятини олган.

Шартномада ХК суғурта мукофотини 4 босқичда, яъни 2012 йил 15 февралда, 1 мартда, 15 мартда ва 30 мартда 1 250 000 сўмдан тўлаб бериши белгиланган.

ХК суғурталовчига 2012 йил 15 февралда шартномада белгиланган 1 250 000 сўм суғурта мукофотининг бир қисмини тўлаб берган, 1 ва 15 мартдаги суғурта мукофотлари эса тўланмаган.

Суғурта шартномасида сув тошқини, довул, бўрон ва бошқа табиий офатлар суғурта ҳодисаси сифатида кўрсатилган.

2012 йил 20 мартда суғурта объектидан унча узоқда бўлмаган канал суви сатҳининг меъёридан анча баландга кўтарилиши натижасида сув тошқини бўлиб, суғурта объектига жиддий зиён етган. Бу ҳақда суғурта компанияси ва ХК вакиллари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар мутахассислари иштирокида далолатнома расмийлаштирилган. Шу сабабли ХК судга мурожаат қилиб, суғурта компаниясидан 100 000 000 сўм суғурта товонини ундиришни сўраган.

Суд ФК 942-моддасининг бешинчи қисмига таянган ҳолда даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида хулосага келган. ФК 942-моддасининг бешинчи қисмига кўра, агар суғурта ҳодисаси тўлаш муддати ўтказиб юборилган навбатдаги суғурта бадали тўланишидан олдин юз берган бўлса, суғурталовчи мулкий суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товони ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пули миқдорини суғурта мукофотининг ўзига тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган суғурта бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

Шу боис суд даъвони қисман қаноатлантириб, суғурта товонини суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти миқдорига мутаносиб суммада ва белгиланган муддатларда тўланмаган суғурта мукофоти суммасини ҳисобга олган ҳолда 22 500 000 сўм ундиришни лозим топган.

10. Жиноий йўл билан қўлга киритилган, жиноят нарсаси ҳисобланувчи ёки мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бўлса, суғурта шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ҳисобланади.

Даъвогар «Абдусаттор» ХК хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Кафолат» суғурта компаниясидан 5 000 000 сўм миқдорида суғурта товони ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Кафолат» суғурта компанияси ва «Абдусаттор» ХК ўртасида 2011 йил 10 мартда суғурта шартномаси тузилган. Унга кўра, суғурталовчи («Кафолат» суғурта компанияси) суғурта қилдирувчи («Абдусаттор» ХК)га тегишли «Мазда» русумли автотранспорт воситаси билан боғлиқ суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта пулини тўлаш, суғурта қилдирувчи эса, ушбу автотранспорт воситалари учун суғурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олган.

2011 йил 25 майда ХК раҳбари суғурта объектини бошқариб кетаётганда йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлиб, автомашинага жиддий зиён етган. Шу сабабли ХК судга мурожаат қилиб, суғурта компаниясидан 5 000 000 сўм суғурта товонини ундиришни сўраган.

Аниқланишича, ХКга қарашли бўлган «Мазда» автомашинаси жиноят предмети сифатида мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк бўлган. Ушбу автомашина жиноятчилар томонидан ХКга сотилган. ХК томонидан автомашина сотиб олингач, тегишли тартибда расмийлаштирилган ва суғурта компанияси билан корхона ўртасида суғурта шартномаси тузилган.

Мазкур ҳолат аниқлангач, суд даъво талабини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган. Суднинг бундай хулосага келишига ФК 943-моддасининг биринчи қисми асос бўлган.

ФК 943-моддасининг биринчи қисмида жиноий йўл билан қўлга киритилган, жиноят нарсаси ҳисобланувчи ёки мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бўлса суғурта шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши белгиланган.

11. Суғурта ҳодисаси хавфи юзага келганда суғурта қилдирувчи зарарни камайтириш мақсадида суғурталовчининг кўрсатмаларига амал қилса, бироқ кўрилган чоралар фойдасиз бўлиб чиқса, суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта

товони билан бирга зарарни камайтириш учун қилган харажатини ҳам тўлаб беради.

Даъвогар «Фармон бобо» ФХ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Ўзагросуғурта» ДАСКдан 20 000 000 сўм суғурта товони ва 2 000 000 сўм суғурта ҳодисасини бартараф қилиш учун қилинган харажатни, жами 22 000 000 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Фармон бобо» ФХ ва «Ўзагросуғурта» ДАСК ўртасида 2009 йил 7 мартда «Қишлоқ хўжалиги экинларидан кам ҳосил олиниши натижасида кўриладиган молиявий зарарни суғурталаш тўғрисида»ги шартнома тузилган. Унга кўра, суғурта компанияси суғурта қилдирувчи – ФХга ерёнғоқ ва макка экинидан суғурта таваккалчиликлари туфайли кам ҳосил олинганда кўриладиган молиявий зарарни қоплаш бўйича суғурта ҳимоясини берган. Ўз навбатида, суғурта қилдирувчи шартнома бўйича ҳисобланган суғурта мукофотини белгиланган муддатда суғурталовчига тўлаб бериш мажбуриятини олган. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда, суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта полисларига асосан 20 000 000 сўм суғурта пули тўлаб бериши белгиланган. Шартномада суғурта ҳодисаси сифатида ФХга тегишли экинларнинг зараркунанда ҳашаротлар, сув тошқини, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлардан зиён кўриши кўрсатилган.

ФХ суғурта компаниясига мурожаат қилиб, ФХга тегишли экин майдонларига зараркунанда ҳашаротлар туша бошлаганлигини маълум қилган. Суғурта компанияси ва тегишли ташкилотлар вакиллари ер майдонларини кўздан кечиришган ва бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилган. Шундан сўнг суғурта компанияси ФХга зараркунанда ҳашаротларга қарши тегишли кимёвий дориларни сепиш тўғрисида кўрсатма берган. ФХ суғурта компанияси кўрсатмасига асосан дарҳол 2 000 000 сўм қийматдаги тегишли кимёвий дори воситаларини зарарланиш авж олишининг олдини олиш мақсадида экин майдонига сепган.

ФХ томонидан кўрилган чоралар ҳам фойдасиз бўлиб, экин майдони аксарият қисми ҳашаротлардан жиддий зарарланган. Натижада ФХ ерёнғоқ ва макка экинларидан жуда кам миқдорда ҳосил олиб, катта миқдорда молиявий зарар кўрган.

Шу сабабли ФХ судга мурожаат қилиб, суғурта компаниясидан 20 000 000 сўм суғурта товони ва 2 000 000 сўм суғурта ҳодисасини бартараф этиш учун қилинган харажатни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъво талабини қисман қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 20 000 000 сўм суғурта товонини ундирган, 2 000 000 сўм қилинган харажатни ундиришни рад этишни лозим топган.

Биринчи инстанция суди даъвони қисман қаноатлантиришда томонлар ўртасида тузилган суғурта шартномасида суғурта ҳодисаси хавфини камайтириш учун қилинган харажатнинг суғурталовчи томонидан тўланиши назарда тутилмаганлигига асосланган.

Ваҳоланки, ФК 952-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, мулкий суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганида, суғурта қилдирувчи эҳтимол тутилган зарарни камайтириш учун оқилона ва мумкин бўлган чораларни кўриши шарт. Суғурта қилдирувчи бундай чораларни кўрар экан, агар ўзига маълум қилинган бўлса, суғурталовчининг кўрсатмаларига амал қилиши лозим.

Зарарни камайтириш мақсадида қилинган, суғурталовчи қоплаши лозим бўлган харажатлар, агар бундай харажатлар зарур бўлган бўлса ёки суғурталовчининг кўрсатмаларини бажариш учун қилинган бўлса, тегишли чоралар фойдасиз бўлиб чиқса ҳам, суғурталовчи томонидан қопланиши лозим. Бундай харажатлар суғурта суммасининг суғурта қийматига нисбатига мутаносиб равишда, бошқа зарарларни қоплаш билан биргаликда улар суғурта пулидан ошиб кетиши мумкинлигидан қатъи назар, қопланади.

Шу боис кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2012 йил 25 октябрдаги 75-сонли қарори билан тасдиқланган)

1.13. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН 2010–2012 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ЮК ТАШИШ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИ КЎРИШГА ОИД СУД АМАЛИЁТИ

1. Ташиш шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилмаган ёки тегишли суратда бажарилмаган тақдирда, тарафлар ФКда, транспорт уставлари ва кодексларида, шунингдек тарафларнинг келишувида белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

«Даштобод темир йўл участкаси» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Жиззахдонмаҳсулотлари» ОАЖдан 17 551 272 сўм асосий қарз ва 10 530 763 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 17 551 272 сўм асосий қарз ва 5 265 382 сўм пеня ундирилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар ўртасида имзоланган шартномага кўра «Даштобод темир йўл участкаси» МЧЖ ўзига қарашли бўлган тепловозлар ва темир йўл шохобчалари билан «Жиззахдонмаҳсулотлари» ОАЖнинг юк ортилган вагонларини темир йўл станциясидан унинг юк туширилaдиган шохобчасига элитиб қўйиш, жамият эса ушбу хизматлар учун шартномада кўрсатилган шартларда ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Даъвогар шартномага асосан жавобгарга 17 551 272 сўмлик хизматлар кўрсатган, лекин жавобгар кўрсатилган хизматлар учун тўловни амалга оширмаган. Қарзни ихтиёрий тўлаш ҳақида юборилган талабнома жавобгар томонидан бажарилмаган.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига кўра тарафлар тузилган хўжалик шартномалари бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 718-моддаси талабига кўра, ташишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаган ёки тегишли суратда бажармаган тақдирда, тарафлар ушбу Кодексда, транспорт уставлари ва кодексларида, шунингдек тарафларнинг келишувида белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

Шу боис биринчи инстанция суди кўрсатилган хизматлар учун жавобгардан 17 551 272 сўм асосий қарз суммасини ундирган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди ФКнинг 326-моддасида белгиланган ҳуқуқдан фойдаланган ҳолда, қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтирган.

2. Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставининг 156-бандига кўра темир йўлнинг юк жўнатувчиларга, юк олувчиларга ва йўловчиларга нисбатан ушбу Уставдан келиб чиқувчи низолар бўйича даъво бериш муддати олти ой бўлиб, юк ташиш режаси бажармаганлиги учун жарималарни ундириш муддатининг ўтиши жаримани тўлаш учун белгиланган 5 кунлик муддат тугаши билан бошланади.

Бухоро минтақавий темир йўл узели хўжалик судига мурожаат қилиб, «Цемент хом ашё» МЧЖдан у юк ташиш режасини бажармаганлиги учун 46 721 060 сўм миқдорида жарима ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, Бухоро минтақавий темир йўл узелига қарашли Зафаробод темир йўл бекатида тузилган «ГУ–1»-сонли ҳисоб карточкасига кўра, МЧЖ белгиланган режага асосан январь ойида 10 350 т, февраль ойида 6 900 т юк юклаши лозим бўлган. Лекин МЧЖ юк ташиш режасини бажармаган ва унга Темир йўл Уставининг 120-бандига кўра 46 721 060 сўм жарима ҳисобланган.

«Цемент хом ашё» МЧЖ жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги талабномани бажармаган ва даъвогар хўжалик судига жарима ундиришни сўраб даъво ариза билан мурожаат қилган.

Суд мажлисида жавобгар вакили темир йўлнинг айби билан режа бажарилмаганлигини баён қилиб, даъвони рад этишни ҳамда даъво муддати ўтказиб юборилганлиги сабабли даъво муддатини қўллашни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси темир йўл Устави (кейинги ўринларда Устав)нинг 156-бандига кўра темир йўлнинг юк жўнатув-

чиларга, юк олувчиларга ва йўловчиларга нисбатан ушбу Уставдан келиб чиқувчи низолар бўйича даъво бериш муддати олти ой бўлиб, юк ташиш режаси бажармаганлиги учун жарималарни ундириш муддатининг ўтиши жаримани тўлаш учун белгиланган 5 кунлик муддат тугаши билан бошланади.

Ушбу Уставнинг 123-бандига кўра, жорий ойнинг тугаши билан, лекин кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмай темир йўл станцияси бошлиғи юк жўнатувчига юк ташиш режаси бажарилмаганлиги учун темир йўлга ёки юк жўнатувчига тўланиши лозим бўлган жарималар ҳисоб-китоби ҳақида хабар қилади. Темир йўлга ёки юк жўнатувчига тўланиши лозим бўлган суммалар 5 кунлик муддатда тўланиши лозим.

Жарима 2011 йилнинг январь, февраль ойларида юк ташиш режаси бажарилмаганлиги учун ҳисобланган бўлса-да, Бухоро минтақавий темир йўл узели бошлиғи томонидан МЧЖга талабнома 2011 йилнинг 29 апрель куни юборилган. Даъво тақдим қилингунга қадар Уставнинг 156-моддасида белгиланган 6-ойлик муддат ўтган.

ФКнинг 153-моддаси талабига кўра, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланади. Қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Шу сабабли, биринчи инстанция суди, жавобгарнинг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги аризасига асосан, даъво муддатини қўллаб, даъвони рад этиш ҳақида хулосага келган.

3. Табиат ҳодисалари сабабли (зилзила, сув тошқини, ёнғин) темир йўлда ҳаракатланишда узилиш бўлганлиги ҳамда бундай шароитларда юклаш-тушириш ишларини амалга ошириш тақиқланган, шунингдек, корхонада авария юз берганлиги сабабли ишлаб чиқариш 3 кундан ортиқ муддатга тўхтатилганда ва бу ҳақда юк ортувчи темир йўл станцияси бошлиғи ёзма тартибда хабардор қилинган ҳолатларда юк жўнатувчи юк жўнатиш режасини бажармаганлиги учун тўланиши лозим бўлган жаримадан озод этилади.

Даъвогар Бухоро минтақавий темир йўл узели хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар Навоий кон-металлургия комбинатидан 248 366 214 сўм жарима ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, Навоий кон – металлургия комбинати ва Бухоро минтақавий темир йўл узели ўртасида темир йўлда юкларни ташиш ва хизмат кўрсатиш бўйича келишув имзоланган.

2012 йил февраль ойида Навоий кон металлургия комбинатига қарашли Шимолий кон бошқармаси руда қимматбаҳо металл юкини жўнатиш режасини бажармаган ва Темир йўл Уставининг 120, 121-моддаларига асосан унга нисбатан 248 366 214 сўм жарима ҳисобланган.

Жаримани ихтиёрий тўлаш тўғрисидаги талабнома жавобгар томонидан бажарилмаган.

Шу сабабли Бухоро минтақавий темир йўл узели хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгардан жаримани ундиришни сўраган.

Бироқ судда жавобгар юк жўнатиш режасини 2012 йил 3 февралдан 4 февралга ўтар кечаси юз берган табиий офат (ҳаво ҳарорати кескин тушиб, совуқ бўлганлиги ва кучли шамол) сабабли корхонада авария ҳолати юз берганлиги, электр энергияси қувватининг пасайиб кетганлиги оқибатида техник асбобларнинг тўхтаб қолганлиги ва кейинчалик эса электр энергияси бутунлай ўчганлиги сабабли бажара олмаганлиги, бу ҳақда темир йўл станцияси бошлиғига бир неча маротаба ёзма равишда хабар қилинганлиги аниқланган ва ушбу ҳолатлар иш ҳужжатлари билан тасдиқланган.

Устав 121-бандининг «а»-кичик бандига кўра табиат ҳодисалари сабабли (зилзила, сув тошқини, ёнғин) темир йўлда ҳаракатланишда узилиш бўлганлиги ҳамда бундай шароитларда юклаш-тушириш ишларини амалга ошириш тақиқланган, шунингдек, корхонада авария юз берганлиги сабабли ишлаб чиқариш 3 кундан ортиқ муддатга тўхтатилганда ва бу ҳақда юк ортувчи темир йўл станцияси бошлиғини ёзма тартибда хабардор қилинган ҳолатларда юк жўнатувчи юк жўнатиш режасини ба-

жармаганлиги учун тўланиши лозим бўлган жаримадан озод этилади.

Юқоридагиларга кўра, биринчи инстанция суди даъвони рад қилиш тўғрисида тўхтамга келган.

4. Темир йўл ташиш учун қабул қилинган юкнинг йўқолганлиги, камомади, бузилганлиги, ишдан чиққанлиги ҳамда юкни етказиб бериш муддатини бузганлиги учун, агар улар темир йўлнинг айби билан содир этилмаганлигини исботлай олмаса, моддий жавобгар бўлади.

«Тошкент матлубот савдо» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, Қўнғирот ҳудудий темир йўл узелидан 3 687 500 сўм бузилган юкнинг қийматини ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция ва кассация инстанциялари судида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, «Қўнғирот ун заводи» АЖ ва «Тошкент матлубот савдо» МЧЖ ўртасида тузилган шартномага кўра, МЧЖ номига 1 280 қоп 64 000 кг 40 000 000 сўмлик гуруч Қўнғирот ҳудудий темир йўл узели орқали юк жўнатиш хати (накладной)га кўра темир йўл вагонида жўнатилган.

Юкни қабул қилишда вагонда шикастланиш борлиги аниқланиб, тижорат далолатномаси (коммерческий акт) тузилган. Унга кўра, вагондаги 278 та қоп намланганлиги, вагон шифтидаги люклар зичлаб ёпилмаганлиги, намлик вагон ичига шифтдаги люкларда зич ёпиш учун зарур бўлган резинанинг йўқлиги, вагоннинг икки томонида 3–4 сантиметрлик ёриқларнинг мавжудли аниқланган.

Экспертиза далолатномасида намланган 278 та қопнинг 160 тасининг намлик даражаси кам эканлиги, 118 та қоплар эса, юқори даражада намланган бўлиб, уларнинг ичидаги гуручларнинг яримидан кўпи моғорлаганлиги ва улар давлат стандартига мос эмаслиги қайд этилган.

Зарарни ихтиёрий тўлаш тўғрисида берилган талабнома жавобгар томонидан бажарилмаган.

Уставнинг 118-бандига кўра темир йўл ташиш учун қабул қилган юкнинг йўқолганлиги, камомади, бузилганлиги, ишдан чиққанлиги ҳамда юк етказиб бериш муддатининг бузилганлиги

учун, агар улар темир йўлнинг айби билан содир этилмаганлигини исботлай олмаса, моддий жавобгар бўлади.

Суд мажлиси давомида жавобгар ташиш учун қабул қилган юкнинг бузилишида унинг айби йўқлигини исботлай олмаган.

Устав 126-банди биринчи қисмининг «в»-кичик бандида темир йўл юкнинг бузилганлиги ёки шикастланганлиги учун унинг қиймати камайган сумма миқдорида зарарни қоплаши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, биринчи инстанция суди жавобгардан бузилган юкнинг камайган қиймати миқдорида 3 687 500 сўм ундириш тўғрисида хулосага келган.

5. Ташувчига нисбатан юк ташишдан келиб чиқадиган даъвони қўзғатишдан олдин унга тегишли транспорт устави ёки ФКда назарда тутилган тартибда талаб қўйилган бўлиши шарт.

«UzGazOil» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКдан 111 690 935 сўм асосий қарз ва 11 169 093 сўм жарима ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган.

Иш ҳужжатларига кўра, «UzGazOil» МЧЖга нефть маҳсулотлари ортилган цистерналар Қарши станциясида белгиланган муддатдан ортиқ туриб қолганлиги учун «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК томонидан 11 169 093 сўм жарима ҳисобланган.

Жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги талабномалар «UzGazOil» МЧЖ томонидан бажарилмаганлиги сабабли «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК томонидан МЧЖга кўрсатилаётган хизматлар учун тўланган маблағлар МЧЖга нисбатан ҳисобланган жарималар ҳисобига ўтказилган.

Шу сабабли «UzGazOil» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКдан ушбу суммаларни ундиришни, шунингдек, ундан «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 33-моддасига

кўра ҳисобварақдан маблағларни асоссиз равишда акцептсиз чиқарганлиги сабабли шу сумманинг 10 фоиз миқдорида жарима ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантирган.

ФКнинг 724-моддасига кўра ташувчига нисбатан юк ташишдан келиб чиқадиган даъвони қўзғатишдан олдин унга тегишли транспорт устави ёки кодексида назарда тутилган тартибда талаб қўйилган бўлиши шарт.

Уставнинг 155-бандига кўра темир йўлга нисбатан темир йўл Уставидан келиб чиқувчи низолар бўйича даъволар темир йўл томонидан тақдимномани қаноатлантириш қисман ёки тўлиқ рад этилган тақдирда ёхуд темир йўл томонидан ушбу Уставнинг 153-бандида назарда тутилган муддатларда жавоб олинмаганда тақдим қилиниши мумкин.

Уставнинг 153-моддасида темир йўл темир йўл алоқаси орқали юк ташишдан келиб чиққан талабномаларни 3 ой давомида, жарима тўлаш бўйича талабномаларни 45 кун давомида кўриб чиқиши ва даъвогарни талабномани қаноатлантириши ёки рад этиши тўғрисида хабардор қилиши лозимлиги белгиланган.

Иш кассация инстанцияси судида кўрилганда, даъвогар томонидан низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилинмаганлиги ва бундай тартибни қўллаш имконияти йўқотилганлиги аниқланган.

ХПК 86-моддасининг 8-банди талабига кўра даъвогар судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни қўллаш имконияти йўқотилган бўлса суд иш юритишни тугатади.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, иш юритишни тугатган.

6. Муддатни ўтказиб юкни етказиб берганлиги учун темир йўл, агар муддатни ўтказиб юборилишида унинг айби йўқлигини исботламаса, юк олувчига жарима тўлайди.

ССП Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси «Урганч нефт базаси» УК манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, «Ўзбекистон

темир йўллари» ДАТКдан 21 574 317 сўм жарима ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан 10 787 158 сўм жарима ундирилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК шартномавий ҳужжат ҳисобланувчи юк хати орқали нефть маҳсулотларини Фарғона ва Бухоро нефтни қайта ишлаш корхоналаридан Ангрен ва Қоровул бозор темир йўл станциялари орқали «Урганч нефт базаси» УК манзилигача ўз вақтида етказиб бериш мажбуриятини олган.

Темир йўл ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармай, юкни белгиланганидан 3–9 кун кечиктириб етказиб берган. Натижада юк олувчи томонидан темир йўлга нисбатан Уставнинг 128-бандига кўра 21 574 317 сўм жарима ҳисобланган.

«Урганч нефт базаси» УКнинг жаримани тўлаш ҳақидаги талаби темир йўл томонидан бажарилмаган.

ФКнинг 718-моддаси талабига кўра ташишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаган ёки тегишли суратда бажармаган тақдирда, тарафлар ушбу Кодексда, транспорт уставлари ва кодексларида, шунингдек тарафларнинг келишувида белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

Уставнинг 128-бандига кўра муддатни кечиктириб юкни етказиб берганлиги учун темир йўл, агар муддатни ўтказиб юборилишида унинг айби йўқлигини исботлай олмаса, юк олувчига жарима тўлайди. Муддат кечиктирилган ҳар бир кун учун юкни етказиб бериш қийматининг 6 фоизи миқдорида, лекин ушбу қийматнинг 30 фоизидан ошмаган миқдорда жарима тўланади.

Биринчи инстанция суди Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 326-моддасига мувофиқ, қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, тарафларнинг мулкий аҳволини, кредиторнинг мулкий аҳволини эътиборга олиб, жарима миқдорини камайтириб, даъвони қисман қаноатлантириш тўғрисида хулосага келган.

7. Уставнинг 131-бандига кўра юк жўнатувчилар, юк олувчилар, шохобча йўллар эгаларининг умумий фойдаланиш темир йўлидаги вагонлар ва контейнерлардан ўз ички юк ташишларида темир йўлнинг рухсатисиз фойдаланганларида улар темир йўлга рухсатсиз фойдаланган ҳар бир вагон учун кунига энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида, контейнер учун беш баравари миқдорида жарима тўлайдилар.

Ўзбекистон транспорт прокуратураси «Ўзтемирйўлҳисоб» Самарқанд темир йўл ҳужжатларни қайта ишлаш технологик маркази манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, «Жума элеватори» ОАЖдан вагонлардан ўзбошимчалик билан фойдаланганлиги учун 122 414 356 сўм жарима ундиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ишга жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, тарафлар ўртасида юк ташиш вагонларининг ижараси бўйича 128-сонли шартнома ва қўшимча келишув тузилган.

Мазкур шартномага мувофиқ даъвогар ўзига тегишли бўлган икки дона юк ташиш вагонларини жавобгарга 2011 йил 24 мартдан 23 июнга қадар бўлган муддатга олдиндан 100 фоиз тўлаш шарти билан ижарага берган.

Ижара шартномасининг 4.1-бандига мувофиқ, ижара тўлови ҳар бир вагон учун кунига 20 400 сўм бўлиб, ҚҚС билан бирга жами 4 504 320 сўмни ташкил этиши белгиланган ва жавобгар ушбу ижара ҳақини тўлиқ тўлаб берган.

Тарафлар 2011 йил 17 август куни қўшимча келишув шартномасини тузганлар ва унга кўра юк ташиш вагонлари 17 августдан 16 октябрга қадар бўлган муддатга ижарага берилган. Мазкур қўшимча келишув бўйича ижара ҳақи 2 986 560 сўмни ташкил этган. Ижара ҳақининг 2 000 000 сўми жавобгар томонидан тўлаб берилган.

Жавобгар томонидан даъвогарга тегишли бўлган икки дона юк ташиш вагонлари 2011 йил 23 июндан 16 августга қадар бўлган

муддат давомида ҳеч қандай топшириш-қабул қилиш далолатномалари расмийлаштирилмасдан ўзбошимчалик билан фойдаланиб келинган ва бу ҳақда талабномалар юборилган ҳамда белгиланган тартибда далолатномалар расмийлаштирилган.

Даъвогарнинг жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги талабномаси жавобгар томонидан бажарилмаган.

Уставнинг 131-бандига кўра юк жўнатувчилар, юк олувчилар, шохобча йўллар эгаларининг умумий фойдаланиш темир йўлидаги вагонлар ва контейнерлардан ўз ички юк ташишларида темир йўлнинг рухсатисиз фойдаланганларида улар темир йўлга рухсатсиз фойдаланилган ҳар бир вагон учун кунига энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида, контейнер учун беш баравари миқдорида жарима тўлайдилар.

ФКнинг 718-моддасига мувофиқ, ташишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаган ёки тегишли суратда бажармаган тақдирда, тарафлар ушбу кодексда, транспорт уставлари ва кодексларида, шунингдек тарафларнинг келишувида белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

Юқоридагиларга кўра, биринчи инстанция суди даъвогарга тегишли бўлган икки дона юк ташиш вагонлардан ўзбошимчалик билан фойдаланиб келганлиги учун Уставнинг 131-банди талабига асосан жавобгардан 122 414 356 сўм жаримани асосли равишда ундирган.

Апелляция инстанцияси суди эса ҳал қилув қарори моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига асосан тўғри қабул қилинганлиги сабабли ўзгаришсиз қолдирган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2013 йил 20 июндаги 66-сонли қарори
билан тасдиқланган)

1.14. ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ВА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ШАРТНОМАЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ ДАЪВО ТАРТИБИДА КЎРИШГА ОИД СУД АМАЛИЁТИ
(2011–2012 йиллар ва 2013 йилнинг биринчи ярми)

1. Фойдаланилган электр энергияси ҳисоб-китоби бўйича қарзни ундириш учун истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномаси қўйилмаган бўлса, даъво ХПК 88-моддаси 4-бандига асосан кўрмасдан қолдирилади.

«Навоий ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Латифбобо» ФХдан 12 032 991 сўмлик етказиб берилган электр энергияси ҳақини ундиришни сўраган.

Иш хужжатларидан кўринишича, «Навоий ҳудудий электр тармоқлари»(Таъминотчи) ОАЖ ва «Латифбобо» ФХ (Истеъмолчи) ўртасида электр энергияси етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилган. Шартномага кўра, даъвогар томонидан Истеъмолчига электр энергияси етказиб берилган. Бироқ Истеъмолчи томонидан шартнома шартлари лозим даражада бажарилмасдан, етказиб берилган энергия учун ҳақ тўлаш ўз вақтида амалга оширилмаган. Натижада Истеъмолчининг даъвогар олдида 12 032 991 сўм дебиторлик қарзи вужудга келган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 3.12-бандига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари»нинг 72-бандига кўра истеъмолчи томонидан фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномасини имзолаш рад этилган тақдирда, қарзни ундириш тузилган электр таъминоти шартномасига мувофиқ шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномаси қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Таъминотчи томонидан мазкур тартибга риоя қилинмаган ва қарздорликни ундириш учун истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномаси қўйилмаган.

ХПК 88-моддаси 4-бандига кўра қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёки бошқа кредит муассасаси орқали

ундириб олиниши шарт бўлишига қарамай даъвогар жавобгардан қарзини ундириб олиш учун банк ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат этмаган бўлса, хўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдиради.

Мазкур ҳолатда Таъминотчи қарздорликни ундириш учун Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномаси қўйиши лозим бўлса-да, мазкур тартибга риоя қилмаган. Шунга кўра, суднинг ажрими билан даъво кўрмасдан қолдирилган.

2. ФКнинг 184-моддасига биноан башарти, қонунларда бошқача кўрсатилмаган бўлса, мол-мулк янги мулкдорга ўтганида, универсал ҳуқуқий ворислик тартибида собиқ мулкдорнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам унга ўтади.

«Тошиссиққуввати» ИЧБ УК (Таъминотчи) ва АТ «Ўзсаноатқурилиш» банки (Истеъмолчи) ўртасида иссиқ сув кўринишида иссиқлик энергиясини етказиб бериш бўйича шартнома тузилган ва унга кўра Таъминотчи Истеъмолчининг Тошкент шаҳар, Чилонзор – 18 мавзе, 18 уйда жойлашган маъмурий биносига иссиқ сув кўринишида иссиқлик энергиясини етказиб бериш, истеъмолчи эса иссиқлик энергияси учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Ушбу шартномага асосан Таъминотчи томонидан иссиқлик энергияси етказиб берилган. Бироқ Истеъмолчи томонидан мажбуриятлар тегишли равишда бажарилмаганлиги сабабли 750 940 сўм қарздорлик вужудга келган. Шу боис Таъминотчи хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Истеъмолчидан 750 940 сўм асосий қарз ҳамда 366 458 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талабларини қаноатлантириш рад қилинган.

Иш апелляция ва кассация тартибида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, Истеъмолчининг таъминотчи олдидаги қарздорлиги 2011 йилнинг 1 июнидан 15 июлгача бўлган даврда етказилган иссиқлик энергияси учун вужудга келган. 2011 йил 15 июль куни Истеъмолчи ва «Қутлуғ савдо» МЧЖ (Харидор) ўртасида олди-сотди шартномаси тузилган ва унга кўра Тошкент шаҳар, Чилонзор – 18 мавзе, 18 уйда жойлашган банкка тегишли бўлган маъмурий бино МЧЖга сотилган.

Ушбу олди-сотди шартномасининг 11-бандига кўра, сотувчи (Истеъмолчи)нинг кўрсатилган коммунал хизматлар учун

қарздорлиги йўқлиги харидорга маълум эканлиги, агарда шартнома тузилгунга қадар коммунал хизматлар учун қарздорлик маълум бўлган ҳолатда харидор ФКнинг 184-моддасига асосан қарздорликни тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олиши белгиланган.

ФК 184-моддасининг иккинчи қисмига кўра, башарти, қонунларда бошқача кўрсатилмаган бўлса, мол-мулк янги мулкдорга ўтганида, универсал ҳуқуқий ворислик тартибида собиқ мулкдорнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам унга ўтади.

Шу боис биринчи инстанция суди асосли равишда даъвони қаноатлантиришни рад этган.

3. Ҳисобот даврида электр таъминоти шартномасида кўрсатилган миқдорга нисбатан 5 фоиздан кўп электр энергияси истеъмол қилинганда, ҳисоб-китоб даври учун электр таъминоти шартномасида кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган жами ҳажм учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси фойдасига жарима тўланади.

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ (Таъминотчи) ва «Гордорстройремонт» ОАЖ (Истеъмолчи) ўртасида электр энергияси етказиб бериш ва ундан фойдаланиш учун шартнома тузилган ва унга кўра Таъминотчи туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига йил давомида 2 680 000 кВт.с миқдор (ҳажм) да электр энергияси етказиш, Истеъмолчи эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Ушбу шартномага асосан Таъминотчи томонидан электр энергияси етказиб берилган. Бироқ Истеъмолчи томонидан мажбуриятлар тегишли равишда бажарилмаганлиги сабабли 210 283 698 сўм қарздорлик вужудга келган.

Шунингдек, Истеъмолчи томонидан шартномада кўрсатилган миқдорга нисбатан 5 фоиздан ортиқ электр энергияси истеъмол қилинган ва шу боис Таъминотчи томонидан 847 362 сўм миқдорда жарима ҳисобланган.

Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун ўз вақтида тўлов амалга оширилмаганлиги сабабли, Таъминотчи хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Истеъмолчи ҳисобидан 210 283 698 сўм асосий қарз ҳамда 847 362 сўм жарима ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан асосли равишда даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Иш апелляция ва кассация тартибида кўрилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари»нинг 59-бандига кўра, электр таъминоти шартномаларида (маиший истеъмолчилардан ташқари) ҳисобот даврида электр таъминоти шартномасида кўрсатилган миқдорга нисбатан 5 фоиздан кўп электр энергияси истеъмол қилинганда, ҳисоб-китоб даври учун электр таъминоти шартномасида кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган жами ҳажм учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси фойдасига жарималар тўланиши кўзда тутилади.

Тарафлар ўртасида тузилган электр энергияси етказиб бериш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги шартноманинг 6.4-бандида Истеъмолчи томонидан ҳисобот даврида шартномада кўрсатилган миқдорга нисбатан 5 фоиздан кўп электр энергияси истеъмол қилинганда, ҳисоб-китоб даврида шартномада кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган жами ҳажм учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида Таъминотчи фойдасига жарима тўланиши белгиланган.

4. «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 7-моддасининг бешинчи хатбошисига кўра бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган шартномаси, шунингдек буюртмачининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузилган шартномаси рўйхатдан ўтказилиши шарт.

«Сувоқова» ИЧК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 5-сон болалар поликлиникасидан 4 468 295,44 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилган.

«Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига кўра давлат бюджетининг ғазна ижроси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган махсус ваколатли молия органи ҳамда

унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ маблағларни суднинг қарорига биноан ўтказиш, дотациялар ва ссудаларни ўтказиш ягона ғазна ҳисобварағидан ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларига Ғазначилик томонидан ўтказилади.

Қонун 7-моддасининг бешинчи қисмига кўра бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган шартномасини, шунингдек буюртмачининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузилган шартномасини мажбурий рўйхатдан ўтказиш Ғазначиликнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Аммо биринчи инстанция суди томонидан шартноманинг Ғазначиликдан рўйхатдан ўтган ёки ўтмаганлигига аниқлик киритилмаган. Ишга Ғазначиликни низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилиш масаласи ҳал этилмасдан даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келинган.

Шу боис кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

5. Истеъмолчидаги асосий газни ҳисобга олиш приборлари носоз бўлгандагина етказиб берилган газ миқдори пломбаланмаган ускуналарнинг лойиҳадаги қуввати ва газ сарфини ҳисобга олиш приборлари носоз бўлган вақтда энг юқори газ сарфи қувватида корхона ишлаган соатлар бўйича аниқланади.

«Ўзтрансгаз» АКнинг «Тошкентшаҳаргаз» филиали (Таъминотчи) ва «Абдураҳим Хожиакбар» ХК (Истеъмолчи) ўртасида табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш тўғрисида шартнома тузилган ва унга кўра Таъминотчи тармоқлар орқали табиий газ етказиб бериш, Истеъмолчи эса табиий газ ҳажмини қабул қилиб олиш ва белгиланган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Ушбу шартномага асосан Таъминотчи томонидан Истеъмолчига узлуксиз табиий газ узатиб турилган, Истеъмолчи томонидан ўз навбатида тўлов ўз вақтида амалга ошириб келинган.

2010 йил 11 февралда Истеъмолчида мавжуд бўлган «АГАТ–25» русумли газ ҳисоблагич бузилиб қолганлиги сабабли, у газ таъминот корхонаси вакилини юборилишини сўраб ариза билан Таъминотчига мурожаат қилган. Ушбу хатга асосан тумангаз устаси томонидан газ ҳисоблагич уни қайта кўрикдан ўтказиш ва созлаш учун ечилган ва бу ҳақда тегишли ҳужжатлар тузилган. Лекин Истеъмолчи томонидан газ ҳисоблагични таъмирлаш, қиёслашдан ўтказиш бўйича зарур бўлган ҳужжат, яъни сертификат «Электр газ ҳисоблагич» МЧЖдан олинмаган ва тумангазга тақдим қилинмаган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 2.13-бандида, агар Истеъмолчидаги газ ҳисоблагич мосламаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи газ ҳисоблаш қоидаларига мос келмаса, газни ҳисобга олиш приборлари носоз бўлганда ва улар газ етказиб берувчида мавжуд бўлмаганда газ таъминоти корхонаси томонидан етказиб берилган газ миқдори тамғаланмаган ускуналарнинг лойиҳадаги қуввати ва газ сарфини ҳисобга олиш приборлари: носоз бўлган вақтда истеъмолчи томонидан фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб таъминотчи томонидан тамғаланмаган барча газ истеъмол қилувчи қурилмаларининг энг юқори газ сарфи қувватида кунига 24 соат иш тартибида ҳисобланиши белгиланган. Шу боис Таъминотчи томонидан 2010 йил 11 февралдан 2011 йил 1 мартгача бўлган даврда истеъмол қилинган газ ҳажми қайта ҳисоб-китоб қилиниб, Истеъмолчига 20 356 194 сўм тўлаши лозимлиги ҳақида талабнома юборилган.

Бироқ Истеъмолчи томонидан талабнома оқибатсиз қолдирилган ва шу боис Таъминотчи хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Истеъмолчидан 20 356 194 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талабларини қаноатлантириш рад қилинган.

Иш апелляция ва кассация тартибида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, 2010 йил 11 февраль куни тумангаз ходими томонидан техник тафтиш ўтказилган. Кўрик вақтида мавжуд бўлган «АГАТ–25» русумли газ ҳисоблагичнинг электрон

таблосидаги кўрсатгичи 00000-рақамини кўрсатганлиги сабабли, тумангаз ходими газ ҳисоблагични носоз деган хулосага келган. Шундан сўнг Истеъмолчининг аризасига асосан газ ҳисоблагичи ечилиб, таъмирлаш учун «Узстандарт» агентлигига қарашли устахонасида текширилганда, газ ҳисоблагич ишлаётганлиги ва соз бўлганлиги аниқланган. 2010 йил 12 февраль куни газ ҳисоблагич жойига қайта ўрнатилиб, назорат тамға қўйилган ва бу ҳақда далолатнома тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш Қоидалари»нинг 5.3-бандига кўра истеъмолчидаги асосий газни ҳисобга олиш приборлари носоз бўлганда ва улар газ етказиб берувчида мавжуд бўлмаганда ҳудудий газ таъминоти корхонаси томонидан етказиб берилган газ миқдори пломбаланмаган ускуналарнинг лойиҳадаги қуввати ва газ сарфини ҳисобга олиш приборлари носоз бўлган вақтда корхона ишлаган соатлар бўйича ёки шартномада назарда тутилган бошқа усул билан аниқланади.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 2.13-бандида, агар истеъмолчидаги газ ҳисоблагич мосламаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи газ ҳисоблаш қоидаларига мос келмаса, газни ҳисобга олиш приборлари носоз бўлганда ва улар газ етказиб берувчида мавжуд бўлмаганда газ таъминоти корхонаси томонидан етказиб берилган газ миқдори тамғаланмаган ускуналарнинг лойиҳадаги қуввати ва газ сарфини ҳисобга олиш приборлари: носоз бўлган вақтда истеъмолчи томонидан фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб таъминотчи томонидан тамғаланмаган барча газ истеъмол қилувчи қурилмаларининг энг юқори газ сарфи қувватида кунига 24 соат иш тартибида ҳисобланиши белгиланган.

Мазкур ҳолатда Истеъмолчида ўрнатилган газ ҳисоблагичи 2009 йилнинг август ойида ўрнатилган ва унинг 2 йиллик мувофиқлик сертификати бўлган, уни ечиш ва жойига ўрнатиш вақтида завод ва тумангаз тамғалари бузилмаган бўлган. Газ ҳисоблагич жойига ўрнатилгандан сўнг Таъминотчининг вакиллари томонидан 2010 йилнинг 16 март ва 28 ноябрдаги, 2011 йилнинг 28 январидаги далолатномаларида газ ҳисоблагич соз ҳолда бўлганлиги ва тамғалар бузилмаганлиги қайд этилган. 2010 йил

11 февралдан 2011 йил 1 мартгача бўлган даврда истеъмол қилинган газ учун Истеъмолчи газ ҳисоблагич бўйича тўловларни амалга ошириб келган.

Суд 2011 йил 2 мартдаги «Узстандарт» агентлигининг сертификатига кўра, газ ҳисоблагич соз ҳолда эканлигини ва газ ҳисоблагичдан фойдаланиш муддати 2013 йилгача узайтирилганлигини инобатга олиб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

6. ФКнинг 468-моддасига кўра, абонент (Истеъмолчи) ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарининг созлигини таъминлашга мажбур.

«Андижон Эски шаҳар электр тармоқлари» корхонаси (Таъминотчи) ва «Андижон шаҳар Нур» бўлими (Истеъмолчи) ўртасида тузилган электр энергия таъминоти шартномаси ҳамда қўшимча келишувга асосан Таъминотчи электр энергияси етказиб бериш, Истеъмолчи эса истеъмол қилинган энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари» талабларини бажарилишини назорат қилиш мақсадида даъвогар 2011 йилнинг 23 ва 25 апрель кунлари жавобгар томонидан электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказган.

Текширишда Истеъмолчи томонидан «Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари»нинг 63-банди бузилган ҳолда носоз бўлган 21 та электр ҳисоблагичлардан фойдаланиб келаётганлиги аниқланган ва тегишли далолатнома тузилиб, унда ноқонуний фойдаланилаётган электр энергияси миқдори қайта ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланиши, истеъмолчи 3 кун муддат ичида биргаликда ҳисоб-китобни амалга ошириш учун электр таъминоти корхонасига келиши шартлиги, акс ҳолда ноқонуний фойдаланилган электр энергияси ҳажмини ҳисоблаш бир томонлама амалга оширилиб, тўлов учун тақдим қилиниши белгиланган.

Ўтказилган текширишда аниқланган камчиликлар белгиланган муддатда жавобгар томонидан бартараф этилмаган.

Шу боис Андижон вилоят прокуратураси «Андижон Эски шаҳар электр тармоқлари» корхонаси манфаатида хўжалик судига

даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Андижон шаҳар Нур» бўлимидан 130 020 116 сўм ундиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан «Андижон ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ ишга дахлдор даъвогар сифатида алмаштирилган ҳамда Андижон вилоят Ғазначилик бошқармаси низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб этилган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан текшириш натижаси юзасидан далолатномалардаги «Андижон шаҳар Нур» бўлими ходими З. Нурматов номидан қўйилган имзо юзасидан эътироз билдирилганлиги сабабли, ушбу имзо кимга тегишли эканлигини аниқлаш учун хатшунослик экспертизаси тайинланган.

Андижон вилояти ИИБ эксперт-криминалистика бўлимининг хулосасида далолатномадаги имзо З. Нурматовга тегишлилиги қайд этилган.

ФКнинг 468-моддасида энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олиши, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олиши белгиланган.

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли Қарори билан билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари»нинг 63-бандида ҳисобга олиш прибори истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар), ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки электр энергияси бошқача усулда ўғирланган ҳолларда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйишга ҳақлилиги ва ҳисобга олиш приборлари охирги марта ўзгартирилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва истеъмолчининг электр таъминоти шартно-

масида кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича энергия сарфини қайта ҳисоблаб чиқилиши шартлиги, бунда ҳисобга олиш прибори кўрсаткичини ёзиб олиш улаш схемасини текшириш деб ҳисобланмаслиги қайд этилган.

Аниқланган қоидабузарлик юзасидан электр энергия сарфи қайта ҳисоб-китоб қилинганда, унинг қиймати 125 435 028 сўмни (1500419 квт.с х 83 сўм 60 тийин) ташкил этган. Бундан ташқари, жавобгарнинг 2011 йил 1 июнь ҳолатига истеъмол қилган электр энергиясидан 4 585 088 сўм қарздорлиги мавжуд бўлган.

Шу сабабли, биринчи инстанция суди жавобгардан даъвогар фойдасига 130 020 116 сўм ундириш ҳақида хулосага келган.

7. ФК 477-моддасига кўра энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, энергия билан таъминловчи ташкилот шу туфайли етказилган зарарнинг, абонент эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

«Ғарбгазтаъминот» УК (Таъминотчи) хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Қоровулбозор туманидаги 10-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (Истеъмолчи)дан 6 554 183 сўм зарар ундиришни сўраган.

Тарафлар ўртасида шартнома тузилган. Шартноманинг 1.1-бандига мувофиқ даъвогар жавобгарнинг буюртмасига асосан туташтирилган тармоқ орқали табиий газ етказиб бериш, жавобгар эса мазкур шартноманинг 1.3-бандида белгиланган табиий газ ҳажмини қабул қилиб олиш ва белгиланган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 2.4-бандида жавобгарга берилган газ ҳажми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи газ ҳисоблаш қоидаларига мувофиқ равишда ўрнатилган назорат-ўлчов асбоблари, соз ҳолатдаги ҳисоблагичлар ва газ сарфини ўлчовчи мосламалар кўрсаткичлари бўйича ҳисобланиши, шунингдек, жавобгар газ ҳисоблагичларнинг соз ҳолатда бўлиши ҳамда уларни ўз вақтида таъмирланиши ва даврий текширувдан ўтказилиши учун жавоб бериши белгиланган.

Таъминотчи томонидан Истеъмолчининг фаолиятида газдан фойдаланиш ҳолати ўрганилганда, «РГ40 0651» русумли газ ҳисоблагич асбоби ишламай турганлиги аниқланган ва фойдаланилган табиий газ сарфи лойиҳа қуввати асосида ҳисобланиши

уқтирилган. Бу ҳақда жавобгар иштирокида далолатнома тузилган.

2012 йил 1 март ҳолатига жавобгарнинг фойдаланилган табиий газдан қарзи 7 084 344 сўмни ташкил этганлиги сабабли, табиий газ тармоғидан узилиб, бу ҳақда жавобгар иштирокида далолатнома расмийлаштирилган.

Шартноманинг 2.11-бандида газ истеъмол қилувчи жиҳозлар ГТП ва газ ҳисоблагичларнинг созлиги ва талаб даражасида сақланиши ҳамда уларни ўз вақтида текширувдан ўтказилиши учун «Истеъмолчи»нинг жавобгарлиги белгиланган.

Шартноманинг 2.23-бандида ушбу банднинг а) кичик бандига мувофиқ, газ ҳисоблаш асбоблари носоз бўлса, ж) кичик бандида даъвогар вакили охирги келган пайтдан бошлаб даъвогар томонидан газ истеъмол қилувчи агрегатларга, газ ҳисоблагич приборларга ўрнатилган тамғалар узилганда, жавобгар томонидан фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб даъвогар вакилининг охирги келган пайтидан бошлаб, тамғаланмаган барча газ истеъмол қилувчи газ ускуналарининг лойиҳавий юқори қувватидан келиб чиқиб, шартноманинг 2.11 бандига асосан амалга оширилиши белгиланган. Шартноманинг 2.11-бандига мувофиқ, даъвогар томонидан тамғаланмаган барча газ истеъмол қилувчи қурилмаларнинг энг юқори сарфи қувватида, кунига 24 соат иш тартибида ҳисобланади.

Шартноманинг қайд этилган бандларига мувофиқ, жавобгарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида сарф этилган газ ҳажмининг қиймати 6 554 183 сўмни ташкил этган. Ушбу сарф этилган 6 554 183 сўм зарарни тўлаш юзасидан юборилган даъвогарнинг талабномалари жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

ФК 477-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, энергия билан таъминловчи ташкилот шу туфайли етказилган зарарнинг, абонент эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

ФК 478-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар қонун ҳужжатларида, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, туташтирилган тармоқ орқали газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув

ва бошқа товарлар билан таъминлаш муносабатларига нисбатан ушбу параграф қоидалари қўлланади.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

8. Ноқонуний равишда газ тармоғига уланиб ундан фойдаланиб келинганда истеъмолчига нисбатан шартномада белгиланган шартлар асосида фойдаланилган газ учун ҳақ ундирилади.

«SHIMOLGAZTA'MINOT» УК ва «Саодат офис» ХФ ўртасида табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш тўғрисидаги шартнома тузилган ва унга кўра даъвогар тармоқлар орқали табиий газ етказиб бериш, жавобгар эса табиий газ ҳажмини қабул қилиб олиш ва белгиланган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Даъвогар томонидан жавобгарнинг табиий газдан фойдаланиш аҳволи текширилганда, жавобгар томонидан «Габой Ж–25» русумли электрон газ ҳисоблаш ускунасининг олдидан газ тармоғига ноқонуний равишда алоҳида диаметри 25 мм бўлган қувур уланиб, ундан фойдаланиб келинганлиги аниқланган ва бу тўғрисида жавобгар вакили иштирокида далолатнома тузилган.

Даъвогар ва жавобгар ўртасида тузилган шартноманинг 6.4-бандига кўра жавобгар қурилмаларни даъвогар билан келишмаган ҳолда газ тармоғига улаб олган бўлса, унга нисбатан газ асбобларининг 24 соатлик иш тартибида ишлайдиган тўлиқ қувватининг икки баравар ҳисобида фойдаланилган газ учун ҳақни даъвогарга тўлаши лозим.

Аниқланган ҳолат бўйича даъвогар хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар ҳисобидан газ асбобининг 24 соатлик иш тартибида ишлайдиган тўлиқ қувватининг икки баравар ҳисобида – 25 447 401 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъвони тўлиқ қаноатлантирган, апелляция ва кассация инстанцияси судларининг қарорлари билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

9. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси захира манбаини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр тезликни ўчиришларнинг ишлаш вақтида электр энергиясини етказиб беришдаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

«Кургантекс» МЧЖ (Истеъмолчи) хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Андижон ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ дан (Таъминотчи) 1 028 832 857 сўм зарар ва етказиб берилмаган электр энергияси учун 16 353 231 сўм пеня ундиришни сўраган.

МЧЖ ва ОАЖ ўртасида электр энергияси таъминоти бўйича шартнома тузилган. Мазкур шартномага асосан, ОАЖ МЧЖга туташтирилган тармоқ орқали электр энергияси етказиб бериш, МЧЖ эса қабул қилинган электр энергияси учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олган.

ОАЖ томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги, 2011 йилнинг октябрь ойидан 2012 йилнинг апрель ойига қадар МЧЖни огоҳлантирмаган ҳолда электр энергияси 135 соат давомида етказиб берилмаганлиги, натижада МЧЖ ишлаб чиқаришда 1885 иш соатини йўқотиб, ишлаб чиқариш миқдори кескин камайиб кетганлиги, электр энергиясини етказиб бериш дастгоҳлар ишдан чиққанлиги натижасида узилганлиги, ишчилар бекор туриб қолган вақтга ишчиларга жами 256 641 733,14 сўм иш ҳақи тўланганлиги, «Узпроммашимпекс» ДАК томонидан етказиб берилган пахта толасини ишлаб чиқариш муддатлари чўзилиб кетиши оқибатида пахта толаси ҳақи тўлови кечиктирилганлиги учун МЧЖга 49 120 351,40 сўм пеня қўлланилганлиги, асосий воситаларга ҳисобланган 709 191 672,90 сўм амортизация ажратмаси харажати ҳисобланганлиги, электр энергияси узилишлари натижасида яроқсиз ҳолга келган эҳтиёт қисмларни янгилаш учун 13 879 100 сўм харажат қилинганлиги ҳақидаги важлари асосида МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ОАЖдан жами 1 028 832 857 сўм зарар ва етказиб берилмаган электр энергияси учун 16 353 231 сўм пеня ундиришни сўраган.

ФКнинг 477-моддасида «Энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, энергия билан таъминловчи ташкилот ёки абонент шу туфайли етказилган ҳақиқий зарарни қоплаши шарт»лиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари»нинг 130-бандида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси захира манбаини автоматик улаш,

автоматик қайта улаш ва автоматик давр тезликни ўчиришларнинг ишлаш вақтида электр энергиясини етказиб беришдаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди деб белгиланган.

Бироқ биринчи инстанция суди томонидан электр энергиясининг ўчирилиш сабаблари, ОАЖнинг электр энергия билан таъминлашдаги узилишларда айби бор-йўқлигини ҳамда айнан техникалар электр энергияси узилиши натижасида ишчилар қанча соат бекор туриб қолганлиги ҳолати аниқланмаган.

Бундан ташқари, ОАЖ томонидан етказиб берилмаган электр энергияси учун 16 353 231,60 сўм пеня ундириш талаби 2 358 267 сўмга қаноатлантирилган бўлса-да, ОАЖ томонидан қанча миқдорда электр энергияси етказиб берилмаганлиги ҳолати аниқланмаган. Шунингдек, «Уздавэнергоназорат» инспекцияси Андижон вилоят ҳудудий бўлими мутахассисининг хулосаси иш учун қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳолати муҳокама қилинмаган.

Ваҳоланки, ХПКнинг 11-моддасига кўра хўжалик суди ишни кўришда иш бўйича барча далилларни бевосита текшириши шартлиги, 54-моддасига асосан хўжалик суди далиллар асосида ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар бор ёки йўқлигини аниқлаши керак.

Шу боис кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилишни, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни лозим топган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2013 йил 28 ноябрдаги 129-сонли қарори
билан тасдиқланган)

1.15. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН ИШТИРОКЧИЛАР ЎРТАСИДА, ИШТИРОКЧИЛАР БИЛАН ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ ВА ЖАМИЯТЛАРИ ЎРТАСИДА, ШУ ЖУМЛАДАН, АКЦИЯДОРЛАР ЎРТАСИДА, АКЦИЯДОР БИЛАН АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЎРТАСИДА ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ ВА ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН НИЗОЛАРНИ КЎРИШ СУД АМАЛИЁТИ (2011–2013 йиллар)

1. Жамият бошқарув органлари юридик шахс мақомига эга эмас, шу сабабли уларга нисбатан берилган даъво аризаларини қабул қилиш рад этилади.

Даъвогар «Фарғонапиво» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, даъво аризада «Фарғонапиво» МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишини жавобгар сифатида кўрсатиб, умумий йиғилиш қарорини қисман ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

ХПКнинг 23-моддаси биринчи қисми 1 ва 4-бандларига кўра, иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва ЯТТ мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга ҳамда иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан, акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятидан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар хўжалик судига тааллуқлидир, бундан меҳнатга оид низолар мустасно.

«Фарғонапиво» МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши юридик шахс мақомига эга эмас ҳамда жамият ёки (акциядор, таъсисчиси) эмас, шу боис судда жавобгар бўла олмайди.

ХПКнинг 117-моддаси биринчи қисми 1-бандига биноан низо хўжалик судида кўриб чиқишга тегишли бўлмаса, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади. Шу сабабли суд даъво аризасини қабул қилишни рад этган.

2. Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий юрисдикция судига тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий юрисдикция судида кўрилиши керак.

«IJODCHI» МЧЖнинг иштирокчиси Р. Адилов 2010 йил 22 июнда фуқаро Б. Адиловга жамият иштирокчиларининг йиғилишида ўзининг ўрнига иштирок этиш учун ишончнома берган. Ушбу ишончнома УЯ64/СИ–1 бошлиғи томонидан тасдиқланган.

2010 йил 15 июлда бўлиб ўтган МЧЖ иштирокчиларининг йиғилишида Б. Адилов унга берилган ишончнома асосида Р. Адилов номидан иштирок этган ва ушбу йиғилишда МЧЖ устав фонди (устав капитали)даги Р. Адиловнинг улушидан Б. Мамадалиев фойдасига воз кечиш ҳақидаги аризаси қабул қилинган ҳамда Р. Адилов МЧЖдан чиқарилиб, уни ўрнига Б. Мамадалиевни иштирокчи сифатида киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

МЧЖ иштирокчиларининг ушбу қарорига асосан Р. Адилов номидан ҳаракат қилувчи Б. Адилов ва Б. Мамадалиев ўртасида 2010 йил 15 июлда МЧЖ устав фонди (устав капитали)даги улушидан Б. Мамадалиев фойдасига воз кечиш ҳақида битим тузилган. Ушбу битим нотариал тартибда тасдиқланган.

Р. Адилов хўжалик судига МЧЖ, Б. Мамадалиев, УЯ64/СИ–1 ва Давлат нотариал идорасига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2010 йил 22 июндаги Б. Адиловга берилган ишончнома, МЧЖ иштирокчилари йиғилишининг 2010 йил 15 йилдаги қарори ва Б. Адилов ва Б. Мамадалиев ўртасида 2010 йил 15 июлда МЧЖ устав фонди (устав капитали)даги улушидан Б. Мамадалиев фойдасига воз кечиш ҳақида тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Апелляция инстацияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

ХПК 23-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан, акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятидан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно, хўжалик судига тааллуқлидир.

ХПК 23-моддасининг бешинчи қисмига асосан ушбу модда биринчи қисмининг 4-бандида кўрсатилган ишлар низо вужудга келган ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси ташкилотлар ёки

жисмоний шахслар бўлишидан қатъи назар, хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Мазкур ҳолатда даъвогарнинг талаблари учтадан иборат бўлиб, улардан биттаси ХПК 23-моддаси биринчи қисмининг 4-бандида кўрсатилган ишлар туркумига киради. Қолган 2 та талабни кўриш эса фуқаролик ишлари бўйича суднинг ваколатига киради.

ХПК 23-моддасининг тўртинчи қисмига биноан ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий юрисдикция судига тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий юрисдикция судида кўрилиши керак.

Шу боис кассация инстанцияси суди иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилиб, иш юритишни тугатиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

3. Дивидендлар тўлаш муддати уларни тўлаш ҳақидаги қарор қабул қилинган вақтдан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим ва улар ушбу муддатларда тўланмаган тақдирда тўланмаган ва тўлиқ олинмаган дивидендлар юзасидан Марказий банк белгилаган қайта молиялаш ставкалари бўйича пеня ҳисобланади.

2012 йил 26 июнда бўлиб ўтган «Samarkand-Leasing» ОАЖ акциядорларининг умумий йиғилишида 2011 йилда жамият томонидан олинган соф фойдани тақсимлаш масаласи кўрилиб, ОАЖ 2011 йилда 99 199 928,72 сўм соф фойда олганлиги, шундан 53 750 000 сўм дивидендлар сифатида акциядорларга ҳар бир акция учун 25 сўмдан тўлаб берилиши ҳақида қарор қабул қилинган.

«O‘zkartoshkanavurug‘lari» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ОАЖдан 8 750 000 сўм миқдордаги дивидендлар ва 1 050 000 сўм миқдорда пеня ундириб беришни сўраган.

Даъво аризасига кўра, даъвогар ОАЖнинг 350 000 та оддий акцияларига эга бўлган ва ОАЖ томонидан 2011 йилда олинган соф фойдадан унга 8 750 000 (350 000 х 25) сўм миқдорида дивидендлар тўланиши лозим бўлган. Дивидендлар ўз вақтида тўлаб берилмаганлиги боис, даъвогар улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига 1 050 000 сўм пеня ҳисоблаган.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 56-моддасининг иккинчи қисмига биноан дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан

белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Ушбу Қонуннинг 58-моддасига кўра эмитент акциядорларнинг умумий йиғилиши белгилаган муддатларда дивидендларни ўз айби билан тўламаган тақдирда тўланмаган ва тўлиқ олинмаган дивидендлар юзасидан Марказий банк белгилаган такрор молиялаш ставкалари бўйича пеня ёзилади.

Юқоридагиларга асосан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

4. МЧЖ устав фонди (устав капитали)нинг миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги қарори жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овозлари билан қабул қилинади, агар шундай қарорни қабул қилиш учун жамиятнинг уставида кўпроқ овозлар сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса.

2003 йил 26 июнда бўлиб ўтган «Madaniy Mollar» ОАЖ АЖни йиғилишида АЖни МЧЖга айлантириш ҳақида қарор қабул қилинган. МЧЖнинг устав фонди (устав капитали) 18 817 000 сўмни ташкил қилган ва у қуйидагича тақсимланган: давлат улуши 4 709 308 сўм (ёки 25 %); бошқа жисмоний ва юридик шахслар улуши 14 107 692 сўм (ёки 75 %).

2012 йил 14 мартда бўлиб ўтган МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишида таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган ва уларга кўра иштирокчилар томонидан қўшимча ҳиссалар қўшиш ҳисобига МЧЖ устав фонди (устав капитали) 18 837 000 сўмдан 220 220 000 сўмгача оширилган ва натижада давлат улуши 25 фоиздан 2,14 фоизгача камайган. Ушбу умумий йиғилишда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳудудий бошқармасининг вакили МЧЖ устав фонди миқдорини иштирокчилар томонидан қўшимча ҳиссалар қўшиш ҳисобига кўпайтиришга қарши овоз берган.

Шу боис даъвогар хўжалик судига МЧЖга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2012 йил 14 мартда бўлиб ўтган МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг устав фонди миқдорини кўпайтириш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида МЧЖнинг иштирокчилари (2 та юридик ва 19 та жисмоний шахслар) ишга даъво талабига

мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд қарорларидан норози бўлиб МЧЖ кассация шикояти билан мурожаат қилиб, унда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасига асосан жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини ўзгартириш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига кириши ва Қонуннинг 34-моддасига кўра бундай қарор Жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овозлари билан қабул қилинишини важ қилиб кўрсатган.

Қонун 30-моддасининг иккинчи қисмида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киradиган масалалар санаб ўтилган бўлиб, уларга кўра жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини ўзгартириш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киради. Шунингдек, Қонун 34-моддасининг тўққизинчи қисмига биноан ушбу Қонун 30-моддасининг иккинчи қисми иккинчи хатбошисида кўрсатилган масалалар юзасидан, шунингдек жамиятнинг уставида белгиланган бошқа масалалар юзасидан қарорлар, агар шундай қарорни қабул қилиш учун ушбу Қонунда ёки *жамиятнинг уставида кўпроқ овозлар сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса*, жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

Жамият уставининг 43-бандига кўра, устав фонди (устав капитали)нинг миқдори ўзгартириш тўғрисидаги қарор жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Шу боис кассация инстанцияси судининг қарори билан кассация шикоятини қаноатлантириш рад этилган, низо юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатлари эса ўзгаришсиз қолдирилган.

5. МЧЖ устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мулк жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига асли ҳолида қайтарилиши мумкин.

ДМҚ Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2001 йил 25 январдаги буйруғига асосан «Моторный завод» ОАЖ янги ташкил қилинган «Узросдизель» МЧЖ шаклидаги қўшма корхонасига иштирокчи сифатида кирган ва жамиятнинг устав фонди (устав капитали)га ҳисса сифатида ўзига тегишли ва 333 312 кв.м дан иборат бўлган бино-иншоотларни фойдаланишга берган.

2012 йил 7 ноябрда қайта рўйхатга олинган МЧЖнинг таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖнинг устав фонди (устав капитали) қуйидагича тақсимланган: – «Моторный завод» ОАЖ – 97 000 АҚШ доллари (ёки 32,9 %); – «Техмашимпекс» ОАЖ – 185 946 АҚШ доллари (ёки 63,1 %); – «Бахтсельмаш» МЧЖ ҚКси – 12 000 АҚШ доллари (ёки 4,0 %).

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан «Моторный завод» ОАЖ банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган. Шу боис «Моторный завод» ОАЖнинг суд бошқарувчиси МЧЖга мурожаат қилиб, уни жамиятдан чиқаришни ва устав фонди (устав капитали)га ҳисса сифатида киритилган мол-мулкни асли ҳолида қайтаришни сўраган.

2013 йил 15 январь куни бўлиб ўтган иштирокчилар йиғилишида устав фонди (устав капитали)га ҳисса сифатида киритилган мол-мулкни «Моторный завод» ОАЖга асли ҳолида қайтаришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Шу боис «Моторный завод» ОАЖ хўжалик судига жамиятга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2013 йил 15 январдаги жамият иштирокчиларининг қарорини ҳақиқий эмас деб топишни ва устав фонди (устав капитали)га ҳисса сифатида киритилган мол-мулкни асли ҳолида қайтариш мажбуриятини юклашни сўраган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 128-моддасининг тўртинчи қисмига биноан тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкини қидириш, аниқлаш ва қайтаришга қаратилган чораларни кўриши шарт.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 22-моддасининг тўртинчи қисмига кўра жамият жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улушининг чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охирги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши ёки жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган

иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.

Ушбу Қонуннинг 15-моддаси мазмунига кўра, устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мулкнинг муддат ўтгунга қадар ушбу мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилган тақдирда, ушбу мол-мулк иштирокчисига қайтариб берилади.

Юқоридагиларга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

6. Акциядорнинг АЖ олдидаги мажбуриятларни бузганлиги, акциядорлар йиғилишига келмаганлиги ёки йиғилишда қатнашишни рад этганлиги, акциядорлик жамияти билан узоқ вақт алоқада бўлмаганлиги уни акциядорлар реестридан чиқариш учун асос бўлмайди.

«Ўрта Осиё транс» ДАК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «ORTADOGU NITIP A.S.» компанияси (Туркия), қўшимча жавобгарлар «Pouya Tarabar Int.Trans. Co.» компанияси (Эрон), «Ўрта Осиё Инвест Груп» МЧЖ, «CENTRAL ASIA AGRO EXPORT» МЧЖ, «HAF» МЧЖларни жамият акциядорлар реестридан чиқариш ва акцияларни қайтаришни сўраган.

Суднинг ажрими билан ДМҚ ишга даъво предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талабларини қаноатлантириш рад қилинган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, АЖ акциядорлари умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум етарли бўлмаганлиги сабабли, умумий йиғилишни ўтказишни имконияти бўлмаган. Бунга сабаб қилиб, АЖ акциядорлари «ORTADOGU NITIP A.S.» компанияси (Туркия), «Pouya Tarabar Int.Trans. Co.» компанияси (Эрон), «Ўрта Осиё Инвест Груп» МЧЖ, «CENTRAL ASIA AGRO EXPORT» МЧЖ, «HAF» МЧЖ ва жисмоний шахслардан иборат акциядорларнинг ёки улар вакилларининг акциядорлар умумий йиғилишига келмаганлиги ва бунинг натижасида умумий йиғилиш ваколатига кирадиган муҳим масалалар ҳал қилинмай қолаётганлиги кўрсатилган.

Шу сабабли АЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарларни акциядорлар реестридан чиқаришни ва акцияларни қайтаришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий Хўжалик суди Қўшма Пленуми «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги Қарорининг 19-бандида Қонун акциядорни у томонидан жамият олдидаги мажбуриятлар бузилганлиги, унинг акциядорлар йиғилишига келмаслиги ёки унда қатнашишни рад этганлиги, акциядорлик жамияти билан узоқ вақт алоқада бўлмаганлиги каби асослар бўйича акциядорлар реестридан чиқариш имкониятини назарда тутмаслиги, ушбу асослар бўйича берилган даъволарни судлар рад этишлари лозимлиги кўрсатилган.

Шунга асосан суд даъвогарнинг акциядорларнинг ёки улар вакилларининг акциядорлар умумий йиғилишига келмаганлиги ва бунинг натижасида умумий йиғилиш ваколатига кирадиган муҳим масалалар ҳал қилинмай қолаётганлиги сабабли акциядорлар реестридан чиқариш тўғрисидаги талабини қаноатлантиришни рад қилган.

7. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан (агар жамиятнинг уставида бундай қарорни қабул қилиш учун овозларнинг бундан кўпроқ сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса) қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади.

«Чўлқувар» МЧЖнинг иштирокчиси О. Камилов хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖнинг устав фондидаги улушини 24,87 фоиз миқдорида белгилаб беришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, МЧЖнинг устави Қарши шаҳар ҳокимлиги томонидан 1996 йил 24 майда рўйхатдан ўтказилган.

МЧЖнинг устав фонди 257 300 сўм бўлиб, Ш. Рўзиевнинг улуши – 49 фоизни, З. Рўзиевнинг улуши – 17 фоизни, С. Камиловнинг улуши – 17 фоизни, О. Камиловнинг улуши – 17 фоизни ташкил қилган.

О. Камилов ўз даъво аризасида МЧЖнинг устав фондидаги улушини 24,87 фоиз қилиб белгилашни сўраган.

Биринчи инстанция суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, О. Камиловнинг МЧЖ устав фондидаги улуши 23,5 фоиз миқдорида белгиланган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 16-моддаси иккинчи қисмига кўра, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан (агар жамиятнинг уставида бундай қарорни қабул қилиш учун овозларнинг бундан кўпроқ сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса) қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади.

Демак, О. Камиловнинг МЧЖ устав фондидаги улушини 24,87 фоиз миқдорида белгилаб бериш ҳақидаги даъво талаби хўжалик суди ваколатига эмас, балки жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатига киради. Бундай ҳолатда суд МЧЖ устав фондидаги улуши миқдорини кўпайтириш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиши лозим бўлган.

Шу сабабли кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарори ва қарорни бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни лозим топган.

8. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгилаб қўйилади, бироқ у кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Даъвогарлар «STAMFORD CAPITAL INC» компанияси ҳамда «ASIAN TRANSPORT GROUP INC» компанияси даъво аризаси билан Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Тошкентпахтасаноат» ҲАБ бирлашмаси кузатув кенгашининг 2011 йил 2 июндаги йиғилиш баёнини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш кассация инстанциясида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогарлар «STAMFORD CAPITAL INC» ҳамда «ASIAN TRANSPORT GROUP INC» компа-

ниялари «Тошкентпахтасаноат» ҲАБ акциядорлари ҳисобланиб, унинг кузатув кенгашида ўз вакилларига эга бўлган. «Тошкентпахтасаноат» ҲАБ кузатув кенгаши аъзолари беш кишидан иборат бўлиб, улардан иккитаси даъвогарларнинг вакиллари ҳисобланган.

2011 йил 2 июнда ҲАБ кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилиб, унда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳақида қарор қабул қилинган. Бироқ кузатув кенгаши йиғилишида даъвогарлар вакиллари С. Касимов ва Т. Кадировлар иштирок этмаган, яъни кузатув кенгаши йиғилишида унинг бешта аъзосидан иккитаси иштирок этмаган.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 85-моддасининг учинчи қисмига кўра жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгаши мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгилаб берувчи ушбу Қонунда, жамият уставида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Қонун 85-моддасининг иккинчи қисмига кўра кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгилаб қўйилади, бироқ у кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Бироқ кузатув кенгаши йиғилишида даъвогарлар вакиллари С. Касимов ва Т. Кадировлар иштирок этмаган. Кузатув кенгаши йиғилишида унинг бешта аъзосидан иккитаси иштирок этмаслиги натижасида кворум бўлмаган. Кузатув кенгашининг қолган учта аъзоси фақатгина олтмиш фоизни ташкил қилган.

Кворум бўлмаса-да, 2011 йил 2 июнда «Тошкентпахтасаноат» ҲАБнинг кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилган ва унда «Тошкентпахтасаноат» ҲАБ акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳақида қарор қабул қилинган.

Шунга кўра, «Тошкентпахтасаноат» ҲАБ кузатув кенгашининг 2011 йил 2 июндаги қарори қонун ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган.

Шу сабабли суд даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириб, «Тошкентпахтасаноат» ҲАБ кузатув кенгашининг 2011 йил 2 июндаги қарорини ҳақиқий эмас деб топган.

9. МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар бўйича даъво муддати жамият иштирокчиси қабул қилинган қарор тўғрисида билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан икки ойни ташкил қилади.

Даъвогар Ф. Рахимов хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «MEGA STAR» МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Жавобгар хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза қонунда белгиланган муддат ўтгандан кейин берилганлиги сабабли, уни рад қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талабларини қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанцияси судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, иштирокчилар Ф. Рахимов, Б. Азимов ва «Азиза Бизнес» МЧЖ «MEGA STAR» МЧЖ ни таъсис этганлар. МЧЖ таъсис ҳужжатларига кўра улушлар қуйидагича тақсимланган: Ф. Рахимов–25 %; Б. Азимов – 50 %; «Азиза Бизнес» МЧЖ–25 %.

2013 йил 14 мартда бўлиб ўтган «MEGA STAR» МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишида МЧЖнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган ва унга кўра иштирокчилар томонидан қўшимча ҳиссалар қўшиш ҳисобига жамият устав фонди (устав капитали)ни ошириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бироқ ушбу умумий йиғилишда иштирок этган таъсисчи Ф. Рахимов жамиятнинг устав фонди миқдорини иштирокчилар томонидан қўшимча ҳиссалар қўшиш ҳисобига кўпайтиришга қарши овоз берган.

Шундан сўнг даъвогар 2013 йил 10 октябрда хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2013 йил 14 мартда бўлиб ўтган МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишининг жамият устав фонди миқдорини кўпайтириш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни 41-моддасининг биринчи қисмига кўра жамият иштирокчилари уму-

мий йиғилишининг ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, жамиятнинг устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарори овоз беришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг аризасига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай ариза жамият иштирокчиси қабул қилинган қарор тўғрисида билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан икки ой ичида берилиши мумкин. Агар жамият иштирокчиси шикоятга сабаб бўлган қарорни қабул қилган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида иштирок этган бўлса, мазкур ариза шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки ой ичида берилиши мумкин.

Мазкур ҳолатда даъвогар иштирокчилар умумий йиғилишида иштирок этган ва унинг қароридан хабардор бўлса-да, умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан қонунда белгиланган икки ойлик муддат ўтгандан сўнг судга мурожаат қилган.

Шу сабабли суд даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида хулосага келган.

10. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 45-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларига кўра акциядорларнинг ўзларига қарашли акцияларни жамиятнинг қайтариб сотиб олиши тўғрисидаги талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан кечи билан 45 кун ичида жамиятга тақдим қилинмоғи лозим. Ушбу муддат тугаганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни 30 кун ичида сотиб олиши шарт. Шу сабабли ушбу муддат тугашидан олдин берилган даъво аризасини қаноатлантириш рад этилади.

Акциядор А. Эрматов хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, «Оазис Гранд» ОАЖ зиммасига ўзига тегишли бўлган 2 243 дона акцияларни 155 289 196 сўм бозор қийматида сотиб олиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Иш апелляция ва кассация инстанция судида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, «Оазис Гранд» ОАЖ акциядорларининг умумий йиғилиши 2013 йил 1 май куни ўтказилиб, тегишли қарор қабул қилинган. Акциядор А. Эрматов ОАЖ уставига акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилганлиги, янги устав унинг ҳуқуқларини чеклайдиган тарзда янги таҳрирда тасдиқланганлиги сабабли акцияларни қайтариб сотиб олишни сўраб ОАЖга 2013 йил 7 май куни мурожаат қилган. Шундан сўнг, у хўжалик судига 2013 йил 14 май куни даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ОАЖнинг зиммасига ўзига тегишли бўлган 2 243 дона акцияларни 155 289 196 сўм бозор қийматида сотиб олиш мажбуриятини юклашни сўраган.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 45-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларига кўра, акциядорларнинг ўзларига қарашли акцияларни жамиятнинг қайтариб сотиб олиши тўғрисидаги талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан кечи билан 45 кун ичида жамиятга тақдим қилиниши лозим.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатиб ўтилган муддат тугаганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни 30 кун ичида сотиб олиши шарт.

Даъвогар А. Эрматов мазкур қонун талабларида белгиланган муддатлар ўтмаган бўлса-да, 2013 йил 14 май куни жавобгарга нисбатан акцияларни бозор қийматида сотиб олиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Даъвогар акцияларни сотиб олиш учун белгиланган муддат ўтмасдан туриб бундай талаб билан мурожаат қилганлиги учун суд даъво талабини қаноатлантиришни рад этган.

11. Бир неча иштирокчини МЧЖдан чиқариш ҳақидаги талаб қаноатлантирилганда, давлат божи жавобгарлардан солидар тартибда ундирилади.

«Bofando» МЧЖнинг иштирокчилари А. Ахроров ва Ф. Джалаловлар хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Ш. Хусанов, Д. Усманов, Х. Маджонов ва В. Губайдулиналарни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияси судида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, МЧЖ хўжалик фаолиятида Жанубий Корея Республикасидан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этиш, МЧЖнинг иқтисодий салоҳиятини яхшилаш, қўшимча 3 000 иш ўринлари яратиш имконияти юзага келган. Ушбу инвестиция лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк, «Ўзенгилсаноат» ДАК томонидан маъқулланиб, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ва йирик битим тузиш лозим бўлиб, мазкур масалаларни ҳал этиш жамиятнинг таъсис ҳужжатларида, МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган.

Бироқ МЧЖ маъмурияти ва иштирокчилар ушбу масалаларни кўриб чиқиб, ҳал этиш учун бир неча бор иштирокчиларнинг умумий йиғилишини таъсис ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чақирганда, МЧЖ иштирокчилари Ш. Хусанов, Д. Усманов, Х. Маджоновлар иштирокчиларнинг 2010 йил 23 апрелдаги, 2011 йил 27 июлдаги, 2012 йил 30 июндаги, 2012 йил 28 декабрдаги ва 2013 йил 18 февралдаги умумий йиғилишига иштирок этиш учун келмаган ёки ўзининг қонуний вакиллари иштирокини таъминламаган.

Шунингдек, МЧЖ иштирокчиси В. Губайдулина 2010 йил 23 апрелдаги, 2011 йил 27 июлдаги ҳамда 2012 йил 30 июндаги умумий йиғилишларда иштирок этмаган.

МЧЖнинг мазкур иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузган ҳолда ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан МЧЖнинг фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиб, фаолият юритишни жиддий тарзда қийинлаштиришган. Бу ҳолат иш материаллари ва МЧЖнинг умумий йиғилиш баённомалари билан ўз тасдиғини топган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2014 йил 24 апрелдаги 29-сонли қарори
билан тасдиқланган)

2-боб. МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ СУД АМАЛИЁТИ

2.1. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН 2007 ЙИЛ ВА 2008 ЙИЛНИНГ 8 ОЙИ ДАВОМИДА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ИШТИРОКИДА КЎРИЛГАН НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

1. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги ва «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунларда назарда тутилган имтиёз ўн йил муддатга берилган.

«СУНДУС» ҚК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Тошкент шаҳар божхона бошқармасидан 124 793 683 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, давлат божхона хизмати органидан даъвогар фойдасига 85 104 013 сўм ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий хўжалик суди Раёсатининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво рад этилган.

«СУНДУС» ҚК 2005 йилнинг 4 октябридан 27 октябрига қадар ҳар хил турдаги маҳсулотларни импорт қилган. Уларни божхона органида расмийлаштириш жараёнида жами 124 793 683 сўм миқдорида акциз солиғи тўлаган.

ҚК инвестициялаш пайти – 1997 йилнинг 3 октябридан бошлаб қонунда белгиланган ўн йиллик имтиёздан 2007 йилнинг 3 октябригача фойдаланиши мумкинлигини важ қилиб кўрсатиб, акциз солиғи учун тўланган 124 793 683 сўмни Тошкент шаҳар божхона бошқармасидан ундириш тўғрисида даъво аризаси берган.

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонун 3-моддасининг

тўртинчи қисмига асосан, агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, унда чет эллик инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўлланилади.

Бундай ҳолатда ҚКга қонунга кўра солиқ тўловларидан озод этиш ҳақидаги давлат томонидан берилган ҳар қандай имтиёз, у давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан, яъни 1995 йил 6 апрелдан ҳисобланиши лозим. ҚК эса 2005 йилнинг 27 октябридан, яъни белгиланган ўн йиллик муддат тугагандан кейин импорт қилган товарлар учун тўлаган акциз солиғини қайтаришни асоссиз равишда талаб қилган.

Қайд этилганларга кўра, Раёсат суд қарорларини бекор қилган ҳамда даъвони рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

2. Божхона кодексининг 103-моддасига биноан товарлар ва транспорт воситалари божхона чегараси орқали олиб ўтилганда божхона йиғими, божхона божи, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи божхона тўловлари тўланади.

ДТ «Халқбанки» хўжалик судига мурожаат қилиб, Давлат божхона қўмитаси, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси, «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплексидан 576 225 223,80 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори кучда қолдирилган.

ДТ «Халқбанки» Швейцариянинг «Verysell S.A.» корхонасидан 2 085 160 АҚШ доллари қийматидаги тўрт хил принтер техникаларини Ўзбекистон Республикасига олиб келган ва товарлар учун божхона тўловларини, шу жумладан 576 225 223,80 сўм ҚҚС ва акциз солиғи тўлаган.

Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 21 декабрдаги 595-сонли қарори билан ДТ «Халқбанки» 2008 йил 1 январгача бюджетга солиқларнинг барча турларини тўлашдан озод этилган деб ҳисоблаб, жавобгарлардан ҚҚС ва акциз солиғи учун тўланган 576 225 223,80 сўм ундиришни сўраган.

Мазкур қарорнинг 7-бандига кўра ДТ «Халқбанки» 2008 йил 1 январгача бюджетга солиқларни тўлашдан озод этилган, аммо божхона тўловларидан озод этилмаган.

ДТ «Халқбанки» товарларни Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда божхона тўловлари сифатида ҚҚС ва акциз солиғини тўлаган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

3. «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ олиб кирилаётган товар юзасидан тузилган битимнинг қийматига қараб баҳолаш товарнинг божхона баҳосини чиқаришнинг асосий усулидир, агар асосий усулдан фойдаланиб бўлмаса, божхона баҳосини чиқаришнинг шу нормада кўрсатилган усуллар кетма-кетлик тамойили асосида қўлланилади.

«Киндер-Қўқон» ХК даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиб, Фарғона вилояти божхона бошқармаси томонидан «Киндер-Қўқон» ХКнинг банкдаги ҳисоб рақамига қўйилган 11 288 277 сўм қўшимча божхона тўловини ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномасини ҳақиқий эмас деб топиш, «Киндер-Қўқон» ХК ҳисоб рақамидан ундириб олинган 11 288 277 сўм пул маблағларини ва тўланган суд харажатларини «Киндер-Қўқон» ХКнинг келгусида амалга ошириши лозим бўлган божхона тўловлари учун йўналтиришни сўраган.

Туркия Республикасининг «Сер Текстил Улусларараси Тасимасиллик» фирмаси ва «Киндер-Қўқон» ХК ўртасида 2006 йил 25 мартда 24-сонли шартнома тузилган. Шартнома шартларига асосан бир қатор товарлар, жумладан «Эластичная лента с текстильным покрытием» товарининг 1 кг 0,75 АҚШ долларидан, «Подошва для обуви» товарининг бир жуфти 0,40 АҚШ долларидан сотиб олишга тарафлар ўзаро келишган. Мазкур шартнома Фарғона вилоят божхона бошқармасидан 242-сонли рақам билан импорт контракти сифатида рўйхатдан ўтказилган.

«Киндер-Қўқон» ХК томонидан юқорида кўрсатилган нархларда товарлар Ўзбекистон Республикасига олиб келиниб, божхона назоратидан ўтказилган ҳамда божхона тўловлари ҳисобланган ва ундирилган.

«Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилаётган товар-

нинг божхона қиймати битим қийматидан, яъни олиб кирилаётган товар учун Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтиш вақтида амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган баҳодан иборатдир, деб кўрсатилган. Бунда божхона қийматини эълон қилиш вақтида декларант фойдаланган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланган ва тўғри бўлса, тузилган битим қийматига қараб божхона баҳосини чиқариш усулидан фойдаланиш шартлиги назарда тутилган.

Шу сабабли суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, «Киндер-Қўқон» ХКнинг ҳисоб рақамидан Фарғона вилоят божхона бошқармаси томонидан ундириб олинган 11 288 277 сўм пул маблағлари «Киндер-Қўқон» ХКнинг келгусида амалга ошириши лозим бўлган божхона тўловлари учун йўналтирилган.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 19 январдаги ПФ–1919-сонли Фармонининг 1-бандида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган, янги барпо этилаётган ва қайта қурилаётган корхоналар учун импорт қилинган технологик ускуналарни қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш белгиланган. Бундай имтиёзлар фақатгина технологик ускуналар корхоналар томонидан сотиш учун эмас, балки ўз эҳтиёжи учун импорт қилинган ҳоллардагина қўлланилади.

«Kokand plus Medical servis» ХК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Фарғона вилоят божхона бошқармасидан 25 090 960 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Даъвогар импорт контрактига асосан Хитой Халқ Республикасининг «XINJIANG MIJITI AJI INTERNATIONAL TRADE CO/ LTD» компаниясидан «CT Sytek» русумли компьютер томографи ва рентген плёнкасини тасвирга чиқариш учун мўлжалланган «Dry pix 3000» принтерини, шунингдек «Fuji Medical Dry Imajing Film DI-AT 100 NF» русумли термографик плёнка импорт қилган.

Даъвогар ушбу товарларни технологик ускуна деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни

рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 14 мартдаги ПФ–3860-сонли Фармонининг 5-бандига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 30 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш пайтида божхона тўловларидан озод этиладиган технологик жиҳозлар, бутловчи қисмлар ва эҳтиёт қисмлар рўйхати»га асосан технологик ускуна божхона тўловидан озод этилиши лозимлигини кўрсатиб, тўлов топшириқномалари билан тўланган 25 090 960 сўм божхона тўловини ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 3 ноябрда 834-сон билан рўйхатга олинган «Божхона юк декларацияларини тўлдириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 6.4-бандида БЮД 1-устунининг учинчи бўлинмасида импортёр маҳсулотни ўз эҳтиёжи учун олиб кирган бўлса, «1» рақами қўйилиши, олиб кирилган маҳсулот ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган бўлмаса «0» рақами қўйилиши қайд этилган. «CT Sytek» русумли компьютер томографи учун расмийлаштирилган БЮД 1-устунининг учинчи бўлинмасида «0» рақами қўйилган.

Бундан ташқари, «Kokand plus Medical servis» ХК мувофиқлик сертификатларини олиш учун мазкур товарларни сотувчи сифатида сертификатлаш идорасига мурожаат этган.

Демак, даъвогар мазкур товарларни ўз эҳтиёжи учун эмас, балки сотиш учун импорт қилган. Шунингдек, ушбу товарлар саноатда эмас, балки тиббиёт соҳасида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, рўйхатда қайд этилган ТИФ ТН кодига мос келмайди.

Кассация инстанцияси суди даъвогар вакилининг даъво талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 19 январдаги ПФ–1919-сонли Фармонига асосланганлиги ҳамда тиббиёт ускуналари янги барпо этилаётган ва қайта қурилаётган корхоналар учун импорт қилинганлиги сабабли божхона тўловидан озод этилиши ҳақидаги важи билан келишмаган.

Мазкур Фармон устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, ҚКларни барпо қилишга хорижий сар-

мояларни кенг кўламда жалб этиш ҳисобига иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Шунингдек, Фармоннинг 1-бандида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган, янги барпо этилаётган ва қайта қурилаётган корхоналар учун импорт қилинган технологик ускуналарни ҚҚСдан озод қилиш белгиланган.

Шу сабабли кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво рад этилган.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ–2107-сонли Фармони билан хусусий тиббиёт муассасаларига савдо фаолияти учун эмас, балки тиббиёт фаолиятини ривожлантириш учун солиқ тўловлари бўйича имтиёз берилган.

«Intertex Medprodukt» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, Сирдарё вилоят божхона бошқармасидан 2 500 000 сўм, Тошкент вилоят божхона бошқармасидан 604 105 760 сўм ортиқча тўланган божхона тўловларини ундиришни сўраган.

«Intertex Medprodukt» МЧЖ 2007 йил 2 мартда давлат рўйхатидан ўтган. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада жамиятнинг асосий фаолият тури «инсон саломатлигини сақлаш бўйича бошқа фаолиятлар» деб кўрсатилган.

Даъвогар томонидан 2007 йилнинг апрель-июнь ойларида хориждан товарлар импорт қилиниб, бунинг учун Тошкент вилоят божхона бошқармаси орқали 604 105 760 сўм ҚҚС, Сирдарё вилоят божхона бошқармасига 5 000 000 сўм божхона божи тўланган.

Даъво аризасида жамият Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ–2107-сонли Фармонига асосан барча солиқ турларидан озод қилинган деб ҳисоблаб, Тошкент вилоят божхона бошқармасидан 604 105 760 сўм ҚҚС, Сирдарё вилоят божхона бошқармасидан эса 2 500 000 сўм божхона божи ундиришни сўраган.

Сирдарё вилоят божхона бошқармасидан ундириш талаб қилинган пул маблағи мазкур бошқарма томонидан даъвогарга қайтарилган.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг Сирдарё вилоят божхона бошқармасидан 2 500 000 сўм божхона божини ундириш тўғрисидаги талабини рад қилиб, тўғри хулосага келган. Тошкент вилоят божхона бошқармасидан 604 105 760 сўм ҚҚС эса нотўғри ундирилган.

Қайд этилган Фармоннинг 13-бандида соғлиқни сақлаш нодавлат секторини ривожлантиришни рағбатлантирувчи шарт-шароитларни вужудга келтириш учун хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилган пайтдан бошлаб икки йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод қилиш, бундан йиғилган маблағларнинг муассасаларни замонавий тиббий ва ташхис ускуналари билан жиҳозлашга сарфланиши белгилаб қўйилган.

Мазкур Фармон билан хусусий тиббиёт муассасаларига савдо фаолияти учун эмас, балки тиббиёт фаолиятини ривожлантириш учун солиқ тўловлари бўйича имтиёз берилган. Даъвогар томонидан эса тиббиёт муассасаси учун эмас, балки савдо фаолияти билан шуғулланиш учун озиқ-овқат ва қурилиш материаллари импорт қилинган.

Қайд этилган Фармон билан хусусий тиббиёт муассасалари қандай фаолият билан шуғулланишидан қатъи назар ташкил этилгандан бошлаб икки йил мобайнида барча солиқ турларидан озод этилмаган.

Кассация инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, унинг даъвогар фойдасига Тошкент вилоят божхона бошқармасидан 604 105 760 сўм ҚҚС ундириш қисми бекор қилинган ва ушбу даъво талаби рад этилган.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бож-тариф билан тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 январдаги 4-сонли қарорининг 2-бандига кўра четдан келтирилган технология жиҳозлари (технология жиҳозлари етказиб беришга тузилган контракт шартларига мувофиқ четдан келтирилган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар)дан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган, шунингдек импорт қилинган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида сотилган ва текин берилган тақдирда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган импорт бож пошлиналари ставкалари татбиқ этилади.

ССП Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси «BUXOROSUT» ҚК манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, Бухоро вилоят бож-

хона бошқармасининг инкассо топшириқномасини ижро этилиши мумкин эмас деб топишни ва ундан 5 512 555 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво рад этилган.

Суд қарорларининг бекор қилиниши ва даъвонинг рад этилишига қуйидагилар асос бўлган.

Бухоро вилоят ДСБ томонидан «BUXOROSUT» ҚКда ўтказилган текширишда таъсисчи томонидан низом жамғармасини шакллантириш учун олиб келинган технологик ускуналарнинг бошқа корхонага бериб юборилганлиги аниқланган. Бухоро вилоят ДСБ бу ҳақда Бухоро вилоят божхона бошқармасига хабар берган.

Ушбу хабарнома асосида Бухоро вилоят божхона бошқармаси «BUXOROSUT» ҚКнинг низом жамғармасини шакллантириш учун олиб келинган технологик ускуналарни инвентаризациядан ўтказганда 2002 йилда корхонанинг низом жамғармасини шакллантириш учун олиб келинган технологик ускуналар корхона балансида мавжуд эмаслиги аниқланган. Ушбу технологик ускуналар «Ювентус» ҚК ва бошқа корхоналарга бериб юборилган. «BUXOROSUT» ҚК кузатув кенгашининг баённомаси билан технологик ускуналар ҚКга қайтарилган.

Технологик ускуналарни «BUXOROSUT» ҚКнинг низом жамғармасини шакллантириш учун импорт қилинганида божхона имтиёзи қўлланилган. Аммо улар бегоналаштирилганлиги сабабли Бухоро вилоят божхона бошқармаси унга қўлланилган имтиёзларни бекор қилиш тўғрисида хулосага келиб, 131 790 067 сўм божхона тўловларини ундириш мақсадида даъвогарнинг ҳисоб рақамига инкассо топшириқномасини қўйиб, даъвогарнинг ҳисоб рақамидан 5 512 555 сўм ундирган.

Бундан норози бўлган «BUXOROSUT» ҚК инкассо топшириқномасини ижро этилиши мумкин эмас деб топишни, Бухоро вилоят божхона бошқармасидан 5 512 555 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди бегоналаштирилган технологик ускуналар 18 кун ўтиб кузатув кенгашининг қарори билан қайтарилган деб ҳисоблаб, даъвони қаноатлантириш тўғрисида нотўғри хулосага келган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда импорт қилинган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида сотилган ва текин берилган технологик ускуналарни корхона устав жамғармасига қайтариб олиб келинганда яна божхона имтиёзи қўлланилиши назарда тутилмаган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 31 мартда 1669-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш пайтида божхона тўловларидан озод этиладиган технологик жиҳозлар, бутловчи қисмлар ва эҳтиёт қисмлар рўйхати»га киритилган фақат янги технологик жиҳозларгагина имтиёзлар берилади.

«KOTTONTEX» МЧЖ ҚК хўжалик судига мурожаат қилиб, Навоий вилоят божхона бошқармасидан 50 076 003,25 сўм божхона тўловлари, 9 829 960 сўм бой берилган фойда, жами 59 905 963,25 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан Навоий вилоят божхона бошқармасидан 49 849 815 сўм божхона тўловлари ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

«Global Industry East» компанияси билан тузилган шартнома ва қўшимча битимга асосан ҚК Франциядан илгари фойдаланилган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, 20,0 минг АҚШ доллари қийматидаги толани тайёрлаш учун текстиль машина, толани тозалаш машинаси, пахта толаси смесители ва разрихлитель ускуналарини келтирган.

ҚК божхона чегараси орқали олиб ўтилган ускуналар учун белгиланган тартибда 226588,25 сўм божхона йиғими, 22 658 825 сўм божхона божи, 27 190 590 сўм ҚҚС, жами 50 076 003,25 сўм

божхона тўловларини амалга оширгандан кейин, давлат божхона хизмати органи томонидан 2008 йил 13 февралда юкнинг эркин муомалага чиқарилишига рухсат берилган.

ҚК 50 076 003,25 сўм божхона тўловлари ортиқча тўланган деб ҳисоблаб, ушбу суммани, технологик жиҳоз ўз вақтида божхона расмийлаштирувидан ўтказилмаган деб ҳисоблаб, 2007 йил 2 октябрдан 2008 йил 2 февралга қадар ҳисоблаган 9 829 960 сўм бой берилган фойдани давлат божхона хизмати органидан ундиришни сўраб хўжалик судига даъво аризаси берган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтирилган мазкур ускуналар аввал фойдаланишда бўлганлиги иш ҳужжатлари билан тасдиқланган. Эски, аввал ишлатилган ускуналарни келтирганлик учун эса қонун ҳужжатларида имтиёзлар назарда тутилмаган. Шу сабабли ҚК БК 103-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ божхона тўловлари (божхона йиғими, бож, ҚҚС)ни тўлаши шарт.

БЮДнинг 36-устунида божхона йиғими, божхона божи ва ҚҚС тўлови бўйича имтиёз белгиланмаган, 47-устунида нақд пулсиз шаклда тўланиши лозим бўлган божхона йиғими–226 588,25 сўм, божхона божи–22 658 825 сўм, ҚҚС–27 190 590 сўм, жами божхона тўловлари – 50 076 003,25 сўм миқдорида кўрсатилган. БЮДнинг 50-устунига кўра декларацияни тўлдириш пайтида ушбу маълумотларни берганлик учун жавобгарлик ҚК директори ўринбосари (директори)нинг зиммасидадир.

БЮД ҚК раҳбариятининг ўзи томонидан берилган маълумотлар асосида декларант томонидан тўғри расмийлаштирилиб, давлат божхона хизмати органига топширилган. Давлат божхона хизмати органи томонидан ўзгартириш киритилмасдан, БЮД қабул қилинган. Шундай экан БЮД ноқонуний равишда расмийлаштирилган, ҚКдан 50 076 003,25 сўм ортиқча божхона тўловлари талаб қилинган, технологик жиҳоз ўз вақтида божхона расмийлаштирувидан ўтказилмаганлиги учун 9 829 960 сўм фойда бой берилган деган важлар асоссиздир.

БК 4-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ божхона ишида Ўзбекистон Республикасининг божхона органи божхона декларациясини ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиб олаётган куни амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 31 мартда 1669-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 17–20-бандларида божхона тўловлари бўйича имтиёзни бериш тартиби аниқ кўрсатилган. БЮДда қайд этилган маълумотлар ушбу Низом талабларига жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекенгилсаноат» ДАК бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва республика енгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 мартдаги 141-сонли қарорининг 4-бандида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК янги корхоналар қурилиши ва ишлаб турганларининг реконструкция қилиниши фақат янги, илгари ишлатилмаган технологик асбобускуналарини ўрнатиш асосида амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 14 мартдаги ПФ–3860-сонли Фармонининг 5-бандига мувофиқ 2007 йил 1 апрелдан бошлаб олиб кириладиган технологик жиҳозларга қонунчиликда кўзда тутилган божхона тўловлари бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланадиган технологик жиҳозлар рўйхатига мувофиқ қўлланилиши кўрсатилган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди суд қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

8. ФК 985-моддасининг биринчи қисмига кўра ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

ЯТТ У. Матякубов хўжалик судига мурожаат қилиб, Навоий вилоят божхона бошқармасидан 1 500 000 сўм бой берилган фойда, 2 887 157 сўм етказилган моддий зарар ва 2 000 000 сўм маънавий зарар, жами 5 200 000 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан жавобгардан даъвогарга 1 716 717 сўм моддий зарар ундирилган.

Апелляция инстанция судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанция судининг қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

ЯТТ У. Матякубов 2006 йил 3 октябрда Тошкент шаҳрида ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтган У. Ҳазраткуловдан 200 қоп Қозоғистонда ишлаб чиқарилган ун сотиб олиб, автомашина орқали Тўрткўл шаҳрига юборган.

Мазкур автомашина Навоий вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан тўхтатилган ва ЯТТ У. Матякубовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 189-моддасининг учинчи қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Тергов ҳаракатлари давомида У. Матякубовнинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 83-моддасининг иккинчи қисмига асосан жиноят иши ҳаракатдан тугатилиб, олиб қўйилган унни даъвогарга қайтариш ҳақида қарор чиқарилган.

Даъвогар божхона органининг ноқонуний ҳаракати натижасида моддий ва маънавий зарар кўрганлигини қайд этиб судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

ФК 14-моддаси биринчи қисмига кўра, агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин.

Мазкур Кодекс 985-моддасининг биринчи қисмига кўра ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Биринчи инстанция суди жавобгарнинг ғайриқонуний ҳаракати туфайли даъвогар ишламаган давр учун солиқ тўлаши, шунингдек йўл-транспорт, меҳмонхона, ҳуқуқий ёрдам, алоқа ҳамда сафар харажатларини амалга ошириши натижасида, жами 1 716 717 сўм зарар кўрганлиги сабабли ушбу суммани ундириб бериш ҳақида хулосага келган.

Даъвогар томонидан кўрилган зарар иш ҳужжатлари билан тўлиқ тасдиқланган ва ҳал қилув қарори билан асослантириб берилган.

Қайд этилганларга кўра кассация инстанцияси суди суд қарорларини ўзгаришсиз қолдирган.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 4 мартда 1669–1-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш пайтида божхона тўловларидан озод этиладиган технологик жиҳозлар, бутловчи қисмлар ва эҳтиёт қисмлар рўйхати»га шу номдаги ускуналарнинг киритилганлиги, аввал келтирилган ускуналарга татбиқ этилмайди.

«REKA-MED FARM» ҚК хўжалик судига мурожаат этиб, Давлат божхона қўмитаси Сирдарё вилоят бошқармасидан 49 340 858 сўм ундиришни сўраган.

Суд ажрими билан Сирдарё вилоят молия бошқармаси низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишда иштирок этишга жалб этилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво рад этилган.

2008 йил 8 январдаги БЮДга кўра «REKA-MED FARM» ҚКга Россия Федерацияси («Фирма «ВИПС-МЕД» МЧЖ)дан 1 дона (Оборудование для заполнения, укупорки и этикетирования бутылок, линия для розлива, укупорки и этикетирования жидких лекарственных препаратов в разобранном виде) ускуна божхона чегараси орқали олиб ўтилган.

ҚК божхона чегараси орқали олиб ўтилган маҳсулотлар учун 49 340 858 сўм ҚҚС ортиқча тўланган деб ҳисоблаб, ушбу суммани давлат божхона хизмати органидан ундиришни сўраган.

БК 104-моддасининг биринчи қисмида божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бож, ҚҚС ва акциз солиғи солиниши белгиланган.

Даъвогар 49 340 858 сўм ундиришни сўраган бўлса-да, иш ҳужжатларида даъвогар томонидан тақдим этилган 2 та тўлов

топшириқномаси мавжуд бўлиб, уларга кўра божхона расмийлаштируви учун жами 36,0 млн. сўм тўлов амалга оширилган.

Суднинг ҳал қилув қарорида ҳавола этилган СК 211-моддасининг 6-бандида дори воситалари ва тиббий (ветеринария) буюмлари, шунингдек дори воситалари ва тиббий (ветеринария) буюмлари ишлаб чиқариш учун олиб кирилаётган хом ашё импорт қилинганда ҚҚСдан озод қилиш назарда тутилган.

Даъвогар томонидан эса аслида дори воситалари ёки тиббий буюмлар эмас, балки асбоб-ускуналар импорт қилинган.

Даъво аризасида ҳавола этилган СК 211-моддасининг 7-бандида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кирилаётган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса, импорт қилинганда ҚҚСдан озод қилиш кўрсатилган.

Аммо ушбу ускуналар даъвогар томонидан келтирилган пайтда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 31 мартда 1669-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш пайтида божхона тўловларидан озод этиладиган технологик жиҳозлар, бутловчи қисмлар ва эҳтиёт қисмлар рўйхати»га киритилмаган.

БК 4-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ божхона ишида Ўзбекистон Республикасининг божхона органи божхона декларациясини ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиб олаётган куни амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 4 мартда 1669–1-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш пайтида божхона тўловларидан озод этиладиган технологик жиҳозлар, бутловчи қисмлар ва эҳтиёт қисмлар рўйхати»га шу номдаги ускуналарнинг киритилганлиги, аввал келтирилган ускуналарга ҳам татбиқ этилмайди.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2008 йил 25 сентябрдаги 152-сонли қарори
билан тасдиқланган)

2.2. 2008 ЙИЛДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ОИД ИШЛАРНИ КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарори билан тасдиқланган «Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандига асосан буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиҳа ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралиқ бўғинларнинг иштирокисиз фақат шартнома асосида қурилади.

Бунда ҳам моддий техника ресурсларини ўзаро берган ҳолда, ҳам улар берилмаган ҳолда субпудратчи ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши доирасида воситачининг иши ҳамда моддий техника ресурсларини ташқарига реализация қилиш деб ҳисобланмайди.

Жондор туман ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат этиб, «Аму-Бухороканалқурилиш» АЖга қарашли 4-сон КМК Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сонли қарори талабларига риоя қилмасдан, фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиб жами 397 306,9 минг сўм улгуржи савдо фаолиятини амалга оширганлиги натижасида 17 570 500 сўм миқдорида даромад (фойда) олганлиги учун унга нисбатан СКнинг 117-моддасига асосан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Текшириш далолатномасида корхона томонидан чакана ва улгуржи савдо фаолияти амалга оширилмаганлиги қайд этилган. Демак, жавобгар улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланмасдан, балки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарори билан тасдиқланган «Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш,

молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандига мувофиқ равишда моддий техника ресурсларини пудрат ва субпудратчиларга шартнома асосида битта объект қурилиши доирасида ҳисобварақ – фактураси орқали берган.

Шу сабабли ДСИ томонидан жавобгарга нисбатан Вазирлар Маҳкамасининг «Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сонли қарори талабларини қўллаган ҳолда ариза берилиши асоссиздир.

Суд иш ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериб, арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

2. Солиқ кодекси 88-моддасининг иккинчи қисмига асосан режадан ташқари солиқ текширувини ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

– назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг текшириладиган объектнинг номи, текширувнинг мақсадлари, текшириладиган давр (тафтиш учун), текширув ўтказиш муддатлари ва уни асословчи сабаблар кўрсатилган текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори;

– давлат солиқ хизмати органининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган қарори асосида чиқарган текширувни ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр кўрсатилган ҳолдаги буйруғи.

ХПКнинг 54-моддасига асосан ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган маълумотлар иш бўйича далиллар бўлиб, улар асосида хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар бор ёки йўқлигини аниқлайди.

Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Гулистон шаҳар ДСИ ЯТТ В. Урбановичга СК 114-моддасининг биринчи қисмига асосан 1 654 890 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик ба-

раваригача миқдорда молиявий санкция қўллашни сўраб хўжалик судига ариза берган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилиб, ЯТТ В. Урбановичга СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида 558 900 сўм молиявий санкция қўлланилган. Шунингдек қонун бузилишига йўл қўйган ДСИ ходимларига нисбатан хусусий ажрим чиқарилиб, Сирдарё вилоят ДСБга юборилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, ҳал қилув қарорининг ЯТТ В. Урбановичга СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида 558 900 сўм молиявий санкция қўллаш ва ундан Гулистон шаҳар ДСИ фойдасига 6 000 сўм почта харажатларини ундириш қисми бекор қилинган ва арз қилинган ушбу талабни ҳам қаноатлантириш рад этилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Сирдарё вилоят ҳудудий комиссияси томонидан тасдиқланган рўйхат, Сирдарё вилоят ДСБнинг буйруғи ва текшириш режасига асосан ЯТТ В. Урбановичга қарашли савдо дўконида ўтказилган текширишда харидорга 4 200 сўм харид чеки берилмаган, ушбу сумма ҳамда 1 654 890 сўм савдо пуллари НКМга киритилмасдан тушум яширилган, деб ҳисобланиб, бу ҳақда далолатнома тузилган. Текшириш натижаларига асосан, ЯТТга молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш тўғрисида юборилган тақдимнома оқибатсиз қолдирилганидан кейин Гулистон шаҳар ДСИ унга нисбатан молиявий санкция қўллашни сўраб хўжалик судига ариза берган.

Биринчи инстанция суди ДСИнинг ЯТТга нисбатан 1 654 890 сўм молиявий санкция қўллаш хусусидаги талабини қаноатлантиришни рад қилган ва текширишда йўл қўйилган хатоликлар ва қонун бузилишлари юзасидан хусусий ажрим чиқариб, тегишли чора-тадбирлар кўриш учун вилоят ДСБга юборган. Суднинг ушбу хулосалари иш ҳолатларига мувофиқ келади. Аммо суднинг ЯТТга 558 900 сўм молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги хулосаси юқорида қайд этилган хулосага қарама-қаршидир.

Чунки ишдаги барча далиллар текшириш унинг қоидалари ва тартибини бузган ҳолда ўтказилганлигидан далолат беради.

Жумладан текшириш учун асос бўлган ҳужжатларнинг биронтаси (текширишларни мувофиқлаштириш режасидан кўчирма, назорат қилувчи органнинг текшириш режа жадвали асосида чиқарган буйруғи, текшириш режаси) белгиланган тартибда тилхат асосида ЯТТга топширилмаган. Текшириш натижаси юзасидан тузилган далолатноманинг нусхаси ҳам ЯТТга берилмаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 32-бандига мувофиқ Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси томонидан белгиланган тартибда берилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма (кўчирманинг ҳақиқийлиги кўрсатилган ҳолда тегишли имзо ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим), назорат қилувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган текшириш ўтказиш буйруғи ва режаси нусхалари хўжалик юритувчи субъект раҳбарига (ЯТТга, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда – унинг вазифасини бажарувчи шахсга) уларни олганлиги ҳақидаги тилхат асосида топширилиши шартдир. Бунда текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхаси текшириш тугаганидан кейин ўн кунлик муддат ичида топширилиши лозим.

Қайд этилган ҳужжатларнинг тадбиркорга топширилмаганлиги қонун нормаларининг бузилиши ҳисобланади. Бунинг оқибатида «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари, яъни қонунийлик, холислик ва ошкоралик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик принциплари бузилган.

Текшириш учун асос бўлган ҳужжатларнинг расмийлаштирилишида ҳам хатоликларга йўл қўйилган. Хусусан Сирдарё вилоят ДСБнинг буйруғида айнан қайси иловага асосан ва қайси хўжалик юритувчи субъектда текшириш ўтказилиши аниқ кўрсатилмаган.

Гарчанд қисқа муддатли текшириш – назорат қилувчи органлар томонидан бир иш куни давомида ўтказиладиган ва хўжалик

юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган текшириш бўлса-да, буйруқда текширувчиларга қисқа муддатли текшириш ўтказиш учун икки кунга рухсат берилган. Шунингдек буйруқда текшириш мақсади ҳисобланган ижросини таъминлаш назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг белгиланган тартибда на номлари, на саналари кўрсатилмаган.

Бундан ташқари текширишда холис сифатида иштирок этган шахснинг давлат солиқ хизмати органи ходимларидан бири билан бир жойдан эканлиги ва уни яхши билишлиги тадбиркорда унинг холислигига ҳамда беғаразлигига ҳақли равишда шубҳа уйғотган.

Хўжалик судига тақдим этилган текшириш ҳужжатлари қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда олинган далиллар ҳисобланади. Бундай далиллар тадбиркорнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузган ҳолда расмийлаштирилган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, ҳал қилув қарорининг ЯТТга СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида 558 900 сўм молиявий санкция қўллаш ва ундан ДСИ фойдасига 6 000 сўм почта харажатларини ундириш қисми бекор қилинган ва арз қилинган ушбу талабни ҳам қаноатлантириш рад этилган.

3. Солиқ кодекси 53-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган пеня моҳиятига кўра молиявий санкция ҳисобланиб, ушбу Кодекс 112-моддасининг иккинчи қисмида юридик шахслар ва ЯТТларга – солиқ тўловчиларга молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня ҳисоблаш, шунингдек солиқ тўловчи содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустаснолиги қайд этилган. Шу Кодекснинг 62–65-моддаларига мувофиқ эса солиқ тўловчиларнинг солиқ қарзлари ва уларга ҳисобланган пенялар сўзсиз ундирилиши назарда тутилган.

АТ «Пахтабанк» Гурлан филиалининг (Бош ишончнома асосида) Хоразм вилоят ДСБнинг АТ «Пахтабанк» Гурлан филиалига нисбатан пеня қўллаш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб

топиш ҳақидаги даъво аризаси суд ажрими билан АТ «Пахтабанк» ишга даъвогар сифатида жалб қилиниб, суднинг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган ва апелляция инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, вилоят ДСБнинг АТ «Пахтабанк» Гурлан филиалига нисбатан пеня қўллаш тўғрисидаги қарори 3-бандининг иккинчи жумласи ҳақиқий эмас деб топилган.

АТ «Пахтабанк» Гурлан филиалида қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, АТ «Пахтабанк» Гурлан филиали мижоз «Маъмун» ФХнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ўтказилиши лозим бўлган 308,9 минг сўм тўлов муддатини 24 кунга кечиктирганлиги, топширилган 100,0 минг сўм пул маблағи ФХнинг асосий ҳисоб рақамига ўтказмасдан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ундирилиши лозим бўлган солиқ қарзи тўловини 86 кунга кечиктирганлиги, мижоз «Гурлан пахта тозалаш» АЖнинг жорий ҳисоб рақамига «Пахтасаноат» АБ томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга йўналтирилган маблағларни бошқа мақсадлар учун ўтказиб юборганлиги аниқланган.

Текшириш далолатномасига асосан Хоразм вилоят ДСБнинг қарори қабул қилиниб, АТ «Пахтабанк» Гурлан филиали томонидан банк мижозларининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлари тўлов муддатлари кечиктирилганлиги сабабли унга жами 185 931,9 минг сўм пеня ҳисобланган.

ДСБнинг қарорида қайд этилган ҳуқуқбузарлик бартараф этилмаган ҳамда ҳисобланган пеня суммаси тўланмаган тақдирда, СКнинг 62 – 65-моддаларига мувофиқ пеняни мажбурий равишда ундириш чоралари кўрилиши белгиланган.

Бироқ ДСБ ўз ваколати доирасидан четга чиқиб қарор қабул қилган. Чунки СК 53-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган пеня моҳиятига кўра молиявий санкция ҳисобланиб, ушбу Кодекс 112-моддасининг иккинчи қисмида юридик шахслар ва ЯТТларга – солиқ тўловчиларга молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня ҳисоблаш, шунингдек солиқ тўловчи содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустаснолиги қайд этилган.

СКнинг 62 – 65-моддаларига мувофиқ эса солиқ тўловчиларнинг солиқ қарзлари ва уларга ҳисобланган пенялар сўзсиз ундирилиши назарда тутилган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантириш ҳақида хулосага келган. Апелляция инстанцияси суди эса қайд этилган ҳолатларга тегишли ҳуқуқий баҳо бермасдан ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Қайд этилганларга асосан кассация инстанцияси суди суд қарорларини бекор қилиб, даъвони қисман қаноатлантириш, ДСБнинг АТ «Пахтабанк» Гурлан филиалига нисбатан пеня қўллаш тўғрисидаги қарори 3-бандининг иккинчи жумласини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

4. «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18-моддасининг биринчи қисмига асосан монополияга қарши қонун ҳужжатлари бузилишларини тугатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга – энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сонли қарори билан тасдиқланган Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартибининг 28-бандига кўра, ушбу Тартибнинг бузилганлигини мустақил равишда аниқлаган ва бунинг натижасида ортиқча сумма олган хўжалик юритувчи субъект уларни истеъмолчиларга қайтаради ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Нархларни бошқариш жамғармаси ҳисоб рақамига ёки тегишли бюджетга ўтказади, бу ҳолда жарима қўлланмайди. Ушбу Тартибнинг бузилганлиги монополияга қарши орган томонидан аниқланган тақдирда 10 фоиздан 20 фоизгача миқдорда жарима қўлланади, худди шундай бузилиш жарима қўллангандан кейин бир йил мобайнида такроран аниқланган тақдирда ушбу Тартиб 22-бандининг биринчи

ва иккинчи хатбошиларига мувофиқ қайтариладиган (олиб қўйиладиган) сумманинг 20 фоизидан 50 фоизигача миқдорда жарима қўлланади.

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг «Денов қурилиш» МЧЖдан 15 119 397 сўм асоссиз олинган даромадни ундиришни ва унга нисбатан асоссиз олинган даромаднинг 20 фоизи миқдорида 3 023 879 сўм ҳамда энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида 1 863 000 сўм молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги аризаси суднинг ҳал қилув қарори билан рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, жавобгардан асоссиз олинган даромадни ундириш ҳамда унга асоссиз олинган даромаднинг 10 фоизи миқдорида санкция қўлланилган.

Аризачи томонидан марказлаштирилган манбалар ҳисобидан қурилаётган бино ва иншоотларда шартномавий жорий нархларнинг қўлланилиши юзасидан «Денов қурилиш» МЧЖда ўтказилган текширишда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича МЧЖ томонидан 15 119 397 сўмлик ноқонуний даромад олинганлиги аниқланиб, тегишли қарор қабул қилиниб, ушбу маблағларни тегишли ҳисобварақларга қайтариш тўғрисида МЧЖга ёзма кўрсатма берилган. «Денов қурилиш» МЧЖ эса кўрсатмани бажармасдан, ушбу пул маблағларини қайтармаган.

Биринчи инстанция суди буюртмачи ҳисобланган Сурхондарё вилоят ягона буюртмачи инжиниринг компанияси асоссиз олинган пул маблағларини қайтариш ҳақида даъво бермаганлигини асос сифатида кўрсатиб, арз қилинган талабларни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида хулосага келган. Аммо мактаб ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши давлат бюджетидан молиялаштирилганлиги сабабли қурилишда тежалган маблағлар бюджетга қайтарилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сонли қарори билан тасдиқланган Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартибининг 22-бандига кўра, ушбу Тартибни бузиш нати-

жасида олинган маблағлар (маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) нинг декларация қилинмаган нархини қўллашдан олинган тафовутдан ташқари) истеъмолчиларга қайтарилади ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Нархларни бошқариш жамғармаси ҳисоб рақамига ундириб олинади.

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасида белгиланган қоидаларни бузганлик учун энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима қўлланилиши белгиланган. Аммо амалдаги қонун ҳужжатларида асоссиз ундирилган пул маблағларини қайтариш ҳақидаги кўрсатмани бажармаганлик учун жарима қўллаш ҳақида нормалар мавжуд эмас. Шунинг учун аризачининг МЧЖга нисбатан энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима қўллаш ҳақидаги талаби рад этилиши лозим.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди суд қарорларини бекор қилиб, МЧЖдан асоссиз олинган даромадни ундириш ҳамда унга асоссиз олинган даромаднинг 10 фоизи миқдорида молиявий санкция қўллаш ҳақида янги қарор қабул қилган.

5. Рўйхатдан ўтказувчи орган молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатда ўз устав жамғармасини шакллантирмаган корхоналар фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органининг тақдимномасини ёки махсус комиссиянинг хулосасини олган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда муассисларга (қатнашчиларга) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган органларга, асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда, корхонани ихтиёрий тугатишни таклиф этади. Корхона ўзини тугатишга киришмаган ёхуд муассислар (қатнашчилар) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган орган корхонани ихтиёрий равишда тугатишни рад этган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган корхонани тугатиш тўғрисида хўжалик судига даъво аризаси юборади.

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги хўжалик судига мурожаат қилиб, «Водрем–25» ОАЖни тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво кўрмасдан қолдирилган.

«Водрем–25» ОАЖ Самарқанд шаҳар Темирйўл туман ҳокимлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган. Унинг Низом жамғармаси 430 000 сўм миқдорида белгиланган.

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги «Водрем–25» ОАЖ Низом жамғармасини тўлиқ шакллантирмасдан келаётганлигини важ сифатида кўрсатиб, уни тугатиш ҳақида хўжалик судига даъво аризаси берган.

Рўйхатдан ўтказувчи орган фаолият кўрсатмаётган ва устав жамғармасини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибига риоя этмасдан даъво аризаси берганлигига биринчи инстанция суди эътибор бермасдан, даъвони қаноатлантиришни рад этган. Апелляция инстанцияси суди эса ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо бермасдан ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 3.1-бандига мувофиқ рўйхатдан ўтказувчи орган жамият муассислари (иштирокчилари)га корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги ёзма таклифни юбормаган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди суд қарорларини бекор қилиб, ХПК 88-моддасининг 5-бандига асосан даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

6. «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуни 23-моддасига кўра лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган талабларни ва шартларни мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни лицензияловчи орган белгилаган муддатда бартараф этмаганда ҳамда лицензияловчи органнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги аниқланганда лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хўжалик судига мурожаат қилиб, «LOR-SERVIS» МЧЖ тиббий фирмасига берилган лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Олий хўжалик суди Раёсатининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, арз қилинган талаб қаноатлантирилган. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларига нисбатан хусусий ажрим чиқарилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган лицензияга мувофиқ «LOR-SERVIS» МЧЖ тиббий фирмасига амбулатор шароитда педиатрия ва дерматология ихтисосликлари бўйича диагностика, маслаҳат ва консерватив даволаш, оториноларингология ва хирургия бўйича диагностика, маслаҳат, консерватив ва оператив даволаш ҳамда физиотерапия ва терапевтик стоматология бўйича фаолият кўрсатишга рухсат берилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (лицензияловчи орган) ва «LOR-SERVIS» МЧЖ тиббий фирмаси (лицензиат) ўрталарида тузилган лицензия битимига асосан «лицензиат» «лицензияловчи орган» томонидан рухсат берилган тиббий хизмат ҳажми (тури) ва йўналишлари (ихтисослик) доирасида ўз фаолиятини лицензия талаблари ҳамда шартларига риоя этган ҳолда амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг рухсатномаси ва текшириш дастури, Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруқларига асосан «LOR-SERVIS» МЧЖ тиббий фирмасида тиббий фаолият билан шуғулланиш учун берилган лицензия талаб ва шартларининг бажарилиши юзасидан режадан ташқари текшириш ўтказилган ҳамда унинг натижалари бўйича далолатнома тузилган. Ушбу текшириш «LOR-SERVIS» МЧЖ тиббий фирмаси директорининг иштирокида ўтказилган ва далолатнома у томонидан эътирозсиз имзоланган.

Текшириш далолатномасида «LOR-SERVIS» МЧЖ тиббий фирмасида лицензия битимига зид равишда Соғлиқни сақлаш вазирининг «Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида қўлланиладиган тиббий ҳисоб ҳужжатларини тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 26 июндаги 287-сонли буйруғи билан тасдиқланмаган бир варақдаги

тиббий анкета юритилганлиги, амбулатор-поликлиника муассасасига келган беморларни ҳисобга олиш журнали ва амбулатор тиббий карта ҳужжатлари юритилмаганлиги, Соғлиқни сақлаш вазирининг «Даволаш-профилактика муассасаларида эпидемияга қарши кураш чора-тадбирларини ягона тизимга солиш тўғрисида» 2005 йил 31 июндаги 530-сонли буйруғи талаблари бузилган ҳолда беморларни кўриш учун ишлатилаётган тиббий асбобларнинг айримлари (бурун кенгайтиргич, қулоқ воронкаси, қисқичлар) занглаганлиги, стерил ва ювиш хоналарининг қисман таъмирланиши талаб этилиши, беморлар томонидан олиб келинган ва шифокор-отоларинголог хонасида сақланаётган дори ҳамда тиббий воситалар сифатини тасдиқловчи сертификат ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги қайд этилган.

Тошкент вилояти стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг маълумотномасига кўра «LOR-SERVIS» МЧЖ тиббий фирмасида ишлатилаётган ускуналар «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига зид равишда 100 фоиз давлат қиёслаш кўригидан ўтказилмаган, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига зид равишда хизмат кўрсатиб келиниб, тиббий техника ва ускуналарни ишлатиш йўриқномалари билан таъминланмаган.

Биринчи инстанция суди арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этган. Далолатномада қайд этилган ҳуқуқбузарликлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрдаги 477-сонли қарори билан тасдиқланган «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 8-бандига ҳамда лицензия битимининг 2.2-бандига мувофиқ тиббий фаолиятни амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларини бузиш ҳисобланади.

«LOR-SERVIS» МЧЖ тиббий фирмаси директори ариза юзасидан билдирган ёзма фикрида текширишда аниқланган барча камчиликлар тўлиқ бартараф этилганлигини, баъзи тиббий асбоблар янгисига алмаштирилганлигини, ҳужжатлар белгиланган форматга тўғри келмаган ҳолда юритилганлигини, китобнинг белгиланган тартибда юритилмаганлиги аҳолига тиббий хизмат кўрсатилишига ҳамда тиббий фаолият сифатига умуман таъсир кўрсатмаслигини, СПИД тўплами тўлиқ ҳолга келтирилганлигини, дори воситаларини сақлаш учун махсус хона, музлатгич ва

тиббий омборхона бўлмаганлиги сабабли беморлар олиб келган дорилар борлиги аниқланганлигини, дорилар беморлар томонидан сертификати ва лицензияси мавжуд бўлган дорихоналардан олиб келинганлигини, дориларнинг сертификатлари борлигини масъул идоралар текширишини, текширув вақтида термометрнинг кўрик муддати ўтганлигини, қисман розилиги сабабли далолатномага имзо қўйганлигини баён этган.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 23-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисида лицензиянинг амал қилиши лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда тугатилиши белгиланган.

Олий хўжалик суди Раёсати қонун ҳужжатларининг талабларига зид равишда техник кўрикдан ўтказилмаган тиббий ускуналардан, занглаган асбоблардан ҳамда сифат сертификати бўлмаган дори воситаларидан фойдаланиш фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилишига олиб келади деб ҳисоблаб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризани қаноатлантириш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «LOR-SERVIS» МЧЖ тиббий фирмасига берилган лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида янги қарор қабул қилган. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларига нисбатан хусусий ажрим чиқарилган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2009 йил 29 январдаги 15-сонли қарори
билан тасдиқланган)

2.3. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН 2007 ВА 2008 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАРНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ ҲАМДА СУД ИЖРОЧИЛАРИНИНГ ҒАЙРИҚОНУНИЙ ҲАРАКАТЛАРИ (ҲАРАКАТСИЗЛИГИ)ДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. Умумий юрисдикция судининг қарорларини ижро этиш жараёнида юзага келадиган низоларда жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари мавжудлиги сабабли ушбу низолар хўжалик судига тааллуқли эмас.

«MIRZACHO‘L DEHQON BOZORI» МЧЖ Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан таъминлаш Департаменти Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси ва Мирзачўл туман суд ижрочилари бўлимига нисбатан даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиб, қарорни ноқонуний деб топиб бекор қилишни, тўлов топшириқномасини ижросиз қайтаришни ва 2 500 000 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қарорни ноқонуний деб топиб бекор қилиш, тўлов топшириқномасини ижросиз қайтариш ҳақидаги даъво талаблари бўйича иш юритиш тугатилган. Даъвонинг қолган талабини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан Мирзачўл туман деҳқон ва буюм бозори маъмурияти ҳисобидан фуқаро С. Қобилбеков фойдасига 14 272 000 сўм моддий зарар, давлат фойдасига 2 854 400 сўм давлат божи ундирилган.

Мазкур суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш жараёнида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан таъминлаш Департаменти Мирзачўл туман суд ижрочилари бўлимининг катта суд ижрочиси томонидан деҳқон бозорининг «Микрокредитбанк» Мирзачўл филиалидаги ҳисоб рақамларининг чиқим ҳаракатларини тўхтатиш ва 7 923 200 сўмга банд солиш ҳақида қарор қабул қилинган. Шунинг-

дек, суд ижрочилари томонидан даъвогарнинг банкдаги ҳисоб рақамига 7 923 200 сўмни ундириш ҳақида тўлов топшириқномаси қўйилган.

Даъвогар суд ижрочиси томонидан чиқарилган қарорни ва қўйилган тўлов топшириқномасини ноқонуний деб ҳисоблаб, қарорни ноқонуний деб топиб бекор қилишни, тўлов топшириқномасини ижросиз қайтаришни, шунингдек жамиятнинг ҳисоб рақамидан олинган 2 500 000 сўмни қайтариб ундириб беришни сўраган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан иш мазмунан кўрилган. Чунки мазкур низо фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг ҳал қилув қарорини ижро этиш жараёнида юзага келган. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори билан эса етказилган зарар бевосита фуқаро С. Қобилбековнинг фойдасига ундирилган. Демак, низо айнан шу ҳал қилув қарорининг ижро этилишидан манфаатдор бўлган фуқарони ишга жалб қилган ҳолда кўрилиши лозим. Бу эса ушбу низо хўжалик судига тааллуқли эмас деган хулосани беради.

Шунинг учун кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган.

2. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун 30-моддасининг биринчи қисмига кўра ижро ҳаракатлари ва ижро ҳужжатининг талаблари ижро ҳужжатининг ихтиёрий ижро этилиши учун белгиланган муддат тугаган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида суд ижрочиси томонидан амалга оширилиши ва ижро этилиши лозим. Ушбу муддатга риоя этмаслик суд ижрочисининг ҳаракатсизлигини ноқонуний деб топишга ҳамда унга нисбатан интизомий жавобгарлик масаласини қўйиш учун асос бўлади.

Даъвогар – «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар – Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармасининг ҳаракатсизлигини ноқонуний деб топиш, суд ҳужжатининг ижросини таъминлашга топшириқ бериш ва суд ҳужжатининг ижроси бўйича ўз вақтида тегишли чораларни кўрмаган суд ижрочиларига нисбатан жавобгарлик масаласини ҳал қилишни сўраган.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 11 сентябрдаги 10–0612/11615–6 сонли иш бўйича Умум технологик ишлаб чиқариш бошқармасининг ҳисобидан «Ўздавэнергоназорат» инспекциясига 2 701 467 сўм асосий қарз, 27 015 сўм давлат божи ва 5 000 сўм почта харажатларини ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқарилган.

Мазкур суд буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг хати билан ижро варақаси Суд қарорларини ижро этиш Департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасига топширилган. Ижро ҳужжатлари ҳудудий тегишлилиги бўйича Тошкент шаҳар Сергели туман суд ижрочилари бўлимига юборилган.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасига кўра, суд ижрочиси ижро ҳужжатининг ижро ҳаракатларини ва талабларини ижро ҳужжати келиб тушган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида амалга ошириши ва ижро этиши лозим.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасида суд ижрочиси ижро ҳужжатини суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан (агар ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати ўтмаган ва мазкур ҳужжат ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлса) ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни қўзғатиши шартлиги, суд ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқариши, ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга, шунингдек суд ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилиши белгиланган.

Мазкур ҳолатда суд ижрочилари томонидан ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор ундирувчига ҳамда Тошкент шаҳар хўжалик судига юборилмаган.

Суд ижрочиси томонидан қонун талаблари бузилиб, даъво аризаси киритилган вақтга қадар суд ҳужжатининг ижроси таъминланмаган. Қайд этилганларга асосан, суд аризачининг талабларини асосли деб топиб, суд ижрочиларининг ҳаракатсизлигини ноқонуний деб ҳисоблаб, даъвони қаноатлантирган.

3. Ундирувчи ундирувдан воз кечганда, агар воз кечиш суд томонидан қабул қилинган бўлса ижро ишини юритиш тугатилади. Тўхтатиб турилган ёки тугатилган ижро иши бўйича ҳеч қандай ижро ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

19–0702–11871-сонли иш бўйича даъвогар – «Шерободсувқурилиш» трести ОТАЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Сурхондарё вилоят филиалида ўтказилган очиқ аукцион савдосини ва шу савдо натижаси бўйича расмийлаштирилган битимни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 19–0602–1519-сонли иш бўйича қабул қилинган 2006 йил 9 июндаги ҳал қилув қарори билан «STARPAN-SERVIS» МЧЖ фойдасига «Шерободсувқурилиш» трести ОТАЖ ҳисобидан жами 149 818 589 сўм ундирилган.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ундирувчи – «STARPAN-SERVIS» МЧЖга ижро варақаси берилган. Ундирувчи ижро варақасида белгиланган суммани банк орқали ундириш чорасини кўрган. Бироқ АТ «Ғаллабанк» Қумқўрғон филиали ижро варақасини ижросиз қайтарган.

Ундирувчи «STARPAN-SERVIS» МЧЖ суд ҳужжатини мажбурий ижро этишни сўраб Қумқўрғон туман суд ижрочилари бўлимига мурожаат қилган ва суд ижрочисининг қарори билан ижро иши қўзғатилган. Тарафлар ўзаро келишувга келганликлари учун ундирувчи хат билан судга мурожаат қилиб, даъводан воз кечишини билдириб, суддан иш юритишни тугатишни сўраган. Суд иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарган.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун 37-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида ундирувчи ундирувдан воз кечганда, агар воз кечиш суд томонидан қабул қилинган бўлса, ижро иши суд ижрочиси томонидан тугатилиши белгиланган. Бироқ суд ижрочилари мазкур қонун нормаларига риоя қилмаган, савдога қўйилган молмулклар савдосини тўхтатиш тўғрисида «Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Сурхондарё вилоят филиалига тегишли тартибда хабар бермаган. «Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Сурхондарё вилоят филиали ҳам ижро иши юритиш тугатилганлигини била туриб, савдони тўхтатмаган ва ноқонуний равишда очиқ аукцион савдосини ўтказиб, шартнома кучига эга бўлган битим тузган.

Жавобгар – Қумқўрғон туман суд ижрочилари бўлими вакили қарздор «Шерободсувқурилиш» трести ОТАЖнинг хатланган мол-мулклари унинг Қумқўрғон туман ДСИдан 125 240 800 сўмлик қарзини ундириш учун очиқ аукцион савдосида сотилган деб важ келтирган бўлса-да, суд бу важни асоссиз деб ҳисоблаган. Чунки даъвогар Қумқўрғон туман ДСИ фойдасига жавобгар «Шерободсувқурилиш» трести ОТАЖнинг мол-мулкидан 125 240 800 сўм ундириш тўғрисидаги ижро варақаси ва ижро иши юритувини қўзғатиш тўғрисида суд ижрочисининг қарори чиқарилган. Мазкур ижро иши бўйича қарздорнинг мол-мулки рўйхатга олинган ва хатланган. Демак бўлиб ўтган очиқ аукционга унинг алоқаси йўқ. Суд ижрочиси келтирган важлар асоссиз бўлганлиги сабабли суд даъво талабини қаноатлантирган.

4. ХПК 24-моддаси биринчи қисмининг 9-бандига кўра хўжалик суди давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низоларни кўради. ХПК 86-моддасининг 1-бандида низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса, иш юритиш тугатилиши лозимлиги кўрсатилган.

Даъвогар – Данғара тумани МТП АЖнинг, жавобгарлар – Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси ва унинг Данғара туман бўлимига нисбатан «Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси Универсал Биржа Маркази» Фарғона филиалида ўтказилган аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани бекор қилишни сўраган.

«Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси Универсал Биржа Маркази» Фарғона филиалида ўтказилган савдо якунларига кўра, Данғара тумани МТП АЖга тегишли бўлган «Нексия» русумли автомобиль ЯТТ Ж. Ахмедов томонидан сотиб олинган.

Даъвогар юқоридаги аукцион баённомасини бекор қилиш талаби билан вилоят хўжалик судига даъво аризаси берган.

ХПК 24-моддасининг 9-бандига асосан давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг

ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар туркумига киритилган.

Бироқ даъвогарнинг аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани бекор қилиш тўғрисидаги талаби ХПКнинг 24-моддасида белгиланган хўжалик судида ҳал этиладиган низолар сирасига киритилмаган, яъни ушбу талаб хўжалик судига тааллуқли эмас.

ХПК 86-моддасининг 1-бандида низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса, иш юритиш тугатилиши лозимлиги кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра, биринчи инстанция суди иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарган.

5. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасида ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини ижро этишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи қонунда қайси мансабдор шахсга берилган бўлса, ўша мансабдор шахс томонидан қарор чиқарилганда ижро иши юритувини тўхтатиб туриш мажбурийлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2007 йил 24 ноябрдаги 226 мх-сонли буйруғига асосан тасдиқланган «Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочиларининг қарорларини ҳисобини юритиш ва уларни ундирилишни назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 23-бандига кўра асосий ижро ҳужжати бўйича иш юритуви ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа орган томонидан тўхтатиб турилган тақдирда, ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритуви ҳам асосий ижро ҳужжати бўйича иш юритуви тиклангунга қадар тўхтатиб турилади.

21–0802/3587-сонли иш бўйича даъвогар – «Навоийазот» ОАЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар – Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда Навоий шаҳар суд ижрочилари бўлимидан асоссиз ундирилган 325 624 704 сўмни қайтаришни сўраган.

Низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга даъвогар даъво талаблари миқдорини 33 977 324 сўмга кўпайтирган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Навоий вилоят хўжалик судининг 21–0705/6242-сонли иш бўйича 2007 йил 14 декабрдаги суд буйруғига кўра қарздор – «Навоийазот» ОАЖ мол-мулки ҳисобидан солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича 3 765 733 791 сўм солиқ қарзи, 21–0705/6244-сонли иш бўйича 2007 йил 14 декабрдаги суд буйруғига асосан қарздор – «Навоийазот» ОАЖнинг мол-мулки ҳисобидан электр энергияси тўловлари бўйича 6 130 296 812 сўм қарз ундирилиши белгиланган.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти ва Навоий шаҳар ДСИ ўртасида 2008 йил 1 март ҳолатига тузилган таққослаш далолатномасида Навоий вилоят хўжалик судининг 21–0705/6242-сонли иш бўйича берилган ижро варақасига кўра қарздор – «Навоийазот» ОАЖнинг мактаб жамғармаси олдида 497 600 000 сўм қарздорлиги мавжудлиги белгиланган бўлишига қарамасдан, суд ижрочиси томонидан «Навоийазот» ОАЖнинг ҳисоб рақамидан мемориал ордерларига асосан жами 788 358 704 сўм ундириб олиниб, шундан 290 758 704 сўми бошқа қарздорликларни қоплаш учун йўналтирилган.

Биринчи инстанция судида аниқланган ҳолатларга кўра, 21–0705/6244-сонли иш бўйича суд қарори асосида ҳисобланган 50 000 000 сўм ижро йиғимини ундириб олиш вақтида суд қарори ижроси суд ажримига асосан кечиктирилган бўлган.

21–0702/5711 ва 21–0702/5845-сонли ишлар бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорларига асосан ундирилиши лозим бўлган суммалар қарздор – «Навоийазот» ОАЖ томонидан тўлов топшириқномасига асосан ихтиёрий тўлаб берилган бўлса-да, суд ижрочиси асоссиз равишда 820 957 сўм ижро йиғимини қарздордан ундирган.

21–0705/6244-сонли иш бўйича суд буйруғига асосан ундирилиши лозим бўлган тўловлардан ҳисобланган 68 843 324 сўм ижро йиғимини ундириш даврида суд қарори ижроси суд ажримига асосан 2008 йилга қадар кечиктирилган. Суд ижрочиси томонидан ундирилган 33 977 324 сўм ижро йиғими 21–0705/6244-сонли иш бўйича суд қарорига асосан қарздор – «Навоийазот» ОАЖ томонидан ихтиёрий равишда тўланган суммалар ҳисобидан ундирилган.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасида ижро ҳужжатини бе-

риш учун асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини ижро этишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи қонунда қайси мансабдор шахсга берилган бўлса, ўша мансабдор шахс томонидан қарор чиқарилганда ижро иши юритувини тўхтатиб туриш мажбурийлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2007 йил 24 ноябрдаги 226 мх-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочиларининг қарорларини ҳисобини юритиш ва уларни ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 23-бандига кўра асосий ижро ҳужжати бўйича иш юритуви ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа орган томонидан тўхтатиб турилган тақдирда, ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритуви ҳам асосий ижро ҳужжати бўйича иш юритуви тиклангунга қадар тўхтатиб турилади.

Асосий ижро ҳужжати бўйича суд ажрими билан суд қарори ижроси тўхтатилган бўлса-да, суд ижрочиси томонидан ижро йиғими ундириб олинган.

Суд ижрочиси томонидан бирон-бир ҳолатда ижро йиғимини ундириш тўғрисида қарор қабул қилинмасдан қарздор – «Навоийазот» ОАЖдан ижро йиғими ундириб олинган.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

6. Суд ижрочиси томонидан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 23, 60, 61, 82-моддалари талабларининг бузилганлиги унинг ҳаракатларини ноқонуний деб топиш учун асос бўлади.

«Навбаҳор МТП» ОАЖ Суд Департаменти Навбаҳор туман бўлимига нисбатан хўжалик судига ариза (шикоят) билан мурожаат қилиб, Навоий вилоят хўжалик судининг 21–0504/2758-сонли иш бўйича «Навбаҳор МТП» ОАЖдан давлат ҳисобига 21 412 617 сўм солиқ қарзини ундириш тўғрисида 2005 йил 28 октябрдаги ҳамда 21–0601/1029-сонли иш бўйича 34 735 474 сўм солиқ қарзини ундириш ҳақида 2006 йил 15 майдаги суд ҳужжатларининг ижросини таъминлашда суд ижрочиларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) ноқонуний деб топишни сўраган.

Суд ажрими билан ишга жавобгар сифатида Суд Департаменти Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси жалб қилинган.

Навоий вилоят хўжалик судининг 21–0504/2758-сонли иш бўйича 2005 йил 28 октябрдаги ҳал қилув қарори билан қарздор – «Навбаҳор МТП» ОАЖ мол-мулкидан 21 412 617 сўм ҳамда 21–0601/1029-сонли иш бўйича 2006 йил 15 майдаги ҳал қилув қарорига асосан 34 735 474 сўм солиқ қарзлари давлат фойдасига ундирилиб, ижро ҳужжатлари берилган.

21–0601/1029-сонли иш бўйича берилган 2006 йил 15 майдаги ижро варақаси Навбаҳор туман ДСИ томонидан ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун Суд Департаменти Навбаҳор туман бўлимига 2006 йил 17 майда тақдим этилган.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида суд ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқариши белгиланган бўлса-да, суд ижрочиси ушбу Қонун нормасига риоя этмасдан олти кундан кейин, 2007 йил 23 майда ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Бундан ташқари, мазкур Қонунга мувофиқ суд ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорида ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш қўзғатилган кундан эътиборан кўпи билан беш кун муддат белгилайди ва қарздорга белгиланган муддат тугагандан сўнг ижро ҳужжатидаги талаблар ундан ушбу Қонуннинг 82-моддасида назарда тутилган жаримани ундирган ҳолда мажбурий ижро этиши тўғрисида маълум қилиши, шунингдек ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхасини у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга ва уни қабул қилган суд ва бошқа органга юбориши лозим. Бироқ Қонуннинг бу талаблари суд ижрочиси томонидан бажарилмаган.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 61-моддасида учинчи навбатда реализация қилинадиган давлатга қарашли мол-мулк хатлаб қўйилганда суд ижрочиси хатлаш амалга оширилгандан кейин уч кунлик муддат ичида хатланган мол-мулкнинг таркиби ва қиймати тўғрисидаги, шунингдек, ундирувчининг талаблари суммаси тўғрисидаги маълумотномаларни илова қилган ҳолда қарздорнинг мол-мулки хатланганлиги ҳақидаги хабарномани

давлат мулкини тасарруф этиш ваколатига эга бўлган органнинг тегишли ҳудудий бўлинмасига юбориши лозимлиги кўрсатилган.

Аммо суд ижрочиси томонидан Қонуннинг бу талаблари ҳам бажарилмаган. Қарздор корхонанинг 25 фоиз улуши давлат ихтиёрида бўлишига қарамасдан, қарздорнинг мол-мулки хатланганлиги ҳақидаги хабарнома Давлат мулкини бошқариш вилоят ҳудудий бошқармасига юборилмаган.

Бундан ташқари «Навбаҳор МТП» ОАЖ туман марказида жойлашган бўлса-да, суд ижрочиси мажбурий ижро ҳаракатларини олиб бориш учун корхонага бормаган, қарздорнинг бухгалтерия балансини талаб қилиб олмаган. Навбаҳор тумани хўжалик ҳисобидаги Ер ва кўчмас мулк кадастр хизматининг маълумотномасида қайд этилган корхонанинг ишлаб чиқаришга зарур бўлган қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш цехлари биноларини бир томонлама «Консалтинг ва баҳоловчи» МЧЖдан кўчмас мулкларни баҳолатиб олиб савдога чиқарган. Ваҳоланки ким ошди савдолари орқали сотилган «В» литердаги қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш цехи биносининг бухгалтерия баланси бўйича баҳоси 56 800 369 сўмни, «Д» литердаги бинонинг қиймати 92 664 218 сўмни ташкил қилган.

Суд ижрочиси томонидан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 60-моддаси талаблари бузилиб, қарздор юридик шахснинг мол-мулкини хатлаш ва реализация қилиш навбатига риоя қилинмасдан, корхонанинг бевосита ишлаб чиқаришига зарур бўлган кўчмас мол-мулклари сотилган.

Шунинг учун суд инстанциялари томонидан суд ижрочисининг ҳаракатлари ноқонуний деб топилган.

7. Туман суд ижрочилари бўлимлари хўжалик ишида, улар юридик шахс бўлмаганлиги сабабли, тараф сифатида иштирок эта олмайдилар. Суд ижрочисини рад қилиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига тааллуқли эмас ва бу тоифадаги аризани ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қабул қилиш рад этилади, агар ариза қабул қилинган бўлса, ХПК 86-моддасининг 1-бандига кўра иш юритиш тугатилади.

«MARSEN» ХК жавобгарлар – Суд ижрочилари Департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда Миробод туман бўлимига нисбатан хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб,

Суд ижрочилари Департаменти Миробод туман бўлимининг қарорини ҳақиқий эмас ва унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатларини ноқонуний деб топишни, «MARSEN» ХКнинг Миробод туман суд ижрочилари бўлимининг барча суд ижрочиларини рад қилиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантиришни, суд қарорининг ижросини Миробод туман суд ижрочилари бўлимидан Бекобод шаҳар суд ижрочилари бўлимига ўтказишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан «MARSEN» ХКнинг аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарорининг Суд ижрочилари Департаменти Миробод туман бўлимининг барча суд ижрочиларини рад қилиш тўғрисидаги аризасини рад этиш тўғрисидаги қисми бекор қилиниб, бу талаб бўйича иш юритиш тугатилган. Миробод туман суд ижрочилари бўлимига нисбатан ҳам иш юритиш тугатилган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Апелляция инстанцияси суди қарорни қабул қилишда қуйидагилардан келиб чиққан. «Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун 22-моддасининг тўртинчи қисмига кўра суд ижрочисини рад қилиш тўғрисидаги масалани катта суд ижрочиси ҳал қилади. Катта суд ижрочисини рад қилиш тўғрисидаги масалани катта суд ижрочисининг ўзи ҳал қилади. Хўжалик судлари томонидан ҳал этиладиган низоларнинг рўйхати белгиланган ХПКнинг 24-моддасида ҳам суд ижрочиларини рад қилиш масаласи назарда тутилмаган.

Аризада Миробод туман суд ижрочилари бўлими жавобгар сифатида кўрсатилган. Ваҳоланки туман суд ижрочилари бўлимлари юридик шахс ҳисобланмайди, шу сабабли апелляция инстанцияси суди Миробод туман суд ижрочилари бўлимига нисбатан иш юритишни тугатган.

8. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун 86-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар суд ижрочисининг ижро ҳаракатларини амалга оширишда қабул қиладиган қарорлари (ижро иши юритишни қўзғатиш, жарима солиш ва шу кабилар) тарафлар ва бошқа шахслар манфаатларига дахлдор бўлса, суд ижрочиси тегишли қарор чиқаради.

«Alyans-investment» МЧЖ Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва Юнусобод туман суд ижрочилари бўлимига нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, хат асосида амалга оширилган кўчмас мулкни хатлашни бекор қилишни ва суд ижрочиларининг ҳаракатини ноқонуний деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан кўчмас мулкни хатлаш бекор қилинган.

Суд ижрочиси ижро ишини қўзғатганидан сўнг Ер тузиш ва кўчмас мулк хизмати ДУКга қарздор – «Alyans-investment» МЧЖнинг кўчмас мол-мулки тўғрисида маълумот бериш ҳақида сўровнома берган. Сўровномада қарздорнинг кўчмас мол-мулки мавжуд бўлган тақдирда уни хатлаш сўралган.

Ер тузиш ва кўчмас мулк хизмати ДУК томонидан суд ижрочилари номига қарздорга тегишли кўчмас мулк хатланганлиги ҳақида жавоб берилган.

Биринчи инстанция суди кўчмас мулкни хатлашни бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса-да, суд ижрочиси томонидан кўчмас мулкни хатлаш ҳақида қарор қабул қилинган ёки қилинмаганлигини аниқламаган. Ер тузиш ва кўчмас мулк хизмати ДУКнинг жавоб хати мол-мулк хатланганлигидан далолат бериши ҳал қилув қарорида асослантириб берилмаган.

Бундан ташқари биринчи инстанция суди ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Шу сабабли кассация инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2009 йил 26 февралдаги 30-сонли қарори билан тасдиқланган)

2.4. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ КОДЕКСИ УМУМИЙ ҚИСМИНИ ҚЎЛЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ (2008 йил ва 2009 йилнинг тўққиз ойи)

1. Солиқ тўловчининг ўз дебитори билан бир томонлама имзолаган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси давлат солиқ хизмати органи учун дебиторнинг ҳисоб рақамига инкассо топшириқномаси қўйишга асос бўлмайди.

«Томозем» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, Зангиота туман ДСИ ва ДАТ «Асакабанк» Тошкент шаҳар филиалига нисбатан корхонанинг ҳисоб рақамига 61 470 100 сўмга қўйилган инкассо топшириқномасини ижро этилиши мумкин эмас деб топишни сўраган.

ДСИдан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган «ДОЗТУР» ҚКси Зангиота туман ДСИга мурожаат қилиб, МЧЖнинг 61 470 100 сўмлик дебиторлик қарзини ундиришда ёрдам беришни сўраган. Шунга кўра, ДСИ томонидан МЧЖнинг ДАТ «Асакабанк» Тошкент шаҳар филиалидаги ҳисоб рақамига «ДОЗТУР» ҚКдан бўлган 61 470 100 сўмлик дебиторлик қарзини ундириш ҳақида инкассо топшириқномаси қўйилган. Мазкур инкассо топшириқномасига асосан 1 086 000 сўм ундириб олинган.

СК 64-моддасининг учинчи қисмига кўра, солиқ тўловчи бир томонлама имзоланган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини тақдим этган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг дебиторига унинг кредиторлик қарзи борлиги ҳақида имзолаш учун солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиштирма далолатномани ва кредиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма билдириш юборади.

Шунингдек мазкур модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларига кўра, солиқ тўловчининг дебитори ёзма билдириш олинган кундан эътиборан уч кунлик муддатда ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини имзолаш ёки солиштирма далолатномада кўрсатилган қарзнинг мавжуд эмаслигини асослаган ҳолда рад жавобини тақдим этиши шарт. Агар солиқ тўловчининг дебитори томонидан тан олинган қарз сум-

маси солиштирма далолатномада кўрсатилганидан фарқ қилса, дебитор худди шу муддатда давлат солиқ хизмати органига ўзи тан олган суммани кўрсатган ҳолда солиштирма далолатномани тақдим этиши шарт. Солиқ тўловчининг дебитори томонидан имзоланган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси кредиторнинг имзоси мавжуд бўлишидан қатъи назар, унинг кредитори солиқ қарзини ундирувни унга қаратиши учун асос бўлади.

Бироқ МЧЖнинг «ДОЗ-ТУР» ҚК олдида 61 470 100 сўм қарзи борлигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжатларни ДСИга тақдим этмаган бўлса-да, ДСИ «ДОЗ-ТУР» ҚК томонидан бир томонлама тасдиқланган солиштирма далолатнома ҳамда МЧЖ ва «ДОЗ-ТУР» ҚК ўртасида тузилган шартнома асосида инкассо топшириқномасини қўйган.

Юқоридагиларга кўра, суд аризачининг талабини қаноатлантиришни лозим топган.

2. Назорат қилувчи органлар томонидан берилган молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги аризалар қаноатлантирилганда, жавобгардан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида давлат божи ундирилиши керак.

Наманган шаҳар ДСИ ариза билан мурожаат қилиб, «Олимжон» ХКга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда молиявий санкция қўллашни сўраган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ва Наманган вилоят ДСБнинг буйруғига асосан «Олимжон» ХКга қарашли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасида солиқ қонунчилигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажарилиши ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текшириш вақтида шохобча ишчилари томонидан мижозга хизмат кўрсатилган. Бироқ кўрсатилган хизмат эвазига мижоз томонидан амалга оширилган тўлов учун белгиланган тартибда квитанциялар берилмаганлиги аниқланган. Шу сабабли суд аризани қаноатлантириб, 372 600 сўм миқдорида молиявий санкция қўллашни лозим топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик субъектларини

ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли қарорининг 22-бандига кўра, судлар тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ариза (тақдимнома)лар билан мурожаат қилинганида, аризачилар (назорат қилувчи органлар) қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда давлат божи тўлашдан озод қилинишларини инобатга олишлари лозим. Ишларни кўриб чиқиш натижалари бўйича билдирилган талаблар қаноатлантирилган тақдирда, тадбиркорлик субъектларидан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Ишни кўриш натижалари бўйича ариза қаноатлантирилган ҳамда жавобгардан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида давлат божи ундирилган.

3. Хўжалик судига мурожаат этилганидан кейин жавобгар томонидан аризачининг талаби ихтиёрий қаноатлантирилганда, давлат божи ва бошқа суд харажатлари жавобгарга юкланади.

Фарғона шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Водий эксперт инвест» МЧЖга нисбатан 731 700 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Фарғона шаҳар прокуратурасининг қўзғатилган жиноят иши доирасида чиқарилган «Ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳақида»ги қарори ҳамда ДСИ бошлиғининг буйруғига асосан МЧЖда солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан текшириш ўтказилган.

Текширишда жавобгар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» 2008 йил 24 апрелдаги Қарори талаблари бузилганлиги ҳамда лицензиясиз фаолият юритилганлиги натижасида 731 700 сўм фойда олинганлиги аниқланган. Текшириш натижалари бўйича далолатнома тузилган ва унинг нусхаси МЧЖ раҳбарига тақдим этилган.

ДСИнинг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарори МЧЖ раҳбарига тилхат орқали тақдим этилган.

Бироқ МЧЖ жаримани қонунда белгиланган муддатда ихтиёрий тўламаганлиги сабабли ДСИ ариза билан судга мурожаат қилган.

Текширишда аниқланган солиққа оид қонунбузарлик бўйича ҳисобланган 731 000 сўм молиявий жарима жавобгар томонидан ариза иш юритишга қабул қилинганидан кейин ихтиёрий равишда тўланган. Шу сабабли суд арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

ХПК 138-моддасининг тўққизинчи қисмига кўра, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларининг қандай тақсимланиши кўрсатилиши лозимлиги белгиланган.

Суднинг ҳал қилув қарорида МЧЖ ҳисобидан ДСИ фойдасига почта харажатлари, давлат бюджети фойдасига давлат божи ундирилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарорининг 21.4-бандига кўра, хўжалик судига мурожаат этилганидан кейин жавобгар томонидан даъвогарнинг талаби ихтиёрий қаноатлантирилганида, давлат божи жавобгарга юкланади.

4. Кирим қилинмаган товарларни сақлаш ва бундай товарларни реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш кирим қилинмаган товар қиймати ёки яширилган тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга асос бўлади.

Олмалиқ шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, ЯТТ А. Эргашевга СКнинг 114-моддасига асосан 1 896 000 сўм миқдорида молиявий санкция қўллашни сўраган.

Суд ажрими билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент вилояти бошқармаси ва унинг Олмалиқ шаҳар бўлими низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ишга жалб этилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ЯТТга 1 896 000 сўм молиявий санкция қўлланилган.

СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент вилояти бошқармасининг буйруғига асосан Олмалиқ шаҳар ҳудудида ноқонуний равишда чет эл валютасига ёғоч маҳсулотларини сотиш билан шуғулланаётган фуқароларни аниқлаш ва қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида тезкор тадбир ўтказилган.

Тадбир натижалари юзасидан тузилган баённомага кўра, ЯТТ А. Эргашев қиймати 2 939 000 сўмлик ёғоч маҳсулотларини 2 000 АҚШ доллари ва 79 000 сўмга сотганлиги, бироқ 1 896 000 сўмлик ёғоч маҳсулотларининг кирим ҳужжатлари ҳамда сифат сертификатлари мавжуд эмаслиги аниқланган.

ДСИнинг ҳисобланган молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги қарори ЯТТ томонидан ихтиёрий равишда бажарилмаган.

СК 114-моддасининг биринчи қисмига кўра, кирим қилинмаган товарларни сақлаш, бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар мустасно, ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш (камайтириб кўрсатиш) кирим қилинмаган товар қиймати ёки яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Биринчи инстанция суди нотўғри хулосага келиб, аризани рад этган.

Апелляция инстанцияси суди юқоридаги ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериб, ҳал қилув қарорини бекор қилган ҳамда ЯТТга СКнинг 114-моддасига асосан 1 896 000 сўм миқдорида молиявий санкция қўллаган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

5. Солиқ қарзини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан сўзсиз ундириш ёки унинг дебиторларидан ундирилиши лозим бўлган суммаларига ёхуд солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратишдан олдин давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига талабнома бериши шарт.

Миробод туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидаги 30 885 024 сўм солиқ қарзининг ундирувини «ATEX-BILD-SERVIS-KONSTRUKTION» МЧЖнинг мол-мулкига қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, арз қилинган талабни кўрмасдан қолдирган.

Кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

ДСИ давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидаги 30 885 024 сўм солиқ қарзи ундирувини МЧЖнинг мол-мулкига қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция суди процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаб, аризачининг талабини қаноатлантирган.

ДСИ солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани МЧЖга почта хизмати орқали юборган. Аммо давлат солиқ хизмати органи талабномани солиқ тўловчи олганлигини ва у олинган санани тасдиқловчи усулда топширмаган.

СК 61-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларига кўра, солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома юридик шахс томонидан олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида юридик шахс солиқ қарзини узмаган тақдирда ва, агар ушбу модданинг биринчи ҳамда иккинчи қисмларида назарда тутилган чораларни қўллаш натижасида солиқ қарзи узилмай қолаверса, давлат солиқ хизмати органлари ундирувни ушбу Кодекснинг 65-моддасида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратади.

ХПК 88-моддасининг 5-бандига кўра, даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, даъво кўрмасдан қолдирилади.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини асосли равишда бекор қилиб, аризани кўрмасдан қолдирган. Кассация инстанцияси суди эса апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

6. Солиқ солиш солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

«Бухоро механика таъмирлаш заводи» ОАЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, Когон туман ДСИнинг қарорини қисман ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

СВОЖЖДЛҚК Департаменти Бухоро вилоят бошқармасининг қарори ва буйруғига асосан ОАЖнинг молия-хўжалик фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказилган.

Текшириш натижалари юзасидан далолатнома тузилиб, унда ОАЖ солиқ тўловини нотўғри тўлаб келаётганлиги, ОАЖ 391 449 700 сўм солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни кам ҳисоблаганлиги қайд этилган. Текшириш ҳужжатлари ДСИда кўриб чиқилиб, ОАЖга 391 449 700 сўм солиқлар ва мажбурий тўловлар, 12 751 500 сўм пеня қўшимча ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Бундан норози бўлган ОАЖ мазкур қарорни қисман ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Биринчи инстанция суди аризани қаноатлантиришни асосли рад этган. Чунки ОАЖ ДСИга мурожаат қилиб, ОАЖни ягона солиқ тўловига ўтказишни сўраган. ДСИ эса ОАЖни ягона солиқ тўловига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган.

ДСИнинг қарори қабул қилинган вақтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сонли қарори билан тасдиқланган «Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартиби»га мувофиқ ягона солиқ тўловига микрофирмалар ва кичик корхоналар ўтиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сонли қарори билан тасдиқланган Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясига кўра саноатнинг бошқа ускуна

ва приборларини таъмирлаш тармоқларида ходимлар сони 21–50 кишини ташкил этганда кичик корхона жумласига киритилиши белгиланган.

СК 3-моддасининг биринчи қисмига кўра, солиқ солиш солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

ОАЖ ягона солиқ тўловига ўтказиш тўғрисида ДСИга мурожаат қилган вақтда жамиятда 66 та ходим фаолият кўрсатган. ОАЖнинг ДСИга топширган ҳисоботларида уч йил давомида тегишлича 80–92 та ходимлар ишлаганлиги қайд этилган. ОАЖ кичик корхона ёки микрофирма тоифасига кирмаган. Шу сабабли ОАЖ ягона солиқ тўловини нотўғри тўлаб келган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

7. Якка тартибдаги тадбиркорнинг жиноий жавобгарликка тортилганлиги уни солиққа оид ҳуқуқбузарлиги учун Солиқ кодексида назарда тутилган жарима қўллашдан озод қилмайди.

Олмазор туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, ЯТТ С. Юлчиевага нисбатан СК 114-моддасининг биринчи қисмига асосан 44 700 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда, яъни 558 900 сўм, жами 603 600 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, арз қилинган талаблар қаноатлантирилган.

Қўзғатилган жиноят иши юзасидан СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармасининг «Ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳақида»ги қарорига ҳамда буйруғига асосан ЯТТнинг фаолияти юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказилган. Текшириш натижаси бўйича далолатнома тузилган.

Текширишда ЯТТ томонидан кирим ҳужжатлари ва сифат сертификати бўлмаган пахта ёғи 12 дона 1 литрлик ва 1 дона 5 литрлик сиғимдаги идишларда 44 700 сўмга сотилганлиги, шунингдек савдодан тушган нақд пул НКМ хотирасига кирим қилинмаганлиги аниқланган.

СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармасининг молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги талабномаси ЯТТ томонидан бажарилмагач, аризачи жавобгарга нисбатан молиявий санкция қўллашни суддан сўраган.

Биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқламасдан, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаб, аризачининг талабларини қаноатлантиришни рад этган. Суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосалар иш ҳолатларига мувофиқ келмайди.

СК 114-моддасининг биринчи қисмига кўра кирим қилинмаган товарларни сақлаш, бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар мустасно, ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш (камайтириб кўрсатиш) кирим қилинмаган товар қиймати ёки яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу Кодекс 119-моддасининг биринчи қисмига биноан фискал хотирали НКМларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик учун энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорида жарима солинади.

ЯТТ кирим ҳужжатлари ва сифат сертификати бўлмаган пахта ёғини 44 700 сўмга сотган ҳамда савдодан тушган нақд пулни НКМ хотирасига кирим қилмаган ёки харидорга квитанция, талон, чек ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бермаган.

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг ҳукми билан ЯТТ ЖК 189-моддасининг учинчи қисми билан айбдор деб топилган. ХПК 60-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, жиноят иши бўйича умумий суднинг қонуний кучга кирган ҳукми муайян ҳаракатлар содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва улар кимлар томонидан содир этилганлиги масалалари бўйича хўжалик суди учун мажбурийдир.

Биринчи инстанция суди даъвони рад этишда СК 108-моддасига асосланиб, ҳеч ким солиққа оид содир этилган айнан битта ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилиши мумкин эмас деган хулосага келиб, суд ҳукми билан ЯТТга энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида – 1 863 000 сўм жарима қўлланилганлиги, ашёвий далил сифатида олинган 113 400 сўмлик товарлар ҳуқуқбузарлик предметлари сифатида давлат даромадига ўтказилганлиги, солиққа оид содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилган деб ҳисоблаб нотўғри тўхтамга келган.

ЯТТ томонидан кирим ҳужжатлари ва сифат сертификатлари бўлмаган 44 700 сўмлик товарлар савдога қўйилганлиги ҳамда савдодан тушган нақд пул НКМ хотирасига кирим қилинмаган ёки харидорга квитанция, талон, чек ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар берилмаганлиги текшириш далолатномаси, суд ҳукми ва ишдаги бошқа далиллар билан тасдиқланган. Ушбу ҳолат ЯТТга молиявий санкция қўллашга сабаб бўлади.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ЯТТга СК 114-моддасининг биринчи қисмига асосан 44 700 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида 558 900 сўм, жами 603 600 сўм молиявий санкция қўллаган.

8. Солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинган ёхуд давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларини текшириш ўтказиладиган бинога киритилмаслиги солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга асос бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси ДСБ хўжалик судига мурожаат қилиб, АТ «Агробанк» Бўстон филиалининг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган.

Суд ажрими билан АТ «Агробанк» ишга жавобгар сифатида жалб этилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция ва кассация инстанцияси судларининг қарорлари билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий комиссиясининг қарори, ДСБнинг буйруғига асосан АТ «Агробанк» Бўстон филиалида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 январда 615-сон билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома талабларининг бажарилиши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилиши белгиланган.

Аммо АТ «Агробанк» Бўстон филиали маъмурияти текширувчиларга текшириш ўтказиш учун рухсат бермасдан, солиқ текширувини ўтказишга тўсқинлик қилган. Бу ҳақда далолатнома тузилиб, текширувчилар ҳамда филиал бошқарувчиси томонидан далолатнома имзоланган.

СК 96-моддасининг иккинчи қисмига биноан солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинган ёхуд давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудлар, бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун кириши рад этилган, шунингдек солиқ ҳисоботи тақдим этилмаган ҳолларда давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Юқоридагиларга кўра, биринчи инстанция суди АТ «Агробанк» Бўстон филиалининг ҳисобварақлари бўйича операцияларини текшириш ўтказилгунга қадар тўхтатиб туриш ҳақида қонуний ҳал қилув қарори қабул қилган. Апелляция ва кассация инстанцияси судлари эса ҳал қилув қарорини асосли равишда ўзгаришсиз қолдирган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2009 йил 26 ноябрдаги 114-сонли қарори
билан тасдиқланган)

2.5. 2009 ЙИЛДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ОИД ИШЛАРНИ КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли қарори 16.1-бандининг биринчи хатбошисига кўра молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги аризада (тақдимномада) қонун ҳужжатларига асослантирилган ҳолатлар, бу талабларнинг асосларини тасдиқловчи далиллар, аризачининг қонун ҳужжатларига ҳавола этилган талаблари, аризачи қўллашни сўраётган молиявий санкциянинг турлари кўрсатилиши керак. Аризага (тақдимномага) санкция суммасининг асослантирилган ҳисоби илова қилиниши лозим.

Наманган шаҳар ДСИ аризасида «Камола Мафтуна сервис» МЧЖга нисбатан 654 900 000 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармасининг жиноят иши юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказиш тўғрисидаги қарорига ва Наманган шаҳар ДСИнинг буйруғига асосан МЧЖда текшириш ўтказилган.

Текшириш натижаси бўйича тузилган далолатномада МЧЖ ҳисоб рақамидаги пул маблағи айланмалари ўрганилганда унинг ҳисоб рақамига маҳсулот сотиб олиш учун маблағ келиб тушганлиги, бироқ сотиб олинган 144 950 000 сўмлик маҳсулотлар корхона омборида ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги аниқланганлиги кўрсатилган. МЧЖ раиси ўзининг тушунтириш хатида ҳақиқатдан ҳам маҳсулотларни нақд пулга бозорда сотганлигини тан олган.

СКнинг 114-моддасига кўра, кирим қилинмаган товарларни сақлаш, бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган

ҳоллар мустасно, ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш (камайтириб кўрсатиш) – кирим қилинмаган товар қиймати ёки яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги ҳам ушбу моддани қўллаш мақсадлари учун товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб эътироф этилади.

Текшириш далолатномасида 144 950 000 сўмлик маҳсулотлар сотиб олиниб, текшириш кунида омборда ушбу маҳсулотлар мавжудлиги аниқланмаганлиги кўрсатилган бўлса-да, аризада 654 900 000 сўмлик маҳсулотлар корхона омборида мавжудлиги аниқланмаганлиги, МЧЖ раҳбари томонидан 654 900 000 сўмлик товарлар нақд пулга сотиб юборилганлиги кўрсатилган.

Аризачининг 654 900 000 сўм молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги талаби далиллар билан исботланмаган ва молиявий санкциянинг асослантирилган ҳисоби аризага илова қилинмаган.

Юқоридагиларга асосан, суд аризани қаноатлантиришни рад этган.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли қарори 16.1-бандининг иккинчи хатбошисига кўра қўшимча ҳисобланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар молиявий санкция ҳисобланмайди ва солиқ органи томонидан судга мурожаат қилинмасдан, қабул қилинган қарор асосида белгиланган тартибда ундирилади.

Агар назорат қилувчи орган томонидан ариза (тақдимнома) да молиявий санкция қўллаш билан бирга қўшимча ҳисобланган солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни ундириш ҳақидаги талаб қўйилган бўлса, бунда ишнинг ушбу қисми бўйича иш юритиш мазкур талаб судга тааллуқли эмаслиги муносабати билан тугатилади.

Ангрен шаҳар ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат этиб, «DILMIRAXON-FAYZ» ХКга нисбатан 2006 йилда 5 018 500 сўм ва 2007 йилда 11 015 900 сўм корхона ғазнасига кирим қилинмасдан автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш харажатларига сарфланган жами 16 034 400 сўм миқдорида молиявий санкция ва ушбу яширилган тушумдан 2006 йил учун бюджетга ягона солиқ тўловидан қўшимча ҳисобланган 652 400 сўм ва 223 400 сўм устама жарима ҳамда 2007 йил учун бюджетга ягона солиқ тўловидан қўшимча ҳисобланган 1 101 600 сўм ва 176 200 сўм устама жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан молиявий санкция қўллаш талабини қаноатлантириш рад этилган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш талаби бўйича иш юритиш тугатилган.

ДСИ суд мажлисида ХКнинг 2006 ва 2007 йилларда 16 034 400 сўмни корхона ғазнасига кирим қилмасдан автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш харажатларига сарфлаган деган важини тегишли ҳужжатлар билан исботлаб бера олмаган.

«DILMIRAXON-FAYZ» ХК, яъни автотранспорт воситаларини ижарага олувчи билан ижарага берувчи фуқаролар ўртасида шартнома имзоланган бўлиб, унга кўра автотранспорт воситаларини ёнилғи билан таъминлаш мажбурияти ижарага берувчи зиммасига юклатилган. Шу сабабли ХКга молиявий санкция қўллаш талаби рад этилган.

Шунингдек, аризада 2006 ва 2007 йилларда яширилган тушумдан қўшимча ҳисобланган ягона солиқ ва устама жарималар ҳам ундириш сўралган.

Суд Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли қарори 16.1-бандининг иккинчи хатбошисига асосан ушбу талаб бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

3. СК 96-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинган ёхуд давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахс-

ларининг солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудлар, бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун кириши рад этилган, шунингдек солиқ ҳисоботи тақдим этилмаган ҳолларда давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли қарорининг 15.1-бандига кўра, давлат органлари банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эгадир.

Бироқ Ҳамза туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Шамс-Брок» МЧЖ олти ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2.1-бандига асосан банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Мазкур Низомнинг 2.1-бандида солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида асослар келтирилмаган.

Низомнинг 2.1-бандига кўра савдо ва савдо-воситачи корхоналар томонидан уч ой мобайнида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахслар томонидан эса – олти ой мобайнида банк ҳисоб рақамлари бўйича пул операцияларини ўтказган ҳолда молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган ҳолларда тижо-

рат банклари уч кун муддатда у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ хизмати органига ахборот тақдим этиши белгиланган. Жавобгарга хизмат кўрсатувчи банк юқоридаги Низом талабларидан келиб чиқиб ДСИга 19-устунли ахборот тақдим этган. ДСИга тақдим этилган ахборотга асосан корхонани тугатиш ишлари бошлаб юборилган.

Шунингдек судга тақдим этилган аризалар ва ДСИ вакилларининг тушунтиришларига кўра, МЧЖнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган. ДСИ жиноят иши якунига етгунига қадар МЧЖнинг ҳисоб рақамига банд солиниши лозимлиги ҳақидаги важларни ҳам келтирган.

СК 96-моддасининг иккинчи қисмида ва «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун 5-моддасининг 8-бандида солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш учун асослар кўрсатилган.

Суд ДСИ томонидан келтирилган важларни «Шамс-Брок» МЧЖнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш учун асос бўлмайди деб ҳисоблаб, аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

4. ХПК 60-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, жиноят иши бўйича умумий суднинг қонуний кучга кирган ҳукми муайян ҳаракатлар содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва улар кимлар томонидан содир этилганлиги масалалари бўйича хўжалик суди учун мажбурийдир.

Чилонзор туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, ЯТТ Б. Абаиловга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 5 450 000 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармасининг жиноят иши доирасида ЯТТ Б. Абаиловнинг молия-хўжалик фаолияти юзасидан ҳужжатли тафтиш ўтказиш ҳақидаги қарори ва буйруғига асосан текшириш ўтказилган.

Текширишда тадбиркор томонидан 2008 йилда биржа савдолари орқали «Узметкомбинат» корхонаси билан тузилган шартномалар асосида металлар сотиб олиб, турли металл маҳсулотлари ишлаб чиқарганлиги ва сотганлиги ҳамда металлдан ишлаб чиқарилган 5 540 000 сўмлик маҳсулотлар реализация қилиш

жойида ёки омборхонада мавжуд эмаслиги, ушбу маҳсулотларни нақд пулга сотиб, пул маблағи банк муассасасига топширилмаганлиги аниқланган. Шунга кўра, ДСИ ЯТТга молиявий санкция қўллашни сўраган.

Бироқ мазкур ҳолатда Миробод туман прокуратурасининг жиноят ишининг бир қисмини тугатиш тўғрисидаги қарорига кўра, ЯТТ Б. Абаилов томонидан 5 450 000 сўмлик маҳсулотлар реализация қилиниб, банкка инкассация қилинганлиги ҳолати ўз исботини топганлиги ва жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги сабабли, ишнинг мазкур қисми бўйича жиноят иши тугатилган.

Юқоридагиларга кўра, суд ЯТТга нисбатан молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этган.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли қарорининг 17-бандига мувофиқ текширишларни мувофиқлаштириш режасидан кўчирманинг, назорат қилувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган текшириш ўтказиш ҳақидаги буйруқ ва режанинг, агар текшириш жиноят иши доирасида ўтказилаётган бўлса, тергов органи қарорининг, шунингдек текшириш натижаси юзасидан тузилган далолатноманинг хўжалик юритувчи субъектга тақдим этилмаслиги молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги ариза (тақдимнома)ни рад қилиш учун асос бўлади.

Мирзачўл туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Шабахан» ХФга нисбатан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши вилоят ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ва Мирзачўл туман ДСИнинг буйруғига асосан «Шабахан» ХФга қарашли ошхонада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил

5 августдаги 280-сонли қарори талаблари бажарилиши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текшириш жараёнида ошхонада НКМдан фойдаланилмаганлиги, ғазнада эса НКМдан ўтказилмаган 18 000 сўм нақд пул борлиги аниқланган. ДСИ ушбу аниқланган ҳолатлар бўйича ХФга нисбатан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Бироқ текширишга асос бўлган ДСИнинг буйруғи «Шабахан» ХФга қарашли ошхонани текшириш учун эмас, балки «Умида-Озода» ХФга қарашли «Отабек» ва «Ситора» ошхоналарида текшириш ўтказилиши учун чиқарилган. ДСИ томонидан «Шабахан» ХФга қарашли ошхонада қисқа муддатли текшириш ўтказиш учун буйруқ чиқарилмаган.

ДСИ ходимлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли қарорининг 17-бандида белгиланган меъёрий қоидаларни бузган ҳолда ДСИ бошлиғининг буйруғисиз ХФга қарашли ошхонада қисқа муддатли текшириш ўтказганлар.

СК 92-моддасининг бешинчи қисмида солиқ тўловчига хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма нусхасини ёки назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг режадан ташқари солиқ текшируви ёки муқобил текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори кўчирма нусхасини, шунингдек давлат солиқ хизмати органининг тегишли солиқ текшируви тайинланганлиги тўғрисидаги буйруғининг ҳамда солиқ текширувини ўтказиш дастурининг кўчирма нусхаларини топшириб, тилхат олиши шартлиги белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, суд аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

6. СК 108-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ҳеч ким солиққа оид содир этилган айнан битта ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Нишон туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, Қашқадарё вилоят «Телекоммуникация» бошқармасига нисбатан СКнинг 119-моддасига асосан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Жиноят иши юзасидан Нишон туман прокуратурасининг ҳужжатли тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарорига асосан «Нишон телекоммуникация боғланмаси»нинг молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ҳужжатли тафтиш ўтказилган. Мазкур қарор ва тегишли буйруқлар асосида ўтказилган текширишда «Нишон телекоммуникация боғланмаси»нинг Нишон, Нуристон ва Талимаржон шохобчаларида жами 3 084 000 сўм нақд пуллар НКМга кирим қилинмасдан, банкка топширилганлиги ҳолати аниқланган ҳамда бу ҳақда далолатнома тузилган.

Мазкур далолатномага асосан ДСИ Қашқадарё вилоят «Телекоммуникация» бошқармасига нисбатан СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Аммо Қашқадарё вилоят ДСБ томонидан «Ўзбектелеком» АК Қашқадарё филиалининг молиявий фаолияти юзасидан ўтказилган ҳужжатли текшириш натижаси юзасидан тузилган далолатномада ҳам Нишон, Нуристон ва Талимаржон шохобчаларида жами 3 084 000 сўм нақд пуллар НКМга кирим қилинмасдан банкка топширилганлиги ҳолати қайд этилган.

Қарши шаҳар ДСИ ушбу далолатномага асосланган ҳолда хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Ўзбектелеком» АКнинг Қашқадарё филиалига 60 624 100 сўмлик тушум яширилганлиги ва 133 359 300 сўм хизмат кўрсатишдан тушган нақд пулларнинг НКМга кирим қилинмаганлиги учун молиявий санкция қўллашни сўраган. Қашқадарё вилоят хўжалик судининг 18–0905/8831-сонли иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори билан «Ўзбектелеком» АКга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 60 624 100 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан эса 841 200 сўм молиявий санкция қўлланилган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри тўхтамга келган. Аммо судда кўрилиб, ҳал қилув қарори

қабул қилинган иш бўйича аризачи сифатида Қарши шаҳар ДСИ иштирок этган бўлса, мазкур ишда эса Нишон туман ДСИ судга ариза берган.

СК 108-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ҳеч ким солиққа оид содир этилган айнан битта ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

«Ўзбектелеком» АК битта юридик шахс сифатида айнан битта ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилмайди. Шу сабабли кассация инстанцияси суди арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

7. Хўжалик судига мурожаат этилгандан кейин жавобгар томонидан аризачининг талаби ихтиёрий қаноатлантирилганда, давлат божи жавобгарга юкланади.

Олмазор туман ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, ЯТТ Б. Салиевга СКнинг 114-моддасига асосан 156 800 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан иш юритиш тугатилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд ажрими бекор қилиниб, арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган ва 280 400 сўм давлат божи ЯТТ Б. Салиевдан ундирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Олмазор туман ҳудудий комиссиясининг текширишлар рўйхатига ҳамда Олмазор туман ДСИнинг буйруғига асосан ЯТТ Б. Салиевга қарашли савдо шохобчасида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текшириш натижаси юзасидан далолатнома расмийлаштирилган.

Текширишда ЯТТ харидорга 4900 сўмга харид учун чек бермаганлиги, 89 000 сўм савдо пули НКМга кирим қилинмаганлиги, шунингдек савдо шохобчасида кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган умумий қиймати 156 800 сўмлик 32 дона товарлар мавжудлиги аниқланган.

ДСИнинг молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги қарори ЯТТ томонидан бажарилмагач, ДСИ ЯТТга нисбатан молиявий санкция қўллашни хўжалик судидан сўраган.

Аммо иш судда кўрилгунга қадар молиявий жарима суммаси ЯТТ томонидан ихтиёрий тўланган. Ушбу ҳолат ДСИнинг хати ва ЯТТнинг тўлов топшириқномалари билан исботланган.

Биринчи инстанция суди иш юритишни тугатиш ҳақида хулосага келган.

СК 337-моддасининг ўн бешинчи қисмига мувофиқ давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар ўз талабларини даъво берилганидан кейин улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги туфайли қўллаб-қувватламаган ҳолларда давлат божининг суммаси жавобгардан бюджетга ундирилиши лозим.

Хўжалик судига мурожаат этилгандан кейин жавобгар томонидан аризачининг талаби ихтиёрий қаноатлантирилганда, давлат божи жавобгарга юкланади. Бу ҳақда Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарорининг 21.4-бандида тушунтириш берилган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди суд ажримини бекор қилиб, арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад қилишни ва иш бўйича 280 400 сўм давлат божини жавобгардан ундиришни лозим топган.

8. Белгиланган муддатлар ўтганидан кейин хорижий валюта тушуми тушишини кечикишига йўл қўйган юридик шахс-резидентлар республика бюджети фойдасига тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан 100 фоиз эквивалентида жарима тўлаши лозим.

Олтинкўл туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Oltinkul textile» МЧЖ ҚКга 360 755 580 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

«Oltinkul textile» МЧЖ ҚК ва Россия Федерациясининг «Голдтекс» МЧЖ ўртасида текстиль маҳсулотларини консигнация усу-

лида етказиб бериш ҳақида тузилган контрактга асосан жавобгар 299 222,23 АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтган.

Жавобгар қонунда белгиланган муддат ўтгандан кейин 245 343,53 АҚШ доллари миқдоридаги хорижий валюта тушуми тушишини кечикишига йўл қўйганлиги сабабли давлат солиқ хизмати органи жавобгарга ўз вақтида келиб тушмаган валютанинг сўмга нисбатан қиймати – 360 755 580 сўм миқдорида молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқламасдан, аризани қаноатлантиришни рад этган.

Контрактнинг 2.3-бандида консигнация усулида сотилган маҳсулотлар экспорт БЮД расмийлаштирилган кундан бошлаб 180 кундан ортиқ бўлмаган вақт мобайнида ҳисоб-китоб қилиниши лозимлиги белгиланган. Яъни маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган вақтидан бошлаб жавобгар валюта тушумини тушириш чораларини кўриши зарур эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сонли қарорининг 4-бандида марказлаштирилмаган экспорт операциялари бўйича тушум тушиши ёки қайта олиб кириш муддати 60 кундан ошиб кетмаслиги кераклиги, муассислар томонидан чет элдаги корхоналарга (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, ШКлари, фирма дўконлар, дилерлик шохобчалари ва консигнация омборлари) шунингдек, ССП аъзолари – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Палатанинг савдо-инвестиция уйлари номига олиб чиқилаётган товарлар бўйича эса 180 кундан ошиб кетмаслиги кераклиги, белгиланган муддатлари ўтгандан кейин хорижий валюта тушуми тушишини 30 банк кунидан кўпроқ (2009 йилда – 60 банк куни) кечикишига йўл қўйган юридик шахс-резидентлар, республика бюджети фойдасига тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан 100 фоиз эквивалентида жарима тўлаши лозимлиги белгиланган.

«Oltinkul textile» МЧЖ ҚК Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиққан маҳсулотлар қийматининг 245 343,53 АҚШ доллари миқдоридаги қисмини белгиланган муддат ўтгандан кейин хорижий валюта тушуми тушишини 60 банк кунидан кўпроқ

кечикишига йўл қўйган. Яъни жавобгар валюта тушумини тушириш чораларини кўрмаган.

Биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорида жаҳон иқтисодий инқирозини асос сифатида кўрсатиб, ХПК 60-моддасининг биринчи қисмини қўллаган. Шунингдек «Oltinkul textile» МЧЖ ҚК ва Россия Федерациясининг «Голдтекс» МЧЖ ўртасида тузилган контрактнинг 9.1-бандида белгиланган форс-мажор ҳолатини молиявий санкция қўллаш ҳақидаги низога асос сифатида келтирган. Ваҳоланки ФК 2-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли ҳуқуқ нормалари маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этилмайди. Контракт тарафлар ўртасида тузилган бўлиб, форс-мажор ҳолатлари фақат контрактдаги тарафларга нисбатан татбиқ этилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарорида эса бундай ҳолларда жавобгарликдан озод этиш назарда тутилмаган.

Апелляция инстанцияси суди эса ушбу ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бермасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди суд қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2010 йил 28 январдаги 5-сонли қарори
билан тасдиқланган)

2.6. 2008–2009 ЙИЛЛАРДА ХЎЖАЛИК СУДЛАРИДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТИНИ ЧЕКЛАШ, НОҚОНУНИЙ ОЛИНГАН МАБЛАҒЛАРНИ УНДИРИШ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАЛАРНИНГ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИГА ДОИР СУД АМАЛИЁТИ

1. Асоссиз олинган даромад суммасининг ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар ихтиёрий тўланиши, уни ундириш тўғрисидаги талабни рад қилиш учун асос бўлса-да, молиявий санкцияни қўллаш тўғрисидаги талабни рад қилиш учун асос бўлмайди.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаси (кейинчалик матнда монополияга қарши орган) хўжалик судига мурожаат қилиб, 19-сонли «Қашқадарёдеҳқончиликқурилиш» ОАЖдан 11 502 800 сўм ноқонуний олинган даромадни ундиришни ҳамда жамиятга 1 150 280 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризадаги талабларни қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, ОАЖга 1 150 280 сўм молиявий санкция қўлланган.

Монополияга қарши орган томонидан 19-сонли «Қашқадарёдеҳқончиликқурилиш» ОАЖда давлат маблағлари ҳисобига қурилган иншоотларда шартномавий нархларнинг шакллантирилиши ҳамда қўлланилишининг асослилиги юзасидан текшириш ўтказилган ва унинг натижаси бўйича далолатнома тузилган.

Текширишда 19-сонли «Қашқадарёдеҳқончиликқурилиш» ОАЖ давлат бюджети маблағлари ҳисобига Бешчашма қўрғонидаги касб-ҳунар коллежи ва Чироқчи туманидаги 17-сонли мактаб қурилишида жами 31 437 500 сўмлик ишлар бажарилмаган.

Комиссия томонидан текширишда аниқланган ҳолатлар қайта кўриб чиқилиб, бажарилмаган ишлар эвазига олинган маблағлар 12 780 900 сўмга камайтирилган ва 19-сонли

«Қашқадарёдеҳқончиликқурилиш» ОАЖга Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Нархларни бошқариш жамғармасига 11 502 800 сўм, Монополияга қарши органнинг жамғармасига 1 278 100 сўм ўтказиш тўғрисида кўрсатма берилган.

Кўрсатма қисман бажарилиб 1 278 100 сўм тўлаб берилган, 11 502 800 сўм эса ариза судга тақдим қилингунга қадар ўтказилмаган. Шу сабабли аризачи 11 502 800 сўм ундиришни ҳамда Тартибнинг 28-бандига асосан 1 150 280 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Ҳал қилув қарори билан биринчи инстанция суди аризани қаноатлантиришни тўлиқ рад этган. Бироқ суд молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги талабни ҳам рад этиб хатога йўл қўйган.

Тартибнинг 28-бандида ушбу Тартибнинг бузилганлигини мустақил равишда аниқлаган ва бунинг натижасида ортиқча сумма олган хўжалик юритувчи субъект уларни истеъмолчиларга қайтариши ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда, Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Нархларни бошқариш жамғармаси ҳисоб рақамига ёки тегишли бюджетга ўтказиши, бу ҳолда жарима қўлланилмаслиги, ушбу Тартибнинг бузилганлиги Монополияга қарши орган томонидан аниқланган тақдирда, 10 фоиздан 20 фоизгача миқдорда жарима қўлланиши, худди шундай бузилиш жарима қўллангандан кейин бир йил мобайнида такроран аниқланган тақдирда, ушбу Тартиб 22-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларига мувофиқ қайтариладиган (олиб қўйиладиган) сумманинг 20 фоизидан 50 фоизигача миқдорда жарима қўлланиши белгиланган.

Биринчи инстанция суди бажарилмаган ишлар эвазига олинган маблағлар Монополияга қарши орган томонидан аниқланган бўлишига қарамасдан молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги талабни рад этган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгартириб, жавобгарга 1 150 280 сўм молиявий санкция қўллашни лозим топган.

2. Текшириш (мониторинг) юзасидан тузилган далолатнома фақат Монополияга қарши органнинг ваколатли шахси томонидан имзоланиб, лекин аниқланган ҳолатлар холислар томонидан тасдиқланмаган бўлса, текшириш (мониторинг) натижаси бўйича далолатнома бир томонлама тузилган ҳисобланади

ва аниқланган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжат (далил) сифатида баҳоланмайди.

Монополияга қарши орган хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Чорсу авто» МЧЖдан 1 008 000 сўм ортиқча олинган асоссиз даромадга 20 фоиз (201 600 сўм) жарима ҳисоблаган ҳолда, жами 1 209 600 сўм ундиришни сўраган.

Монополияга қарши орган томонидан «Ипподром-Чорсу савдо маркази» йўналиши бўйича ҳаракат қилаётган «Чорсу авто» МЧЖга қарашли йўналишда «Шаҳар йўловчилари транспорти тўғрисида»ги Қонун талабларига риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилган.

Монополияга қарши орган ушбу йўналишда йўловчилардан 400 сўм ўрнига 500 сўмдан ҳақ олинаяпти деб ҳисоблаб, аризада «Чорсу авто» МЧЖдан ортиқча олинган асоссиз даромадни ва унга ҳисобланган жаримани ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан мониторинг юзасидан тузилган далолатномалар фақат Монополияга қарши орган ходимлари томонидан имзоланганлиги, яъни мониторинг натижаси бўйича далолатнома бир томонлама тузилганлиги ва мониторингда аниқланган ҳолатлар холислар томонидан тасдиқланмаганлиги асосида аризани қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори, кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

3. ФК 2-моддасининг олтинчи қисмига кўра бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсунишига асосланган мулкий муносабатларга, шу жумладан солиқ, молиявий ва бошқа маъмурий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланилмайди.

Монополияга қарши орган хўжалик судига мурожаат қилиб, «Тошметроқурилиш» трести механизация бошқармасидан 30 859 100 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан жавобгардан Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Нархларни бошқариш жамғармасига 18 966 620 сўм ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Монополияга қарши орган томонидан марказлаштирилган манбалар ҳисобидан қурилаётган иншоотларда шартномавий-жорий нархларнинг қўлланилиши юзасидан «Тошметроқурилиш» трести механизация бошқармасида текшириш ўтказилган.

Текширишда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича бошқарма томонидан 15 993 500 сўмлик ноқонуний даромад олинганлиги аниқланган.

Текширишда аниқланган ҳолатлар юзасидан Монополияга қарши органнинг қарори қабул қилиниб, бошқарма томонидан бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича 15 993 500 сўмлик ноқонуний даромад олинганлиги тасдиқланиб, унга ушбу маблағларни тегишли ҳисобварақларга қайтариш ҳамда 14 865 600 сўм жарима тўлаш тўғрисида кўрсатма берилган.

Ушбу кўрсатма «Тошметроқурилиш» трести механизация бошқармаси томонидан бажарилмагач, аризачи жавобгарга 14 865 600 сўм жарима ҳисоблаб, ундан 15 993 500 сўм асоссиз даромад билан биргаликда жами 30 859 100 сўм ундиришни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида жавобгар судга даъво муддатини қўллаш тўғрисида илтимоснома берган. Биринчи инстанция суди ушбу илтимосномани қаноатлантирмасдан, жавобгардан Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Нархларни бошқариш жамғармаси фойдасига 18 966 620 сўм ундириш ҳақида хулосага келган. Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Кассация инстанцияси суди ҳам жавобгарнинг суд даъво муддатини қўлламади деган важи билан келишмаган. Чунки ФК 2-моддасининг олтинчи қисмига кўра бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсунишига асосланган мулкий муносабатларга, шу жумладан солиқ, молиявий ва бошқа маъмурий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланилмайди. Бу низо эса маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

4. Монополияга қарши органнинг далолатномаси, кўрсатмаси ва қарорини бекор қилиш ёки ноқонуний деб топиш,

қарорнинг ҳуқуқий оқибатларини бекор қилиш тўғрисидаги низолар хўжалик судига тааллуқли эмас.

Монополияга қарши орган хўжалик судига мурожаат қилиб, Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасидан 5 592 300 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан ариза кўрмасдан қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган.

Ишни янгидан кўришда ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар жавобгар судга қарши даъво аризаси бериб, Монополияга қарши органнинг текшириш далолатномаси ва кўрсатмасини бекор қилишни, қарорини ноқонуний деб топиб, қарорнинг ҳуқуқий оқибатларини бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан дастлабки даъвони қаноатлантириш рад этилган, қарши даъво юзасидан Монополияга қарши органнинг қарори ҳақиқий эмас деб топилган, далолатнома ва кўрсатмани бекор қилиш ҳақидаги талаблар бўйича иш юритиш тугатилган.

Монополияга қарши орган томонидан Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасининг пуллик тиббий хизматларга тарифларнинг тўғри қўлланиши юзасидан текшириш ўтказилган.

Текширишда бирлашма томонидан пуллик тиббий хизматлар кўрсатишда калькуляциялар ҳақи ортиқча белгиланиши натижасида беморлардан 2 962 000 сўм, озиқ-овқат пулларини беморларнинг даволанмаган кунларига ҳисобланиши натижасида 144 800 сўм, жами 3 106 800 сўм асоссиз даромад олинганлиги аниқланган.

Текшириш натижаси бўйича аниқланган ҳолатлар юзасидан қарор қабул қилиниб, бирлашма томонидан 3 106 800 сўм асоссиз даромад олинганлиги тасдиқланган ҳамда унга асоссиз олинган даромаднинг 100 фоизи – 3 106 800 сўм жарима қўлланилиб, ушбу маблағларни тегишли ҳисобварақларга қайтариш тўғрисида кўрсатма берилган.

Ушбу кўрсатма Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси томонидан қисман бажарилган. Бирлашма томонидан 5 592 300 сўм тўланмаган.

Шу сабабли аризачи жавобгардан 5 592 300 сўм ундиришни сўраган. Жавобгар эса қарши даъво аризаси билан ҳудудий бошқарманинг далолатнома ва кўрсатмасини бекор қилишни, қарорини ноқонуний деб топиб, қарорнинг ҳуқуқий оқибатларини бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция суди дастлабки даъвони қаноатлантиришни рад этиш, Монополияга қарши органнинг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида хулосага келган.

Тартибнинг 22-бандига кўра, ушбу Тартибни бузиш натижасида олинган маблағлар (маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар)нинг декларация қилинмаган нархини қўллашдан олинган тафовутдан ташқари) истеъмолчиларга қайтарилади ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда, Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Нархларни бошқариш жамғармаси ҳисоб рақамига ундириб олинади.

Ушбу Тартибнинг (Монополияга қарши орган қарори қабул қилинган вақтда амалда бўлган таҳririга кўра) 22-бандида мазкур Тартиб бузилиши натижасида олинган маблағлар Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Нархларни бошқариш жамғармаси ҳисоб рақамига олиб қўйилиши ҳамда олиб қўйилиши керак бўлган сумма миқдорида жарима ундирилиши белгиланган.

Монополияга қарши орган ўз ваколати доирасида қарор қабул қилиб, жавобгарга 3 106 800 сўм жарима қўллаган ва асоссиз даромадни ҳамда жаримани тўлаш тўғрисида кўрсатма берган.

ХПК 24-моддаси биринчи қисмининг 9-бандида давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар хўжалик судлари судловига тааллуқлилиги белгиланган. Аммо давлат органи – Монополияга қарши органнинг далолатнома ва кўрсатмасини бекор қилиш, қарорини ноқонуний деб топиб, қарорнинг ҳуқуқий оқибатларини бекор қилиш тўғрисидаги даъво ушбу моддада ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда хўжалик судига тааллуқлилиги кўрсатилмаган.

Тиббиёт бирлашмаси Монополияга қарши органнинг қарорини ноқонуний деб топишни сўраган бўлса-да, суд даъво талабидан четга чиқиб, уни ҳақиқий эмас деб топган. Ваҳоланки, ушбу низонинг хўжалик судига тааллуқлиги ХПКнинг 23 ва 24-моддалари талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бу ҳақда Олий хўжалик суди Пленумининг «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида» 2007 йил 15 июндаги 162-сонли қарорининг 19-бандида тушунтириш берилган.

ХПК 86-моддасининг 1-бандига кўра низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса, иш юритиш тугатилади.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, дастлабки даъвони қаноатлантириш, қарши даъво бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

5. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1 ва 25-моддаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган аризалар хўжалик судларига тааллуқли эмас.

Монополияга қарши орган судга мурожаат қилиб, «Хоразмавтотеххизмат» ОАЖдан истеъмолчи фойдасига етказилган 1 159 474 сўм зарар ундиришни сўраган.

Фуқаро М. Абдуллаев Монополияга қарши органга ариза билан мурожаат қилган. Аризани ўрганиш жараёнида М. Абдуллаев ва «Хоразмавтотеххизмат» ОАЖ ўртасида «Нексия» автомашинасини олди-сотди шартномаси тузилганлиги, ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлар М. Абдуллаев томонидан тўлиқ бажарилганлиги, бироқ «Хоразмавтотеххизмат» ОАЖ ўз шартномавий мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Монополияга қарши орган хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, унда «Хоразмавтотеххизмат» ОАЖ томонидан «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари бузилганлиги баён этилиб, Қонуннинг 6 ва 19-моддаларига асосан жавобгардан истеъмолчи фойдасига автомашина етказиб бериш мажбуриятини кечиктирганлиги учун 1 159 474,80 сўм неустойка ундириб беришни сўраган.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига биноан истеъмолчи – фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс).

Биринчи инстанция суди низо хўжалик судига тааллуқли эмаслигини инобатга олиб, ХПКнинг 23-моддаси ва 86-моддасининг 1-бандига асосан иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарган.

6. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмани ўз муддатида бажармаганлик учун юридик шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима қўлланилади.

Монополияга қарши орган хўжалик судига мурожаат қилиб, «Кварц-карат» ХКга «Реклама тўғрисида»ги Қонун 29-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига асосан энг кам иш ҳақининг 70 баравари – 1 304 100 сўм, 29-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандига асосан энг кам иш ҳақининг 50 баравари – 931 500 сўм, жами 2 235 600 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза-даги талабларни қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ариза қаноатлантирилган.

Монополияга қарши орган томонидан «Реклама тўғрисида»ги Қонун талабларининг бажарилиши юзасидан кузатув ўтказилган.

Кузатувда «Кварц-карат» ХКга қарашли спиртли ичимликлар дўконининг ташқи томонида 1,0 х 3,0 кв.м ўлчамда «Nemiroff» товар белгиси номи туширилган реклама воситаси белгиланган тартибга риоя этилмасдан жойлаштирилганлиги аниқланиб, бу ҳақда маълумотнома тузилган.

Монополияга қарши орган томонидан «Кварц-карат» ХКга ушбу реклама воситасини олиб ташлаш ва энг кам ойлик иш ҳақининг 70 баравари, яъни 1 304 100 сўм миқдорида жаримани ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисида кўрсатма берилган.

«Кварц-карат» ХК нотўғри реклама берганлиги ҳамда кўрсатмани бажармаганлиги учун Монополияга қарши орган Самарқанд

вилоят ҳудудий бошқармаси унга нисбатан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди аризадаги талабларни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида хулосага келган.

«Реклама тўғрисида»ги Қонун 23-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар рекламаси тамаки чекиш ва алкоголли ичимликни истеъмол қилишнинг зарари ҳақида огоҳлантириш билан қўшиб олиб борилиши керак. Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар жами рекламаси майдонининг камида 5 фоизи ҳамда телевидение ва радиодаги алкоголли ичимликлар реклама ролиги эфир вақтининг камида 5 секунди ана шундай огоҳлантириш учун ажратилиши лозим. Ушбу модданинг тўртинчи қисмига кўра қуввати 28 даражадан ортиқ бўлган алкоголли ичимликларни реклама қилиш тақиқланган.

Аммо мазкур реклама воситаси майдонининг камида 5 фоизига алкоголли ичимликни истеъмол қилишнинг зарари ҳақида огоҳлантириш берилмаган. Бундан ташқари, дўконда қуввати 28 градусдан ортиқ бўлган «Nemiroff» спиртли ичимликлари сотилган.

«Реклама тўғрисида»ги Қонун 13-моддасининг биринчи қисмига асосан ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида, рекламани тарқатиш вақти, жойи ва усулига нисбатан қўйилган талабларни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бузиши натижасида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган, шахсларга, шунингдек давлатга зарар ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган реклама нотўғри реклама ҳисобланади. Ушбу модданинг учинчи қисмига биноан рекламани нотўғри деб топиш тўғрисидаги қарорни Монополияга қарши орган қабул қилади.

«Реклама тўғрисида»ги Қонун 29-моддасининг иккинчи қисмида реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва тарқатувчилар нотўғри реклама берганлик учун юридик шахслар – энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмани ўз муддатида бажармаганлик

учун юридик шахслар – энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жаримага тортилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди «Кварц-карат» ХКнинг нотўғри реклама берганлигига ҳамда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмани ўз муддатида бажармаганлигига тегишли баҳо бермасдан, аризадаги талабларни қаноатлантиришни рад этган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризадаги талабларни қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

7. Асоссиз ундирилган пул маблағларини қайтариш ҳақидаги кўрсатмани бажармаганлик учун жарима қўлланилмайди.

Монополияга қарши орган «Денов қурилиш» МЧЖга нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, 15 119 397 сўм асоссиз олинган даромадни ундиришни, асоссиз даромаднинг 20 фоизи миқдорида – 3 023 879 сўм ҳамда энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида – 1 863 000 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризадаги талабларни қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, жавобгардан асоссиз олинган даромад ундирилган ҳамда унга асоссиз олинган даромаднинг 10 фоизи миқдорида молиявий санкция қўлланган.

Монополияга қарши орган томонидан марказлаштирилган манбалар ҳисобидан қурилаётган бино ва иншоотларда шартномавий-жорий нархларнинг қўлланилиши юзасидан «Денов қурилиш» МЧЖда текшириш ўтказилган.

Текширишда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича жамият томонидан 15 119 397 сўмлик ноқонуний даромад олинганлиги аниқланган.

Текширишда аниқланган ҳолатлар юзасидан Монополияга қарши органнинг қарори қабул қилиниб, жамият томонидан бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича 15 119 397 сўмлик

ноқонуний даромад олинганлиги тасдиқланиб, жамиятга ушбу маблағларни тегишли ҳисобварақларга қайтариш тўғрисида кўрсатма берилган. «Денов қурилиш» МЧЖ эса ушбу пул маблағларини қайтармаган.

Шу сабабли аризачи МЧЖ ҳисобидан 15 119 397 сўм асоссиз даромадни ундиришни ҳамда жамиятга 3 023 879 сўм ва энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида – 1 863 000 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди буюртмачи ҳисобланган Сурхондарё вилоят Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси асоссиз олинган пул маблағларини қайтариш ҳақида даъво бермаганлигини асос қилиб, аризадаги талабларни қаноатлантиришни рад этган. Чунки мактаб ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши давлат бюджетидан молиялаштирилган, шу сабабли қурилишда тежалган маблағлар бюджетга қайтарилиши лозим.

Тартибнинг 22-бандига кўра, ушбу Тартибни бузиш натижасида олинган маблағлар (маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) нинг декларация қилинмаган нархини қўллашдан олинган тафовутдан ташқари) истеъмолчиларга қайтарилади ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Нархларни бошқариш жамғармаси ҳисоб рақамига ундириб олинади.

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ҳақида»ги Қонун 18-моддасининг биринчи қисмига асосан монополияга қарши қонун ҳужжатлари бузилишларини тугатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга – энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима қўлланилади. Аммо амалдаги қонун ҳужжатларида асоссиз ундирилган пул маблағларини қайтариш ҳақидаги кўрсатмани бажармаганлик учун жарима қўллаш назарда тутилмаган.

Шунинг учун аризачининг жавобгарга энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида молиявий санкция қўллаш ҳақидаги талабини қаноатлантириш рад этилиши лозим.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди суд қарорларини бекор қилиб, жавобгардан асоссиз олинган даромадни ундириш ҳамда унга асоссиз олинган даромаднинг 10 фоизи миқдорида молиявий санкция қўллаш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

8. Монополияга қарши орган томонидан жавобгарга кўрсатма юборилмасдан жаримани ихтиёрий тўлаш учун муддат берилмаслиги аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўлади.

Монополияга қарши орган хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Оби хаёт ЛТД» МЧЖга нисбатан 1 669 200 сўм молиявий санкция қўллашни ва ундиришни сўраган.

Аризада жавобгар томонидан «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонун талаблари бузилганлиги, жумладан монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузилишларини тугатиш тўғрисидаги кўрсатмаси бажарилмаганлиги ҳамда Монополияга қарши органга нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги сабабли жавобгарга нисбатан жарима қўллаш тўғрисида махсус комиссия томонидан қарор қабул қилинганлиги баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сонли қарори билан тасдиқланган «Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Низом 32-бандининг 3-кичик хатбошисига кўра, комиссиянинг қарорида қонун ҳужжатлари бузилганлиги факти аниқлангани тўғрисидаги хулоса, мазкур қонун бузилиши учун назарда тутилган молиявий санкциялар миқдори, молиявий санкцияларни ихтиёрий равишда тўлаш муддати ва тартиби тўғрисидаги тушунтириш бўлиши керак.

Махсус комиссиянинг қарорида фақатгина жавобгар томонидан қонун бузилганлиги эътироф этилиб, жарима қўллаш учун хўжалик судига ариза киритиш белгиланган бўлиб, жаримани ихтиёрий равишда тўлаш муддати ва тартиби тўғрисидаги тушунтиришлар кўрсатилмаган.

Юқорида қайд этилган Низомнинг 24-бандида комиссия томонидан қабул қилинган қарор ишни кўриб чиқиш тугаллангач,

дарҳол маълум қилиниши, бунда унинг фақат кўрсатма қисми маълум қилиниши, матни эса ишга қўшиб қўйилиши, 34-бандида эса комиссиянинг ажрими, қарори ва кўрсатмаси топширилгани тўғрисидаги билдиришнома билан буюртмали хат орқали жўнатилиши ёхуд қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш қатнашчиларига ёки уларнинг вакилларига тилхат бўйича тақдим этилиши белгиланган.

Шунингдек, мазкур Низомнинг 36-бандига кўра, агар қонун ҳужжатларини бузган шахс белгиланган муддат мобайнида ўзи содир этган қонун ҳужжатлари бузилгани учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий санкциялар суммасини ихтиёрий равишда тўламаса, Монополияга қарши орган тегишли молиявий санкциялар белгилаш тўғрисида судга мурожаат қилади.

Биринчи инстанция суди аризани кўрмасдан қолдириш ҳақида ажрим чиқаришда Монополияга қарши орган томонидан Низом талабларига (судгача низони ҳал қилиш тартибига) риоя қилинмаганлигига, жавобгарга кўрсатмани юбормаганлигига ва жарима суммасини ихтиёрий равишда тўлаш учун тегишли муддат бермаганлигига асосланган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2010 йил 25 мартдаги 41-сонли қарори
билан тасдиқланган)

2.7. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1999 ЙИЛ 3 ИЮЛДАГИ 327-СОН ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН «МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРМАЁТГАН ВА ҚОНУНЧИЛИКДА БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРДА ЎЗЛАРИНИНГ УСТАВ ЖАМҒАРМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРМАГАН КОРХОНАЛАРНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМГА АСОСАН КОРХОНАЛАРНИ ТУГАТИШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАЛАРНИНГ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИГА ДОИР СУД АМАЛИЁТИ

1. Низомнинг 3.1-банди учинчи қисмига асосан хўжалик суди томонидан корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, тугатиш жараёни унинг топшириғига кўра махсус комиссия томонидан амалга оширилиши белгиланганлиги боис суднинг корхонани тугатиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорида тугатиш ишларини олиб бориш туман ҳокимлиги қошидаги махсус комиссия зиммасига юклатилиши лозим.

Ромитан туман ҳокимлиги ҳузуридаги тугатиш комиссияси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, «ЗИЛОЛА-ЗАРИНА» ХК тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, корхонани тугатиш Ромитан туман ҳокимлиги зиммасига юклатилган ҳамда корхонадан туман ҳокимлигига 7000 сўм почта харажатлари ундирилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, Ромитан туман ҳокимлиги тугатиш комиссияси раиси А. Ражабов томонидан жавобгарни тугатиш ҳақида даъво аризаси берилган.

Суд томонидан фақат рўйхатдан ўтказувчи орган корхонани тугатиш тўғрисидаги даъво аризаси бериш ҳуқуқига эга эканлиги, даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари жавобгарга юборилганлиги, рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан фаолият кўрсатмаётган корхонанининг муассисига корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақида ёзма таклиф юборганлиги ҳолатлари ўрганилмасдан, даъво аризаси иш юритиш учун қабул қилинган ва кўриб чиқилган.

Ромитан туман ҳокимининг ўринбосари томонидан тасдиқланган йиғилиш баёнига асосан қонунчиликда белгиланган ўз

устав жамғармасини шакллантирмаганлиги сабабли корхона фаолиятини бундан кейин давом эттириши мақсадга мувофиқ эмас деб топилган. Суд томонидан махсус комиссия қарорининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси талаб қилиб олинмаган ва ўрганилмаган.

Ромитан туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан корхона муассисига ихтиёрий тугатиш ҳақидаги ёзма таклиф юборилганлигини тасдиқловчи далиллар ишда мавжуд эмас.

Низом 3.1-бандининг учинчи қисмида хўжалик суди томонидан корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш жараёни унинг топшириғига кўра махсус комиссия томонидан амалга оширилиши назарда тутилган бўлса-да, суднинг ҳал қилув қарори билан корхонани тугатиш туман ҳокимлиги зиммасига юклатилган.

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўғрисидаги ишлар бўйича аризачи ва жавобгар суд чиқимлари ҳамда давлат божи тўлашдан озод қилинган бўлса-да, суднинг ҳал қилув қарори билан корхонадан туман ҳокимлиги фойдасига 7000 сўм почта харажатлари ундирилган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарори бекор қилинган ҳамда иш биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юборилган.

2. Рўйхатдан ўтказувчи орган корхона фаолиятини бундан кейин давом эттиришининг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида солиқ органининг тақдимномасини ёки махсус комиссиянинг хулосасини олган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда унинг муассисларига (қатнашчиларига) корхонани ихтиёрий тугатишни таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хўжалик судига мурожаат этиб, «Узтюрк корпорейшн» ҚК тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Суд томонидан ҚКнинг таъсисчилари ҳақидаги маълумотлар аниқланмаган. Даъво аризасида «Ўзбеккоопвнешторг» бирлашмаси ва «Акча ич ве диш тиджарет лимитед ширкет» МЧЖ жа-

вобгарнинг таъсисчилари сифатида кўрсатилган бўлса, Яккасарой туман ДСИнинг тақдимномасида эса улардан ташқари «Салим энд санз интернейшнл» МЧЖ ҳам таъсисчи сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги эътироф этилган.

Низомнинг 3.1-бандида рўйхатдан ўтказувчи орган молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатда ўз устав жамғармасини шакллантирмаган корхоналар фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида солиқ органининг тақдимномасини ёки махсус комиссиянинг хулосасини олган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда муассисларга (қатнашчиларга) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган органларга, асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда, корхонани ихтиёрий тугатишни таклиф этиши, корхона икки ҳафта муддатда (акциядорлик жамияти – бир ой муддатда) ихтиёрий равишда ўзини тугатишга киришмаган ёхуд муассислар (қатнашчилар) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган орган корхонани ихтиёрий равишда тугатишни рад этган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган корхонани тугатиш тўғрисида хўжалик судига бир ҳафта муддатда, белгиланган тартибда даъво аризаси юбориши белгиланган.

Бироқ иш ҳужжатларида рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан муассисларга ҚКни ихтиёрий тугатиш ҳақидаги ёзма таклиф юборилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас. 2008 йил 1 февралдаги хат нусхасининг ўзигина ёзма таклиф белгиланган тартибда юборилганлигини исботламайди.

Булардан ташқари ҚКнинг юридик манзили тўғрисидаги маълумотлар ҳам аниқланмаган. Даъво аризаси, тақдимнома ва банк маълумотномасида ҚКнинг юридик манзили У. Носир кўчаси, 158 А-уй деб кўрсатилган. Лекин 2008 йил 30 январдаги далолатномада ушбу манзилда ҚК рўйхатдан ўтмаганлиги ва жойлашмаганлиги, мол-мулки мавжуд эмаслиги кўрсатилган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарори бекор қилинган ҳамда иш биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юборилган.

3. Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан корхонанинг муассисларига (қатнашчиларига) корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги таклифни юборилиши низони судгача ҳал

қилиш тартиби ҳисобланади ва унга риоя қилмаслик даъвони кўрмасдан қолдиришга асос бўлади.

Миробод туман ҳокимлиги хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, «Jaxon energetikasi servisi» МЧЖни тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан даъво кўрмасдан қолдирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Миробод туман ҳокими ижроия маҳкамаси томонидан корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги таклиф фақатгина жавобгарнинг муассиси Д. Усмановга юборилган. Бироқ жамиятнинг қолган муассислари (М. Абдуразаков, Х. Атахонов)га ушбу таклиф юборилмаган ва улар бу ҳақда хабардор қилинмаган.

Ваҳоланки, Низомнинг 3.1-бандига мувофиқ рўйхатдан ўтказувчи орган муассисларга (қатнашчиларга) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган органларга, асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда, корхонани ихтиёрий тугатишни таклиф этади. Корхона икки ҳафта муддатда (акциядорлик жамияти – бир ой муддатда) ихтиёрий равишда ўзини тугатишга киришмаган ёхуд муассислар (қатнашчилар) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган орган корхонани ихтиёрий равишда тугатишни рад этган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган корхонани тугатиш тўғрисида хўжалик судига бир ҳафта муддатда, белгиланган тартибда даъво аризаси юборади.

Ишдаги далиллар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан жавобгарнинг барча муассислар (қатнашчилар)ига корхонани ихтиёрий тугатиш ҳақидаги ёзма таклиф юборилмаганлигидан далолат беради.

Шу сабабли биринчи инстанция суди ХПК 88-моддасининг 5-бандига асосан даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақида қонуний хулосага келган.

4. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари юридик шахс ҳисобланмайди ва хўжалик судига даъво аризаси (ариза) билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Тошлоқ туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, «Акмал–93» ҚКни тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Суд томонидан даъво аризасини имзолаган инспекция бошлиғининг уни имзолашга ваколати борлиги, даъво аризасига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар илова қилинмаганлиги, низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилганлиги ҳолатлари ўрганилмасдан, даъво аризаси иш юритиш учун қабул қилинган ва кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 27 сентябрда 1279-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 05–20–401, 14 ва 01/23–55-сон қарори билан тасдиқланган «Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисида»ги Намунавий Низомнинг 1-бандига мувофиқ туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузурида тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларига ҳисоб берадиган тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ташкил этилади, инспекция туман (шаҳар) ҳокимлиги тузилмасига киради ва юридик шахс ҳисобланмайди, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлмайди, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ва бошқа шахслар билан ўз номидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришишга ҳақли эмас.

5. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўғрисидаги ишлар бўйича даъвогар ва жавобгар суд чиқимлари ҳамда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Денов туман ДСИ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, «АГРОКИМЁХИЗМАТ–13» ХФни тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, жавобгарни тугатиш ДСИ ва Денов туман ҳокимлиги ҳузуридаги махсус комиссия зиммасига юкланган ҳамда жавобгардан 186 300 сўм давлат божи ва 7 000 сўм почта харажатлари ундирилган.

Суд томонидан даъво аризасини расмийлаштиришда белгиланган шакл ва мазмунига риоя қилинмаганлигига, унга даъ-

во талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаганлигига эътибор берилмаган. Жумладан, даъво аризасини имзолаган мансабдор шахснинг уни имзолашга ваколати борлиги, низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилганлиги ҳолатлари ўрганилмасдан, даъво аризаси иш юритиш учун қабул қилинган ва кўриб чиқилган.

Биринчи инстанция суди томонидан процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя этилмасдан, даъвогарнинг розилиги билан туман ДСИ туман ҳокимлиги билан алмаштирилмасдан, у суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмасдан, унинг (туман хокимлигининг) ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Суд мажлиси жараёнида жавобгар суд мажлисига келмаган.

Ваҳоланки, Олий хўжалик суди Пленумининг «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида»ги 2007 йил 15 июндаги 162-сон қарорининг 29-бандига кўра, тегишли тартибда суд муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинмаган шахснинг иштирокисиз ишни кўрилишига йўл қўйилмайди ва бу ҳар қандай ҳолда ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.

Низом 3.1-бандининг учинчи қисмида хўжалик суди томонидан корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, тугатиш жараёни унинг топшириғига кўра махсус комиссия томонидан амалга оширилиши назарда тутилган бўлса-да, суднинг ҳал қилув қарори билан ХФни тугатиш ДСИ зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 1999 йил 28 июндаги ПФ–2331-сон Фармонининг 5-бандига мувофиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд чиқимлари ҳамда давлат божи тўлашдан озод қилинган.

Аризачи ва жавобгар суд чиқимлари ҳамда давлат божи тўлашдан озод қилинган бўлса-да, суднинг ҳал қилув қарори билан асоссиз равишда жавобгардан давлат божи ва почта харажатлари ундирилган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарори бекор қилинган ҳамда иш биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юборилган.

6. Ишда иштирок этувчи шахс (ташкилот) тугатилиб, давлат реестридан чиқарилган бўлса, хўжалик суди томонидан иш юритиш тугатилади.

Хамза туман ҳокимлиги хўжалик судига мурожаат қилиб, «Gold Insayt» МЧЖни тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, Ҳамза туман ҳокимлиги жавобгарни молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхона деб ҳисоблаб, уни тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция суди ишни кўришда процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаган.

Жавобгар хўжалик судининг 2009 йил 22 июлдаги ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган. Ҳамза туман ҳокимлиги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2009 йил 24 августдаги маълумотномасига кўра жавобгар давлат реестридан чиқарилган.

ХПК 86-моддасининг 4-бандига асосан ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот тугатилган бўлса, иш юритиш тугатилади.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарорини бекор қилиниб, хўжалик иши бўйича иш юритиш тугатилган.

7. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзининг устав жамғармасини шакллантирмаган корхонанинг кредиторлар олдида қарздорлиги мавжудлиги корхонани тугатиш тўғрисидаги даъво аризасини рад қилиш учун асос бўлмайди.

Навоий шаҳар ҳокимлиги хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Навоий вилоят Халқ таълими бошқармаси ўқувишлаб чиқариш, касбга тайёрлаш ва маркетинг бўлимини тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Навоий шаҳар ДСИнинг корхонани тугатиш бўйича тақдимномасида ва корхонани тугатиш бўйича сўровномасида корхонанинг бюджет олдидаги қарзи 12 532 000 сўмни ташкил қилиши кўрсатилган. Шунингдек, «Ўзсаноатқурилишбанки» Навоий минтақавий филиали томонидан тақдим этилган маълумотномада корхонанинг 2009 йил 21 июль ҳолатида бюджет олдидаги қарзлари 23 502 000 сўмни ташкил этиши кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 185-моддасига асосланиб, жавобгарнинг бюджетдан қарзлари мавжудлиги сабабли, уни тугатиб бўлмайди деган хулосага келган ҳамда даъвони рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 185-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) ўз устав фондини шакллантирмаганлиги муносабати билан тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, бундай юридик шахс ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда тугатилади.

Биринчи инстанция суди томонидан мазкур қонун нормаси нотўғри қўлланилган. Чунки ушбу норма тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилади ва юридик шахсни тугатиш ишларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган, яъни юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаганда, юридик шахс «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган тартибда тугатилади.

8. Савдо ва савдо-воситачи корхоналар томонидан уч ой мобайнида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахслар томонидан эса – олти ой мобайнида молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганда рўйхатдан ўтказувчи орган

корхонани тугатиш ҳақида хўжалик судига даъво аризаси бериши мумкин.

Зарафшон шаҳар ҳокимлиги хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Шамс-Зарафшон» ХКни тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, 2008 йил 26 августда Зарафшон шаҳар ҳокимлиги хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар олти ойдан зиёд муддатда ўз иш фаолиятини юритмаганлиги сабабли уни тугатишни сўраган.

Низом талабларига кўра, савдо ва савдо-воситачи корхоналар томонидан уч ой мобайнида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахслар томонидан эса – олти ой мобайнида молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганда рўйхатдан ўтказувчи орган корхонани тугатиш ҳақида хўжалик судига даъво аризаси бериши мумкин.

Зарафшон шаҳар ДСИ томонидан 2008 йил 27 июнда Зарафшон шаҳар корхоналарни тугатиш комиссиясига берилган 17-сон тақдимномасидан кўринишича, жавобгарнинг ҳисоб рақами бўйича охирги операцияни ўтказиш санаси 2008 йил 27 июнь деб кўрсатилган.

Мазкур ҳолатда жавобгар томонидан икки ой мобайнида ўз иш фаолиятини юритмаганлиги сабабли суд асосли равишда корхонани тугатиш ҳақидаги даъво аризасини рад қилган.

9. Корхона устав жамғармасини қонунчиликда белгиланган муддатларда шакллантирмаганлиги корхонани тугатиш учун асос бўлади. Корхона муассислар (қатнашчилар)ининг суд мажлисида иштирок этмаганлиги эса ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хўжалик судига мурожаат қилиб, «UZROSSEL TRADE» МЧЖ ҚКни тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, жавобгар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 1 ноябрда 642-реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Корхонанинг устав капитали 9 200 000 АҚШ доллари миқдорида белгиланган. Аммо корхона устав капиталини қонунда белгиланган муддатда шакллантирмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жавобгарнинг таъсисчилари «ВАЦЭТ» МЧЖ ва «O‘ZBEK QISHLOQ SAVDO» МЧЖга 2008 йил 8 августдаги 08–642-а/в-сонли хат билан икки ҳафта муддатда корхона устав жамғармасини шакллантириш ёки уни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисида талабнома йўллаган. Ушбу талаб жавобсиз қолдирилганлиги сабабли рўйхатдан ўтказувчи орган корхонани тугатишни сўраб хўжалик судига мурожаат қилган.

ФК 53-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисига кўра, юридик шахс фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонун томонидан тақиқланган фаолият амалга оширилган ёхуд олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхонаси эса – уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган, деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно, ва (ёки) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ тугатилади.

Жавобгар ўз устав жамғармасини бир йилдан ортиқ муддатда шакллантирмаганлиги учун биринчи инстанция суди корхонани тугатиш ҳақида хулосага келган. Апелляция инстанцияси суди эса моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Кассация инстанцияси суди шикоятда билдирилган корхона муассислар (қатнашчилар)и ишга жалб этилмаганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилиниши ҳақидаги важ билан келишган. Чунки корхона таъсисчилари ишда иштирок этувчи шахслар ҳисобланмайди, жавобгар эса суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида белгиланган тартибда хабардор қилинган ҳамда унинг вакиллари

суд мажлисида иштирок этган ва уларнинг тушунтиришлари суда тингланган. Шу сабабли кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2010 йил 27 майдаги 73-сонли қарори билан тасдиқланган)

2.8. 2010 ЙИЛДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ОИД ИШЛАРНИ КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. Тадбиркорлик субъектининг улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи махсус лицензияга эга бўлмасдан туриб улгуржи тартибда савдо фаолиятини амалга ошириб олган даромади молиявий санкция қўллашга асос бўлади.

Чиноз туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, СКнинг 117-моддасига асосан «SABR» ХКга нисбатан 44 799 600 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

«SABR» ХК мансабдор шахсларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича прокуратура органининг қарори ва ДСИнинг буйруғига асосан ХКда текшириш ўтказилган. Текширишда ХКнинг улгуржи савдо фаолиятини лицензиясиз амалга ошириши натижасида олган даромади 44 799 600 сўмдан иборатлиги аниқланган.

Биринчи инстанция суди арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этган. Бунда суд текшириш ўтказиш муддати бузилганлигини ҳамда ДСИ томонидан ХК улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириши давомида қанча миқдорда соф фойда олганлиги тўғрисидаги ҳисоб-китоб тақдим этилмаганлигини инобатга олган.

Аммо текширишда белгиланган тартиб ва қоидалар бузилмаган. Шунингдек СКнинг 22-моддасига мувофиқ соф фойда деганда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда тушунилади.

«SABR» ХК томонидан улгуржи савдо фаолиятини лицензиясиз амалга оширилиши натижасида олинган 44 799 600 сўм даромаддан ҳеч қандай солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилмаган. Шундай экан 44 799 600 сўм даромаднинг ўзи соф фойда ҳисобланади ва шу сабабли СКнинг 117-моддасига асосан «SABR» ХКга 44 799 600 сўм молиявий санкция қўлланилиши лозим эди.

Шу сабабли кассация инстанцияси суди суд қарорларини бекор қилиб, янги қарор қабул қилган ва арз қилинган талабни қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

2. Даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, даъво кўрмасдан қолдирилади.

Навоий вилоят ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Конимех-Комтекс» ШКга нисбатан 113 865 300 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, ариза даъво кўрмасдан қолдирилган.

«Конимех-Комтекс» ШКда экспорт шартномасининг бажарилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сонли қарорига риоя қилиниши юзасидан камерал назорат ўтказилган.

Назорат натижасида «Конимех-Комтекс» ШК ва Россия Федерациясининг «Арзамасская войлочная фабрика» ОАЖ ўртасида тузилган экспорт шартномаси бўйича ШК 76 096,38 АҚШ доллари миқдоридаги муддати ўтган қарздорликка йўл қўйганлиги аниқланган.

Аммо ДСИ қўлланилиши сўралаётган жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги талабни ШКга судгача юбормаган ва низони судгача ҳал этиш тартибига риоя этмаган.

ПФ–3619-сонли Фармон мазмун жиҳатидан молиявий санкцияларни қўллаш масаласини судгача ҳал қилиш тартибини белгилайди.

ХПК 88-моддасининг 5-банди талабига кўра даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, даъво кўрмасдан қолдирилади.

Бундай ҳолда биринчи инстанция суди даъвони рад этмасдан, даъвони кўрмасдан қолдириши лозим эди. Шу сабабли кассация инстанцияси суди даъво аризаси низони судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинмаган ҳолда киритилган деб топиб, суд қарорларини бекор қилиб, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган.

3. Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисми асосида тадбиркорлик субъектини жавобгарликка тортиш учун қисқа муддатли текшириш давомида сотиб олувчига квитанциялар, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар берилмаганлиги факти аниқланиши лозим.

Миробод туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «SEAL MAG» ҚКга нисбатан СК 119-моддасининг биринчи қисми асосида 1 009 350 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори кучда қолдирилган.

ДСИнинг буйруғига асосан ҚКда хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текшириш натижаси юзасидан маълумотнома расмийлаштирилиб, унда ҚК ходимининг кассасида 1 410 сўм ортиқча нақд пулнинг мавжудлиги аниқлангани баён қилинган.

СК 119-моддасининг биринчи қисмига кўра фискал хотирали НКМларини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асоси-

да қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Апелляция инстанцияси суди СК 119-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги иш материаллари билан ўз тасдиғини топган деб даъвони қаноатлантириш тўғрисида хулосага келган. Чунки текшириш далолатномаси ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённомага кўра ҚК ходими кассасида ортиқча нақд пулнинг мавжудлиги аниқланганлиги сабабли савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганликда айбланган.

Ваҳоланки, СК 119-моддасининг биринчи қисми мазмунига кўра тадбиркорлик субъектини жавобгарликка тортиш учун қисқа муддатли текшириш давомида сотиб олувчига квитанциялар, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар берилмаган бўлиши лозим. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённомада чек берилганлиги қайд этилган ҳамда ушбу ҳолат ДСИ ходими томонидан суд мажлисида тасдиқланган. Ушбу ҳолатда ҚКга нисбатан молиявий санкция қўлланилиши мумкин эмас.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини кучда қолдирган.

4. Давлат солиқ хизмати органининг солиқ тўловчини солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори солиқ текшируви далолатномасига асосланмаган бўлса, бу ҳолат ушбу қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ёки молиявий санкция қўллашни рад этиш учун асос бўлади.

Ғиждувон туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Достон Дилшод» ХФга нисбатан 2 081 600 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Ғиждувон туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг йиғилиш баённомаси ва Ғиждувон туман ДСИнинг буйруғига асосан «Достон Дилшод» ХФ иш фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказилган ва далолатнома расмийлаштирилган.

ДСҚнинг буйруғи ва ялпи тафтиш дастурига асосан Навоий вилоят ДСБ томонидан Ғиждувон туман ДСИ томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган ҳужжатли текшириш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномалари ва уларнинг натижалари бўйича кўрилган чоралари текширилган.

Текширишда «Достон Дилшод» ХФнинг ҳисоб рақамига эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун келиб тушиши лозим бўлган маблағга нисбатан 2 081 600 сўм ортиқча пул маблағи ўтказилган бўлса-да, қисқа муддатли текширишда ушбу сумма миқдорида товарлар қолдиғи мавжуд эмаслигига баҳо берилмаганлиги ва бу ҳолат бўйича СКнинг 114-моддасига асосан 2 081 600 сўм молиявий санкция қўллаш тўғрисида хўжалик судига мурожаат қилинмаганлиги аниқланган.

ДСИ фаолияти юзасидан ўтказилган ДСБнинг текшириш далолатномасига асосан Ғиждувон туман ДСИнинг солиққа оид ҳуқуқбузарликни бартараф этиш ва кирим қилинмаган товарлар суммаси миқдорида «Достон Дилшод» ХФдан 2 081 600 сўм молиявий жарима ундириш тўғрисидаги қарори қабул қилинган. Мазкур қарор нусхаси ХФга юборилган. ХФ белгиланган муддатда қарорни ижро этмаганлиги сабабли ДСИ ариза билан хўжалик судига мурожаат қилган.

Суд аризани қаноатлантиришни рад этишда қуйидагиларга асосланган.

СК 85-моддасининг иккинчи қисмига кўра, солиқ текшируви солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) ва қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширилади.

ДСҚ томонидан ДСИ иш фаолиятини текшириш натижасида аниқланган ҳолатлар ва у бўйича тузилган далолатномалар хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий санкция қўллаш учун асос бўла олмайди.

ДСИнинг солиққа оид ҳуқуқбузарликни бартараф этиш ва кирим қилинмаган товарлар суммаси миқдорида 2 081 600 сўм молиявий жарима ундириш тўғрисидаги қарорида кўрсатилган талаб, «Достон Дилшод» ХФда ўтказилган қисқа муддатли текшириш натижалари бўйича тузилган далолатномага эмас, балки Ғиждувон туман ДСИ иш фаолиятини текшириш натижасида Навоий вилоят ДСБ томонидан тузилган далолатномага асосланган.

Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарорининг 28.1-бандига кўра, солиқ текшируви ўтказилганда солиқ текшируви далолатномаси тузилмаган ҳолларда текшириш ўтказилмаган ва солиққа оид ҳуқуқбузарлик аниқланмаган деб ҳисобланади. Шунинг учун давлат солиқ хизмати органининг солиқ тўловчини солиқ текшируви натижасида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори солиқ текшируви далолатномасига асосланмаган бўлса, бу ҳолат ушбу қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ёки молиявий санкция қўллашни рад этиш учун асос бўлади.

5. СКнинг 3-моддасига кўра, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Навоий шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Халим шох Зулайхо» ХФнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этган.

Навоий шаҳар ДСИ аризасида СКнинг 96-моддасига ҳавола қилиб чораклик ҳисоботларни 2008 йил 15 февралга қадар тақдим этиш белгиланганлигини важ сифатида кўрсатиб, «Халим шох Зулайхо» ХФнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган.

Биринчи инстанция суди арз қилинган талабни қаноатлантирган.

СКнинг 96-моддаси (2009 йил 30 декабргача таҳрири) ва «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун 5-моддаси биринчи қисмининг 8-бандига (2009 йил 30 декабргача таҳрири) асосан солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинган ёхуд давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудлар, бинолар, шу жумладан кўздан кечириш учун кириши рад этилган, шунингдек солиқ ҳисоботи тақдим этилмаган ҳолларда давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлилиги белгиланган.

Давлат солиқ хизмати органи 2009 йил 30 декабргача таҳрирдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш ҳақидаги аризалар билан хўжалик судига текшириш ўтказилаётган вақтда солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш билан боғлиқ ҳисоботлар давлат солиқ хизмати органига тақдим этилмагандагина мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Ушбу ҳолатда даъво рад этилиши лозим эди. Шу сабабли кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, янги қарор қабул қилган ва даъвони қаноатлантиришни рад этган.

6. Лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги хўжалик судига мурожаат қилиб, «Бобониёз-Алишер» ХКга берилган лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг рухсатномаси, Соғлиқни сақлаш вазир-

лигининг буйруғига асосан «Бобониёз-Алишер» ХКнинг стоматология фаолияти юзасидан текшириш ўтказилган.

Текширишда ХК лицензияда кўрсатилмаган фаолият тури билан шуғулланаётганлиги, врач малакасини оширмаганлиги ва малака тоифасига эга эмаслиги, бирламчи тиббий ҳужжатлар юритилмаганлиги, фойдаланилаётган бино ва хоналарнинг ўлчами санитария қоидаларига жавоб бермаслиги, тиббий асбоб-ускуналарни стерилизация қилиш қоидаларига риоя этилмаганлиги, тиббий асбоб-ускуналарнинг сони минимал талабга жавоб бермаслиги ва метрология кўригидан ўтказилмасдан фойдаланилаётганлиги, бир марта фойдаланишга мўлжалланган воситаларни йўқ қилиш ташкил этилмаганлиги, тез тиббий ёрдам учун доридармонлар тўплами тўлиқ ташкил этилмаганлиги аниқланган.

Биринчи инстанция суди текширишда аниқланган айрим камчиликлар фирма томонидан ихтиёрий бартараф этилган, қолган камчиликлар исботланмаган деб ҳисоблаб, даъвони қаноатлантиришни рад этган.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун 23-моддасининг олтинчи хатбошисига кўра лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

Текширишда аниқланган ҳолатлар ХК томонидан лицензия шартномаси мажбуриятларини бир марта қўпол бузиш ҳисобланади. Қайд этилган Қонунда аниқланган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилганда жавобгарликдан озод қилиш белгиланмаган. Бундай ҳолда даъво қаноатлантирилиши ва лицензиянинг амал қилиши тугатилиши лозим эди.

Шу сабабли кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, янги қарор қабул қилган ва лицензиянинг амал қилишини тугатган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2011 йил 27 январдаги 12-сонли қарори билан тасдиқланган)

2.9. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ИШТИРОКИДА КЎРИЛГАН ИШЛАРГА ДОИР СУД АМАЛИЁТИ (2008–2010 ЙИЛЛАР)

1. Юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлайдилар ва банклар ҳисобварақлар очишдан бош тортганлик учун белгиланган банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,05 фоизи миқдорида жарима тўлайдилар.

Даъвогар «VERMIDOM GROUP» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Агробанк» ОАТБдан ҳисобварақ очишдан бош тортганлик учун банк устав сармояси белгиланган энг кам миқдорининг 0,05 фоизи миқдорида, яъни 5 333 675 сўм жарима ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «VERMIDOM GROUP» МЧЖ «Агробанк» ОАТБ Тошкент вилоят бошқармаси ҳудудий филиалига 2010 йил 8 апрелда 1 ва 2-сонли хатлар билан мурожаат қилиб, талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамини очишни сўраган. «Агробанк» ОАТБ Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси ушбу мурожаатларга жавобан хат билан талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамини «VERMIDOM GROUP» МЧЖ рўйхатдан ўтган тумандаги банкларда очишни тавсия қилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги Йўриқноманинг 3-бандига кўра, юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлайдилар ҳамда бир ёки бир неча банкларда миллий ва чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари, шунингдек, жамғарма, муддатли ссуда ва бошқа депозит ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эгалар.

«Ҳисобварақлар очиш, мижозлар ҳисобварақларига маблағ ўтказиш ва ҳисоблаб чиқариш, иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш тартиби бўйича

белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан жарима жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 4-бандига кўра, марказий банк меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган барча зарурий ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин банклар томонидан ҳисобварақлар очишда сабабсиз кечиктирилганлик ёки очишдан бош тортганлик, шунингдек мазкур турдаги ҳисобварақ очиш учун ортиқча ҳужжатларни талаб қилганлиги учун банк устав сармояси белгиланган энг кам миқдорининг 0,05 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ–726-сонли «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб банклар устав капиталининг энг кам миқдори тижорат банклари учун – сўм эквивалентида 5 млн. евро миқдорида белгиланган.

«VERMIDOM GROUP» МЧЖ судга мурожаат қилган пайтда 1 евро 2 133,47 сўмга тенг бўлган. Шу боис даъвогар банкдан 5 333 675 сўм (5 000 000 евро × 0,05 % × 3 133,47 сўм) миқдорида жарима ундиришни сўраган.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

2. ХПКнинг 40-моддасига асосан даъвогар хўжалик низоси бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга ёхуд даъводан воз кечишга ҳақли.

ЯТТ С. Насиридинов хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Андижон 1-тартибли наслли паррандачилик» АЖ ҳисобидан 99 551 300 сўм асосий қарз, 30 363 100 сўм пеня, жами 129 914 400 сўм ундиришни сўраган.

ЯТТ С. Насиридинов ва «Андижон 1-тартибли наслли паррандачилик» АЖ ўртасида 2007 йил 4 апрелда олди-сотди шартномаси тузилган. Шартномага асосан даъвогар жавобгарга умумий суммаси 81 850 000 сўмлик смеситель, электродвигатель ва ёмкостлар етказиб бериши лозим бўлган. Шартномага мувофиқ маҳсулотлар жавобгарга 2007 йил 11 апрелдаги 04/1-сонли счёт-фактура орқали етказиб берилган.

Шунингдек, томонлар ўртасида 2007 йил 24 майда 1-сонли қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича пудрат шартномаси тузилган. Унга кўра, тадбиркор жамиятга 27 000 000 сўмлик қурилиш пудрат ишларини бажариб бериши лозим бўлган. Тадбиркор томонидан жамиятга 26 526 122 сўмлик ишлар бажариб берилган. Бажарилган ишлар 2007 йил 24 майдаги бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаларига асосан жамият томонидан қабул қилиб олинган.

Даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин тарафлар ўртасида 2008 йил 30 июнда келишув шартномаси тузилган. Унда жамият тадбиркорга 6 072 600 сўм устама жарима тўлаб бериши белгиланган.

Ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар даъвогар ХПКнинг 40-моддасига асосан судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгардан 107 615 375 сўм асосий қарз, 6 072 600 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суд мажлиси кунига қадар жамиятнинг етказиб берилган маҳсулот ва бажарилган ишлар бўйича тадбиркор олдидаги қарзи 107 615 375 сўмни ташкил қилган. Бу эса ишдаги мавжуд ҳужжатлар, шартномалар ҳамда счёт-фактуралар, бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномалари ва ишни кўришда иштирок этган тарафлар вакилларининг кўрсатмалари билан ўз тасдиғини топган.

Шу сабабли, суд даъвони қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

3. ФКнинг 638-моддасига асосан, агар пудрат шартномасида бажарилган ишга ёки унинг айрим босқичларига олдиндан ҳак тўлаш назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи пудратчига шартлашилган ҳақни иш тегишли тарзда ва келишилган муддатда ёхуд буюртмачининг розилиги билан муддатидан олдин бажарилиб, унинг натижалари узил-кесил топширилганидан кейин тўлаши шарт.

ЯТТ Мирабдуллаев Хабибулло хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Шаҳрихон пахта тозалаш» АЖ ҳисобидан 13 886 278 сўм асосий қарз ва 5 623 942 сўм пеня ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, ЯТТ Мирабдуллаев Хабибулло ва «Шаҳрихон пахта тозалаш» АЖ ўртасида электродви-

гателларни таъмирлаш ҳақида шартнома тузилган. Шартномага мувофиқ тадбиркор томонидан жамиятга хизмат кўрсатилган. Натижада жамият 2009 йил 1 август ҳолатига тадбиркордан 13 886 278 сўм қарздор бўлиб қолган.

Шартноманинг 4-бандига кўра бажарилган ишлар учун счёт-фактурага асосан ҳисоб-китоб қилиш, 5-бандига кўра 2-ой мобайнида счёт-фактурага асосан ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,15 фоиз пеня тўлашга келишилган.

ЯТТ Мирабдуллаев Хабибулло томонидан счёт-фактуралар топширилган бўлишига қарамасдан, «Шаҳрихон пахта тозалаш» АЖ бажарилган хизмат учун тўловни амалга оширмаган. Тадбиркор томонидан қарзни тўлаб бериш учун талабнома юборилган бўлса-да, талабнома жамият томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Асосий қарз тарафлар ўртасида тузилган солиштирма далолатнома билан ўз исботини топган.

Суд қайд этилган ҳолатларни ҳисобга олиб, даъво талабларини тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

4. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасига кўра, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда амалга оширилаётган фаолиятга аралашишга ҳақли эмас.

Даъвогар «Экспресс-Сервис» МЧЖ, жавобгарлар Навоий шаҳар ҳокимияти ҳамда «Жамшид» ХФга нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Навоий шаҳар ҳокимининг 1994 йил 13 октябрдаги 1258/10-сонли қарорининг 1, 2 ва 3 бандларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Ремонт-механика участкаси (муқаддам НТМК РМЗ ОРС деб номланган) давлат ташкилоти таркибида бўлган. 1992 йилда бу ташкилот тугатилганидан сўнг, Ремонт-механика участкаси Навоий вилоят савдо бирлашмасига ўтказилиб, «Чилангар» бирлашмаси деб юритилган. Навоий шаҳар ҳокимининг 1994 йил 23 мартдаги 342/03-сонли қарорига асосан «Жамшид» жамоа мулкидаги фирмаси томонидан «Чилангар» бирлашмаси сотиб олиниб хусусийлаштирилган.

«Экспресс-Сервис» ТИЧК томонидан 1994 йил 13 октябрда Навоий шаҳридаги «Жамшид» жамоа мулкидаги фирмага тегишли бўлган Ремонт-механика участкаси сотиб олинган.

Навоий шаҳар ҳокимининг 1994 йил 13 октябрдаги 1258/10-сонли қарорининг 1-қисмида «Жамшид» жамоа мулкидаги фирмасига қарашли Ремонт-механика участкаси «Экспресс-Сервис» ишлаб чиқариш тижорат корхонасига қўшилиши тўғрисидаги жамоа умумий йиғилишининг баёни маълумот учун қабул қилинганлиги, 2-қисмида «Жамшид» жамоа мулкидаги Ремонт-механика участкасига тегишли асосий воситалар, мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар «Экспресс-Сервис» ишлаб чиқариш тижорат корхонаси ҳисобига (балансига) ўтказилганлиги, 3-қисмида эса «Экспресс-Сервис» ишлаб чиқариш тижорат корхонаси раҳбарига Ремонт-механика участкаси ишига узвий раҳбарликни, корхона ихтисосини ва ишлаб чиқариш фаолиятини сақлаб қолиш вазифаси юкланганлиги белгиланган.

«Жамшид» жамоа мулкидаги фирма Ремонт-механика участкаси ва «Экспресс-Сервис» ишлаб чиқариш тижорат корхонаси ўртасида олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар, яъни 1994 йил 21 сентябрда Навоий шаҳар ҳокимига 70-сонли хат билан мурожаат қилган. Ушбу хатда Ремонт-механика участкаси «Экспресс-Сервис» ишлаб чиқариш тижорат корхонасига сотилиши учун Навоий шаҳар ҳокимининг рухсати сўралган. Навоий шаҳар ҳокимлиги ваколат доирасидан четга чиқиб, хусусий мулкнинг тасарруф қилинишига қонун ҳужжатларига зид равишда аралашиб, «Экспресс-Сервис» ишлаб чиқариш тижорат корхонаси манфаатига зид бўлган қарор қабул қилган.

ФК 12-моддасининг биринчи қисмига кўра, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ремонт-механика участкаси (мулк) «Экспресс-Сервис» ишлаб чиқариш тижорат корхонасига ўтишидан олдин «Жамшид» жамоа мулкидаги фирмага тегишли бўлган. Мулкдор «Жамшид» ХФ ўзига тегишли бўлган мулкни ўз хоҳишига кўра тасарруф қилган,

яъни «Экспресс-Сервис» ишлаб чиқариш тижорат корхонасига шартномага мувофиқ ҳақ эвазига сотган.

Кўчмас мулк олди-сотди шартномасида Ремонт-механика участкасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари «Экспресс-Сервис» ишлаб чиқариш тижорат корхонасига ўтиши тўғрисида кўрсатиб ўтилмаган.

ХПКнинг 55-моддасига кўра, давлат органлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар кўрилганда ушбу ҳужжатларнинг қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти ҳужжатни қабул қилган орган зиммасига юклатилади.

«Жамшид» жамоа мулкидаги фирма Навоий шаҳар ҳокимининг 1996 йил 2 апрелдаги 517/04-сонли қарорига асосан «Жамшид» ХФга айлантирилган. Навоий шаҳар ҳокимининг 1999 йил 27 июлдаги К–1165/07-сонли қарорига асосан «Жамшид» ХФ тугатилган ва ягона давлат реестридан чиқарилган.

Шу боис, суд даъво талабини ҳокимиятга нисбатан қисмини қаноатлантириб, «Жамшид» ХФга нисбатан қисми бўйича ХПК 86-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра иш юритишни тугатган.

5. СК 101-моддаси талабларига кўра солиқ текшируви натижаларини расмийлаштириш бўйича тузиладиган солиқ текшируви далолатномасида солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормасига ҳавола этилган ҳолдаги муфассал тавсифи, текшириш якуни бўйича фикр ва хулосалар баён қилиниши лозим.

Даъвогар «Милосердие» фирмаси хўжалик судига мурожаат қилиб, Фарғона шаҳар ДСИ томонидан унинг ҳисобварағига қўйилган инкассо талабномаларини ижро этилиши мумкин эмас деб топишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Милосердие» фирмасида ДСИ томонидан 2008 йил 30 январда текшириш ўтказилган бўлиб, мазкур текшириш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштирилган.

Ушбу текшириш далолатномасига кўра, даъвогарга нисбатан фақат ягона солиқдан 1 627 100 сўм қўшимча ҳисобланган бўлиб, бошқа қўшимчалар ҳисобланмаган.

Бироқ, ДСИ томонидан 2009 йил 4 январда маълумотнома тузилиб, «Милосердие» фирмаси 2004 йил 17 январда кирим қилинган 87 960,0 АҚШ доллари қийматидаги пойабзал ишлаб чиқариш технологиясини беғараз ёрдам сифатида олганлиги сабабли, ялпи даромад солиғидан 20 фоиз ставкали 17 261 600 сўм қўшимча ҳисобланиши лозимлиги кўрсатилиб, фирма ҳисобварағига тегишли инкассо талабномалари қўйилган.

СК 69-моддасининг учинчи қисмида давлат солиқ хизмати органлари бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини солиқ тўловчининг шахсий карточкасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг, шунингдек, пеня ва жарималарнинг ҳисобланган ҳамда тўланган суммаларини акс эттириш орқали юритиши лозимлиги белгиланган.

СК 68-моддасининг иккинчи кисмига кўра солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базаси солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботларининг маълумотлари, ушбу Кодекснинг 84-моддасида назарда тутилган органлар, ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар, шунингдек, давлат солиқ хизмати органлари бошқа манбалардан тўпланган, шунингдек, солиқ текширувлари вақтида тўплаган ахборотлар воситасида шакллантирилади.

Гарчанд, жавобгар вакиллари даъвогарга нисбатан қўшимча солиқ ҳисоблашга ва инкассо талабномаларини тақдим этишга 2008 йил 30 январда ўтказилган солиқ текшируви асос бўлганлигини важ қилиб кўрсатсалар-да, 2008 йил 30 январда ўтказилган солиқ текшируви натижалари бўйича тузилган текшириш далолатномасида жавобгар ялпи даромад солиғидан 20 фоизли ставкада жами 32 752 924 сўм қўшимча ва устамалар ҳисобланишига асос бўлувчи ҳолатлар баён қилинмаган.

Ҳолбуки, СК 101-моддаси талабларига кўра солиқ текшируви натижаларини расмийлаштириш бўйича тузиладиган солиқ текшируви далолатномасида солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормасига ҳавола этилган ҳолдаги муфассал тавсифи, текшириш якуни бўйича фикр ва хулосалар баён қилиниши лозимдир.

Ваҳоланки, расмийлаштирилган солиқ текшируви далолатномасида ва солиқ хизмати органининг қарорида бу ҳолатлар баён

қилинмаган ҳамда ялпи даромад солиғидан қўшимча ҳисоблаш лозимлиги акс эттирилмаган.

Шунингдек, СК 102-моддасига асосан солиқ текшируви материаллари давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан солиқ текшируви тугаган кундан эътиборан ўн иш куни ўтгач, бироқ ўн беш иш кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Муқаддам ўтказилган солиқ текшируви бўйича солиқ текшируви материаллари солиқ хизмати органи томонидан кўриб чиқилиб, солиқ текшируви юзасидан 2008 йил 30 январда тегишли қарор қабул қилинган.

ДСИ ходимлари томонидан СКга зид равишда тузилган маълумотномага асосан даъвогарнинг шахсий варақасига 32 752 924 сўм қўшимча солиқ ва устамалардан бўлган қарздорлик киритилган.

Шу сабабли, даъвогар «Милосердие» фирмасининг даъвоси қаноатлантирилиб, Фарғона шаҳар ДСИнинг инкассо талабномалари ижро этилиши мумкин эмас деб топилган.

6. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 49-моддасига асосан тадбиркорлик субъектлари давлат органлари ва бошқа органларнинг ноқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ўз хоҳишларига кўра бўйсунув тартиби асосида юқори органлар ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

ЯТТ З. Ибрагимов хўжалик судига мурожаат қилиб, Навоий вилоят божхона бошқармасига «Форд транзит» ва «DAIMLER BENZ 210» русумли автомашиналарнинг кузовларини божхона расмийлаштиришдан ўтказиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, ЯТТ З. Ибрагимов белгиланган тартибда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Навоий вилоят бошқармасидан чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олган. 2007 йил декабрда Литва Республикасининг «Karero Treding Limited» корхонасидан «Форд

транзит» ҳамда «DAIMLER BENZ 210» русумли автомашиналарнинг кузовларини Ўзбекистонга олиб келган.

ЯТТ З. Ибрагимов олиб келган автомобиллар кузовларига белгиланган тартибда божхона юк декларацияси расмийлаштириб, эркин муомала режимига ўтказиш учун божхона бошқармасига мурожаат этган. Вилоят божхона бошқармаси тадбиркорнинг мурожаатига жавобан автомобиль кузовларини кузов сифатида божхона расмийлаштирувидан ўтказишни рад этган.

«Навоийавтотеххизмат» ОАЖнинг далолатномасига кўра олиб келинган автомашиналарнинг кузовларида техник қисмлар тўлиқ мавжуд эмаслиги ҳамда улар кузов сифатида таснифланиши ҳақида хулоса берилган.

«Ўзбекэкспертиза» ОАЖ «Навоийэкспертиза» ШКсининг экспертиза хулосасида мазкур автотранспорт воситаларининг кузовлари Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг 8707109000 коди билан кузов сифатида таснифланиши қайд этилган.

Бундан ташқари, «Бошдавэкосертификат» Навоий вилоят бўлими томонидан 2008 йил 30 июнда тақдим этилган маълумотномада WFOLXXBDVLW 5450580 рақамли кузов «Форд Транзит» русумли автомашина ҳисобланмаслиги сабабли, унга экологик сертификат берилмаслиги, «Автосозлаш-синов» МЧЖнинг маълумотида ҳам олиб келинган автомашиналарнинг кузовлари бут бўлмаганлиги сабабли, уларга мувофиқлик сертификати берилмаслиги кўрсатилган.

БК 93-моддасида божхона органи божхона декларациясини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида бир турдаги товарни иккинчи турдаги товар сифатида божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ҳақида қоидалар мавжуд эмас.

Шу сабабли, ЯТТ З. Ибрагимовнинг даъвоси қаноатлантирилиб, Навоий вилоят божхона бошқармасига «Форд транзит» ҳамда «DAIMLER BENZ 210» русумли автомашиналарнинг кузовларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш мажбурияти юкланган.

Шу боис, кассация инстанцияси суди суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

7. СК 30-моддасига кўра солиқ тўловчи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан тегишли

ҳуқуқий асослар вужудга келган пайтдан эътиборан улар амал қиладиган бутун давр мобайнида фойдаланишга ҳақли.

Навоий вилоят адлия бошқармаси «Зарафшон пахта сервис» МЧЖ манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, Навоий вилоят ДСБга мол-мулк солиғи бўйича имтиёз қўллаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида вилоят адлия бошқармаси хўжалик судига даъво талабини ўзгартириш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиб, ДСИ томонидан қўйилган 8 та инкассо топшириқномаларини ижро этилиши мумкин эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, давлат солиқ органининг инкассо топшириқномалари ижро этилиши мумкин эмас деб топилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги «2007–2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги 70-сонли Қарорининг 1-бандида эскирган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан ишдан чиққан асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси паст бўлган, шунингдек йирик шаҳарларда жойлашган 30 та пахта тозалаш корхонасини 2007 йил 1 августгача тайёрлов пунктларининг мавжуд тармоғини сақлаб қолган ҳолда тугатиш белгиланган.

Шунга кўра, «Навоий пахта тозалаш корхонаси» АЖнинг мол-мулклари ёпиқ ким ошди савдоларида «Навоийпахтасаноат» ҳудудий АБ ва унинг тизимидаги «Қизилтепа пахта тозалаш заводи» ОАЖ, «Хатирчи пахта тозалаш заводи» ОАЖ, «Навбаҳор пахта тозалаш заводи» ОАЖ, «Нотўқима» кичик корхонаси, «Техника таъмирлаш таъминот» МЧЖга сотилиб, акциядорлик жамияти Навоий шаҳар ҳокимининг қарорига асосан ягона давлат реестридан чиқарилган.

«Навоийпахтасаноат» ҳудудий АБ тизимидаги «Қизилтепа пахта тозалаш заводи» ОАЖ, «Хатирчи пахта тозалаш заводи» ОАЖ, «Навбаҳор пахта тозалаш заводи» ОАЖ, «Нотўқима» кичик корхонаси, «Техника таъмирлаш таъминот» МЧЖ ва «Пахтатранс» АЖ томонидан 2007 йил 5 июлда бўлиб ўтган таъсисчилар

йиғилиши қарорига асосан «Зарафшон пахта сервис» МЧЖ ташкил этилиб, ушбу жамият Кармана туман ҳокимининг 2007 йил 12 июлдаги 7/27-сон қарорига асосан ягона давлат реестрига киритилган.

Давлат солиқ органи «Зарафшон пахта сервис» МЧЖнинг низом жамғармаси «Навоийпахтасаноат» бирлашмаси тизимидаги корхоналар томонидан шакллантирилганлиги ҳамда корхона «Навоий пахта тозалаш заводи» АЖнинг мол-мулклари негизида ташкил қилинган деб ҳисоблаб, МЧЖнинг мол-мулкларига жами 88 578 868 сўм мол-мулк солиғи ҳисоблаб, даъвогарнинг банкдаги ҳисобварағига ДСИ томонидан инкассо топшириқномалари қўйилган.

СК 269-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига мувофиқ янги ташкил этилган корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида мол-мулкига солинадиган солиқдан озод қилинади. Мазкур имтиёз тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналарнинг уларга қарашли алоҳида ва таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда асосий фондлари негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек корхоналар ҳузурида ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан, агар мазкур юридик шахслар ушбу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлса, қўлланилмайди.

«Зарафшон пахта сервис» МЧЖ янги ташкил этилган корхона ҳисобланади. Бундан ташқари, у «Навоий пахта тозалаш корхонаси» АЖнинг таркибий бўлинмалари ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда асосий фондлари негизида ташкил этилган корхона ёки акциядорлик жамияти ҳузурида ташкил этилган юридик шахс ҳисобланмайди.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди суд қарорларини ўзгаришсиз қолдирган.

8. ХПК 60-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, жиноят иши бўйича умумий суднинг қонуний кучга кирган ҳукми муайян ҳаракатлар содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва улар кимлар томонидан содир этилганлиги масалалари бўйича хўжалик суди учун мажбурийдир.

Юнусобод туман ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат этиб, жавобгар «Хайрулла ота фарзандлари» ХКга Солиқ кодек-

сининг 114-моддасига асосан жавобгарга нисбатан 86 674 315 сўм миқдорида молиявий санкция қўллашни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг хати, ДСҚнинг буйруғи асосида «Хайрулла ота фарзандлари» ХКга қарашли савдо тармоғида қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текширув юзасидан тузилган далолатномада 2009 йил 3 сентябрдан 2010 йил 3 мартгача юритилган иккиламчи бухгалтерия дафтарчаси текширилганда 86 674 315 сўм савдо тушуми НКМ хотирасига киритилмаганлиги ва ушбу пуллар банкка топширилмаганлиги қайд этилган.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан Юнусобод туман ДСИ томонидан 2010 йил 26 мартда корхонага 86 674 315 сўм миқдоридаги молиявий санкцияни ихтиёрий равишда тўлаб бериш ҳақида қарор қабул қилинган.

Текширишда аниқланган ҳолатлар юзасидан жавобгарнинг мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукми эълон қилинган. Мазкур ҳукмдан кўринишича, жиноят иши юзасидан Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази томонидан суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилган. Экспертиза хулосасига кўра, дастлабки терговда ашёвий далил деб олинган иккиламчи бухгалтерия дафтарчасини «Бухгалтерия ҳисоботи тўғрисида»ги Қонун ҳамда Адлия вазирлигидан 2004 йил 14 январда 1297-рақам билан рўйхатдан ўтган «Бухгалтерия ҳисоботидаги ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланмаси ҳақида»ги Низомга асосан бухгалтерия ҳужжати деб ҳисоблаб бўлмайди. Ушбу дафтардаги ёзувларга асосланиб корхона раҳбари 2009 йил 3 сентябрдан 2010 йил 3 мартга қадар «Хайрулла ота фарзандлари» ХКга қарашли савдо дўконида 86 674,3 минг сўм даромад олган деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Шу сабабли, жиноят ишлари бўйича суд «Хайрулла ота фарзандлари» ХК мансабдор шахсларига нисбатан 86 674,3 минг сўмлик савдо пуллари НКМ хотирасига киритилмаганлиги ва банкка топширилмаганлиги ҳақидаги айбловни чиқариб ташлашни лозим топган. Яъни, 86 674,3 минг сўмлик савдо пулларини

НКМ хотирасига киритилмаганлик ва банкка топширилмаганлик ҳолати ўз тасдиғини топмаган.

ХПК 60-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, жиноят иши бўйича умумий суднинг қонуний кучга кирган ҳукми муайян ҳаракатлар содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва улар кимлар томонидан содир этилганлиги масалалари бўйича хўжалик суди учун мажбурийдир.

Шу боис, суднинг ҳал қилув қарори билан ДСИнинг талабларини қаноатлантириш рад этилган.

9. СКнинг 32 ва 34-моддаларига асосан солиқ тўловчилар ўз солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши, қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши ҳамда солиқ мажбуриятини бажариш учун солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаши ҳамда уларнинг ҳисобини юритиши шарт.

Юнусобод туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Анвар Азиз Сервис» ХКга нисбатан 9 382 002 сўм миқдорида молиявий санкция қўллашни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Тошкент шаҳар ДСБ бошлиғининг буйруғи асосида «Анвар Азиз Сервис» ХКга қарашли савдо тармоғида қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текшириш натижалари бўйича тузилган далолатномага кўра, сотувчи Р. Қурбонов харидорга сотилган 14 000 сўмлик товар учун харид чеки уриб бермаган ва 40 500 сўм кунлик савдо тушумини НКМ хотирасига киритмаган. Шунингдек, дўкон сотувчиси А. Хожимуратов кунлик ҳисобот бўйича 3 100 сўм ва даврий ҳисобот бўйича 796 886 сўм савдо пулларини НКМ хотирасига киритмаган. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъекти томонидан 937 702 сўм савдо пуллари ўз вақтида банкка топширилмаган. Дўконда кирим ҳужжатлари ва сифат сертификатлари бўлмаган 15 турдаги 40 дона 227 600 сўмлик акциз маркали спиртли ичимликлар ва 120 турдаги 1 568 дона 1 767 500 сўмлик ноозиқ-овқат моллари, жами 1 995 100 сўмлик маҳсулотлар борлиги аниқланган.

Ишни кўриш жараёнида аризачининг вакили Миллий банк Юнусобод бўлимининг маълумотномасига асосланган ҳолда «Анвар Азиз Сервис» ХК томонидан 2009 йил 20 ноябрда 878 531 сўм пул маблағи махсус ҳисоб рақамларга ўтказилганлиги сабабли,

жавобгарга нисбатан 8 503 471 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни сўраган.

СК 119-моддасига кўра фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

СК 114-моддасига кўра кирим қилинмаган товарларни сақлаш, бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар мустасно, ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш (камайтириб кўрсатиш);

кирим қилинмаган товар қиймати ёки яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сонли «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 3-бандига кўра, мазкур қарорда тасдиқланган алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари бузилганлиги учун юридик шахсларга алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима солинади.

Шу боис, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан «Анвар Азиз Сервис» ХКга нисбатан 8 503 471 сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилган.

10. ФКнинг 705-моддасига асосан буюртмачи ўзига кўрсатилган хизматлар ҳақини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида кўрсатилган муддатларда ва тартибда тўлаши шарт.

Қашқадарё вилоят прокуратураси ЯТТ И. Алимов манфаатида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Coscom» корхонаси ҳисобидан 8 941 500 сўм асосий қарз, 4 671 927 сўм пеня ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, ЯТТ И. Алимов билан «Coscom» корхонаси ўртасида тузилган 2007 йил 2 июлдаги шартномага асосан «Агент» (ЯТТ Алимов Исмоил) томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилиб, «Клиент» билан тўлқинли радиотелефон алоқа хизматларини кўрсатиш учун компания номидан шартномалар имзоланган ҳамда ҳужжатлар компанияга тақдим этилган.

Бироқ компания томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмасдан, «Агент» олдида тақдирлаш суммасидан 8 941 500 сўм, абонент тўловидан 402 355 сўм, жами 9 343 855 сўм қарзи вужудга келган ҳамда мазкур қарздорлик «Coscom» корхонаси билан «Агент» ўртасида тузилган 2008 йил 11 сентябрдаги ўзаро солиштирма далолатномасига асосан ўз тасдиғини топган.

ФК 234-моддасининг иккинчи қисмига кўра, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФК 244-моддасининг биринчи қисмида агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятни бажаришни кечиктиришга ёки уни бўлиб-бўлиб бажаришга йўл қўйилмаслиги қайд этилган.

ФКнинг 703-моддасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш) буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олиши назарда тутилган.

ФКнинг 705-моддасига кўра, буюртмачи ўзига кўрсатилган хизматлар ҳақини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида кўрсатилган муддатларда ва тартибда тўлаши шарт.

Шу боис, суднинг ҳал қилув қарори билан даъвонинг 8 941 500 сўм асосий қарз ундириш қисми тўлиқ қаноатлантирилган. Даъвонинг пеня ундириш қисми қисман қаноатлантирилиб, 1 800 000 сўм пеня ундирилган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2011 йил 24 февралдаги 19-сонли қарори билан тасдиқланган)

2.10. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН 2008–2010 ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ЛИЦЕНЗИЯЛАРИ (РУХСАТНОМАЛАРИ)НИ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШ ЁКИ АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТУГАТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАЛАРНИ КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги низо хўжалик судига тааллуқли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хўжалик судига мурожаат қилиб, ЯТТ Н. Зекрияевга берилган лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан иш юритиш тугатилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ЯТТ Н. Зекрияев лицензия шартномаси шартларини қўпол равишда бузган деб ҳисоблаб, унга берилган лицензиянинг амал қилиш муддатини тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция суди процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаб, иш юритишни тугатган.

ХПК 23-моддасининг иккинчи қисмига биноан қонун билан хўжалик судига тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун 23-моддасининг учинчи қисмига асосан лицензиянинг амал қилишини тугатиш ушбу модданинг биринчи қисми олтинчи – саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда суд тартибида амалга оширилади. Лицензияловчи органнинг тадбиркорлик субъекти лицензия шартномаси шартларини қўпол равишда бузган деб ҳисоблаб, унга берилган лицензиянинг амал қилиш муддатини тугатиш ҳақидаги низо хўжалик судига тааллуқли ҳисобланади.

Шу сабабли, кассация инстанцияси судлов ҳайъати суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

2. Лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда, у бекор қилинади.

Марғилон шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Замин зийнат шамс» ХКга берилган улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни бекор қилишни сўраган.

Суд ажрими билан Марғилон шаҳар ҳокимлиги аризачи сифатида ишга жалб этилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўрилмаган.

Марғилон шаҳар ДСИ «Замин зийнат шамс» ХК лицензияни сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги фактини аниқлаб, лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги даъво билан хўжалик судига мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди томонидан Марғилон шаҳар ҳокимлиги ишга аризачи сифатида тўғри жалб этилган. Чунки, лицензияни бекор қилиш ёки лицензиянинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги аризалар лицензияловчи органнинг аризаси асосида хўжалик судларида кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган «Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандида улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг камида 3500 баравари миқдорида, улардан энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1200 баравари миқдорида пул маблағлари билан шакллантирилган устав фондининг мавжуд бўлиши белгиланган.

Аммо «Замин зийнат шамс» ХК ушбу лицензияни олишда сохта ҳужжатлардан фойдаланганлиги, яъни ХК устав жамғармасини шакллантирмасдан, уни шакллантирганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар асосида лицензия олганлиги иш ҳужжатлари билан исботланган.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун 24-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда суд қарорига асосан бекор қилинади.

Шу сабабли, суд «Замин зийнат шамс» ХКга берилган улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни бекор қилган.

3. Лицензиат томонидан лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузилганлиги лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хўжалик судига мурожаат қилиб, «Vito Lyuks-Farm» ХКга берилган лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг рухсатномаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан «Vito Lyuks-Farm» ХКнинг фаолияти юзасидан текшириш ўтказилган. Текшириш тартиби ва қоидалари текширувчилар томонидан бузилмаган.

Текширишда ХКга қарашли дорихонада 6 турдаги давлат рўйхатидан ўтказилмаган, 3 турдаги сифатсиз, 20 турдаги сифат сертификатлари мавжуд бўлмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар сотилаётганлиги, бўлиши мажбурий бўлган 3 турдаги дори воситалари мавжуд эмаслиги аниқланган, 8 турдаги дори воситаларига давлат тилидаги йўриқномалар тақдим этилмаган. Бундан ташқари дорихонада дориларни сақлашга шароит яратилмаганлиги, баклампа, кондиционер ва музлатгич мавжуд эмаслиги аниқланган.

Шу сабабли аризачи «Vito Lyuks-Farm» ХКга берилган лицензияни амал қилишини тугатишни сўраган.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун 23-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига кўра лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

Текширишда аниқланган ҳолатлар «Vito Lyuks-Farm» ХК томонидан лицензия шартномаси мажбуриятларини бир неча марта қўпол бузиш ҳисобланади. Шу сабабли апелляция инстанцияси суди асосли равишда ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси судлов ҳайъати суд қарорларини ўзгаришсиз қолдирган.

4. Суд лицензиянинг амал қилишини тугатганда жавобгарга суд қарорини олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензияни лицензияловчи органга қайтариш, лицензияловчи органга эса лицензияни йўқ қилиб, бу ҳақдаги маълумотни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш масъулиятини юклаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хўжалик судига мурожаат қилиб, «Бобониёз-Алишер» ХКга 2005 йил 19 декабрда берилган лицензиянинг амал қилиш муддатини тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза рад этилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг рухсатномаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан «Бобониёз-Алишер» ХКнинг стоматология фаолияти юзасидан текшириш ўтказилган. Текшириш тартиби ва қоидалари текширувчилар томонидан бузилмаган.

Текширишда ХК лицензияда кўрсатилмаган фаолият тури билан шуғулланаётганлиги, шифокор мутахассис малакасини оширмаганлиги ва малака тоифасига эга эмаслиги, бирламчи тиббий ҳужжатлар юритилмаганлиги, фойдаланилаётган бино ва хоналарнинг ўлчами санитария қоидаларига жавоб бермаслиги, тиббий асбоб-ускуналарни стерилизация қилиш қоидаларига риоя этилмаганлиги, тиббий асбоб-ускуналарнинг сони минимал талабга жавоб бермаслиги ва метрология кўригидан ўтказилмасдан фойдаланилаётганлиги, бир марта фойдаланишга мўлжалланган воситаларни йўқ қилиш ташкил этилмаганлиги, тез тиббий ёрдам учун дори-дармонлар тўплами тўлиқ ташкил этилмаганлиги аниқланган.

Шу сабабли, аризачи «Бобониёз-Алишер» ХКга берилган амбулатор шароитда терапевтик стоматология фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни амал қилиш муддатини тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция суди текширишда аниқланган айрим камчиликлар фирма томонидан ихтиёрий бартараф этилган, қолган камчиликлар исботланмаган деб ҳисоблаб, аризани рад этган.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун 23-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига кўра лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

Текширишда аниқланган ҳолатлар «Бобониёз-Алишер» ХК томонидан лицензия шартномаси мажбуриятларини бир неча марта қўпол бузиш ҳисобланади. Қайд этилган Қонунда аниқланган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилганда жавобгарликдан озод қилиш белгиланмаган.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун 23-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларига мувофиқ лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия лицензияловчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Шу сабабли, кассация инстанцияси судлов ҳайъати ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризани қаноатлантирган. «Бобониёз-Алишер» ХКга ушбу қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензияни Соғлиқни сақлаш вазирлигига қайтариш, Соғлиқни сақлаш вазирлигига эса лицензияни йўқ қилиб, бу ҳақдаги маълумотни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш масъулияти юклатилган.

5. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки тугатиш ва бекор қилиш ҳақидаги ариза билан судга фақат лицензияловчи орган мурожаат қилиши мумкин.

Хонқа туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «OMAD FAYZ XONQA» МЧЖни алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, унга молиявий жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза рад қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Хоразм вилоят ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ва Хонқа туман ДСИ раҳбарининг буйруғи асосида «OMAD FAYZ XONQA» МЧЖга қарашли Хонқа туман Томадурвадик қишлоғида жойлашган озиқ-овқатлар ва алкоголли маҳсулотлар сотиш савдо шохобчасида 2008 йил 20 февралда қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текшириш қоидалари ва тартиби бузилмаган.

Текширишда савдо шохобчаси сотувчиси 18 ёшга тўлмаган фуқаро З. Юсупов алкоголли маҳсулотларни сотаётганлиги аниқланган.

Шу сабабли, аризачи жавобгарни алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, унга 3 726 000 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди текширувчилар томонидан текшириш далолатномаси нусхаси жавобгарга берилмаган, текширишда холислар иштирок этмаган деб ҳисоблаб, даъвони рад этиш ҳақида хулосага келган.

Бироқ, иш ҳужжатларидан кўринишича, текшириш далолатномаси ДСИ ходимлари ҳамда савдо шохобчаси сотувчиси ва ишчиси томонидан имзоланган, аммо жамият раҳбари имзо чекишдан бош тортганлиги сабабли, бу ҳақда тегишли далолатнома тузилган. Текшириш далолатномаси жавобгар манзилига почта орқали буюртма хат билан юборилган.

СК 101-моддасининг олтинчи қисмига кўра, солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасини олишдан бош тортган тақдирда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда солиқ текшируви далолатномасига тегишли ёзув киритади. Мазкур ҳолда солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига почта орқали буюртма хат билан юборилади ва у жўнатилган кундан эътиборан уч кун ўтгач, солиқ тўловчига топширилган ҳисобланади.

Ушбу ҳолатга биринчи ва апелляция инстанцияси судлари эътибор бермаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сонли Қарори билан тасдиқланган «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари»нинг 15-бандига кўра алкоголли маҳсулотларни 18 ёшга тўлмаган шахс-

ларга сотиш тақиқланади. Қарорнинг 3-бандига мувофиқ ушбу қоидаларнинг бузилиши қайд этилган юридик шахсларни алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиб, уларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Лекин ДСИ жавобгарни алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли эмас. Чунки, бундай талаб билан мурожаат қилиш лицензияловчи органнинг ваколатига киради. Амалдаги қонун ҳужжатларида давлат солиқ хизмати органларига бундай ваколат берилмаган.

Қайд этилганларга кўра кассация инстанцияси суди суд қарорларини бекор қилиб, даъвони қисман қаноатлантирган. Жавобгарга энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида – 3 726 000 сўм жарима қўллаб, МЧЖга берилган алкогол маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги талаб рад этилган.

6. Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигини аниқлаган ҳолларда бу ҳақда лицензияловчи органга хабар қилишлари шарт.

Нукус шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Нурамед фарм» ХФга берилган лицензияни бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза рад этилган. Шунингдек, хусусий ажрим чиқарилиб, Қорақалпоғистон Республикаси ДСБга юборилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ва Нукус шаҳар ДСИ раҳбарининг буйруғи асосида «Нурамед фарм» ХФга қарашли дорихонада қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текширишда «Нурамед фарм» ХФга қарашли дорихонада давлат рўйхатидан ўтказилмаган, сифатсиз, сифат сертификатлари мавжуд бўлмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар сотилаётганлиги аниқланган.

Шу сабабли ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Нурамед фарм» ХФга берилган лицензияни бекор қилишни сўраган.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун 24-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда суд қарорига асосан бекор қилинади. Аммо аризачи лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги фактини асослаб бермаган.

Бундан ташқари, аризачи жавобгарга берилган лицензияни бекор қилиш ҳақидаги талаб билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган. Бундай талаб билан судга мурожаат қилиш лицензияловчи органнинг ваколатига киради.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун 21-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилишларига йўл қўйилганлигини аниқлаганлари тақдирда ўз ваколатлари доирасида лицензияни берган лицензияловчи органга аниқланган қоидабузарликлар ҳақида хабар қиладилар.

ДСИ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш ўрнига хўжалик судига ариза билан мурожаат қилган. Шу сабабли суд асосли равишда аризани рад этган ва хусусий ажрим чиқариб, кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ДСБга юборган.

7. Лицензия амал қилиш муддатининг тугаши лицензиянинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги аризани рад этиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хўжалик судига мурожаат қилиб, «Данак» хусусий тиш касалликлари шифохонасига берилган лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза рад этилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўрилмаган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг рухсатномаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан «Данак» хусусий тиш касалликлари шифохонасининг фаолияти юзасидан

текшириш ўтказилган. Текшириш тартиби ва қоидалари текширувчилар томонидан бузилмаган.

Текширишда шифокор мутахассис малакасини оширмаганлиги ва малака тоифасига эга эмаслиги, бирламчи тиббий ҳужжатлар юритилмаганлиги, фойдаланилаётган бино ва хоналарнинг ўлчами санитария қоидаларига жавоб бермаслиги, тиббий асбоб-ускуналарни стерилизация қилиш қоидаларига риоя этилмаганлиги, тиббий асбоб-ускуналарнинг сони минимал талабга жавоб бермаслиги ва метрология кўригидан ўтказилмасдан фойдаланилаётганлиги, бир марта фойдаланишга мўлжалланган воситаларни йўқ қилиш ташкил этилмаганлиги, тез тиббий ёрдам учун дори-дармонлар тўплами тўлиқ ташкил этилмаганлиги аниқланган.

Шу сабабли, аризачи «Данак» хусусий тиш касалликлари шифохонасига берилган лицензияни амал қилишини тугатишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Данак» хусусий тиш касалликлари шифохонасига 2003 йил 21 январда берилган лицензиянинг амал қилиш муддати 2008 йилнинг 21 январигача белгиланган бўлиб, лицензияловчи орган томондан унинг амал қилиш муддати узайтирилмаган. Ҳал қилув қарори қабул қилинган вақтда мазкур лицензиянинг амал қилиши тугаган.

Қайд этилганларга кўра, биринчи инстанция суди аризани рад этган.

8. Лицензиат лицензияловчи орган белгилаган муддатда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этмаганда, лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хўжалик судига мурожаат қилиб, «Рамазон» хусусий дорихонасига фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензияни амал қилишини тугатишни сўрган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг режа жадвали ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси ходимлари томонидан «Ра-

мазон» хусусий дорихонасида фармацевтика фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш юзасидан текшириш ўтказилган. Текшириш юзасидан далолатнома расмийлаштирилган.

Текширишда давлат рўйхатидан ўтмаган 2 турдаги, мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлмаган 2 турдаги, давлат тилидаги қўллаш йўриқномалари мавжуд бўлмаган 9 турдаги дори воситалари мавжудлиги аниқланган бўлса, дорихонада бўлиши мажбурий бўлган 20 турдаги дори воситаларининг 6 турдагиси мавжуд эмаслиги аниқланган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан «Рамазон» хусусий дорихонаси раҳбарига 15 кун муддат ичида текшириш вақтида аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида маълумотнома тақдим этиш сўралган. Бироқ мазкур муддат ичида дорихона томонидан бош бошқармага текширишда аниқланган камчиликларни бартараф этилганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этилмаган.

Шу сабабли аризачи судга ариза билан мурожаат қилиб, «Рамазон» хусусий дорихонасига берилган лицензиянинг амал қилишини «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига асосан тугатишни сўраган. Унга кўра, лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни лицензияловчи орган белгилаган муддатда бартараф этмаганда лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

Юқоридагиларга кўра, суд аризани қаноатлантиришни лозим топган.

9. Аудиторлик ташкилотини аудитор малака сертификатига эга бўлган раҳбар бошқариши, аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 1500 баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 2 нафар аудиторга эга бўлиши шарт. Ушбу талабларга жавоб бермаслик аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия талаблари ва шартларини қўпол равишда бузиш деб баҳоланади ҳамда лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хўжалик судига мурожаат қилиб, «АУДИТ-ТАХЛИЛ» МЧЖга берилган июндаги лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган 2009 йил 10 июндаги лицензияга асосан «АУДИТ-ТАХЛИЛ» МЧЖга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат этилган. Аммо икки нафар аудиторнинг аудитор малака сертификатларининг амал қилиш муддати 2009 йил 4 августда тугаганидан кейин «АУДИТ-ТАХЛИЛ» МЧЖ биронта аудиторга эга эмас бўлиб қолган.

Ваҳоланки, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида эллик бир фоизи мазкур аудиторлик ташкилотининг штатдаги бир ёки бир неча аудиторга тегишли бўлиши, аудиторлик ташкилотининг раҳбари фақат аудитор бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ–615-сонли Қарори билан тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида»ги Низомнинг 10-бандига мувофиқ аудиторлик ташкилотини аудитор малака сертификатига эга бўлган раҳбар бошқариши, 12-бандига мувофиқ фақат ташаббускорлик асосида аудиторлик текширувини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 1500 баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 2 нафар аудиторга эга бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 26–1-бандига мувофиқ лицензия олингандан сўнг ушбу банд талабларига тўғри келмаган тақдирда аудиторлик ташкилоти номувофиқлик юзага келгандан бошлаб 5 кун давомида лицензия берувчи органни ёзма равишда хабардор қилади ҳамда кўрсатилган санадан бошлаб ка-

мида 3 ой муддатда юзага келган номувофиқликни бартараф этиши ёки бошқа турдаги аудиторлик текширувини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия олиш ёхуд белгиланган тартибда ўз фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт. Аудиторлик ташкилоти томонидан ушбу банднинг талабларига номувофиқлик бартараф этилгунга қадар аудиторлик текширувини ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликни келтириб чиқаради. Шунга қарамасдан назарда тутилган ушбу қарорлардан биронтаси «АУДИТ-ТАХЛИЛ» МЧЖ томонидан қабул қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (лицензияловчи орган) ва «АУДИТ-ТАХЛИЛ» МЧЖ (лицензиат) ўрталарида тузилган 2009 йил 10 июндаги лицензия битимига асосан (лицензиат) ўз фаолиятини лицензия талаблари ҳамда шартларига риоя этган ҳолда амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олган. «АУДИТ-ТАХЛИЛ» МЧЖда 2009 йил 4 августдан бошлаб биронта аудиторнинг ва устав капиталида аудиторларга тегишли улушнинг мавжуд эмаслиги лицензия талаблари ва шартларига зиддир.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ аудиторлик ташкилоти лицензия талаблари ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда лицензиянинг амал қилиши тугатилиши белгиланган.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди аризани қаноатлантирган, апелляция ва кассация инстанциялари судлари эса ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2011 йил 24 мартдаги 36-сонли қарори
билан тасдиқланган)

2.11. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ КОДЕКСИ УМУМИЙ ҚИСМИНИ ҚЎЛЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ (2010 йил ҳамда 2011 йилнинг биринчи ярми)

1. Агар аризада қўлланилиши кўрсатилган молиявий санкция жавобгар томонидан қисман тўланган бўлса, хўжалик суди жавобгарга нисбатан молиявий санкциянинг қолган суммасини қўллайди.

Фарғона шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, ЯТТ М. Ибрагимовага нисбатан 1 018 650 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ЯТТ М. Ибрагимовага нисбатан 318 650 сўм молиявий санкция қўлланган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг қарори ва Фарғона шаҳар ДСИнинг буйруғига асосан ЯТТ М. Ибрагимовага қарашли савдо дўконида қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текшириш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномада ЯТТ М. Ибрагимова харидордан қабул қилиб олган 2 500 сўм савдо пулини НКМга кирим қилмасдан чек бермаганлиги, шунингдек хизмат кўрсатиш ғазнасидаги нақд пуллар саноқдан ўтказилганда 9 750 сўм савдо пуллари НКМга кирим қилинмаганлиги ҳамда 628 500 сўмлик кирим ҳужжатлари бўлмаган товарлар савдога қўйилганлиги қайд этилган.

ДСИ аниқланган қонун бузилиши бўйича СКнинг 119-моддасига асосан 1 130 400 сўм, 114-моддасига мувофиқ 9 750 сўм ва 628 500 сўм жами 1 768 650 сўм молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган. Жавобгар қарорни қисман ижро этиб 750 000 сўм молиявий жаримани ихтиёрий тўлаб берган. Бироқ қарорнинг қолган қисми ижро этилмаган. Шу боис ДСИ судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан 1 018 650 сўм миқдорида молиявий санкция қўллашни сўраган.

Судга ариза тақдим этилгандан сўнг жавобгар молиявий жариманинг 700 000 сўмини тўлаб берган. Бироқ жавобгар томонидан 318 650 сўм тўланмасдан қолган.

Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарорининг 41-бандига кўра, агар солиқ тўловчи то-

монидан даъво талабида кўрсатилган сумма қисман тўланган бўлса, хўжалик суди молиявий санкциянинг қолган суммасини қўллайди.

Суд Пленум қарорининг мазкур бандида берилган тушунтиришларга асосланиб жавобгарга нисбатан 318 650 сўм молиявий санкция қўллашни, молиявий жариманинг қолган қисми тўлаб берилганлиги учун уни қаноатлантиришни рад қилишни лозим топган.

2. Банкнинг айби билан солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш топшириқномаси, тегишли ваколатли органнинг уларни ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаси бажарилмаган (бажарилиши кечиктирилган) тақдирда, банкдан ҳар бир кечиктирилган кун учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўтказилмаган суммасини 0,5 фоизи миқдорида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

ССП Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Бухоро вилоят филиали манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, Бухоро вилоят ДСБнинг қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Бухоро шаҳар ДСИ ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиб, ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Бухоро вилоят филиалидан 29 439 200 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суд ажрими билан хўжалик ишлари битта иш юритишга бирлаштирилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъволар қисман қаноатлантирилиб, Бухоро вилоят ДСБ қарорининг 24 146 000 сўмлик қисми ҳақиқий эмас деб топилган, ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»дан 5 293 300 сўм пеня ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг рухсатномаси ва Бухоро вилоят ДСБнинг буйруғига асосан ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Бухоро вилоят филиалида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан

ҳужжатли текшириш ўтказилган. Текшириш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштирилган.

Текширишда ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Бухоро вилоят филиали томонидан Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 январда 615-сон билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома талаблари бузилганлиги аниқланган ва унга нисбатан 29 439 200 сўм пеня ҳисобланган. 2009 йил 30 декабрда солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилган ва натижаси бўйича қарор қабул қилинган.

Мазкур қарордан норози бўлган ССП Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Бухоро вилоят филиали манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб уни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Банк ҳисобланган пеняни тўлаб бериш тўғрисидаги давлат солиқ хизмати органининг қарорини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда бажармаган. Шу боис ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб банкдан 29 439 200 сўм пеня ундиришни сўраган.

СКнинг 53-моддасига асосан банкнинг айби билан солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш топшириқномаси, тегишли ваколатли органнинг уларни ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаси бажарилмаган (бажарилиши кечиктирилган) тақдирда, банкдан ҳар бир кечиктирилган кун учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўтказилмаган суммасини 0,5 фоизи миқдорида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

Бухоро вилоят божхона бошқармасининг хатларидан кўринишича, божхона бошқармасининг инкассо топшириқномаси асосида унинг депозит ҳисоб рақамига ўтказиб берилган маблағлар тегишли тўлов топшириқномалари билан қонун ҳужжатларида белгиланган навбат бўйича «Қоровулбозор техник таъмирлаш ва бутлаш» ШКнинг импорт божи ва қўшимча қиймат солиғи сифатида бюджет ҳисоб рақамларига тўлаб берилган. Биринчи инстанция суди мазкур ҳолат юзасидан маблағлар бюджетга йўналтирилганлиги сабабли ДСБнинг қароридаги 24 146 000 сўм пеня ундириш қисмини ҳақиқий эмас деб топган.

Бироқ «Ўзбуравтотранс» корхонасининг ҳисоб рақамига бюджетга ўтказиб бериш учун келиб тушган 300 000 000 сўмдан

242 000 000 сўми бюджетга тўлаб берилган бўлса, 51 956 400 сўми 6 кунга, 5 433 600 сўми 39 кунга кечиктирилиб тўланганлиги учун СКнинг 53-моддасига асосан 2 781 600 сўм пеня ҳисобланган. Шунингдек «Қоровулбозор техник таъмирлаш ва бутлаш» ШК ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағлари Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 январда 615-сон билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома талаблари асосида тақсимот қилинмаган ва бюджет улуши кечиктириб тўлаб берилганлиги сабабли банкка нисбатан жами 5 293 300 сўм пеня ҳисобланган.

Биринчи инстанция суди асосли равишда ушбу Йўриқнома талаблари асосида тақсимот қилинмаганлиги ва бюджет улуши кечиктириб тўлаб берилганлиги учун банкдан 5 293 300 сўм пеня ундирган.

Апелляция инстанцияси суди эса ҳал қилув қарорини тўғри ўзгаришсиз қолдирган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ва апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

3. Солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасини имзолашдан бош тортганда, унга далолатномани имзолашдан бош тортганлиги тўғрисида расмийлаштирилган ҳужжат эмас, балки солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Когон шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, ЯТТ Д. Зарфуллоевга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 44 400 сўм, 119-моддасига асосан 1 492 050 сўм, жами 1 536 450 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, ариза қисман қаноатлантирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Когон шаҳар ҳудудий комиссиясининг рух-

сатномаси ва Когон шаҳар ДСИнинг буйруғига асосан ЯТТ Д. Зарфуллоевга тегишли бўлган уяли алоқа хизмати кўрсатиш шохобчасида қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текширишда хизмат кўрсатиш шохобчаси ходими мижоздан олган 3 000 сўм нақд пулга НКМ чекини бермаганлиги, шохобча ғазнасида кирим қилинмаган 44 400 сўм нақд савдо пулларининг мавжудлиги аниқланган.

Шу сабабли ДСИ жавобгарга СКнинг 114-моддасига асосан 44 400 сўм, 119-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида, яъни 1 492 050 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди текшириш далолатномаси нусхаси ЯТТга топширилмаганлигига асосланиб аризани қаноатлантиришни рад қилган.

Бироқ ЯТТнинг текшириш куни ёзиб берган тушунтириш хатидан кўринишича, у ўзининг шохобчасида хизмат кўрсатиш ўрнини жиянига тилхат асосида топширган. Далолатнома эса жавобгарнинг вакили бўлган шохобча ходими томонидан имзоланган бўлиб, нусхаси унга топширилган.

Текшириш жараёнида етиб келган ЯТТ текширишда аниқланган ҳолат бўйича тушунтириш хати ёзиб берган бўлсада, текширишга асос бўлган ва текшириш натижасида тузилган ҳужжатларни шахсан олишдан ҳамда текшириш далолатномасига имзо қўйишдан бош тортган. Натижада давлат солиқ хизмати органи ходимлари бу ҳақда холислар иштирокида баённома расмийлаштирган.

Мазкур баённомада унинг тузилганлиги ҳақидаги ёзув мавжуд бўлиб, у апелляция инстанцияси судига тақдим этилган бўлса-да, апелляция инстанцияси суди баённоманинг тузилган вақти кўрсатилмаганлигини ҳамда баённома жавобгарга тақдим этилмаганлигини асос қилиб ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

СКнинг 101-моддасига мувофиқ солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасини олишдан бош тортган тақдирда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда солиқ текшируви далолатномасига тегишли ёзув киритади. Мазкур ҳолда солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига почта орқали буюртма хат билан юборилади ва шу пайтдан эътиборан солиқ текшируви тугалланган ҳисобланади.

СКнинг ушбу моддасидан кўриниб турибдики, солиқ тўловчига унинг далолатномани имзолашдан бош тортганлиги тўғрисидаги ҳужжатни эмас, балки солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси почта орқали буюртма хат билан юборилиши белгиланган. Далолатноманинг нусхаси эса текшириш тугаши биланоқ топширилганлиги сабабли почта орқали юборилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, аризани қисман қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилган. Хизмат кўрсатиш шохобчасида мижоздан олинган 3 000 сўм нақд пулга чек берилмаганлиги бўйича ЯТТ Ж. Зарфуллоевга СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 1 492 050 сўм молиявий санкция қўллашни лозим топган. Аммо ЯТТ 44 400 сўм нақд пулни банк муассасасига топширмасдан, тушумни яширганлиги ҳолатини ДСИ исботлаб бера олмаганлиги учун бу талабни қаноатлантириш рад этилган.

4. Фискал хотирали НКМларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Вобкент туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Бекзод» ХКга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 403 400 сўм, 119-моддасининг иккинчи қисмига асосан 3 364 500 сўм ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сонли Қарорининг 3-бандига асосан энг кам иш ҳақининг 300 баравари миқдорида, яъни 10 093 500 сўм жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қисман қаноатлантирилиб, жавобгарга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 403 400 сўм молиявий жарима қўлланилиб, арз қилинган қолган талабларни қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Бухоро вилоят ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ва Бухоро вилоят ДСБнинг буйруғига асосан «Бекзод» ХКга қарашли савдо дўконларида қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текширишда дўкон сотувчиси томонидан НКМга 7 450 сўм савдодан тушган нақд пул кирим қилинмаганлиги, кирим ҳужжатларисиз дўконда 403 400 сўмлик алкоголь маҳсулотлари савдога қўйилганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сонли Қарорининг талабларини бузган ҳолда савдо фаолияти амалга оширилаётганлиги аниқланган. Бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилган.

Биринчи инстанцияси суди жавобгар томонидан СК 119-моддасининг иккинчи қисми талаблари бузилмаган деб ҳисоблаб, ДСИ ушбу талаби бўйича молиявий санкция қўллашни рад этган.

СК 119-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмига асосан фискал хотирали НКМларини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бироқ биринчи инстанция суди давлат солиқ хизмати органининг ушбу талаби бўйича хулосага келишда иш ҳолатларини тўлиқ ўрганмаган. Яъни жавобгар корхонада аввалроқ қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Мазкур текшириш натижалари

бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра харидорга чек бермасдан савдо амалга оширилганлиги учун жавобгарга нисбатан энг кам иш ҳақининг 30 баравари, яъни 841 200 сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилган. Жавобгар жаримани ихтиёрий равишда тўлаб берган.

Апелляция инстанцияси суди иш ҳолатларини тўлиқ ўрганиб, жавобгар бир йил ичида икки марта солиққа оид айнан бир хил ҳуқуқбузарликни содир этган деб ҳисоблаб, аризани қисман қаноатлантириб, жавобгарга нисбатан энг кам иш ҳақининг 75 баравари миқдорида, яъни 2 523 375 сўм миқдорида молиявий санкция қўллашни лозим топган.

Бундан ташқари апелляция инстанцияси суди жавобгар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сонли Қарорининг талаблари ҳам бузилган деб топиб 6 729 000 сўм молиявий санкция қўллаган. Ҳал қилув қарорининг 403 400 сўм молиявий санкция қўлланилган қисми кирим ҳужжатларисиз 208 900 сўмлик алкоголь маҳсулотлари савдога чиқарилганлиги ҳужжатлар билан тасдиғини топганлиги сабабли 208 900 сўмга ўзгартирилган.

5. Солиқ мажбуриятлари бўйича даъво муддатларининг тугаганлиги солиқ тўловчини солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини ва уни жавобгарликка тортишни истисно қилади.

Наманган шаҳар ДСИ даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Намангангўшт» МЧЖнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган 16 247 030 сўм асосий қарз, 30 321 713 сўм пеня, жами 46 023 000 сўм қарзини ундиришни унинг мол-мулкига қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

«Намангангўшт» МЧЖга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан ҳисобланган 16 247 030 сўм қарздорлик юзасидан аудит текшируви ўтказилган. Аудит текшируви хулосасида МЧЖнинг бюджет олдидаги қарздорлиги аниқланмаганлиги, бироқ Наманган шаҳар ДСИнинг буйруғига асосан МЧЖнинг фаолияти-

ни текшириш натижасида жавобгарга 14 414 500 сўм қарздорлик ҳисобланганлиги кўрсатилган.

ДСИ жавобгарнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан 16 247 030 сўм асосий қарз, 30 321 713 сўм пеня, жами 46 023 000 сўм қарздорлиги тўғрисидаги далилларни судга тақдим эта олмаган.

Суд жавобгарнинг 2002–2004 йиллардаги фаолияти натижасида вужудга келган қарздорлигини СКнинг 38, 110-моддаларига асосан ундириб бўлмайди деб ҳисоблаган.

СКнинг 38-моддасига асосан давлат солиқ хизмати органи солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиши мумкин.

Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарори 7-бандининг иккинчи қисмига кўра, СК 110-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисига мувофиқ солиқ мажбуриятлари бўйича даъво муддатларининг тугаганлиги солиқ тўловчини солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини ва уни жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолат деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчининг 2002–2004 йиллардаги фаолиятини текшириш натижасида жавобгарга ҳисобланган 14 414 500 сўм қарздорликни ундириш бўйича даъво қилиш муддатининг тугаганлиги МЧЖни жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолат ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

6. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга.

Янгиариқ туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Янгиариқ сув қурилиш» УКга СКнинг 118-моддасига асосан 19 350 000 сўм ва шу сумманинг 20 фоизи 3 870 000 сўм, жами 23 220 000 сўм миқдорида молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан жавобгарга нисбатан 3 870 000 сўм молиявий санкция қўлланилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори кучда қолдирилган.

СВОЖЖДЛҚК Департаменти Хоразм вилояти Янгиариқ туман бўлимининг қарори, Янгиариқ туман ДСИнинг буйруқларига асосан «Янгиариқ сув қурилиш» УКда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва уларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўланиши юзасидан текшириш ўтказилган.

Текширишда корхона ҚҚС тўловчиси бўлмаса-да, 116 100 000 сўмлик капитал қурилиш ишларини бажариб, кўрсатилган хизмат учун буюртмачидан 19 350 000 сўм ҚҚС олганлиги аниқланган.

Давлат солиқ хизмати органининг ҳисобланган молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги қарори корхона томонидан бажарилмагач, ДСИ судга мурожаат қилиб, жавобгарга СКнинг 118-моддасига асосан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди ДСИнинг аризасини қисман қаноатлантириш тўғрисида асосли хулосага келиб, бунда ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда амалда бўлган СК 118-моддасининг биринчи қисмида ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС миқдорида жарима қўллаш белгиланган бўлса-да, ишни кўриш пайтида ушбу норма ўз кучини йўқотганлигидан келиб чиққан.

СК 2008 йил 30 декабрдаги таҳririnинг 118-моддаси биринчи қисмига кўра ҚҚС тўловчи бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда ҚҚСни ҳисобварақ-фактурада акс эттирганлик – маҳсулот етказиб берувчиларга ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Бунда маҳсулот етказиб берувчи ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммасини бюджетга тўлаши шарт.

СК 3-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бе-

кор қиладиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга.

Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси СК умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарори 5-бандининг бешинчи хатбошисида хўжалик судлари солиқ тўловчиларга ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш билан боғлиқ ишларни кўришда ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда амалда бўлган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ишни кўриш пайтида амалда бўлган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўзаро солиштириб, жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашлари лозимлиги белгиланган.

Суд жавобгарга 19 350 000 сўм молиявий санкция қўллашни рад этиш ҳақида асосли хулосага келган. Апелляция инстанцияси суди ушбу ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бермасдан, асоссиз равишда ҳал қилув қарорини ўзгартирган.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанцияси судининг ҳал қилув қарорини кучда қолдирган.

7. Савдо корхоналари, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг тушган нақд пул маблағларини ҳар куни банк муассасаларига топширмаганлиги тушумни яшириш деб баҳоланади.

Денов туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «AHAD MIR BRICK» МЧЖга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 1 210 388 300 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

СВОЖЖДЛҚК Департаменти Сурхондарё вилоят бошқармасининг қарори ва Денов туман ДСИнинг бўйруқларига асосан «AHAD MIR BRICK» МЧЖда солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан текшириш ўтказилган. Текширишда «AHAD MIR BRICK» МЧЖ томонидан жами 4 774 688 дона 1 210 388 300 сўмлик

ғишт нақд пулга сотилганлиги ва нақд пул тушуми банк муассасасига топширилмаганлиги аниқланган.

Денов туман ДСИнинг молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги қарори МЧЖ томонидан бажарилмагач, ДСИ судга мурожаат қилиб жавобгарга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди аризасини қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

СК 114-моддасининг биринчи қисмига кўра кирим қилинмаган товарларни сақлаш, бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар мустасно, ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш (камайтириб кўрсатиш) – кирим қилинмаган товар қиймати ёки яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. «AHAD MIR BRICK» МЧЖ нақд пул тушумини банк муассасасига топширмаган.

Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарорининг 38.2-бандида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 9 августдаги ПФ–1504-сонли Фармони 3-бандининг бешинчи хатбошисига мувофиқ барча чакана савдо корхоналари, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг тушган нақд пул маблағларини ҳар куни банк муассасаларига топширмаслиги ҳам тушумни яшириш деб баҳоланиши белгиланган.

Апелляция инстанцияси суди ушбу ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди суд қарорларини ўзгаришсиз қолдирган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2011 йил 27 октябрдаги 106-сонли қарори
билан тасдиқланган)

2.12. 2011 ЙИЛДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ОИД ИШЛАРНИ КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. Солиқ кодексининг 115-моддасида белгиланган жарима солиқ тўловчининг мансабдор шахсига нисбатан солиқ ҳисоботини тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида ушбу ҳуқуқбузарлик такроран содир этилган бўлсагина қўлланилади.

Қўшработ туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Эргаш Жуманбулбул ўғли» ШХга нисбатан СКнинг 115-моддасига асосан 7 160 590 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Қўшработ туман прокуратурасининг ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳақидаги қарори ва Қўшработ туман ДСИнинг буйруғига асосан «Эргаш Жуманбулбул ўғли» ШХда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказилган.

Текширишда ШХ томонидан Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратма тўлови бўйича 296 900 сўмлик ҳисоботлар топширилмаганлиги ҳамда 64 089 000 сўм миқдорда солиқлар бюджетга кам тўланганлиги аниқланган.

Текшириш материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича ДСИнинг қарори қабул қилинган. Унга кўра ширкат хўжалигига 64 089 000 сўм қўшимча солиқ ва 7 516 900 сўм устамаларни 30 кун муддатда ихтиёрий тўлаб бериш сўралган. Бироқ ширкат хўжалиги томонидан ДСИнинг қарори ихтиёрий бажарилмаганлиги сабабли ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, унга СКнинг 115-моддасига асосан молиявий санкция қўллашни сўраган.

СКнинг 115-моддасига кўра, солиқ тўловчи – жисмоний шахсга ёки солиқ тўловчининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилган солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганлик – муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бир фоиз миқдорида, бироқ белгиланган тўлов муддатида тўланиши лозим бўлган тўлов миқдоридан тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисобланган тўловлар чегириб ташланган сумма-

нинг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

«Эргаш Жуманбулбул ўғли» ширкат хўжалигининг мансабдор шахсига нисбатан бир йил ичида ўз вақтида ҳисобот тақдим этмаганлик учун маъмурий жазо қўлланилмаган.

Шу боис суд ширкат хўжалигига нисбатан СКнинг 115-моддасига асосан молиявий жарима қўлланилмаслиги лозим деб ҳисоблаб, аризани қаноатлантиришни рад этган.

2. Алкоголли маҳсулотларни кирим қилмасдан сақлаганлик алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидаларини бузиш эмас, балки Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан тушумни яшириш ҳисобланади.

Фарғона шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Farg‘ona Nabijon savdo» ХКга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 653 900 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари 1 492 050 сўмдан эллик баравари 2 486 750 сўмгача, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сонли Қарорига асосан энг кам иш ҳақининг икки юз баравари 9 947 000 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан «Farg‘ona Nabijon savdo» ХКга СКнинг 114-моддасига асосан 653 900 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари 1 492 050 сўм, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сонли Қарорига асосан энг кам иш ҳақининг икки юз баравари 9 947 000 сўм молиявий санкция қўлланилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

ДСҚ Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси Фарғона вилоят бўлимининг буйруғига асосан «Farg‘ona Nabijon savdo» ХКга қарашли савдо шохобчасида қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текширишда сотувчи томонидан 6 000 сўм савдо пули учун мижозга касса чеки берилмаганлиги, шунингдек шохобчада 643 900 сўмлик кирим қилинмаган алкоголли маҳсулотлар мавжудлиги аниқланган.

Фарғона шаҳар ДСИнинг текшириш натижалари юзасидан ҳисобланган молиявий санкцияни ихтиёрий тўлаш ҳақидаги қарори жамият томонидан бажарилмагач, аризачи жавобгарга

СКнинг 114 ва 119-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сонли Қарорига асосан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди СКнинг 114 ва 119-моддалари билан санкция қўллаш талабларини асосли қаноатлантирган. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сонли Қарорига асосан 9 947 000 сўм молиявий санкция асоссиз қўлланилган.

Фарғона шаҳар ДСИ ХК 643 900 сўмлик алкоголли маҳсулотларни кирим қилмасдан сақлаганлиги учун унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сонли Қарорига асосан санкция қўллашни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сонли Қарори билан тасдиқланган Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидаларида алкоголли маҳсулотларни кирим қилмасдан сақлаганлик учун жарима белгиланмаган, яъни алкоголли маҳсулотларни кирим қилмасдан сақлаганлик алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидаларини бузиш эмас, балки СКнинг 114-моддасига асосан тушумни яшириш ҳисобланади. ХКга айнан шу солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун СКнинг 114-моддасига асосан 643 900 сўм молиявий санкция қўлланилган.

Апелляция инстанцияси суди ушбу ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бермасдан ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг ХКга қўлланилган 9 947 000 сўм молиявий санкция қисмини бекор қилиб, ушбу талабни қаноатлантиришни рад этган ва суд қарорларининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдирган.

3. Текшириш – уни ўтказиш учун ваколат ва асосларга эга бўлмаган шахслар томонидан ўтказилганлиги қонун нормаларининг бузилиши ҳисобланади ва молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад қилиш учун асос бўлади.

Қўнғирот туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, ЯТТ С. Алланазаровага СКнинг 114-моддасига асосан 125 100 сўм, 119-моддасининг иккинчи қисмига асосан 3 391 125 сўм, 119-моддасининг учинчи қисмига асосан 4 521 500 сўм, жами 8 037 725 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, арз қилинган талаблар қаноатлантирилган.

ДСҚ бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг буйруғига асосан бош инспектор П. Абдикеримова ва катта инспектор К. Курбоновга ЯТТ С. Алланазаровага тегишли савдо шохобчасида қисқа муддатли текшириш ўтказиш топширилган. Аммо текшириш натижаси бўйича далолатнома бош инспектор Р. Жалалов томонидан расмийлаштирилган. Бундан кўринадики, текширишда ваколатга эга бўлмаган солиқ органи ходими ҳам иштирок этган.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун 6-моддасининг иккинчи қисмига кўра назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишига белгиланган намунадаги махсус гувоҳнома ва ушбу Қонуннинг 9 ва 12-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Бош инспектор Р. Жалалов текшириш ўтказиш ҳақидаги буйруқда кўрсатилмаган ва у текширишда ғайриқонуний равишда иштирок этган. Шу сабабли, ушбу текшириш натижаси бўйича олинган далиллар ЯТТга нисбатан молиявий санкция қўллаш учун асос бўла олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли қарорининг 17-бандига кўра, назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш унинг қоидалари ва тартибини бузган ҳолда ўтказилиши молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги ариза (тақдимнома)ни рад қилиш учун асос бўлади. Жумладан текшириш, уни ўтказиш учун ваколат ва асосларга эга бўлмаган шахслар томонидан ўтказилганлиги қонун нормаларининг бузилиши ҳисобланади.

Биринчи инстанция суди юқоридаги Қонунга асосан даъво талабини қаноатлантиришни рад қилган. Бироқ апелляция инстанцияси суди суд мажлисида иштирок этмаган холисларнинг кўрсатмаларига нотўғри асосланиб, ЯТТга нисбатан молиявий санкция қўллаш тўғрисида қарор қабул қилган.

Шу боис, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини кучда қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган.

4. Суд молиявий санкцияни қўллаш учун унинг миқдорини белгилашда ҳуқуқбузарлик аниқланган кунда амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқади.

Яккабоғ туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Чойдори» ХКга нисбатан СКнинг 119-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ХКга нисбатан 1 356 450 сўм молиявий санкция қўлланилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Қашқадарё вилоят ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ҳамда Яккабоғ туман ДСИнинг буйруғига асосан ХКга тегишли дорихонада қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текширишда дорихона сотувчиси сотилган 700 сўмлик дори воситалари учун харидорга чек бермаганлиги, шунингдек савдо шохобчаси хазинасида 52 300 сўм нақд пул тушуми НКМ хотирасига кирим қилинмаганлиги аниқланган.

СК 119-моддасининг биринчи қисмига кўра, фискал хотирали НКМларини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлган ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик – энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Биринчи инстанция суди томонидан ХКга нисбатан энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида 1 356 450 сўм молиявий жарима қўлланилган.

Ваҳоланки, Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарорининг 5-бандида энг кам иш ҳақининг миқдорига қараб белгиланадиган молиявий санкцияни қўллашда ҳуқуқбузарлик аниқланган кунда амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб молиявий санкция қўлланилиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Текшириш 2009 йил 29 декабрда ўтказилган бўлиб, солиққа оид ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтда Ўзбекистон Республикасида энг кам иш ҳақининг миқдори 37 680 сўмни ташкил қилган бўлса-да, биринчи инстанция суди энг кам иш ҳақининг 45 215 сўм миқдорига қараб санкцияни ҳисоблаган.

Бундан ташқари, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар ХК томонидан 200 000 сўм ихтиёрий тўланганлигини инобатга олмаган.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгартириб, ХКга қўлланиладиган молиявий санкция миқдорини ҳуқуқбузарлик аниқланган кунда амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб 1 130 400 (37 680 х 30) сўм белгилаб, ихтиёрий тўланган 200 000 сўмни чегирган ҳолда 930 400 сўмга ўзгартирган.

5. Агар юридик шахслар томонидан уларнинг ёқилғи билан ишлайдиган қурилмаларида газ қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган меъёрлардан ортиқча исроф қилинса, нооқилона сарфланган газ қийматининг 50 фоизи миқдорида жарима ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўздавнефтгазинспекция хўжалик судига мурожаат қилиб, «Sirdaryo IES» ОАЖга 682 000 000 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг режа-жадвали, Ўздавнефтгазинспекция Сирдарё вилоят бўлимининг буйруқлари ва текшириш дастурига асосан «Sirdaryo IES» ОАЖнинг нефть маҳсулотлари ва табиий газдан самарали фойдаланиши юзасидан текшириш ўтказилган.

Текширишда «Sirdaryo IES» ОАЖ томонидан 1 364 000 000 сўмлик табиий газ меъёридан ортиқча ишлатилганлиги аниқланган. Текшириш натижалари юзасидан далолатнома расмийлаштирилган. Текширувчилар томонидан текшириш ўтказиш қоидалари бузилмаган.

Ўздавнефтгазинспекциянинг молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги қарори «Sirdaryo IES» ОАЖ томонидан бажарилмагач, Ўздавнефтгазинспекция судга мурожаат қилиб, ОАЖга нисбатан молиявий санкция қўллашни сўраган. Биринчи инстанция суди арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 декабрдаги Ф–2646-сонли Фармойиши билан тасдиқланган 2007 йилда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансига кўра «Sirdaryo IES» ОАЖ 2007 йилнинг II чорагида 373,5 г/кВт.соат, 2007 йилнинг III чорагида эса 376,5 г/кВт.соат ёқилғи сарфлаши лозим бўлган. Аммо ОАЖ 2007 йилнинг II чорагида 1 кВт.соат электр энергияси учун 379,6 г, яъни белгиланган меъёрдан 6,1 г ортиқча, III чорагида 1 кВт.соат электр энергияси учун 382,5 г, яъни белгиланган меъёрдан 6,0 г ортиқча ёқилғи сарфлаган. Натижада жамият томонидан 2007 йилнинг II ва III чораклари-да 26 745 100 м^3, жами 1 364 000 000 сўмлик табиий газ меъёридан ортиқча ишлатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 мартдаги 124-сонли қарори билан тасдиқланган «Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида»ги Низом 1.2-бўлимининг «д» бандига мувофиқ ёқилғи билан ишлайдиган қурилмаларда газнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган меъёрларидан ортиқча исроф қилиниши текшириш пайтидан олдинги 12 ойда нооқилона сарфланган газ қийматининг 50 фоизи миқдорида ишлатувчилардан ундириб олинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, арз қилинган талабни қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2012 йил 26 январдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган)

2.13. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИШ СУД АМАЛИЁТИ (2009–2011 йиллар)

1. Тадбиркорлик субъектининг фаолияти Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг рухсати олинмасдан, қўзғатилган жиноят ишига асосан текширилганлиги давлат солиқ хизмати органининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлмайди.

«Gazovik BSA» ХИЧК хўжалик судига мурожаат қилиб, Наманган шаҳар ДСИнинг қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қўзғатилган жиноят иши бўйича Наманган вилоят ИИБ ТБнинг «Ҳужжатли тафтиш тайинлаш тўғрисида»ги қарори ҳамда Наманган шаҳар ДСБнинг буйруғига асосан «Gazovik BSA» ХИЧКда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказилган.

Текшириш далолатномасида корхона 2010 йилнинг етти ойи давомида 55 та фуқаронинг автомашинасига турли ҳажмдаги газ баллонларини ўрнатиб, 68 890 000 сўмлик хизмат кўрсатганлиги, ушбу сумманинг 20 000 сўми банк муассасасига топширилиб, қолган 68 870 000 сўми банкка топширилмасдан, корхона хазинасига кирим қилинмасдан, ҳисоботларда акс эттирилмаганлиги ва НКМга кирим қилинмаганлиги қайд этилган.

Текшириш ҳужжатлари асосида Наманган шаҳар ДСИ томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарликни бартараф этиш ва жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Мазкур қарор билан «Gazovik BSA» ХИЧКга СКнинг 114-моддасига асосан 68 870 000 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 1 356 450 сўм молиявий жарима ҳисобланган ва корхонага ушбу жаримани ихтиёрий тўлаш тавсия этилган.

«Gazovik BSA» ХИЧК ушбу қарордан норози бўлиб, уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилган.

Даъвогар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ишдаги ҳужжатлар, жумладан текшириш далолатномаси, корхона раҳбарининг тушунтириш хати, жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг ажрими билан тўлиқ тасдиқланган бўлса-да, биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантирган. Шунинг учун апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад этиш ҳақида асосли хулосага келган.

Даъвогар апелляция инстанцияси судининг қароридан норози бўлиб кассация шикояти билан ҳам мурожаат қилган. Унда даъвогар текшириш Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши рухсатисиз ўтказилганлигини важ сифатида келтирган.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун 9-моддасининг биринчи қисми ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун 39-моддасининг тўққизинчи қисмига кўра прокуратура, ички ишлар ва МХХ органлари томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятини текширувлардан ўтказиш учун қўзғатилган жиноят иши асос бўлади.

Бундан ташқари, даъвогар текширувчилар томонидан текшириш учун асос бўлган ҳужжатлар ва текшириш далолатномаси корхона раҳбарига топширилмаганлиги, текшириш ҳақидаги ёзув текширишларни рўйхатга олиш китобида қайд этилмаганлиги тўғрисида важлар келтирган.

Бироқ, текшириш далолатномасида корхона раҳбарига текшириш учун асос бўлган ҳужжатлардан нусха берилганлиги ва текшириш ҳақидаги ёзув текширишларни рўйхатга олиш китобида қайд этилганлиги кўрсатилган. Шунингдек текшириш далолатномасига корхона раҳбари «далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўқиб чиқиб, имзо қўйдим ва бир нусха олдим» деб имзо қўйган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

2. Давлат органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун

билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилади.

«Фарғона сунъий чарм заводи» ОТАЖ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, Қиргули туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

«Фарғона сунъий чарм заводи» ОТАЖ Кузатув Кенгаши йиғилишининг қарорига кўра, жамият тасарруфидаги 12,3 га ер участкаси фойдаланилмасдан бўш турганлиги ҳисобга олиниб, «SUNIY CHARM» ДФХни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Мазкур қарорга асосан Қиргули туман ҳокимининг қарори қабул қилинган. Унга кўра «Фарғона сунъий чарм заводи» ОТАЖга тегишли бўлган жами 12,3 га ер участкаси «SUNIY CHARM VODIY» ФХга мақсадли фойдаланиш учун берилган.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига кўра, ФХ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ва захира ерларда ташкил этилади, 10-моддасига асосан фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган ерлардан берилади. Мазкур Қонуннинг 11-моддасида эса фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари очиқ танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши белгиланган.

Туман ҳокими жамиятга қарашли 12,3 га ер участкасини «SUNIY CHARM VODIY» ФХга беришда қайд этилган қонун талабларига риоя қилмаган. Жумладан мазкур ер участкаси ОТАЖга саноатда фойдаланиш учун берилганлигига, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаганлигига, юридик шахсга тегишлилигига эътибор қаратмаган. Шунингдек туман ҳокимининг қарори билан ер участкаси «SUNIY CHARM VODIY» ФХга ижарага эмас, балки доимий фойдаланиш учун берилган.

ЕК 53-моддасининг биринчи қисмига кўра, ФХ ўзига ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Ушбу модданинг тўртинчи қисмига кўра фермер хўжаликларига ер

участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага танлов асосида берилади.

ФК 12-моддасининг биринчи қисмига кўра, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Юқоридагиларга кўра, биринчи инстанция суди Қиргули туман ҳокимининг қарори қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаганлиги сабабли уни ҳақиқий эмас деб топган. Шу боис, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

3. ЕК 36-моддаси биринчи қисмининг 6-бандида кўрсатилган ҳолларда ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинган ҳолда қабул қилинган қарорни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза суд томонидан қаноатлантирилмайди.

«503-ХМКК» хўжалик судига мурожаат қилиб, 1,6 га ер участкасини Наманган шаҳар ер фонди захирасидан ажратиб, Наманган шаҳар ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 июлдаги Ф–3215-сонли Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Наманган шаҳрининг инфратузилмасини ва ободонлаштиришни янада яхшилаш юзасидан 2009 йил 9 июлда ўтказилган йиғилиш қароридан келиб чиқиб, Наманган шаҳридаги мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдаланишида бўлган ер участкалари ялпи хатловдан ўтказилган. Хатлов натижаларига кўра, «503-ХМКК» умумий ер участкасининг 1,6 га қисмидан мақсадсиз фойдаланган деган хулосага келинган. Мазкур ер участкаси Наманган шаҳар ҳокимининг қарори билан шаҳар ер фонди захирасига қайтарилган.

ЕКнинг 7-моддасига мувофиқ шаҳарлар давлат ҳокимияти органлари ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш ваколатига эга.

Мазкур Кодекс 36-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига кўра, ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор қилинади.

Биринчи инстанция суди аризачи низоли ер майдонидан оқилона ва мақсадли фойдаланмаганлиги учун ер майдони шаҳар ҳокимлиги томонидан асосли равишда қайтариб олинган деб ҳисоблаб, аризани қаноатлантиришни рад этган.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқий таъсир чораси фақат суд томонидан қўлланилади (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни кўпи билан ўн иш кунигача тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно). Назорат қилувчи орган бу талабга риоя қилмасдан ўз қарори билан тадбиркорлик субъекти фаолиятини доимий муддатга тўхтатиб қўйган бўлса, унинг қарори суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси ЯТТ Э. Эргашевнинг манфаатини кўзлаб хўжалик судига мурожаат қилиб, Пастдарғом туман давлат санитария эпидемиология назорати марказининг ЯТТ Э. Эргашевнинг «Жўрабек» буюм бозори ҳудудидаги иш фаолиятини доимий муддатга тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан Пастдарғом туман давлат санитария эпидемиология назорати марказида тадбиркорликка оид амалдаги қонун ҳужжатларининг ижроси ўрганилган.

Ўрганиш жараёнида Пастдарғом туман давлат санитария эпидемиология назорати маркази коммунал гигиена бўлими ходимлари томонидан «Жўрабек» буюм бозори ҳудудида сомса сотиш фаолияти билан шуғулланувчи ЯТТ Э. Эргашевнинг фаолияти текширилган. Текшириш натижасида туман давлат санитария эпидемиология назорати марказининг қарори қабул қилинган. Унга кўра ЯТТ хусусий сомсахонасининг иш фаолияти доимий муддатга тўхтатиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ–3619-сонли Фармонининг 1-бандига кўра, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибида қўлланиши тартиби жорий этилган.

Мазкур Фармоннинг иловасида тадбиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд тартибида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари рўйхати берилган. Илованинг 2-бандида фаолиятни тўхтатиб қўйиш фақат суд томонидан қўлланилиши белгиланиб, фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни кўпи билан ўн иш кунигача назорат қилувчи органлар томонидан тўхтатиб қўйилиши кўзда тутилган.

Туман давлат санитария эпидемиология назорати марказининг ЯТТ Э. Эргашевнинг тадбиркорлик фаолиятини доимий муддатга тўхтатиб қўйиш ваколати бўлмаган.

Шу боис, биринчи инстанция суди аризани қаноатлантириб, Пастдарғом туман давлат санитария эпидемиология назорати марказининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида асосли тўхтамга келган.

5. СКнинг 103-моддасига асосан давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан текшириш натижалари бўйича қарор қабул қилинади. Бироқ ушбу қарор солиқ тўловчи учун фақатгина кўрсатилган тўловларни ихтиёрий тўлаш учун асос бўлади. Молиявий жаримани қўллаш эса суд тартибида амалга оширилади.

«Раҳим бобо» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, Самарқанд шаҳар ДСИнинг молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги

қарорини ҳақиқий эмас деб топишни ҳамда Самарқанд шаҳар ДСИнинг инкассо топшириқномасини ижро этилиши мумкин эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан Самарқанд шаҳар ДСИнинг молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво талабини қаноатлантириш рад этилган, инкассо топшириқномаси эса ижро этилиши мумкин эмас деб топилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Самарқанд вилоят ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ва Самарқанд шаҳар ДСИнинг буйруғига асосан «Раҳим бобо» МЧЖга қарашли ёқилғи қуйиш шохобчасида қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текширишда «Раҳим бобо» МЧЖ ходими харидорга хизмат кўрсатиб 4200 сўмга харид чеки бермаганлиги ҳолати аниқланган. Текшириш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштирилган. ДСИ ходимлари томонидан текшириш тартиби ва қоидалари бузилмаган.

Текшириш далолатномасига асосан Самарқанд шаҳар ДСИнинг молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган. Унга кўра, МЧЖга нисбатан СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида, яъни 841 200 сўм молиявий жарима қўлланилиши белгиланган. Давлат солиқ хизмати органининг қарори ихтиёрий бажарилмаганлиги сабабли ДСИ қўлланилган молиявий жаримани ундириш учун банкдаги ҳисобварағига инкассо топшириқномаси қўйган.

Аризачи ДСИ томонидан МЧЖга нисбатан молиявий жарима қўллашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ–3619-сонли Фармони ҳамда СК 104-моддасининг талаблари бузилганлигини важ сифатида келтирган.

Ҳақиқатан ҳам мазкур Фармоннинг 1-бандига кўра, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари (иловага мувофиқ) фақат суд тартибида қўлланиши тартиби жорий этилган.

Аммо СКнинг 103-моддасида давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари солиқ текшируви материал-

лари кўриб чиқилганидан кейин беш иш кунидан кечиктирмасдан қарор қабул қилиши, унда ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеня, шунингдек қўлланилган жарима суммаси кўрсатилиши шартлиги белгиланган.

СКнинг 104-моддасига кўра, давлат солиқ хизмати органининг қарори солиқ тўловчига нисбатан жарима қўлланилишини назарда тутса, солиқ тўловчи қарор нусхасини олган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига мазкур ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олганлиги ва ихтиёрий равишда жарима тўлаши тўғрисида ёки уни рад этиши тўғрисида ёзма билдириш тақдим этиши (юбориши) шартлиги, солиқ тўловчи жаримани ихтиёрий равишда тўлашни рад этганлиги тўғрисида ёзма билдириш тақдим этган тақдирда давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига нисбатан жарима қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиши белгиланган.

Мазкур ҳолатда, Самарқанд шаҳар ДСИ томонидан солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилганидан кейин СК нормаларига мувофиқ тўғри қарор қабул қилинган.

Бироқ аризачи ушбу қарор нусхасини олганидан кейин белгиланган муддатда унга муносабат билдирмаганлиги ва молиявий жаримани ихтиёрий тўлаб бермаганлиги сабабли давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг ҳисоб рақамига инкассо топшириқномаси қўймасдан, балки солиқ тўловчига нисбатан жарима қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиши лозим эди.

Шу боис, биринчи инстанция суди Самарқанд шаҳар ДСИнинг инкассо топшириқномасини ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги даъво талабини асосли равишда қаноатлантирган, молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги қарорни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида асосли хулосага келган.

6. Ер ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ариза туман ҳокими қарорининг қабул қилинишига асос бўлган бўлса-да, у хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилмайди. Бундай аризаларни ҳақиқий эмас деб топиш хўжалик судининг судловига тааллуқли эмаслиги боис, ариза бўйича иш юритиш тугатилади.

«Бобур» ФХ хўжалик судига мурожаат қилиб, ер ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризани ва Поп туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, ер ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризани ҳақиқий эмас деб топиш талаби бўйича иш юритиш тугатилган, ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Поп туман ҳокимининг қарорига асосан дастлаб «Бобур» ФХга ижарага 18 га ер участкаси ажратилган. Кейинчалик туман ҳокимининг тегишли қарори билан қўшимча 14,5 га ер участкаси ажратилиб, ФХнинг жами ер участкаси 32,5 га ташкил этган.

«Барлос техсервис МТП» бошлиғи Барлос ҚФЙ биносида фермер хўжаликлари бошлиқлари иштирокида йиғилиш ўтказиб, фермер хўжаликлари ер участкалари мақбуллаштирилаётганлиги муносабати билан туман ҳудудидаги бир-бирига яқин жойлашган фермер хўжаликлари бошлиқлари ўзаро келишиб ер участкаларини ихтиёрий қўшиш масаласини ҳал қилиб олишни, шунингдек қўшилиш истагида бўлган фермер хўжаликлари бошлиқларидан ер ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисида ариза ёзиб беришни сўраган.

Аризачи «Фурқат» ФХ билан қўшилишга розилик бериш ҳақида ариза ёзган. Шу боис, аризачи туман ҳокими номига қўшимча ариза ҳам ёзиб ер участкаси кенгайтирилаётганлиги туфайли ер ижара шартномасини бекор қилишни сўраган. Мазкур аризага асосан туман ҳокими қарор қабул қилиб, «Бобур» ФХ билан тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилган. Бироқ «Барлос техсервис МТП» бошлиғи йиғилишда ваъда қилганидек аризачининг ер участкаси «Фурқат» ФХ ер участкаси билан қўшилиб кенгайтирилмасдан, туман ер фонди захирасига қайтарилган.

Бундан норози бўлган «Бобур» ФХ хўжалик судига мурожаат қилиб, ўзининг ер ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини ва туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди аризани қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгартириб, ер ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризани ҳақиқий эмас деб топиш талаби бўйича иш юритишни тугатган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми эса ўзгаришсиз қолдирилган.

Апелляция инстанцияси судининг бундай тўхтамга келишига ФХнинг ер ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризаси туман ҳокими қарорининг қабул қилинишига асос бўлган бўлса-да, у хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмаслигини, чунки ХПК 24-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ер ижара шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар туркумига киритилмаганлигини асос сифатида келтирган.

ХПК 86-моддасининг 1-бандига кўра, низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса, иш юритиш тугатилади.

7. Давлат солиқ хизмати органининг товарни вақтинча олиб қўйиш тўғрисидаги далолатномаси ХПК 24-моддаси биринчи қисмининг 9-бандида назарда тутилган давлат органининг ҳужжати ҳисобланмайди ва уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан рад этилади.

«S.I.F. FOOD TECHNOLOGIES» ҚК хўжалик судига мурожаат қилиб, Тошкент шаҳар ДСБ ходимлари томонидан хом ашёни вақтинча олиб қўйиш тўғрисида тузилган далолатномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан аризани қабул қилиш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан ҚКнинг аризасини қабул қилишни тўғри рад этган.

Суднинг бундай хулосага келишига Тошкент шаҳар ДСБ ходимлари томонидан хом ашёни вақтинча олиб қўйиш тўғрисида тузилган далолатнома олиб қўйилган товар тақдирини ҳал қиладиган ҳужжат ҳисобланмаслиги, ХПК 24-моддаси биринчи қисмининг 9-бандида эса давлат органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини буза-

диган ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар хўжалик судида ҳал этилиши белгиланганлиги, ҚК томонидан ҳақиқий эмас деб топиш сўралаётган далолатнома эса бундай ҳужжатлар сирасига кирмаслигини асос сифатида кўрсатган.

Шу боис, кассация инстанцияси суди ажримни ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

8. Давлат органларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисидаги низолар хўжалик судига тааллуқли эмас. Агар хўжалик судига шу мазмунда ариза киритилган бўлса, уни қабул қилиш ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан рад этилади, ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, иш юритиш тугатилади.

Бухоро шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг қарорини бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган.

Кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Б. Рамазонов ЯТТ сифатида Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан давлат рўйхатига олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 27 апрелдаги 630-сонли Қарорига асосан Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан ЯТТ Б. Рамазонов давлат реестридан чиқарилган.

Аризада Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг қарорини бекор қилиш сўралган бўлса-да, биринчи инстанция суди талабдан четга чиқиб мазкур қарорни ҳақиқий эмас деб топган.

ХПКнинг 24-моддасида хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар белгиланган. Давлат органининг ҳужжатларини бекор қилиш масаласи хўжалик судининг ваколатига киритилмаган.

ХПК 86-моддасининг 1-бандига кўра, низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса иш юритиш тугатилади. Шу сабабли, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризачининг талаби бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида асосли хулосага келган.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

9. Ҳақиқий эмас деб топиш сўралаётган давлат органининг қарори жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлса, низо хўжалик судига тааллуқли бўлмайди ва низо бўйича иш юритиш тугатилади.

«Бахрин» ФХ хўжалик судига мурожаат қилиб, Каттақўрғон туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъво аризаси бўйича иш юритишни тугатган.

Каттақўрғон туман ҳокимининг қарори билан М. Улуғбек массивида фаолият юритиб келаётган «Бахрин» ФХга туман захира ер фонди ҳисобидан қўшимча 47,65 га ер майдони ажратилган. Қарорнинг 2-бандига асосан «Бахрин» ФХнинг умумий ер участкаси жами 152,95 га ташкил этган. ФХга ер участкаси 49 йил муддатга ижарага берилган.

Фермер хўжаликларига айлантириш бўйича туман комиссиясининг ёпиқ ким ошди савдоси бўйича ўтказилган аукцион баённомаси ҳамда туман комиссиясининг теракзорни ижарага бериш ҳақидаги хулосасига асосан Каттақўрғон туман ҳокими қарор қабул қилган. Унга кўра, ким ошди савдосида ғолиб чиққан фуқаро Ж. Нуриддиновга М. Улуғбек массивининг 255-контуридаги 1,30 га теракзор 30 йил муддатга ижарага бириктириб берилган.

Бундан норози бўлган «Бахрин» ФХ суддан туман ҳокимининг мазкур қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъво аризаси бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган. Суднинг бундай хулосага келишига туман ҳокимининг қарори билан ер участкаси фуқаро Ж. Нуриддиновга бириктириб берилганлиги асос бўлган.

ХПК 23-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига кўра, иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва ЯТТ мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар хўжалик судида кўриш учун тааллуқлидир.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий юрисдикция судига тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда ҳамма талаблар умумий юрисдикция судида кўрилиши керак.

ХПК 86-моддасининг 1-бандига асосан низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса, хўжалик суди иш юритишни тугатади.

10. Аризада давлат органининг бир нечта ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб билдирилган бўлса, давлат божи ҳар бир талаб учун алоҳида ҳисобланади ва тўланади.

«FAR-AVVAL-OSIYO» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, Фарғона шаҳар ҳокимининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан Фарғона шаҳар ҳокимининг қарорлари қисман ҳақиқий эмас деб топилган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан аризачининг кассация шикояти қайтарилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

«FAR-AVVAL-OSIYO» МЧЖ кассация шикоятига 188 400 сўм давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 2-бандининг «б»-кичик бандида мулкка оид бўлмаган тусдаги даъво аризаларидан, шу жумладан корхоналар ва бирлашмаларнинг юқори турувчи органларининг актларини тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ҳақидаги аризаларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланган.

Давлат божи ставкалари 2-бандининг «д»-кичик бандида хўжалик судларининг қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризалардан биринчи инстанцияда кўриб чиқиш учун ариза берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи, мулкий тусдаги низолар бўйича эса талашилаётган суммадан ҳисобланиши белгиланган.

ХПК 92-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ бир нечта мустақил талаблардан иборат бўлган даъвонинг баҳоси барча талабларнинг суммаси билан белгиланади.

МЧЖнинг аризаси иккита мустақил талабдан иборат бўлсада, кассация шикояти учун фақат битта талаб учун давлат божи тўланган.

Ариза тақдим этилган вақтда Ўзбекистон Республикасида энг кам ойлик иш ҳақи миқдори 37 680 сўмни ташкил этган.

ХПК 180-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига мувофиқ кассация шикоятига белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса, бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса, кассация шикояти қайтарилади. Кассация шикоятига давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисидаги илтимоснома илова қилинмаган.

Шу сабабли, биринчи инстанция суди асосли равишда кассация шикоятини қайтарган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди суд ажримини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2012 йил 26 апрелдаги 25-сонли қарори
билан тасдиқланган)

2.14. ФИСКАЛ ХОТИРАЛИ НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАЛАРИДАН ВА ТЎЛОВЛАРНИ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБ ТЕРМИНАЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИНИ БУЗГАНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

(2010–2011 йиллар ва 2012 йилнинг биринчи ярми)

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида савдони амалга оширишда ва товарларни сотишда, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишда аҳоли билан пулли ҳисоб-китоблар барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мажбурий тартибда фискал хотирага эга бўлган НКМлари қўлланган ҳолда амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган айрим тоифадаги хўжалик юритувчи субъектлар бундан мустасно.

Шаҳрисабз туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, ЯТТ Г. Эгамбердиевага нисбатан СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 1 130 400 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Шаҳрисабз туман ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ва Шаҳрисабз туман ДСИнинг буйруғига асосан ЯТТ Г. Эгамбердиевага қарашли савдо дўконида қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текшириш натижалари юзасидан далолатнома расмийлаштирилган. Унда дўкон хазинасидаги пуллар саноқдан ўтказилганда 61 700 сўм нақд пуллар мавжудлиги, бироқ тадбиркор томонидан савдо фаолияти НКМ ўрнатилмасдан амалга оширилаётганлиги аниқланганлиги қайд этилган.

ДСИнинг текшириш натижаси юзасидан ҳисобланган молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги қарори МЧЖ томонидан бажарилмаган. Шу боис ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли қарори билан тасдиқланган «Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби

тўғрисида»ги Низомнинг 2-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида савдони амалга оширишда ва товарларни сотишда, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишда аҳоли билан пулли ҳисоб-китоблар барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналари мажбурий тартибда қўлланган ҳолда амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган, ўз фаолиятининг хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни фискал хотирага эга бўлган НКМларини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг айрим тоифалари бундан мустасно.

Ваҳоланки, жавобгар ўз фаолиятини НКМ ўрнатмасдан юритган.

СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан фискал хотирали НКМларини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди арз қилинган талабни қаноатлантириб, жавобгарга нисбатан 1 130 400 сўм молиявий санкция қўллашни лозим топган.

2. НКМнинг фискал хотира дастурига ўзбошимчалик билан таъсир ўтказилганлиги натижасида фискал хотира кўрсаткичларининг ўзгариши – фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган НКМдан фойдаланганлик билан тенглаштирилади ва СК 119-моддасининг учинчи қисмига асосан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Хўжаобод туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Мустаҳкам Бобури» МЧЖга нисбатан СК 114-моддасининг биринчи қисмига асосан 208 800 сўм, 119-моддасининг учинчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилиб, жавобгарга 2 804 000 сўм молиявий санкция қўлланилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартириб, даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Хўжаобод туман ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ҳамда Хўжаобод туман ДСИнинг буйруғига асосан «Мустаҳкам Бобури» МЧЖ фаолияти бўйича қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текширишда МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 августдаги 280-сонли қарори талабларига риоя этилиши ўрганилган.

Текшириш натижалари бўйича далолатнома тузилган. Текширишда МЧЖга қарашли ошхонага ўрнатилган НКМнинг фискал хотираси функционал жиҳатдан соз ҳолатда бўлса-да, бироқ НКМнинг фискал хотира дастури ишлашига ўзбошимчалик билан таъсир ўтказилганлиги оқибатида фискал хотира кўрсаткичлари тўғри эмаслиги, унинг кўрсаткичлари амалдаги ҳолатга мувофиқ эмаслиги аниқланган. Бу ҳақда «Савдоэлектроника» ШКнинг экспертлари хулоса берган. Шунингдек ошхонада 208 800 сўмлик кирим қилинмаган товарлар реализацияга қўйилганлиги аниқланган.

Текшириш материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича ДСИнинг қарори қабул қилинган. Унда МЧЖдан СК 119-моддасининг учинчи қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорида ва СК 114-моддасининг биринчи қисмига асосан кирим қилинмаган товар қиймати миқдорида, яъни 208 800 сўм молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш сўралган. Бироқ жавобгар томонидан молиявий жарима ихтиёрий тўланмаган.

Шу боис ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди томонидан СК 119-моддасининг учинчи қисмига асосан жамиятга нисбатан учун энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорида 2 804 000 сўм молиявий санкция қўлланилган. Чунки НКМнинг фискал хотира дастури ишлашига ўзбошимчалик билан таъсир ўтказилганлиги натижа-

сида фискал хотира кўрсаткичларининг ўзгартирилиши фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган НКМдан фойдаланганлик билан тенглаштирилади. Бу эса СК 119-моддасининг учинчи қисмига асосан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

СК 119-моддасининг учинчи қисмига кўра, техник талабларга жавоб бермайдиган НКМларидан фойдаланганлик ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган НКМларидан фойдаланганлик, шунингдек пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Аммо МЧЖга қарашли ошхонада кирим ҳужжатлари бўлмаган 208 800 сўмлик маҳсулотлар мавжудлиги текширишда аниқланиб, бу ҳақда далолатномада кўрсатилган бўлса-да, биринчи инстанция суди ушбу талабни қаноатлантиришни рад этган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириб, арз қилинган талабларни тўлиқ қаноатлантиришни лозим топган.

3. Солиқ тўловчи чекни харидорга берганлигини шу чек нусхасини ёки НКМ бўйича кунлик ҳисоботни тақдим этиш орқали исботлаши мумкин, чунки чекда тўлов суммаси, тўлов санаси, вақти ва бошқа маълумотлар мавжуд бўлади.

Гулистон шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «TEMUR BOBUR SARDOR HAMKOR» ХКга нисбатан СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача, 114-моддасига асосан 6 000 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Гулистон шаҳар ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ва Гулистон шаҳар ДСИнинг буйруғига асосан «TEMUR BOBUR SARDOR HAMKOR» ХКга тегишли савдо шохобчасида қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текширишда савдо шохобчаси ходими харидорга 4 000 сўмлик харид учун тўлов терминали чеки берганлиги, аммо харид

учун тўланган 2000 сўм нақд пулга НКМ чеки бермаганлиги аниқланган. Шунингдек текширишда ХК раҳбари ДСИ ходимларининг талабларини бажармасдан, уларга хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиб, жисмоний куч ишлатиб, зўрлик билан савдо шохобчасидан чиқариб юборган. Мазкур ҳолат жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг қарори билан исботланган.

Шу сабабли ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарга СКнинг 114-моддасига асосан 6000 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди текшириш далолатномаси Гулистон шаҳар ДСИнинг биносида тузилганлигига, далолатномада текшириш вақти аниқ кўрсатилмаганлигига, жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг қарори билан текшириш якунига етказилмаганлиги ҳолати исботланганлигига ва жавобгар томонидан суд мажлисида ХКнинг НКМга 2000 сўм нақд пул учун чек урилганлигига асосланиб, аризани қаноатлантиришни рад қилган.

СК 92-моддасининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларига кўра, солиқ текширувини ўтказувчи давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсига солиқ текширувини ўтказиш учун ҳудудга ва жойларга киришига тўсқинлик қилинганда, унинг ўзи ва солиқ тўловчи томонидан имзоланадиган далолатнома тузилади. Солиқ тўловчи мазкур далолатномани имзолашдан бош тортганда далолатномага тегишли ёзув киритилади.

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувини ўтказаётган мансабдор шахсларига солиқ тўловчининг ҳудудига ва жойига (турар жой бинолари бундан мустасно) киришига тўсқинлик қилганлик, худди шунингдек давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликка тортилганлик солиқ текширувини бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Шу сабабли, давлат солиқ хизмати органи томонидан ХКга тегишли шохобчада ўтказилган текшириш амалдаги қонун талабларига мувофиқ ҳолда ўтказилган ҳисобланади.

Биринчи инстанция судининг ХК томонидан 2 000 сўм нақд савдо пули учун НКМ чеки берилганлиги аризани қаноатлантиришни рад қилиш учун асос бўлиши ҳақидаги хулосаси билан келишиб бўлмайди. Чунки харидорнинг тушунтириш хатидан кўринишича, у харид қилган товарлар учун жами 6 000 сўм тўловни амалга ошириш мақсадида аввал пластик карточкани тақдим этган ва пластик карточкадан 4 000 сўм ечиб олинган. Кейин эса 2 000 сўм нақд пул берилган бўлиб, ушбу пул НКМдан ўтказилган тақдирда чекда тегишли маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли қарори билан тасдиқланган «Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 16-бандига кўра, сотиб олинган товарлар (бажарилган ишлар) ва кўрсатилган хизматлар учун харидорларга бериладиган касса чекларида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: а) солиқ тўловчининг – хўжалик юритувчи субъектнинг номи ва идентификация рақами; б) тўлов суммаси; в) товарлар ва хизматлар номи; г) тўлов санаси ва вақти; д) НКМнинг завод рақами; е) чекнинг тартиб рақами; ж) фискал режим белгиси. Касса чекларида бошқа реквизитлар ҳам бўлиши мумкин.

Бироқ жавобгар томонидан суд мажлисида харидорга берилган 2 000 сўмлик НКМ чеки ва ўша кунги ҳисобот тақдим этилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди хизмат кўрсатиш шохобчасида харидордан олинган 2 000 сўм нақд пулга НКМ чеки берилмаганлиги бўйича ХКга СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 1 492 050 сўм молиявий санкция қўллашни лозим топган. Шунингдек СКнинг 114-моддасига асосан 6 000 сўм молиявий санкция қўллаш ҳақидаги талаб қисман 2 000 сўмга қаноатлантирилган. Чунки харидорга 4000 сўмлик харид учун тўлов терминали чеки берилганлиги ишдаги ҳужжатлар билан тасдиқланган.

4. Давлат солиқ хизмати органи ходимлари томонидан текшириш далолатномасининг нусхаси тадбиркорлик субъекти раҳбарига эмас (раҳбар далолатномани қабул қилиб олишдан бош тортганлиги сабабли), балки унинг ходимига топширилиб бу ҳақда баённома расмийлаштирилганлиги текшириш

тартиби ва қоидаларини бузиш ҳисобланмайди. Шу боис, тадбиркорлик субъекти раҳбарига текшириш далолатномасининг топширилмаганлиги аризани қаноатлантиришни рад этишга асос бўлмайди.

Когон шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Дилшод» МЧЖга нисбатан СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача, 114-моддасига асосан 44 400 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари ўзгартирилиб, арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Когон шаҳар ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ва Когон шаҳар ДСИнинг буйруғига асосан «Дилшод» МЧЖга қарашли уяли алоқа хизмати кўрсатиш шохобчасида қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текширишда хизмат кўрсатиш шохобчаси ходими мижоздан олган 3 000 сўм нақд пулга НКМ чеки бермаганлиги, шохобча ғазнасида НКМга кирим қилинмаган 44 400 сўм нақд савдо пулларининг мавжудлиги аниқланган.

Шу сабабли ДСИ МЧЖга СКнинг 114-моддасига асосан 44 400 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди текшириш далолатномаси нусхаси МЧЖ раҳбарига топширилмаганлигига асосланиб, арз қилинган талабларни қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида хулоса қилган. Чунки МЧЖ раҳбарининг текшириш куни ёзиб берган тушунтириш хатидан кўринишича, текширишга асос бўлган ҳужжатлар шохобча ходимига тилхат асосида топширилган. Далолатнома эса шохобча ходими томонидан имзоланган бўлиб, унга нусхаси қолдирилган.

СКнинг 101-моддасига мувофиқ солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасини олишдан бош тортган тақдирда давлат солиқ

хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда солиқ текшируви далолатномасига тегишли ёзув киритади.

Текшириш жараёнида етиб келган МЧЖ раҳбари текширишда аниқланган ҳолат бўйича тушунтириш хати ёзиб берган бўлса-да, текширишга асос бўлган ва текшириш натижасида тузилган ҳужжатларни шахсан олишдан ҳамда текшириш далолатномасига имзо қўйишдан бош тортган. Натижада давлат солиқ хизмати органи ходимлари бу ҳақда юқоридаги қонун талабига мувофиқ ҳолда холислар иштирокида баённома расмийлаштирган.

Мазкур баённомада унинг тузилган санаси ҳақидаги ёзув мавжуд бўлиб, у апелляция инстанцияси судига тақдим этилган бўлса-да, баённоманинг тузилган вақти кўрсатилмаганлигига асосланиб, у инобатга олинмаган. Шу сабабли давлат солиқ хизмати органи томонидан МЧЖга тегишли шохобчада ўтказилган текшириш амалдаги қонун талабларига мувофиқ ҳолда ўтказилган ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди суд қарорларини ўзгартириб, хизмат кўрсатиш шохобчасида мижоздан олинган 3 000 сўм нақд пулга НКМ чеки берилмаганлиги ҳолати бўйича МЧЖга СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида молиявий санкция қўллашни лозим топган. Аммо СКнинг 114-моддасига асосан 44 400 сўм молиявий санкция қўллаш ҳақидаги талаб шохобча ғазнасидан олинган, хизмат кўрсатишдан тушган 44 400 сўм нақд пуллар банк муассасасига топширилмасдан, тушум яширилганлиги ҳолати исботланмаган.

5. Тадбиркорлик субъекти фаолиятини текширишда назорат қилувчи органлар томонидан текшириш қоидалари ва тартибининг бузилганлиги молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад қилиш учун асос бўлади.

Ғиждувон туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Ulfatbibi» ҚВПга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 100 000 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 1 492 000 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаблар қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ғиждувон туман ДСИнинг буйруғига асосан «Ulfatbibi» ҚВПда қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текшириш натижалари юзасидан далолатнома тузилган. Унда «Ulfatbibi» ҚВП шифокори мижоздан 100 000 сўм нақд пул олиб, нақд пул тушумини НКМ хотирасига кирим қилмаганлиги ва мижозга касса чекини бермаганлиги қайд этилган.

Ғиждувон туман ДСИ солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ҳақида қарор қабул қилиб, «Ulfatbibi» ҚВПга СКнинг 114-моддасига асосан 100 000 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 1 492 050 сўм молиявий жарима ҳисоблаган.

ҚВП томонидан ҳисобланган молиявий жарима ихтиёрий равишда тўланмаган. Шу боис ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида хулосага келган. Чунки СК 88-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ режадан ташқари солиқ текширувини ўтказиш учун назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг текширилади-диган объектнинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, текширувнинг мақсадлари, текширилади-диган давр (тафтиш учун), текширув ўтказиш муддатлари ва уни асословчи сабаблар кўрсатилган текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори ҳамда давлат солиқ хизмати органининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган қарори асосида чиқарган текширувни ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текширилади-диган давр кўрсатилган ҳолдаги буйруғи асос бўлади.

Аммо Ғиждувон туман ДСИ назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг текширув ўтказиш тўғрисидаги қарорини олмасдан, яъни ваколатли органдан «Ulfatbibi» ҚВПда режадан ташқари солиқ текширувини ўтказишга рухсат олмасдан текшириш ўтказган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя

қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли қарорининг 17-бандига кўра, назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш унинг қоидалари ва тартибини бузган ҳолда ўтказилиши молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги ариза (тақдимнома)ни рад қилиш учун асос бўлади.

Апелляция инстанцияси суди текширувчилар текшириш тартиби ва қоидаларини бузган деб ҳисоблаб, ҳал қилув қарорини бекор қилган ҳамда арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этган.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

6. Хўжалик суди томонидан СК 119-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган молиявий жарима солиқ тўловчига нисбатан ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар учун жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилгандагина қўлланилади.

Денов туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Сангардак XXI аср» КТХФга СК 119-моддасининг иккинчи қисмига асосан 1 324 260 сўм миқдорида молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг қарори билан тасдиқланган режа жадвалига ва Денов туман ДСИнинг буйруғига асосан «Сангардак XXI аср» КТХФга бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ҳисобланган тўловларнинг қонунийлиги юзасидан текшириш ўтказилган.

Текшириш натижаси юзасидан далолатнома тузилган. Унда корхона томонидан солиқ базаси камайтириб кўрсатилганлиги сабабли, корхонага жами 124 600 сўм устама ҳисобланганлиги, 11 100,70 сўм нақд савдо пуллари НКМга кирим қилинмасдан, банкка топширилганлиги аниқланганлиги қайд этилган.

ДСИнинг молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги қарори жавобгар томонидан қисман ижро этилиб, 1 313 340 сўм тўланиб, қолган 1 324 260 сўми эса тўланмасдан қолган. Шу сабабли, ДСИ жавобгарга нисбатан СК 119-моддасининг иккинчи қисмига асосан 1 324 260 сўм молиявий санкция қўллашни сўраб хўжалик судига мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди томонидан низони ҳал этишда процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилишига қўл қўйилган.

СК 119-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ушбу моддани биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан СК умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарорининг 40.1-бандига асосан жарима қўлланилганидан кейин бир йиллик муддат деганда солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жарима ихтиёрий тўланган ёки жарима суд тартибида қўлланилган кундан бошлаб ўн икки ой ичида содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик тушунилади.

Аммо биринчи инстанция суди жавобгар СК 119-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун муқаддам жаримани ихтиёрий тўлаганлиги ёки жарима суд тартибида қўлланилган кундан бошлаб ўн икки ой ичида жавобгар томонидан шу ҳуқуқбузарлик такроран содир этилган ёки этилмаганлиги ҳолатларини аниқламаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборишни лозим топган.

7. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг сотувчи ходимлари томонидан тўлов терминалларидан фойдаланишни билмаслик сабаби билан банк пластик карточкалари орқали тўловларни қабул қилмаслик СК 119-моддасининг учинчи қисмига асосан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Шовот туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Бону» ХКга нисбатан СК 119-моддасининг учинчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, яъни 4 521 500 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Шовот туман ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ва Шовот туман ДСИнинг буйруғига асосан «Бону» ХКга қарашли савдо дўконида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текшириш натижалари юзасидан далолатнома расмийлаштирилган. Текшириш далолатномасидан кўринишича, текшириш жараёнида харидор 14 000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари учун тўловни тўлов терминали орқали амалга ошириш мақсадида пластик карточкасини дўкон сотувчисига тақдим қилган. Бироқ сотувчи ишга яқинда келганлиги учун терминалдан фойдаланишни билмаслигини маълум қилган. Шу боис сотувчи тўловни терминал орқали қабул қила олмаслигини билдирган.

ДСИнинг текшириш натижаси юзасидан ҳисобланган молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги қарори ХК томонидан бажарилмаган. Шунинг учун ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, ХКга нисбатан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 20 июндаги 18/1,2009–20-сонли қарори билан тасдиқланган «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низом 11-бандининг биринчи қисмига кўра, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг сотувчи ходимлари томонидан тўлов терминалларидан фойдаланишни билмаслик сабаби билан банк пластик карточкалари орқали тўловларни қабул қилмаслик ҳолати савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилиши деб ҳисобланади.

СК 119-моддасининг учинчи қисмига асосан техник талабларга жавоб бермайдиган НКМларидан фойдаланганлик ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган НКМларидан фойдаланганлик, шунингдек пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Юқоридаги қонун ҳужжатларидан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди арз қилинган талабни қаноатлантиришни лозим топган.

8. Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар учун давлат божи аризани кўриш натижалари бўйича уни бериш кунида амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўланади.

Қўқон шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Силикат» ЖКга СКнинг 114-моддасига асосан 9 072 000 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаблар қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг жавобгардан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдори 280 400 сўмдан 336 450 сўмга, апелляция инстанцияси суди қарорининг жавобгар зиммасида қолдирилиши лозим бўлган давлат божи миқдори 140 200 сўмдан 168 225 сўмга ўзгартирилган, суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ва Қўқон шаҳар ДСИнинг буйруғига асосан «Силикат» ЖКда қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текширишда ЖКга қарашли черепица ишлаб чиқариш цехи иш юритувчиси харидорга 9 072 000 сўмлик черепица маҳсулотини нақд пулга сотиб, харид учун харидорга касса чекини бермаганлиги, корхона ғазнасига 9 072 000 сўм нақд пул кирим қилинмасдан тушум яширилганлиги аниқланган.

ДСИнинг текшириш натижаси юзасидан ҳисоблаган молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги қарори ЖКси томонидан бажарилмаган. Шу боис ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида хулосага келган. Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган. Аммо биринчи ва апелляция инстанцияси судлари давлат божини ундиришда хатоликка йўл қўйган.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўлашнинг айрим масалалари ҳақида» 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарори 11-бандининг биринчи хатбошисида номулкий хусусиятдаги даъво аризаларидан (аризалардан) келиб чиқадиган низо бўйича давлат божи уни бериш кунида амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўланиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли қарорининг 22-бандида ишларни кўриб чиқиш натижалари бўйича билдирилган талаблар қаноатлантирилган тақдирда, тадбиркорлик субъектларидан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида давлат божи ундирилади, фаолиятни тугатиш тўғрисидаги ишлар бундан мустаснолиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Молиявий жарима қўллаш ҳақидаги ариза берилган кундаги энг кам иш ҳақи 33 645 сўмни ташкил қилган. Бироқ биринчи инстанция суди томонидан жавобгардан 280 400 сўм, апелляция инстанцияси суди томонидан эса 140 200 сўм давлат божи ундирилган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорининг жавобгардан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдорини 280 400 сўмдан 336 450 сўмга, апелляция инстанцияси суди қарорининг жавобгар зиммасида қолдирилиши лозим бўлган давлат божи миқдорини 140 200 сўмдан 168 225 сўмга ўзгартиришни, суд қарорларининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2012 йил 27 сентябрдаги 69-сонли қарори билан тасдиқланган)

2.15. 2012 ЙИЛДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ОИД ИШЛАРНИ КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган, қатъий ҳисобот бериладиган бланкалар ҳисобланадиган квитанциялар, чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни ёзмасдан ёки зарур тарзда рўйхатдан ўтказилмаган квитанциялар, чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни ёзиб ўзаро ҳисобкитобларни амалга ошириш НКМни қўлламасдан ўзаро ҳисобкитобни амалга оширишга тенглаштирилади ва молиявий жарима қўллашга асос бўлади.

«Муҳаббат» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, Урганч шаҳар ДСИнинг қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган. Шунингдек хусусий ажрим чиқарилиб, Хоразм вилоят ДСБга юборилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Урганч шаҳар ҳудудий комиссиясининг рухсатномасига ва Урганч шаҳар ДСИнинг буйруғига асосан МЧЖда қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текширишда МЧЖ томонидан фискал хотирали НКМларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан хизмат кўрсатилганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан хизматлар кўрсатганлик ҳуқуқбузарлиги содир этилганлиги, МЧЖ фаолияти давомида хизмат кўрсатишдан тушган 313 608 285 сўм тушум НКМга кирим қилинмасдан банкка топширилганлиги аниқланган.

Текшириш натижалари юзасидан ҳисобланган молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақидаги Урганч шаҳар ДСИ қарор қабул қилиб, МЧЖга СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 1 887 600 сўм молиявий жарима қўллаган. Ушбу қарордан норози бўлган МЧЖ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, ДСИнинг қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида хулосага келган.

СК 119-моддасининг биринчи қисмига биноан фискал хотирали НКМларини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик учун энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорида жарима солинади.

МЧЖ харидорлардан 313 608 285 сўм нақд пул олиб, уларга квитанция, талон, чек ёки шунга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бермаган.

Баён этилган ҳолатлар текширишга оид ҳужжатлар, жумладан текшириш далолатномаси, жамият вакиллари ва холисларнинг воқеа жойида берган тушунтириш хатлари, давлат солиқ хизмати органининг текшириш натижаларини кўриб чиқиш баённомаси ва бошқа ҳужжатлар билан исботланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли қарори билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз фаолияти хусусиятига кўра, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган айрим тоифалари рўйхати 2-бандининг в) кичик бандига асосан самолётларда ва поездларда (вагон-ресторанлар бундан мустасно) умумий овқатланиш маҳсулотларини сотадиган юридик ва жисмоний шахслар НКМларини қўлламасдан амалга ошириши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органи МЧЖга НКМни қўлламасдан савдони амалга оширганлиги учун эмас, балки унинг харидорларга квитанция, талон, чек ёки шунга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар бермаганлиги учун молиявий жарима қўллаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли қарори билан тасдиқлан-

ган «Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низом 19-бандининг биринчи қисмига мувофиқ ўз фаолиятининг хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни фискал хотирага эга бўлган НКМларини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектлар аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китобларни ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган, қатъий ҳисобот бериладиган бланкалар ҳисобланадиган квитанциялар, чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни мажбурий тартибда ёзиши ва буюртмачига (харидорга) бериши шарт.

Ушбу Низомнинг 20-бандига асосан квитанциялар, чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни ёзмасдан ёки зарур тарзда рўйхатдан ўтказилмаган квитанциялар, чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни ёзиб ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилган ҳолда, НКМни қўлламасдан ўзаро ҳисоб-китобни амалга оширишга тенглаштирилади.

МЧЖ давлат солиқ хизмати органида рўйхатдан ўтган, қатъий ҳисобот бериладиган бланкалар ҳисобланадиган квитанциялар, чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни ёзиб, харидорларга бермасдан фаолият юритган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирди.

2. Ўзбекистон Республикасининг норезиденти Ўзбекистон Республикасида доимий муассасага эга бўлмаса у давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаган деб ҳисобланмайди ва СКнинг 113-моддасида назарда тутилган жавобгарликка тортилмайди.

Янгийўл туман ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат этиб, «STEINERT INDASTRIES GmbH&Co.KG» компаниясига нисбатан СКнинг 113-моддасига асосан давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаганлиги учун 405 488 050 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

«STEINERT INDASTRIES GmbH&Co.KG» компанияси хўжалик судига ариза билан мурожаат этиб, Тошкент вилоят ДСБнинг

солиққа оид қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суднинг ажрими билан ишлар битта иш юритувга бирлаштирилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ДСИнинг молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги талабини қаноатлантириш рад этилган, Компаниянинг талаби эса қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг режа жадвали ва Тошкент вилоят ДСБнинг буйруғига асосан «Вкусный хлеб» МЧЖ шаклидаги чет эл корхонасида молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви ўтказилган.

Текширув якуни бўйича далолатноманинг валюта ва экспорт операцияларига тааллуқли қисми бўйича текшириш натижасида қуйидагилар аниқланган: Германиянинг «STEINERT INDASTRIES GmbH&Co.KG» компанияси билан тузилган импорт контрактлари хорижий компания директори В. А. Штейнерт томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида имзоланганлиги, ўз навбатида Ўзбекистондаги компаниянинг ваколатхонаси раҳбари ҳам В. А. Штейнерт ҳисобланиши ва барча импорт контрактлари у томонидан имзоланганлиги; «STEINERT INDASTRIES GmbH&Co.KG» компанияси ва Янгийул туман ДСИнинг маълумотномаларига кўра компания Ўзбекистон Республикасида доимий муассасасига эга эмаслиги; «STEINERT INDASTRIES GmbH&Co.KG» компаниясининг «Вкусный хлеб» МЧЖ шаклидаги чет эл корхонасида билан тузган импорт контрактлари асосида олган соф тушум суммаси 810 966 100 сўмни ташкил этган.

Кўрсатиб ўтилган ҳолат юзасидан Тошкент вилояти ДСБ Компанияга солиққа оид қонунбузарликларни бартараф этиш, 405 488 050 сўм молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш тўғрисида талабни ва жарима суммаси кўрсатилган ҳисобни топширган.

ДСИ СКнинг 113-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда, солиқ тўловчи сифатида норезидентининг, давлат солиқ хизмати ор-

ганларида (доимий муассаса кўринишда) ҳисобга туришдан бўйин товлаганлиги учун «STEINERT INDASTRIES GmbH&Co.KG» компаниясининг «Вкусный хлеб» МЧЖ шаклидаги чет эл корхонаси билан тузган импорт контрактлари асосида олган соф тушум суммаси 810 966 100 сўмнинг 50 фоизи миқдорида, яъни 405 488 050 сўм молиявий санкция қўллаш тўғрисида хўжалик судига ариза тақдим этган.

Ўз навбатида «STEINERT INDASTRIES GmbH&Co.KG» компанияси Тошкент вилояти ДСБ солиққа оид қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлиб, мазкур қарорни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризани хўжалик судига берган.

СК 113-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра, солиқ тўловчининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг, бундан бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиладиган солиқ тўловчилар мустасно, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаши, агар фаолият ўттиз кундан ортиқ амалга оширилган бўлса – энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, бироқ бундай фаолият натижасида олинган соф тушумнинг эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Давлат солиқ хизмати органлари Компания раҳбари «Вкусный хлеб» МЧЖ шаклидаги чет эл корхонаси билан тузилган 6 та контрактларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида имзолаганлиги сабабли Компания доимий муассасага эга бўлиши лозим ва давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаган деб ҳисоблаган.

СК 20-моддасининг биринчи қисмига асосан норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деганда норезидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган, шу жумладан фаолиятни ваколатли шахс орқали амалга ошираётган ҳар қандай жой эътироф этилади. Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида бир юз саксон уч календарь кунидан ортиқ давом этадиган тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши ҳам эътироф этилади.

СК 20-моддаси бешинчи қисмининг 3-бандига кўра «Доимий муассаса» тушунчаси товарларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш операцияларини, шу жумладан фақат Ўзбекистон Республикасининг норезиденти номидан тузиладиган ва Ўзбекистон Республикасида товарларни харид қилиш, шунингдек товарларни Ўзбекистон Республикасига экспорт қилиш бўйича операциялар билан боғлиқ ташқи савдо контрактлари доирасида операцияларни амалга оширишни ўз ичига олмайди.

Битта контракт бўйича устав фондини шакллантириш учун маҳсулотлар етказиб берилган бўлса, қолган контрактларнинг барчаси олди-сотди шартномалари ҳисобланади. Мазкур контрактларнинг барчаси Компания раҳбари томонидан шахсан имзоланган.

Бундай ҳолатда мазкур контрактлар товарларни Ўзбекистон Республикасига экспорт қилиш бўйича операциялар билан боғлиқ ташқи савдо контрактлари доирасида амалга оширилган операциялар ҳисобланади ва СК 20-моддаси бешинчи қисмининг 3-банди талабларидан келиб чиқиб «Доимий муассаса» тушунчаси ушбуларни ўз ичига олмайди.

Биринчи инстанция суди ушбу ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериб, Компаниянинг талабини қаноатлантирган, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини, кассация инстанцияси суди эса суд қарорларини ўзгаришсиз қолдирган.

3. ҚҚС солинмайдиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда, шунингдек ҚҚС тўловчиси бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда ҚҚСни ҳисобварақ-фактурада акс эттирганлик маҳсулот етказиб берувчиларга ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Термиз шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «SAXOVAT BUNYODKOR TA'MIR» МЧЖга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 334 721 200 сўм, 118-моддасига асосан 21 761 000 сўм, 2009–2010 йилларда маҳсулот етказиб берувчи ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган 108 805 200 сўм ҚҚС миқдорида, жами 465 287 400 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган. МЧЖга нисбатан

СКнинг 114-моддасига асосан 334 721 200 сўм, 118-моддасига асосан 21 761 000 сўм молиявий санкция қўлланилган. Арз қилинган талабларнинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

СВОЖЖДЛҚК Департаменти Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар бўлимининг қарорига асосан МЧЖда текшириш ўтказилган. Текширишда 334 721 200 сўмлик товарларни реализация қилишдан тушган тушумлар камайтириб кўрсатилганлиги, ҚҚС тўловчиси бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда ҚҚСни ҳисобварақ-фактурада акс эттирганлик ҳолатлари аниқланган.

Текшириш натижалари юзасидан ҳисобланган молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақида Термиз шаҳар ДСИнинг қарори МЧЖ томонидан бажарилмагач, ДСИ МЧЖга молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди арз қилинган талабларни қисман қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган.

СК 114-моддасининг биринчи қисмига кўра кирим қилинмаган товарларни сақлаш, бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар мустасно, ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш (камайтириб кўрсатиш) кирим қилинмаган товар қиймати ёки яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шу сабабли, хўжалик суди товарларни реализация қилишдан тушган тушумлар камайтириб кўрсатилганлиги учун арз қилинган талабларнинг МЧЖга нисбатан 334 721 200 сўм молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги қисмини қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

СКнинг 118-моддасига кўра ҚҚС солинмайдиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда, шунингдек ҚҚС тўловчиси бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда ҚҚСни ҳисобварақ-фактурада акс эттирганлик учун маҳсулот етказиб берувчиларга ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС сумма-

сининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Бунда маҳсулот етказиб берувчи ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммасини бюджетга тўлаши шарт.

Биринчи инстанция суди МЧЖга нисбатан СКнинг 118-моддасига асосан МЧЖ томонидан 2009–2010 йилларда ҚҚС солинмайдиган товарларни реализация қилишда, шунингдек ҚҚС тўловчиси бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни реализация қилишда ҚҚСни ҳисобварақ-фактурада акс эттирганлик учун 21 761 000 сўм молиявий санкция қўллаган.

Биринчи инстанция суди арз қилинган талабларнинг 108 805 200 сўм миқдорида молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги қисмини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида хулосага келган. Чунки СКнинг 118-моддасида молиявий жарима ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС миқдорида эмас, балки ҚҚС суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

4. Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасининг амал қилиши қонун ҳужжатларида белгиланган асос билан бекор қилиниши мумкин.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси Оқдарё туман ҳокимлигига нисбатан «Нур Оазис АК» ХК манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, Оқдарё туман ҳокимлиги ҳузуридаги алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаларини олиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг «Нур Оазис АК» ХКга вилоят ҳокимлиги комиссияси томонидан берилган рухсат гувоҳномасини бекор қилиш ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг иш режасига асосан Оқдарё туман ҳокимлигида ўтказилган текширишда туман ҳокимлиги ҳузуридаги алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаларини олиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг қарори билан «Нур Оазис АК» ХКга Самарқанд вилоят ҳокимлиги комиссияси томонидан берилган рухсат гувоҳномаси бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сонли қарори билан тасдиқланган «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома бериш тартиби тўғрисида»ги Низом 3-бандининг биринчи хатбошисига кўра, рухсат гувоҳномасини бериш (амал қилиш муддатини 10 кун муддатгача тўхтатиб қўйиш, шунингдек амал қилишини тўхтатиш, бекор қилиш тартиб-қоидаси ташаббуси билан чиқиш) тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ташкил этиладиган алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш бўйича махсус комиссиялар томонидан қабул қилинади.

Ушбу банднинг иккинчи хатбошисида эса туман ҳокимликлари ҳузуридаги алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини олиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича комиссияларга ҳужжатларни қабул қилиш, улар бўйича комиссиянинг хулосалари ва қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси юклатилган.

Низомнинг 22-банди талабига кўра, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда рухсат гувоҳномаси олиниши ҳолати тасдиқланган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда рухсат гувоҳномасининг амал қилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

Юқоридагиларга кўра, биринчи инстанция суди аризани қаноатлантирган.

5. Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўришда суд ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ва унинг тадбиркорлик субъекти томонидан содир этилганлик ҳолати мавжудлигини, ушбу ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилганлигини ва тадбиркорлик субъектига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга асослар мавжудлигини суд мажлисида аниқлайди.

Янгийўл туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Калпфарм» МЧЖга нисбатан СКнинг 117-моддасига кўра 214 102 300 сўм олган соф фойда миқдорида, 114-моддасига кўра 121 833 сўм яширилган тушум миқдорида молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қисман қаноатлантирилиб, МЧЖга нисбатан 121 833 сўм молиявий санкция қўлланган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори қисман бекор қилиниб, МЧЖга нисбатан СКнинг 117-моддасига асосан 214 102 300 сўм молиявий санкция ҳам қўлланилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

МХХ тергов бошқармасининг қарори ва ДСҚнинг буйруқларига асосан «Калпфарм» МЧЖда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказилган.

Текширишда МЧЖ «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 7 июндаги ПҚ–649-сонли Қарорига зид равишда лицензиясиз ерни қазиб олиш ишларини амалга ошириб келиб, ишлаб чиқарилган ғишт сотувидан 2008 йилда 194 829 400 сўм, 2009 йилда 39 798 300 сўм, 2010 йилда 55 587 200 сўм миқдорида соф фойда олганлиги, 111 758 сўмлик тайёр ғишт маҳсулотлари ортиқчалиги, 10 075 сўмлик товар-моддий бойликлар камомади борлиги ва шу каби ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланган. Бу ҳақда тегишли далолатномалар расмийлаштирилган. Мазкур текшириш ўтказишга асос бўлган барча ҳужжатлар аризачи томонидан жавобгарга тегишли тартибда топширилган.

Суд аризани қисман қаноатлантиришда иш бўйича мутахассислар томонидан берилган хулосалар бир-бирига тўғри келмаслигини, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли қарори талабига кўра қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин этилиши лозимлигини асос қилган.

Ваҳоланки ушбу Пленум қарори 5-бандининг иккинчи хатбошисида судлар тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий

таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўришда солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар ҳақидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги барча бартараф этиб бўлмайдиган шубҳалар, қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин этилишини инобатга олишлари лозимлиги қайд этилган.

ХПКнинг 55-моддаси талабига кўра ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Хўжалик суди, агар ишни кўриб чиқиш учун мавжуд материаллар етарли эмас деб ҳисобласа, ишда иштирок этувчи шахсларга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилишга ҳақлидир.

Юқорида қайд этилган Пленум қарорининг 12-бандида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўришда суд: ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ва унинг тадбиркорлик субъекти томонидан содир этилганлик ҳолати мавжудлигини; назорат қилувчи органнинг текшириш тўғрисидаги ҳужжатни расмийлаштиришга асоси ва ваколати борлигини; ушбу ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилганлигини ва тадбиркорлик субъектига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга асослар мавжудлигини суд мажлисида аниқлаши, бунда суд молиявий санкцияларнинг ҳисобланиши ва миқдори тўғрилигини текширади, шунингдек ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаши назарда тутилган.

Биринчи инстанция суди ХПКнинг 55-моддаси, ушбу Пленум қарорининг 12-банди талабларига риоя этмасдан ва текширишда аниқланган ҳуқуқбузарликлар ишдаги мавжуд далиллар билан ўз тасдиғини топганлигига ҳуқуқий баҳо бермасдан арз қилинган талабларни қисман қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини қисман бекор қилиб, арз қилинган талабларни тўлиқ қаноатлантирган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2013 йил 31 январдаги 9-сонли қарори
билан тасдиқланган)

2.16. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН 2010–2012 ЙИЛЛАР ВА 2013 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ ДАВОМИДА СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛГАН НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА ОИД СУД АМАЛИЁТИ

1. Хўжалик суди томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича суд ижрочисининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) ижро ҳужжатини берган хўжалик судига берилади.

ТИФ Миллий банки Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасига нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, суд ижрочиларининг хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб топишни сўраган.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан шикоятнинг суд ижрочиларининг хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб топиш тўғрисидаги қисми бўйича иш юритиш тугатилган**.**

Навоий вилоят хўжалик суди томонидан солидар жавобгарлар «Интер Теско» МЧЖ суғурта компанияси (Тошкент шаҳри) ва «МЕФ Инвест» МЧЖдан (Навоий вилояти) 2 250 000 000 сўм ундириш тўғрисида ижро варақалари берилган. Ижро варақалари Суд департаменти Тошкент шаҳар ва Навоий вилоят ҳудудий бошқармаларига юборилган.

Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ижро варақалари суд қарори илова қилинмаганлиги ва индекс рақами кўрсатилмаганлиги сабабли, ТИФ Миллий банкига қайтарилган. Шу сабабли, ТИФ Миллий банки Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасига нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, суд ижрочиларининг хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб топишни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан суд ижрочиларининг хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб топиш тўғрисидаги талаб бўйича иш юритиш тугатилган**.**

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 86^1-моддасига кўра, хўжалик суди томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича суд ижрочисининг чиқарган қарори устидан ундирувчи ёки қарздор томонидан ижро ҳужжатини берган хўжалик судига ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга, қарор чиқарилганлиги ҳақида

хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда шикоят берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги 06/196-сонли қарорининг 15-бандига кўра суд ижрочисининг хатти-ҳаракатлари устидан бериладиган шикоятларнинг судга тааллуқлилиги масаласи ҳам юқорида қайд этилган Қонун нормалари талабларига риоя этилган ҳолда ҳал этилади.

Мазкур ҳолатда Навоий вилоят хўжалик судининг ижро варақаси ижроси юзасидан суд ижрочисининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят ижро варақасини берган хўжалик суди, яъни Навоий вилоят хўжалик судининг судловига тегишли бўлиб, аризачи бундай шикоят билан шу вилоят хўжалик судига мурожаат қилиши лозим.

2. Баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишлар хўжалик судига тааллуқли эмас. Суд томонидан фақатгина баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича тузилган хулоса кўриб чиқилади.

Бухоро вилоят хўжалик судининг Когон туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонасидан ундирувчи «Шохруд транс» МЧЖ фойдасига 12 851 406 сўм ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатининг ижросини таъминлаш мақсадида Суд департаменти Когон туман бўлимининг суд ижрочиси қарздорга тегишли бўлган «ДАМАС», «Тико» ва «УАЗ 31512» русумли автотранспорт воситаларини хатлаган ва уларни баҳолаш учун мутахассис тайинлаш ҳақида қарор чиқариб, қарор ижросини «Фазилат нури плюс» баҳолаш ташкилотига юклаган.

Суд ижрочисининг ушбу қарорига асосан баҳоловчи ташкилот томонидан «ДАМАС» русумли автомашина 5 885 130 сўмга, «Тико» русумли автомашина 4 021 652 сўмга, «УАЗ 31512» русумли автомашина 1 570 338 сўмга баҳоланган ва бу ҳақда ҳисобот тузилган.

Суд ижрочилари Когон туман бўлими қарздорга билдиришнома юбориб, унда хатланган учта автотранспорт воситалари «Фазилат нури плюс» баҳолаш ташкилоти томонидан баҳоланганлиги ва улар Республика кўп тармоқли «Агро саноат биржаси» орқали савдога чиқарилганлигини маълум қилган.

Баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланган нархлардан норози бўлиб, қарздор судга Суд ижрочилари Когон туман бўлими ва «Фазилат нури плюс» баҳолаш ташкилотига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, суд ижрочисининг ижро иши юритишда мутахассис тайинлаш ҳақидаги қарорни ҳамда транспорт ва техника воситаларини баҳолаш бўйича ҳисоботни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан суд ижрочисининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш талабини қаноатлантириш рад этилган, баҳолаш ҳисоботини ҳақиқий эмас деб топиш талаби бўйича иш юритиш тугатилган.

Қонун 20-моддасининг биринчи қисмига кўра, ижро ҳаракатларини амалга ошираётганда юзага келадиган, махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни тушунтириб бериш учун суд ижрочиси ўз ташаббусига ёки тарафларнинг илтимосига биноан ўзининг қарори билан мутахассис тайинлаши мумкин. Шунингдек Қонун 54-моддасининг иккинчи қисмига биноан суд ижрочиси мол-мулкни баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотни жалб этади.

«Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 18^1-моддасида зарур бўлган ҳолда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини текшириш учун мазкур ҳисобот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа баҳоловчи ташкилот томонидан шартнома асосида экспертизадан ўтказилиши мумкинлиги, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш натижалари эксперт хулосаси билан расмийлаштирилиши, буюртмачи баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ишончлилиги тўғрисида олинган эксперт хулосасига рози бўлмаган тақдирда, низо судда кўриб чиқилиши кераклиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сонли Қарори билан тасдиқланган «Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар тўғрисида»ги Низомнинг 38-бандига кўра, зарурат бўлганда баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботи ҳаққонийлигини текшириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳолаш тўғрисидаги мазкур ҳисобот шартно-

ма асосида бошқа баҳоловчи ташкилот томонидан экспертизадан ўтказилиши мумкин.

Ушбу Низомнинг 39-бандига асосан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни экспертизадан ўтказишнинг буюртмачиси олинган хулосага рози бўлмаган тақдирда ушбу баҳс суд томонидан кўриб чиқилади.

Бундан кўринадики, баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботининг қонунийлиги ёки асослилиги суд томонидан баҳоланмайди. Унинг ҳаққонийлиги бошқа баҳоловчи ташкилот томонидан экспертиза ўтказиш йўли билан текширилади. Бунинг натижасида тузилган экспертиза хулосасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво хўжалик судига тааллуқлидир.

Шу боис, биринчи инстанция суди суд ижрочисининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш талабини қаноатлантиришни рад этиш, баҳолаш ҳисоботини ҳақиқий эмас деб топиш талаби бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида асосли хулосага келган.

3. Суд ижрочисининг хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб топиш ҳамда у томондан ижро жараёнида чиқарилган қарорни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризани мазмунан кўриб чиқиш натижаси бўйича суд ажрим эмас, балки ҳал қилув қарори қабул қилади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарздор «Тўқимачи Боботекс» МЧЖдан ундирувчи «Ўзбекқоғозтаъминот» МЧЖ фойдасига 85 789 335 сўм ундириш тўғрисидаги суд ҳужжати ижросини таъминлаш мақсадида Суд департаменти Яккасарой туман бўлимининг суд ижрочиси томонидан ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисида қарор чиқарилиб, унда ижро ҳужжатида кўрсатилган талабларни ихтиёрий бажариш учун қарздорга беш кунлик муддат белгиланган.

Суд ижрочисининг қароридан норози бўлиб, қарздор Тошкент шаҳар хўжалик судига Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва Суд ижрочилари Яккасарой туман бўлимига нисбатан ариза билан мурожаат қилиб, суд ижрочисининг хатти-ҳаракатларини ноқонуний ҳамда унинг қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа орган-

лар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўллашда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар ҳақида» 2009 йил 10 апрелдаги 06/196-сонли қарорининг 17-банди мазмунига кўра, суд ижрочисининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиниши мумкин, шикоят қилиш ФПК ва ХПКнинг 15-бобларида назарда тутилган талабларга риоя қилинган ҳолда ариза (шикоят) бериш йўли билан амалга оширилади, қайд этилган аризалар (шикоятлар) айрим хусусиятлари инобатга олинган ҳолда, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш тартибида кўриб чиқилиши керак.

Бундан кўриниб турибдики, биринчи инстанция суди қарздорнинг аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ажрим эмас, балки ҳал қилув қарори қабул қилиши лозим эди.

Шу боис, апелляция инстанцияси судининг қарори билан суд ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

4. Суд ижрочисининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган зарар Суд департаменти ҳудудий бошқармасидан ундирилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасидан 3 585 114 сўм зарар ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг ижро варақасига асосан «BARS SAVDO UYI» МЧЖдан Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти фойдасига 3 585 114 сўм ундирилган. Ижро варақаси Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасига ижро этиш учун ундирувчи томонидан топширилган. Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ижро варақасини Яккасарой туман суд ижрочилари бўлимига юборган. Яккасарой туман суд ижрочилари бўлими томонидан эса ижро варақаси Мирзо Улуғбек туман суд ижрочилари бўлимига юборилган.

Ижро варақаси ижро органига топширилганига 6 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамасдан, у ижро этилмаган.

Ундирувчининг юзага келган ҳолат бўйича хизмат текшируви ўтказишни сўраб Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасига қилган мурожаатлари оқибатсиз қолдирилган.

Яккасарой туман ҳокимлиги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг маълумотига кўра, «BARS SAVDO UYI» МЧЖ давлат реестридан чиқарилган. Шу сабабли, ижро органининг айби билан қарз суммасини қарздордан ундириш имконияти йўқотилган. Натижада Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаментига зарар етказилган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳисобидан даъвогар фойдасига асосли равишда 3 585 114 сўм зарар суммаси ундирилган.

Чунки ФКнинг 15-моддасига кўра, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тўланиши керак.

5. Юридик ва жисмоний шахслар суд ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлари бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинганлиги сабабли бундай аризани қаноатлантириш рад этилганда аризачидан давлат божи ундирилмайди, ариза қаноатлантирилган тақдирда эса давлат божи жавобгардан давлат бюджетига ундирилади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан «Асбобсоз» МЧЖдан «Шодлик» МЧЖ фойдасига 110 846 117 сўм ундирилган. Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилган ва у ундирувчи томонидан Суд ижрочилари Юнусобод туман бўлимига ижро этиш учун тақдим қилинган.

Бироқ ижро ҳужжати ижрога тақдим қилинганидан сўнг 2 ойдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, суд ижрочиси томонидан суд ҳужжати ижро қилинмаган. Шу боис ундирувчи Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва Суд ижрочилари Юнусобод туман бўлимига нисбатан ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиб, суд ижрочиларининг хатти-ҳаракатлари

(ҳаракатсизлиги)ни ноқонуний деб топишни ва уларнинг зиммасига суд ҳужжатини қонунда белгиланган муддатда ижро этиш вазифасини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган. Шунингдек, Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасидан республика бюджетига 572 000 сўм давлат божи ундирилган.

СК 330-моддасининг 25-бандига кўра юридик ва жисмоний шахслар суд ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлари бўйича хўжалик судларида давлат божини тўлашдан озод қилинади.

СК 337-моддасининг ўнинчи қисмига биноан даъвогар давлат божини тўлашдан озод этилган тақдирда даъво қаноатлантирилса, давлат божи жавобгардан (агар у давлат божини тўлашдан озод этилмаган бўлса) давлат даромадига белгиланган даъво суммасига мувофиқ ундирилади.

Ундирувчининг аризаси қаноатлантирилганлиги сабабли, биринчи инстанция суди жавобгардан давлат даромадига энг кам иш ҳақининг ўн баравари, яъни 572 000 сўм миқдорида давлат божи ундирган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2013 йил 31 октябрдаги 116-сонли қарори билан тасдиқланган)

2.17. 2013 ЙИЛДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ОИД ИШЛАРНИ КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. Назорат қилувчи орган судга мурожаат қилгунга қадар молиявий санкция қўлланилаётган шахсга уни ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисида талабни ҳамда қўлланиладиган жарима суммаси кўрсатилган ҳисобни топширади ёки топширилиши маълум қилинадиган буюртма хат билан юборади. Ушбу тартибга риоя қилмаслик аризани ХПК 88-моддасининг 5-бандига асосан кўрмасдан қолдиришга асос бўлади.

Фарғона шаҳар ДСИ судга мурожаат қилиб, «Актисфар» МЧЖга нисбатан СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача, 114-моддасига асосан 60 300 сўм ва 276 672 100 сўм, 116-моддасига асосан 1 509 600 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан даъво кўрмасдан қолдирилган.

Фарғона шаҳар ДСИнинг буйруқлари, СВОЖЖДЛҚК Департаменти Фарғона вилоят бошқармасининг буйруқларига асосан МЧЖда ҳужжатли текшириш ўтказилган.

Текшириш ҳужжатлари ДСИ бошлиғининг ўринбосари томонидан кўриб чиқилиб, солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Ушбу қарорда тегишли ҳисоб рақамларга ўттиз кун муддат ичида ихтиёрий равишда СКнинг 114-моддаси асосида 275 031 900 сўм яширилган тушум миқдорида, кирим қилинмаган товарлар учун 60 300 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 1 887 600 сўм жарима тўланиши белгиланган.

СКнинг 103-моддасига кўра солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки иш кунидан ошмайдиган муддатда қарорнинг нусхаси тилхат олиш орқали ёки солиқ тўловчи томонидан олинган санани тасдиқловчи бошқа усул орқали солиқ тўловчига топширилади. Агар солиқ тўловчига қарор нусхасини топширишнинг имкони бўлмаса, у почта орқали

буюртма хат билан жўнатилади ва жўнатилганидан эътиборан уч кун ўтгач топширилган ҳисобланади.

ДСИнинг қарори солиқ тўловчига топширилмаган ёки почта орқали юборилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли қарорининг 16-бандига кўра, ПФ–3619-сонли Фармон мазмун жиҳатидан молиявий санкцияларни қўллаш масаласини судгача ҳал қилиш тартибини белгилайди. Шу муносабат билан назорат қилувчи орган судга мурожаат қилгунга қадар молиявий санкция қўлланилаётган шахсга уни ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисидаги талабни ҳамда қўлланиладиган жарима суммаси кўрсатилган ҳисобни топширади ёки топширилиши маълум қилинадиган буюртма хат билан юборади.

ХПК 88-моддасининг 5-бандида даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун қонун ёки шартномада назарда тутилган бўлса, даъво кўрмасдан қолдирилиши белгиланган.

Аризачи низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаганлиги, қарор нусхасини белгиланган тартибда жавобгарга юбормаганлиги сабабли суд аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топган.

2. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга.

Хонқа туман ДСИ вилоят хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Шарҳ инвест транс» МЧЖга нисбатан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад қилинган.

СВОЖЖДЛҚК Департаменти Хоразм вилояти Хонқа туман бўлимининг қарори ҳамда Хонқа туман ДСИнинг буйруғига асосан «Шарҳ инвест транс» МЧЖнинг молия-хўжалик фаолияти-

да солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказилган.

Текширишда МЧЖ томонидан лицензия мавжуд бўлмагани ҳолда 2008 йил февраль-май ойларида шаҳарда ҳамда шаҳар атрофида юк ташиш фаолияти билан шуғулланиб 22 369 600 сўмлик хизмат кўрсатилганлиги ва шу фаолиятдан 422 800 сўм соф фойда олинганлиги, 2009 йил июль ойида 48 444 000 сўмлик хизмат кўрсатилиб 1 908 700 сўмлик фойда олинганлиги, 2010 йил январь-май ойларида 37 941 500 сўмлик хизмат кўрсатилиб 1 912 300 сўмлик соф фойда олинганлиги аниқланган.

Текшириш ҳужжатлари ДСИда кўриб чиқилиб, содир этилган ҳуқуқбузарликлар натижасида ҳисобланган қўшимча солиқ ва жарималарни ихтиёрий тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

СКнинг 117-моддаси 2013 йил 7 октябрга қадар амалда бўлган таҳririга асосан фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш – фаолиятнинг ушбу турларини лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз амалга ошириш даврида олинган соф фойда миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ–355-сонли Қонуни билан СКнинг 117-моддасига ўзгартириш киритилган бўлиб, ушбу ўзгартиришга асосан фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланганлик учун шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши белгиланган.

СКнинг 3-моддасига асосан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга.

Ушбу ҳолатда СКнинг 117-моддасига киритилган ўзгартириш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчига нисбатан жарима солишни бекор қилишни назарда тутади. Шу сабабли мазкур Қонун орқага қайтиш кучига эга.

Шунга асосан хўжалик суди ДСИнинг жавобгарга нисбатан СКнинг 117-моддасига асосан молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги аризасини қаноатлантиришни рад қилган.

3. Энг кам иш ҳақининг миқдоридан келиб чиқиб белгиланадиган молиявий санкция ҳуқуқбузарлик аниқланган кунда амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб қўлланилади.

Нишон туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Серос» ХИЧФга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибда солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сонли Қарорига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравари 12 584 000 сўм миқдорида, СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 2 387 700 сўм миқдорида молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, ХИЧФга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибда солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сонли Қарорига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравари 15 918 000 сўм миқдорида, СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 2 387 700 сўм миқдорида молиявий санкция қўлланилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари ўзгартирилиб, ХИЧФга қўлланилган молиявий санкция миқдори 15 918 000 сўмдан 12 584 000 сўмга ўзгартирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг иш режасига ҳамда ДСИнинг буйруғига асосан ХИЧФнинг молия-хўжалик фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказилган.

Текширишда алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари бузилганлиги, НКМ ишлатилмасдан савдо амалга оширилганлиги аниқланган.

ДСИ томонидан жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, ХИЧФга жаримани ихтиёрий равишда тўлаш таклиф этилган. Жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланмаганлиги сабабли ДСИ судга мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Текширишда аниқланган ҳуқуқбузарликлар ишдаги мавжуд бўлган ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топганлиги боис, биринчи

инстанция суди ХИЧФга нисбатан молиявий санкция қўллаган. Бироқ суд ҳуқуқбузарлик аниқланган кунда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб қўлланилиши лозим бўлган (2012 йил июнь ойида энг кам ойлик иш ҳақи 62 920 сўм) 12 584 000 сўм миқдоридаги санкция ўрнига ишни кўриш вақтидаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдори (79 590 сўм) дан келиб чиқиб, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравари 15 918 000 сўм миқдорида санкция қўллаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарорининг 5-бандига кўра судлар энг кам иш ҳақининг миқдорига қараб белгиланадиган молиявий санкцияни қўллашда ҳуқуқбузарлик аниқланган кунда амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб молиявий санкция қўлланилишини эътиборга олишлари лозим.

Шу сабабли кассация инстанцияси суди суд қарорларини ўзгартириб, ХИЧФга қўлланилган санкция миқдорини 15 918 000 сўмдан 12 584 000 сўмга ўзгартиришни лозим топган.

4. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилганда хўжалик суди ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида зиммасига молиявий жазо чораси суммасини ундириш юклатилган назорат қилувчи органнинг номи кўрсатилиши керак.

Қарши шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Mustaqil Diyor» ИЧСКга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 747 938 200 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Кассация инстанция судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, қонунга мувофиқлаштирган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг режа жадвали ҳамда Қарши шаҳар ДСИнинг буйруғига асосан ИЧСКнинг молия-хўжалик фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказилган.

Текширишда ИЧСК томонидан 921 500 сўм нақд пуллар банкка топширилмаганлиги, кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган

418 219 400 сўм товар-моддий бойликлар реализация қилинганлиги, 324 493 000 сўмлик камомад мавжудлиги ҳамда 4 304 300 сўмлик тушум камайтириб кўрсатилганлиги аниқланган.

Текшириш натижалари ДСИ томонидан кўриб чиқилиб, ИЧСКга нисбатан 747 938 200 сўм жарима қўллаш ҳақида қарор қабул қилинган.

Жарима суммаси ихтиёрий тўлаб берилмагач, ДСИ судга мурожаат қилиб, ИЧСКга нисбатан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция суди ДСИ талабларини қаноатлантирган бўлса-да, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида зиммасига молиявий жазо чораси суммасини ундириш юклатилган назорат қилувчи органнинг номини (Қарши шаҳар ДСИ) кўрсатмаган.

ХПК 155[18]-моддаси учинчи қисмининг 3-бандига асосан ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, хўжалик суди ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қўлланилган ҳуқуқий таъсир чорасининг тури, молиявий жазо чораси қўлланилган тақдирда эса унинг миқдори; зиммасига молиявий жазо чораси суммасини ундириш юклатилган назорат қилувчи органнинг номи кўрсатилиши керак.

Шунга асосан кассация инстанция суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириб, уни қонунга мувофиқлаштирган.

5. Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни судгача бартараф этган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Sardor Denta» МЧЖга тиббий фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилишини уч ой муддатга тўхтатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги 1652-сонли Қарори, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 27 августдаги 290-сонли ҳамда 2013 йил 30 сентябрдаги 329-сонли буйруқларига асосан МЧЖнинг тиббий фаолияти юзасидан текшириш ўтказилган.

Текшириш жараёнида МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 92-сонли қарори билан тасдиқланган «Тиббий фаолиятнинг лицензиялаш тўғрисида»ги Низомнинг 8-банди талаблари бузилганлиги, яъни МЧЖ бош врачи ўз вақтида малакасини оширмаганлиги аниқланган.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 22-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд мажлисида аниқланишича, МЧЖ бош шифокори Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида малакасини оширган бўлиб, бу ҳақда унга тегишли сертификат берилган ҳамда ушбу сертификат нусхаси судга тақдим этилган.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун 22-моддасининг бешинчи қисмига кўра, лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган лицензияловчи орган ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқномани олган кундан эътиборан лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида ўн кун муддат ичида қарор қабул қилиши шартлиги белгиланган.

МЧЖ томонидан аризада келтирилган қонун бузилиши ҳолати судга қадар бартараф этилган бўлиб, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асослари мавжуд эмаслиги сабабли, аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида хулосага келинган.

6. Техник талабларга жавоб бермайдиган НКМларидан фойдаланганлик ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган НКМларидан фойдаланганлик энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Сардоба туман ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, ЯТТ Б. Болбековга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 217 200 сўм, 119-моддасининг учинчи қисмига асосан 7 959 000 сўм, жами 8 176 200 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қисман қаноатлантирилиб, ЯТТга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 217 200 сўм молиявий санкция қўлланилган, арз қилинган қолган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари қисман бекор қилинган.

Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси Сирдарё вилоят бўлимининг буйруғига асосан ЯТТга қарашли савдо дўконида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли ва 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли қарорлари талаблари бажарилиши ҳамда савдо қоидаларига риоя этилиши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текширишда ЯТТга қарашли савдо дўконида сотувчи харидорга 4 600 сўм нақд пул тушуми учун касса чеки ёки унга тенглаштирилган квитанция бермаганлиги, 20 200 сўм нақд пул тушуми яширилганлиги, 7 турдаги 197 000 сўмлик товар-моддий бойликларнинг кирим ҳужжатлари йўқлиги ҳамда фойдаланилаётган НКМ техник носозлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПК–1326-сонли Қарорига асосан қайта дастурланмаганлиги аниқланган.

Биринчи инстанция суди арз қилинган талабнинг СКнинг 114-моддасига асосан 217 200 сўм молиявий санкция қўллаш билан бирга, 119-моддасининг учинчи қисмига асосан 7 959 000 сўм молиявий санкция қўллаш талабини қаноатлантиришни рад этган.

Биринчи инстанция суди арз қилинган ушбу талабни қаноатлантиришни рад этиш учун НКМ «Ўзстандарт» агентлиги кўригидан ўтмаганлиги ва сертификати бўлмаганлиги унинг техник талабларга жавоб бермаслигини англатмаслигини ва мутахассиснинг маълумотномасига кўра НКМ техник талабга жавоб бермаслиги ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилганлиги ҳолати қайд этилмаганлигини асос қилган.

Бироқ текширишда ЯТТнинг фойдаланаётган НКМ техник носозлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПК–1326-сонли Қарорига асосан қайта дастурланмаган-

лиги аниқланган ҳамда ДСИ томонидан тузилган далолатномага асосан ЯТТга тегишли НКМ вақтинчалик олиб қўйилган.

«Сирдарё электрон техник маркази» МЧЖ томонидан ЯТТга тегишли НКМ юзасидан берилган хатда НКМ ишлаб чиқарилган вақтда ўқув ҳолатида чиқарилгани бўйича ишга туширилмаганлиги, НКМга киритилган пуллар ҳам фискал хотирага кирмаганлиги, шунинг учун бу пулларни НКМга кирим қилинган деб ҳисоблаб бўлмаслиги, НКМ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПК–1326-сонли Қарорига асосан қайта дастурланмаганлиги ва шу сабабли Ўзбекистон Республикаси қонун талабларига жавоб бермаслиги ҳақида хулоса берилган.

СК 119-моддасининг учинчи қисмига кўра техник талабларга жавоб бермайдиган НКМларидан фойдаланганлик ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган НКМларидан фойдаланганлик, шунингдек пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик – энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима солишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли қарори билан тасдиқланган «Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 7-бандига кўра сертификатга эга бўлмаган ва белгиланган ягона техник талабларга жавоб бермайдиган ҳамда давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилмаган НКМларидан фойдаланишга, қонун ҳужжатларига мувофиқ айбдор шахслар ва хўжалик юритувчи субъектлар жавобгарликка тортилган ҳолда НКМларини қўлламасдан амалга оширилган фаолият сифатида қаралади.

Шу сабабли, кассация инстанция суди суд қарорларини қисман бекор қилишни лозим топган.

7. МЧЖнинг устав жамғармасини товарлар киритиш ҳисобига ошириш ҳақидаги таъсисчилар умумий йиғилишининг қарори ваколатли орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, товарлар кирим қилинмаган деб баҳоланади.

Хатирчи туман ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Ибрат савдо ёғдуси» МЧЖга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 102 300 000 сўм молиявий санкция қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, талаб қаноатлантирилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг рухсатномаси ва Навоий вилоят ДСБнинг буйруқларига асосан МЧЖда солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан режадан ташқари текшириш ўтказилган.

Текширишда МЧЖ томонидан 2011 йил декабрь ойида 24 300 000 сўмлик янги йил совғалари, 2012 йил январь ойида 13 000 сўмлик товуқ гўшти маҳсулоти, февраль ойида 65 000 000 сўмлик парранда ва омухта ем маҳсулоти кирим қилинмасдан, сифат сертификатларисиз сотилганлиги аниқланган.

Биринчи инстанция суди арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад қилишда МЧЖ 24 300 000 сўмлик янги йил совғалари, 13 000 сўмлик товуқ гўшти маҳсулоти, 65 000 000 сўмлик парранда ва омухта ем маҳсулоти МЧЖ таъсисчилари томонидан МЧЖ устав жамғармасини шакллантириб кўпайтириш мақсадида киритилганлиги ҳамда бу ҳолатда СКнинг 114-моддаси асосида молиявий санкция қўлланмаслигини кўрсатган.

Ваҳоланки, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18-моддасининг бешинчи қисмига кўра қўшимча ҳиссаларни қўшишнинг муддати тугаган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссаларини ва (ёки) учинчи шахсларнинг ҳиссаларини қўшиш якунларини тасдиқлаш ҳақида, шунингдек жамият устав фонди (устав капитали) миқдорини кўпайтириш, қўшимча ҳиссалар қўшган жамият иштирокчилари улушларининг номинал қийматини кўпайтириш ва (ёки) учинчи шахс (учинчи шахслар) улушининг номинал қиймати ва миқдорларини аниқлаш, зарур ҳолларда жамият иштирокчилари улушларининг миқдорлари ўзгариши билан боғлиқ ўзгартишларни жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритиш тўғрисида жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиниши керак.

Ушбу модда еттинчи қисмининг мазмунига кўра, таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришлар жамият иштирокчилари ва

учинчи шахслар учун ўзгартиришлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан кучга киради.

МЧЖ томонидан жами 102 300 000 сўмлик маҳсулотларни устав фондига киритиш тўғрисида ҳисоб-фактура тузилган ва умумий йиғилиш қарори қабул қилинган бўлса-да, таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ваколатли орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилмаган.

Шунингдек, МЧЖ томонидан маҳсулотлар 2011 йил декабрь ва 2012 йил январь, февраль ойларида устав фондига киритилиб, кейинчалик сотилган бўлса-да, бу ҳолатлар шу йиллардаги бухгалтерия ҳисоботларида акс эттирилмаган. Мазкур ҳолат товарлар кирим қилинмаган деб баҳоланади.

Шу боис, кассация инстанцияси суди суд қарорларини бекор қилиб, арз қилинган талабни қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2014 йил 27 февралдаги 17-сонли қарори
билан тасдиқланган)

3-боб. ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ОИД СУД АМАЛИЁТИ

3.1. ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ 2007 ЙИЛ 15 ИЮНДАГИ «БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА ИШЛАРНИ КЎРИШДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ТЎҒРИСИДА»ГИ 162-СОНЛИ ҚАРОРИНИ ҚЎЛЛАШГА ОИД СУД АМАЛИЁТИ

1. Пленум қарорининг 4-бандига кўра хўжалик судлари суд ҳужжатини суд мажлиси ўтказилган тилда тузиши лозимлигини ҳисобга олишлари керак. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси 188-моддаси учинчи қисмининг 3-бандида ишни кўришда суд иши юритиладиган тил тўғрисидаги қоидалар бузилган бўлса, ушбу ҳолат процессуал ҳуқуқ нормасининг бузилиши деб ҳисобланади ва ҳал қилув қарори ёки қарорни бекор қилиш учун асос бўлиши белгиланган.

ССП Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ТИФ Миллий банки Қорақалпоғистон бўлими манфаатини кўзлаб, «Персей» ҚКсидан 7 208 653 сўм кредит фоизларини ундиришни сўраган.

Ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар ТИФ Миллий банки Қорақалпоғистон бўлими даъво миқдорини кўпайтириб, жавобгардан 35 163 832 сўм ундиришни сўраган.

Ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Биринчи инстанция суди томонидан суд мажлисини олиб боришда тил тўғрисидаги қоида бузилган. Суд мажлисида иштирок этган ҚК вакили Т. Зухридинов қорақалпоқ тилини билмаса-да, суд мажлиси қорақалпоқ тилида олиб борилган. У таржимон билан таъминланмаган. Унинг ҳуқуқлари бузилиб, ўзини тўлақонли ҳимоя қила олмаган. ХПК 188-моддаси учинчи қисмининг 3-бандига кўра ишни кўришда суд иши юритиладиган тил тўғрисидаги қоидалар бузилган бўлса, ушбу ҳолат процессуал ҳуқуқ нормасининг бузилиши деб ҳисобланади ва ҳал қилув қарори ёки қарорни бекор қилиш учун асос бўлади.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборган.

2. Пленум қарорининг 13-бандига кўра вакилнинг ишончномасида ишонч билдирган шахснинг номидан судда вакил амалга оширишга ҳақли бўлган, ХПКнинг 52-моддасида назарда тутилган процессуал ҳаракатлар санаб ўтилган бўлиши лозим. Агар вакилга берилган ишончномада унинг аниқ ваколатлари кўрсатилмаган бўлса, вакил унга ХПКнинг 52-моддасига мувофиқ амалга ошириш учун ваколатлар берилиши зарур бўлган процессуал ҳаракатлардан ташқари, процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли.

Даъвогар Тошкент шаҳар божхона бошқармаси даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Baraka yutuq» МЧЖ ҳисобидан 12 916 174 сўм ундиришни сўраган.

Мазкур иш бўйича 2007 йил 24 сентябрда ХПК 86-моддасининг 6-бандига асосланиб судья иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарган.

ХПК 86-моддасининг 6-бандида даъвогар даъвосидан воз кечган ва хўжалик суди уни қабул қилган бўлса, хўжалик суди иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқариши белгиланган.

Бироқ иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар вакили ўз аризасида даъводан воз кечаётгани йўқ, балки даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилганлиги учун иш юритишни тугатишни сўраган.

Бундан ташқари, даъвогар вакилига берилган 2007 йил 24 сентябрдаги ишончномада ушбу иш бўйича 2007 йил 24 сентябрдаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи берилган. Унга даъводан воз кечиш ҳуқуқи берилмаган.

ХПКнинг 52-моддасида вакилнинг ушбу моддада кўрсатиб ўтилган ҳаракатларнинг ҳар бирини амалга оширишга бўлган ваколатлари вакил қилаётган шахс берган ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши кераклиги белгиланган.

Аммо даъвогар вакилига берилган ишончномада даъводан воз кечиш ҳуқуқи кўрсатилмаган. Бундай ҳолатда судья низони мазмунан кўриб, иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим эмас, балки даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиши лозим эди.

3. Пленум қарорининг 20-бандига кўра даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ҳам иш юритишни тугатиш каби низонинг мазмуни бўйича ҳал қилув қарори қабул қилмасдан суд

муҳокамасини тамомлаш шаклларидан бири ҳисобланади. ХПКнинг 88-моддасида кўрсатилган асослардан ташқари даъво даъвогар томонидан унинг манфаатида давлат органи ёки бошқа орган томонидан тақдим этилган даъводан воз кечилган ҳолда ҳам кўрмасдан қолдирилади (ХПК 44-моддаси).

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси «Кумуш тола» ХК манфаатида хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, «Самарқанд» ФХдан 358 097 сўм қопланмаган бўнакни ҳамда 37 375 сўм жарима ундиришни сўраган.

Судининг 2007 йил 9 июлдаги ажрими билан даъво аризаси иш юритишга қабул қилиниб, ишни кўриш 2007 йил 12 июлга тайинланган. Ишни кўриш вақтида даъвогар «Кумуш тола» ХК судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар «Самарқанд» ФХ томонидан тўлов тўлиқ тўланганлиги сабабли, даъводан воз кечишини ва уни суд қабул қилишини сўраган.

Самарқанд вилоят хўжалик суди ХПК 86-моддасининг 6-бандини қўллаб даъво аризаси бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарган.

Ваҳоланки, Пленум қарорининг 20-бандига кўра ХПКнинг 88-моддасида кўрсатилган асослардан ташқари даъво аризаси даъвогарнинг манфаатида давлат органи ёки бошқа орган томонидан тақдим этилса-ю, даъвогар ундан воз кечса, бундай ҳолатда ҳам даъво кўрмасдан қолдирилишига олиб келиши тушунтирилган (ХПКнинг 44-моддаси).

4. Пленум қарори 26-бандининг биринчи хатбошисига мувофиқ ХПК 118-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган даъво аризасини қайтариш учун асослар рўйхати кенгайтирилган тарзда талқин этилмайди.

Даъвогар «Фаслит» МЧЖ хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар «Ўзбекқишлоқмаш» ОАЖдан 128 704 228 сўм ундиришни сўраган.

Судининг ажрими билан даъво ариза қайтарилган.

Аниқланишича, биринчи инстанция суди даъво аризасини Ўзбекистон Республикаси ХПК 114-моддасининг 1-бандига асосан қайтарилган.

Шунингдек, суд ажримида прокуратура, адлия ва бошқа давлат органлари хўжалик юритувчи субъектлари манфаатида хўжалик судларига мурожаат қилишга ҳақлилиги, бироқ даъвогар бу имкониятдан фойдаланмасдан, кўрсатилган давлат органларига

унинг манфаатида судга мурожаат қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилмаганлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 1-моддасига кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси СКнинг 330-моддасининг 1-бандига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар – пул маблағлари бўлмаганда, бу банк муассасаси томонидан тасдиқланган тақдирда, хўжалик судининг ажрими бўйича, хўжалик судларида давлат божини тўлашдан озод қилиниши назарда тутилган.

Мазкур ҳолатда, даъвогарнинг илтимосномаси давлат божи тўловини кечиктириш ҳақида берилганлиги биринчи инстанция суди томонидан баён қилиниб, бироқ суд ажримида давлат божи тўловини кечиктириш тўғрисидаги илтимосномани рад этиш ҳақидаги хулосага келиш асослари кўрсатилмаган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди томонидан даъво аризасини қайтаришда «Фаслит» МЧЖнинг 2008 йилнинг 11 февраль ҳолатига 3 172 186 сўм картотека–2 да турганлиги яъни, унинг мулкий аҳволи оғирлигини, ҳисоб рақамида маблағ мавжуд эмаслиги муҳокама қилинмаган ҳамда ХПКнинг 91-моддасининг тўртинчи қисми талаби инобатга олинмаган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси судининг қарори билан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажрими бекор қилиниб, иш мазмунан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборилган.

5. Пленум қарори 27-бандининг иккинчи хатбошига кўра қарши даъво хўжалик суди томонидан судловга тегишлилик тўғрисидаги қоидалардан ташқари даъво тақдим этишнинг умумий қоидаларига риоя этган ҳолда қабул қилиниши керак.

Даъвогар «Шўртан газ кимё мажмуаси» ШК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар 10-сон Тошкент автомобиль таъмирлаш корхонасидан 42 432 000 сўмни ундиришни сўраган.

Шунингдек, жавобгар 10-сон Тошкент автомобиль таъмирлаш корхонаси судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб,

«Шўртан газ кимё мажмуаси» унитар ШКсидан 30 145 412 сўм ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, биринчи инстанция суди жавобгар томонидан тақдим этилган қарши даъво аризаси иш юритишга қабул қилиш ҳақида ажрим чиқарилмаган бўлса-да, уни кўриб ҳал этган. Пленум қарорининг 27-бандида қарши даъво ҳам даъво тақдим этишнинг умумий қоидаларига риоя этган ҳолда қабул қилиниши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, ХПК кодекси 116-моддасининг учинчи қисмига кўра, судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай ажрим чиқаради.

6. Пленум қарори 29-бандининг тўртинчи хатбошисида тегишли тартибда суд муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинмаган шахснинг иштирокисиз ишни кўрилишига йўл қўйилмайди ва бу ҳар қандай ҳолда ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади (ХПКнинг 170, 188-моддалари) деб белгиланган.

Даъвогар Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар – «Илҳомжон-Акмал-Дилноза» ФХ ҳисобидан 462 024 сўм ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, ишни биринчи инстанция судида кўриш жараёнида биринчи инстанция суди томонидан бир қанча процессуал хато ва камчиликларга йўл қўйилган.

Жумладан, 2007 йил 24 сентябрдаги даъво аризасини қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим жавобгарга юборилган. Суд ажрими алоқа бўлинмасининг хабарномасига кўра жавобгарга 2007 йил 14 октябрда етказилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори 2007 йил 8 октябрда қабул қилинган. Яъни, даъво аризасини иш юритувга қабул қилиш ҳақидаги ажрими жавобгар вакили томонидан суд мажлиси ўтказилган вақтдан 6 кун ўтгач имзо билан қабул қилиб олинган.

Бироқ, ҳал қилув қарорида жавобгар суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда огоҳлантирилган бўлса-да, суд муҳокамасига келмади деб кўрсатилган.

Бундан ташқари, 2007 йил 8 октябрда қабул қилинган ҳал қилув қарори ишда иштирок этувчи шахсларга юборилган бўлса-да, лекин унинг тарафларга етиб борганлигининг тасдиғи ҳам ишда мавжуд эмас.

Шу сабабли, вилоят прокуратурасининг апелляция протестига асосан апелляция инстанцияси суди қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанцияси судига юборилган.

7. Пленум қарори 38-бандининг биринчи хатбошисида ХПКнинг 135-моддасига мувофиқ хўжалик суди ишни мазмунан кўриб, шу суд мажлисида ХПК 138-моддасида кўрсатилган талабларга риоя этган ҳолда ҳал қилув қарори қабул қилади деб белгиланган. ХПКнинг 138-моддаси олтинчи қисмида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши лозимлиги қайд этилган.

Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Бизнес строй» ХКга нисбатан 2006 йил 26 октябрдаги 10-сонли шартномани бекор қилиш ҳамда 34 133 299 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган деб кўрсатилган бўлса-да, даъво талабларининг шартномани бекор қилиш тўғрисидаги қисмига ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Низони ҳал қилишда биринчи инстанция суди томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликка йўл қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 161-сонли қарорининг 8-бандига асосан, қарорнинг хулоса қисми суд муҳокамаси предмети ҳисобланган барча талаблар бўйича тугалланган ва якуний жавобни ўз ичига олган бўлиши зарурлиги ҳақида тушунтириш берилган бўлса-да, суд томонидан даъво талабларининг шартномани бекор қилиш тўғрисидаги қисми муҳокама қилинмаган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2008 йил 30 июндаги 88-сонли қарори билан тасдиқланган)

3.2. ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА КЎРИШДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИ ҚЎЛЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ (2006–2007 йиллар ва 2008 йилнинг 1-ярми)

1. Аризачига маълум бўлган ва маълум бўлиши мумкин бўлган, иш учун муҳим ҳолатлар хўжалик суди ўзи қабул қилган ва қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриши учун асос бўла олмайди.

Даъвогар ТИФ «Миллий банк» Марғилон филиалининг жавобгар «Мартон» ХФ ва қўшимча жавобгар кафил «Муроджон» ФХдан 53 810 694 сўм кредит маблағларини солидар тартибда ундириш тўғрисидаги даъво аризаси суднинг 2006 йил 10 февралдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, жавобгар «Мартон» ХФ ва қўшимча жавобгар «Муроджон» ФХдан (суд мажлисида вакили иштирок этмаган) жами 53 810 694 сўм кредит маблағлари солидар тартибда ундирилган.

ТИФ «Миллий банк» Марғилон филиали судга қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, аризада иш бўйича қўшимча жавобгар кафил «Муроджон» ФХнинг номи Ёзёвон туман ҳокимининг 2005 йил 7 сентябрдаги 394-сон қарорига асосан «ЁЗТ-Дорум» ФХга ўзгарганлиги, бу ҳолатлар даъвогарга ижро жараёнида маълум бўлганлигини баён қилиб, қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилишни ва янги ҳал қилув қарори қабул қилишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Ёзёвон туман ҳокимининг 2005 йил 7 сентябрдаги 394-сон қарорига асосан «Муроджон» ФХнинг номи «ЁЗТ-Дорум» ФХ номига ўзгартирилган. Бу ҳолатлар даъвогарга хўжалик ишини кўриб чиқиш жараёнида маълум бўлмаган. Натижада, суд томонидан берилган ижро варақанинг мажбурий ижрога қаратилганидан кейин суд ижрочилари бўлими томонидан ушбу ҳолат аниқланиб, Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 40-моддасига асосан қарздорнинг манзили ёки унинг мол-мулки жойлашган манзил тўғрисида маълумот олишнинг имконияти бўлмаганлиги учун ижро варақа ундирувчига қайтарилган.

Қайд этиб ўтилган асослардан келиб чиқиб, суднинг 2006 йил 12 сентябрдаги ажримига асосан даъвогарнинг иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, кредит маблағларини банк фойдасига жавобгар «Мартон» ХФ ва қўшимча жавобгар «ЁЗТ-Дорум» ФХдан солидар тартибда ундириш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг даъвогар Асака туман «Болгария сарчашмаси» агрофирмаси манфаатида жавобгар «Навигул» Ўзбекистон-Болгария ҚКдан 12 955 498 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси суднинг 2007 йил 20 февралдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган.

Жавобгар 2007 йил 10 августда суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, ҳал қилув қарорини бекор қилишни ва ишни мазмунан қайта кўришни сўраган. Аризада Асака туман «Болгария сарчашмаси» агрофирмаси ва «Навигул» ҚК ўртасида 2006 йил 25 августда 13-сон фьючерс шартномаси тузилмаганлиги ва даъвогар томонидан ҳеч қандай мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берилмаганлиги, «Болгария сарчашмаси» агрофирмаси Асака туманида мавжуд эмаслиги ва давлат рўйхатидан ўтмаганлиги кўрсатилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъво аризасига низо предмети ҳисобланган 2006 йил 25 августдаги фьючерс шартномаси ўрнига 2006 йил 1 июндаги контрактация шартномасининг ксеронусхаси илова қилинган, суд эса иш учун аҳамиятли ҳисобланган ушбу ҳолатга эътибор бермасдан даъвони қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган. Лекин иш тарафлар иштирокисиз кўрилганлиги сабабли бу ҳолатларга аниқлик киритилмаган.

Иккала ҳолатда ҳам суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризаларида келтирилган важлар янги очилган ҳолатлар эмас, балки олдиндан судга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга маълум бўлган иш учун аҳамиятли ҳолатлар бўлган. Суд эса уларни асоссиз равишда янги очилган ҳолатлар деб баҳолаб, ҳал қилув қарорларини бекор қилиб, янги ҳал қилув қарорларини қабул қилган. Ваҳоланки, аризаларда келтирилган важлар ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриш учун асос бўлади.

2. Гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатмалар бергани, экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бергани, таржимоннинг била туриб нотўғри таржима қилгани, ҳужжатлар ёки ашёвий далилларнинг сохталиги, бу ҳол суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ноқонуний ёки асосланмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлганлиги, суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлади.

ТИФ «Миллий банк» Фарғона филиалининг жавобгар ЯТТ А. Ризаев ва қўшимча жавобгар кафил «Марғилон таъмирлаш механика» ОАЖдан 18 065 000 сўм кредит маблағларини солидар тартибда ундириш тўғрисидаги даъво аризаси суднинг 2004 йил 2 мартдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, жавобгарлардан 18 249 650 сўм кредит маблағлари солидар тартибда ундирилган.

Ишда қўшимча жавобгар сифатида қатнашган кафил «Марғилон таъмирлаш механика» ОАЖ судга ариза билан мурожаат қилиб, берилган кредит маблағларини ўзлаштириш ҳолатлари бўйича қўзғатилган жиноят иши 2007 йил 4 июлда жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди томонидан кўриб чиқилганлигини, суд ҳукмига асосан ажратилган кредит маблағларини ўзлаштирилишида банкнинг масъул мансабдор шахсларини айбдорлик даражаси ўз тасдиғини топганлигини баён қилиб, иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиб, уни бекор қилишни ҳамда даъвони рад қилиш юзасидан янги қарор қабул қилишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2007 йил 4 июлдаги ҳукмида кафил ташкилотнинг собиқ раҳбари Р. Эргашевнинг ЯТТ А. Ризаевни банкдан кредит олаётганлигидан хабари бўлганлиги, кафиллик шартномасини бериш эвазига унга корхонага тегишли эҳтиёт қисмлар берилиши ваъда қилганлиги қайд этилган.

Кафилнинг хўжалик ишини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризасида баён қилинган ҳолатлар кафилга олдиндан маълум бўлганлиги боис, суд томонидан аризани қаноатлантириш рад этилган.

3. Ҳал қилув қарорини қабул қилишга асос бўлган хўжалик судининг ҳужжатини ёки суднинг ҳал қилув қарори,

ҳукми ёхуд бошқа органнинг қарори бекор қилинганлиги суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлади.

«Марғилон Саховати» ЖКни тугатиш бошқарувчиси судга даъво ариза билан мурожаат қилиб «Фарҳодбек» савдо фирмасидан 8 030 270 сўм ундиришни сўраган.

Суднинг 2005 йил 12 декабрдаги ажримига кўра, Марғилон шаҳар ҳокимининг 2004 йил 4 мартдаги 84-сон қарори билан «Фарҳодбек» фирмаси унинг Низом жамғармаси шакллантирилмаганлиги сабабли тугатилиб, давлат рўйхатидан чиқарилган. Шунинг учун ХПК 86-моддасининг 4-бандига асосан хўжалик иши бўйича иш юритиш тугатилган.

Даъвогар корхонанинг тугатиш бошқарувчиси судга ариза билан мурожаат қилиб, аризада «Фарҳодбек» фирмасини давлат рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги шаҳар ҳокимининг қарори бекор қилинганлиги ва корхона давлат реестрига қайта тикланганлигини баён қилиб, суд ҳужжатини бекор қилишни ва иш юзасидан даъвони қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Марғилон шаҳар ҳокимининг 2006 йил 2 октябрдаги 517-сон қарори билан Марғилон шаҳар прокурорининг протести қаноатлантирилиб, шаҳар ҳокимининг 2004 йил 4 мартдаги 84-сон қаророининг «Фарҳодбек» фирмасига тегишли қисми бекор қилинган ҳамда корхона давлат реестрига қайта тикланган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган асосларга кўра суд томонидан янги очилган ҳолатлар бўйича хўжалик ишини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилиб, «Марғилон Саховати» ЖК фойдасига «Фарҳодбек» фирмасидан жами 8 035 270 сўм ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган.

4. Очилган фактик ҳолатлар аслида мавжуд бўлиб, бироқ суднинг ишни кўриш вақтида ҳисобга олиши мумкин бўлмаган, аризачига ва судга номаълум бўлган ёки маълум бўлиши мумкин бўлмаган, суд ҳужжатлари қабул қилингандан кейингина маълум бўлган ҳолатлар янги очилган ҳолатлар деб ҳисобланади. Агар фактик ҳолатлар суд ҳужжати қабул қилингандан сўнг вужудга келган бўлса, бу ҳолат суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўла олмайди.

Даъвогар «Шофиркон пахта тозалаш» АЖ жавобгар «Қорақир» ФХдан контрактация шартномаси бўйича давлатга етказиб берилмаган пахта хом ашёси харид қийматининг 25 фоиз миқдорида 445 375 сўм жарима ундириш тўғрисидаги даъво аризаси суднинг 2007 йил 8 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган.

Жавобгар «Қорақир» ФХнинг хўжаликка қарашли ерларда захнинг кўтарилиши ва кучли шўрланиш натижасида ғўза кўчатлари қуриб қолганлиги пахта ҳосилининг унумдорлигига катта зарар етказганлиги, бу ҳақда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи ва мутахассислари томонидан далолатнома ҳам тузилганлигини қайд этиб, 2008 йил 3 январда биринчи инстанция судига тақдим этган ишни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризаси суднинг 2008 йил 29 январдаги ажрими билан қаноатлантирилган ва суднинг 2007 йил 8 ноябрдаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қисман қаноатлантириш, 89 075 сўм жарима ундириш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Ваҳоланки, биринчи инстанция суди процессуал ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаб, ХПК 204-моддасининг иккинчи қисмида суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришнинг асосларига тўғри келмайдиган аризасини асоссиз равишда қаноатлантирган. ФХга қарашли ерларда захнинг кўтарилиши, кучли шўрланиш оқибатида ғўза кўчатларининг қуриб қолиб, пахта хом ашёси етказиб бериш контрактация шартномаси мажбуриятларининг бажарилмаганлиги аризачига маълум бўлган ва булар янги очилган ҳолат ҳисобланмайди.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2003 йил 25 июлдаги «Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришда Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг қўлланилиши ҳақида»ги 111-сон қаророининг 4-бандида, янги очилган ҳолатлар деганда очилган фактик ҳолатлар аслида мавжуд бўлиб, бироқ суднинг ишни кўриш вақтида ҳисобга олиши мумкин бўлмаган, аризачига ва судга номаълум бўлган ёки маълум бўлиши мумкин бўлмаган, суд ҳужжатлари қабул қилингандан кейингина маълум бўлган ҳолатлар тушунилиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2003 йил 25 июлдаги 111-сон қарори 4-бандининг 3,4-қисмларида, янги очилган ҳолатлар

мавжуд бўлмасдан, ишни кассация ёки назорат тартибида кўриб чиқиш асослари мавжуд бўлган ҳолатда ишни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш мумкин эмаслиги, бундай ҳолларда хўжалик суди кўрсатиб ўтилган ҳолатлар мавжуд эмаслигига асосланиб, ишни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни рад этиши лозимлиги, суд ҳужжати қабул қилингандан кейин вужудга келган янги ҳолатлар ишни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш учун эмас, балки янги даъво билан мурожаат этиш учун асос бўлиши мумкинлиги тўғрисида судларга тушунтиришлар берилган. Қайд этилганларга асосан суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилмасдан рад этилиши лозим эди.

Қайд этилганларга кўра, мазкур суд ажрими ва ҳал қилув қарори устидан даъвогарнинг кассация шикояти ва вилоят прокурорининг кассация протести кассация инстанцияси судининг қарори билан қаноатлантирилган ва суд ажрими ҳамда янги қабул қилинган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, суднинг биринчи қабул қилган ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

5. Янги очилган ҳолатлар суд ҳужжатини қабул қилиш вақтида аризачига ҳам, судга ҳам номаълум бўлган ёки маълум бўлиши мумкин бўлмаган ҳолатлар бўлиши лозим.

Даъвогар Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг жавобгар ЯТТ У. Нарзиева ҳисобидан 2 827 613 сўм божхона тўловларини мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги даъво аризаси Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ДСИнинг 2007 йил 5 ноябрдаги 08/2–765-сонли маълумотномасига асосан У. Нарзиевага тегишли ЯТТлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳноманинг муддати иш судда кўрилаётган вақтда тугаган бўлган.

Суд ушбу ҳолатлар иш судда кўрилаётган вақтда судга маълум бўлмаганлигини асос қилиб келтириб, ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар асосида бекор қилган. Ваҳоланки, ЯТТ У. Нарзиевага иш судда кўрилаётган пайтда бу ҳолат маълум бўлган.

6. Хўжалик судига қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан фақатгина ишда иштирок этган шахслар мурожаат қилишлари мумкин.

Аризачи А. Таджиев хўжалик судига мурожаат қилиб, даъвогар «Rustam-Al» МЧЖнинг жавобгар «Bosit TMB» МЧЖга нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан 2006 йил 06 мартда қабул қилинган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўришни сўраган.

Суд А. Таджиев ишда иштирок этувчи шахс бўлмаганлиги сабабли хўжалик ишини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани рад этган, чунки, ХПКнинг 205-моддаси 1-қисмига биноан суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун ариза фақат ишда иштирок этувчи шахслар томонидан берилиши мумкин.

7. Суд буйруғи янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқилмайди.

Аризачи Фарғона шаҳар ДСИ кредитор «Фарғона электр тармоқлари» ОАЖ манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, қарздор Фарғона шаҳар «Сувоқова» ишлаб чиқариш жамиятидан 150 589 100 сўм қарзни ундириш ҳақида суд буйруғи беришни сўраган.

Суд томонидан аризачининг даъво талаблари қаноатлантирилиб, суд буйруғи берилган.

Кейинчалик қарздор суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида ариза тақдим этган. Аризада «Фарғона электр тармоқлари» ОАЖ билан тузилган солиштирма далолатномага асоссиз равишда қўшимча тўловлар киритилганлигини, яъни солиштирма далолатномада қарз суммасига нисбатан ҳисобланган пеня суммаси қайд этилганлиги асос қилиб келтирилган.

Аризада келтирилган ҳолатлар ХПКнинг 204-моддасида назарда тутилган асосларга мувофиқ бўлмаганлиги сабабли, суд томонидан рад этилган.

8. Ноқонуний ёки асосланмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган битим хўжалик суди ёки умумий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ҳукми билан ҳақиқий эмас деб топилиши, суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлади.

«Toshkent go‘sht» МЧЖ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, 2005 йил 19 октябрдаги ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни сўраган.

Аризада ҳал қилув қарорини қабул қилиш учун асос бўлган топшириқ шартномаси хўжалик судининг 2006 йил 27 октябрдаги ҳал қилув қарори билан ҳақиқий эмас деб топилганлиги важ қилиб келтирилган.

Мазкур топшириқ шартномасига биноан кредит суммаси ҳам қарздордан ҳам топшириқ берувчидан ундирилган, шу сабабли шартнома ҳақиқий эмас деб топилган.

ФКнинг 114-моддасига кўра, ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмасдир.

Суд шартноманинг ҳақиқий эмаслиги ҳолатини янги очилган ҳолат деб баҳолаган ва аризани қаноатлантирган. Чунки, ушбу шартнома суд томонидан ноқонуний ва асосланмаган қарор қабул қилинишига сабаб бўлган.

(Олий хўжалик суд Раёсатининг 2008 йил 28 августдаги 137-сонли қарори билан тасдиқланган)

3.3. 2006–2008 ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА СУД ҚАРОРЛАРИ НАЗОРАТ ТАРТИБИДА БЕКОР ҚИЛИНИБ, ЯНГИДАН КЎРИШГА ЮБОРИЛГАН ХЎЖАЛИК ИШЛАРИНИ КЎРИШГА ОИД СУД АМАЛИЁТИ

1. ХПК 138-моддасининг олтинчи қисмига кўра ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши лозимлиги белгиланган.

Даъвогар «Nikos-art» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар ЯТТ Э. Люманова билан тузилган ижара шартномасини бекор қилишни ҳамда 135 000 сўм миқдоридаги (апрель, май, июнь ойлари учун) ижара ҳақини, тегишли ойларда фойдаланилган коммунал хизматлар учун 40 000 сўм ва 26 250 сўм миқдорида неустойка ундиришни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилган. ЯТТ Э. Люманова ҳисобидан «Nikos-art» МЧЖ фойдасига 135 000 сўм асосий қарз, коммунал харажатлар учун 40 000 сўм ва 26 250 сўм неустойка ундирилган. 03–04/668-сонли ижара шартномаси бекор қилинган.

Иш апелляция ва кассация инстанциясида кўрилмаган.

Протестда ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўришга юбориш сўралган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Nikos-art» МЧЖ билан ЯТТ Э. Люманова (ижарачи) ўртасида 2005 йил 1 октябрда тузилган 03–04/668-сонли ижара шартномаси шартларига кўра, ижарачига 42,45 кв.м. майдондаги 2 хонадан иборат нотураржой бино 45 000 сўм миқдордаги ижара ҳақи, шунингдек коммунал хизматлар ҳақини тўлаб бориш шарти билан ижарага берилган.

Ишни кўриш жараёнида даъвогар даъво талабларини кўпайтириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, суддан қўшимча июль ва август ойлари учун ҳам 90 000 сўм ижара ҳақини, шунга мувофиқ ушбу ойлар учун 23 000 сўм коммунал хизматлар ҳақини ҳамда 450 000 сўм бой берилган фойдани ундириб беришни сўраган.

ХПК 138-моддасининг 6-қисмига кўра ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши лозимлиги белгиланган.

Суд ҳал қилув қарорининг баён қисмида қўшимча даъво талабларини кўрсатиб ўтган бўлса-да, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида улар ҳақида қарор қабул қилмаган.

Шунингдек, ижара шартномасини бекор қилишда ФКнинг 384-моддаси шартномани бекор қилиш тартиби тўғрисидаги қоидаларга амал қилмаган. Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкинлиги белгиланган.

Ишда шартномани бекор қилиш ҳақида таклиф кўрсатилган хат мавжуд бўлиб, у жавобгарга юборилганлиги ёки топширилганлиги тўғрисида далил мавжуд эмас.

Бундан ташқари, коммунал хизматлар учун қилинган харажатларни жавобгардан ундириш тўғрисидаги даъво талабини даъвогар бирламчи ҳужжатлар билан исботлаб бера олмаган.

Олий хўжалик суди Раёсатининг 2007 йил 30 августдаги қарори билан биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқламасдан ҳал қилув қарори қабул қилганлиги сабабли, ХПК 169-моддасининг биринчи қисми 1-банди ва 200-моддаларига асосан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Ишни янгидан кўришда тарафлар вакилларининг важларини мукаммал ўрганиш, ҳар бир важни тасдиқловчи далилларни талаб қилиб олиш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш тўғрисида кўрсатма берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан иш янгидан кўриб чиқилиб, Раёсат кўрсатмалари бажарилган ҳолда 2007 йил 5 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари рад қилинган. Чунки, даъвогар томонидан даъво талабларини ва етказилган зарарни тасдиқловчи далиллар судга тақдим этилмаган.

Шу сабабли, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

2. Биринчи инстанция суди томонидан ишда иштирок этувчи, мажлис вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган шахсларнинг йўқлигида ишни кўрилиши, процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши деб ҳисобланади ҳамда ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиниши ҳал қилув қарорини бекор қилинишига асос бўлади.

ССП Қашқадарё вилоят бошқармаси АТ «Пахта банк» Бешкент бўлими манфаатини кўзлаб, жавобгар ЯТТ И. Очилов ва қўшимча жавобгар «Қарши КЕЙС» техник хизмат кўрсатиш марказидан 2 759 500 сўм кредит ва 1 064 400 сўм кредит фоизи, жами 3 830 900 сўмни гаровдаги ва бошқа ликвидли мол-мулки ҳисобидан ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияси судида кўрилмаган.

Протестда ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш сўралган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, АТ «Пахта банк» Бешкент бўлими ва ЯТТ И. Очилов ўртасида кредит шартномаси тузилиб, йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан икки йил муддатга 3 400 000 сўм кредит берилган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида «Қарши КЕЙС» техник хизмат кўрсатиш маркази ва АТ «Пахта банк» Бешкент бўлими ҳамда ЯТТ И. Очилов ўртасида уч томонлама кафиллик шартномаси расмийлаштирилган.

ЯТТ И. Очилов шартномада белгиланган муддатда 2 759 500 сўм кредит, 1 064 400 сўм кредит фоизини банкка қайтармаган.

Тарафлар ўртасида тузилган кафиллик шартномасининг 3.1.1, 3.1.4 ва 3.2.1-бандлари талабларига кўра, қарздор томонидан кредит шартномасидаги мажбуриятлар бажарилмаганда, унинг мажбуриятлари бўйича жавобгарликни кафил «Қарши КЕЙС» техник хизмат кўрсатиш маркази ўз зиммасига олиши ҳамда банк томонидан қарздорнинг кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини таъминлаш учун кафилнинг розилигини олмасдан унинг ҳисоб рақамидан пул маблағларини кўчириш ҳуқуқи белгиланган.

Даъво аризасида кредит ва кредит фоизлари гаровдаги ва бошқа ликвидли мол-мулки ҳисобидан ундирилиши кўрсатилган бўлиб, тарафлар ўртасида гаров шартномаси тузилмаган ҳамда ликвидли мол-мулки ҳисобидан ундириши учун асос бўлган жавобгарларнинг шундай мол-мулклари хусусида тегишли ҳужжатлар судга тақдим этилмаган бўлса-да, суд томонидан гаровдаги ва ликвидли мол-мулки ҳисобидан даъво талабини қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келинган.

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 124-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида суднинг ажрими орқали хабардор қилинишлари, ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан юборилиши керак.

Биринчи инстанция судининг мажлисида қўшимча жавобгар «Қарши КЕЙС» техник хизмат кўрсатиш маркази вакилининг иштироки таъминланмаган ҳамда суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинмаган.

Бундан ташқари, суд томонидан АТ «Пахта банк» Бешкент бўлимининг ҳуқуқий ҳолати ўрганилмаган. АТ «Пахта банк» Бешкент бўлими – филиал мақомига эга бўлиб, ФКнинг 47-моддаси

учинчи қисмига кўра юридик шахс эмаслиги, бундай ҳолатда АТ «Пахта банк»нинг ўзи ишга жалб қилиниши лозимлиги ёки акс ҳолда низо ХПКнинг 23-моддаси талаби асосида хўжалик суди судловига тааллуқли бўлмаганлиги сабабли иш юритишдан тугатилиши масаласи суд томонидан муҳокама қилинмаган, ишда қатнашган АТ «Пахта банк» Бешкент бўлими вакили А. Хамроев ваколатининг қонунийлиги текширилмаган.

Ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига биринчи инстанция суди томонидан ХПКнинг 122 ва 124-моддалари талабига риоя этилмаганлиги, суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилмаганлиги асос бўлган. Ушбу ҳолат процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши деб топилган.

Шунингдек, қабул қилинган ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаслиги, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёхуд нотўғри қўлланиши сабаб бўлган.

Олий хўжалик суди Раёсатининг 2006 йил 28 декабрдаги қарори билан иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан биринчи инстанцияда кўриш учун юборилган.

Ишни янгидан кўришда биринчи инстанция суди АТ «Пахта банк»ни ишга жалб қилиб, Раёсат кўрсатмаларини бажарган ҳолда даъвони қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

3. Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори ва қарор қабул қилингани суд қарорларини бекор қилинишига асос бўлади.

«Поёнов Турсун Зиёдуллаевич» ФХ Сурхондарё вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Денов туман ҳокимлиги ва «Муҳриддин Хусанов Бахромович» ФХга нисбатан туман ҳокимлигининг 2006 йил 19 июндаги 735-сонли ва 2006 йил 27 июндаги 741-сонли қарорларини ҳақиқий эмас деб топишни ҳамда туман ҳокимлигининг 2006 йил 25 мартдаги 271-сонли қарорини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, Денов туман ҳокимлигининг 2006 йил 19 июндаги 735-сонли қарори ҳақиқий эмас, 2006 йил 25

мартдаги 271-сонли қарори ҳақиқий деб топилган ва даъвонинг туман ҳокимлигининг 2006 йил 27 июндаги 741-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш қисми бўйича иш юритиш тугатилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2006 йил 16 августдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2006 йил 22 ноябрдаги қарори билан суд қарорларининг Денов туман ҳокимлигининг 2006 йил 25 мартдаги 271-сонли қарорини ҳақиқий деб топиш қисми бекор қилинган, даъвонинг шу қисми бўйича иш юритиш тугатилиб, суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Протестда суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш сўралган.

Ишдаги ҳужжатларга қараганда, Денов туманидаги «Ш. Худойназаров» ШХни қайта ташкил этиш комиссиясининг 2006 йил 25 мартдаги йиғилиш баёни билан 1–15-сонли лойиҳа бўйича И. Поёнов танлов ғолиби деб топилган ва Денов туман ҳокимлигининг шу кунги 271-сонли қарори билан унга 21,8 га ер майдони ажратилган.

«Ш. Худойназаров» ШХни қайта ташкил этиш комиссияси ҳужжатлари туман прокуратураси томонидан ўрганилганда, И. Поёнов томонидан қалбаки ҳужжатлар асосида жиноий йўл билан тендер танлови ғолиблигини қўлга киритганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат юзасидан И. Поёнов ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Денов туман прокурорининг қайд этилган протести асосида туман ҳокимлигининг «И. Поёновга ФХ ташкил этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида» 2006 йил 25 мартдаги 271-сонли қарори туман ҳокимлигининг 2006 йил 14 июндаги 735-сонли қарори билан бекор қилинган.

Туман ҳокимлигининг 2006 йил 27 июндаги 741-сонли қарори асосида ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясининг 2006 йил 21 июндаги 13-сонли баённомаси асосида Б. Нормуродовга ФХ ташкил этиш учун 21,8 га ер майдони ажратилган.

Суд қарорлари билан Денов туман ҳокимининг «И. Поёновга ФХ ташкил этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида» 2006 йил 25 мартдаги 271-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисида»ги 735-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган бўлса-да, лекин туман ҳокимлигининг 271-сонли қарори асосида туман ҳокимлиги ва

«Поёнов Турсун Зиёдуллаевич» ФХ ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси тузилганлиги ҳамда ФХга 21,8 га ер майдони ҳақиқатда ажратилганлиги, ушбу ер майдони қандай ҳуқуқий ҳужжат асосида ва кимнинг фойдаланишида эканлиги ўрганилмаган.

Бундан ташқари, хўжалик суди томонидан И. Поёнов ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлиги ҳолати билан хўжалик иши низосининг ўзаро алоқадорлиги муҳокама қилинмаган.

Шунингдек, даъво аризасида туман ҳокимлигининг «Б. Нормуродовга ФХ ташкил этиш учун 21,8 га ер майдони ажратиш тўғрисида» 2006 йил 27 июндаги 741-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш даъво талаби қўйилган бўлса-да, хўжалик суди томонидан туман ҳокимлигининг қайд этилган қарори асосида ташкил этилган «Муҳриддин Хусанов Баҳромович» ФХни ишга жавобгар сифатида жалб қилинмай, уни суд мажлисида иштирок этиши таъминланмай, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига йўл қўйилган.

Натижада «Муҳриддин Хусанов Баҳромович» ФХнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд қарорлари қабул қилинган.

Олий хўжалик суди Раёсатининг 2007 йил 26 апрелдаги қарори билан иш бўйича қабул қилинган суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборилган.

Ишни янгидан кўриш жараёнида «Муҳриддин Хусанов Баҳромович» ФХ судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Денов туман ҳокимининг 2006 йил 25 мартдаги 271-сонли ва 2006 йил 4 сентябрдаги 860-сонли қарорларини ҳақиқий эмас деб топиб, бекор қилишни ва Денов туман ҳокимининг 2006 йил 14 июндаги 735-сонли, 2006 йил 27 июндаги 741-сонли қарорлари асосида Поёнов Исроилдан 1–15-лойиҳадаги 21,8 га ер майдонини қайтаришни ва «Поёнов Турсун Зиёдуллаевич» ФХнинг барча даъволарини рад қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2007 йил 31 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво талабининг Денов туман ҳокимининг 2006 йил 19 июндаги 73,5-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш қисми рад этилиб, даъвонинг қолган қисми бўйича иш юритиш тугатилган. Қарши даъво аризаси эса қаноатлантирилган.

Биринчи инстанция суди томонидан даъвогарнинг мазкур ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларининг мавжуд эмаслигини бирор-бир далил билан исботланмаган, даъвогарнинг ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаса, унда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб бериш тўғрисидаги контрактация шартномалари қайси асослар билан тузилганлиги ҳолатига аниқлик киритилмасдан даъвогарда ерга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжати йўқ деган хулосага келинган. Лекин ушбу ҳужжатларни берувчи ваколатли идоралардан бу ҳақда тегишли маълумот олинмаган ва аниқлик киритилмаган.

2006 йил 5 апрелда Денов тумани ҳокимлиги ва «Поёнов Турсун Зиёдуллаевич» ФХ ўртасида ерни узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси тузилганлиги ва у ҳозирги кунда ҳам қонуний кучида турганлиги, ФХга ажратилган ер участкаси харитасининг мавжудлиги ва ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи 2006 йил 24 сентябрда берилган гувоҳномаси мавжудлиги ва у қонуний кучда турганлиги ҳамда Давлат буюртмасига оид қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш бўйича 2006 йил ва 2007 йиллар контрактация шартномалари ҳам мавжудлиги ҳолатларига эътибор берилмаган, ушбу ҳужжатларнинг мавжудлигини аниқлаш бўйича тегишли ваколатли идоралардан маълумотлар олинмаган.

Биринчи инстанция суди даъвогарда ушбу ҳужжатлар мавжуд эмас деган хулосага келиб, ЕКнинг 23 ва 31-моддаларини асос қилиб, даъвогарнинг туман ҳокимининг 2006 йил 19 июндаги 735-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво талабини рад этган.

Биринчи инстанция суди И. Поёнов ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлиги ҳолати билан мазкур хўжалик иши низосининг ўзаро алоқадорлигини ўрганиб чиқиб, ушбу жиноят иши жиноят ишлари бўйича Шеробод тумани судининг 2006 йил 6 декабрдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 2-бандига биноан уларнинг айблилик масаласи муҳокама қилинмасдан жиноят иши иш юритувдан тугатилганлигини қайд этган.

Бундан хулоса қилинадиган бўлса, даъвогар «Поёнов Турсун Зиёдуллаевич» ФХга ер участкасини ажратиш тўғрисидаги туман

ҳокимининг 2006 йил 25 мартдаги 271-сонли қарори Денов тумани прокуратурасининг И. Поёнов ва бошқаларга қўзғатилган жиноят ишига асосан уларнинг айби борлиги сабабли бекор қилинганлиги тўғрисидаги туман ҳокимининг 2006 йил 19 июндаги 735-сонли қарорини қабул қилинишига олиб келган.

Бироқ уларнинг айбдор эканлиги суд ҳукми билан тасдиқланмаганлиги сабабли туман ҳокимининг мазкур 735-сонли қарори асоссиз қабул қилинган кўринади. Шу сабабли ушбу қарор «Поёнов Турсун Зиёдуллаевич» ФХ ва унинг бошлиғи И. Поёновнинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжат ҳисобланади.

Апелляция инстанцияси суди 2007 йил 27 июндаги қарори билан ҳал қилув қарори иш бўйича барча далилларни текшириб кўрилмасдан, ишга тааллуқли бўлган далилларни олиш чоралари кўрилмасдан, жавобгарнинг билдирган важларига ва иш ҳужжатларидаги далилларга ҳуқуқий баҳо берилмасдан асоссиз хулосага келинган деб ҳисоблаб, ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва янги қарор қабул қилиш тўғрисида тўхтамга келган. Унга кўра, даъвогарнинг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, Денов туман ҳокимининг 2006 йил 19 июндаги 735-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган. Даъвонинг қолган қисми бўйича иш юритиш тугатилган. Жавобгар «Муҳриддин Хусанов Баҳромович» ФХнинг қарши даъвоси рад этилган.

4. Жавобгар зиммасига мол-мулкни бериш ёки пул суммасини ундириш билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарори қабул қилинганида, хўжалик суди унинг хулоса қисмида шу ҳаракатларни ким, қаерда, қачон ёки қайси давр мобайнида бажариши шартлигини кўрсатиши керак.

«Шайхонтоҳурсавдо» ЖК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, жавобгарлар – Шайхонтоҳур туман коммунал таъмирлаш-тиклаш авария хизмати ва «Марказ Жар-Ариқ» ХУЖМШ ўзбошимчалик билан «Жар-Ариқ» мавзесидаги 3/1-сонли савдо дўконини бузиб ташлаган деб ушбу савдо дўконини олдинги ҳолатига келтириб бериш мажбуриятини жавобгарларга юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилмаган.

ХПКнинг 55-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

ФКнинг 164-моддасига кўра, фақатгина мулкдор ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, 2002 йил 25 февралдаги 81-сонли олди-сотди шартномасига кўра низоли дўкон «Шайхонтоҳурсавдо» ЖКнинг Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки олдидаги кредитдан қарзлари эвазига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 1614/01-х-сонли иш бўйича қабул қилинган 2001 йил 11 августдаги ҳал қилув қарорининг ижроси жараёнида жисмоний шахс М. Шариповга сотилганлиги ҳақида шартнома мавжуд.

Биринчи инстанция суди низоли дўконни 1993 йил 15 декабрдаги 214-сонли мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерига асосан даъвогар – «Шайхонтоҳурсавдо» ЖКга тегишли деб ҳисобланган бўлса-да, ишдаги олди-сотди шартномасига, унинг ижроси таъминланган ёки таъминланмаганлигига баҳо бермаган. Шунингдек, жисмоний шахс М. Шариповни «Шайхонтоҳурсавдо» ЖКнинг таъсисчилари рўйхатида мавжуд эмаслигига эътибор қаратмаган.

Суд низоли дўкон жавобгарлар томонидан 2005 йил март ойининг охирларида қонунга хилоф равишда бузилган деган хулосага келган, лекин дўконни айнан жавобгарлар бузганлиги қайси далиллар билан тасдиқланганлигини кўрсатмаган.

Даъвогарнинг ходимлари маҳалла раиси Ш. Қобилов иштирокида 2005 йил 1 апрелда далолатнома тузиб, ЖКга тегишли бўлган дўконини жавобгарлар ҳеч қандай огоҳлантиришсиз бузиб, дўкондаги асосий воситалар ва асбоб-ускуналарни номаълум томонга олиб кетганликларини кўрсатганлар. Аммо Шайхонтоҳур тумани Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Шайхонтоҳур тумани бўлимининг 2006 йил 31 январдаги 24-сонли маълумотномасида Ш. Қобилов маҳалла фуқаролари йиғини раиси этиб сайланмаганлиги кўрсатилган. Даъвогар эса фақат юқорида таъкидланган далолатномани даъво аризасининг талабига асос қилиб, низоли дўконни жавобгарлар бузиб кетган деб кўрсатган.

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг 2005 йил 2 августдаги 2619/Д-сонли хатида Тошкент шаҳар хўжалик судининг 1614/01-х-сонли иши бўйича 2001 йил 10 июлда чиқарилган ажримга асосан бу объект бўйича барча кадастр ишлари тўхтатилганлиги, инспекторлар жойига чиқиб, дўконни кўздан кечирганида, унинг бузиб ташланганлиги аниқланганлиги кўрсатилган. Лекин бу хатда савдо дўконини ким бузганлиги кўрсатилмаган.

Жавобгар «Марказ Жар-Ариқ» уй-жой мулкдорлар ширкати вакили деб эътироф этилган Я. Болтаев дўконни бузишга ишчилари йўқлигини, дўконни Шайхонтоҳур туман коммунал таъмирлаш-тиклаш авария хизмати ишчилари бузиб, материалларини олиб кетган деб кўрсатган бўлса-да, суд Я. Болтаевнинг ваколатларини аниқламасдан, унинг судда берган кўрсатмаларига асосланган кўринади. Шунингдек қайси ҳолатларга асосланиб Я. Болтаев бундай кўрсатма берганлиги иш хужжатлари билан тасдиқланмаган ва суднинг ҳал қилув қарорида ёритилмаган.

Бундан ташқари, даъво аризаси «Шайхонтоҳурсавдо» ЖК раиси вазифасини бажарувчи С. Толипова томонидан имзоланган, даъво аризасининг санаси ва чиқиш рақами кўрсатилмаган. Дўкон бузилганлиги тўғрисида тузилган далолатномада С. Толипова дўкон мудири эканлиги кўрсатилган. Бинобарин суд С. Толипованинг ваколатларини ҳам текширмаган.

ХПКнинг 142-моддасида жавобгар зиммасига мол-мулкни бериш ёки пул суммасини ундириш билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарори қабул қилинганида, хўжалик суди унинг хулоса қисмида шу ҳаракатларни ким, қаерда, қачон ёки қайси давр мобайнида бажариши шартлигини кўрсатилиши белгиланган.

Лекин ҳал қилув қарорида низоли дўконни қайси ўлчамларда, қандай тартибда ва қайси давр мобайнида қуриш лозимлиги ҳамда жавобгарлар алоҳида ташкилотлар бўлганлиги сабабли бузилган савдо дўконини қайта қуришда уларнинг ҳар бирини вазифалари ва қандай қурилиш ишларини амалга оширилиши кўрсатилмаган.

Олий хўжалик суди Раёсатининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган ва ишни янгидан кўришда қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, даъво аризасини имзолаш бўйича С. Толипованинг вако-

латини, низоли дўкон даъвогарга қайси ҳужжат асосида тегишли бўлганлигини, дўкон ким томонидан қайси асосларга кўра бузилганлигини, ҳар бир жавобгарнинг айблилик даражасини муҳокама қилиш, уларнинг айби мавжуд бўлган тақдирда, айбига мутаносиб равишда зарарни қоплаш чораларини белгилаш тўғрисида кўрсатма берилган.

Ишни янгидан кўришда даъвогар Тошкент шаҳар «Жар-ариқ» мавзесида жойлашган 3/1-сонли савдо дўконини ўзбошимчалик билан бузиб ташланганини исботловчи далилларни судга тақдим эта олмаган.

Ишни судда кўриш жараёнида ҳам низоли дўконни бузиб ташлаганини тасдиқловчи биронта далил тўпланмаган.

Шу сабабли биринчи инстанция суди даъвогарнинг даъвосини рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Апелляция ва кассация инстанцияси судларининг қарорлари билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

5. ХПК ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган маълумотлар иш бўйича далиллар бўлиб, улар асосида хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар бор ёки йўқлигини аниқлайди.

Самарқанд шаҳар «Сувоқова» ИЧБ Самарқанд вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Равшан» фирмасидан 9 478 656 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Протестда суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юбориш сўралган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Самарқанд шаҳар, Бедил кўчасида жойлашган «Равшан» ХФ «Сувоқова» ИЧБ билан шартнома тузмасдан, сув ўлчагич асбоби ўрнатмаган ҳолда ноқонуний равишда шаҳар сув тармоғига уланиб олган.

«Сувоқова» ИЧБ ходимлари томонидан тузилган 2 далолатномада «Равшан» ХФ 2006 йил 1 январдан бошлаб фаолият

кўрсатаётганлиги, «Сувоқова» ИЧБ билан шартнома тузмасдан, 40 мм.ли қувур орқали шаҳар сув тармоғига рухсатсиз уланганлиги, сув тармоғига эса сув ўлчагич асбоби ўрнатилмаганлиги қайд этилган.

Даъвогар томонидан юқорида қайд этилган далолатнома асосида жавобгарга сув тармоғига уланган 40 мм.ли қувурнинг сув ўтказиш меъёри бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1994 йил 24 апрелда 44-рақам билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида коммунал сув таъминоти ва оқова тармоқлардан фойдаланиш Қоидалари»нинг талабига асосан 9 478 656 сўм тўлов ҳисоблаган ва уни ундириш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилган.

Суд қарорлари билан «Ўзбекистон Республикасида коммунал сув таъминоти ва оқова тармоқларидан фойдаланиш Қоидалари»нинг талабига асосан даъво суммаси ноқонуний уланган қувурнинг сув ўтказиш меъёри бўйича ҳисобланганлигини асос қилиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келинган.

Қайд этилган Қоидаларнинг 4.13-бандида ноқонуний равишда коммунал сув тармоғига уланган субъектларга нисбатан тўловлар сув тармоғига уланган қувурнинг сув ўтказиш қобилияти бўйича ҳисобланиши кўрсатилган бўлса-да, суд инстанциялари томонидан ноқонуний ўтказилган қувурнинг диаметри аниқланмаган.

Ноқонуний уланган сув қувурининг диаметри даъво суммасини ҳисоблашнинг асоси ҳисобланса-да, қувурнинг диаметри аниқланганлигини тасдиқловчи далиллар иш ҳужжатларида мавжуд эмас.

Бундан ташқари, судлар томонидан жавобгарнинг даъвогар вакиллари томонидан тақдим этилган далолатнома бир томонлама тузилганлиги, уни тузишда фирма вакиллари иштирок этмаганлиги ҳақидаги важлари муҳокама қилинмаган ва уларга ҳуқуқий баҳо берилмаган.

«Равшан» ХФ ишни кассация инстанциясида кўриш учун олдиндан 188 000 сўм давлат божи тўлаган бўлса-да, лекин кассация инстанцияси судининг қарори билан жавобгардан яна 94 787 сўм давлат божи ундирилган.

Олий хўжалик суди Раёсатининг қарори билан иш бўйича қабул қилинган суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборилган.

Мазкур хўжалик иши бўйича ишни янгидан кўришда биринчи инстанция судига ноқонуний ўтказилган қувурнинг диаметрини аниқлаш, хўжалик иши бўйича амалга оширилган суд харажатлари миқдорини ўрганиш, жавобгарнинг даъвогар вакиллари томонидан тақдим этилган далолатномани тузишда жавобгар фирма вакиллари иштирок этмаганлиги ҳақидаги важини муҳокама қилиб, иш бўйича йиғилган далиллар йиғиндиси асосида қонуний тўхтамга келиш тўғрисида кўрсатма берилган.

Биринчи инстанция суди ишни янгидан кўриб, ҳал қилув қарори билан жавобгардан 1 798 156 сўм зарар ундирган. Биринчи инстанция суди томонидан Раёсат кўрсатмаси бажарилмаган.

«Равшан» ХФнинг шаҳар сув тармоғига диаметри 32 мм бўлган темир қувур орқали ноқонуний, ўзбошимчалик билан уланганлиги ишдаги далолатномалар ва кўздан кечириш баённомаси билан ўз тасдиғини топган. Жавобгарнинг ичимлик сувидан саккиз ой давомида фойдаланиб келганлиги ҳолати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 октябрдаги 490-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида коммунал сув тармоқлари ва оқова сувларни узатиш системаларидан фойдаланиш қоидалари»да белгиланган формула бўйича ҳисобланганда 5 993 856 сўмни ташкил этган.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, жавобгардан 5 993 856 сўм зарар ундириш тўғрисида янги қарор қабул қилган ва бу қарор кассация инстанцияси судининг қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган.

6. Ишни назорат тартибида кўрган хўжалик судининг ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилиш тўғрисидаги қарорида баён этилган кўрсатмалари шу ишни янгидан кўраётган хўжалик суди учун мажбурийдир, бу кўрсатмаларни бажармаслик қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилишга асос бўлади.

Даъвогар «ARFA-EXPROD» МЧЖ шаклидаги ҚК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Самарқанд вилоят бошқармасига нисбатан олиб келинаётган технологик хом ашёларга божхона божи бўйича имтиёз қўллаш ҳамда 20 892 343,81 сўм импорт божи, 4 178 468,77 сўм ҚҚС, жами 25 070 812,58 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Самарқанд вилоят бошқармасидан «ARFA-EXPROD» ҚКга 20 892 343,81 сўм нотўғри тўланган импорт божи, 4 178 468,77 сўм ҚҚС, жами 25 070 12,58 сўм ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Протестда суд қарорларини бекор қилиб, даъвони рад қилиш тўғрисида янги қарор қабул қилиш сўралган.

Ишдаги ҳужжатларга қараганда, «ARFA-EXPROD» ҚК 2005 йил 7 январда Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан давлат рўйхатига олинган.

«Atlas Tus Shargh» савдо фирмаси ва «ARFA-EXPROD» ҚК ўртасида тузилган 2004 йил 17 декабрдаги 12/2004-сонли импорт контракти бўйича ҚКнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун кир ювиш порошогини тайёрлаш ускуналари, кир ювиш порошоги тайёрлаш учун хом ашё, кир ювиш порошогини қадоқлаш учун картон коробкалари ва картон коробкаларини елимлаш учун ишлатиладиган елимлар импорт қилинган. Импорт қилинган товарларни божхона орқали расмийлаштиришда импорт божи ва ҚҚС тўловлари ундирилганлиги сабабли судга даъво аризаси тақдим этилган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси суди томонидан ХПКнинг 24-моддаси талабларига риоя қилинмасдан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Самарқанд вилоят бошқармасига нисбатан олиб келинаётган технологик хом ашёларга божхона божи бўйича имтиёз қўллаш масаласини ҳал этиш тўғрисидаги даъво талабининг хўжалик судига тааллуқлиги масаласи ўрганилмасдан, ҳал қилув қарори билан технологик хом ашёларга божхона божи бўйича имтиёз қўллаш ҳақидаги даъво талаби асоссиз равишда қаноатлантирилган. Кассация инстанцияси судининг қарорида эса юқорида қайд этилган даъво талаби умуман муҳокама қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 3 ноябрда 834-сонли рўйхатга олинган «Божхона юк декларацияларини тўлдириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 3.1-бандида

БЮД графаси кимлар томонидан тўлдирилиши белгиланган. Унда БЮДнинг 36-графасига божхона тўлови учун тариф имтиёзлари ва преференциялар белгиланганлиги ҳақида декларант томонидан ёзувлар киритилиши кўзда тутилган.

БКнинг 93-моддасига кўра, божхона органи божхона декларациясини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас. Божхона декларацияси расмийлаштирилган ва қабул қилинган пайтдан бошлаб, у юридик аҳамиятга молик фактлардан далолат берувчи ҳужжатга айланади.

Ишга тақдим этилган божхона юк декларацияларининг 14-графасида декларант вакиллари «KLIN-KAA» МЧЖ, «RAXMAT» МП эканлиги кўрсатилган ва декларант вакиллари томонидан БЮДнинг 36-графасига «ARFA-EXPROD» ҚКга божхона йиғимлари, ҚҚС бўйича имтиёзлари мавжуд эмаслиги ва божхона тўлови ҳамда акциз солиғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари билан имтиёз берилганлиги ҳақида ёзув киритилган.

Божхона юк декларацияларининг 47-графасига қараганда, «ARFA-EXPROD» ҚК томонидан товарларни божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун божхона йиғимлари, божхона божи ва ҚҚС тўланганлиги, аммо айнан шу графада ҚКга ҚҚС тўлови бўйича имтиёз қўлланилганлиги акс эттирилган.

БКнинг 99-моддасига кўра товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахс ёки божхона брокери декларант бўлиши мумкин. Декларант, у божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахс ёки божхона брокери бўлишидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча вазифаларни бажаради ва тўлиқ жавобгар бўлади.

Бундай ҳолда ишни кўришда хўжалик суди томонидан декларант вакиллари «RAXMAT» МП, «KLIN-KAA» МЧЖни низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш масаласи муҳокама қилинмаган.

Бундан ташқари, қайд этилган низони кўришда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2004 йил 23 июлдаги «Назорат қилувчи органлар фаолиятини тартибга солишга оид қонун ҳужжатларини амалиётда қўллашнинг айрим масала-

лари ҳақида»ги 116-сонли қарори (Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 28 декабрдаги 176-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган) нинг 9-банди талаблари асосида бюджетга асоссиз ундирилган пул маблағларини қайтариш ва етказилган зарарларни давлат органларидан ундириб олиш ҳақида даъво тақдим этилганда, ХПКнинг 42-моддасига асосан хўжалик судлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимослари ёки ўз ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёхуд унинг жойлардаги ҳудудий органларини низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилиш масаласини ҳал этмаган.

Олий хўжалик суди Раёсатининг 2007 йил 30 августдаги қарори билан иш бўйича қабул қилинган суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан биринчи инстанцияда кўриш учун юборилган.

Ишни янгидан кўришда хўжалик суди технологик хом ашёларга божхона божи бўйича имтиёз қўллаш ҳақидаги даъво талабини хўжалик судига тааллуқлилигига ҳуқуқий баҳо берилиши, «RAXMAT» МП, «KLIN-KAA» МЧЖни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёхуд унинг жойлардаги ҳудудий органларини низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича йиғилган далиллар асосида қонуний тўхтамга келиши лозимлиги тўғрисида кўрсатма берилган.

Ишни янгидан кўришда биринчи инстанция суди ажрим билан «RAXMAT» МП, «KLIN-KAA» МЧЖни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасини низонинг предметига мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, Самарқанд вилоят божхона бошқармасидан 25 070 812,52 сўм ундирилган. Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий хўжалик суди Раёсатининг қарорида даъво талабида иккита талаб бўлганлиги ва шундан олиб келинаётган технологик хом ашёларга божхона божи бўйича имтиёз қўллаш ҳақидаги даъво талаби муҳокама қилинмаганлиги баён этилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорида имтиёз қўллаш масаласидаги даъво талаби муҳокама этилиб, даъвонинг шу қисми бўйича иш юритишни тугатиш лозимлиги эътироф этилган бўлса-да, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида имтиёз қўллаш юзасидан иш юритишни тугатиш кўрсатилмаган ва ушбу ҳолат апелляция инстанцияси судининг эътиборидан четда қолган. Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари Раёсат топшириғини қисман бажармаган, яъни ҳар бир даъво талабининг хўжалик судига тааллуқлилигини ўрганмаган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорлари ўзгартирилиб, «ARFA-EXPROD» ҚК даъвосининг имтиёз қўллаш тўғрисидаги талаби юзасидан иш юритиш тугатилган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2009 йил 27 августдаги 90-сонли қарори билан тасдиқланган)

3.4. 2008 ЙИЛ ВА 2009 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИ МОБАЙНИДА КЕЛИШУВ БИТИМИНИ ТАСДИҚЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. ХПК 1-моддасининг иккинчи қисмига кўра, хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас.

Даъвогар «Наманганйўллойиҳа институти» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш – фойдаланиш» корхонасидан 19 911 400 сўм ундиришни сўраган.

Суднинг 2008 йил январдаги ажрими билан тарафлар ўртасида тузилган келишув битими тасдиқланган ва иш юритиш тугатилган.

Тарафлар ўртасида тузилган келишув битимининг 2.2-бандида «жавобгар ишни тугатиш тўғрисидаги ажрим устидан суднинг юқори инстанцияларига шикоят қилмайди» деган мазмунда мажбурият юклатилган.

Келишув битимини тасдиқлашда унинг мазкур банди жавобгарнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини чеклашга қаратилганлигига ҳуқуқий баҳо берилмаган.

2. Тарафларнинг келишув битими бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини

бузса, хўжалик суди келишув битимини тасдиқламайди ва ишни мазмунан кўради.

Даъвогар «Муборак МКК–62» МЧЖ жавобгарлар Қашқадарё вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси ва Бухоро вилоят Олот туман 188-сон МЛМК ОАЖдан 24 090 527 сўм асосий қарз ва 12 045 203 сўм пеня ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, томонлар ўртасида Муборак шаҳрида 720 ўринли касб-ҳунар коллежини қуриб фойдаланишга топшириш тўғрисида уч томонлама шартнома имзоланган.

Шартномага кўра, бош пудратчи Бухоро вилоят Олот туман 188-сон МЛМК ОАЖ билан ёрдамчи пудратчи «Муборак МКК–62» МЧЖ 130 000 000 сўмлик қурилиш ишларини бажариши ва буюртмачи Қашқадарё вилоят ҳокимлиги инжиниринг компаниясига топшириши белгиланган. Буюртмачи эса ишларни қабул қилиб олиши ва қурилиш якунлангунга қадар 95 % тўловларни ойма-ой ёрдамчи пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бориши ҳамда коллеж қурилиши якунланиб, давлат комиссияси томонидан қабул қилиб олингач, қолган 5 % тўловни 90 кун ичида тўлаб бериши белгиланган. Бироқ қурилиш ишлари ўз вақтида топширилган бўлса-да, буюртмачи томонидан тўловлар тўлиқ тўлаб берилмаслиги оқибатида 24 090 527 сўм қарздорлик вужудга келган. Узоқ муддат асосий қарзни тўлаб бермаганлиги учун даъвогар жавобгарлардан 12 045 203 сўм пеня ундиришни ҳам сўраган.

Мазкур хўжалик иши бўйича даъвогар «Муборак МКК–62» МЧЖ ва жавобгар Қашқадарё вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси ўртасида келишув битими тузилган. Ушбу келишув битими суднинг ажрими билан тасдиқланган.

Аммо тарафлар томонидан келишув битимини тузишда 188-сон МЛМК ОАЖнинг манфаатлари мавжудлиги ҳисобга олинмаган. Суд эса, келишув битимини тузишда 188-сон МЛМК ОАЖнинг иштирок этмаганлигига эътибор бермасдан, уни тасдиқлаган ҳамда даъво талабининг унга нисбатан қисмига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Келишув битимининг мазмунидан кўринишича, даъвогар «Муборак МКК–62» МЧЖнинг ҳисоб рақамига жавобгар Қашқадарё вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси ҳисоб рақамидан 24 090 527 сўм ўтказилиши белгиланган. Ушбу тўлаб берилган пул суммаси кейинчалик жавобгар Қашқадарё вилоят ҳокимлиги

инжиниринг компанияси ва 188-сон МЛМК ОАЖ ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши кўрсатилган. Лекин, келишув битимининг шарти сифатида кўрсатилган жавобгарлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши масаласи кейинчалик келишмовчилик келтириб чиқариши мумкинлигига эътибор қилинмаган.

3. ХПКнинг 52-моддасига биноан вакилнинг келишув битимини тузишга бўлган ваколатлари вакил қилаётган шахс берган ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши керак.

Даъвогар Наманган вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи-инжиниринг компанияси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Наманганиркурилиш» ОАЖдан 29 148 809 сўм пеня ундириб беришни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида тарафлар вакиллари томонидан келишув битими тузилган ва суднинг ажрими билан келишув битими тасдиқланган ҳамда иш юритиш тугатилган.

Бироқ келишув битими жавобгар вакили Ф. Мамаджанов томонидан имзоланганлигига ҳуқуқий баҳо берилмаган ҳамда унинг келишув битими тузиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома талаб қилиб олинмаган.

Ваҳоланки иш ҳужжатларига кўра, «Наманганиркурилиш» ОАЖ томонидан Ф. Мамаджановга хўжалик суди мажлисида иштирок этиш учун ишончнома берилган холос.

4. Қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинмаган ҳолда тузилган келишув битими суд томонидан тасдиқланмайди.

Даъвогар Ғаллаорол туман ҳокимлиги жавобгар «Тижорат савдо маркази» МЧЖга нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ноқонуний равишда қурилиши бошланган, тугалланмаган миллий ҳаммом биносини буюртмачи ҳисобидан буздириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаришни сўраган.

Иш кўриш жараёнида тарафлар келишув битимини тузиб, суддан уни тасдиқлашни сўрашган. Келишув битимида даъвогар Ғаллаорол туман ҳокимлиги жавобгар «Тижорат савдо маркази» МЧЖга яна бир имконият бериши, агар жавобгар бинонинг олди фасадини бир ойлик, умуман ҳаммом қурилишини бир йиллик муддатда қуриб битказмаса, ўзи айбдор деб топилиши, бино унинг ҳисобидан бузилиши ва жавобгар даъво қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши белгиланган.

ШКнинг 34-моддаси саккизинчи қисмига кўра, объектларнинг аҳоли пунктлари ҳудудида бош режа ва бошқа зарур шаҳарсозлик

ҳужжатларисиз лойиҳалаштирилиши ва қурилиши тақиқланади. Шунингдек, мазкур Кодекс 54-моддасининг иккинчи қисмига биноан объектлар қурилишига рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, унинг давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда берилади.

Даъвогар даъво аризасида жавобгар томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмасдан ва Жиззах вилоят ДАКН инспекциясидан қурилиш бошлаш учун рухсатнома олинмасдан миллий ҳаммом биноси қурилишига йўл қўйилганлигини баён этиб, юқорида баён этилган ҳуқуқ нормаларига асосланиб бинони бузиш тўғрисида талаб қўйган бўлса-да, кейинчалик жавобгар билан тузилган келишув битимида қонун талабларига зид равишда бино қурилишининг давом эттирилишига имконият яратиб берган.

Келишув битими қонун ҳужжатлари талабларига зид равишда тузилган бўлса-да, у суднинг ажрими билан тасдиқланган.

5. Шартлари аниқ баён этилмаган, унинг шартлари, мазмуни юзасидан кейинчалик тушунмовчиликлар, низолар келиб чиқиши мумкин бўлган келишув битими тасдиқланмайди.

ССП номидан Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар «Қарши ёғ-экстракция» ҚК манфаатини кўзлаб, жавобгар «Меҳнат» ФХдан 1 562 560 сўм аванс, 25 фоиз жарима, яъни 2 375 000 сўм, 296 887 сўм кредит фоизи, 653 113 сўм бой берилган фойда, 25 040 сўм суд харажатлари жами 4 912 600 сўм ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида тузилган контрактация шартномасига кўра, жавобгар даъвогарга жами 9 500 000 сўмлик зиғир ҳосилини етказиб бериш, даъвогар эса, маҳсулотни қабул қилиб олиб, ўз вақтида уни ҳақини тўлаш мажбуриятини олган. Шартномага мувофиқ, даъвогар томонидан зиғир ҳосилини етиштириш учун ажратилиши лозим бўлган аванс маблағлари жавобгарга тўлаб берилган. Бироқ жавобгар шартномада белгиланган миқдордаги зиғир ҳосилини даъвогарга етказиб бермаган.

Суд муҳокамасида тарафлар ўртасида келишув битими тузилганлиги сабабли, иш юритиш тугатилган.

Лекин томонлар ўртасида тузилган келишув битимининг матнида бирор-бир шарт белгиланмаган, томонлар ўзаро келишув асосида низо бўйича муайян бир мажбуриятларни ўз зиммасига олмаган, бу ҳолат эса суднинг эътиборидан четда қолган. Келишув битимида фақатгина тарафлар низо юзасидан келишувга келганликлари сабабли, иш юритишни тугатиш сўралган. Кейинчалик бу ҳолат келишув битимининг шартлари юзасидан янги низо келиб чиқишига сабаб бўлган.

6. Томонлардан бири келишув битимини имзоламаган ва ўз муҳри билан тасдиқламаган бўлса, бундай келишув битими суд томонидан тасдиқланиши мумкин эмас.

Фарғона вилоят адлия бошқармаси даъвогар «Ойдиной» ФХ манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Тошлоқ пахта тозалаш заводи» ОАЖдан 1 211 200 сўм асосий қарз, 358 515 сўм пеня ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, томонлар ўртасида 2008 йил учун пахта хом ашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномасининг 1.2 ва 1.4-бандларига кўра, ФХ пахта хом ашёси ва уруғлик пахтани тайёрловчига қайта ишлаш ёки сотиш учун етказиб бериш, тайёрловчи эса ушбу маҳсулотни қабул қилиб олиш ва белгиланган муддатларда муайян нарх бўйича унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

ФХ 2008 йил ҳосилидан 48,6 т пахта хом ашёси етказиб берган. Тайёрловчи етказиб берилган хом ашёнинг 90 фоиз ҳақини 2008 йилнинг 31 декабрига қадар тўлаб бериши лозим бўлган. Бироқ тайёрловчи томонидан 2009 йилнинг 15 мартига қадар хом ашёнинг 90 фоиз ҳақи тўлиқ тўлаб берилмасдан, ФХдан 1 211 200 сўм қарздорлик вужудга келган. Натижада жавобгар мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлиги учун даъвогар ундан 358 515 сўм пеня ундиришни ҳам сўраган.

Ишни судда кўриш жараёнида томонлар ўртасида келишув битими тузилган ва суд ушбу келишув битимини ўзининг ажрими билан тасдиқлаб берган. Лекин келишув битими жавобгар томонидан имзоланмаганлиги ва корхона муҳри билан тасдиқланмаганлигига эътибор берилмаган.

Томонлардан бири келишув битимини имзоламаган ва ўз муҳри билан тасдиқламаган бўлса, у тузилган ҳисобланмайди ва бундай келишув битими суд томонидан тасдиқланиши мумкин эмас.

7. ХПКнинг 132-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ келишув битими хўжалик суди томонидан ажрим билан тасдиқланади ва унда иш юритиш тугатилганлиги кўрсатилади. Агар келишув битимида давлат божи бўйича харажатларни тақсимлаш ҳақидаги шарт мавжуд бўлмаса, давлат божини ундириш масаласи умумий белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Даъвогар Наманган вилоят «Сувоқова» ДК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Наманган кўприк қурилиш» бошқармасидан 3 718 887 сўм асосий қарз, 1 400 205 сўм пеня ундириб беришни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида тарафлар ўртасида келишув битими тузилган ҳамда бу келишув битими суднинг ажрими билан тасдиқланган.

Аммо суднинг ажримида иш юритиш тугатилганлиги кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, келишув битимида давлат божи бўйича суд харажатларини тақсимлаш ҳақидаги шарт мавжуд эмас. Суд давлат божи масаласини умумий белгиланган тартибда ҳал қилиши лозим бўлса-да, ушбу масала ҳам ҳал этилмаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2008 йил 18 апрелдаги «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 180-сонли қарорининг 14-бандида умумий қоида бўйича ишни кўриш иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим чиқариш билан якунланганида давлат божи қайтарилмаслиги, тўланмаган давлат божи эса даъвогардан ундирилиши тўғрисида судларга тушунтириш берилган.

8. Келишув битими низони узил-кесил ҳал қилиши лозим. Унинг мазмуни шартли бўлиб, янги низо келиб чиқишига сабаб бўладиган келишув битимининг тасдиқланишига йўл қўйилмайди.

Даъвогар «Савдо-ҳамкор» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Шуҳрат» МЧЖдан 2 640 400 сўм асосий қарз, 1 320 200 сўм пеня ундиришни сўраган.

Даъвогар даъво аризасида тарафлар ўртасида маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилганлигини, даъвогар шартнома шартларига асосан жавобгарга жами 8 500 000 сўмлик маҳсулотлар

етказиб берганлигини, жавобгар эса етказиб берилган маҳсулотлар учун фақатгина 5 860 000 сўм тўлаб берганлигини, шартнома шартлари тўлиқ бажарилмаганлиги натижасида қарздорлик юзага келганлигини, жавобгарга қарздорликни қоплаш тўғрисида юборилган талабномалар эътиборсиз қолдирилганлигини баён этиб, жавобгардан 2 640 400 сўм асосий қарз ва 1 320 200 сўм пеня ундириб беришни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида тарафлар ўртасида тузилган келишув битимида жавобгар бир ойлик муддатда асосий қарзни тўлиқ тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган. Даъвогар эса талаб қилинган пенядан воз кечган. Аммо келишув битимига жавобгар бир ойлик муддат ичида асосий қарзни тўлаб бермаса, даъвогар тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,2 фоиз миқдорида пеня талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги шартли қоида ҳам киритилган.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги 162-сонли Қарорининг 30-бандига кўра келишув битими ... шарт асосида тузилмаган бўлса... тасдиқланади.

Тарафлар ўртасида тузилган келишув битими шарт асосида тузилганлиги, низони узил-кесил ҳал қилмаганлиги сабабли, у суд томонидан тасдиқланмаган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2009 йил 24 сентябрдаги 100-сонли қарори
билан тасдиқланган)

3.5. ҲАКАМЛИК СУДИНИНГ ҚАРОРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҲАМДА ҲАКАМЛИК СУДИНИНГ ҚАРОРИНИ МАЖБУРИЙ ИЖРОГА ҚАРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАЛАРНИ КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ (2008–2010 йиллар)

1. Хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқаётганда, ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёки ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

«Муборак газни қайта ишлаш заводи» УК хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Медиатор» ХК қошидаги «Ҳимоя» ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва шартномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан ариза қисман қаноатлантирилиб, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган. Аризадаги талабнинг 2007 йил 30 январдаги шартномани ҳақиқий эмас деб топиш қисми рад этилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Сигнал» ХК ва «Муборак газни қайта ишлаш заводи» УК ўртасида шартнома тузилган. Шартномага кўра, шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар «Ҳимоя» ҳакамлик судида кўриб чиқилиши белгиланган.

Ҳакамлик ишида ҳакамлик судьяси (судьялари)ни сайлаш тўғрисидаги илтимоснома иши бўйича жавобгар «Муборак газни қайта ишлаш заводи» УКга юборилганлиги тўғрисидаги далиллар мавжуд бўлмаганлиги сабабли, хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талабни асосли қаноатлантирган.

Шунингдек, хўжалик суди шартномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни муҳокама қилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига пеня асосли ёки асоссиз тарзда ундирилганлигини текшириб, уни қаноатлантиришни рад этган.

Ваҳоланки, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун 47-моддасининг биринчи қисмига кўра, ваколатли суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Шу боис, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ажримини ўзгартириб, ажримнинг асослантирувчи қисмидаги 6, 7-хатбошиларини бекор қилган. Ажримнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

2. Агар низо доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳал қилувига топширилган бўлиб, ҳакамлик битимида мазкур ҳакамлик судининг номи кўрсатилмаган бўлса, ҳакамлик битими ҳақиқий эмас ҳисобланади ва ҳакамлик суди томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарори бекор қилинади.

«Шарқий» ХК хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Ибрагимов Савдо Сервис» МЧЖ қошидаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, даъвогар «Вика» ХФ ва жавобгар «Шарқий» ХК ўртасида шартнома тузилган. Мазкур шартномада белгиланган шартларнинг бажарилмаганлиги натижасида тарафлар ўртасида низо келиб чиққан. Тарафлар низони ҳакамлик судининг ҳал қилувига топшириш бўйича ҳакамлик битимини тузган.

Мазкур ҳакамлик битими асосида иш ҳакамлик суди томонидан кўрилиб, даъвони қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинган. Жавобгар ҳал қилув қароридан норози бўлиб уни бекор қилиш тўғрисида ариза билан хўжалик судига мурожаат қилган. Хўжалик суди аризани иш юритишга қабул қилиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ажрим қабул қилган.

Хўжалик суди томонидан ҳал қилув қарори бекор қилинишига тарафлар ўртасида тузилган ҳакамлик битимининг ҳақиқий эмаслиги асос бўлган. Чунки, битимда низони кўриб чиқиш қайси ҳакамлик судига топширилиши, яъни ҳакамлик судининг номи кўрсатилмаган.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун 13-моддасининг биринчи қисмида ҳакамлик битимида ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёхуд айрим низолар ҳакамлик судида кўриб чиқилиши кераклиги ҳақидаги қоида, шунингдек, агар низо доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳал қилувига топшириладиган бўлса, мазкур ҳакамлик судининг номи кўрсатилиши лозимлиги, учинчи

қисмида эса, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларга риоя қилинмаган тақдирда, ҳакамлик битими ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши белгиланган.

ХПК 155–4-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан ҳакамлик битимининг қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслиги ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилинишига асос бўлиши белгиланган.

3. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик битими шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёки ҳал қилув қарорида ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжуд бўлса, хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилади.

«Praff Singer» ОАЖ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, ССП Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Ахборот маслаҳат маркази ҳузуридаги ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан ариза қаноатлантирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Latus Business» ХК (ижарага олувчи) ва «Praff Singer» ОАЖ (ижарага берувчи) ўртасида 2008 йил 20 октябрда ижара шартномаси тузилган. Шартномага мувофиқ, ижарага олувчига Тошкент шаҳар Навоий кўчасида жойлашган савдо дўконининг биринчи қаватидаги 28,08 кв.м бўлган хона ажратиб берилган. Шартноманинг 1.1–1.6-бандларига асосан ижарага берилаётган кўчмас мулк таркибига 28,08 кв.м бўлган битта хона ҳамда унинг ичидаги предметлар ва ер участкасидаги металл контейнер кирган.

«Latus Business» ХК ва «Praff Singer» ОАЖ ўртасида ҳакамлик битими тузилиб, ижара шартномаси юзасидан келиб чиққан барча низолар ҳакамлик судида кўриб чиқилиши белгиланган.

Тарафлар ўртасида ижарага берилган кўчмас мулкдан, яъни ижара предметидан ташқарида бўлган пластик қопламали тўсиқларни олиб кетиш билан боғлиқ бўлган, ижара шартномасига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган низо келиб чиққан. Бироқ, ҳакамлик суди мазкур низони юқоридаги ҳакамлик битимига асосан кўриб чиқиб, даъвони қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

ХПК 155–4-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжуд бўлса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори хўжалик суди томонидан бекор қилиниши белгиланган.

Шу боис, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

4. Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ низо маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққанлиги боис, унинг юзасидан қабул қилинган ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори бекор қилинади.

Урганч туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, ҳакамлик судининг Хамидова Гулноз Сайфиддиновна ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган.

Хоразм вилоят хўжалик судининг ажрими билан ишга Урганч туман ҳокимлиги даъвогар сифатида жалб қилинган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, ЯТТ Хамидова Гулноз Сайфиддиновна ССП Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги ҳакамлик судига мурожаат қилиб, ЯТТ Хамидова Гулноз Сайфиддиновнага Урганч туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан берилган гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилиб, гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилган.

Ваҳоланки, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун 9-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, ҳакамлик судлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади.

Ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди.

ХПК 155–4-моддасининг иккинчи қисмида агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори хўжалик суди томонидан бекор қилиниши белгиланган.

Шу боис, хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни лозим топган.

5. Ҳакамлик битими низосиз ҳуқуқий муносабат юзасидан тузилганда, у ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳисобланади ва ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишга асос бўлади.

Аризачи «Тошкент электр тармоқлари» ОАЖ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, ССП Тошкент вилояти бошқармаси ҳузуридаги ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Ангрен шаҳри ширкатлар фаолиятини мувофиқлаштириш уюшмаси ва «Тошкент электр тармоқлари» ОАЖ ўртасида ҳакамлик битими тузилган. Унга кўра, фуқаролик суди қарорларига асосан Ангрен шаҳар ҳудудидаги эгаси йўқ ва ташландиқ уйлар эгасиз деб топилганлиги муносабати билан, бу хонадонларга ҳисобланган электр энергия қарздорликларини ҳисобдан чиқариш ёки ундиришга доир низони ССП Тошкент вилояти бошқармаси ҳузуридаги ҳакамлик судига топширишга келишилган.

Ҳакамлик битимига асосан Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ширкатлар фаолиятини мувофиқлаштириш уюшмаси ҳакамлик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Тошкент электр тармоқлари» ОАЖдан бўлган истеъмолчиларнинг 198 115 057 сўм қарздорликларини умидсиз қарздорлик деб топишни ва ҳисобдан чиқаришни сўраган.

«Тошкент электр тармоқлари» ОАЖ ҳам Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ширкатлар фаолиятини мувофиқлаштириш уюшмасига нисбатан электр энергияси бўйича 198 115 057 сўм қарздорликни умидсиз қарздорлик деб топиш ва уни электр тармоқлари ҳисобидан чиқариш тўғрисидаги қарши даъво аризаси билан ССП Тошкент вилояти бошқармаси ҳузуридаги ҳакамлик судига мурожаат қилган.

Мазкур даъволар бирлаштирилиб ҳакамлик судининг мажлисида кўриб чиқилган ва даъволар қисман қаноатлантирилиб, электр энергияси бўйича 198 115 057 сўм қарздорлик умидсиз қарздорлик деб топилган.

«Тошкент электр тармоқлари» ОАЖ Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат қилиб, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган.

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини ХПК 155–4-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан бекор қилган. Унга кўра, ҳакамлик битимининг қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслиги ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишга асос бўлади.

«Тошкент электр тармоқлари» ОАЖ ва истеъмолчилар – Ангрен шаҳридаги хонадон эгалари ўртасида электр энергияси таъминотига оид шартнома юзасидан келиб чиққан низо бўйича Ангрен шаҳар ширкатлар фаолиятини мувофиқлаштириш уюшмаси тараф эмас. Бундан ташқари, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун 9-моддасининг биринчи қисмига кўра, ҳакамлик судлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади. Мазкур ҳолатда эса низо йўқ. Шу сабабли ҳакамлик битими ҳақиқий эмас ҳисобланади.

Биринчи инстанция суди Ангрен шаҳар ширкатлар фаолиятини мувофиқлаштириш уюшмаси ва «Тошкент электр тармоқлари» ОАЖ ўртасида 2008 йил 19 декбрда тузилган электр энергия таъминоти бўйича юзага келган қарздорликни умидсиз деб топиш ва ҳисобдан чиқаришга доир ҳакамлик битимини ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим деб ҳисоблаган.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

6. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ҳакамлик битимида назарда тутилмаган масалалар бўйича хулосалар мавжуд бўлса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш рад этилади.

Даъвогар Қашқадарё вилоят ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш бошқармаси» хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар «Сувоқова» бошқармасидан 101 196 845 сўм асосий қарз, 19 834 563 сўм пеня ундириш тўғрисидаги Қарши шаҳар доимий

ҳаракатдаги ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни сўраган.

Хўжалик судининг ажрими билан ариза қаноатлантирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, тарафлар ўртасида сув иншоотларини қўриқлашда милиция шахсий таркибини сақлаш тўғрисидаги шартномалар имзоланган. Даъвогар шартномага мувофиқ ўзига юклатилган барча мажбуриятларни бажарган. Бироқ жавобгар кўрсатилган хизмат ҳақини тўлаб бермаган.

Шу сабабли, тарафлар ўртасида ҳакамлик битими тузилган. Аммо, ҳакамлик битимида ҳакамлик суди томонидан қайси низо кўриб чиқилиши лозимлиги, яъни низонинг предмети тўғрисидаги қоидалар кўрсатилмаган.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун 13-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига кўра, ҳакамлик битимида ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёхуд айрим низолар ҳакамлик судида кўриб чиқилиши кераклиги ҳақидаги қоида кўрсатилиши лозим.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларга риоя қилинмаган тақдирда, ҳакамлик битими ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Тарафлар ўртасида ҳакамлик битими қонун талабларига риоя қилинмаган ҳолда тузилган бўлса-да, ҳакамлик суди томонидан низо кўрилиб, ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Хўжалик суди ҳам даъвогарнинг мазкур ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб, аризани қаноатлантириш тўғрисида ажрим қабул қилган.

ХПК 155–9-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида **ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳакамлик битимида назарда тутилмаган** ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлиги уни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этишга асос бўлиши белгиланган.

7. Ҳакамлик суди ҳакамлик битимида тараф бўлмаган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилса, хўжалик суди мазкур ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этади.

Даъвогар «Микрокредитбанк» ОАТБ Хоразм вилоят филиали хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарлар «Жуманазар Шерип ўғли» ФХ ва «Шовот донмаҳсулотлари» ОАЖдан 2 845 850 сўм ундириш тўғрисидаги ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни сўраган.

Хўжалик судининг ажрими билан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериши билан рад этилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, даъвогар «Микрокредитбанк» ОАТБ Хоразм вилоят филиали ва жавобгар «Жуманазар Шерип ўғли» ФХ ўртасида кредит шартномаси тузилган. Жавобгар берилган кредит маблағлари ва унинг фоизларини ўз вақтида тўламасдан 2 840 850 сўм даъвогардан қарз бўлиб қолган. Шу боис, шартнома бўйича юзага келган низони ҳал этиш учун даъвогар «Микрокредитбанк» ОАТБ Хоразм вилоят филиали ва жавобгар «Жуманазар Шерип ўғли» ФХ ўртасида ҳакамлик битими тузилган.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Бироқ ҳакамлик битимида «Шовот донмаҳсулотлари» ОАЖ тараф бўлмаса-да, ҳакамлик суди ишни кўришда уни ҳам қўшимча жавобгар сифатида жалб қилган. Бу билан ҳакамлик суди ҳакамлик битимида тараф бўлмаган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилган.

Ваҳоланки, ХПК 155–9-моддасининг 2-бандида ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлиги хакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш учун асос бўлиб ҳисобланиши белгиланган.

Шу боис, биринчи инстанция суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этишни лозим топган.

8. Юридик фактни аниқлаш тўғрисидаги ишлар ҳакамлик судига тааллуқли бўлмаганлиги сабабли, бу тоифадаги

иш бўйича қабул қилинган ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш ҳақидаги аризани қаноатлантириш рад этилади.

Аризачи хусусий тадбиркор «Умирзақова Зиёрат Шахобовна», ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиб, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани «Чўлпон» номли маҳалла ҳудудидаги Ташсельмаш бозори ёнида жойлашган ҳар бири 21 кв.м иборат бўлган 23 ва 24-сонли савдо шохобчалари объектларига эгалик қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида тузилган ҳакамлик битимига кўра, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани «Чўлпон» номли маҳалла ҳудудидаги Ташсельмаш бозори ёнида жойлашган ҳар бири 21 кв.м иборат бўлган 23 ва 24-сонли савдо шохобчалари объектларига эгалик қилиш ҳуқуқини хусусий тадбиркор «Умирзақова Зиёрат Шахобовна»га бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ССП Тошкент вилоят бошқармаси ҳузуридаги ҳакамлик судининг ҳал қилувига топширилган.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қаноатлантирилиб, Ҳамза тумани «Чўлпон» номли маҳалла ҳудудидаги Ташсельмаш бозори ёнида жойлашган ҳар бири 21 кв.метрдан иборат бўлган 23 ва 24-сонли савдо шохобчалари объектларига эгалик қилиш ҳуқуқи хусусий тадбиркор «Умирзақова Зиёрат Шахобовна»га берилган.

Даъвогар ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни сўраб хўжалик судига мурожаат қилган.

Хўжалик суди юридик фактни аниқлаш тўғрисидаги ишлар ҳакамлик судига тааллуқли бўлмаганлиги сабабли аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

Хўжалик суди бундай тўхтамга келишда «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига асосланган. Унга кўра, ҳакамлик судлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади. Юридик фактни аниқлаш тўғрисидаги ишда эса жавобгар бўлмаганлиги учун низо бўлмайди.

ХПК 155–9-моддасининг иккинчи қисмида агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик

муҳокамасининг предмети бўлмаса, хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиши белгиланган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2011 йил 24 февралдаги 20-сонли қарори билан тасдиқланган)

3.6. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН 2008–2010 ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАЛАРНИ КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза у тушганидан кейинги кундан кечиктирмасдан низони ҳал этаётган хўжалик суди томонидан кўрилади.

Даъвогар «Kammaz Arsenal» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Жаннат дил дурдонаси» МЧЖдан 256 682 115 сўм ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, тарафлар ўртасида 2009 йил 29 декабрда қарз шартномаси тузилган. Мазкур шартноманинг 3.1-бандига кўра, даъвогар жавобгарга уч ой муддатга 300 000 000 сўм қарз берган. Жавобгар шартнома шартларини қисман бажариб даъвогардан 209 060 480 сўм қарз бўлиб қолган. Шартноманинг 4.1-бандига кўра, қарз олувчи қарз маблағларини ўз вақтида тўламаган тақдирда, тўланмай қолган қарз маблағининг 10 фоизи миқдорида жарима тўлаши белгиланган. Шу боис, даъвогар жавобгардан асосий қарз билан бирга 20 906 948 сўм жарима, 24 164 280 сўм ҳисобланган банк фоизи ва 2 546 407 сўм суд харажатлари ундиришни сўраган.

Даъвогар судга даъво аризаси билан бир вақтда даъвони таъминлаш тўғрисида ариза киритган. Аризада жавобгарнинг банклардаги ҳисоб рақамларида мавжуд бўлган пул маблағларини хатлаб қўйиш сўралган. Суд томонидан даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар 2010 йил 2 ноябрда кирим қилинган. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза 2010 йил 12 ноябрда, яъни у келиб тушган кунидан 10 кун ўтгач кўрилган. Ваҳоланки, ХПК 76-моддасининг иккинчи қисмига кўра, даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза тушганидан кейинги кундан кечиктирмасдан низони ҳал этаётган хўжалик суди томонидан кўрилади.

2. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза тарафларнинг иштирокисиз, суд мажлиси ўтказилмасдан кўриб чиқилади.

«1-Кўчма механизациялашган карвон» ХК хўжалик судига мурожаат қилиб, «Сабр» МЧЖ ҳисобидан жами 554 966 261 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 434 809 954 сўм ундирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, даъвогар ва жавобгар ўртасида пудрат шартномаси тузилган. Мазкур шартномага кўра, жавобгар Қўқон Деҳқон бозори қурилиш объектида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириши, даъвогар эса ушбу ишларни қабул қилиб олиши ҳамда бажарилган ишлар ҳақини тўлаш мажбуриятини олган. Даъвогар олдиндан бажарилиши лозим бўлган ишлар учун аванс тариқасида ва бажарилган ишлар учун жами бўлиб 1 363 177 872 сўм миқдордаги тўловларни амалга оширган. Қурилиш амалга оширилаётган объектда АТ «Алоқа банки» томонидан ўтказилган оралиқ назорат-ўлчов ишлари якунига кўра «Бош пудратчи» сифатида даъвогар томонидан бажарилган жами 1 475 250 000 сўмлик қурилиш-монтаж ишлари чегириб ташланган. Ушбу чегириб ташланган қурилиш-монтаж ишларининг 419 254 654 сўми «Субпудратчи» сифатида иш олиб борган «Сабр» МЧЖ томонидан бажарилган. Бироқ, «Сабр» МЧЖ номаълум сабабларга кўра қурилиш ишларини охирига етказмасдан, яъни ўз мажбуриятларини бажармасдан, объектдан ўз ишчиларини олиб чиқиб кетган. Шу сабабли даъвогар судга мурожаат қилиб, жавобгардан бажарилмаган ишлар учун жами 554 966 261 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъвони қисман қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 434 809 954 сўм ундирган. Жавобгар ҳал қилув қароридан норози бўлиб уни бекор қилиш тўғрисида апелляция шикояти билан, даъвогар эса даъвони таъминлаш мақсадида ҳал қилув қарори билан ундирилган 434 809 954 сўм миқдордаги жавобгарга тегишли мол-мулк ва пул маблағларини хатлаб қўйишни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Суд аризани апелляция шикояти билан биргаликда 2009 йил 21 октябрда кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарган.

Ваҳоланки, ХПКда даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани суд мажлисида кўриш назарда тутилмаган.

3. Даъвони таъминлашга, агар шундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёки бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, йўл қўйилади.

Даъвогар «Шохруҳ-XXI» СИЧФ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Қизилқумцемент» ОАЖдан 41 049 679 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан даъвони таъминлаш чораси қўлланилган.

Тарафлар ўртасида 2008 йил 11 декабрда ва 2009 йил 20 январда маҳсулот етказиб бериш шартномалари тузилган. 2008 йил 11 декабрдаги шартномага кўра, «Шохруҳ-XXI» СИЧФ 43 400 000 сўмлик, 2009 йил 20 январдаги шартномага асосан 133 610 000 сўмлик маҳсулотларни етказиб бериш мажбуриятини олган бўлса, «Қизилқумцемент» ОАЖ етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини олган. Даъвогар томонидан маҳсулотлар ўз вақтида етказиб берилган. Жавобгар 2008 йил 11 декабрдаги шартнома бўйича етказиб берилган маҳсулотлар қийматини тўлиқ тўлаб берган бўлса-да, 2009 йил 20 январдаги шартномага асосан етказиб берилган маҳсулотлар ҳақининг 37 317 890 сўмини тўлаб бермаган. Шартномада белгиланган муддатларда тўловлар амалга оширилмаганлиги учун даъвогар жавобгардан 3 731 789 сўм пеня ундиришни сўраган.

Даъвогар 2009 йил 21 декабрда даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган. Мазкур аризада даъвони таъминлаш чорасини қўллашга бўлган заруратни белгиловчи ҳолатлар ёки даъвони таъминлаш чорасини кўрмаслик қабул қилинадиган суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёки бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжудлигини инобатга олиб, суд томонидан ариза қаноатлантирилган.

ХПК 76-моддасининг биринчи қисмига кўра, хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра даъвони таъминлаш чораларини кўришга ҳақли. Даъвони таъминлашга, агар шундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёки бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, хўжалик судлов ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилади.

4. Пул маблағларини хатлаш ҳақидаги даъвони таъминлаш чораси тўғрисидаги аризани кўришда жавобгарнинг ҳисоб

рақами эмас, балки даъво талаби доирасида ҳисоб рақамида мавжуд бўлган маблағлари хатланади.

Даъвогар «AVS Karvon trans» МЧЖ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар «Фрукты Қува Грант» МЧЖдан 55 825,46 АҚШ доллари миқдоридаги асосий қарз, 138,05 АҚШ доллари миқдоридаги комиссион тўловлар ва 918 887 сўм суд харажатларини ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «AVS Karvon trans» МЧЖ ва «Фрукты Қува Грант» МЧЖ ўртасида 2010 йил 9 июнда транспорт – экспедиция тўғрисида шартнома тузилган. Шартномада даъвогар томонидан жавобгарга транспорт – экспедиторлик хизматлари кўрсатилиши ва жавобгар кўрсатилган хизматлар учун 55 825,46 АҚШ доллари ҳамда 6 699,05 АҚШ доллари миқдоридаги комиссион тўловларни амалга ошириши белгиланган. Даъвогар транспорт – экспедиторлик хизматларини шартномада белгиланган муддатларда кўрсатган бўлса-да, жавобгар хизматлар ҳақини ва комиссион тўловларни тўлиқ амалга оширмаган. Натижада томонлар ўртасида тузилган таққослаш далолатномасига асосан жавобгар даъвогардан жами 55 963,51 АҚШ доллари миқдорида қарз бўлиб қолган.

Даъвогар мазкур қарзни ва суд харажатларини ундиришни сўраб даъво аризаси билан мурожаат қилган. Даъво аризаси 2010 йил 7 декабрда иш юритишга қабул қилинган. 2010 йил 9 декабрда даъвогар даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг банклардаги барча ҳисоб рақамларини ҳамда даъво талаби миқдоридаги мол-мулкларини хатлаб қўйишни сўраган.

Суд 2010 йил 10 декабрдаги ажрими билан аризани қаноатлантириб, жавобгарнинг «Асакабанк» АТ банкининг Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000090483270500 1-сонли ҳисоб рақамини ва 20208840304832705002-сонли валюта ҳисоб рақамини хатлаган. Шунингдек, жавобгарга тегишли 55 963 АҚШ доллари ва 918 887 сўм суд харажатлари учун тўланиши лозим бўлган пул маблағлари миқдоридаги мол-мулкни хатлаб қўйган.

Ваҳоланки, ХПК 77-моддасининг биринчи қисмида ҳисоб рақамини хатлаш каби даъвони таъминлаш чораси назарда тутилмаган. Шунинг учун, суд жавобгарга тегишли бўлган пул маблағларини хатлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишда банк-

даги ҳисоб рақамини эмас, балки даъвода кўрсатилган сумма доирасида ҳисоб рақамида мавжуд бўлган пул маблағларини хатлаши лозим бўлган.

Суд даъвони тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

5. Ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга оширилади-диган ижро ҳужжати бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек молиявий санкцияларни ундириш даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризага асосан суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

«Қишлоқхўжаликкимё» Қашқадарё вилоят ҳудудий акциядорлик жамияти хўжалик судига мурожаат қилиб, Қарши шаҳар ДСИнинг 1 223 980 000 сўм ундириш тўғрисидаги 2009 йил 21 августдаги инкассо топшириқномаларини ижро этилиши мумкин эмас деб топишни ва 2009 йил 3 сентябрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, 1 186 377 268 сўмлик инкассо топшириқномалари ижро этилиши мумкин эмас деб, қарорнинг 7, 8 ва 9-бандлари ҳақиқий эмас деб топилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг иш юритувида бўлган жиноят иши юзасидан «Ҳужжатли тафтиш тайинлаш» тўғрисидаги қарор ва ДСҚнинг буйруғига асосан «Қишлоқхўжаликкимё» Қашқадарё вилоят ҳудудий акциядорлик жамиятида солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан текшириш ўтказилган. Текшириш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштирилган. 2009 йил 3 сентябрда солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича Қарши шаҳар ДСБнинг қарори қабул қилинган. Унда «Қишлоқхўжаликкимё» Қашқадарё вилоят ҳудудий акциядорлик жамиятидан жами 1 223 483 900 сўм молиявий жарима, қўшимча ҳисобланган солиқ ва пеняни ихтиёрий тўлаб бериш сўралган. Бироқ, мазкур қарор қабул қилингунга қадар 2009 йил 21 августда Қарши шаҳар ДСИ томонидан даъвогардан 1 223 980 000 сўм ундириш тўғрисида 8 та инкассо топшириқномалари берилган.

Шу боис, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Даъвогар даъво аризаси билан бир вақтда даъвони таъмин-

лаш тўғрисида илтимоснома ҳам киритган. Мазкур илтимоснома-да ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар Қарши шаҳар ДСИ томонидан даъвогар ҳисоб рақамига қўйилган 8 та инкассо топшириқномаларининг ижросини тўхтатиб туриш сўралган.

ХПК 77-моддаси биринчи қисмининг 4-бандида даъвогар низолашаётган, ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат бўйича ундиришни тўхтатиб туриш даъвони таъминлаш чораси бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, СК 123-моддаси учинчи қисмида судга шикоят бериш суднинг қарори қонуний кучга киргунига қадар шикоят қилинаётган қарорни ёки ҳаракатни ижро этишни, шу жумладан қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришни, шунингдек молиявий санкциялар қўлланилишини тўхтатиб туриши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, биринчи инстанция суди даъвони таъминлаш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақида тўғри хулосага келган.

6. Суд нафақат ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси, балки ўзининг ташаббуси билан ҳам даъвони таъминлашни бекор қилиши мумкин.

Даъвогар «Узсаламан» ҚК жавобгарлар – «Автомобилчи» ХФ жавобгарлар Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Кўчмас мулк биржаси Фарғона вилоят филиалига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2008 йил 5 августдаги автотранспорт воситаси олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан даъвогарнинг даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилиб, давлат рақами 15 AI 258, кузов рақами 069502, двигатель рақами 738141 бўлган «Нексия» русумли автомобиль хатланган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Фарғона вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Ижро Департаменти Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ТИФ «Миллий банк» фойдасига қарздор «Узсаламан» ҚКсидан 236 003,95 АҚШ доллари, 149 012 388 сўм асосий қарз,

4 200 сўм почта харажатлари ундириш тўғрисида ижро иши қўзғатилган. Жавобгарга тегишли мол-мулклар хатланиб, аукцион савдосига қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Кўчмас мулк биржаси Фарғона вилоят филиали томонидан газеталарда аукцион савдолари ҳақида эълон берилган. Эълонда даъвогарга тегишли 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 15 AI 258, кузов рақами 069502, двигатель рақами 738141 бўлган «Нексия» русумли автомобиль 2008 йил 5 августдаги аукционга қўйилган. Аукционда «Автомобилчи» ХФ ушбу автомобилни 13 026 000 сўмга сотиб олган.

Биринчи инстанция суди аукцион савдолари қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда ўтказилган деб ҳисоблаб, даъвогарнинг автотранспорт воситаси олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво талабини рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Суднинг даъво талабини рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қабул қилиниб, даъвони таъминлаш чораси бекор қилинган.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида»ги 162-сонли қарори 17-бандининг иккинчи қисмига кўра, ХПК 80-моддасининг маъноси бўйича даъвони рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганда ишни биринчи инстанцияда кўрган хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси ёки ўзининг ташаббуси бўйича даъвони таъминлашни бекор қилишга мажбур.

7. Даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласи суд мажлисида ҳал қилинади.

Даъвогар «Фирдавс» МЧЖ жавобгар «Қурувчи» МЧЖга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Фирдавс» МЧЖ ҳисоб рақамига қўйилган 48 098 905 сўмлик инкассо топшириқномасини ижро этилиши мумкин эмас деб топишни сўраган.

Даъвогар ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар мазкур инкассо топшириқномасининг ижросини тўхтатиб туришни сўраган. Суд даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани қаноатлантирган. Суд мажлисига қадар даъвогар даъводан воз кечиш ҳақида ариза билан мурожаат қилган. 2010 йил 29 ноябрда суд даъводан воз

кечишни қабул қилиб, иш юритишни тугатган ва бу ҳақда суд мажлиси баённомаси расмийлаштирган. Шунингдек, шу куни суд даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги масалани суд мажлисида кўриб чиққан. Бироқ бу ҳақда юқоридаги суд мажлиси баённомасида бирон-бир фикр билдирилмаган ёки алоҳида суд мажлиси баённомаси расмийлаштирилмаган.

ХПК 80-моддасининг биринчи қисмига кўра, даъвони таъминлаш ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ишни кўраётган хўжалик суди томонидан бекор қилиниши мумкин. Даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласи суд мажлисида ҳал қилинади.

ХПК 134-моддасининг биринчи қисмида суд мажлисида, шунингдек суд мажлисидан ташқарида айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда баённома тузилиши белгиланган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2011 йил 28 апрелдаги 53-сонли қарори билан тасдиқланган)

3.7. ДАЪВОНИ КЎРМАСДАН ҚОЛДИРИШ ВА ИШ ЮРИТИШНИ ТУГАТИШГА ОИД СУД АМАЛИЁТИ (2008–2010 йиллар)

1. Корхона номидан берилган ишончнома уни имзолаган раҳбар вафот этиши муносабати билан бекор бўлмайди. Ушбу ишончнома асосида вакил томонидан даъво аризасининг имзоланиши ХПК 88-моддасининг 3-бандига биноан даъвони кўрмасдан қолдиришга асос бўлмайди.

«Агротаъминот» ХИЧСК хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «MILEN» МЧЖни Ҳамза тумани Ахсикат кўчасида жойлашган 177-уйни «Агротаъминот» ХИЧСКга қайтариш мажбуриятини юклашни сўраган.

Суднинг 2010 йил 18 августдаги ажрими билан ХПК 88-моддасининг 3-бандига асосан, яъни даъво аризаси уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланганлиги сабабли кўрмасдан қолдирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Агротаъминот» ХИЧСКнинг даъво аризаси ишончли вакил Н. Рахматуллаев томонидан имзоланган. Унга корхона раҳбари Б. Ботиров томонидан даъво аризасини имзолаш ваколатини берувчи ишончнома берилган.

Ишни кўриш жараёнида корхона раҳбари Б. Ботиров 2010 йил 24 июнда вафот этган ва «Агротаъминот» хусусий ишлаб чиқариш савдо корхонасининг раҳбари этиб Г. Ботирова тайинланган.

Суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиришда ФК 141-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига асосланган. Мазкур модда биринчи қисмининг 6-бандига кўра, ишончнома берган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши, ёхуд унинг вафот этиши ишончноманинг амал қилишини бекор бўлишига асос бўлади.

Суд ушбу нормани қўллаб ишончнома берган Б. Ботиров вафот этганлиги ва корхона раҳбари этиб Г. Ботирова тайинланганлиги боис, даъво аризаси Г. Ботирова томонидан имзоланиши ёки у берган ишончнома асосида вакил томонидан имзоланиши лозим деган хулосага келган.

Аммо Н. Рахматуллаевга Б. Ботиров томонидан берилган ишончнома ўз номидан эмас, балки корхона раҳбари сифатида корхона номидан ҳаракат қилиш учун берилган. Шу боис, Б. Ботировнинг вафот этиши Н. Рахматуллаевга корхона номидан берилган ишончномани бекор бўлишига олиб келмайди.

ФК 141-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра, номидан ишончнома берилган юридик шахс фаолияти тўхтатилганда (тугатилганда) ишончноманинг амал қилиши бекор бўлади.

Мазкур ҳолатда корхона фаолияти тўхтатилмаган (тугатилмаган). Шу боис, корхона номидан берилган ишончномани бекор бўлган деб ҳисоблашга асос мавжуд эмас.

2. Шартнома мажбуриятларининг ижроси юзасидан келиб чиққан ва тарафлар томонидан ўзаро ҳал қилинмаган низоли масалалар қонунчиликда назарда тутилган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиши ҳақидаги шартнома шарти низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) талабини англатмайди ва бу ҳолат даъвони ХПК 88-моддасининг 5-бандига биноан кўрмасдан қолдиришга асос бўлмайди.

«Тошмахсуспардозқурилиш» ОАЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Эдуард» ХФдан 725 976 сўм асосий қарз, 362 988 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суднинг 2009 йил 18 августдаги ажрими билан ХПК 88-моддасининг 5-бандига асосан, яъни даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаганлиги важ қилиниб, даъво кўрмасдан қолдирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, тарафлар ўртасида 2007 йил 10 апрелда 7-сонли қурилиш пудрати шартномаси тузилган. Ушбу шартнома бўйича жавобгар ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаганлиги учун даъвогар олдида 725 976 сўм қарз бўлиб қолган.

Шу сабабли, даъвогар судга мурожаат қилиб, жавобгардан асосий қарз суммаси ҳамда пеняни ундириб беришни сўраган.

Суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиришга тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 14.1-банди бузилганлигини, яъни унда низони судгача ўзаро ҳал қилиш тартиби белгиланган бўлиб, даъвогар томонидан судга мурожаат қилишдан олдин жавобгарга калькуляция илова қилинган ҳолда ёзма хабарнома (талабнома) юборилмаганлигини важ қилиб кўрсатган.

Аммо тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 14.1-бандида шартнома юзасидан келиб чиққан ва тарафлар томонидан ҳал қилинмаган низоли масалалар қонунчиликда назарда тутилган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиши белгиланган. Шартномада низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) талаби белгиланмаган. Шу сабабли, суд даъво аризасини мазмунан кўриб чиқиши лозим эди.

3. Давлат органи ёки бошқа орган томонидан даъвогарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қўзғатилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши иш бўйича иш юритишни тугатишга эмас, балки аризани кўрмасдан қолдиришга олиб келади.

ССП «Relto-Ekspress» ХК манфаатини кўзлаб хўжалик судига мурожаат қилиб, «Ўзбеккўмир» ОАЖдан 7 498 466 сўм асосий қарз, 4 824 500 сўм неустойка ва 1 350 860 сўм банк фоизи ундиришни сўраган.

«Relto-Ekspress» ХК жавобгар томонидан асосий қарз суммаси тўланганлигини ва шу сабабли даъводан воз кечишини маълум қилиб, низо бўйича иш юритишни тугатишни сўраган.

ХПК 44-моддасининг иккинчи қисмига кўра, давлат органи ёки бошқа орган томонидан даъвогарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қўзғатилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши аризани кўрмасдан қолдиришга олиб келади. Шу боис, суднинг 2008 йил 14 февралдаги ажрими билан даъво аризаси асосли равишда кўрмасдан қолдирилган.

4. Суд мажлисида эълон қилинган танаффусдан кейин даъвогар вакили суд мажлисига келмаса, бу ҳолат ХПК 88-моддасининг 6-бандига биноан даъвони кўрмасдан қолдиришга асос бўлмайди.

Бўстонлиқ тумани «Сувоқова» ИЧК хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар Бўстонлиқ тумани марказий касалхонасидан 9 149 533 сўм асосий қарз, 4 574 766 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суднинг 2008 йил 15 январдаги ажрими билан даъво аризаси иш юритишга қабул қилиниб, ишни кўриш 7 февралга тайинланган.

Суд мажлисида тарафлар вакиллари ўзаро ҳисоб-китобларни қайтадан кўриб чиқиб, келишув битими тузиш учун вақт беришни сўраган. Суд 2008 йил 8 февраль соат 10–00га қадар танаффус эълон қилган.

Бироқ 2008 йил 8 февраль соат 10–00даги суд мажлисига тарафлар вакиллари келмаган. Шу боис, суд ХПК 88-моддасининг 6-бандига асосан даъвони кўрмасдан қолдирган.

ХПК 88-моддасининг 6-бандида даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишга розилик бермаган бўлса, хўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдиришга ҳақлилиги белгиланган.

Суд даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқариб хатоликка йўл қўйган. Чунки, суд мажлиси 2008 йил 7 февралда бошланиб, 8 февралга қадар танаффус эълон қилинган. Танаффусдан кейин давом этган суд мажлисида даъвогар вакилининг суд мажлисида иштирок этмаганлиги даъвони кўрмасдан қолдиришга асос бўлмайди.

Бундан ташқари, суд ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш масаласини ҳал этмаган. Даъвогар СКнинг 330-моддасига асосан давлат божини тўлашдан озод қилинган бўлса-да, суд ажримида у давлат божи тўлашдан озод қилинганлиги сабабли ундан давлат божи ундирилмаслигини кўрсатиши лозим эди.

5. Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаса ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишга розилик бермаган бўлса, даъво ХПК 88-моддасининг 6-бандига асосан кўрмасдан қолдирилади.

Зангиота туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Илҳом» ХКнинг мол-мулки ҳисобидан 112 600 сўм боқиманда қарзни ундиришни сўраган.

Суднинг 2009 йил 16 сентябрдаги ажрими билан даъво аризаси иш юритишга қабул қилиниб, ишни кўриш 9 октябрга тайинланган.

Суд мажлисига тарафлар вакиллари келмаганлиги боис, суд ХПК 88-моддасининг 6-бандига асосан, яъни даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаганлиги ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишга розилик бермаганлиги сабабли даъвони кўрмасдан қолдирган.

6. Даъво талаби иккита бўлиб, биринчи талаб бўйича қонунчиликда низони судгача ҳал қилиш тартиби белгиланган ва унга риоя этилмаган бўлса, иккинчи талаб бўйича эса бундай тартиб назарда тутилмаган бўлса, суд биринчи даъво талабини кўрмасдан қолдириб, иккинчисини эса мазмунан кўради.

«Махмуджон Мухтаров» ХУЖМШ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «SONORO INTER PARES» ХКни шартнома тузишга мажбурлаш ва жавобгардан 3 919 085 сўм асосий қарз, 1 969 542 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суднинг 2008 йил 3 сентябрдаги ажрими билан ХПК 88-моддасининг 5-бандига асосан, яъни даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаганлиги сабабли даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, жавобгар «SONORO INTER PARES» ХК «Махмуджон Мухтаров» ХУЖМШ ҳудудида жойлашганлиги сабабли даъвогар жавобгарга умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни қоплаш бўйича шартнома тузишни таклиф қилган. Аммо жавобгар шартнома тузишдан бош тортган. Шу сабабли, даъвогар судга мурожаат қилиб, жавобгарни шартнома тузишга мажбурлашни ҳамда 2005 йилнинг майидан 2008 йилнинг майига қадар вужудга келган қарзни ва унга ҳисобланган пеняни ундириб беришни сўраган.

Суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиришга даъвогар томонидан ФК 377-моддасида белгиланган низони судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинмаганлигини асос қилиб кўрсатган. Бироқ

биринчи талаб бўйича қонунчиликда низони судгача ҳал қилиш тартиби белгиланган бўлса-да, иккинчи талаб бўйича бундай тартиб назарда тутилмаган.

Мазкур ҳолатда суд даъво аризасидаги биринчи талабни кўрмасдан қолдириши, иккинчи талабни мазмунан кўриб чиқиши лозим эди.

7. ФК 55-моддасининг ўн биринчи қисмига кўра, юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси «Мустақиллик пахта тозалаш заводи» ОАЖ манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Анорбой» ФХдан 4 893 581 сўм жарима ундиришни сўраган.

Суднинг 2010 йил 26 майдаги ажрими билан ХПК 86-моддасининг 4-бандига асосан, яъни ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот тугатилганлиги сабабли низо юзасидан иш юритиш тугатилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Қуйичирчиқ туман ҳокимининг 2009 йил 19 ноябрдаги 411-сонли қарори билан туман ҳокимлиги ва «Анорбой» ФХ ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги шартнома бекор қилинган. Ижарага берилган ер участкаси туман ер захирасига қайтарилиб, «Анорбой» ФХни тугатиш, давлат реестридан чиқариш, мухр ва штампини туман ички ишлар бўлимига топшириш вазифаси унинг зиммасига юклатилган.

Суд туман ҳокимининг мазкур қарорига асосланиб, жавобгар сифатида ишда иштирок этаётган ФХни тугатилган деб ҳисоблаб, иш юритишни тугатган.

ФК 55-моддасининг ўн биринчи қисмига асосан юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

8. Агар даъво билан юридик шахснинг ўзи эмас, балки унинг алоҳида бўлинмаси (филиали, ваколатхонаси) ишончномасиз мурожаат этса, хўжалик суди даъво аризасини қабул

қилишни рад этади. Агар бу ҳолат даъво аризасини иш юритишга қабул қилгандан кейин аниқланса, даъвогарни розилиги билан у юридик шахс билан алмаштирилиши мумкин, даъвогар бунга рози бўлмаганда эса иш юритиш тугатилади.

«Тошкентгазтаъминот» УКнинг «Бекободтумангаз» филиали хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Б. Мирзакаримов» номли биофабрикадан 342 226 сўм ундиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан даъво аризаси иш юритишга қабул қилиниб, ишни кўриш 4 ноябрга тайинланган.

Суд мажлисига тарафлар вакиллари келмаган. Шу боис, суд ХПК 88-моддасининг 6-бандига асосан, яъни даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаганлиги ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишга розилик бермаганлиги сабабли даъвони кўрмасдан қолдирган.

Даъво аризаси билан юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиал мурожаат қилган бўлса-да, суд уни тегишли юридик шахс билан алмаштирмаган ёки низо юзасидан иш юритишни тугатмасдан, балки даъвони кўрмасдан қолдирган.

Ваҳоланки, ХПК 23-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан хўжалик судига иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва ЯТТ мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар тааллуқли. Шу боис, ХПК 86-моддасининг 1-бандига биноан, суд низо хўжалик кўришга тегишли бўлмаганлигини асос қилиб, иш юритишни тугатиши лозим эди.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2011 йил 30 июндаги 64-сонли қарори билан тасдиқланган)

3.8. АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУДИ ТОМОНИДАН БЕКОР ҚИЛИНИБ, БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИГА ЯНГИДАН КЎРИШ УЧУН ЮБОРИЛГАН ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ (2009–2010 йиллар ҳамда 2011 йилнинг биринчи ярми)

1. Апелляция инстанцияси суди ХПК 170-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирдагина ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

ССП ОАТБ «Ҳамкорбанк» манфаатида жавобгар «Elus» ИИЧКга нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, 2009 йил 22 июлдаги кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни ҳамда «Elus» ИИЧКнинг гаровдаги ва бошқа мол-мулклари ҳисобидан 1 598 939 956 сўм асосий кредит қарзи, 78 865 139 сўм кредит фоизи, 236 460 547 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, ОАТБ «Ҳамкорбанк» Яккасарой филиали томонидан «Elus» ИИЧКга айланма маблағларини кўпайтириш ва ўз фаолиятини кенгайтириши учун трансформатор, трансформатор эҳтиёт қисмлари ва бутловчи қисмлар ҳамда транспорт ва божхона харажатларини тўлаш мақсадида 12 ой муддатга 3 ой имтиёзли давр билан 4-ойдан бошлаб қолган ойларда тенг бўлакларга бўлинган ҳолда сўндириш шарти билан 1 600 000 000 сўм кредит маблағлари ажратиш тўғрисида кредит шартномаси тузилган.

Жавобгар томонидан шартнома мажбуриятлари ўз вақтида бажарилмаганлиги асос қилиниб, даъвогар судга мурожаат қилиб, кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни ҳамда жавобгарнинг гаровдаги ва бошқа мол-мулклари ҳисобидан жами 1 914 265 643 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъвони қисман қаноатлантириб, жавобгарнинг гаровдаги Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Юмалоқ қўрғони, Рамазон кўчаси, 109-а-уй ва бошқа мол-мулклари ҳисобидан ОАТБ «Ҳамкорбанк» фойдасига жами 1 645 100 452 сўм ундирилган. Даъвонинг қолган қисми рад этилган.

Апелляция инстанцияси суди жавобгар «Elus» ИИЧК томонидан гаровга қўйилган мол-мулкнинг номи, жойлашган жойи, гаров шартномасида кўрсатилган миқдордаги бошланғич сотув баҳоси аниқ кўрсатилмаганлиги, шунингдек, жавобгар томонидан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Юмалоқ қўрғони, Рамазон кўчаси, 109-а-уйдаги барча мулклар гаровга қўйилмаганлиги ҳамда давлат божи кам ундирилганлигини асос қилиб, ҳал қилув қарорини бекор қилган ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

ХПКнинг 168-моддасининг 5-бандига кўра апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ушбу Кодекс 170-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

Ваҳоланки, ХПК 170-моддасининг иккинчи қисмида апелляция инстанция суди томонидан келтирилган асослар мавжуд эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, ишни янгидан мазмунан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборган.

2. Суд мажлиси баённомаси ва ҳал қилув қароридаги маълумотларнинг бир-бирига мувофиқ келмаслиги, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга асос бўлмайди.

Даъвогар Фарғона шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Ўзбекгазсувқурилиш» АЖнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган 32 783 сўм қарзини ундиришни унинг мол-мулкига қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Ўзбекгазсувқурилиш» АЖнинг 2008 йил 6 февраль ҳолатига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган қарздорлиги 33 084 сўмни ташкил этган. ДСИ томонидан мазкур қарзни ихтиёрий тўлаш тўғрисида жавобгарга талабнома юборилган. Бироқ, жавобгар томонидан талабнома жавобсиз қолдирилган.

Шу сабабли, Фарғона шаҳар ДСИ судга мурожаат қилиб, жавобгарнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган 32 783 сўм қарзини ундиришни унинг мол-мулкига қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция суди томонидан даъво қаноатлантирилган. Бироқ, ҳал қилув қарори қабул қилинган суд мажлисида тузилган баённома билан ҳал қилув қароридаги маълумотлар ўртасида фарқ мавжуд. Суд мажлиси баённомасида суд мажлисида жавобгар вакили иштирок этмаганлиги қайд этилган бўлса, ҳал қилув қарорида эса суд мажлисида жавобгар вакили А. Худойназаров қарзни тез кунларда тўлаб беришини билдирганлиги кўрсатилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарори ва суд мажлиси баённомасидаги маълумотларнинг бир-биридан фарқ қилишини процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши деб баҳолаб, ҳал қилув қарорини бекор қилишни ҳамда ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни лозим топган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди томонидан келтирилган асос ХПК 170-моддасининг иккинчи қисмида белгиланмаган.

3. Ишда суд мажлиси баённомасининг мавжуд эмаслиги ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга асос бўлади.

«Unitrust Management» ОАЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «New Tradition Investments» ОАЖ зиммасига 177 дона акцияларни сотиб олиш учун олди-сотди шартномасини тузиш мажбуриятини юклашни ҳамда жавобгардан 20 103 660 сўм асосий қарз ва 539 380 сўм неустойка ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгарга 177 дона акцияларни сотиб олиш учун даъвогар билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юкланган ҳамда жавобгардан 20 103 660 сўм асосий қарз ва 107 876 сўм неустойка ундирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, биринчи инстанция суди 2010 йил 6 июлда ишни мазмунан кўриб чиқиб, ҳал қилув қарори қабул қилган. Бироқ, иш ҳужжатларида шу кунги суд мажлиси баённомаси мавжуд эмас.

Ваҳоланки, ХПК 134-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ суд мажлисида, шунингдек суд мажлисидан ташқарида айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда баённома тузилади.

ХПК 168-моддасининг 5-бандига кўра хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўргач, ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ушбу Кодекс 170-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

ХПК 170-моддаси иккинчи қисмининг 7-бандига биноан ишда суд мажлисининг баённомаси бўлмаганлиги ёки у Кодекс 134-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахс томонидан имзоланмаганлиги, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.

Шу боис, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

4. Агар ҳал қилув қарори ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатса, у ХПК 170-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига кўра бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилади.

«QISHLOQXO‘JALIK MASHINALARI» МЧЖ жавобгар «SAVA QURILISH» МЧЖга нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида тузилган воситачилик шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «QISHLOQXO‘JALIK MASHINALARI» МЧЖ (бундан буён комитент деб юритилади) ва «SAVA QURILISH» МЧЖ (бундан буён воситачи деб юритилади) ўртасида 2008 йил 26 сентябрда воситачилик шартномаси тузилган. Унга кўра, воситачи комитентни топшириғига асосан қиймати 2 314 000 сўмлик 6 дона металлни қайта ишлаш ускуналарини сотиш ҳақида битим тузиш мажбуриятини олган, комитент эса воситачига ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

2008 йил 29 сентябрда комитент воситачига хат билан мурожаат қилиб, воситачилик шартномасини ҳақиқий эмас деб ҳисоблашни ва шартномага асосан берилган ускуналарни қайтаришни сўраган. Воситачи 2008 йил 30 сентябрдаги хат билан комитентга ускуналар сотиб юборилганлиги ва шу сабабли воситачилик шартномасини бекор қилиш имкониятини йўқлигини

маълум қилиб, комитентга ускуналар пулини, яъни 2 314 000 сўм тўлаб берган.

Шу сабабли, даъвогар судга мурожаат қилиб, воситачилик шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантириб, воситачилик шартномасини ҳақиқий эмас деб топган. Апелляция инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарори ЯТТ А. Боровинскийнинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир кўрсатганлиги учун, бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Аниқланишича, комитентнинг ускуналари воситачи томонидан 2008 йил 29 сентябрдаги олди-сотди шартномасига асосан 2 661 100 сўмга ЯТТ А. Боровинскийга сотилган.

ХПК 170-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига кўра суд ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади. Ушбу шахслар бундай ҳал қилув қарори устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақлидир.

ХПК 168-моддасининг 5-бандида хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўргач ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ушбу Кодекс 170-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақлилиги белгиланган.

Шу боис, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

5. Суд томонидан ишни мажлис жойи ва вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган ишда иштирок этувчи шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилганлиги, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга асос бўлади.

Тошкент вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» АЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Мирзатуллаев Худоёр» ФХдан 123 276 645 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Тошкент вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» АЖнинг даъво аризаси биринчи инстанция судининг 2010 йил 29 ноябрдаги ажрими билан иш юртишга қабул қилиниб, ишни кўриш 6 декабрга тайинланган. Шу куни иш мазмунан кўриб чиқилиб, ҳал қилув қарори қабул қилинган. Мазкур ҳал қилув қарорида ишни кўришда жавобгар вакили сифатида С. Махмудова иштирок этганлиги кўрсатилган. Бироқ, иш ҳужжатларида С. Махмудовага суд мажлисида иштирок этиш учун жавобгар томонидан берилган ишончнома мавжуд эмас. Шунингдек, апелляция инстанцияси суди мажлисида жавобгар раҳбари ФХда С. Махмудова деган ишчи ишламаслиги ҳақида кўрсатма берган.

ХПК 170-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандига кўра, суд ишни ишда иштирок этувчи, мажлис жойи ва вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрган бўлса, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлиши белгиланган.

ХПК 168-моддасининг 5-бандига кўра, хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўргач, ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ушбу Кодекс 170-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

6. Биринчи инстанция суди томонидан ХПК 131-моддасининг биринчи қисмига асосан ишни кўриш кейинга қолдирилмаганлиги ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга асос бўлмайди.

«Навоийнефтбазаси» УК хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарлар «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙК ва «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» ШКдан ёқилғидан бўлган 22 322 922 сўм камомадни ундириб беришни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» ШКдан даъвогар фойдасига 22 322 922 сўм ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, даъво аризаси суднинг 2011 йил 15 февралдаги ажрими билан иш юритишга қабул қилиниб, ишни кўриш 2011 йил 1 мартга тайинланган. 1 мартда суд мажлисига даъвогар вакили келмаганлиги сабабли ишни кўриш 2011 йил 18 мартга қолдирилган. 18 мартдаги суд мажлисига фақат «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙК вакиллари келган, даъвогар ва «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» ШКдан вакиллар суд мажлисида иштирок этмаган. Шу куни биринчи инстанция суди ишни мазмунан кўриб чиқиб, даъвони қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўришга биринчи инстанция судига юборишга ХПК 131-моддасининг биринчи қисми асос бўлган.

ХПК 131-моддасининг биринчи қисмига кўра, хўжалик суди ишни шу мажлисда кўриш мумкин бўлмаган тақдирда, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, эксперт-лар ва таржимонлардан бири келмаганлиги ёки қўшимча далиллар тақдим этиш зарурлиги сабабли ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли. Апелляция инстанцияси судининг қарорида биринчи инстанция суди томонидан ишни кўриш бошқа кунга қолдирилмаганлиги ва бу билан процессуал ҳуқуқ нормаси бузилганлиги қайд этилган.

ХПК 169-моддасининг 4-бандида моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўлиши кўрсатилган.

Ваҳоланки, ХПК 168-моддасининг 5-бандида хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўргач, ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва фақат ушбу Кодекс 170-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақлилиги белгиланган. Бироқ, мазкур ҳолатда ХПК 170-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд эмас.

Шу боис, апелляция инстанцияси суди ХПК 168-моддасининг 4-бандига асосан ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони кўрмасдан қолдириши лозим эди.

7. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ҳақидаги суд ажрими бекор қилинганда, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилади.

«SIB AKBAR» МЧЖ жавобгарлар Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасига нисбатан хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг буйруғини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан, яъни низо хўжалик судида кўриб чиқишга тегишли бўлмаганлиги сабабли аризани қабул қилиш рад этилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, биринчи инстанция судининг аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажримига Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг ҳақиқий эмас деб топиш сўралаётган 2010 йил 9 февралдаги буйруғи ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган давлат органининг ҳужжати эмас, балки мансабдор шахс томонидан қабул қилинган ҳужжат ҳисобланиб, бундай ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб хўжалик судига тааллуқли эмаслиги асос қилиб келтирилган.

Ваҳоланки, ХПК 24-моддаси биринчи қисмининг 9-бандига асосан давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар хўжалик суди томонидан ҳал этадиган низолар туркумига киради.

ХПК 172-моддасининг учинчи қисмига кўра хўжалик суди томонидан апелляция инстанциясида даъво аризасини қабул қилишни рад этиш, даъво аризасини қайтариш, иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримлар бекор қилинган ҳолларда иш биринчи инстанция судига кўриш учун ўтказилади.

Шу боис, апелляция инстанцияси судининг қарори билан суднинг ажрими бекор қилиниб, иш биринчи инстанция судига кўриш учун ўтказилган.

8. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қайтариш ҳақидаги биринчи инстанция судининг ажрими бекор қилинганда, ишни кўриш биринчи инстанция судига ўтказилади.

«TOSHKENT REGIONAL TRADING» АЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «SIPARINI» ХФдан 2 067 000 сўм асосий қарз ва 2 170 350 сўм неустойка ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган ва жавобгардан даъвогар фойдасига 2 067 000 сўм асосий қарз ва 206 700 сўм неустойка ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, жавобгар суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган. Аризада жавобгар низо суд томонидан даъвогар тақдим қилган қалбаки ҳужжатлар асосида ҳал этилганлиги ва иш жавобгар вакили иштирокисиз кўрилганлиги сабабли, даъвогар тақдим қилган ҳужжатлар бўйича тушунтириш бера олмаганлигини важ қилиб кўрсатган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза унга янги очилган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаганлиги учун қайтарилган.

Ваҳоланки, ХПК 205-моддасининг учинчи қисмига кўра, ариза белгиланган муддат ўтгандан кейин берилса ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса ёхуд ариза нусхалари ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаса, у судья томонидан аризачига қайтарилади.

Биринчи инстанция суди ХПКнинг 205-моддасида кўрсатилмаган асос билан аризани қайтарган.

Шу боис, апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ажрими бекор қилиниб, ХПК 172-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ иш биринчи инстанция судига қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун ўтказилган.

9. Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятида (протестида) баён этилган важлар билан чекланиб қолмасдан ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини тўла ҳажмда текширади.

«CHASHMA SHAROB SAVDO» УК жавобгарлар Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва Миробод туман бўлими ҳамда «Республика кўчмас мулк биржаси» ОАЖга нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, суд ижрочиларининг хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб топишни сўраган.

Шунингдек, иш юритиш жараёнида даъвогар қўшимча даъво аризаси тақдим этиб, унда «Республика кўчмас мулк биржаси» ОАЖ томонидан 2009 йил 12 май куни ўтказилган аукцион савдоларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятида суд ижрочилари томонидан даъвогарга тегишли бўлган гаровга қўйилган савдо дўкони суд ҳужжатининг ижроси жараёнида аукцион савдосига бошланғич баҳоси 157 100 000 сўм қилиб чиқарилганлиги, бироқ ундирувни гаровга қаратиш ҳақидаги суд ҳужжатида қонун талабларига зид равишда мол-мулкнинг бошланғич сотув нархи белгиланмаганлиги маълум қилинган. Кейинчалик баҳоловчи компания томонидан гаровга қўйилган савдо дўкони 508 300 000 сўмга баҳоланган. Шунингдек, шикоятда ўтказилган аукцион савдоларида АТБ «Туронбанк»нинг Миробод филиали ғолиб деб топилиб, савдо дўкони унга 215 000 000 сўмга сотилганлиги важ қилиб кўрсатилган.

Апелляция инстанцияси суди ишни кўришда апелляция шикоятида келтирилган важларни текшириш билан чегараланиб қолмасдан, ишга аукцион савдолари ғолиби АТБ «Туронбанк»ни жалб қилинмаганлигига эътиборни қаратган. Чунки қабул қилинган суд ҳужжати банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъ-

сир қилган бўлса-да, аммо биринчи инстанция суди банкни ишга жалб қилмаган.

ХПК 168-моддасининг 5-бандига кўра хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўргач, ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ушбу Кодекс 170-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

ХПК 170-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида агар суд ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 28 декабрдаги «Апелляция инстанцияси судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини қўллаш ҳақида»ги 173-сон қарорининг 14-бандига кўра, ХПК 166-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятида (протестида) баён этилган важлар билан чекланиб қолмайди ҳамда ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини тўла ҳажмда, шу жумладан процесснинг барча иштирокчиларига, ҳал қилув қарори устидан шикоят қилган шахсларга нисбатан ҳам, шикоят қилмаган шахсларга нисбатан ҳам текширади.

Шу боис, апелляция инстанцияси суди асосли равишда ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2011 йил 24 ноябрдаги 112-сонли қарори
билан тасдиқланган)

3.9. ЧЕТ ДАВЛАТ СУДЛАРИ (ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖЛАРИ) ҚАРОРЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ВА ИЖРОГА ҚАРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ҲАМДА ЧЕТ ДАВЛАТ СУДЛАРИНИНГ ТОПШИРИҚЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ (2007–2011 йиллар)

I. Чет давлатлар ҳакамлик (арбитраж) қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларни кўришга оид

1. Ҳакамлик таркиби ёки ҳакамлик процесси тарафларнинг келишувига, бундай келишув мавжуд бўлмаган тақдирда, ҳакамлик бўлиб ўтган жойдаги давлатнинг қонунига мос келмаган бўлса, ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш рад этилиши мумкин.

Украина ССП ҳузуридаги Халқаро тижорат ҳакамлик судининг 2010 йил 3 августдаги ҳал қилув қарори билан Тошкент шаҳрида жойлашган «Лахисам» МЧЖдан «Фармак» ОАЖ (Украина давлати корхонаси) фойдасига 178 013,98 АҚШ доллари ундирилган.

«Фармак» ОАЖ мазкур ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилган.

Илтимоснома хўжалик судининг ажрими билан иш юритишга қабул қилиниб, ишни кўриш 2011 йил 28 февралга тайинланган.

Хўжалик судининг 2011 йил 28 февралдаги ажрими билан «Фармак» ОАЖнинг илтимосномаси қаноатлантирилган. Украина ССП қошидаги Халқаро тижорат ҳакамлик судининг қарори тан олинган ва ижрога қаратилган. Ундирувчига хўжалик судининг ижро варақаси берилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, низо тарафлар ўртасида 2009 йил 7 декабрда тузилган 637-сонли контрактдан келиб чиққан. Ушбу контрактнинг 10.1-бандида тарафлар ўртасида келиб чиққан барча низолар Украина ССП қошидаги Халқаро тижорат ҳакамлик суди томонидан ҳал этилиши белгиланган. Бироқ 2010 йил 2 февралда тарафлар ўртасида 637-сонли контрактга 1-сонли қўшимча келишув тузилган. Унга кўра, контрактнинг 10.1 ва 10.2-бандларига ўзгартириш киритилиб, барча низолар Киев шаҳар хўжалик судида Украина қонунлари асосида кўриб чиқилиши белгиланган.

Бу ҳақда «Лахисам» МЧЖ вакили ҳам ундирувчининг илтимосномаси юзасидан билдирган фикр-мулоҳазасида маълум қилган бўлса-да, хўжалик суди бунга эътибор бермасдан ишни кўриб чиққан ва илтимосномани қаноатлантирган.

Ваҳоланки, Нью-Йорк Конвенцияси 5-моддаси 1-бандининг d-кичик бандига кўра ҳакамлик таркиби ёки ҳакамлик процесси тарафларнинг келишувига, бундай келишув мавжуд бўлмаган тақдирда, ҳакамлик бўлиб ўтган жойдаги давлатнинг қонунига мос келмаган бўлса, ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш у қарши қаратилган тарафнинг илтимосига биноан рад этилиши мумкин.

2. Чет давлат ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномага ҳакамлик қарорининг ўзбек тилига таржима қилинган нусхаси илова қилиниши шарт. Ушбу қоидага риоя қилинмаганда илтимоснома ХПК 118-моддасининг 1-бандига мос ҳолда қайтарилади.

Украина ССП ҳузуридаги Халқаро тижорат ҳакамлик судининг 2009 йил 8 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан Тошкент шаҳрида жойлашган «ADS FARM GROUP» МЧЖдан «Фармак» ОАЖ (Украина давлати корхонаси) фойдасига 189 562,08 АҚШ доллари ундирилган.

«Фармак» ОАЖ хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилиб, Халқаро тижорат ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраган.

Хўжалик судининг ажрими билан «Фармак» ОАЖнинг илтимосномаси қаноатлантирилган. Халқаро тижорат ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тан олиниб, ижрога қаратилган ва ундирувчига ижро варақаси берилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Фармак» ОАЖнинг Халқаро тижорат ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги илтимосномасига ҳал қилув қарорининг рус тилида баён қилинган нусхаси илова қилинган.

Ваҳоланки, Нью-Йорк Конвенцияси 4-моддасининг 2-бандига кўра, агар ҳакамлик қарори ёки келишуви тан олиш ва ижрога қаратиш сўралаётган давлатнинг расмий тилида баён этилмаган бўлса, ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраётган тараф бу ҳужжатларни ўша тилдаги таржимасини тақдим қилади. Таржима расмий ёки суд (присяжный) тар-

жимони ёки дипломатик ёхуд консуллик идораси томонидан тасдиқланади.

Шу боис, хўжалик суди «Фармак» ОАЖнинг илтимосномасини қабул қилмасдан, балки уни ва унга илова қилинган ҳужжатларни ХПК 118-моддасининг 1-бандига мос ҳолда қайтариши лозим эди.

3. Хўжалик суди ҳакамлик қарорини мазмунан қайта кўришга, уни ўзгартиришга ёки бекор қилишга ҳақли эмас.

«Сигмафарм» МЧЖ (Украина давлати корхонаси) Фарғона вилоят хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилиб, Украина ССП ҳузуридаги Халқаро тижорат ҳакамлик судининг «Фарма-Сервис» ХФдан 4 793 АҚШ доллари ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Сигмафарм» МЧЖ ва «Фарма-Сервис» ХФ ўртасида олди-сотди шартномаси имзоланган. Унга кўра, «Сигмафарм» МЧЖ «Фарма-Сервис» ХФга 40 253,70 АҚШ доллари миқдорида тиббиёт маҳсулотларини етказиб бериши, ХФ етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини тўлаб бериши лозим бўлган.

ХФ маҳсулот ҳақини тўлиқ тўлаб берган бўлса-да, аммо тўлов муддати кечиктирилган. Шу сабабли, МЧЖ Халқаро тижорат ҳакамлик судига мурожаат қилиб, ХФдан шартномада келишилган ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи, яъни 3 353 АҚШ доллари миқдорида пеня ундиришни сўраган.

Халқаро тижорат ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, ХФдан МЧЖ фойдасига 3 353 АҚШ доллари миқдорида пеня, шунингдек, 1 440 АҚШ доллари миқдорида ҳакамлик йиғими ундирилган.

Нью-Йорк Конвенциясига мувофиқ «Сигмафарм» МЧЖ Олий хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилиб, Халқаро тижорат ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраган.

Вилоят хўжалик суди томонидан ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани қисман қаноатлантириш ҳақида ажрим чиқарилган. Яъни, биринчи инстанция суди Халқаро тижорат ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ҳакамлик йиғимини ҳисоблашда хатога йўл қўйилган, деган важ билан ушбу ҳал қилув қарорини қисман ўзгартириб, ҳал

қилув қарорини қисман (1 440 АҚШ доллари ҳакамлик йиғими ўрнига 840 АҚШ доллари ҳакамлик йиғимини) тан олган.

Ваҳоланки, хўжалик суди томонидан чет давлат ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилиши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ёки халқаро шартномаларида белгиланмаган. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари бундай ҳал қилув қарорларини мазмунан кўришга ҳақли эмас, шунингдек ҳал қилув қарорини ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин эмас. Нью-Йорк Конвенциясининг 5-моддасига мувофиқ, ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни, у қарши қаратилган тараф илтимосномасига биноан рад этиш мумкин, қачонки, агар шу тараф ижрога қаратиш сўралган жойдаги ваколатли судга тегишли далилларни тақдим этса.

II. Чет давлат судларининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларни кўришга оид

1. Чет давлат судларининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома ваколатли судга ундирувчи (манфаатдор тараф) томонидан берилиши мумкин. Мазкур талабга риоя қилмаслик илтимосномани ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мос ҳолда қайтаришга асос бўлади.

Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилоят суди Ўзбекистон Республикаси Олий судига чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиб Жалолобод вилоят судининг Тошкент шаҳридаги «PROFIT INVEST PLUS» МЧЖдан «Майлуу-Сууйский электроламповый завод» ОАЖ фойдасига 38 505 АҚШ доллари ундириш тўғрисидаги 2010 йил 2 сентябрдаги ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ушбу илтимосномани тааллуқлилиги бўйича кўриб чиқиш учун Олий хўжалик судига юборган. Олий хўжалик суди эса ўз навбатида илтимосномани Тошкент шаҳар хўжалик судига юборган.

Хўжалик судининг 2011 йил 1 мартдаги ажрими билан илтимоснома иш юритишга қабул қилиниб, ишни кўриш 2011 йил 6 апрелга тайинланган.

Хўжалик суди Жалолобод вилоят судининг илтимосномасини қаноатлантириб, қарорни тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида ажрим чиқарган.

Ваҳоланки, Киев Битимининг 8-моддасига асосан ҳал қилув қарори манфаатдор тарафнинг илтимосномасига асосан ижрога қаратилади.

Шу боис, Жалолобод вилоят судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраб суднинг ўзи эмас, балки манфаатдор тараф бўлган «Майлуу-Сууйский электроламповый завод» ОАЖ мурожаат қилиши лозим.

2. Агар низо уни кўришга ваколати бўлмаган суд томонидан ҳал қилинган бўлса, чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш рад этилади.

Беларусь Республикаси Минск шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 23 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан Тошкент шаҳрида жойлашган «Tat-Instrument» МЧЖ ва «Osiyotexnosanoat» МЧЖдан «Белэксимгарант» экспорт-импорт суғурта УК (Беларусь Республикаси) фойдасига солидар тартибда 92 529 АҚШ доллари ундирилган.

«Белэксимгарант» УК хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилиб, ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраган.

Хўжалик судининг ажрими билан «Белэксимгарант» УКнинг илтимосномаси қаноатлантирилган. Минск шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарори тан олинган ва ижрога қаратилган, шу ҳақда ижро варақаси берилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Электродвигатель» ОАЖ (Беларусь Республикаси) ва «Tat-Instrument» МЧЖ ўртасида контракт тузилган. Унга кўра «Электродвигатель» ОАЖ маҳсулот етказиб бериши, «Tat-Instrument» МЧЖ эса маҳсулотни қабул қилиб олиши ва унинг қийматини тўлаб бериши лозим бўлган.

«Tat-Instrument» МЧЖнинг контракт бўйича мажбуриятини таъминлаш мақсадида «Электродвигатель» ОАЖ, «Tat-Instrument» МЧЖ ва «Osiyotexnosanoat» МЧЖ (кафил) ўртасида кафиллик шартномаси имзоланган. Унга асосан кафил «Tat-Instrument» МЧЖ ўз мажбуриятини тўла бажариши учун «Электродвигатель» ОАЖ олдида жавоб беришни ўз зиммасига олган.

Шунингдек, «Электродвигатель» ОАЖ ва «Белэксимгарант» УК ўртасида тузилган контрактни суғурталаш ҳақида Бош келишув имзоланган. Унга кўра, контракт бўйича «Tat-Instrument» МЧЖ томонидан мажбуриятлар бажарилмаганда «Электродвигатель» ОАЖга етказилиши мумкин бўлган зарар суғурталанган.

«Электродвигатель» ОАЖ контрактга асосан «Tat-Instrument» МЧЖга 102 810 АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни жўнатган. «Tat-Instrument» МЧЖ маҳсулотни қабул қилиб олган бўлса-да, унинг ҳақини қисман тўлаган. Натижада «Tat-Instrument» МЧЖ «Электродвигатель» ОАЖдан 92 529 АҚШ доллари миқдорида қарз бўлиб қолган.

«Электродвигатель» ОАЖ бу қарзни тўлаб беришни сўраб, «Tat-Instrument» МЧЖ ва «Osiyotexnosanoat» МЧЖга мурожаат қилган. Бироқ, улар томонидан қарз суммаси тўлаб берилмаганлиги сабабли, суғурта шартномасига асосан «Белэксимгарант» УК 92 529 АҚШ доллари тўлаб берган.

Шу боис, «Белэксимгарант» УК Минск шаҳар хўжалик судига даъво билан мурожаат қилиб, «Tat-Instrument» МЧЖ ва «Osiyotexnosanoat» МЧЖдан суброгация тартибида 92 529 АҚШ доллари ундиришни сўраган.

Минск шаҳар хўжалик суди низо Беларусь Республикаси ҳудудида ижро этилиши лозим бўлган шартномадан келиб чиққанлиги боис, у Минск шаҳар хўжалик судига тааллуқли, деган хулосага келган.

Аммо суғурта қонунчилиги бўйича суғурта қилдирувчининг зарар қопланишига бўлган ҳуқуқлари суғурталовчига ўтади ва суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқи унинг томонидан суғурта қилдирувчи (наф олувчи) ва зарар учун жавобгар бўлган шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчи ўзига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни суғурталовчига бериши ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт.

«Электродвигатель» ОАЖ ва «Tat-Instrument» МЧЖ ўртасида тузилган контрактдан келиб чиқадиган барча низолар Могилев вилоят хўжалик судида ҳал этилиши белгиланган. Ваҳоланки, мазкур низо Минск шаҳар хўжалик суди томонидан кўрилган.

Киев Битими 9-моддасининг «в» бандига кўра, низо ваколатга эга бўлмаган суд томонидан ҳал қилинган бўлса, чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш рад этилади.

3. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ чет эл судлари ва арбитражлари қарорлари Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан бериладиган ижро варақалари асосида ижро этилади.

Россия Федерациясининг Иркутск вилоят арбитраж суди Фарғона вилоят хўжалик судига мурожаат қилиб, арбитраж судининг ҳал қилув қарорини ижрога қаратишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Сибметапак» МЧЖ (Россия Федерацияси) арбитраж судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Белла Терра» ШКдан етказиб берилган маҳсулот учун 403 556 рубль ундиришни сўраган.

Арбитраж судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

«Сибметапак» МЧЖ арбитраж судига мурожаат қилиб, ҳал қилув қарорини мажбурий ижрога қаратишни сўраган.

Арбитраж суди даъвогарнинг аризасини қаноатлантириш тўғрисида ажрим чиқариб, Фарғона вилоят хўжалик судига суд топшириғи юборган. Унда Фарғона вилоят хўжалик судидан арбитраж судининг ҳал қилув қарорини Киев Битимига мувофиқ тан олиш ва ижрога қаратиш сўралган. Киев Битимининг 8-моддасига асосан суд топшириғи ва ундирувчининг илтимосномасига тегишли ҳужжатлар билан бирга арбитраж судининг ижро варақаси ҳам илова қилинган.

Фарғона вилоят хўжалик суди арбитраж судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида ажрим чиқарган. Унда Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Фарғона вилоят бошқармасига арбитраж судининг ижро варақаси асосида мажбурий ижрони амалга ошириш мажбурияти юклатилиб, ижро варақаси юборилган.

Ваҳоланки, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун 7-моддасининг биринчи қисмига кўра, чет эл судлари ва арбитражлари қарорлари асоси-

да Ўзбекистон Республикаси судлари берадиган ижро варақалари ижро ҳужжатлари ҳисобланади.

Қонуннинг мазкур моддасига асосланиб Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Фарғона вилоят бошқармаси хўжалик судининг юқоридаги кузатув хати ва арбитраж судининг ижро варақасини судга қайтарган.

Шундан сўнг, хўжалик суди томонидан Россия Федерацияси Иркутск вилоят арбитраж судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги Фарғона вилоят хўжалик судининг ажрими асосида ижро варақаси чиқарилиб, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Фарғона вилоят бошқармасига ижро этиш учун юборилган.

4. Чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақидаги ажрим асосида бериладиган ижро варақасида чет давлат судининг қарори қонуний кучга кирган сана кўрсатилиши лозим.

Россия Федерацияси Самара вилоят арбитраж судининг 2009 йил 26 майдаги ҳал қилув қарори билан Тошкент шаҳрида жойлашган «Delvita trade» МЧЖдан «Экспорт» МЧЖ (Россия Федерацияси) фойдасига 2 554 502,74 рубль ундирилган.

«Экспорт» МЧЖ Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат қилиб, ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраган.

Хўжалик судининг 2010 йил 11 январдаги ажрими билан «Экспорт» МЧЖнинг илтимосномаси қаноатлантирилган. Арбитраж судининг 2009 йил 26 майдаги ҳал қилув қарори тан олиниб, ижрога қаратилган ва ундирувчига ижро варақаси берилган.

Ижро варақасида хўжалик судининг ажрими 2010 йил 11 январь куни қонуний кучга кирганлиги ва ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан ёхуд ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишда белгиланган муддат тугаган кундан ёхуд ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан тақдим этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

«Экспорт» МЧЖ 2010 йил 14 апрелда хўжалик судига мурожаат қилиб, ижро варақасини ижрога тақдим қилиш муддатини уч йилгача узайтириб беришни сўраган. Бунга Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси асос қилиб келтирилган.

Хўжалик суди ушбу мурожаатга хат билан жавоб бериб, унда ижро варақаси уч йил муддат давомида ижрога тақдим этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ваҳоланки, юқорида кўрсатилган Қонун 6-моддасининг иккинчи қисмига кўра, Ўзбекистон Республикаси суди томонидан чет эл судининг ёки арбитражининг қарори асосида берилган ижро варақаси, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарор қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан уч йил ичида мажбурий ижро этиш учун топширилиши мумкин.

Киев Битимида чет эл судининг қарорини ижрога тақдим қилиш муддати уч йил деб белгиланган. Шу боис, хўжалик суди томонидан берилган ижро варақасида Самара вилоят арбитраж суди ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кирган санаси кўрсатилиши лозим эди.

5. Ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида суднинг ажрими орқали хабардор қилинади, ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан юборилади.

«Меридиан» МЧЖ (Россия Федерацияси) Хоразм вилоят хўжалик судига мурожаат қилиб, Россия Федерациясининг Воронеж вилоят арбитраж судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Меридиан» МЧЖ арбитраж судига мурожаат қилиб «Аму – Новая Волна» МЧЖдан 4 795 436 рубль ундиришни сўраган.

Арбитраж суди даъвони қисман қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Даъвогар Киев Битимига мувофиқ Хоразм вилоят хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилиб, арбитраж судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраган.

Хоразм вилоят хўжалик суди «Меридиан» МЧЖнинг арбитраж судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш

тўғрисидаги илтимосномаси 2011 йил 15 февралда суд мажлисида кўриб чиқилиши ҳақида «Аму – Новая Волна» МЧЖга хабарнома юборган.

Ваҳоланки, Киев Битимининг 5-моддасига асосан ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда ёрдам сўралаётган ваколатли судлар ва бошқа органлар ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги илтимосномани кўришда ўз давлатининг қонунчилигини қўллайди.

ХПКнинг 123-моддасига асосан судья ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқариб, унда ишни тайёрлашга доир ҳаракатлар, ишни судда кўришга тайинлаш, уни ўтказиш вақти ва жойини кўрсатади.

ХПК 124-моддасининг биринчи қисмига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамаси вақти ва жойи тўғрисида суднинг ажрими орқали хабардор қилинади, ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан юборилади.

Шу боис, Хоразм вилоят хўжалик суди «Меридиан» МЧЖнинг арбитраж судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги илтимосномасини иш юритишга қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқариши, унда ишни тайёрлашга доир ҳаракатлар, ишни судда кўришга тайинлаш, уни ўтказиш вақти ва жойини кўрсатиши ҳамда ажримни тарафларга юбориши лозим эди.

III. Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш (суд топшириқларини ижро этиш) тўғрисидаги ишларни кўришга оид

1. Чет давлат судининг айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириғи, агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, хўжалик судининг мажлисида ХПКда белгиланган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

«ОЗОН» МЧЖ (Россия Федерацияси) Самара вилоят арбитраж судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Тошкент шаҳридаги «MFS-Servis» ИИЧКдан 699 319,52 рубль ундиришни сўраган.

Арбитраж суди Киев Битимига мувофиқ Тошкент шаҳар хўжалик судига суд топшириғи билан мурожаат қилиб, арбитраж судининг ажримини «MFS-Servis» илмий ишлаб-чиқариш корхонасига топширишни сўраган.

Тошкент шаҳар хўжалик суди суд топшириғини ижро этиш мақсадида «MFS-Servis» ИИЧКга чақирув қоғози юборган. Унда Самара вилоят арбитраж судидан юборилган ҳужжатларни олиб кетиш учун ишончномага эга бўлган вакилни юбориш сўралган. «MFS-Servis» ИИЧКнинг вакили хўжалик судига келиб, ишончнома асосида арбитраж судининг ажримини қабул қилиб олган.

ХПК 226-моддасининг биринчи қисмига кўра, хўжалик суди айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида чет давлат судлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ёки халқаро шартномаларида белгиланган тартибда ўзига берилган топшириқларни (чақирув қоғозларини ва бошқа ҳужжатларни топшириш, ёзма далиллар олиш, экспертиза ўтказиш, жойни кўздан кечириш ва бошқаларни) ижро этади.

Ушбу модданинг учинчи қисмига биноан хўжалик суди томонидан айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларни ижро этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади.

ХПКнинг 75-моддасига асосан суд топшириғи хўжалик судининг мажлисида ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга мувофиқ бажарилади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинадилар, бироқ уларнинг келмаганлиги мажлисни ўтказишга тўсқинлик қилмайди. Суд топшириғининг ижроси тўғрисида ажрим чиқарилиб, у дарҳол барча материаллар билан бирга ишни кўраётган хўжалик судига юборилади.

Шу боис, хўжалик суди арбитраж судининг топшириғини иш юритишга қабул қилиш ҳақида ажрим чиқариб, унда суд мажлисининг вақти ва жойини белгилаб, унинг нусхасини «MFS-Servis» ИИЧКга юбориши лозим эди. Ажримда белгиланган вақтда суд мажлиси ўтказилиб, унда «MFS-Servis» ИИЧК вакилига Самара вилоят арбитраж судининг ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисидаги ажрими топширилиши ва бу ҳақда ажрим чиқарилиши керак эди.

2. Хўжалик судига чет давлат судининг топшириғи келиб тушганда, хўжалик суди топшириқни иш юритишга қабул қилиш ва унда кўрсатилган процессуал ҳаракатларни ижро этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Россия Федерациясининг Воронеж вилоят арбитраж суди Хоразм вилоят хўжалик судига суд топшириғи билан мурожа-

ат қилиб, арбитраж судининг ажримини Хоразм вилояти, Шовот шаҳри, Пахтакор кўчаси, 42-уйда жойлашган «Аму – Новая Волна» МЧЖга топширишни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Меридиан» МЧЖ (Россия Федерацияси) арбитраж судига мурожаат қилиб, «Аму – Новая Волна» МЧЖдан 4 795 436 рубль ундиришни сўраган.

2010 йил 25 мартда арбитраж суди томонидан даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқарилиб, ишни кўриш 2010 йил 2 июнга тайинланган.

Арбитраж суди Киев Битимига мувофиқ Хоразм вилоят хўжалик судига мурожаат қилиб, ажримни жавобгарга топширишни сўраган.

Хоразм вилоят хўжалик суди томонидан арбитраж судининг ажрими «Аму – Новая Волна» МЧЖга топширилиб, суд топшириғи ижро этилганлиги тўғрисида ажрим чиқарилган бўлса-да, суд топшириғи иш юритишга қабул қилинмаган.

Ваҳоланки, Олий хўжалик суди Раёсатининг 2002 йил 28 ноябрдаги 58-сонли қарори билан тасдиқланган «Чет давлатлар суд топшириқларини ижро этиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборот хати»га кўра, чет давлат суди топшириғи келиб тушган хўжалик суди айрим процессуал ҳаракатлар (повестка ва бошқа ҳужжатларни топшириш, ёзма далиллар олиш, жойида кўздан кечириш ва бошқалар)ни амалга ошириш учун топшириқни иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

ХПК 226-моддасининг учинчи қисмига асосан хўжалик суди томонидан айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларни ижро этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади.

ХПК ва Олий хўжалик судининг мазкур ахборот хатига мувофиқ чет давлат суди топшириқлари, албатта, иш юритишга қабул қилиниши ва ХПКда белгиланган тартибда ишни кўришнинг умумий қоидаларига риоя қилинган ҳолда кўриб чиқилиши лозим.

3. Чет давлат суди топшириғини ижро этиш учун айрим процессуал ҳаракатлар (повестка ва бошқа ҳужжатларни топ-

шириш, ёзма далиллар олиш, жойида кўздан кечириш ва бошқалар) хўжалик судининг суд мажлисида амалга оширилади ва суд мажлиси ўтказилганлиги тўғрисида баённома тузилади.

Россия Федерациясининг Челябинск вилоят арбитраж суди Навоий вилоят хўжалик судига суд топшириғи билан мурожаат қилиб, арбитраж судининг ажримини Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 17-уйда жойлашган «Навоий матлубот ташқи савдо» МЧЖга топширишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Навоий матлубот ташқи савдо» МЧЖ арбитраж судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «НИМ» МЧЖ (Россия Федерацияси)дан 78 896 АҚШ доллари ундириш тўғрисидаги Навоий вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраган.

Арбитраж суди томонидан даъво аризасини қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилган.

Арбитраж суди Киев Битимига мувофиқ Навоий вилоят хўжалик судига мурожаат қилиб, ушбу ажримни даъвогарга топширишни сўраган.

Навоий вилоят хўжалик суди томонидан арбитраж судининг ажрими «Навоий матлубот ташқи савдо» МЧЖга топширилган. Бироқ, ажрим ХПК талабларига риоя қилинган ҳолда топширилмасдан, балки «Навоий матлубот ташқи савдо» МЧЖнинг адвокати томонидан имзо билан қабул қилиб олинган.

Ваҳоланки, ХПК 226-моддасининг учинчи қисмига асосан хўжалик суди томонидан айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларни ижро этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади.

ХПК 134-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ суд мажлисида, шунингдек суд мажлисидан ташқарида айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда баённома тузилади.

4. Хўжалик суди томонидан чет давлат суди топшириғи ижро этилганда ёки уни ижро этишнинг имкони бўлмаганда, топшириқ натижалари ҳақидаги тегишли ҳужжатлар уни юборган судга жўнатилади.

Россия Федерациясининг Курган вилоят арбитраж суди Фарғона вилоят хўжалик судига суд топшириғи билан мурожаат қилиб, арбитраж судининг ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисидаги ажримини ишга учинчи шахс сифатида

жалб қилинган Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Жийда йўли кўчасида яшовчи Жумаев Мухаммадёқуб Йўлдошевичга топширишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Курган вилоят арбитраж суди ЯТТ Нуриев Хазар Гусейн ўғлининг даъво аризасини иш юритишга қабул қилган. Арбитраж судининг ажрими билан Жумаев Мухаммадёқуб Йўлдошевич ишга учинчи шахс сифатида жалб қилинган. Арбитраж суди ишни кўришни бошқа кунга қолдирган.

Арбитраж суди Киев Битимига мувофиқ Фарғона вилоят хўжалик судига мурожаат қилиб, юқоридаги арбитраж судининг ажримини Жумаев Мухаммадёқуб Йўлдошевичга топширишни сўраган.

Фарғона вилоят хўжалик суди томонидан арбитраж судининг ажрими Жумаев Мухаммадёқуб Йўлдошевич жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этилганлиги учун унинг турмуш ўртоғига топширилган. Бу ҳақда Жумаев Мухаммадёқуб Йўлдошевичнинг турмуш ўртоғи Мунисахон Омановна Жумаевадан тилхат олинган ва чет давлат судининг топшириғи ижро этилганлиги тўғрисида ажрим чиқарилган.

Бироқ, чет давлат судининг топшириғи тегишли тартибда ижро этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар арбитраж судига юборилмаган. Бу ҳақдаги далиллар ишда мавжуд эмас.

Ваҳоланки, Олий хўжалик суди Раёсатининг 2002 йил 28 ноябрдаги 58-сонли қарори билан тасдиқланган «Чет давлатлар суд топшириқларини ижро этиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборот хати»га кўра, тасдиқланган ҳужжатлар, баённомалар ёки ХПК билан рухсат берилган бошқа ҳужжатлар чет давлат судининг топшириғи ижро этилганлигининг натижалари сифатида халқаро шартномаларда назарда тутилган тартибда топшириқни юборган судга жўнатилади. Ҳар қандай ҳолатда, суд топшириғи ижро этилмаганда ҳам, хўжалик суди чет давлат судига топшириқ ижро этилмаганлигининг сабаблари ҳақида маълум қилиши лозим.

5. Чет давлат судининг топшириғи имзоланган ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим. Бу талабларга риоя қилинмаганда, суд топшириғи ва унга илова қилинган ҳужжатлар хўжалик суди томонидан ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда қайтарилади.

Россия Федерациясининг Алтай ўлкаси арбитраж суди Фарғона вилоят хўжалик судига суд топшириғи билан мурожаат қилиб, арбитраж судининг ажримини Фарғона вилояти, Фурқат тумани, Навбаҳор ҚФЙда жойлашган «Камол Фозил Мубин» ХКга топширишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «№3 плюс Механизация бошқармаси» МЧЖ (Россия Федерацияси) арбитраж судига мурожаат қилиб, «Камол Фозил Мубин» ХКдан 1 014 646 рубль ундиришни сўраган.

Арбитраж суди томонидан даъво аризаси иш юритишга қабул қилиниб, иш қўзғатиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқарилган ва ишни кўриш 2009 йил 26 март соат 11–00га тайинланган. Арбитраж суди суд топшириғи тўғрисида ажрим чиқариб, унда Фарғона вилоят хўжалик судидан арбитраж судининг юқоридаги ажримини жавобгарга топширишни сўраган.

Арбитраж суди Киев Битимига мувофиқ Фарғона вилоят хўжалик судига суд топшириғи тўғрисидаги ажрим билан мурожаат қилиб, арбитраж судининг 2009 йил 26 январдаги ажримини жавобгарга топширишни сўраган.

Бироқ, арбитраж судининг суд топшириғи тўғрисидаги ажрими судья М. Н. Атюнина томонидан имзоланган бўлса-да, имзо суднинг гербли муҳри билан эмас, балки Иш юритиш бўлими (Отдел делопроизводства)нинг муҳри билан тасдиқланган.

Ваҳоланки, Олий хўжалик суди Раёсатининг 2002 йил 28 ноябрдаги 58-сонли қарори билан тасдиқланган «Чет давлатлар суд топшириқларини ижро этиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборот хати»га кўра, чет давлат судининг топшириғи имзоланиши ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим. Агар тил тўғрисидаги ёки суд топшириғини юбориш учун белгиланган талабларга риоя қилинмаган бўлса, судья суд топшириғини ва унга илова қилинган ҳужжатларни ХПК 118-моддасини қўллаб қайтаради.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2012 йил 23 февраль 10-сонли қарори билан тасдиқланган)

3.10. ИЖРО ВАРАҚАСИНИ ИЖРОГА ТАҚДИМ ЭТИШНИНГ ЎТКАЗИБ ЮБОРИЛГАН МУДДАТИНИ ТИКЛАШ, ИЖРО ВАРАҚАСИНИНГ ДУБЛИКАТИНИ БЕРИШ, СУД ҲУЖЖАТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЕЧИКТИРИШ ЁКИ УНИ БЎЛИБ-БЎЛИБ ИЖРО ЭТИШ, ИЖРО ЭТИШ УСУЛИНИ ВА ТАРТИБИНИ ЎЗГАРТИРИШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАЛАРНИ КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ (2009–2011 йиллар)

1. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати, агар у узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилгандагина хўжалик суди томонидан тикланиши мумкин.

Даъвогар «Макон» МЧЖ жавобгар «Қарши шаҳар электр тармоқлари» корхонаси, қўшимча жавобгар «Қашқадарё электр тармоқлари» корхонасига нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, Қарши шаҳар электр тармоқлари корхонасининг 2009 йил 2 октябрдаги 340-сонли инкассо топшириқномасини ижро этилиши мумкин эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2010 йил 5 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, «Қарши шаҳар электр тармоқлари» корхонасининг 2009 йил 2 октябрдаги 340-сонли инкассо топшириқномаси ижро этилиши мумкин эмас деб топилган. Қўшимча жавобгар «Қашқадарё электр тармоқлари» корхонаси ҳисобидан даъвогар фойдасига 337 000 сўм давлат божи ва 4 500 сўм почта харажати ундирилган.

2010 йил 10 февралдаги ажрим билан апелляция шикояти қайтарилган.

Биринчи инстанция суди томонидан 2010 йил 11 февралда жавобгардан даъвогар фойдасига 337 000 сўм давлат божи ва 4 500 сўм почта харажатларини ундириш учун ижро варақаси берилган.

Даъвогар ХПКда белгиланган муддатларда ижро варақасини Ижро департаментига тақдим этмаган. Шу боис, даъвогар 2010 йил 17 декабрда судга ариза билан мурожаат қилиб, ижро варақасининг ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини узрли деб топишни ва ўтказиб юборилган муддатни тиклашни сўраган. Аризада даъвогар ижро варақасининг ижрога тақдим этиш муддатининг ўтказиб юборилишига МЧЖ бош ҳисобчиларининг бир неча маротаба алмашганлигини важ қилиб келтирган.

ХПК 215-моддасининг биринчи қисмига кўра, ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати хўжалик суди томонидан узрли деб топилган сабаблар билан ўтказиб юборилганда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

2. ХПК 215-моддасининг учинчи қисмига асосан ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги аризани кўриш натижалари бўйича чиқарилган ажрим ҳам ундирувчига ҳам қарздорга юборилиши керак.

ССП «Наманган экстракт ёғ» ОАЖ манфаатида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Хабибулло Абдуллаев» ФХдан 49 000 сўм бўнак тўлови ва 273 375 сўм жарима ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2009 йил 3 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 49 000 сўм бўнак тўлови ва 109 350 сўм жарима ундирилган.

Мазкур ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, биринчи инстанция суди томонидан ижро варақаси берилган.

Даъвогар 2010 йил 19 июлда судга ариза билан мурожаат қилиб, ўтказиб юборилган муддатни узрли деб топиб, ижро варақасининг ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклашни сўраган.

Биринчи инстанция суди 2010 йил 3 августда аризани қаноатлантириш тўғрисида ажрим чиқарган. Ажримнинг бир нусхаси кузатув хати билан ундирувчига юборилган бўлса-да, жавобгарга ажрим нусхаси юборилмасдан қолган.

ХПК 215-моддасининг учинчи қисмига кўра, аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ва қарздорга юборилади.

3. Ижро ҳужжати қарздор томонидан қисман ижро этилганда, ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати узилади ва муддатнинг ўтиш даври янгидан бошланади. Муддат узилгунга қадар ўтган вақт янги муддат ҳисобига киритилмайди.

Даъвогар «Гелиос» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Фарҳод М» ХКдан 6 000 000 сўм асосий қарз ва 2 200 000 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2009 йил 7 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Мазкур ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, биринчи инстанция суди томонидан ижро варақаси берилган.

Даъвогар 2009 йил 10 сентябрда судга ариза билан мурожаат қилиб, ижро варақасининг ижрога тақдим этиш муддатининг ўтказиб юборилганлигини узрли деб топишни ва муддатни тиклашни сўраган.

Даъвогар аризада муддатнинг ўтказиб юборилишига жавобгар қарзни 3 ой ичида тўлиқ тўлаб беришга ваъда қилганлигини, бироқ 2009 йил 7 майда талабнинг асосий қарз қисмини, яъни 6 000 000 сўмини тўлаб, қолган қисмини тўламаганлиги важ қилиб келтирган. Шунингдек, ижро варақаси билан ундирилиши белгиланган пул миқдорининг қолган қисмини ҳам жавобгар ўз хоҳиши билан тўлашига ишониб, ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддатини ўтказиб юборганлигини маълум қилган.

Биринчи инстанция суди томонидан ариза 2009 йил 18 сентябрда кўриб чиқилган ва ХПК 214-моддасининг биринчи қисми ҳисобга олинмаган ҳолда ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддати узрли деб топилиб, муддат тикланган.

Ваҳоланки, ХПК 214-моддасининг биринчи қисмига асосан ижро варақасини ижро этишга тақдим этиш муддати ижро варақасини ижро этишга тақдим этиш, суд ҳужжатини қисман ижро этиш билан узилади.

Қонун 28-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати:

1) ижро ҳужжати ижрога топширилганда;

2) ижро ҳужжати қарздор томонидан қисман ижро этилганда узилади.

Ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати узилгандан сўнг муддатнинг ўтиш даври янгидан бошланади. Муддат узилгунга қадар ўтган вақт янги муддат ҳисобига киритилмайди.

4. Ижро варақасининг дубликатини бериш масаласи хўжалик судининг мажлисида, ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади.

Даъвогар «Хумо» фирмаси Қарши шаҳридаги доимий ҳаракатдаги ҳакамлик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Бешкент пахта тозалаш» ХЖ, қўшимча жа-

вобгар «Қашқадарёпахтасаноат» ҲАБдан юк ташиш шартномасига асосан кўрсатилган хизмат учун 4 159 624 сўм асосий қарз, 2 079 800 сўм пеня ундиришни сўраган.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 5 255 711 сўм ундирилган.

«Хумо» фирмаси ҳакамлик судининг мазкур ҳал қилув қарорини мажбурий ижрога қаратиш учун ижро варақаси беришни сўраб ариза билан хўжалик судига мурожаат қилган.

Ундирувчининг аризасида ҳал қилув қарори қисман ижро этилмаганлиги учун унинг ижро этилмаган қисмига, яъни 1 255 711 сўм ундириш тўғрисида ижро варақаси бериш сўралган. Хўжалик суди 2009 йил 17 сентябрда «Бешкент пахта тозалаш» ХЖдан «Хумо» фирмаси фойдасига 1 255 711 сўм ундириш тўғрисида ижро варақаси берган.

Ундирувчи хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, ижро варақаси «Хумо» фирмасига етиб бормаганлиги учун ижро варақасининг дубликатини беришни сўраган.

Хўжалик суди аризани суд мажлисида кўриб чиқмасдан ижро варақасининг дубликатини берган.

Ваҳоланки, ХПК 216-моддасининг биринчи қисмига кўра, ижро варақаси йўқолган тақдирда суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди ундирувчининг аризаси бўйича унинг дубликатини бериши мумкин. Ариза хўжалик судининг мажлисида, ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади.

5. Ижро варақасининг дубликатини бериш ҳақидаги аризани кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган ундирувчининг суд мажлисига келмаслиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

«Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг «Ўзтемирйўлҳисоб» маркази Бухоро юк ҳужжатларини қайта ишлаш технологик маркази манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, «Рўзимурод» МЧЖдан 38 673 590 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, жавобгардан даъвогар фойдасига 38 673 590 сўм асосий қарз ва суд харажатларини ундириш учун ижро варақаси берилган.

Бухоро технологик маркази хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, унда суднинг ҳал қилув қарори бўйича берилган ижро варақасига асосан қарздорликни ундириш мақсадида жавобгарнинг ҳисоб рақамига тўлов талабномаси юборилганлигини, бироқ ижро варақасининг асли топилмаганлигини ва шу кунга қадар ижро қилинмаганлигини маълум қилиб, ижро варақасининг дубликатини беришни сўраган.

Аризани суд мажлисида кўриш вақти ва жойи тўғрисида ундирувчи ва қарздор тегишли тартибда хабардор қилинган.

Суд мажлиси тайинланган куни даъвогар вакили суд мажлисига келмаганлиги ҳамда ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқишга розилик бермаганлиги сабабли суд ХПК 88-моддасининг 6-бандига кўра аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарган.

Ваҳоланки, ХПКнинг 216-моддаси талабига кўра, ижро варақаси йўқолган тақдирда суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди ундирувчининг аризаси бўйича унинг дубликатини бериши мумкин. Ариза ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгунча берилиши мумкин. Ариза хўжалик судининг мажлисида, ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Бироқ уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Мазкур ҳолатда хўжалик суди суд мажлисида аризани мазмунан кўриши, натижаси юзасидан ажрим чиқариши лозим эди.

6. Ижро варақаси йўқолган тақдирда суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди ундирувчининг аризаси бўйича унинг дубликатини бериши мумкин.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси «Жондор» МТП манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, «Ғиждувон» МТПдан 14 666 716 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган ва суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан кейин ундирувчига ижро варақаси берилган.

Ундирувчи ижро варақаси берилганидан 14 ой ўтганидан сўнг хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, ижро варақаси корхона ходимлари томонидан йўқотилганлиги сабабли ижрога қаратилмасдан келинганлигини, ижро варақасини ижрога

тақдим этиш муддати ўтказиб юборилганлигини кўрсатиб, ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддатини ўтказиб юборилганлигини узрли деб топиб, муддатни тиклаб, янгидан ижро варақа беришни сўраган ва аризага иккита ижро варақасини илова қилган.

Ариза суд мажлисида кўришга тайинланган ва суднинг ажрими билан ариза қаноатлантирилиб, ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати тикланган ва ижро варақаси дубликати берилган.

Ваҳоланки, ХПК 216-моддасининг биринчи қисмига кўра, ижро варақаси йўқолган тақдирда суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди ундирувчининг аризаси бўйича унинг дубликатини бериши мумкин. Ариза ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгунча берилиши мумкин.

Лекин ундирувчининг аризасига ижро варақасининг асли илова қилиниши уларнинг йўқотилмаганлиги, аксинча муддатида ижрога тақдим этилмаганлигини кўрсатади.

ХПКнинг 213-моддасига асосан ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан ёхуд ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишда белгиланган муддат тугаган кундан ёхуд ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан тақдим этилиши мумкин.

Ушбу ҳолатда ундирувчи хўжалик судига ижро варақасининг дубликатини бериш тўғрисидаги ариза билан эмас, ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши лозим эди.

7. Ижро варақасининг дубликатини бериш тўғрисидаги ариза уни ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгунча берилиши мумкин.

Даъвогар Китоб туман ижтимоий таъминот бўлими хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Қашқадарё электр тармоқлари» ОАЖдан 2 204 256 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2009 йил 5 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилиб, «Қашқадарё электр тармоқлари» ОАЖдан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига 2 204 256 сўм ундирилган.

Биринчи инстанция суди томонидан 2009 йил 5 декабрда жавобгардан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Қашқадарё вилояти Китоб туман бўлими фойдасига 2 204 256 сўм ва Китоб туман ижтимоий таъминот бўлими фойдасига 7 000 сўм почта харажатлари ундириш тўғрисида ижро варақаси берилган.

Даъвогар 2010 йил 22 ноябрда хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, мазкур иш бўйича Китоб туман ижтимоий таъминот бўлими фойдасига 7 000 сўм почта харажатлари ундириш тўғрисида чиқарилган ижро варақаси етиб келган бўлса-да, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Қашқадарё вилояти Китоб туман бўлими фойдасига 2 204 256 сўм ундириш тўғрисидаги ижро варақаси етиб келмаганлигини маълум қилиб, ушбу ижро варақасининг дубликатини беришни сўраган.

Биринчи инстанция суди 2010 йил 13 декабрда, яъни орадан 1 йил вақт ўтган бўлса-да, аризани кўриб чиққан, шунингдек ижро варақасининг қандай сабабларга кўра етиб бормаганлигига ҳамда ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддатини ўтказиб юбормасдан нега мурожаат қилинмаганлигига аниқлик киритмасдан аризани қаноатлантириш тўғрисида ажрим чиқарган. Бундан ташқари, ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддати суд томонидан узрли деб топилмаган бўлса-да, шу куни ижро варақасининг дубликати берилган.

Ваҳоланки, ХПК 216-моддасининг биринчи қисмига кўра, ижро варақаси йўқолган тақдирда суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди ундирувчининг аризаси бўйича унинг дубликатини бериши мумкин. Ариза ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгунча берилиши мумкин.

ХПК 213-моддасининг биринчи қисмига асосан ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан ёхуд ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишда белгиланган муддат тугаган кундан ёхуд ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан тақдим этилиши мумкин.

8. Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш учун асослар мавжуд бўлганда, хўжалик суди қарздорнинг аризасига кўра суд ҳужжатининг ижросини кечиктиришга ҳақли.

Даъвогар Поп туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар Поп туман МТП АЖ мол-мулки ҳисобидан 302 940 176 сўм солиқ қарзини ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2011 йил 15 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Мазкур ҳал қилув қарори қонуний кучга, киргач биринчи инстанция суди томонидан 2011 йил 15 апрелда жавобгардан 302 940 176 сўм солиқ қарзи ва 3 034 402 суд харажатларини ундириш тўғрисида ижро варақалари чиқарилган.

Қарздор 2011 йил 14 сентябрда судга ариза билан мурожаат қилиб, суд ҳужжатининг ижросини кечиктиришни сўраган. Аризада Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясининг 2011 йил 30 июндаги 24-сонли баённомасига асосан жамиятнинг 2011 йил 30 сентябрга қадар бюджет тўловларидан бўлган қарзи (пенсия, йўл ва мактаб фонди бўйича қарзлари бундан мустасно) кечиктирилганлиги маълум қилинган.

ХПК 217-моддасининг биринчи қисмига кўра, хўжалик суди ундирувчи, қарздор ёки суд ижрочисининг аризасига кўра суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этишга, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартиришга ҳақли.

ХПКнинг мазкур моддасига асосан биринчи инстанция суди аризани қаноатлантириш тўғрисида асосли хулосага келган.

9. Ижро варақасида қарздордан ташқари ундирувчига тегишли маълумотлар, хусусан, унинг номи, манзили ва бошқалар кўрсатилиши лозим.

ССП ДТ «Халқ банки» Муборак туман филиали, Ўзбекистон Республикаси ДТ «Халқ банки» манфаатида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Йўлдош ўғли Аймамат» ФХ 7 705 264 сўм асосий қарз ва 5 150 сўм кредит фоизини ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, жавобгардан ДТ «Халқ банки» фойдасига 7 705 264 асосий қарз ва 5 150 сўм кредит фоизи ундирилган. Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач тегишли ижро варақаси берилган.

Даъвогар судга мурожаат қилиб, ижро варақаси Ижро департаментининг Қашқадарё вилояти Миришкор туман бўлимига тақдим этилганлигини, бироқ ижро варақасида даъвогарнинг манзили кўрсатилмаганлиги учун у қайтарилганлигини маълум

қилиб, ижро варақасининг ижрога тақдим этиш муддатини тиклаб янги ижро варақаси беришни сўраган.

Ҳақиқатан, 2010 йил 12 апрелда берилган ижро варақасида даъвогарнинг манзили ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмаган.

Ваҳоланки, ХПК 212-моддасининг биринчи қисмига асосан ижро варақасида ундирувчининг ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари кўрсатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўллашда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар ҳақида»ги Қарорининг 6-бандига кўра, ижро варақаси суд ҳужжатининг қарор қисмига сўзма-сўз монанд бўлиши ва ундирувчи ҳамда қарздорга оид тўлиқ маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, манзили, юридик шахсларга нисбатан эса унинг аниқ номланиши)ни ўзида акс эттирган бўлиши шарт. Бундай талаблар бажарилмаган тақдирда суд ижрочиси ижро варақани камчиликларни бартараф этиш учун қайтариши мумкин.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2012 йил 29 март 17-сонли қарори билан тасдиқланган)

3.11. ХЎЖАЛИК ИШЛАРИНИ КЎРИШДА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАЙИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ (2009–2011 йиллар ва 2012 йилнинг биринчи ярми)

1. ХПК 68–1-моддасининг иккинчи қисмига биноан эксперт (экспертлар комиссияси) хулосаси асослантирилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки экспертизани ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта экспертиза тайинланади.

«ORIGINAL GRAND PLAST» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, «OQ BAYIR» ХКни АЁҚШдан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

«OQ BAYIR» ХК судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2010 йил 20 октябрдаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «ORIGINAL GRAND PLAST» МЧЖ ва «OQ BAYIR» ХК ўртасида 2010 йил 20 октябрда олди-сотди шартномаси тузилган. Унга кўра, ХК ўзига тегишли бўлган Тошкент шаҳри Юнусобод тумани 12 мавзе Чимкент катта йўлида жойлашган автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (АЁҚШ)ни МЧЖга 380 млн. сўмга сотган.

ХК томонидан шартномада тўланиши белгиланган пул маблағлари тўлиқ МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилганлиги сабабли тарафлар ўртасида 2010 йил 30 октябрда АЁҚШни қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилган.

Бироқ, қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилган бўлишига қарамасдан ХК АЁҚШни бўшатиб бермаган. Шу боис, МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, ХКни АЁҚШдан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида ХК вакили судга иш юзасидан суд хатшунослик экспертизаси тайинлаш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилган. Унда 2010 йил 20 октябрдаги олди-сотди шартномаси ХКнинг раҳбари А. Усманов томонидан имзоланмаганлигини баён қилиб, эксперт олдига шартномадаги имзо А. Усманов томонидан бажарилганлиги ёки бажарилмаганлигини аниқлаш ҳақидаги саволни қўйишни ва экспертиза ўтказишни Х. Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза Маркази зиммасига юклашни сўраган.

Суднинг 2011 йил 10 январдаги ажрими билан ХКнинг илтимосномаси қаноатлантирилган. Иш юзасидан суд хатшунослик экспертизаси тайинланиб, экспертиза ўтказишни Х. Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза Маркази зиммасига юклатилган.

Экспертиза якуни бўйича эксперт томонидан хулоса тақдим қилинган. Хулосага кўра, 2010 йил 20 октябрдаги олди-сотди шартномаси ХК раҳбари А. Усманов томонидан имзоланган.

Ишни кўриш жараёнида ХК вакили эксперт хулосасидан норози эканлигини билдириб, экспертиза хулосасининг тўғрилигига шубҳаси борлиги боис, қайта суд хатшунослик экспертизаси тайинлашни, экспертиза ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг 02616-сонли ҳарбий қисми Экспертиза-криминалистика бўлимига топширишни сўраган.

Суднинг 2011 йил 11 апрелдаги ажрими билан ХК вакилининг илтимосномаси қаноатлантирилиб, иш юзасидан қайта эксперти-

за тайинланган ва уни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати 02616-сонли ҳарбий қисми Экспертиза-криминалистика бўлимига юклатилган.

Суднинг ажримида қайта экспертиза тайинлашга Сотувчининг экспертиза учун асос қилиб олинган имзо намуналари А. Усманов томонидан тўлиқ тасдиқлаб берилмаганлиги ҳақидаги важларини эътиборга олиб, экспертизага асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб ҳисобланади, деган асос келтирилган.

Ваҳоланки, ХПК 68–1-моддасининг иккинчи қисмига биноан эксперт (экспертлар комиссияси) хулосаси асослантирилмаганда, ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда, ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда, ёки экспертизани ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта экспертиза тайинланади.

Мазкур ҳолатда эса, қайта экспертизани тайинлашда экспертиза хулосасининг тўғрилигига шубҳа нимадан иборатлиги, экспертизага топширилган далиллар нима сабабларга кўра ишончли эмаслиги асослантирилмаган.

2. Эксперт хулосасининг мазмуни «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси талабларига жавоб бериши лозим.

Қарши шаҳар «Сувоқова» корхонаси хўжалик судига мурожаат қилиб, «Қарши темир йўл сув қувур таъмир» ШКдан 322 534 521 сўм ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Қарши шаҳар «Сувоқова» корхонаси ходимлари «Қарши темир йўл сув қувур таъмир» ШКда шартнома асосида етказиб берилаётган ичимлик сувидан фойдаланиш ҳолатини ўрганган. Ўрганиш натижасида ШКда ўрнатилган сув ўлчагич асбоби носоз эканлиги аниқланган. Шу боис, истеъмол қилинган ичимлик суви ҳажмини сув қувури кесими асосида ҳисоблаб, 2011 йил 1 июль ҳолатига 215 023 014 сўм қарздорлик ҳисобланган.

ШКси томонидан вужудга келган қарздорлик ихтиёрий тўланмаганлиги сабабли, Қарши шаҳар «Сувоқова» корхонаси хўжалик судига мурожаат қилиб, ундан 215 023 014 сўм асосий қарз ва 107 511 507 сўм пеня, жами 322 534 521 сўм ундиришни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида «Сувоқова» корхонаси вакиллари жавобгар корхонада ўрнатилган сув ўлчагич асбобининг техник ҳолатини аниқлаш юзасидан экспертиза тайинлашни сўраган.

Суднинг 2011 йил 3 октябрдаги ажрими билан иш юзасидан экспертиза тайинланиб, экспертизани ўтказиш «Узстандарт» агентлиги Синов ва сертификатлаш марказининг Қашқадарё вилоят филиали зиммасига юклатилган.

Экспертиза якуни бўйича «Узстандарт» агентлиги Синов ва сертификатлаш маркази Қашқадарё вилоят филиали томонидан мутахассис хулосаси тақдим қилинган ва унда сув ўлчагич асбобидан фойдаланиш ҳолати талабга жавоб бермаслиги қайд этилган. Яъни, асбоб сув остида қолганлиги сабабли, бу ҳолат унинг ўз меъёрида тўғри ишлашига таъсир этиши, ҳисоблагич тўғри ҳисобламаслиги ёки ҳисоблаш механизми қотиб қолиши кўрсатилган. Шунингдек, ҳисоблагич сув остида қолганлиги боис унинг ҳисоблаш механизмини кўришни ва охирги кўрсаткични аниқлашнинг имкони бўлмаганлиги маълум қилинган.

Суд мутахассис хулосасини олгач, 2011 йил 4 ноябрдаги ажрими билан иш юритишни тикланган ва ишни кўришни 21 ноябрга тайинлаган.

«Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида суд эксперти текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин хулоса тузиши, хулосада суд экспертизаси ўтказилган сана ва жой, суд экспертизасини ўтказиш асоси, суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) тўғрисида маълумотлар, суд эксперти (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва суд экспертизасини ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар, суд экспертининг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги, суд экспертининг олдига қўйилган саволлар, суд экспертига тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари, суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар, қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда текширишларнинг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу текширишлар, агар суд эксперт-лари комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги, текшириш натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар, иш учун аҳамиятга молик бўлган

ва суд экспертининг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозимлиги белгиланган.

Бироқ, мазкур ҳолатда экспертиза якуни бўйича экспертнинг хулосаси эмас, балки мутахассис хулосаси судга тақдим қилинган ва унинг мазмуни «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси талабларига жавоб бермайди. Хусусан, судга тақдим қилинган мутахассис хулосасида суд эксперти (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва суд экспертизасини ўтказиш топширилган ташкилот ҳақидаги маълумотлар, суд экспертининг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги, суд экспертининг олдига қўйилган саволлар, қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда текширишларнинг мазмуни ва натижалари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас. Шунингдек, суднинг ажримида эксперт олдида жавобгарнинг сув ўлчаш асбоблари яроқли ёки яроқли эмаслиги ҳақида ва яроқсиз ҳолга келган бўлса, қачондан бошлаб яроқсиз ҳолга келганлиги тўғрисида хулоса бериш вазифаси қўйилган бўлса-да, бу саволларга жавоб берилмаган.

3. Иш юзасидан экспертиза тайинланиб, экспертиза якунлангунга қадар иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақида ажрим чиқарилганда, иш бўйича амалга ошириладиган барча процессуал ҳаракатлар тўхтатилади.

ССПнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси «ГазПолимерСервис» ХК манфаатида Суд қарорларини ижро этиш Департаментининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси ва Қарши шаҳар ҳокимлигига нисбатан даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиб, суд ижрочисининг хатти-ҳаракатини ғайриқонуний деб топишни ва 541 470 000 сўм миқдорида етказилган зарарни ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, 18–1007/10817-сонли иш бўйича 2010 йил 14 майда қабул қилинган ҳал қилув қарори билан Қарши шаҳар ҳокимлигининг даъвоси қисман қаноатлантирилган, «ГазПолимерСервис» ХКга тегишли бўлган Қарши шаҳар Ғузор

кўчасида жойлашган Автомобилларга газ қуйиш шохобчаси бинолари, газ қуйиш сиғимлари ва ускуналарини мажбурий тартибда буздириб ташлаш, буздириш ишларини даъвогар ва Ижро Департаментининг ҳудудий бўлими зиммасига юклаш, корхона томонидан ноқонуний эгаллаб турган ер майдонларини шаҳар ер захирасига қайтариш белгиланган.

Мазкур ҳал қилув қарорига асосан ижро варақаси берилган. Ижро варақаси асосида Ижро Департаментининг Қарши шаҳар бўлими томонидан суд ҳужжати ижро этилган.

Бундан норози бўлган ССПнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси «ГазПолимерСервис» ХК манфаатида Суд қарорларини ижро этиш Департаментининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси ва Қарши шаҳар ҳокимлигига нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, суд ижрочисининг хатти-ҳаракатини ғайриқонуний деб топишни ва 541 470 000 сўм миқдорида зарарни ундиришни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида даъвогар низо бўйича етказилган зарар миқдорини аниқлаш учун суд-бухгалтерлик экспертизасини тайинлашни сўраган.

Даъвогарнинг илтимосномаси қаноатлантирилиб, суднинг 2011 йил 8 апрелдаги ажрими билан иш бўйича суд-бухгалтерлик экспертизаси тайинланиб, иш юритиш тўхтатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида»ги 162-сон қарорининг 18-бандига кўра, иш юритишни тўхтатиш хўжалик суди томонидан ушбу иш бўйича амалга ошириладиган барча процессуал ҳаракатларнинг тўхтатилишини англатади.

Аммо суднинг 2011 йил 8 апрелдаги ажрими билан иш бўйича иш юритиш тўхатилган бўлса-да, суд томонидан 2011 йил 12 апрель куни даъвогарнинг даъвони таъминлаш чораларини қўллаш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилган ва аризани қаноатлантириш ҳақида ажрим чиқарилган.

4. Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг экспертиза ўтказиш вақтида тушунтириб берилиши керак бўлган саволларини рад этишни асослаб бериши шарт.

«Қашқадарё электр тармоқлари» ОАЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, Қашқадарё насос станцияси энергетика ва алоқа

боғламаси (НСЭАБ)дан 45 300 000 сўм асосий қарз ва 721 794 сўм пеня ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Қашқадарё электр тармоқлари» ОАЖ ходимлари Қашқадарё насос станцияси энергетика ва алоқа боғламаси томонидан шартнома асосида етказиб берилаётган электр энергиясидан фойдаланиш ҳолатини ўрганган. Ўрганиш натижасида «Қашқадарё электр тармоқлари» ОАЖ мутахассислари томонидан қўйилган муҳр (тамға) НСЭАБ ходимлари томонидан ўзбошимчалик билан бузилиб, электр тармоғига қайта уланганлиги аниқланган. Бу ҳақда 2009 йил 25 февралда далолатнома тузилган. Аниқланган ҳолат юзасидан «Қашқадарё электр тармоқлари» ОАЖ томонидан истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми қайта ҳисоб-китоб қилиниб, НСЭАБга 45 300 000 сўм қарздорлик ҳисобланган.

НСЭАБ томонидан қарздорлик ихтиёрий тўланмаганлиги сабабли, даъвогар хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгардан қарздорликни ундиришни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида жавобгар иш юзасидан экспертиза тайинлаш тўғрисида судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, экспертиза ўтказиш вақтида тушунтириб берилиши керак бўлган саволларни тақдим этган.

Шунингдек, даъвогар судга хат билан мурожаат қилиб, экспертиза ўтказишни «Уздавэнергоназорат» давлат инспекцияси зиммасига юклашни ва эксперт олдига қўйилиши лозим бўлган саволларни судга берган.

Суднинг 2010 йил 18 мартдаги ажрими билан жавобгарнинг илтимосномаси қаноатлантирилиб, иш юзасидан экспертиза тайинланган ва уни ўтказишни «Уздавэнергоназорат» инспекцияси Қашқадарё вилояти бўлинмасига топширилган.

Суднинг ажримида даъвогар ва жавобгар томонидан тақдим этилган экспертиза ўтказиш вақтида тушунтириб берилиши керак бўлган саволлар ўз аксини топмаган ва тақдим этилган саволларни рад этиш асослари кўрсатилмаган.

Ваҳоланки, ХПК 67-моддасининг учинчи қисмига биноан экспертизанинг хулосаси талаб қилинадиган саволларнинг узил-кесил мазмунини хўжалик суди белгилайди ва ишда иштирок этувчи шахслар таклиф этган саволларни рад этишни суд асослаб бериши шарт.

5. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий нормаларини (қўллаш) тушунтириб бериш юзасидан экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимосномаси рад этилади.

Косон туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Косон 232 ХМКК» ОАЖга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 14 462 840 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Қашқадарё вилоят Косон туман бўлимининг 2008 йил 3 декабрдаги ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳақидаги қарорига асосан Косон туман ДСИ томонидан «Косон 232 ХМКК» ОАЖнинг 2005–2008 йиллардаги молия-хўжалик фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши ва бюджет билан ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши юзасидан текшириш ўтказилган.

Текширишда «Косон 232 ХМКК» ОАЖнинг моддий жавобгар шахслари Ў. Воситов ва А. Суюновларнинг жавобгарлигида бўлган товар-моддий бойликлар текшириб кўрилганда, жами 14 462 840 сўмлик товар-моддий бойликлар омборда мавжуд эмаслиги аниқланган.

Мазкур товар-моддий бойликларининг 11 215 973 сўмлик қисми моддий жавобгар шахс Ў. Воситов томонидан талон-торож қилинганлиги учун у жиноий жавобгарликка тортилган. Моддий жавобгар шахс А. Суюновнинг жавобгарлигида бўлган 3 246 867 сўмлик товар-моддий бойликларининг 2 576 073 сўмлик қисми аптека биносини қуришда ишлатилган, қурилиш ишларида фойдаланилмай қолган 422 062 сўмлик товар-моддий бойликлари жамият омборига қайтариб топширилган ҳамда 248 732 сўмлик камомадни бартараф этиш учун А. Суюновнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган.

Аниқланган камчиликлар юзасидан ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 14 462 840 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2009 йил 15 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан ДСИнинг аризаси тўлиқ қаноатлантирилган.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган жавобгар судга апелляция шикояти билан мурожаат қилган. Шикоят иш юритишга қабул қилинган.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида жавобгар судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, иш юзасидан

суд экспертизаси тайинлашни ва экспертлар олдида қуйидаги саволларни қўйишни сўраган:

– омборда мавжуд деб кўрсатилган товар-моддий бойликларни моддий жавобгар шахс томонидан талон-торож этилганлиги ва жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукмига асосан судланувчи Ў. Воситов томонидан келтирилган зарар тўлиқ қопланганлиги ҳолати бўйича молиявий жарима қўллаш ҳақидаги талаб билан ДСИнинг судга мурожаат қилиши асослими?

– А. Суюнов томонидан аптека биносининг қурилиши учун товар-моддий бойликларни ишлатилиши, 3 246 867 сўмлик товар-моддий бойликлари бўйича Ф–2 ва Ф–3 шакл ҳужжатлари расмийлаштирилганлиги, бу билан товар-моддий бойликлар реализацияси қонуний равишда амалга оширилганлиги, 248 732 сўм ҳақиқий камомад А. Суюновнинг иш ҳақидан ушланган ҳолда бартараф қилинганлиги ҳолати бўйича молиявий жарима қўллаш тўғрими?

Суднинг 2009 йил 18 ноябрдаги ажрими билан жавобгарни илтимосномаси қаноатлантирилиб, иш юзасидан суд экспертизаси тайинланган ва экспертизани ўтказиш Қашқадарё вилоят ДСБ Маслаҳат эксперт кенгаши зиммасига юкланиб, экспертлар олдида фақат жавобгар таклиф қилган саволларга хулоса берилиши сўралган.

ХПК 67-моддасининг биринчи қисмига кўра, ишни кўриш вақтида келиб чиқадиган, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган саволларни тушунтириб бериш учун хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосига кўра экспертиза тайинлайди.

Мазкур ҳолатда жавобгар томонидан таклиф этилган саволлар ҳуқуқ нормаларини қўллашга оид бўлиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериш суднинг вазифаси бўлган.

6. Иш юзасидан экспертиза тайинланганда, экспертизани ўтказиш билан боғлиқ харажатлар кимга юклатилганлиги суд ҳужжатида кўрсатилиши лозим.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компаниясидан Инвестиция дастурига киритилган 2009–2010 йилларда қурилиши режалаштирилган объ-

ектларнинг бошланғич нархларини шакллантиришда асоссиз равишда нархлар оширилганлиги учун 46 260 000 сўмни ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, аризачи томонидан 2009–2010 йилларда қурилиши манзилий рўйхатга киритилган объектларда бошланғич нархларни шакллантириш юзасидан жавобгарнинг фаолияти текширилган. Текширишда 2009 йилда қурилиши режалаштирилган 2 та объектда қурилиш материаллари 2 960 000 сўмга ҳамда 2010 йилда қурилиши режалаштирилган 3 та объектда пудратчининг бошқа харажатлари учун 19,1 % коэффициент ўрнига 21,1 % коэффициент қўлланилганлиги сабабли, бошқа харажатлар нархи 43 300 000 сўмга қимматлашганлиги аниқланган. Шу боис, аризачи жавобгарга нисбатан Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сонли қарори билан тасдиқланган «Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилган.

Бироқ, жавобгар аризачининг бошқа харажатлар учун юқори коэффициент қўлланилган деган важларига эътироз билдириб, мазкур масалага аниқлик киритиш мақсадида суддан экспертиза тайинлашни илтимос қилган.

Суд жавобгарнинг илтимосномасини қаноатлантириб, 2011 йил 15 мартда экспертиза тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарган.

Аммо суднинг мазкур ажримида ёки бошқа ҳужжатида экспертиза харажатлари кимнинг зиммасига юклатилганлиги кўрсатилмаган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги қарори билан тасдиқланган «Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида Намунавий Низом» 8-бандининг биринчи қисмига кўра, давлат суд-экспертиза муассасасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича экспертизалар ўтказиш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш иш бўйича томонларга юкланади ва экспертизани ўтказиш бошлангунгача тўланади.

7. Суд экспертизани ўтказувчи ташкилот ёки экспертга қўйилган саволлар юзасидан қатъий белгиланган муддатларда хулоса тақдим этиш вазифасини юклашга ҳақли эмас.

Аризачи ТИФ Миллий банкининг Косонсой туман филиали хўжалик судига мурожаат қилиб, Косонсой туман ДСИнинг солиққа оид ҳуқуқбузарликни бартараф этиш тўғрисидаги қарорини қисман ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, ТИФ Миллий банкининг Косонсой туман филиалида Косонсой туман ДСИ томонидан текшириш ўтказилган. Текшириш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномага асосан 2010 йил 23 декабрда ДСИ бошлиғининг солиққа оид ҳуқуқбузарликни бартараф этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган.

Ушбу қарордан норози бўлган аризачи судга мурожаат қилиб, қарорнинг иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов бўйича 24% ажратмадан ҳисобланган 2 784 600 сўм, ортиқча ҳисобланган 2 599 000 сўм устамани, ҳамда ҳисобланган 8 399 900 сўм устамани ундириш тўғрисидаги қисмларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, ДСИнинг 2010 йил 23 декабрдаги солиққа оид ҳуқуқбузарликни бартараф этиш тўғрисидаги қарори юзасидан экспертиза тайинлаб, қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ёки нотўғри ҳисобланганлигига аниқлик киритишни сўраган.

Суд банкнинг илтимосномасини қаноатлантириб, экспертиза тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарган. Ажримда экспертдан:

– Косонсой туман ДСИнинг 2010 йил 23 декабрдаги солиққа оид ҳуқуқбузарликни бартараф этиш тўғрисидаги қарорининг иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов бўйича 24% ажратмадан ҳисобланган 2 784 600 сўм;

– ҳисобланган 7 698 500 сўм устама;

– ҳисобланган 8 399 900 сўм устамалар қисми тўғри ёки нотўғри ҳисобланганлигига аниқлик киритиш сўралган.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримда Наманган вилоят ДСБ ҳузуридаги эксперт гуруҳига қўйилган саволлар юзасидан **10 кунлик муддат ичида** хулоса тақдим этиш вазифаси юклатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги қарори билан тасдиқланган «Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида Намунавий Низом»нинг 6-бандига кўра, экс-

пертизаларни ўтказиш муддатлари экспертизаларнинг мураккаблиги ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда 30 кун доирасида белгиланади. Экспертизани ўтказишни 30 кун мобайнида бажариш мумкин бўлмаган тақдирда экспертиза муассасаси раҳбари муддат ўтишидан 3 кун олдин асосланган хулоса тузади ва бу тўғрисида экспертизани тайинлаган орган (шахс)га ёзма равишда хабар қилади ҳамда улар билан келишган ҳолда қўшимча муддатни белгилайди.

Ваҳоланки, суд экспертизани ўтказиш юклатилган ташкилот ёки экспертга экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажрими билан қатъий белгиланган муддатларда хулоса тақдим этиш вазифасини юклашга ҳақли эмас.

8. Экспертизани ўтказиш бўйича харажатларнинг тўланмаганлиги материалларни экспертиза ўтказмасдан қайтариш учун асос бўлади.

Наманган шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Фано» МЧЖдан 22 900 100 сўм солиқ қарзини ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, 2011 йил 20 июль ҳолатига «Фано» МЧЖнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетдан 22 900 100 сўм қарздорлиги вужудга келган. Шу боис, солиқ органи жавобгарга мазкур солиқ қарзларини тўлашни сўраб талабнома билан мурожаат қилган. Бироқ, жавобгар белгиланган муддатларда қарздорликни тўлаб бермаган. ДСИ солиқ қарзини солиқ тўловчининг ҳисобварақларидан сўзсиз ундириш чораларини кўрган. Аммо жавобгарнинг ҳисоб рақамида пул маблағлари бўлмаганлиги сабабли инкассо топшириқномалари ижро қилинмасдан қолган. Шундан сўнг, аризачи судга мурожаат қилиб, жавобгардан 22 900 100 сўм солиқ қарзини ундиришни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар ундириш талаб қилинаётган солиқ қарзи юзасидан эътирозлари борлигини билдириб, қарздорликни тўғри ҳисоблаб чиқариш учун суд-бухгалтерлик экспертизасини тайинлаш тўғрисида судга илтимоснома билан мурожаат қилган.

Суд илтимосномани қаноатлантириб, суд-бухгалтерлик экспертизаси тайинлаган. Экспертизани ўтказиш Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Фарғона вилоят бўлимига юклатилган. Экспертизани ўтказиш билан боғлиқ харажатлар жавобгар зиммасига юклатилган.

Бироқ, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда экспертиза харажатлари экспертиза муассасасига тўлаб берилмаган. Шу боис, экспертиза муассасаси экспертизага юборилган иш материалларини хулосасиз хўжалик судига қайтарган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги қарори билан тасдиқланган «Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида Намунавий Низом» 8-бандининг учинчи қисмига кўра, экспертизани ўтказиш бўйича харажатлар тўланмаганлиги материалларни экспертиза ўтказмасдан қайтариш учун асос ҳисобланади.

Мазкур Низом 8-бандининг биринчи қисмига кўра, давлат суд-экспертиза муассасасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича экспертизалар ўтказиш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш иш бўйича томонларга юкланади ва экспертизани ўтказиш бошлангунгача тўланади.

Суд иш юритишни тиклаб, ишда мавжуд ҳужжатларга асосан низони ҳал этган.

9. Хўжалик суди иш юзасидан дастлабки экспертизани фақат ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра тайинлайди.

Сурхондарё вилоят Адлия бошқармаси «Термиз Турист Инфо» ХК манфаатида даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сурхондарё вилоят филиалидан 13 456 655 сўм асосий қарз, 6 728 327 сўм пеня ва 5 000 сўм почта харажати ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Термиз Турист Инфо» ХК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сурхондарё вилоят филиали ўртасида 2009 йил 25 майда пудрат шартномаси имзоланган. Ушбу шартномага асосан даъвогар жавобгарга қарашли Термиз шаҳар Ат-Термизий кўчаси 4 уйда жорий таъмирлаш ишларини бажариши, жавобгар эса бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириши лозимлиги белгиланган. Даъвогар жавобгарга қарашли уйда 13 456 655 сўмлик ишларни бажарган. Бироқ, жавобгар бажарилган ишлар учун тўловни амалга оширмаган.

Шу сабабли, адлия бошқармаси даъвогар манфаатида судга мурожаат қилиб, жавобгардан 13 456 655 сўм асосий қарз ва 6 728 327 сўм пеня ундиришни сўраган.

2010 йил 10 августдаги суд мажлисида тарафлар судга келишув битими тақдим этиб, уни тасдиқлашни сўраганлар. Суд келишув битими қонун ҳужжатлари талабларига мос ҳолда тузилмаганлигини важ қилиб, илтимосномани рад қилиб, иш бўйича қайта экспертиза тайинлаган.

Бироқ, мазкур иш бўйича суд ҳужжатига асосан аввал экспертиза тайинланмасдан, балки даъвогар бошлиғи, «Термиз қурилиш экспертиза ва назорат» МЧЖ мутахассиси ва «Юлдуз» ширкати бошлиғи иштирокида «Термиз Турист Инфо» ХК томонидан Термиз шаҳар Ат-Термизий кўчаси 4 уйда 2009 йилда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари юзасидан назорат ўлчови далолатномаси тузилган бўлса-да, суд ўз ташаббуси билан қайта экспертиза тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарган.

Ваҳоланки, ХПК 67-моддасининг биринчи қисмига асосан ишни кўриш вақтида келиб чиқадиган, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган саволларни тушунтириб бериш учун хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосига кўра экспертиза тайинлайди.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида»ги 162-сон қарори 36-бандининг иккинчи хатбошисига кўра, ХПК 67-моддасининг биринчи қисми экспертизанинг фақат тарафларнинг илтимосномасига кўра тайинланиши имконини назарда тутади.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2012 йил 28 июндаги 43-сонли қарори
билан тасдиқланган)

3.12. ХЎЖАЛИК ИШЛАРИНИ КЎРИШДА ИШ ЮРИТИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ (2010–2011 йиллар ва 2012 йилнинг биринчи ярми)

1. Ишни жиноят суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилингунга қадар кўриш мумкин бўлмаганда, хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур. Бироқ, иш юзасидан жиноят судининг тегишли ҳужжатлари қабул қилиниб қонуний кучга киргач, хўжалик суди иш юритишни дарҳол тиклаши лозим.

Даъвогар «Асака дон маҳсулотлари» АЖ жавобгарлар – «Қўқонспирт» ОАЖ, «Ўзулгуржисавдо» ИЧСК, «Азиза-XXI» ХК ҳамда «Транссервис савдо» корхонасига нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, 2005 йил 22 декабрдаги 20-сонли, 2006 йил 27 апрелдаги 10-сонли, 2006 йил 23 мартдаги 8-сонли, 2006 йил 20 январдаги 2-сонли ҳамда 2006 йил 28 июндаги уч томонлама битимларни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, 2006 йил 20 январдаги 2-сонли талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома ҳақиқий эмас деб топилган. Даъвонинг қолган қисми бўйича иш юритиш тугатилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар «Асака дон маҳсулотлари» АЖ ва жавобгарлар – «Қўқонспирт» ОАЖ, «Ўзулгуржисавдо» ИЧСК, «Азиза-XXI» ХК ҳамда «Транссервис савдо» корхонаси ўртасида 2005 йил 22 декабрда 20-сонли, 2006 йил 27 апрелда 10-сонли, 2006 йил 23 мартда 8-сонли, 2006 йил 20 январда 2-сонли ҳамда 2006 йил 28 июнда рақамсиз уч томонлама битимлар тузилган.

Даъвогар мазкур битимлар қонун ҳужжатлари талабларига хилоф равишда тузилганлигини асос қилиб, суддан ушбу битимларни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Аниқланишича, 2010 йил 6 апрелдаги суд мажлисида даъвогар вакили илтимоснома билан мурожаат қилиб, иш юритишни тўхтатиб туришни сўраган. Унинг иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномасига «Асака дон маҳсулотлари» АЖ

мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, мазкур иш Асака туман жиноят ишлари бўйича суди томонидан кўриб чиқилаётганлиги асос бўлган. Прокуратура органининг айблов хулосасига қараганда, «Асака дон маҳсулотлари» АЖ мансабдор шахслари томонидан низо предметига алоқадор ҳужжатлар сохталаштирилган.

ХПК 82-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, ишни конституциявий, фуқаровий, жиноят ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилингунга қадар кўриш мумкин бўлмаганда, хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур.

Шу боис, хўжалик суди ХПК 82-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ асосли равишда 2010 йил 6 апрелда иш юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқарган.

ХПК 84-моддасига асосан иш юритишни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар бартараф қилингач, иш юритиш тикланади.

Асака шаҳар жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукми қабул қилингандан сўнг хўжалик суди иш юритишни тиклаган.

2. Апелляция инстанцияси судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш, ишни янгидан кўриш учун юбориш тўғрисидаги қарори устидан кассация шикояти берилса, ишни янгидан кўраётган биринчи инстанция суди, иш кассация инстанцияси судида кўрилгунга қадар, иш юритишни тўхтатиб туради.

Даъвогар «Водиллик Хомиджон боғи» ФХ хўжалик судига мурожаат қилиб, Фарғона туман ҳокимлигидан 20 215 900 сўм моддий зарарни ундиришни ва ҳокимлик зиммасига 1,10 га ер участкаси ажратиб бериш мажбуриятини юклашни сўраган. Ушбу даъво аризасига асосан иш қўзғатилган.

Даъвогар «Водиллик Қўшақов Зикирали файзли боғи» ФХ хўжалик судига мурожаат қилиб, Фарғона туман ҳокимлигидан 16 872 500 сўм моддий зарарни ундиришни ва ҳокимлик зиммасига 1,10 га ер участкаси ажратиб бериш мажбуриятини юклашни сўраган. Ушбу даъво аризасига асосан ҳам иш қўзғатилган.

Суднинг ажрими билан иккала хўжалик иши битта иш юритишга бирлаштирилган.

Фарғона туман ҳокимлиги судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Водиллик Хомиджон боғи» ФХ ва «Водиллик Қўшақов Зикирали файзли боғи» ФХ билан тузилган ер участка-

сини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилиб, улар фаолиятини тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2009 йил 18 августдаги ҳал қилув қарори билан дастлабки даъво қисман қаноатлантирилиб, қарши даъво бўйича иш юритиш тугатилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2009 йил 12 ноябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, биринчи инстанция суди 2009 йил 17 декабрда ишни мазмунан янгидан кўриш учун иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарган. Шу куни суднинг ажрими билан иш юритиш тўхтатилган. Суднинг иш юритишни тўхтатишига даъвогарлар томонидан 2009 йил 10 декабрда апелляция инстанцияси судининг 2009 йил 12 ноябрдаги қарори устидан кассация шикояти киритилганлиги асос бўлган.

ХПК 82-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, ишни конституциявий, фуқаровий, жиноят ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилингунга қадар кўриш мумкин бўлмаганда, хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур.

ХПК 171-моддасининг бешинчи қисмига асосан апелляция инстанцияси судининг қарори устидан шикоят қилиш мумкин. Мазкур моддага мувофиқ ишда иштирок этувчи шахслар апелляция инстанцияси судининг қарори устидан шикоят қилишга ҳақли.

Шу боис, биринчи инстанция суди даъвогарларнинг кассация шикоятлари кассация инстанцияси суди томонидан кўриб чиқилгунга қадар асосли равишда иш юритишни тўхтатган.

3. Суднинг иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажримида унинг устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкинлиги кўрсатилади.

«TRANSYO‘LQURILISH» ДУК хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар Наманган ТЙХПТФДКдан юк ташиш шартномасидан келиб чиққан низо бўйича 5 605 933 сўм асосий қарз ва 2 574 924 сўм пеня ундиришни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида даъвогар судга ариза билан мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида қилинган ҳисоб-китоблар тўғрилигини ва жавобгарнинг қарзи миқдорини аниқлаш учун суд-бухгалтерлик экспертизасини тайинлашни сўраган.

Суднинг 2011 йил 2 декабрдаги ажрими билан даъвогарнинг аризаси қаноатлантирилган ва суд-бухгалтерлик экспертизаси тайинланиб иш юритиш тўхтатилган. Экспертизани ўтказиш Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази зиммасига юклатилган.

ХПК 85-моддасининг иккинчи қисмига кўра, иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги хўжалик судининг ажрими устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Бироқ, суднинг 2011 йил 2 декабрдаги ажрими билан экспертиза тайинланганлиги сабабли, иш бўйича иш юритиш тўхтатилган бўлса-да, ажримда унинг устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкинлиги кўрсатилмаган.

4. Агар биринчи инстанция судида иш кўрилаётганда, суднинг низони мазмунан ҳал қилмайдиган ҳужжати устидан апелляция шикояти берилганда, биринчи инстанция судида иш юритиш иш апелляция инстанцияси судида кўрилгунга қадар тўхтатилади.

Даъвогар «SEAL MAG» АЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «ASIA INSHURANS» суғурта компаниясидан 20 000 АҚШ доллари миқдорида суғурта товони ва 10 000 АҚШ доллари миқдорида пеня ундиришни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида суднинг 2011 йил 28 сентябрдаги ажрими билан «DELIGHT» МЧЖ ишга низо предметига мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган. Ишни кўриш 2011 йил 5 октябрга қолдирилган.

Суднинг 2011 йил 5 октябрдаги ажрими билан 28 сентябрдаги ажримида йўл қўйилган ёзувдаги хатолар тузатилган.

Шунингдек, 5 октябрь куни бўлиб ўтган суд мажлисида даъвогарнинг илтимосномасига асосан ишни кўриш 12 октябрга қолдирилган.

Даъвогар томонидан суднинг 2011 йил 28 сентябрь ва 5 октябрдаги ажримлари устидан апелляция шикояти берилган.

Апелляция шикояти иш юритишга қабул қилиниб, иш апелляция инстанцияси судида кўришга тайинланган.

ХПК 82-моддасининг иккинчи қисмига биноан хўжалик суди қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам иш юритишни тўхтатиб туради.

Шу боис, биринчи инстанция судининг 12 октябрдаги ажрими билан биринчи инстанция судида иш юритиш иш апел-

ляция инстанцияси судида кўрилгунга қадар асосли равишда тўхтатилган.

5. Агар кассация шикояти иш юритишга қабул қилингандан сўнг ишда иштирок этувчи шахслар томонидан ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида ариза берилса, шикоят бўйича иш юритиш тўхтатилади ва иш ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун биринчи инстанция судига юборилади.

Даъвогар «Давр» МЧЖ жавобгар «Баходир» ХКга нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, 2009 йил 14 декабрдаги 18-сонли маҳсулот етказиб бериш шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни ва 18 000 000 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти билан мурожаат қилган. Кассация шикояти Олий хўжалик суди кассация инстанцияси судининг 2011 йил 25 майдаги ажрими билан иш юритишга қабул қилиниб, ишни кўриш 10 июнга тайинланган. Кассация инстанцияси судининг 2011 йил 10 июндаги суд мажлисида даъвогар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган. Кассация инстанцияси суди аризадаги ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги важлар асосли бўлганлиги учун аризани қаноатлантириб, иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқарган.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2005 йил 23 декабрдаги «Кассация инстанциясида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида»ги 136-сонли Қарорининг 13-бандига кўра, агар кассация шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингандан сўнг биринчи ёки апелляция инстанциясининг ҳал қилув қарорини, қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида ариза берилса, шикоят (протест) бўйича иш юритиш ХПК 82-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига биноан тўхтатиб қўйилади, иш эса ХПКнинг 24-боби тартибида кўриш учун тегишли инстанцияга юборилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди иш юритишни тўхтатиб, ишни ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

6. ХПКда хўжалик суд ишларини юритиш тартибида бошқа иш юзасидан қарор қабул қилингунга қадар ишни кўриш мумкин бўлмаганлиги иш юритишни тўхтатиб туришга асос бўлиши назарда тутилмаган бўлса-да, суд бундай ҳолатда ХПК 82-моддаси биринчи қисмининг 1-бандини қўллаган ҳолда иш юритишни тўхтатади.

Наманган шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, ОАТБ «Туронбанк»дан 42 731 417 сўм молиявий жарима ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг рухсатномаси ва Наманган шаҳар ДСИнинг буйруғига асосан ОАТБ «Туронбанк» Наманган вилоят филиалида «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома (2012 йил 15 мартда ўз кучини йўқотган) талабларига риоя қилиниши юзасидан режадан ташқари текшириш ўтказилган. Текшириш натижалари юзасидан далолатнома расмийлаштирилиб, хизмати органининг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги қарори қабул қилинган. Қарорда банкка нисбатан 42 731 417 сўм пеня ҳисобланганлиги кўрсатилган ва 30 кунлик муддатда пеняни ихтиёрий тўлаб бериш сўралган.

Бироқ, банк пеняни ихтиёрий тўлаб бермаган. Натижада ДСИ судга ариза билан мурожаат қилиб, банкка нисбатан 42 731 417 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида 2010 йил 3 майдаги суд муҳокамасида ДСИ вакили илтимоснома билан мурожаат қилиб, Наманган вилоят хўжалик судининг бошқа иши бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорига асосан Наманган шаҳар ДСИнинг 2010 йил 15 февралдаги ОАТБ «Туронбанк»га нисбатан 42 731 417 сўм пеня қўллаш ҳақидаги қарори қисман ҳақиқий эмас деб топилганлиги сабабли ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти берилганлигини маълум қилган. Иш апелляция инстанциясида кўриб чиқилгунга қадар иш юритишни тўхтатиб туришни сўраган.

ХПК 82-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, ишни конституциявий, фуқаровий, жиноят ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилингунга қадар кўриш мумкин бўлмаганда, хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур.

Суд ХПК 82-моддаси биринчи қисмининг 1-бандини қўллаб ариза бўйича иш юритишни тўхтатган.

ХПКнинг мазкур нормасида хўжалик суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилингунга қадар ишни кўриш мумкин бўлмаганда, хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур эканлиги кўрсатилмаган бўлса-да, суд бундай ҳолатларда ХПК 12-моддасининг учинчи қисмига асосан ХПК 82-моддаси биринчи қисмининг 1-бандини қўллашга ҳақли.

ХПК 12-моддасининг учинчи қисмига асосан низоли муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари бўлмаган тақдирда хўжалик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини татбиқ этади, борди-ю бундай нормалар ҳам бўлмаса, қонунларнинг умумий асослари ва мазмунига таяниб низони ҳал қилади.

7. Иш юритиш ХПК 82-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан фуқаровий, жиноят, маъмурий ёки хўжалик судларининг суд ҳужжатлари қонуний кучга киргунга қадар тўхтатилади.

Аризачи Бўстонлиқ туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Бўстонлиқ туман шароб савдо» МЧЖнинг мол-мулки ҳисобидан 9 712 419 сўм ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Бўстонлиқ туман шароб савдо» МЧЖнинг давлат бюджети олдидаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги 9 712 419 сўмни ташкил қилган. ДСИ мазкур қарздорликни сўзсиз тартибда ундириш чораларини кўрган. Бироқ, МЧЖнинг ҳисоб рақамларида пул маблағлари бўлмаганлиги сабабли солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган қарздорликни сўзсиз тартибда ундириш имконияти бўлмаган.

Шу боис, ДСИ судга мурожаат қилиб, МЧЖнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган 9 712 419 сўм қарздорлигини – унинг мол-мулки ҳисобидан ундиришни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, иш юритишни тўхтатиб туришни сўраган. Унинг илтимосномасида «Бўстонлиқ туман шароб савдо» МЧЖга нисбатан Тошкент вилоят ДСБнинг молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганлиги маълум қилинган. Мазкур қарор ижроси МЧЖ томонидан ихтиёрий бажарилмаган. Шу сабабли, ДСИ судга мурожаат қилиб, МЧЖдан молиявий жарима ундиришни сўраган. Молиявий жарима ундириш тўғрисидаги ариза бўйича иш қўзғатилган бўлиб, айни вақтда ариза бўйича иш кўрилаётганлиги қайд этилган. Илтимосномада аризачи вакили ушбу хўжалик ишлари ўзаро боғлиқ бўлганлиги сабабли, иш юритишни тўхтатиб туришни сўраган.

ХПК 82-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, ишни конституциявий, фуқаровий, жиноят ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилингунга қадар кўриш мумкин бўлмаганда, хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур.

Суд ХПК 82-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига таянган ҳолда асосли равишда илтимосномани қаноатлантириб, иш юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқарган.

Аммо суднинг ажримида «11–1009/7441-сонли иш кўрилиб ҳал қилингунга қадар 11–1009/11585-сонли иш бўйича иш юритиш тўхтатилсин» деб кўрсатилган.

Ваҳоланки, суднинг ажримида иш юритиш иш кўрилиб ҳал қилингунга қадар эмас, балки суд ҳужжати қонуний кучга киргунга қадар тўхтатиб турилиши кўрсатилиши лозим. Чунки қонуний кучга кирмаган биринчи инстанция судининг суд ҳужжати устидан апелляция шикояти берилиши ва иш қайта кўрилиши мумкин.

8. ХПК 83-моддасининг 2-бандига асосан ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот қайта ташкил қилинаётганда, хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли.

ССП Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси «Ўзбекенгилсаноат» ДАК манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, «Водий ипаги» МЧЖни шартнома тузишга мажбурлашни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Водий ипаги» МЧЖ «Ўзбекенгилсаноат» ДАК Бошқарувининг 2009 йил 29 августдаги 63-сонли қарорига асосан Компания таркибига аъзо сифатида

қабул қилинган. Томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан 2009 йил 16 октябрда 307-сонли Бош шартнома имзоланган. Мазкур шартноманинг 3.2.5-бандига кўра жавобгар 2010 йил 1 августга қадар компаниянинг марказлаштирилган фондига ажратмалар тўлашдан озод қилинган.

«Ўзбекенгилсаноат» ДАК Бошқарув йиғилишининг 2011 йил 22 апрелдаги баённомасига асосан «Водий ипаги» МЧЖ ва компания ўртасида МЧЖ ҳар чоракда оладиган даромадининг 0,32 фоизи миқдорида ажратма тўлаб бориши тўғрисида шартнома тузиши белгиланган. Бироқ, МЧЖ компания билан ушбу шартномани тузишдан бош тортган.

Шу боис, ССП компания манфаатида судга мурожаат қилиб, МЧЖни компания билан шартнома тузишга мажбурлашни сўраган.

2012 йил 6 январдаги суд мажлисида даъвогар судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 октябрдаги 287-сонли қарорига асосан «Водий ипаги» МЧЖни қайта ташкил этиш масаласи кўриб чиқилаётганлиги сабабли, мазкур масала ҳал бўлгунга қадар иш юритишни тўхтатиб туришни сўраган.

ХПК 83-моддасининг 2-бандига кўра, ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот қайта ташкил қилинганда, хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли.

Суд ХПКнинг ушбу нормасига асосланиб илтимосномани қаноатлантиришни ва даъво аризаси бўйича иш юритишни тўхтатиб туришни лозим топган.

9. ХПКнинг 82, 83-моддаларида назарда тутилган иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги қоидалар апелляция ва кассация инстанцияси судларида ҳам қўлланилади.

Даъвогар «MAXMUDJON BUNYODKOR QURUVCHI» ХФ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «OQOLTIN BOSH AGROTEXSERVIS МТР» МЧЖдан 38 620 904 сўм асосий қарз ва 3 862 090 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «MAXMUDJON BUNYODKOR QURUVCHI» ХФ ва «OQOLTIN BOSH AGROTEXSERVIS МТР» МЧЖ ўртасида 3-сонли пудрат шартно-

маси тузилган. Унга кўра, даъвогар жавобгарга қарашли объектда 2011 йилнинг 15 январидан 30 майига қадар 200 000 000 сўмлик қурилиш ишларини амалга ошириши, жавобгар эса ушбу бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизини олдиндан, қолган 70 фоизини ҳар ой якуни бўйича тўлаб бериш мажбуриятини олган. Даъвогар томонидан 2011 йил май ойига қадар МЧЖга қарашли объектда жами 137 120 904 сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Бажарилган ишлар топшириш-қабул қилиш ҳужжатлари орқали топширилган. Бироқ, жавобгар шартнома шартларини лозим даражада бажармасдан, тўловларни қисман амалга оширган.

Биринчи инстанция суди даъвони қисман қаноатлантирган.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан жавобгар томонидан апелляция шикояти берилган.

Иш апелляция инстанциясида кўрилаётганда жавобгар вакили илтимоснома билан мурожаат қилиб, бажарилган ишларнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш мақсадида экспертиза тайинлашни ва иш юритишни тўхтатиб туришни сўраган.

ХПК 83-моддасининг 1-бандида хўжалик суди томонидан экспертиза тайинланганда, хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 28 декабрдаги «Апелляция инстанцияси судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини қўллаш ҳақида»ги 173-сонли қарорининг 16-бандига кўра, апелляция инстанцияси судида ХПКнинг 82, 83-моддаларида назарда тутилган иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги қоидалар қўлланилади. ХПКнинг 82-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганида хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур. ХПКнинг 83-моддасида қайд этилган асослар мавжуд бўлганида эса иш юритишни тўхтатиб туриш масаласи хўжалик суди томонидан ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб ҳал этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, апелляция инстанцияси суди қурилиш экспертизаси тайинлаган ва иш юритишни тўхтатган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2012 йил 29 ноябрь 83-сонли қарори билан тасдиқланган)

3.13. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН 2010–2012 ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ ВА ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ 2007 ЙИЛ 15 ИЮНДАГИ «СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ҲАҚИДА»ГИ 161-СОНЛИ ҚАРОРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ ЮЗАСИДАН СУД АМАЛИЁТИ

1. Ҳал қилув қарори (қарор)нинг кириш қисмида мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг ваколатлари кўрсатилади.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси «Косон ёғ экстракция» ҚК манфаатида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Йўлдошбой ери» ФХдан 2 122 200 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг кириш қисмида шу кунги суд мажлисида даъвогар вакили Ф. Мамашарипов иштирок этаётганлиги кўрсатилган бўлса-да, унга суд мажлисида иштирок этиш учун берилган ишончноманинг санаси, тартиб рақами ва ким томонидан берилганлиги кўрсатилмаган.

Ваҳоланки, ХПК 138-моддасининг учинчи қисмига кўра, ҳал қилув қарорининг кириш қисмида уни қабул қилган хўжалик судининг номи, суд таркиби, суд мажлиси котиби, ишнинг тартиб рақами, иш кўрилган сана ва жой, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари кўрсатилади.

Шунингдек, Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 161-сонли қарори 5-бандининг учинчи қисмида қарорнинг кириш қисмида қарорни қабул қилган суднинг номи, суд таркиби, ишнинг тартиб рақами, суд муҳокамаси санаси ва жойи, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, суд мажлисида қатнашаётган шахсларнинг ваколатлари кўрсатилган ҳолда фамилиялари, шунингдек ишнинг ёпиқ ёки очиқ, сайёр суд мажлисида кўриб чиқилганлиги кўрсатилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бундан ташқари, ишда мавжуд бўлган даъвогар томонидан Ф. Мамашарипов номига берилган ишончнома мазкур ишда вакил

сифатида қатнашиш учун эмас, балки бошқа ишда даъвогар манфаатларини ҳимоя қилиш учун берилган.

2. Ҳал қилув қарори (қарор)нинг кириш қисмида суд муҳокамаси ўтказилган жой ва ишнинг ёпиқ ёки очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АК Қашқадарё вилоят филиали манфаатида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Оброн Бойғунди» МТПдан 4 913 000 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилган.

Аниқланишича, биринчи инстанция суди суд муҳокамаси Қашқадарё вилоят хўжалик суди биносида очиқ суд мажлисида ўтказилган бўлса-да, бу ҳақдаги маълумотлар ҳал қилув қарорининг кириш қисмида кўрсатилмаган.

Ваҳоланки, Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 161-сонли қарори 5-бандининг учинчи қисмида қарорнинг кириш қисмида қарорни қабул қилган суднинг номи, суд таркиби, ишнинг тартиб рақами, суд муҳокамаси санаси ва жойи, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, суд мажлисида қатнашаётган шахсларнинг ваколатлари кўрсатилган ҳолда фамилиялари, шунингдек ишнинг ёпиқ ёки очиқ, сайёр суд мажлисида кўриб чиқилганлиги кўрсатилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

3. Ҳал қилув қарорининг баён қисмида низонинг моҳияти, даъво аризаси юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришларининг қисқача баёни ифодаланиши лозим.

Даъвогар «XXI-Аср» ХФ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар Қашқадарё вилоят ҳокимлиги инжиниринг компаниясидан 237 314 000 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилган.

Бироқ, ҳал қилув қарорининг баён қисми тўлиқ ёритилмаган. Яъни, унда низонинг моҳияти, унинг келиб чиқиш сабаблари, даъвогарнинг важлари, жавобгарнинг даъво аризаси юзасидан фикр-мулоҳазалари ҳамда тарафлар вакилларининг тушунтиришлари кўрсатилмаган.

Шунингдек, даъвогар вакилининг даъвони қаноатлантиришни, жавобгар вакилининг даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги фикрлари кўрсатилган. Ваҳоланки, ишда жавобгарнинг даъво аризасига нисбатан ёзма фикри мавжуд бўлиб, унда даъво талабига нисбатан эътирозлари билдирилган.

ХПК 138-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, ҳал қилув қарорининг баён қисмида даъво аризасининг, унинг юзасидан билдирилган мулоҳазанинг, бошқа тушунтиришларнинг, ишда иштирок этувчи шахслар аризаларининг қисқача баёни ифодаланиши лозим.

Шунингдек, Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 161-сонли қарори 5-бандининг олтинчи қисмида қарорнинг баён қилиш қисми даъво аризанинг (аризанинг) қисқа баёнини, ишда иштирок этувчи шахсларнинг даъво аризаси (аризаси) ёки унга эътирозларга нисбатан ўз талабларини ўзгартирганликлари, суд томонидан ўтказилган ҳаракатлар тавсифини ўз ичига олиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

4. Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари ва бу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларга асос бўлган далиллар кўрсатилиши шарт.

Қарши шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, қарздор «Насаф етти юлдуз ёғдуси» МЧЖнинг 241 487 сўм солиқ қарзи бўйича ундирувни унинг мол-мулкига қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган.

Бироқ, суднинг ҳал қилув қарори етарли асослантирилмаган. Ҳал қилув қарорида қарздор иш кўрилгунга қадар солиқ қарзини қисман тўлаб қўйилганлиги сабабли талаб қисман қаноатлантирилиши лозимлиги кўрсатилган бўлса-да, ҳал қилув қарорини қабул қилиш учун асос бўлган ҳолатлар, уларни тасдиқловчи далиллар билан асослантирилмаган.

Ваҳоланки, ХПК 138-моддасининг бешинчи қисмига кўра, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг бу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ва хўжалик суди у ёки бу далилларни рад қилишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахс-

лар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган важ, шунингдек суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда таянган қонун ҳужжатлари кўрсатилиши лозим.

Шунингдек, Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 161-сонли қарори 5-бандининг олтинчи қисмида қарорнинг асосланти-рувчи қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, суд хулосалари асосланилган далиллар, суд томонидан у ёки бу далилни рад этишга сабаб бўлган важлар, мазкур низони ҳал этишда суд томонидан қўлланилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми қарорлари кўрсатилиши ҳақида тушунтириш берилган.

5. Ишда учинчи шахслар иштирок этганда суд қарорларида ХПКнинг 41 ва 42-моддаларига мувофиқ ишга жалб қилинган учинчи шахснинг процессуал мақоми аниқ белгиланиши керак.

Даъвогар «Нилуфар» ФХ Денов туман ҳокимлигига нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, Денов туман ҳокимининг 2009 йил 9 декабрдаги ва 2009 йил 11 декабрдаги қарорларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Денов туман ҳокимлиги ҳузуридаги туман фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари ҳажмларини мақбуллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия томонидан ФХ фаолияти ўрганиб чиқилганида, ФХ томонидан боғ майдони қаровсиз ҳолатга ташлаб қўйилганлиги, белгиланган агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмаётганлиги ва боғ майдонини бошқариш имкониятига эга эмаслиги аниқланган ва бу ҳақда комиссиянинг хулосаси тузилган.

Денов туман статистика бўлими томонидан берилган маълумотномада «Нилуфар» ФХ 2007–2009 йилларда белгиланган режани сурункасига бажармай келаётганлиги маълум қилинган.

Шунга кўра, Денов туман ҳокимининг 2009 йил 9 декабрдаги қарорига асосан «Нилуфар» ФХга ижарага берилган 7,2 га ер майдонидан 2,2 га ер майдони туман ҳокимлиги захира фондига қайтарилган. Туман ҳокимининг 2009 йил 11 декабрдаги қарори

билан туман захира фондига қайтарилган ушбу ер майдони «Фарҳод» ФХга қўшиб берилган.

Туман ҳокимининг қарорларидан норози бўлиб, «Нилуфар» ФХ судга мурожаат қилиб, туман ҳокимининг ушбу қарорларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорида Денов туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ва «Фарҳод» ФХ ишга жалб этилганлиги кўрсатилган. Бироқ, улар кимлар сифатида ишга жалб этилганлиги ҳал қилув қарорида кўрсатилмаган. Уларнинг даъво аризаси юзасидан фикри, тушунтиришлари олинмаган. Уларнинг фикри иш учун қандай аҳамиятга эга эканлиги аниқланмаган.

Олий хўжалик суди Пленумининг «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарорининг 6-бандида ишда учинчи шахслар иштирок этганда суднинг қарорларида ХПКнинг 41 ва 42-моддаларига мувофиқ низо предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмаган учинчи шахснинг процессуал мақоми аниқ белгиланиши лозимлиги, шунга боғлиқ ҳолда суд томонидан қарорнинг асослантирувчи ва хулоса қисми шакллантирилиши ҳақида тушунтириш берилган.

6. Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида низони ҳал этишда суд таянган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми қарорлари кўрсатилиши шарт.

ССП Қашқадарё вилоят бошқармаси «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Қашқадарё филиали манфаатида жавобгар «Универсал петрол сервис» МЧЖга нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарнинг гаровдаги мол-мулки ҳисобидан 37 757 200 сўм кредит қарзини ундиришни ва кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъво талабининг жавобгарнинг гаровдаги мол-мулки ҳисобидан 37 757 200 сўм кредит қарзини ундириш қисмини рад этган ва кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш қисмини кўрмасдан қолдирган.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида иш кўрилгунга қадар жавобгар даъвогарга 37 757 200 сўм кредит қарзини тўлиқ тўлаб берганлиги сабабли, суд даъво талабининг бу қисмини рад этишни лозим топганлиги кўрсатилган. Шунинг-

дек, ушбу қисмда жавобгар қарзни тўлиқ тўлаб берганлиги учун даъвогар ариза билан мурожаат қилиб, даъво талабининг кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш қисмидан воз кечганлиги ва суд даъво талабидан воз кечишни қабул қилганлиги қайд этилган.

Бироқ, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда қайси қонун ҳужжатига таянганлигини, қайси процессуал қонун ҳужжатига асосан даъво кўрмасдан қолдирилганлигини кўрсатмаган.

Ваҳоланки, ХПК 44-моддасининг иккинчи қисмига асосан давлат органи ёки бошқа орган томонидан даъвогарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қўзғатилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши аризани кўрмасдан қолдиришга олиб келади.

ХПК 138-моддасининг бешинчи қисмига кўра, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг бу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ва хўжалик суди у ёки бу далилларни рад қилишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган важ, шунингдек суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда таянган қонун ҳужжатлари кўрсатилиши лозим.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 161-сонли қарори 5-бандининг олтинчи қисмида қарорнинг асослантирувчи қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, суд хулосалари асосланилган далиллар, суд томонидан у ёки бу далилни рад этишга сабаб бўлган важлар, мазкур низони ҳал этишда суд томонидан қўлланилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми қарорлари кўрсатилиши ҳақида тушунтириш берилган.

7. Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида хўжалик судининг ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган важлари кўрсатилиши лозим.

«Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» УК хўжалик судига мурожаат қилиб, «Қува пахтани қайта ишлаш» АЖнинг 19 718 358 сўм қарзини «Фарғонапахтасаноат» ҲАБдан ундиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, хўжалик судининг 2009 йил 30 июлдаги 15–0907/13967-сонли ҳамда 2010 йил 27 октябрдаги 15–1008/21080-сонли ижро ҳужжатларига асосан «Қува пахтани қайта ишлаш» АЖ ҳисобидан «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» УК фойдасига жами 19 718 358 сўм ундирилиши белгиланган. Мазкур ижро ҳужжатларига асосан Қува туман суд ижрочилари бўлими томонидан жамиятнинг ҳисоб рақамига банд солинган ҳамда мулклари хатланган. Жамиятнинг солиқ қарзлари кўп бўлганлиги ва ундирилаётган маблағлар биринчи навбатда бюджет олдидаги қарздорликни қоплашга йўналтирилаётганлиги сабабли, УК судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жамиятнинг 19 718 358 сўм миқдоридаги қарзини «Фарғонапахтасаноат» ҲАБдан ундиришни сўраган.

Даъвогар даъво аризасида «Қува пахтани қайта ишлаш» АЖнинг қарзини «Фарғонапахтасаноат» ҲАБдан ундиришга қуйидаги қонун ҳужжатларидаги нормаларни асос қилиб келтирилган:

– «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 11 июндаги ПФ–2874-сонли Фармони;

– Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 28 январда 612-сон билан рўйхатга олинган 1999 йил 28 январда Молия вазирлигининг 10-сон ҳамда Марказий банкнинг 01/197-сон қарорлари билан тасдиқланган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси тўғрисида» Низом.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Аммо ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида даъвогар даъво аризасида даъвони қаноатлантириш учун асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаслик сабаблари кўрсатилмаган.

Ваҳоланки, ХПК 138-моддасининг бешинчи қисмига кўра, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг бу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ва хўжалик суди у ёки бу далилларни рад қилишига ҳамда ишда иш-

тирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган важ, шунингдек суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда таянган қонун ҳужжатлари кўрсатилиши лозим.

8. Давлат органи ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида талаб қаноатлантирилган ёки уни қаноатлантириш рад этилган бўлишидан қатъи назар ҳақиқий эмас деб топиш сўралаётган ҳужжатнинг номи, тартиб рақами, чиқарилган санаси, бошқа зарур реквизитлари ва уни чиқарган орган тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Даъвогар «Зубайдулло бобо Асадов» ФХ жавобгарлар – Косон туман ҳокимлиги ва «Зиёкор тикланиш» ФХга нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, Косон туман ҳокимининг 2008 йил 12 ноябрдаги ва 2009 йил 12 декабрдаги қарорларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари рад этилган.

Суднинг ҳал қилув қарори хулоса қисмида – «Даъвогар Косон туман «Зубайдулло бобо Асадов» ФХ даъво талаблари рад этилсин» – деб кўрсатилган.

Ваҳоланки, ХПК 143-моддасининг биринчи қисмига кўра, давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қуйидагилар акс этиши керак:

1) ҳужжатнинг номи, тартиб рақами, чиқарилган санаси, бошқа зарур реквизитлари ва уни чиқарган орган тўғрисидаги маълумотлар;

2) ҳужжатни тўла ёки унинг маълум қисмини ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд аризачининг талабини тўла ёки унинг маълум қисмини рад этиш тўғрисидаги кўрсатма.

Аммо мазкур иш бўйича ҳал қилув қарорини қабул қилишда ХПК 143-моддасининг биринчи қисми талабларига риоя қилинмаган.

9. Даъвогар томонидан даъвонинг предмети ёки асоси ўзгартирилган ҳолда судлар ҳал қилув қарори (қарор) нинг хулоса қисмида даъвогарнинг даъво предмети ёки асо-

сини ўзгартириш ҳақидаги аризаси қабул қилинганлигини кўрсатишлари керак.

Даъвогар «Косон пахта тозалаш» ОАЖ жавобгар «Жўра бобо» ФХ, қўшимча жавобгарлар – «Агробанк» ОАТБ, «Агробанк» ОАТБ Косон туман филиалига нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, кафиллик шартномасини ҳақиқий эмас деб топиб, бекор қилишни сўраган.

Даъвогар 2011 йил 17 февралдаги суд мажлисида ариза билан мурожаат қилиб, даъво талабини кафиллик шартномасини ҳақиқий эмас деб топиб, бекор қилишдан кафиллик шартномасини бекор қилишга ўзгартиришни сўраган. Суд даъвогарнинг даъво талабини ўзгартириш тўғрисидаги аризасини қабул қилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Бироқ, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида даъво талабини ўзгартириш тўғрисидаги ариза қабул қилинганлиги кўрсатилмаган.

Ваҳоланки, Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 161-сонли қарори 7-бандининг иккинчи қисмида даъвогар томонидан даъвонинг предмети ёки асоси ўзгартирилган ҳолда судлар қарорнинг хулоса қисмида даъвогарнинг даъво предмети ёки асосини ўзгартириш ҳақидаги аризаси қабул қилинганлигини кўрсатишлари кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2013 йил 28 февралдаги 19-сонли қарори билан тасдиқланган)

3.14. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН 2010–2012 ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА ҚАРШИ ДАЪВОНИ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИГА ДОИР СУД АМАЛИЁТИ

1. Қарши даъво тақдим этиш даъво тақдим этишнинг умумий қоидалари бўйича амалга оширилади. Шу боис ХПК 116-моддасининг учинчи қисмига асосан, у келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай иш юритишга қабул қилиниши лозим.

Андижон шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Ўзсаноатқурилишбанк» Бунёдкор филиалига нисбатан 42 789 731 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Ишдаги хужжатлардан кўринишича, жавобгар 2011 йил 25 апрелда «Ўзсаноатқурилишбанк» қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Андижон шаҳар ДСИнинг 2010 йил 20 июлдаги солиққа оид қонунбузарликларни бартараф этиш ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Мазкур қарши даъво аризаси шу куни вилоят хўжалик судида 1155-сон кириш рақами билан кирим қилинган.

ХПК 120-моддасининг иккинчи қисмига кўра, қарши даъво тақдим этиш даъво тақдим этишнинг умумий қоидалари бўйича амалга оширилади.

ХПК 116-моддасининг учинчи қисмига асосан судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай ажрим чиқаради.

Ушбу қарши даъво аризаси хўжалик суди томонидан қонунда белгиланган 10 кунлик муддат ичида иш юритувга қабул қилинган.

2. Қарши даъво аризасида хўжалик судига тааллуқли бўлмаган талаб билдирилган бўлса, суд ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қарши даъво аризасини қабул қилишни рад этади.

Наманган вилоят прокуратураси Поп туман ҳокимлиги манфаатида жавобгар «Солижон» ФХга нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, туман ҳокимлиги ва ФХ ўртасида 2009 йил 20 июнда тузилган 318-сонли ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2010 йил 29 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2010 йил 28 майдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, низо бўйича иш юритиш тугатилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, Наманган вилоят прокуратураси Поп туман ҳокимлиги манфаатида жавобгар «Солижон» ФХга нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, туман ҳокимлиги ва ФХ ўртасида 2009 йил 20 июнда тузилган 318-сонли ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини бекор қилишни сўраган.

«Солижон» ФХ 2010 йил 27 мартда қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, туман ҳокимлиги ва ФХ ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини бекор қилмасликни сўраган.

ХПК 23 ва 24-моддаларида хўжалик судига тааллуқли ишлар ва хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар кўрсатилган.

Аммо ХПКнинг юқоридаги моддаларида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини бекор қилмаслик талаби хўжалик судлари томонидан ҳал этилиши кўрсатилмаган. Шу сабабли, қарши даъво аризасида билдирилган талаб хўжалик суди судловига тааллуқли эмас.

Шу боис, биринчи инстанция суди ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ асосли равишда қарши даъво аризасини қабул қилишни рад этган.

ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, низо хўжалик судида кўриб чиқишга тегишли бўлмаса, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади.

3. Суд ХПКда белгиланган даъво тақдим этиш нормаларига риоя қилинган ҳолда киритилган қарши даъво аризасини иш юритишга қабул қилиши ва ариза юзасидан ўз муносабатини билдириши лозим.

«Наманган шаҳар Ободонлаштириш» ДУК хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Темир бетон буюмлари заводи» МЧЖдан 89 613 300 сўм ундиришни сўраган.

Жавобгар «Темир бетон буюмлари заводи» МЧЖ 2012 йил 9 январда қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Наманган шаҳар Ободонлаштириш» ДУКдан 105 058 906 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2012 йил 17 январдаги ажрими билан тарафлар ўртасида тузилган келишув битими тасдиқланган.

Даъво аризаси бўйича 2011 йил 17 декабрда аризани қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқарилган.

Қарши даъво аризаси ХПКдаги даъво тақдим этиш нормаларига мувофиқ ҳолда тақдим этилган.

Аммо суд қарши даъво аризасини иш юритишга қабул қилмаган ва у бўйича ўз муносабатини билдирмасдан ишни кўриб чиққан.

Ваҳоланки, Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида»ги 162-сонли қарори 27-бандининг биринчи қисмига кўра, ХПК 120-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жавобгар иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар даъвогарга дастлабки даъво билан бирга кўриш учун қарши даъво аризасини тақдим этишга ҳақли. ХПК 120-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шартлардан биронтаси мавжуд бўлса, қарши даъво иш юритишга қабул қилиниши мумкин.

Суд ишни кўриш натижалари бўйича тарафлар ўртасида тузилган келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқарган.

4. Қарши даъво аризаси ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисидаги ажрим билан эмас, балки қарши даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги алоҳида ажрим билан иш юритишга қабул қилинади.

ССП ОАТБ «Агробанк» Денов туман филиали манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Сурхон Некл Стал» МТП ва «Хайробод пахта» ОАЖдан солидар тартибда 69 500 000 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2012 йил 25 декабрдаги ҳал қилув қарори билан дастлабки даъво қаноатлантирилган ва қарши даъво рад этилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, ССП ОАТБ «Агробанк» Денов туман филиали манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Сурхон Некл Стал» МТП ва «Хайробод пахта» ОАЖдан солидар тартибда 69 500 000 сўм ундиришни сўраган.

Даъво аризаси биринчи инстанция судининг 2012 йил 28 ноябрдаги ажрими билан иш юритишга қабул қилиниб, ишни кўриш 2012 йил 13 декабрга белгиланган.

Жавобгар «Хайробод пахта» ОАЖ 2012 йил 10 декабрда қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Сурхон Некл Стал» МТП ва «Хайробод пахта» ОАЖ ўртасида тузилган 2009 йил 12 февралдаги 96-сонли кафиллик шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

2012 йил 13 декабрдаги суд мажлисида ишни кўриш кейинга қолдирилган. Ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисидаги ажрим билан қарши даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган.

ХПК 120-моддасининг иккинчи қисмига кўра, қарши даъво тақдим этиш даъво тақдим этишнинг умумий қоидалари бўйича амалга оширилади.

Шу боис, қарши даъво аризаси ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисидаги ажрим билан эмас, балки қарши даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги алоҳида ажрим билан иш юритишга қабул қилиниши лозим.

5. Дастлабки ва қарши даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида даъволар бўйича қаноатлантирилган талабларни ўзаро ҳисобга олиш натижасида ундирилиши лозим бўлган сумма кўрсатилади.

Даъвогар «Миразим Мирсаид» ХК хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКдан 132 720 050 сўм асосий қарз, 3 981 601 сўм пеня, жами 136 701 651 сўм ундиришни сўраган.

Жавобгар «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Миразим Мирсаид» ХКдан 6 975 228 сўм жарима, 144 504 сўм суд харажатлари, жами 7 119 733 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди томонидан дастлабки ва қарши даъво аризалари иш юритишга қабул қилиниб, иш мазмунан кўриб чиқилган.

Суд 2011 йил 16 декабрда ишни кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарори қабул қилган. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида дастлабки даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКдан «Миразим Мирсаид» ХК фойдасига 132 550 050 сўм асосий қарз, 3 185 281 сўм пеня, 1 372 016 сўм суд харажатлари, жами 137 107 347 сўм ундирилганлиги кўрсатилган.

Қарши даъво аризаси ҳам қисман қаноатлантирилиб, ХКдан ДК фойдасига 3 487 615 сўм пеня, 144 504 сўм суд харажатлари, жами 3 632 119 сўм ундирилганлиги кўрсатилган.

Бироқ, дастлабки ва қарши даъволарнинг қаноатлантирилган қисмларини ўзаро ҳисобга олиш натижасида ундирилиши лозим бўлган сумма кўрсатилмаган.

Ваҳоланки, Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 161-сонли Қарори 8-бандининг тўртинчи қисмига кўра, дастлабки даъвони ва қарши даъвони тўлиқ ёки қисман қаноатлантирган қарорнинг хулоса қисмида даъволарни ўзаро ҳисобга олиш натижасида ундирилиши лозим бўлган сумма кўрсатилади.

6. Ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилганда, суд аввал иш юритишга қабул қилинган қарши даъво аризасини дастлабки даъво аризаси билан бирга янгидан мазмунан кўриб чиқади ва уларни кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарори қабул қилади.

Даъвогар «Сентрал Азия дизел авто» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКдан 110 067 070 сўм асосий қарз, 3 302 012 сўм пеня, жами 113 369 082 сўм ундиришни сўраган.

Жавобгар «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Сентрал Азия дизел авто» МЧЖдан 20 088 205 сўм пеня ундириб беришни сўраган.

Қарши даъво аризаси ажрим билан иш юритишга қабул қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан дастлабки даъво аризаси қисман қаноатлантирилган. Қарши даъво аризаси эса кўрмасдан қолдирилган.

Кассация инстанция судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Биринчи инстанция суди томонидан иш янгидан кўриб чиқилиб, ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Мазкур ҳал қилув қарори билан дастлабки даъво аризаси қисман қаноатлантирилган. Аммо қарши даъво аризаси кўриб чиқилмаган ва у бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаган.

Ваҳоланки, ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилганда, суд аввал иш юритишга қабул қилинган қарши даъво аризасини дастлабки даъво аризаси билан бирга янгидан мазмунан кўриб чиқиши ва уларни кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарори қабул қилиши лозим.

7. Қарши даъво аризаси процессуал қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинган ҳолда тақдим этилган бўлса-да, аммо ХПК 120-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шартлар мавжуд бўлмаса, суд қарши даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар Фарғона шаҳар «Сувоқова» ишлаб чиқариш ДУКдан 9 559 300 сўм асоссиз олинган даромадни ундириш ва 1 911 860 сўм жарима қўллашни сўраган.

Жавобгар Фарғона шаҳар «Сувоқова» ишлаб чиқариш ДУК судга қарши даъво тақдим этиб, даъвогарнинг Фарғона шаҳар «Сувоқова» ишлаб чиқариш ДУКдан 9 559 300 сўм асоссиз олинган даромадни ундириш ва 1 911 860 сўм жарима қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси асоссиз ва ноўрин бўлганлиги учун, уни хўжалик судида кўриб чиқишни рад этишни сўраган.

ХПК 120-моддасининг учинчи қисмига кўра, қарши даъво қуйидаги ҳолларда қабул қилинади: 1) қарши талаб дастлабки талабни ҳисоб қилишга қаратилган бўлса; 2) қарши даъвони қаноатлантириш дастлабки даъвони қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмайдиган қилиб қўйса; 3) қарши даъво билан дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, уларни биргаликда кўриб чиқиш низони тез ва тўғри кўришга олиб келса.

Жавобгарнинг қарши даъво аризаси ХПКнинг 120-моддасида назарда тутилган қарши даъвони тақдим этиш шартларига мос келмаганлиги сабабли биринчи инстанция судининг ажрими билан қарши даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш рад этилган.

8. Агар қарши даъво суд мажлисида дастлабки даъво кўрилаётган вақтда тақдим этилса, суд заруратга қараб ишда иштирок этувчи шахсларнинг тегишли тайёргарлик кўришлари учун суд мажлисини қолдириши лозим.

Даъвогар «Яккасарой» адвокатлар коллегияси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Лаззат Кичаж» ОАЖ ҳисобидан 3 391 200 сўм ундиришни сўраган.

Жавобгар «Лаззат Кичаж» ОАЖ 2011 йил 31 майдаги суд мажлисида қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Яккасарой» адвокатлар коллегиясидан 2 260 800 сўм ундиришни сўраган.

Даъвогар вакиллари қарши даъво аризаси билан танишиб чиқиб, унга нисбатан ўз эътирозларини билдириш учун суд мажлисини кейинга қолдириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилган.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида»ги 162-сонли қарори 27-бандининг иккинчи қисмига кўра, … дастлабки даъво кўрилаётган хўжалик судига тақдим этилади. Агар қарши даъво ишни кўриш жараёнида берилса, зарурият бўлганда ишда иштирок этувчи шахсларга тегишли тайёргарлик кўриш учун вақт бериш мақсадида суд мажлисини қолдириш лозим.

Шу боис, биринчи инстанция суди асосли равишда илтимосномани қаноатлантириб, ишни кўришни кейинга қолдиришни лозим топган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2013 йил 25 апрелдаги 4-сонли қарори
билан тасдиқланган)

3.15. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН 2010–2012 ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА ДАЪВО АРИЗАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАД ЭТИШ ВА ДАЪВО АРИЗАСИНИ ҚАЙТАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. Хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритиш учун қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида якка тартибда мурожаат этишга ҳақли эмас. Кредиторларнинг бундай даъво аризаларини ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ қабул қилиш рад этилади.

Даъвогар «Жумуртау карьери» МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Хоразмқурилиш» МЧЖдан 1 827 000 сўм ундиришни сўраган.

Вилоят хўжалик судининг иш юритувида ДСИнинг жавобгар «Хоразмқурилиш» МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси мавжуд бўлиб, ушбу ариза асосида «Хоразмқурилиш» МЧЖ хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган.

«Хоразмқурилиш» МЧЖ суднинг ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилгандан кейин даъвогар «Жумуртау карьери» МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Хоразмқурилиш» МЧЖдан 1 827 000 сўм ундиришни сўраган.

Ваҳоланки, Олий хўжалик суди Пленумининг «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2006 йил 27 январдаги 142-сонли Қарорининг 6-бандида Қонуннинг 10-моддасига асосан хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритиш учун қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида якка тартибда мурожаат этишга ҳақли. Агар банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан кейин қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза берилгунга қадар пайдо бўлган қарзни ундириш ҳақида кредитордан хўжалик судига даъво аризаси тушган бўлса, ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ даъво аризасини қабул қилиш рад этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди юқоридаги Пленум қарорининг мазкур бандига асосан даъво аризасини қабул қилишни рад этган.

2. Қонуний кучга кирган суд ҳужжати бўйича берилган ижро варақаси ва унинг асосида қарздорни ҳисоб рақамига қўйилган инкассо топшириқномасини ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қабул қилиш рад этилади.

«IES-SredAzEnergoStroy» МЧЖ жавобгар «НП ЭСАН» МЧЖга нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан 10–1115/13643-сонли иш юзасидан 2012 йил 17 май куни берилган ижро варақаси ва уни асосида даъвогарнинг банкдаги ҳисоб рақамига 2012 йил 18 июнь куни қўйилган 1-сонли инкассо топшириқномасини ижро этилиши мумкин эмас деб топишни сўраган.

ХПК 24-моддаси биринчи қисмининг 10-бандига асосан ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги низолар хўжалик суди томонидан ҳал этилади.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжати асосида берилган ижро варақаси ва унинг асосида ундирувчи томонидан қарздорни ҳисоб рақамига қўйилган инкассо топшириқномаси ХПК 24-моддаси биринчи қисмининг 10-бандида кўрсатилган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжатга кирмайди. Чунки, ижро варақасини ижро этиш барчага мажбурий бўлган қонуний кучга кирган суд ҳужжати асосида берилади, ижро варақасида кўрсатилган пул маблағларини ундириш учун инкассо топшириқномаси ижро варақаси асосида қўйилади. Ижро варақаси ва унинг асосида қўйилган инкассо топшириқномасидан норози бўлган қарздор судга ушбу ҳужжатларни ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси билан эмас, балки ижро варақасини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати устидан ХПКда белгиланган тартибида шикоят қилиши мумкин.

Юқоридагиларга ҳамда ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосланиб, суд даъво аризасини қабул қилишни рад этган.

3. Солиқ тўловчининг бюджет олдидаги солиқ қарзи солиқ тўловчиларнинг мол-мулкидан ундиришга қаратиш

учун белгиланган солиққа оид қарзларнинг энг кам миқдоридан кам бўлганда, ДСИнинг солиқ қарзини ундиришни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қайтарилмайди, балки ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан даъво аризасини қабул қилиш рад этилади.

Тошкент шаҳар Олмазор ДСИ жавобгар «Трест–12» ОАЖга нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарнинг 1 145 446 сўмлик солиқ қарзини ундиришни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратишни сўраган.

СК 61-моддасининг иккинчи қисмига кўра, юридик шахс солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқ қарзини узмаган тақдирда ва агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чораларни қўллаш натижасида мол-мулкка қаратиш учун, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан кўп бўлган суммадаги солиқ қарзи узилмай қолса, давлат солиқ хизмати органлари ундирувни ушбу Кодекснинг 65-моддасида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ–1887-сонли Қарори билан солиқ тўловчиларнинг мол-мулкидан ундиришга қаратиш учун солиққа оид қарзларнинг энг кам миқдорлари тасдиқланган бўлиб, унга кўра СКга мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш юклатилган юридик шахслар ва уларнинг алоҳида тузилмалари учун солиқ қарзини уларни мол-мулкига қаратиш учун солиқ қарзи энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдоридан кам бўлмаслиги белгиланган.

«Трест–12» ОАЖнинг бюджет олдидаги солиқ қарзи 1 145 446 сўм, яъни солиқ тўловчиларнинг мол-мулкидан ундиришга қаратиш учун белгиланган солиққа оид қарзларнинг энг кам миқдоридан кам бўлганлиги сабабли, хўжалик суди ДСИнинг даъво аризасини ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қайтарган. Ваҳоланки, мазкур ҳолатда ХПК 117-моддаси

биринчи қисмининг 1-бандига асосан ДСИнинг даъво аризасини қабул қилиш рад этилиши лозим эди.

4. Агар даъво аризасида ўзаро боғлиқ бўлган бир неча талаб бирлаштирилган бўлиб, улардан баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий судга тааллуқли бўлса, бундай даъво аризасини қабул қилиш ХПК 117-моддасининг 1-бандига мувофиқ рад этилади.

ССП АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»ининг вилоят минтақавий филиали манфаатида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Toxir Savdo» ХКдан 41 269 909 сўм кредит қарзини ундиришни ва ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни сўраган.

Даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ўрганилганда, банк ва «Toxir Savdo» ХК ўртасида 2007 йил 25 сентябрда кредит шартномаси тузилган. Унга кўра, банк томонидан жавобгарга 40 000 000 сўм кредит берилган. Шартнома бўйича мажбуриятни бажарилишини таъминлаш мақсадида банк, жавобгар ва С. Исламова ўртасида гаров шартномаси тузилган. Гаров шартномасига асосан С. Исламова ўзига тегишли бўлган турар жойини гаровга қўйган.

ХПКнинг 23-моддасига кўра, хўжалик судига иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва ЯТТ мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар тааллуқлидир. Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий судга тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий судда кўрилиши керак.

«Toxir Savdo» ХК кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли, ССП даъвогар манфаатида судга мурожаат қилиб, жавобгардан гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан 41 269 909 сўм кредит қарзини ундириб беришни сўраган.

Бундай ҳолатда, суд гаров шартномаси тарафларидан бири фуқаро бўлганлиги сабабли, ХПК 23-моддасидан келиб чиқиб мазкур низо хўжалик судига тааллуқли эмас деб ҳисоблаган ва

ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан даъво аризасини қабул қилишни рад этган.

5. Молиявий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги аризага текшириш ўтказилишига асос бўлган ҳужжатлар, текшириш натижалари бўйича тузилган далолатнома ёки бошқа ҳужжат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар, текшириш материалларини кўриб чиқиш баённомаси ва қарор (агар уларни тузиш ёки қабул қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса), қарорнинг кўчирма нусхаси жавобгарга топширилганлиги ёки юборилганлиги ҳақидаги далилни илова қилмаслик аризани ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ қайтариш учун асос бўлади.

Тошкент шаҳар Миробод туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, ЯТТ Ойбек Мирзамойдиновга нисбатан 2 249 550 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

ХПК 155–15-моддасининг 4-бандига асосан молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги аризага, ушбу Кодекс 114-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари, текшириш ўтказилишига асос бўлган ҳужжатлар (назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг қарори, бундай қарор олиш қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳоллар бундан мустасно; агар текшириш жиноят иши доирасида ўтказилса, тергов органининг (суриштирув органининг) қарори; текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқ; текшириш ўтказиш режаси ва ҳоказо); текшириш натижалари бўйича тузилган далолатнома ёки бошқа ҳужжат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар; текшириш материалларини кўриб чиқиш баённомаси ва қарор, агар уларни тузиш ёки қабул қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса; қарорнинг кўчирма нусхаси жавобгарга топширилганлиги ёки юборилганлиги далили илова қилинади.

Бироқ ДСИ аризага текшириш ўтказилишига асос бўлган ҳужжатлар (назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг қарори, бундай қарор олиш қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳоллар бундан мустасно; агар текшириш жиноят иши доирасида ўтказилса, тергов органининг (суриштирув органининг қарори)ни илова қилмаган.

ХПК 155–14-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, ушбу моддада, шунингдек ушбу Кодекснинг 155–15-моддасида назарда тутилган талабларни бузган ҳолда берилган ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 118-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича аризачига қайтарилади.

Олий хўжалик суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2011 йил 30 июндаги 229-сон қарорининг 21-бандида ХПКнинг 155–14-моддасида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмунига қўйилган муайян талаблар назарда тутилган бўлиб, уларга амал қилмаслик, шунингдек ХПКнинг 155–15-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилмаслик ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра аризани қайтариш учун асос бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.

Шу боис, суднинг ажрими билан ДСИнинг аризаси ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қайтарилган.

6. Давлат солиқ хизмати органи томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тўловлар бўйича қарзни қайтариб олишга доир чора-тадбирлар кўрганлигини тасдиқловчи далилларнинг илова қилинмаганлиги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига ҳамда ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан аризани қайтаришга асос бўлади.

Тошкент шаҳар Миробод туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, қарздор «Hamer Set» МЧЖни банкрот деб топишни сўраган.

Аризада қарздорнинг 2012 йил 20 июнь ҳолатига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи 7 361 279 924 сўмни ташкил этиши ва унинг мол-мулки йўқлиги баён этилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 43-моддасининг иккинчи қисмига, кўра давлат солиқ хизмати органининг ва бошқа ваколатли органнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қонун ҳужжатларига

мувофиқ мажбурий тўловлар бўйича қарзни қайтариб олишга доир чора-тадбирлар кўрилганлиги далиллари илова қилиниши керак.

Ушбу Қонун 45-моддасининг олтинчи қисмига биноан агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонуннинг 37 – 44-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, судья аризани қайтаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2007 йил 26 январдаги 142-сон қарорининг 4-бандига кўра, давлат солиқ хизмати органи ва бошқа ваколатли орган (Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар, йиғимлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг ундирилиши устидан назорат олиб борувчи ваколатли орган)нинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тўловлар бўйича қарзни олишга доир чоралар кўрилганлиги ҳақида далиллар илова қилиниши керак. Аризага кредиторнинг қарзни ундириш тўғрисидаги суд қарори, ижро ҳужжати (ижро варақаси, қарздор томонидан акцептланган тўлов талаблари, нотариуснинг ижро хати ва бошқалар) ёки кредитор талаблари қарздор томонидан тан олинганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлса, илова қилинади.

ДСИ ўз аризасига қарздор «Hamer Set» МЧЖдан мажбурий тўловлар бўйича қарзни қайтариб олишга доир чора-тадбирлар кўрилганлиги ҳақидаги далилларни илова қилмаганлиги сабабли, ариза «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси ҳамда ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан суднинг ажрими билан қайтарилган.

7. Юридик шахс номидан берилган ишончнома унинг муҳри билан тасдиқланмаган бўлса, ишончнома асосида амалга оширилган ҳаракатлар юридик оқибат келтириб чиқармайди. Бундай ишончномага асосан имзоланган даъво аризаси ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мувофиқ қайтарилади.

Даъвогар «Холидабегим Файз» ФХ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Янгийўл туман ҳокимининг

2006 йил 21 декабрдаги қарорини бекор қилишни ва ер майдонини ФХга қайтариб беришни сўраган.

Суд даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганганда, даъво аризаси 2007 йил 13 июндаги ишончномага асосан ФХ вакили Б. Ахмаджонов томонидан имзоланган. Бироқ, ушбу ишончнома ФХ муҳри билан тасдиқланмаган.

ФК 138-моддасининг биринчи қисмига асосан юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади.

ХПКнинг 118-моддасининг 2-бандига кўра, даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, судья даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаради.

Мазкур ҳолатда «Холидабегим Файз» ФХ томонидан Б. Ахмаджоновга берилган ишончнома ФХнинг муҳри билан тасдиқланмаганлиги сабабли мазкур ишончномага асосан вакил сифатида амалга оширилган ҳаракатлар юридик оқибат келтириб чиқармайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд даъво аризаси ваколатсиз шахс томонидан имзоланган деб ҳисоблаб, даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаришни лозим топган.

8. Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза қарздор жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёхуд унинг мол-мулки турган жойдаги хўжалик судига берилмаган бўлса, бундай ариза ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан қайтарилади.

МКТ «Ватанпарвар» Ҳамза туман УСТК қарздор «Зомин Уста Санъати» МЧЖга нисбатан ариза билан Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат қилиб, Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциациясининг Тошкент шаҳар филиали ҳузуридаги ҳакамлик судининг 2012 йил 6 июндаги ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни сўраган.

ХПК 155–6-моддасининг учинчи қисмига кўра, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза қарздор жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёхуд, агар қарздор жойлашган ер ёки яшай-

диган жой номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги хўжалик судига берилади.

Аризага илова қилинган ҳужжатларда қарздорни манзили Тошкент вилояти Оққўрғон тумани деб кўрсатилган. Шу боис, ундирувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза билан Тошкент вилоят хўжалик судига мурожаат қилиши лозим бўлган.

ХПК 155–7-моддасининг еттинчи қисмида ушбу Кодекснинг 155–6-моддасида назарда тутилган талаблар ва ушбу модда қоидалари бузилган ҳолда берилган ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 118-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан аризачига қайтарилиши белгиланган.

Шу боис, суд ундирувчининг аризасини ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан қайтариш тўғрисида ажрим чиқарган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2013 йил 30 майдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган)

3.16. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН 2010–2012 ЙИЛЛАР ВА 2013 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ ДАВОМИДА СУД БУЙРУҒИ ТАРТИБИДА ИШЛАРНИ КЎРИШГА ОИД СУД АМАЛИЁТИ

1. Суд буйруғи бериш ҳақидаги аризанинг ваколатсиз шахс томонидан имзоланганлиги суд буйруғи бериш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш учун асос бўлади.

«Водийгазтаъминот» УК хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, Жалолқудуқ туман Иссиқлик манбаидан 3 585 905 сўм ундириш ҳақида суд буйруғи беришни сўраган.

ФКнинг 47-моддасига кўра филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди.

Ариза Жалолқудуқ филиалининг бошлиғи томонидан имзоланган бўлиб, аризага юридик шахс бошлиғининг аризани имзолашга ваколат берганлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинмаган.

ХПК 104-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза хўжалик судига ёзма шаклда судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари бўйича берилади, у кредитор ёки унинг вакили томонидан имзоланади, вакил томонидан имзоланадиган аризага ишончнома илова қилинади.

ХПК 107-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра ариза ушбу Кодекснинг 104-моддасида белгиланган талабларга риоя қилмаган ҳолда берилган бўлса, судья суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади.

Шу сабабли, суднинг ажрими билан суд буйруғи бериш ҳақидаги аризани қабул қилиш асосли равишда рад этилган.

2. Суд буйруғи бериш ҳақидаги аризага қарздорликни тасдиқловчи бирламчи ҳужжатларнинг тақдим этилмаганлиги суд буйруғи бериш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш учун асос бўлади.

«Кейс корпорейшн» вилоят техника маркази тугатиш бошқарувчиси хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Т. Ураимов» ММТПдан 5 832 000 сўмни ундириш ҳақида суд буйруғи беришни сўраган.

Бироқ, аризага кредитор ва қарздор ўртасида тузилган солиштирма далолатнома илова қилинган бўлиб, ушбу қарзнинг келиб чиқишига асос бўлган бирламчи ҳужжатлар илова қилинмаган.

ХПК 107-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра билдирилган талабни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса суд буйруғи бериш ҳақидаги аризани қабул қилиш рад этилади.

Шу боис, суднинг ажрими билан асосли равишда суд буйруғи бериш ҳақидаги аризани қабул қилиш рад этилган.

3. Суд буйруғи бериш ҳақидаги аризага давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг тақдим этилмаганлиги суд буйруғи бериш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш учун асос бўлади.

«Бобур XX1 аср» ФХ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Андижондонмаҳсулотлари» ОАЖдан 50 064 000 сўм ундириш ҳақидаги суд буйруғи беришни сўраган.

Бироқ, аризага билдирилган талаб учун белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи далил илова қилинмаган.

ХПК 107-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига кўра билдирилган талаб учун давлат божи тўланмаган бўлса суд буйруғи бериш ҳақидаги аризани қабул қилиш рад этилади.

Шу боис, суднинг ажрими билан суд буйруғи бериш ҳақидаги аризани қабул қилиш рад этилган.

4. Суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризага СК 65-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинмаган бўлса уни қабул қилиш рад этилади.

Ромитан туман ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, қарздор «Қишлоқхўжаликкимё» ҲАБ мол-мулки ҳисобидан 1 681 639 сўм солиқ қарзини ундириш тўғрисида суд буйруғи беришни сўраган.

Кредитор аризасига солиқ қарзи борлиги тўғрисида солиқ тўловчининг мавжуд шахсий карточкаларидан кўчирма, солиқ тўловчининг банк ҳисобварақларида пул маблағлари йўқлиги тўғрисидаги банк маълумотномаси, солиқ қарзини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан сўзсиз ундириш чоралари кўрилганлиги тўғрисида банк томонидан тасдиқланган маълумотнома илова қилинмаган.

ХПК 107-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра аризага билдирилган талабни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, судья суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси СКнинг умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 210-сонли Қарорининг 16.1-бандида суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризага СК 65-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар яъни, солиқ қарзи борлиги тўғрисида солиқ тўловчининг мавжуд шахсий карточкаларидан кўчирма, солиқ тўловчининг банк ҳисобварақларида пул маблағлари йўқлиги тўғрисидаги банк маълумотномаси, солиқ текшируви натижалари бўйича (бундай текширув ўтказилган тақдирда) солиқ қарзи тўғрисидаги маълумотнома, солиқ тўловчининг охирги ҳисобот даврига доир бухгалтерия балансининг кўчирма нусхаси илова қилиниши шарт. Ушбу талабга риоя қилмаслик ХПК 107-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ аризани қабул қилишни рад этиш учун асос бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.

Баён этилганларга кўра, ХПК 107-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан суд кредиторнинг суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилган.

5. Суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризада кредиторнинг қонун ҳужжатларига асосланган талаби ҳамда ундириладиган сумманинг ҳисоб-китоби кўрсатилиши керак.

Мирзаобод тумани ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Назира Шодмонова» ФХнинг солиқ қарзини унинг мол-мулкига қаратиш ҳақида суд буйруғини беришни сўраган.

Бироқ аризада талаб этилган солиқ қарзининг суммаси кўрсатилмаган.

ХПК 104-моддасининг иккинчи қисмига кўра суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризада кредиторнинг қонун ҳужжатларига асосланган талаби ҳамда ундириладиган сумманинг ҳисоб-китоби кўрсатилиши керак.

ХПК 107-моддасининг 2-бандига мувофиқ ариза ушбу Кодекснинг 104-моддасида белгиланган талабларга риоя қилмаган ҳолда берилган бўлса судья суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади.

Шу боис, суднинг ажрими билан ДСИнинг суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилган.

6. ХПКнинг 105-моддасида белгиланган суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризанинг нусхасини қарздорга топшириш шартлиги тўғрисидаги қоидага риоя қилмаслик суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этишга асос бўлади.

«CHILONZOR SAVDO UYI» МЧЖ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, қарздор «RIM USTAXONASI» ШКдан 2 000 000 сўм тан олинган дебиторлик қарзини ундириш учун суд буйруғи беришни сўраган.

Кредиторнинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар судья томонидан ўрганиш вақтида кредитор суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қарздорга алоқа хизмати орқали юборилганлиги аниқланган.

ХПКнинг 105-моддасига кўра кредитор суд буйруғини бериш тўғрисида ариза берганида қарздорга шу аризанинг нусхасини топшириши шарт.

ХПК 107-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра қарздорга ариза нусхаси топширилгани тўғрисидаги далиллар тақдим этилмаган бўлса, судья суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади.

Шу боис, суднинг ажрими билан «CHILONZOR SAVDO UYI» МЧЖнинг суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризасини қабул қилиш асосли рад этилган.

7. ХПК 108-моддаси биринчи қисмида белгиланган 10 кунлик муддатда қарздор томонидан суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза юзасидан ёзма фикрнинг берилмаслиги унинг билдирилган талабга розилигини англатади. Қарздорнинг билдирилган талабга розилиги суд буйруғини бериш учун асос бўлади.

Кредитор – «Автомобилчи» ФХ 2013 йил 26 мартда хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Миришкор Турон Агротехсервис» МТП МЧЖдан ҳужжатлар асосида тан олинган 30 894 988 сўм дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида суд буйруғи беришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, ариза қарздорга 2013 йил 25 мартда топширилган. Ариза хўжалик судига 2013 йил 26 март куни келиб тушган.

ХПК 108-моддаси биринчи қисмида белгиланган 10 кунлик муддатда қарздор «Миришкор Турон Агротехсервис» МТП МЧЖ томонидан хўжалик судига суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза юзасидан ёзма фикр берилмаган. Шундан сўнг, хўжалик суди томонидан 2013 йил 8 апрелда, яъни ариза қарздорга топширилгандан кейин 13 кун ўтиб, қарздор – «Миришкор Турон Агротехсервис» МТП МЧЖдан кредитор – «Автомобилчи» ФХ фойдасига 30 894 988 сўм асосий қарз, 154 474 сўм давлат божи, 2 250 сўм почта харажати ундириш тўғрисида суд буйруғи берилган.

Ваҳоланки, хўжалик суди томонидан суд буйруғи ариза қарздорга топширилган кундан бошлаб 10 кун ўтгач, яъни 2013 йил 5 март куни берилиши лозим бўлган.

8. Кредитор талабларига қарздор томонидан фикр-мулоҳазасини тақдим этиш учун белгиланган ўн кунлик муддат тугамасдан олдин кредитор хўжалик судига суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризасини қайтариш ҳақида ариза билан

мурожаат қилса, суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза ХПК 118-моддасининг 9-бандига мос ҳолда қайтарилади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, қарздор «Xuroson Business Group» МЧЖнинг мол-мулки ҳисобидан 30 380 820 сўмлик солиқ қарзини ундириш учун суд буйруғи беришни сўраган.

ХПК 108-моддасининг биринчи қисмига кўра, қарздор унга суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нусхаси топширилган пайтдан бошлаб ўн кунлик муддатда хўжалик судига кредитор талабларига қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган фикр-мулоҳазасини тақдим этишга ҳақли.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига биноан белгиланган муддатда қарздор томонидан фикр-мулоҳаза берилмаслиги, шунингдек унинг билдирилган талабга розилиги суд буйруғини бериш учун асос бўлади.

ДСИнинг суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризасига қарздор томонидан фикр-мулоҳазасини тақдим этиш учун белгиланган ўн кунлик муддат тугамасдан олдин ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризасини қайтаришни сўраган.

Суднинг 2013 йил 10 июндаги ажрими билан ХПК 118-моддасининг 9-бандига мос ҳолда суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани ХПКнинг 107-моддасига асосан қабул қилиш рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида»ги 162-сон қарори 21-бандининг олтинчи хатбошига кўра, агар суд буйруғи берилгунга қадар аризачининг аризани қайтариш тўғрисидаги мурожаати келиб тушса, хўжалик суди уни ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 9-бандига мос ҳолда қайтаради.

Шу боис, суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани суд ХПКнинг 107-моддасига асосан қабул қилишни рад этмасдан, ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 9-бандига мос ҳолда қайтариши лозим эди.

9. Агар банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан кейин қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза берилгун-

га қадар пайдо бўлган қарзни ундириш ҳақида кредитордан хўжалик судига суд буйруғини бериш тўғрисида ариза тушса, ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос равишда бундай аризани ХПКнинг 107-моддасига асосан қабул қилиш рад этилади.

«Сувмаш» ОАЖ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, қарздор «Уздунробита» МЧЖ шаклдаги хорижий корхонасидан 10 500 000 сўм тан олинган дебиторлик қарзини ундириш учун суд буйруғини беришни сўраган.

Кредиторнинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиш жараёнида қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганлиги ва кузатув жорий этилганлиги маълум бўлган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмига асосан хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритиш учун қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида якка тартибда мурожаат этишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 142-сонли қарорининг 6-бандига кўра агар банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан кейин қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза берилгунга қадар пайдо бўлган қарзни ундириш ҳақида кредитордан хўжалик судига даъво аризаси тушган бўлса, ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ даъво аризасини қабул қилиш рад этилади.

Шу боис, суднинг ажрими билан ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани ХПКнинг 107-моддасига асосан қабул қилиш рад этилган.

10. Судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда тақдим этилган суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза ХПК 118-модда биринчи қисмининг 3-бандига мос ҳолда қайтарилади.

«Навоий электр тармоқлари» ОАЖ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, Бухоро туман уй-жойдан фойдаланиш

қисмидан 3 025 844 сўм ундириш тўғрисида суд буйруғи беришни сўраган.

Суд ўз ажримида «Навоий электр тармоқлари» ОАЖ ХПКнинг 27-моддаси талабларига риоя қилмаганлигини қайд этиб, аризани қабул қилишни рад этган.

Суд томонидан суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида нотўғри хулосага келинган.

ХПК 104-моддасининг биринчи қисмига кўра, ариза хўжалик судига ёзма шаклда судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари бўйича берилади.

Мазкур Кодекс 118-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида иш мазкур хўжалик суди судловига тегишли бўлмаса, судья даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтариши кўрсатилган.

Ушбу Кодекс 12-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ низоли муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари бўлмаган тақдирда хўжалик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини татбиқ этади, борди-ю бундай нормалар ҳам бўлмаса, қонунларнинг умумий асослари ва мазмунига таяниб низони ҳал қилади.

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза судловга тегишлиликнинг умумий қоидаларига риоя этилмасдан берилганлиги сабабли, у ХПКнинг 118-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мос ҳолда аризачига қайтарилиши лозим эди.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2013 йил 29 августдаги 98-сонли қарори
билан тасдиқланган)

3.17. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН 2011–2013 ЙИЛЛАРДА ХЎЖАЛИК ИШЛАРИНИ КЎРИШДА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАЙИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ

1. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги илтимосномасини суд ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрларини эшитиб бўлгач, ҳал қилади ва уни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

«Nestle Uzbekistan» МЧЖ ва «Denta Spektrum MG» ХФ ўртасида озиқ-овқат маҳсулотларини дистрибуциялаш тўғрисида келишув (бундан буён матнда Келишув деб юритилади) тузилган ва унга кўра ХФ ўз ҳудудида МЧЖнинг маҳсулотини келишилган миқдорда реализация қилиш ва сотишни ташкил этиш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 15.1-бандига кўра шартноманинг амал қилиш муддати 2011 йилнинг 1 январидан 2012 йилнинг 1 январигача қилиб белгиланган.

2011 йил 30 июнда МЧЖ томонидан ХФга 11–1028-сонли хабарнома юборилган ва унда 2011 йилнинг 1 августидан Келишув бекор қилиниши маълум қилинган.

Шу сабабли, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ХФ манфаатида МЧЖга нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Келишув муддатидан олдин бекор қилинганлиги оқибатида 175 710 727 сўм миқдордаги бой берилган фойдани ундиришни сўраган.

Иш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар даъвогар даъво миқдорини кўпайтириб, МЧЖдан 250 332 727 сўм зарар, шу жумладан 175 710 727 сўм бой берилган фойда ва Келишув олдиндан бекор қилинганлиги сабабли 74 622 000 сўмлик қилинган харажатларни ундиришни сўраган.

Ўз навбатида МЧЖ хўжалик судига қарши даъво билан мурожаат қилиб, ХФ шартномавий мажбуриятини лозим даражада бажарилмаганлиги, яъни МЧЖнинг маҳсулотини келишилган миқдорда реализация қилиш ва сотишни ташкил этмаганлиги оқибатида кўп миқдорда даромад олинмаганлигини билдириб, 344 331 883 сўм бой берилган фойдани ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан дастлабки ва қарши даъво аризаларини қаноатлантириш рад этилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, ишни кўриш жараёнида ХФ судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, Келишув муддатидан олдин бекор қилинганлиги натижасида ХФ томонидан олинмаган даромадлар (бой берилган фойда) ҳамда қилинган харажатлар миқдорини аниқлаш мақсадида суд – иқтисодий экспертизасини тайинлашни ва экспертиза ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номли Республика суд-экспертиза маркази зиммасига юклашни сўраган.

ХПКнинг 129-моддасига асосан ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ва ишни кўриш билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича аризалари ва илтимосномаларини хўжалик суди ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрларини эшитиб бўлгач, ҳал қилади ва уларни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Бироқ, мазкур ҳолатда биринчи инстанция суди томонидан ХФнинг суд-иқтисодий экспертизасини тайинлаш ҳақидаги илтимосномаси муҳокама қилинмаган ва илтимосномани қаноатлантириш ёки рад қилиш ҳақида ажрим чиқарилмаган ёхуд бундай хулоса суднинг ҳал қилув қарорида ўз аксини топмаган.

Шу боис, кассация инстанцияси судининг қарори билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

2. Суднинг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримида экспертиза учун саволларнинг рўйхати кўрсатилиши лозим.

ОАТБ «Агробанк»нинг Оққўрғон туман филиали хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Дилором қизи Диёра» ХФдан 89 044 600 сўм кредит қарзи ва 8 904 400 сўм пеня, жами 97 949 000 сўм ундиришни ва ундирувни гаровдаги мол-мулкка қаратишни сўраган.

Суднинг ажрими билан гаровдаги мол-мулкнинг баҳосини аниқлаш мақсадида экспертиза тайинланган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, банк ва ХФ ўртасида кредит шартномаси тузилган. Кредит шартномаси бўйича мажбуриятни бажаришни таъминлаш учун тарафлар ўртасида тузилган гаров шартномасига асосан Оққўрғон тумани, Қўштепа қишлоғи,

Х. Олимжон ФХ уюшмасида жойлашган 596,98 кв.м бино ва иншоотлар гаровга қўйилган.

Биринчи инстанция судида ишни кўриш жараёнида ХФ судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, гаровга қўйилган мол-мулк 145 000 000 сўмга баҳоланганлигини, ҳозирда мазкур гаровга қўйилган мол-мулк баҳосини аниқлаш мақсадида экспертиза тайинлашни сўраган.

Суднинг ажрими билан илтимоснома қаноатлантирилиб, ХФга тегишли гаровдаги мол-мулкнинг баҳосини аниқлаш мақсадида экспертиза тайинланган ва эксперт хулосаси олингунга қадар иш юритиш тўхтатилган.

Бироқ, суднинг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримининг хулоса қисмида тегишли гаровдаги мол-мулкнинг баҳосини аниқлаш мақсадида экспертиза хулосаси олингунга қадар тўхтатилганлиги кўрсатилган бўлса-да, экспертиза ўтказиш қайси экспертиза ташкилотига юклатилганлиги, экспертиза муассасасига тўланиши лозим бўлган тўловлар ким (қайси ташкилот) томонидан амалга оширилиши ҳамда экспертиза муассасаси олдига қўйиладиган саволлар белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида»ги 162-сонли Қарорининг 36-бандига кўра, ХПК 67-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ишни кўриш вақтида келиб чиқадиган, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган саволларни тушунтириб бериш учун хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосига кўра экспертиза тайинлайди. Бунда назарда тутиш керакки, ишда иштирок этувчи шахслар судга экспертиза ўтказиш вақтида тушунтириб берилиши керак бўлган саволларни тақдим этишга, хўжалик суди эса шахсларни бундай саволларни судга тақдим этишга мажбурлашга ҳақли. Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан таклиф этилган саволлар рад этилса, суд уларни асослаб бериши шарт. Шу билан бирга хўжалик суди тақдим этилган саволларнинг мазмунини аниқлаш, уларни тузатиш, мустақил равишда эксперт олдига саволлар қўйишга ҳақли. Зарурият туғилганда хўжалик суди суд мажлисига экспертни чақириши ҳамда саволларни тўғри ва аниқ ифода қилиш

мақсадида унинг иштирокида экспертиза ўтказиш учун саволларни шакллантиришга ҳақли. Экспертизанинг хулосаси талаб қилинадиган саволларнинг узил-кесил рўйхати хўжалик суди томонидан белгиланади.

Мазкур Пленум қарорининг 36-банди учинчи хатбошисига кўра, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримда экспертиза учун саволларнинг рўйхати кўрсатилиши кераклиги белгиланган.

Аммо биринчи инстанция суди иш бўйича суд экспертизаси тайинлашда мазкур Пленум қарори талабларига риоя қилмаган.

3. Ҳал қилиниши хўжалик судининг ваколатига кирадиган ҳуқуқ тўғрисидаги саволлар экспертнинг олдига қўйилиши мумкин эмас.

Қарши шаҳар Давлат ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, «Қашқадарё тижорат савдо» МЧЖга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 5 280 000 сўм жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ДСИнинг аризаси қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи комиссиясининг рухсатномаси ҳамда Қашқадарё вилоят ДСБ буйруғи асосида МЧЖга қарашли дўконда қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текширишда дўкон сотувчиси томонидан харидорга 4 000 сўмлик хариди учун назорат касса машинаси чеки ёки унга тенглаштирилган квитанция берилмаганлиги ҳамда 5 280 000 сўм нақд пул маблағи НКМга кирим қилиниб, банк муассасасига топширилмаганлиги аниқланган.

Текшириш натижалари юзасидан далолатнома тузилиб, тўланиши лозим бўлган жаримани ихтиёрий равишда тўлаб бериш ҳақида жавобгарга талабнома юборилган. Жавобгар томонидан ҳисобланган жарима суммаси ихтиёрий тўлаб берилмаган. Шу сабабли, ДСИ ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 5 280 000 сўм жарима қўллашни сўраган.

Ишни судда кўриш жараёнида жавобгар МЧЖнинг илтимосномасига кўра иш юзасидан экспертиза тайинланган ҳамда экспертизани ўтказиш ДСБ ҳузуридаги Эксперт кенгаши зиммасига юклатилган.

ХПКнинг 67-моддасига кўра ишни кўриш вақтида келиб чиқадиган, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган саволларни тушунтириб бериш учун хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосига кўра экспертиза тайинлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги қарори билан тасдиқланган «Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги намунавий Низомнинг 21-бандида агар қўйилган масала экспертнинг махсус билимлари (ваколатлари) доирасидан четга чиқса ёки уни ҳал этиш учун махсус билимлар талаб қилинмаса ёхуд масала ҳуқуқий тусга эга бўлса, эксперт қўйилган масалалар юзасидан хулоса бериш мумкин эмаслиги тўғрисида асосланган далолатнома тузиши назарда тутилган.

Суднинг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримида экспертиза олдига «ДСБ ҳузуридаги Эксперт кенгаши зиммасига жавобгарга нисбатан СК 114-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган молиявий жазони қўллашга асос мавжуд ёки йўқлиги тўғрисида хулоса бериш сўралсин» деб савол қўйилган.

Бироқ, бу савол ҳал қилиниши хўжалик судининг ваколатига кирадиган ҳуқуқ тўғрисидаги масала бўлиб, эксперт олдига қўйилиши мумкин эмас.

4. ХПКнинг 83-моддасига кўра экспертиза тайинланганда суд иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли.

«NAM TEX» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Мирзачўл толаси» ХК ва Жиззах шаҳар ДСИдан асоссиз олинган 112 067 723,98 сўм ҳамда жавобгар ҳисобидан 36 804 634 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, МЧЖ ва ХК ўртасида 2010 йил 13 декабрда шартнома тузилган. Мазкур шартномага 2011 йил 4 мартда ва 2011 йил 25 апрелда қўшимча келишувлар тузилган. Бироқ 2011 йил 4 мартдаги қўшимча келишув ХК томонидан имзоланмаган.

Ушбу шартнома шартларига кўра, ХКнинг топшириғига асосан МЧЖ пахта хом ашёсини қайта ишлаш ва ҳар бир тонна пахта хом ашёсидан 85 фоиз маҳсулот олиш, жавобгар эса кўрсатилган хизматлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган.

МЧЖ томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилиб, ХК томонидан етказилган 179734 кг пахта хом ашёсини қайта ишлаш натижасида ХКга 137726 кг калава ип етказиб берилган. ХК етказиб берилган маҳсулот учун 184 880 000 сўм тўлов амалга оширилган бўлса-да, 36 804 634 сўмлик маҳсулот ҳақини тўлаб бермаган. Натижада унинг даъвогар олдида қарздорлиги вужудга келган.

ХКнинг солиқ қарзини МЧЖда бўлган дебитор қарздорлигига қаратиш ҳақидаги хатига асосан ДСИ томонидан СКнинг 64-моддасига мувофиқ белгиланган тартибда МЧЖнинг банкдаги ҳисоб варақасида мавжуд бўлган пул маблағларидан 112 067 723,98 сўм ундириб олинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантириб, ХКдан МЧЖ фойдасига 36 804 634 сўм асосий қарз ундирган. Даъво талабининг асоссиз олинган 112 067 723,98 сўм ундириш қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида МЧЖ ҳисоб-китобларга аниқлик киритиш учун экспертиза тайинлаш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилган.

ХПКнинг 83-моддасига кўра, хўжалик суди томонидан экспертиза тайинланганда иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли.

Суднинг ажрими билан илтимоснома қаноатлантирилиб, суд-бухгалтерлик экспертизаси тайинланган ва экспертизани ўтказиш Х. Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази Сирдарё вилоятлараро бўлими зиммасига юклатилган ҳамда экспертиза хулосаси олингунга қадар иш юритиш тўхтатилган.

Экспертиза маркази томонидан судга экспертиза хулосаси тақдим этилган.

Экспертиза хулосаси судга тақдим этилгандан кейин суднинг ажрими билан иш юритиш тикланган.

5. Экспертизани ўтказиш бўйича харажатларнинг тўланмаганлиги материалларни экспертиза ўтказмасдан қайтариш учун асос бўлади.

Сирдарё йўл хўжалиги туман пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар Жиззах шаҳридаги 9113-сонли Ҳарбий қисмдан 6 828 317 сўм асосий қарз, 3 413 094 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар илтимоснома билан мурожаат қилиб, даъвогар томонидан тарафлар ўртасида тузилган пудрат шартномалари асосида бажарилган ишлар қийматига, жавобгар томонидан қанча тўлов амалга оширилганлигига аниқлик киритиш мақсадида суд-бухгалтерлик экспертизаси тайинлашни сўраган.

Суднинг ажрими билан илтимоснома қаноатлантирилиб, суд-бухгалтерлик экспертизаси тайинлаган. Экспертизани ўтказиш Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Фарғона вилоятлараро бўлимига юклатилган. Экспертизани ўтказиш билан боғлиқ харажатлар жавобгар зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги қарори билан тасдиқланган «Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида Намунавий Низом» 8-бандининг учинчи қисмига кўра, экспертизани ўтказиш бўйича харажатлар тўланмаганлиги материалларни экспертиза ўтказмасдан қайтариш учун асос ҳисобланади.

Мазкур Низом 8-бандининг биринчи қисмига кўра, давлат суд-экспертиза муассасасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича экспертизалар ўтказиш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш иш бўйича томонларга юкланади ва экспертизани ўтказиш бошлангунгача тўланади.

ХПК 94-моддасининг тўртинчи қисмига биноан ишда иштирок этиб, тегишли илтимос билан мурожаат қилган шахс гувоҳлар ва экспертларга тўланиши лозим бўлган суммани хўжалик судининг депозит ҳисоб варағига олдиндан ўтказади.

Бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда экспертиза харажатлари жавобгар томонидан экспертиза муассасасига тўлаб берилмаган. Шу сабабли, экспертиза муассасаси экспертизага юборилган иш материалларини хўжалик судига ижросиз қайтарган.

Суд иш юритишни тиклаб, ишда мавжуд ҳужжатларга асосан низони ҳал этган.

6. Экспертиза хулосаси хўжалик судининг мажлисида текширилади ҳамда бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади.

«Шаҳрисабз шароб савдо» УК хўжалик судига мурожаат қилиб, «Монреал-Люкс» ТСФдан 40 716 748 сўм асосий қарз ва 2 035 837 сўм жарима, жами 42 752 585 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, УК (Сотувчи) ва жавобгар (Сотиб олувчи) ўртасида шартнома тузилган ва унга кўра УК спиртли ичимлик маҳсулотлари етказиб бериш, жавобгар эса маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

УК томонидан жавобгарга 51 482 010 сўмлик маҳсулотлар етказиб берилганлиги, бироқ жавобгар 10 765 262 сўмлик тўловни амалга ошириб, қолган 40 716 748 сўмлик маҳсулот ҳақини тўлаб бермаганлиги учун, УК судга мурожаат қилиб, жавобгардан 40 716 748 сўм асосий қарз ҳамда 2 035 837 сўм жарима ундиришни сўраган.

Иш юзасидан биринчи инстанция судининг ажрими билан тарафлар ўртасида расмийлаштирилган ишончнома ва ҳисобварақ-фактуралардаги жавобгар раҳбари Ў. Самиев томонидан қўйилган имзо кимга тегишли эканлиги юзасидан суд-хатшунослик экспертизаси тайинланган бўлиб, эксперт хулосасида УК томонидан расмийлаштирилган ва харидор жавобгарга 29 492 948 сўмлик спиртли ичимлик маҳсулоти берилгани кўрсатилган 199-сонли, 19 759 912 сўмлик маҳсулотлар берилгани кўрсатилган 230-сонли ҳамда 188-сонли ҳисобварақ-фактуралардаги «Самиев Ўткир олдим» деган жойдаги имзолар жавобгар раҳбари Ў. Самиев томонидан бажарилмаганлиги баён этилган.

ХПК 69-моддасининг олтинчи қисмига кўра экспертиза хулосаси хўжалик судининг мажлисида текширилади ҳамда бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади.

Шунингдек, ХПКнинг 11-моддасида хўжалик суди ишни кўришда иш бўйича барча далилларни бевосита текшириши шартлиги белгиланган.

ХПК 54-моддасининг биринчи қисмига кўра, хўжалик суди далиллар асосида ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри

ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар бор ёки йўқлигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

Бироқ иш юзасидан экспертиза тайинланиб, экспертиза хулосаси олинган бўлса-да, биринчи инстанция суди томонидан экспертиза хулосаси ҳал қилув қарорида муҳокама қилинмаган ҳамда унга баҳо берилмаган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

7. Экспертизани тайинлаган хўжалик суди камчиликларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмаса, экспертиза муассасаси раҳбари 30 кун ўтгач, унга материалларни экспертиза ўтказмасдан қайтаради.

«Минор қурилиш савдо» ХК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Пайариқ қурилиш сервис» МЧЖдан 23 637 604 сўм асосий қарз, 11 188 802 сўм пеня ва 3 546 640 сўм жарима ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Пайариқ қурилиш сервис» МЧЖ (бош пудратчи) ва «Минор қурилиш савдо» ХК (ёрдамчи пудратчи) ўртасида Пайариқ тумани «Мойлитепа» қишлоғида янги массивдаги бир қаватли уйларни қуриб фойдаланишга топшириш бўйича пудрат шартномаси тузилган.

Даъвогар бажарилган ишлар бўйича тўловлар жавобгар томонидан тўланмаганлиги сабабли, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Ишни кўриш жараёнида даъвогарнинг илтимосномасига кўра, иш юзасидан суднинг ажрими билан суд-қурилиш экспертизаси тайинланган ва экспертизани ўтказиш Х. Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза Марказининг Самарқанд вилоятлараро бўлимига топширилган.

2011 йил 19 июлда суд эксперти хўжалик судига илтимослома билан мурожаат қилиб, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримда эксперт олдига қўйилган саволлар тушунарсиз эканлигини

кўрсатиб, эксперт олдига қўйилаётган саволларни аниқлаштириб беришни сўраган ҳамда саволлар аниқлаштириб берилгунга қадар экспертиза ўтказишни тўхтатиб турилишини билдирган.

Бироқ хўжалик суди томонидан 30 кун ичида суд экспертининг эксперт олдига қўйилаётган саволларни аниқлаштириб бериш тўғрисидаги илтимосномаси жавобсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги қарори билан тасдиқланган «Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги намунавий Низомнинг 16-бандига кўра экспертизага юборилаётган, уни ўтказиш имконини бермайдиган материалларни расмийлаштириш қоидаларига риоя этилмаган тақдирда экспертиза муассасаси раҳбари бу тўғрида экспертизани тайинлаган орган (шахс)га дарҳол хабар қилади.

Экспертизани тайинлаган орган (шахс) камчиликларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмаса экспертиза муассасаси раҳбари 30 кун ўтгач, унга материалларни экспертиза ўтказмасдан қайтаради.

Шу сабабли, 2011 йил 19 августда экспертиза муассасаси раҳбари иш материалларини экспертиза ўтказмасдан хўжалик судига қайтарган.

8. Қайта ёки қўшимча экспертиза тайинланганда суднинг ажримида қайта ёки қўшимча экспертиза тайинлангани кўрсатилиши лозим.

«O‘zbek Qishloq Savdo» МЧЖ тугатиш комиссияси хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, «Advokat Plyus» адвокатлик бюросидан Хоразм вилояти, Урганч тумани, Ғойбу қишлоғи, С. Қаландаров ф/у ҳудудида жойлашган 2,35 га иссиқхонани қайтариш ва 107 550 000 сўм моддий зарар ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, биринчи инстанция суди томонидан ишни кўриш жараёнида МЧЖ судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, қанча миқдорда ишлар бажарилганлиги юзасидан қурилиш бухгалтерия экспертизаси тайинлашни сўраган. Суд томонидан илтимоснома қаноатлантирилиб, экспертиза тайинлаш ҳақида ажрим чиқарилган.

Бундан ташқари, ишга қўшимча даъвогар сифатида жалб қилинган «Мулк Инвест» ДУК судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, Хоразм вилояти, Урганч тумани, Ғойбу қишлоғи, «С. Қаландаров» фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган 2,35 га иссиқхона биносининг тикланиш қийматини аниқлаш учун баҳолаш экспертизаси тайинлашни сўраган. Суд томонидан илтимоснома қаноатлантирилиб, экспертиза тайинлаш ҳақида ажрим чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни 18-моддасининг биринчи қисмига кўра, **қўшимча** суд экспертизаси хулосадаги бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш учун тайинланади ва шу ёки бошқа суд эксперти (суд экспертлари комиссияси) томонидан ўтказилади.

Шу модданинг учинчи қисмига кўра, **қайта** суд экспертизаси тайинланганда суд эксперти (суд экспертлари комиссияси) олдига илгари қўлланилган текшириш усулларининг илмий асосланганлиги тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин.

Қонун нормасининг мазмунига кўра, **қўшимча** экспертиза ва **қайта** экспертиза тайинлаш асослари ва мақсади бир-биридан фарқ қилади.

ХПК 151-моддасининг иккинчи қисми 3-бандига кўра алоҳида ҳужжат тариқасида чиқариладиган ажримда ажрим чиқарилаётган масала кўрсатилиши керак.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан ДУКнинг экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимосномаси қаноатлантирилиб, мазкур хўжалик иши юзасидан иккинчи маротаба экспертиза тайинланган бўлса-да, суднинг экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажримида экспертиза қўшимча ёки қайта равишда ўтказилиши ҳақидаги маълумотлар кўрсатиб ўтилмаган.

9. Суднинг қўшимча экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримида эксперт хулосасидаги қайси бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш учун қўшимча экспертиза тайинланганлиги, қайта экспертиза тайинланганда эса биринчи (олдинги) экспертиза хулосасига қўшилмаганлиги сабаблари кўрсатилиши керак.

«Kamoli-Shuxrat» МЧЖга тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Шамс кўчаси, 47-уй манзилдаги 999 кв.м.дан иборат бўлган бино ва иншоотлар жойлашган ер участка-

си давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан ушбу бино ва иншоотлар бузилган.

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфида бўлган бир қатор объектлар бузилган бинолар ўрнига МЧЖга топширилиши белгиланган. Янги берилган биноларга нисбатан МЧЖнинг мулк ҳуқуқини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш ДМҚнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси зиммасига юклатилган.

Бироқ жавобгар МЧЖнинг янги берилган биноларига нисбатан мулк ҳуқуқини расмийлаштиришдан бош тортиб, Тошкент шаҳар ҳокими қарорига асосан бузилган бинолар ўрнига берилган бинолар ҳамда бузилган объектлар қиймати ўртасидаги фарқ, яъни 533 361 200 сўм МЧЖ томонидан тўлаб берилиши лозимлигини билдирган.

Шу сабабли, МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар зиммасига бузиб ташланган бино ва иншоотларнинг ўрнига МЧЖга берилган объектларга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерини бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида МЧЖ судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, бузиб ташланган бино ва иншоотларнинг ўрнига берилган объектларни ҳақиқий қийматини аниқлаш мақсадида суд қурилиш-техникавий экспертизасини тайинлашни ва экспертиза ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номли Республика суд-экспертиза маркази зиммасига юклашни сўраган.

Суднинг ажрими билан МЧЖнинг илтимосномаси қаноатлантирилиб, иш юзасидан суд қурилиш-техникавий экспертизаси тайинланган ҳамда иш юритиш экспертиза якунлангунга қадар тўхтатилган.

Экспертиза якуни бўйича судга эксперт хулосаси тақдим қилинган ва суднинг ажрими билан иш юритиш тикланиб, иш кўришга тайинланган.

Суд мажлисида МЧЖ қайтадан судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, бузиб ташланган бино ва иншоотларнинг ўрнига берилган объектларни ҳақиқий қийматини аниқлаш мақсадида суд қурилиш-техникавий экспертизасини тайинлашни ва экспертиза ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

ҳузуридаги Х. Сулаймонова номли Республика суд-экспертиза маркази зиммасига юклашни сўраган.

Суднинг ажрими билан МЧЖнинг илтимосномаси қаноатлантирилиб, иш юзасидан суд қурилиш-техникавий экспертизаси тайинланган ҳамда иш юритиш экспертиза якунлангунга қадар тўхтатилган.

«Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси ва ХПКнинг 68–1-моддасига кўра, қўшимча экспертиза эксперт (экспертлар комиссияси) хулосасидаги бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш учун тайинланади ва шу ёки бошқа эксперт (экспертлар комиссияси) томонидан ўтказилади. Эксперт (экспертлар комиссияси) хулосаси асослантирилмаганда, ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда, ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки экспертизани ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта экспертиза тайинланади. Қайта экспертизани тайинлаш тўғрисидаги ажримда қайта экспертизани тайинлаган хўжалик судининг биринчи (олдинги) экспертиза хулосасига қўшилмаганлиги сабаблари кўрсатилиши лозим.

Мазкур ҳолатда суднинг экспертиза тайинлаш ҳақидаги иккинчи ажримида қўшимча ёки қайта экспертиза тайинланганлиги ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмаган. Агарда қўшимча экспертиза тайинланган бўлса суднинг ажримида эксперт хулосасидаги қайси бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш учун қўшимча экспертиза тайинланганлиги, қайта экспертиза тайинланган бўлса – суд биринчи (олдинги) экспертиза хулосасига қўшилмаганлиги сабаблари кўрсатилмаган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2014 йил 27 мартдаги 19-сонли
қарори билан тасдиқланган)

4-боб. КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА ИШЛАРНИ КЎРИШ СУД АМАЛИЁТИ

4.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА 2008 ЙИЛДА ИШЛАРНИ КЎРИШ СУД АМАЛИЁТИ

1. «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига кўра, ҳакамлик судлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади.

Даъвогар – «Нурмухаммад Автосервис» ХК ҳакамлик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Қарши шаҳар йўловчи ташиш транспорт бошқармасига нисбатан Қарши шаҳар ҳокимининг қарори билан тасдиқланган 31-сонли такси йўналиши схемасини ўзгартириб, илгариги ҳолатига қайтарилишини сўраган.

Қарши шаҳар доимий ҳаракатдаги ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

«Ўғилой» ИЧТК ва «Байналминалчи-Фахрий» ИЧК ҳамда «Обод» ИЧК томонидан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида хўжалик судига шикоят аризаси билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаганлиги учун иш юритиш тугатилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан суд ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд ажрими ва апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган.

Низони ҳал қилишда судлар томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўлиқ аниқланмасдан, иш юритишни тугатиш тўғрисида барвақт хулосага келинган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Қарши шаҳар ҳокимининг 2007 йил 28 июндаги қарори билан «Мағзон маҳалласи – Ёрқўрғон бозори» йўналишида 5-сонли такси йўналиши очилиб, йўналишнинг тасвир-схемаси тасдиқланган.

Қарши шаҳар ҳокимининг 2007 йил 28 августдаги қарори билан шаҳар ҳокимининг 2007 йил 28 июндаги «Мағзон маҳалласи – Ёрқўрғон бозори» йўналишида 5-сонли такси йўналишини очиш тўғрисидаги қарорига ўзгартириш киритилган.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига кўра, ҳакамлик судлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низолар, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низолар ҳакамлик судлари томонидан ҳал этилмаслиги белгиланган.

Мазкур ҳолатда судлар томонидан тарафлар ўртасидаги низонинг моҳияти ўрганилмаган, Қарши шаҳар ҳокимининг 2007 йил 28 августдаги қарорини қабул қилиниши натижасида низо келиб чиққанлиги, ишни ҳакамлик судида кўрилишида эса туман ҳокимлиги қатнашмаганлиги муҳокама қилинмаган. Натижада, тарафлар ўртасидаги низо қандай ҳуқуқий муносабатлар туркумига тааллуқлилиги аниқланмаган.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, ҳакамлик битими мавжуд бўлган тақдирда, низо ҳакамлик судининг ҳал қилувига топширилиши мумкин.

Ушбу ҳолатда эса судлар томонидан тарафлар ўртасида тузилган ҳакамлик битими муҳокама қилинмаган. Ҳакамлик битими тузилишида манфаатдор шахсларнинг иштироки таъминланган ёки таъминланмаганлигига ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Қонуннинг 47-моддаси учинчи қисмига кўра, агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунларга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ваколатли суд томонидан бекор қилиниши лозимлиги назарда тутилган. Бироқ суд инстанциялари томонидан ушбу қонун нормасига мувофиқ тарафлар ўртасидаги низонинг мазмунига ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ажрими ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида хулосага келган.

2. БК 112-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига асосан ушбу Кодексга мувофиқ тўланмаган божхона тўловлари божхона органи томонидан сўзсиз тартибда ундирилади, товарларни нотижорат мақсадларида олиб ўтадиган жисмоний шахслардан ундириладиган тўловлар бундан мустасно бўлиб, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилади. Тўланмаган божхона тўловлари, тўламаганлик факти қачон аниқланганлигидан қатъи назар, ундирилиши лозим.

«Navoiyazot» ОАЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, Навоий вилоят божхона бошқармасининг 9 211 105 сўм ундириш тўғрисида 2008 йил 11 апрелдаги инкассо топшириқномасини ижро этилиши мумкин эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, «Navoiyazot» ОАЖ Буюк Британиянинг «Purolite International LTD» компаниясидан 2004 йил 11 октябрдаги контракт асосида маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилган ва 2006 йил 20 февралда Навоий вилоят божхона бошқармаси орқали эркин муомала режимига расмийлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 2007 йил 22 декабрда ўтказилган тафтишда юқоридаги маҳсулотларни импорт қилишда 9 211 105 сўм импорт божи ва ҚҚС кам тўланганлиги аниқланган. Шу сабабли, Навоий вилоят божхона бошқармаси кам тўланган божхона тўловларини ундириш мақсадида даъвогарнинг ҳисоб рақамига инкассо топшириқномасини қўйган.

Бундан норози бўлган «Navoiyazot» ОАЖ ушбу инкассо топшириқномасини ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисида мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 30 июлда 787-сон билан рўйхатга олинган «Товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлаш Қоидалари»нинг 4.1 ва 4.2-бандларида Ўзбекистон Республикасига бошқа мамлакатлардан экспорт ёки реэкспорт мамлакатининг ваколатли органи томонидан берилган товарнинг ишлаб чиқарилиши тўғрисидаги сертификат билан биргаликда реэкспорт режими асосида келиб тушган товарларга Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан СТ–1 бланклари ёки «А» шакли бўйича берилган товарнинг ишлаб чиқарилиши тўғрисидаги тасдиқнома берилиши белгиланган.

«Navoiyazot» ОАЖ Руминияда ишлаб чиқарилган маҳсулотни Буюк Британия орқали олиб келган ва маҳсулотнинг ишлаб чиқариш мамлакатини аниқлаш тўғрисидаги сертификат юқоридаги Қоида талабларига кўра расмийлаштирилмаган.

Юқорида қайд этилган Қоиданинг 2.9-бандида керакли тартибда расмийлаштирилган товарнинг ишлаб чиқарилиш тўғрисидаги сертификат ёки сўралган маълумотлар тақдим этилмагунига қадар товар мазкур давлатда ишлаб чиқарилган деб ҳисобланмаслиги, ушбу Қоидаларини ҳисобга олган ҳолда келиб чиқиши ишончли тартибда белгиланмаган товарлар Ўзбекистон Республикасига Ўзбекистон Республикасининг божхона тарифининг энг юқори ставкалари бўйича божларнинг тўланиши билан киритилиши белгиланган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

3. «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига кўра юридик ва жисмоний шахслар ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда қоплашлари шарт.

Сурхондарё вилоят прокуратураси Сурхондарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, Денов тумани Халқ таълими бўлимидан ўсимлик дунёсига етказилган 3 861 000 сўм зарарни ундиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан Денов туманидаги 86-сон умумий ўрта таълим мактаби ишга жавобгар сифатида жалб этилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, Денов туманидаги 86-сон умумий ўрта таълим мактаби маъмурияти вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг рухсатномасини олмасдан, ўзбошимчалик билан мактаб ҳовлисидаги 26 туп ҳар хил ўлчамдаги калифорния тераклари ва 1 туп чинор дарахтини кесиб ташлаб, ўсимлик дунёсига зарар етказган.

Ушбу ҳолат юзасидан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Денов туман Халқ таълими бўлими ва 86-сон умумий ўрта таълим мактаби вакиллари иштирокида 2006 йил 22 августда далолатнома тузилган.

Жавобгар томонидан ўсимлик дунёсига етказилган зарар миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 27 июлдаги 293-сон қарори билан тасдиқланган «Фуқаролар томонидан дарахтлар ва буталарни кесиш ва ўсишдан тўхташ даражасигача шикастлашдан ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун ундириладиган жарима миқдорларини ҳисоблаш таксаси»га биноан дарахтларни кесганлик ёки ўсишдан тўхташ даражасигача шикаст етказилган ҳар бир дарахт учун дарахт тўнкаси олдидаги диаметрига қараб белгиланган коэффицентларда зарар ҳисоблаб чиқарилган.

Мазкур қарорга асосан зарар юридик шахс томонидан етказилганлиги сабабли етказилган зарарнинг беш баравари миқдорида – 3 861 000 сўм жарима 86-сон умумий ўрта таълим мактабидан ундирилган.

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасида юридик ва жисмоний шахслар ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда қоплашлари шарт эканлиги белгиланган.

Қайд этилганларга кўра кассация инстанцияси суди суд қарорларини ўзгаришсиз, кассация шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топган.

4. Шикоят (протест)ни иш юритишга қабул қилиш масаласи ҳал этилмаганлиги, муҳокама этилмаганлиги ва у бўйича қарор қабул қилинмаганлиги суд қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборишга асос бўлади.

«Хива гилами» ОАЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, Хива туман ДСИнинг инкассо топшириқномаларини ижро этилиши мумкин эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, Хоразм вилоят хўжалик судининг 22–0705/1156-сонли иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори билан «Хива гилами» ОАЖ банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Хива туман ДСИ жамиятнинг ягона тугатиш ҳисоб рақамига солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш учун жами 46 560 000 сўм инкассо топшириқномалари қўйган.

Тугатиш бошқарувчисининг ушбу инкассо топшириқномаларини ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги даъвоси биринчи инстанция суди томонидан қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси суди ишни кўришда процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилишига йўл қўйган. Хоразм вилоят прокуратураси томонидан киритилган апелляция протестини иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал этилмаган, апелляция протести муҳокама қилинмасдан қарор қабул қилинган.

ХПК 171-моддасига кўра апелляция инстанцияси судининг қарорида апелляция шикояти (протести) берган шахснинг номи, шунингдек апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқиш натижалари бўйича хулосалари баён этилиши лозим.

ХПК 188-моддасининг учинчи қисмига кўра, моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёхуд нотўғри қўлланилиши хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ёки қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

5. ФК 47-моддасининг учинчи қисмига биноан ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ko'k da'riya» ФХ манфаатида хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, АТБ «Микрокредитбанк» Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасидан 111 780 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган.

Биринчи инстанция суди томонидан низони ҳал қилишда ХПКнинг 38-моддасига биноан АТБ «Микрокредитбанк» жавобгар сифатида ишга жалб қилиниб, ишни мазмунан кўриб чиқиши лозим эди.

Даъво юридик шахснинг ўзига эмас, балки унинг алоҳида бўлинмасига нисбатан тақдим этилган бўлса, у ҳолда юридик шахснинг ўзини ишда иштирок этишга жалб қилиш суд томонидан ХПКнинг 38-моддасига мувофиқ ҳал этилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида» ги 2007 йил 15 июндаги 162-сон қарорининг 9-бандида тушунтириш берилган.

Шу сабабли кассация инстанция суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

6. ФКнинг 721-моддасида агар ташувчи юкнинг кам чиқишида ўзининг айби йўқлигини исбот қилиб бера олмаса, ташиш учун қабул қилиб олган юк кам чиққанлиги учун жавобгар бўлиши белгиланган.

Даъвогар – «2503 Yangiyo'l avtojamlanma» ДУК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар – «G'alla-Alteg»

ОАЖдан 6 602 646 сўм асосий қарз ва 3 301 323 сўм пеня ундиришни сўраган.

Шунингдек, жавобгар қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъвогардан юк ташиш шартномасига асосан келиб чиққан камомад – 6 350 084 сўм ва 3 175 042 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорига асосан даъво талаби ва қарши даъво талаби қисман қаноатлантирилган. Даъвогар ва жавобгарнинг асосий қарз суммалари ҳисоб-китоб қилиниб, «G‘a11a-Alteg» ОАЖдан «2503 Yangiyo‘l avtojamlanma» ДУК фойдасига 252 564 сўм асосий қарз, 126 282 сўм пеня ундирилган. Асосий даъвонинг ва қарши даъвонинг қолган қисмлари рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, тарафлар ўртасида 2007 йил 4 январда автомобил транспортида юк ташиш шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра даъвогар белгиланган тартибда ва миқдорда юкни кўрсатилган манзилга етказиб бериши, юк жўнатувчи эса юк ташиш учун белгиланган ҳақни тўлаши лозим бўлган.

Мазкур шартномага асосан даъвогар томонидан жами 52 634 779 сўмлик транспорт хизматлари кўрсатилган бўлиб, жавобгар томонидан 45 942 135 сўм тўлаб берилган. Натижада, жавобгар даъвогар олдида 6 602 648 сўм қарздор бўлиб қолган.

Даъвогар томонидан жавобгарга юк ташиш хизматини кўрсатишда табиий йўқотишлардан ташқари 46 497 кг жами 6 350 084 сўмлик дон маҳсулотлари камомадига йўл қўйилган.

Мазкур ҳолат тарафлар вакиллари иштирокида имзоланган накладнойлар орқали исботланган бўлиб, ҳар иккала тарафнинг камомад мавжудлигидан хабари бўлган.

Жавобгар томонидан даъвогарга 6 350 084 сўм камомадни тўлаш ҳақида талабнома берилган. Бироқ даъвогар томонидан ушбу талабнома жавобсиз қолдирилган.

ФКнинг 718-моддасида ташишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаган ёки тегишли суратда бажармаган тақдирда, тарафлар белгиланган тарзда жавобгар бўлиши, транспорт ташкилотларининг йўловчилар ва юк эгалари билан ташувчининг қонунда белгилаб қўйилган жавобгарлигини чеклаш ёки бартараф этиш ҳақидаги келишувлари ҳақиқий эмаслиги қайд этилган.

Ушбу кодекснинг 721-моддасида агар ташувчи юкнинг кам чиқишида ўзининг айби йўқлигини исбот қилиб бера олмаса, ташиш учун қабул қилиб олган юк кам чиққанлиги учун жавобгар бўлиши белгиланган ва мазкур норма тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 18-бандида ҳам ўз аксини топган.

Кассация инстанцияси суди юқорида баён этилганларга асосланган ҳолда биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилган деб топиб, суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим деб топган.

7. ХПК 60-моддасининг иккинчи қисмига кўра хўжалик судининг илгари кўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар, худди шу шахслар иштирокчиси бўлган бошқа ишни суд кўраётганда исбот қилинмайди.

Даъвогар «М» Харид савдо базаси жавобгар «Шарофбобо Авезов» ХСИЧФга нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, бинодан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Бухоро вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция тартибида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар «М» Харид савдо базаси Республика кўчмас мулк биржаси Бухоро вилоят филиалида ўтказилган биржа савдоларида қатнашиб, шартномага асосан 20-трест ташкилотига қарашли 17-сон вакиллиги корхонаси ҳисобидаги умумий майдони 510,9 кв.м бўлган маиший бинони сотиб олган.

Мазкур бинога Республика кўчмас мулк биржаси Бухоро вилоят филиали томонидан даъвогарнинг мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ордер берилган.

ФК 490-моддасининг биринчи қисмига кўра, корхонани сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилиб, унга ушбу Кодекснинг 491-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар албатта илова қилинади ва у нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Ваколатли давлат органининг қарорига биноан танлов (тендер) асосида тузиладиган корхонани сотиш шартномаси нотариал гувоҳлантирилиши шарт эмас.

Жавобгар даъвогарга тегишли бўлган бинога кириб олиб, унда қурилиш ишларини амалга оширган. Шу сабабли, даъвогар судга даъво билан мурожаат қилиб, ушбу бинодан жавобгарни мажбурий чиқаришни сўраган ва биринчи инстанция суди асосли равишда жавобгарни бинодан мажбурий тартибда чиқариш тўғрисидаги хулосага келган.

Чунки Бухоро вилоят хўжалик судининг 20–0509/7173-сонли иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори билан Гала Осиё шаҳрида жойлашган «20 трест» ҳиссадорлик жамияти 17-сон вакиллиги корхонасига қарашли умумий майдони 510,9 кв.м.дан иборат бўлган маиший бино жавобгар «Шарофбобо Авезов» ХСИЧФнинг ноқонуний эгалигидан даъвогар «М» Харид-савдо базасига олиб берилган.

Ушбу ҳал қилув қарори апелляция инстанцияси ва кассация инстанцияси судларининг қарорлари билан ўзгаришсиз қолдирилган.

ХПК 60-моддасининг иккинчи қисмига кўра хўжалик судининг илгари кўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар, худди шу шахслар иштирокчиси бўлган бошқа ишни суд кўраётганда исбот қилинмайди.

Жавобгарнинг кассация шикоятида даъвогарга берилган ордер қалбакилаштирилганлиги, суд томонидан асос қилиб келтирилган шартнома предмети бошқа эканлиги тўғрисидаги важлари иш ҳужжатлари билан ўз исботини топмади.

ХПК 55-моддасининг биринчи қисмига кўра ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан ишни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилган деб ҳисоблаб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган.

8. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 41-моддасининг иккинчи қисмига кўра ижро иши юритишни тамомлаш ваколати суд ижрочисига тегишлидир.

Термиз шаҳридаги «Орзу–165 қурилиш» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, хўжалик судининг 2007 йил 13 августдаги ҳал қилув қарорига асосан ундирилиши лозим бўлган солиқ

қарзларини тўлаганлиги муносабати билан ижро варақани ижродан чиқариб олишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан ариза қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ажрим ўзгаришсиз қолдирилган.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 41-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисидаги қарорни чиқариш ваколати суд ижрочисига тегишли.

Аммо биринчи инстанция суди ушбу қонун талабларига риоя қилмасдан, аризани мазмунан кўриб чиқиб, суд ҳужжати юзасидан ижро иши бўйича иш юритишни тамомлаган.

Қолаверса, аризада ижро ишини юритишни тамомлаш сўралмаган. Аризада солиқ қарзларини тўлиқ тўлаганлигини важ қилиб, ижро варақаларини ижродан чиқариб олиш талаби қўйилган.

ХПКнинг 24-моддасида бундай низоларнинг хўжалик судида ҳал этилиши белгиланмаган.

ХПК 86-моддасининг биринчи бандига кўра агар низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса, иш юритиш тугатилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси суди суд қарорларини бекор қилиб, иш юритишни тугатишни лозим топган.

9. Давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисидаги даъво талаби хўжалик судига тааллуқли эмас.

«Ўроқ полвон Авезов» ФХ судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, Косон туман ҳокимининг 2006 йил 1 майдаги қарорини бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишнинг хўжалик судига тааллуқлилиги ХПКнинг 23 ва 24-моддалари талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми 2007 йил 15 июндаги «Биринчи инстанция судида ишларни

кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида»ги 162-сонли қарорининг 19-бандида тушунтириш берилган.

ХПКнинг 24-моддасида хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар туркуми кўрсатилган бўлиб, унинг биринчи қисми 9-бандига кўра, хўжалик суди давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низоларни ҳал этади.

Биринчи инстанция суди даъво аризасида кўрсатилган, яъни туман ҳокими қарорини бекор қилиш ҳақидаги талаб хўжалик судида кўришга тааллуқли эмаслигига эътибор бермасдан, ишни мазмунан кўриб чиқиб, даъвони рад этиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни инобатга олмаган ва ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Шу сабабли, кассация инстанция суди суд қарорларини бекор қилиб, хўжалик иши бўйича иш юритишни тугатишни лозим деб топган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2009 йил 29 январдаги 13-сонли қарори
билан тасдиқланган)

4.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА 2009 ЙИЛДА ИШЛАРНИ КЎРИШ СУД АМАЛИЁТИ

1. ФКнинг 234-моддасига асосан мажбурият шартномадан келиб чиқади ва шартнома бекор қилинмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилмаган бўлса, шартнома мажбуриятининг бажарилиши шартнома тарафлари учун мажбурийдир.

«NURON» ҚК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «DELTA STAYN» МЧЖ ва «OLMALIQ GO‘SHT-SUT SAVDO» ОАЖдан 41 400 000 сўм асосий қарз ва 15 323 669 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, «OLMALIQ GO‘SHT-SUT SAVDO» ОАЖ жавобгарликдан озод қилинган.

Иш ҳужжатларига кўра, «NURON» ҚК 2004 йил тузилган шартномага асосан «OLMALIQ GO‘SHT-SUT SAVDO» ОАЖга 41 400 000 сўмлик маҳсулот етказиб берган. «OLMALIQ GO‘SHT-SUT SAVDO» ОАЖ 41 400 000 сўмлик маҳсулотни қабул қилиб олган ва бу ҳақда 2004 йил 26 февралда топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилган.

Тарафлар ўртасида 2006 йил 2 мартда қарзни бошқа шахсга ўтказиш ҳақида тузилган уч тарафлама шартномага бинoан «OLMALIQ GO‘SHT-SUT SAVDO» ОАЖнинг 41 400 000 сўм қарзини «DELTA STAYN» МЧЖга ўтказишга келишилган.

Аммо ушбу шартноманинг 5-бандига кўра, «DELTA STAYN» МЧЖ ўз зиммасига олган мажбуриятини бажармаган тақдирда, «OLMALIQ GO‘SHT-SUT SAVDO» ОАЖга 2004 йил 17 февралда тузилган шартнома мажбуриятининг бажарилиши бўйича солидар жавобгарлик белгиланган. Мазкур шартнома бекор қилинмаган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўғри қаноатлантирилиб, «NURON» ҚКнинг фойдасига «DELTA STAYN» МЧЖ ва «OLMALIQ GO‘SHT-SUT SAVDO» ОАЖдан 41 400 000 сўм асосий қарз, 15 323 669 сўм пеня ва суд харажатлари ундирилган. Апелляция инстанцияси суди эса 2006 йил 2 мартда тузилган шартнома бекор қилинмаганлигига аҳамият бермасдан

«OLMALIQ GO‘SHT-SUT SAVDO» ОАЖни жавобгарликдан озод қилган.

Шу боис, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

2. ФКнинг 235-моддасига асосан мажбурият унда тараф сифатида қатнашмаган шахслар (учинчи шахслар) учун бурчлар ҳосил қилмайди.

«Қўнғиротсодақурилиш» корхонаси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Қўнғирот сода заводи» УКдан 209 241 178 сўм етказилган зарарни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 70 152 072 сўм зарар ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Қўнғирот сода заводи» бош қурилиш дирекцияси (буюртмачи) ҳамда «Қўнғиротсодақурилиш» бошқармаси (бош пудратчи) ўртасида 2005 йил 10 январда ва 2006 йил 29 апрелда тузилган қурилиш-пудрат шартномаларига мувофиқ, бош пудратчи ёрдамчи пудратчилар билан биргаликда «Қўнғирот сода заводи»нинг қурилишида қурилиш-монтаж ишларини бажариши, буюртмачи эса бажарилган ишлар ҳақини тўлаб бериши лозим бўлган.

«Қўнғиротсодақурилиш» корхонаси жавобгар томонидан бажарилган ишлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган деган асос билан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Қўнғирот сода заводи» УКдан 209 241 178 сўм етказилган зарарни ундиришни сўраган ва бунга асос қилиб, жавобгар томонидан бажарилган ишлар учун тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги учун ёрдамчи пудратчилар хўжалик судига даъво аризалар билан мурожаат қилиб, ундан пеня ва жарималар ундирганлигини, бунинг оқибатида зарар кўрганлигини кўрсатган.

Мазкур ҳолатда буюртмачи, бош пудратчи ҳамда ёрдамчи пудратчилар ўртасида ўзаро шартнома мавжуд эмаслиги, бош пудратчи томонидан ёрдамчи пудратчига тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги учун буюртмачи жавобгарликни ўз зиммасига олмаганлиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

Ваҳоланки, даъвогар ва жавобгар ўртасида тузилган шартномада буюртмачи бажарилган ишлар учун тўловларни бевосита бош пудратчига тўлаб бериш мажбуриятини олган, бироқ ёрдамчи пудратчилар билан тузилган шартномалар юзасидан ҳеч қандай мажбурият олмаган.

Бундан ташқари, мазкур қурилиш объектида тўловлар қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 майдаги «Қўнғирот сода заводида қурилишни якунлаш тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилган.

Шу сабабли кассация инстанцияси суди суд қарорларини бекор қилиб, даъвони рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

3. Агар шартномада айнан битта мажбуриятнинг бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня кўринишида тўлаш белгиланган бўлса, қонун ҳужжатларида бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, даъвогар фақатгина бир шаклдаги неустойка қўллашни талаб қилишга ҳақли.

«Шифобахш тут» ФХ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «HWASHEN BUKHARA Co. LTD» ҚКдан 10 448 760 сўм асосий қарз, 1 671 800 сўм пеня ва 1 567 314 сўм жарима, жами 13 694 874 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 163-сонли Қарори 3-бандида, агар шартномада айнан битта мажбуриятнинг бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня кўринишида тўлаш назарда тутилган бўлса, қонун ҳужжатларида бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, даъвогар фақатгина бир шаклдаги неустойка қўллашни талаб қилишга ҳақли эканлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар ва жавобгар ўртасида 2008 йил 1 декабрь куни тут кўчати етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилган ва унга асосан жами 10 448 760 сўмлик тут кўчати етказиб берилган.

Лекин, жавобгар томонидан шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмасдан, етказиб берилган маҳсулот ҳақи шартномада белгиланган муддатларда тўлаб берилмаган. Шу сабабли даъвогар судга мурожаат қилиб, жавобгардан 10 448 760 сўм асосий қарз, 1 671 800 сўм пеня ва 1 567 314 сўм жарима ундиришни сўраган.

Судлар томонидан даъвогарнинг жавобгардан асосий қарз ва пеня ундириш тўғрисидаги талабини қаноатлантириш ҳақида асосли хулосага келинган. Чунки, шартноманинг 6.3-бандида маҳсулот ҳақини ўз вақтида бажармаганлик учун пеня ундириш белгиланган.

Бироқ, судлар томонидан жавобгардан 1 567 314 сўм жарима ундириш тўғрисида нотўғри тўхтамга келинган.

Шу боис кассация инстанцияси суди суд қарорларини ўзгартириб, даъвогар фойдасига «HWASHEN BUKHARA Co. LTD» ҚКдан 1 567 314 сўм жарима ундириш қисмини бекор қилиб, даъвонинг шу қисмини қаноатлантиришни рад қилган.

4. Неустойка миқдори хўжалик суди томонидан ФКнинг 326-моддасига асосан камайтирилганда, даъвогарнинг давлат божи бўйича харажатлари, неустойкани камайтирмасдан ундирилиши мумкин бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда жавобгар томонидан қопланади.

Тошкент ҳудудий «Қишлоқхўжаликкимё» АЖ номидан Қибрай туман филиали хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Шалола Хидиров Карим» ФХ ҳисобидан 2 116 398 сўм асосий қарз ва 854 606 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, «Шалола Хидиров Карим» ФХ ҳисобидан даъвогар фойдасига 2 116 398 сўм асосий қарз ундирилган. Даъвонинг қолган қисми рад этилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2008 йил 18 апрелдаги «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 180-сонли қарорининг 17-банди талабига кўра, неустойка миқдори хўжалик суди томонидан асосли равишда ФКнинг 326-моддасига асосан камайтирилганда, даъвогарнинг давлат божи бўйича харажатлари, неустойкани камайтирмасдан ундирилиши мум-

кин бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда жавобгар томонидан қопланади.

Биринчи инстанция суди жавобгар томонидан шартномавий мажбурият бажарилмаганлиги ва етказиб берилган маҳсулот учун тўлов амалга оширилмаганлиги сабабли, жавобгардан даъвогар фойдасига 2 116 398 сўмлик асосий қарзни ундириш ҳақида асосли қарор қабул қилган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди тарафлар ўртасида тузилган шартномада етказиб берилган маҳсулот учун унинг қиймати тўланмаганида пеня ундириш назарда тутилганлиги, даъвогар шартноманинг ушбу талабига асосланган ҳолда жавобгардан 854 666 сўм пеня ундиришни сўраганлиги, бироқ, даъвогар томонидан шартнома шартлари бузилиб, жавобгар томонидан маҳсулот ҳақи 100 фоиз тўлиқ тўланмасдан туриб, яна маҳсулот бериб юборилганлигини инобатга олиб, асосли равишда даъвогарнинг жавобгардан пеня ундириш ҳақидаги талабини рад этган. Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан пеня суммаси рад қилинган бир пайтда, иш бўйича жавобгардан 59 420 сўм давлат божи ундирилиши лозим бўлса-да, фақат 42 327 сўм, яъни қаноатлантирилган даъво миқдоридан келиб чиқиб давлат божи ундирилган ва хатога йўл қўйилган.

Шу боис кассация инстанцияси суди биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг давлат божи қисмини 59 420 сўмга ўзгартирган.

5. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

«Ўзбектелеком» АК «Навоийтелеком» филиали манфаатида даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармасидан 1 983 345,78 сўм асосий қарз ва 1 237 253,30 сўм неустойка ундиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан Марказий кон бошқармаси юридик шахс бўлмаганлиги сабабли Навоий кон-металлургия комбинати ишга жавобгар сифатида жалб қилинган.

Даъвогар пеня суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиб, даъво талабини ўзгартириб, 1 193 222,11 сўм пеня ва асосий қарзни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 1 983 345,78 сўм асосий қарз ва 1 193 222,11 сўм пеня ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддаси иккинчи қисмига асосан, етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, 2008 йил 29 январь куни тарафлар ўртасида телефон алоқа хизмати кўрсатиш бўйича шартнома тузилган. Унга кўра, даъвогар телефон алоқа хизматини кўрсатиш, жавобгар эса унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Ушбу шартнома шартларига асосан даъвогар томонидан 2008 йил ва 2009 йилнинг январь ойи давомида кўрсатилган хизматлар учун жавобгар 1 983 345,78 сўм қарз бўлиб қолган.

Шунга асосан суд инстанциялари даъво талабининг асосий қарзни ундириш қисмини асосли равишда қаноатлантирган.

Бироқ, даъвогарнинг неустойка ундириш талабини қаноатлантиришда биринчи инстанция суди хатога йўл қўйган, апелляция инстанцияси суди эса бунга эътибор қаратмаган.

Хусусан, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 5.1-бандида шартнома шартлари бузилган тақдирда, тарафларнинг жавобгарлиги ФК ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунлар билан тартибга солиниши белгиланган.

Биринчи инстанция суди томонидан ушбу қонун нормасига риоя этилмаган ҳолда жавобгардан кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлган миқдорида пеня ундирилган.

Апелляция инстанцияси суди эса бунга эътибор қаратмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорларининг пеня қисми 991 672,89 сўм қилиб ўзгартирилган.

6. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги билан етказилган зарарнинг ўртасида сабабий боғланиш бўлиши лозим.

«QUVVAT» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Ангрен ТЭТ» корхонасидан 40 706 000 сўм бой берилган фойда ва 10 000 000 сўм маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Суднинг ажрими билан «Тошкент электр тармоқлари» ОАЖ қўшимча жавобгар сифатида ишга жалб қилинган.

Ишни кўриш жараёнида даъвогар маънавий зарар ундириш талаби хўжалик судига тегишли бўлмаганлиги сабабли даъво миқдорини 10 000 000 сўмга камайтирган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

ФКнинг 14-моддаси иккинчи қисмига кўра, зарар деганда ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Даъвогар даъво аризасида тарафлар ўртасида электр энергияси етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилганлиги, 2009 йил 10 февраль куни «Ангрен ТЭТ» корхонаси ва «Тошкент электр тармоқлари» ОАЖ вакиллари томонидан истеъмолчининг истеъмоли жойига чиқиб кўрилганлиги, қонун бузилиши ҳолатлари юз берганлиги тўғрисида далолатнома тузилганлиги ва «Тошкент электр тармоқлари» ОАЖнинг талабномасига асосан «QUVVAT» МЧЖга электр энергиясини узатиш 2009 йил 17 февраль куни соат 14–30да тўхтатилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси махсус комиссиясининг қарори билан «Тошкент электр тармоқлари» ОАЖ

томонидан электр энергиясидан ўчирилиши асоссиз деб топилганлиги, электр энергияси узиб қўйилиши оқибатида МЧЖда 18 календар куни давомида электр энергияси бўлмаганлиги ва «Тошкент электр тармоқлари» ОАЖнинг ғайриқонуний ҳаракатлари билан электр энергияси етказиб бериш асоссиз тўхтатилиб қўйилганлиги сабабли корхона ишлаб чиқаришни тўхтатишга мажбур бўлганлиги, хўжалик шартномалари бўйича мижозларга шартномаларда, шу жумладан «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК билан тузилган 2008 йил 16 октябрдаги 193-сонли шартнома бўйича 169 680 000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмаганлиги ва етказиб бермаганлигини баён этиб, жавобгарлардан бой берилган фойдани ундириб беришни сўраган.

Бироқ, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК ва «QUVVAT» МЧЖ ўртасида тузилган 2008 йил 16 октябрдаги шартномага мувофиқ «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК етказиб бериладиган маҳсулотларнинг 50 фоиз қийматини тўлаб бергандан сўнг «QUVVAT» МЧЖ томонидан 45 кун давомида етказиб берилиши келишилган.

«Навоий кон-металлургия комбинати» ДК 2009 йил 6 март куни даъвогарга 13/18–83-сонли хат билан мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида тузилган 193-сонли шартномага мувофиқ 30 400 000 сўмлик теплосчетчик «Summator–3 M1» с 2 мя PRV–50–10-B–2, жами 200 080 000 сўмга маҳсулот етказиб беришни сўраган ва тўлов апрель-май ойларида амалга оширилиши ҳақида кафолат берилган.

Бундан келиб чиқадики, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК ва «QUVVAT» МЧЖ ўртасидаги шартномавий муносабат 2009 йил 6 мартдан бошланган. Бу даврда эса «QUVVAT» МЧЖга электр энергияси етказиб бериш тикланган. Бундай ҳолатда даъвогар 193-сонли шартноманинг бажарилмай қолишига жавобгарлар томонидан электр энергияси етказиб берилмаганлиги натижасида юз берганлиги ўртасида сабабий боғланиш йўқ.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

7. ФКнинг 335-моддасига асосан, агар кредитор қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги юз беришига ёки бажармаслик туфайли етказил-

ган зарар миқдорининг кўпайишига кўмаклашган бўлса, шунингдек кредитор мажбуриятни бажармасликдан етказилган зарарни камайтириш чораларини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли кўрмаган бўлса, суд ишнинг ҳолатларига қараб тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли.

ТИФ Миллий банк хўжалик судига мурожаат қилиб, Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри, Низомий кўчаси 16-уйда жойлашган бинони «Олтин Дон Компанияси» ҚКнинг қонунсиз эгалигидан олиб беришни ва банкнинг мулкидан фойдаланганлиги учун ҚКдан 8 739 040 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ТИФ Миллий банки фойдасига «Олтин Дон Компанияси» ҚКдан 8 739 040 сўм ундирилган.

ФКнинг 228-моддасига кўра, мулкдор ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли.

Иш ҳужжатларига кўра, «Кичкинтой» АЖга қарашли Янгийўл шаҳри, Низомий кўчаси 16-уйда жойлашган маъмурий бино «Янги Вега» ҚКнинг банк олдидаги қарзини узиш учун суд ижрочилари томонидан 2008 йил 30 апрелдаги топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан ТИФ Миллий банкига топширилган. «Олтин Дон Компанияси» ҚК раҳбари ҳам мазкур далолатномани имзолаган бўлса-да, маъмурий бинони ТИФ Миллий банкига бўшатиб бермаган. Шу боис, даъвогар маъмурий бинони «Олтин Дон Компанияси» ҚКнинг қонунсиз эгалигидан олиб беришни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъвонинг «Олтин Дон Компанияси» ҚКдан банк мулкидан фойдаланганлиги учун 8 739 040 сўм ундириш ҳақидаги талабини қаноатлантиришда даъвогарнинг айбини инобатга олмаган. Ваҳоланки, даъвогар зарарни камайтириш чораларини кўрмаган, у бинони далолатнома асосида қабул қилиб олгандан сўнг жавобгардан уни бўшатишни ўз вақтида талаб қилмаган.

ФКнинг 335-моддасига асосан, агар кредитор қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги юз беришига ёки бажармаслик туфайли етказилган зарар миқдорининг кўпайишига кўмаклашган бўлса, шунингдек кредитор мажбуриятни бажармасликдан етказилган зарарни камайтириш чораларини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли кўрмаган

бўлса, суд ишнинг ҳолатларига қараб тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли.

Юқорида қайд этилганларга асосан кассация инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарорининг «Олтин Дон Компанияси» ҚК ҳисобидан ТИФ Миллий банки фойдасига 8 739 040 сўм ижара ҳақини ундириш тўғрисидаги қисми ўзгартирилиб, «Олтин Дон Компанияси» ҚКдан ТИФ Миллий банкига 4 369 520 сўм ундирган ҳамда Янгийўл шаҳри, Низомий кўчаси 16-уйда жойлашган маъмурий бино «Олтин Дон Компанияси» ҚКнинг қонунсиз эгалигидан ТИФ Миллий банкига олиб берилган.

8. ФКнинг 446-моддасига асосан сотиб олувчи (олувчи) қонун ҳужжатларида, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган муддатда ва тартибда кўздан кечириши, қабул қилган товарларнинг миқдори ва сифатини текшириши ва товарнинг аниқланган номувофиқликлари ва камчиликлари тўғрисида етказиб берувчини дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

«Чинобод нефть база» УК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводидан 1 990 963 сўм камомад суммасини ундиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан Транспорт ИИБга қарашли махсус милиция батальони ишга жавобгар сифатида жалб этилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилиб, Транспорт ИИБга қарашли махсус милиция батальони жавобгарликдан озод этилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» ОАЖ (сотувчи) билан «Чинобод нефть база» УК (харидор) ўртасида 2007 йил 23 ноябрда тузилган шартноманинг 1.1-бандида «етказиб берувчи» (харидорга) «Ўзнефтьмаҳсулот» АК томонидан ажратилган маҳсулотларни етказиб бериш ҳажми, лимитлари ва тақсимланган йиллик тақсимотларга асосан ушбу шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган нефть маҳсулотларини 2008 йил давомида етказиб бериш мажбуриятини, (харидор) эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиш ва қонунчиликда кўрсатилган тартибда ўз вақтида тўлаб бериш мажбуриятини зиммасига олган.

Шартноманинг 4.6-бандида тарафлар (харидор) маҳсулотни темир йўл юк хатида кўрсатилган маҳсулот миқдори бўйича ўз манзилида «ИИВ Транспорт ИИБ НМКБАМБ» вакилларидан қабул қилиб олади деб келишганлар.

Шартнома шартларига кўра «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» ОАЖ томонидан «Чинобод нефть база» УКга 5 та вагон сиғимларда нефть маҳсулоти УТЙ «Қараул бозор №4» белгиси билан тамғаланиб, темир йўл орқали 2008 йил 27, 28 ва 30 июлда ортилган.

Вагон-сиғимлар 2008 йил 3 августда темир йўл томонидан техник соз ҳолда, бузилмаган пломбалар асосида харидорга топширилган.

Маҳсулотни миқдор бўйича қабул қилиш давомида 2 619 кг, яъни 1 990 963 сўм қийматда камомад борлиги аниқланган. Бу ҳақда 2008 йил 3 августда 519-сонли 2-НМ шаклдаги далолатнома тузилган.

Далолатнома маҳсулот етказиб берувчининг шартнома асосида вакили, яъни махсус милиция батальони ходими томонидан имзоланиб, камомад мавжудлиги тасдиқланган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартномада нефть маҳсулотини «сотувчи» жўнатишда «харидор» томонидан эса қабул қилишда миқдор ва сифати 2007 йил 1 ноябрдан амалга киритилган «Газ конденсати ва нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш ва юбориш, қабул қилиш, сақлаш, ортиш, ташиш тўғрисида»ги Йўриқномага асосан аниқланиши белгиланган.

Нефть маҳсулотлари «харидор» томонидан Йўриқноманинг 1-иловаси ҳисобланган, яъни маҳсулотни миқдор бўйича қабул қилиш Тартибига тўлиқ риоя қилинган ҳолда қабул қилинган.

«Чинобод нефть база» УКнинг 2008 йил 16 август куни «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» ОАЖ га юборган аниқланган камомад қийматини ихтиёрий тўлаб бериш тўғрисидаги 64-сонли талабномаси оқибатсиз қолдирилганидан сўнг, у хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Даъвогарнинг камомад қийматини ундириш тўғрисидаги талаби ишдаги мавжуд далолатнома, юк хатлари, қабул қилиш топшириш памяткаси (памятка приёмосдатчика), ҳисоб-китоб билан тасдиқланган бўлса-да, биринчи инстанция суди томонидан даъвони рад этиш ҳақида нотўғри хулосага келинган.

Темир йўл томонидан бир вақтнинг ўзида харидорга бир нечта вагон-сиғимлар топширилганлиги сабабли уларни қабул қилиш тузилган битта 2-НМ-шаклдаги далолатнома асосида расмийлаштирилган. Шунинг учун 2-НМ-шаклдаги далолатномада қабул қилиш учун тақдим этилган биринчи вагон-сиғимнинг вақти кўрсатилган.

Юқорида қайд этилганларга биноан «2-НМ-шаклдаги далолатномада кўрсатилган вақт қабул қилиш топшириш памяткасида (памятка приёмосдатчика) кўрсатилган вақтга тўғри келмаслиги ҳақида»ги «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» ОАЖнинг эътирозларини кассация инстанцияси суди қабул қилмаган.

Шу сабабли кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгартириб, даъвони рад этиш қисмини бекор қилган ва даъвони қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилган.

9. Давлат божининг миқдори даъво аризаси билан мурожаат қилинган пайтда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Андижон вилоят прокуратураси «Қишлоқхўжаликкимё» ҲАБ Балиқчи туман бўлими манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, «Файзли само юлдузи» ФХдан 813 000 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарорида даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилинган пайтда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисобга олган ҳолда давлат божи ундирилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўғри қаноатлантирилиб, «Қишлоқхўжаликкимё» ҲАБ Балиқчи туман бўлимига «Файзли само юлдузи» ФХдан 813 000 сўм асосий қарз ундирилган. Шунингдек, «Файзли само юлдузи» ФХдан 66 320 сўм давлат божи ундирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божи ставкалари ҳақида»ги 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли

қарори билан тасдиқланган «Давлат божи ставкалари» 2-бандининг «а»-кичик бандига мувофиқ мулкий тусдаги даъво аризаларидан, даъво баҳоси 1 млн. сўмгача бўлганда – даъво баҳосининг 3 фоизи миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда давлат божи ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги 2008 йил 21 июлдаги ПФ–4014-сонли Фармонининг 2-бандига мувофиқ, 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам ойлик иш ҳақи 25.040 сўм миқдорида белгиланган.

Демак, биринчи инстанция суди даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилинган пайтда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисобга олган ҳолда жавобгардан 25 040 сўм давлат божи ундириши лозим бўлган.

Шу сабабли кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорининг давлат божига тегишли қисмини ўзгартириб, «Файзли само юлдузи» ФХдан республика бюджетига ҳамда судлар ва адлия органларининг ривожлантириш жамғармасига 25 040 сўм давлат божи ундирган.

10. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмига асосан хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритиш учун қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида якка тартибда мурожаат этишга ҳақли эмас.

Чилонзор туман ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Емек» ҚКнинг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидаги 7 113 150,39 сўм солиқ қарзи ундирувини мол-мулкига қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, Чилонзор туман ДСИ «Емек» ҚКнинг 2009 йил 16 февраль ҳолатига давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида 7113150,39 сўм солиқ қарзи бор деб ҳисоблаб, ушбу қарзни унинг мол-мулкига қаратишни сўраган. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган. Аммо суд томонидан 10–0911/7028-сонли

хўжалик иши бўйича 2009 йил 1 майдаги ажрим билан «Емек» ҚКга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганлигига эътибор бермаган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмига асосан хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритиш учун қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида якка тартибда мурожаат этишга ҳақли эмас.

Агар банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан кейин қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза берилгунга қадар пайдо бўлган қарзни ундириш ҳақида кредитордан хўжалик судига даъво аризаси тушган бўлса, ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ даъво аризасини қабул қилиш рад этилади. Даъво тартибида кўрилаётган ишда жавобгарга нисбатан банкротлик ишининг мавжудлиги аниқланса, у ҳолда ХПК 86-моддасининг 1-бандига асосан хўжалик низоси бўйича иш юритиш тугатилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 142-сон қарорининг 6-бандида тушунтириш берилган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати ҳал қилув қарорини бекор қилиб, иш юритишни тугатишни лозим топган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2010 йил 28 январдаги 6-сонли қарори
билан тасдиқланган)

4.3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА 2010 ЙИЛДА ИШЛАРНИ КЎРИШ СУД АМАЛИЁТИ

1. Мижозлар ҳисобварақларига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлиги учун банк устав капиталининг энг кам миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

«JAYXUN-NIYET» МЧЖ «Промстрой Аман» МЧЖга 2 320 000 сўм ўтказиш ҳақида тўлов топшириқномасини ДАТ «Асакабанк» Қорақалпоғистон филиалига тақдим қилган.

ДАТ «Асакабанк» Қорақалпоғистон филиали «JAYXUN-NIYET» МЧЖ ҳисоб рақамидан «Промстрой Аман» МЧЖнинг ҳисоб рақамига 23 200 000 сўм ўтказган. Асоссиз ўтказилган 20 880 000 сўм пул маблағларининг 19 600 000 сўм қисми 2007 йилнинг декабригача «JAYXUN-NIYET» МЧЖга қайтарилган. Аммо даъвогар бир неча бор банкка мурожаат қилган бўлишига қарамасдан қолган 1 280 000 сўм «JAYXUN-NIYET» МЧЖга қайтарилмаган.

Шу сабабли даъвогар банкдан асоссиз ушлаб турилган 1 280 000 сўм, 44 343 669 сўм бой берилган фойда, 176 481 000 сўм жарима, жами 222 104 669 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ДАТ «Асакабанк»дан «JAYXUN-NIYET» МЧЖга 11 300 000 сўм жарима, 29 795 689 сўм зарар, жами 41 095 689 сўм ундирилган. Қолган даъво талаблари рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарорининг 29 795 689 сўм зарар ундириш қисми бекор қилиниб, асоссиз ушлаб турилган 1 280 000 сўм банкдан даъвогарга ундирилган, ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 30 июнда 1044-сон билан рўйхатга олинган «Ҳисобварақлар очиш, мижозлар ҳисобварақларига маблағ ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш тартиби бўйича белгиланган

талабларни бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан жарима жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 6-банди биринчи қисмига асосан қонунчиликда ўрнатилган мижозлар ҳисобварақларига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлик учун, электрон тўловларни амалга оширишнинг ва хато амалга оширилган электрон тўловларни қайтаришнинг ўрнатилган муддатларини бузишни истисно этган ҳолда, банк устав капиталининг энг кам миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

ДАТ «Асакабанк» Қорақалпоғистон филиали қонунчиликда ўрнатилган мижозлар ҳисобварақларига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини бузиб, «JAYXUN-NIYET» МЧЖнинг 20 880 000 сўм пул маблағларини унинг рухсатисиз учинчи шахсларга ўтказган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 11 ноябрдаги ПҚ–726-сон Қарорининг 2-бандига мувофиқ 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдори тижорат банклари учун – сўм эквивалентида 5 000 000 евро миқдорида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармасининг 2010 йил 3 февралдаги маълумотномасига кўра даъво аризаси судга тақдим қилинган кунда – 2009 йил 4 декабрда 1 евронинг миллий валютага нисбати 2 260,69 сўмни ташкил қилган. Даъво аризаси судга тақдим қилинган кунда банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоизи – 11 300 000 сўмни ташкил қилган.

Шу боис, биринчи инстанция суди банкдан даъвогарга 11 300 000 сўм жарима ундириш ҳақида тўғри хулосага келган.

Бироқ, суд банкдан даъвогарга 29 795 689 сўм зарар ундириш ҳақида нотўғри хулосага келган. Чунки «JAYXUN-NIYET» МЧЖ олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадларни далиллар асосида исботлаб бермаган.

Биринчи инстанция суди асоссиз ушлаб турилган 1 280 000 сўмни ундириш ҳақидаги талабни муҳокама қилмаган.

Асоссиз ўтказилган 20 880 000 сўм пул маблағларининг 1 280 000 сўми «JAYXUN-NIYET» МЧЖга қайтарилмаган, натижада банкнинг айби билан жамият шу миқдорда зарар кўрган.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси суди асосли равишда ҳал қилув қарорининг 29 795 689 сўм зарар ундириш қисмини бекор қилиб, асоссиз ушлаб турилган 1 280 000 сўмни банкдан даъвогарга ундирган.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

2. Солиқ текширувида давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг холислар сифатида иштирок этишига йўл қўйилмайди ва бу қоидани бузган ҳолда олинган солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳужжатлар ёки бошқа ахборот солиқ тўловчини солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортишга асос бўла олмайди.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Бухоро шаҳар ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси, Бухоро шаҳар ДСИнинг буйруғига асосан ЯТТ З. Қамбаровага қарашли савдо шохобчасида 2009 йил 10 февралда қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текшириш натижалари юзасидан тузилган далолатномада ЯТТ харидорга 2 200 сўм савдо учун касса чекини бермаганлиги, дўконда 339 000 сўмлик кирим қилинмаган товарлар мавжудлиги қайд этилган.

Шу сабабли Бухоро шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, ЯТТ З. Қамбаровага СКнинг 114-моддасига асосан 339 000 сўм, 119-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорида молиявий жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан жавобгарга СКнинг 114-моддасига асосан 312 000 сўм, 119-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг 30 баравари – 841 200 сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг қарорига кўра текшириш юзасидан далил қонунга хилоф усул билан, яъни уни тўплаш юзасидан қонунда назарда тутилган қоидаларга амал қилмаган ҳолда олинганлиги аниқланиб, текширишда холис сифатида иштирок этганлиги давлат солиқ хизмати органи ходими исботланган.

Ушбу суднинг ҳукмига асосланиб ЯТТ З. Қамбарова судга қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилган.

Суд ажрими билан қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза қаноатлантирилиб, ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган ва бунга асос қилиб, СК 99-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг холислар сифатида иштирок этишига йўл қўйилмаслиги, ушбу Кодекс 67-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда олинган солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳужжатлар ёки бошқа ахборот солиқ тўловчини солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортишга асос бўла олмаслиги кўрсатилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

3. Агар солиқ тўловчининг бир неча савдо шохобчалари мавжуд бўлса ва бир солиқ текшируви жараёнида уларнинг ҳар бирида СКнинг 119-моддасида назарда тутилган бир хилдаги ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги аниқланса, солиқ тўловчига молиявий санкция бир марта қўлланилади.

МХХнинг «Тафтиш тайинлаш ҳақида» 2010 йил 30 мартдаги қарори, Бухоро вилоят ДСБнинг буйруқлари ва текшириш дастурига асосан «Бухоро» меҳмонхона мажмуасининг молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан текшириш ўтказилган.

Текшириш натижалари юзасидан тузилган далолатномада «Бухоро» меҳмонхона мажмуасининг омборхонасида 7 714 220,40 сўмлик янги «Технообменник» техник жиҳози мавжуд эмаслиги, унинг ўрнида шу русумдаги эски техник жиҳоз мавжудлиги, 3 та ҳолатда НКМ ишлатилмасдан савдо амалга оширилганлиги ва харидорларга касса чеки берилмаганлиги қайд этилган.

Текширишда аниқланган ҳолатлар бўйича Бухоро шаҳар ДСИнинг 2010 йил 4 ва 7 июнда қарорлари қабул қилиниб, ҳисобланган молиявий санкцияларни ихтиёрий тўлаш ҳақида «Бухоро» меҳмонхона мажмуасига талабнома берилган.

Бундан норози бўлган «Бухоро» меҳмонхона мажмуаси хўжалик судига мурожаат қилиб, Бухоро шаҳар ДСИнинг 2010

йил 4 июндаги 42-сон қарорини ва 2010 йил 7 июндаги қарорини қисман ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Шунингдек, Бухоро шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Бухоро» меҳмонхона мажмуасига СКнинг 114-моддасига асосан 7 714 200 сўм, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан 3 та ҳолат бўйича энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан – 3 391 200 сўм миқдорида молиявий санкция қўллашни сўраган.

Суд ажрими билан ишлар бирлаштирилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъволар қисман қаноатлантирилиб, «Бухоро» меҳмонхона мажмуасига СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг эллик баравари – 1 884 000 сўм миқдорида молиявий санкция қўлланилган, Бухоро шаҳар ДСИнинг 2010 йил 7 июндаги қарорининг 1-банди тўлиқ, 3-банди қисман, 2010 йил 4 июндаги 42-сон қарори 1.2-бандининг биринчи хатбошиси тўлиқ, учинчи хатбошиси қисман ҳақиқий эмас деб топилган. Даъволарнинг қолган талаблари рад этилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган ва бунга асос сифатида қуйидагилар кўрсатилган.

СК 114-моддасининг биринчи қисмига кўра кирим қилинмаган товарларни сақлаш, бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар мустасно, ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш (камайтириб кўрсатиш) – кирим қилинмаган товар қиймати ёки яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданинг учинчи қисмига биноан ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб эътироф этилади.

«Бухоро» меҳмонхона мажмуасининг омборхонасида 7 714 220,40 сўмлик «Технообменник» техник жиҳози мавжуд бўлган. Ушбу маҳсулотнинг янги бўлиши шарт эканлиги давлат солиқ хизмати органи томонидан исботланмаган. Шу сабабли, би-

ринчи инстанция суди Бухоро шаҳар ДСИ қарорларининг ушбу қисмини асосли равишда ҳақиқий эмас деб топиб, ушбу суммага молиявий санкция қўллаш ҳақидаги талабни рад этган.

Бухоро шаҳар ДСИнинг 2010 йил 4 июндаги 42-сон қарори ва 2010 йил 7 июндаги қарорида «Бухоро» меҳмонхона мажмуаси томонидан 3 та ҳолатда НКМ ишлатилмасдан савдо амалга оширилганлиги ва харидорларга касса чеки берилмаганлиги қайд этилиб, меҳмонхона мажмуасига 3 та ҳолат бўйича энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан – 3 391 200 сўм миқдорида молиявий санкция қўллаш белгиланган ва хўжалик судидан шу миқдорда молиявий санкция қўллаш сўралган.

СК 119-моддасининг биринчи қисмига биноан фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик учун энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорида жарима солинади. «Бухоро» меҳмонхона мажмуасида 3 та ҳолатда НКМ ишлатилмасдан савдо амалга оширилган ва харидорларга касса чеки берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан СК умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2010 йил 18 июндаги 210-сон қарорининг 40.2-бандига кўра агар солиқ тўловчининг бир неча савдо шохобчалари мавжуд бўлса ва бир солиқ текшируви жараёнида уларнинг ҳар бирида СКнинг 119-моддасида назарда тутилган бир хилдаги ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги аниқланган тақдирда, солиқ тўловчига бир марта молиявий санкция қўлланилади.

Шунга кўра, биринчи инстанция суди меҳмонхона мажмуаси томонидан СКнинг 119-моддасида назарда тутилган бир хилдаги 3 та ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги сабабли Бухоро шаҳар ДСИнинг қарорларининг ушбу қисмини қисман ҳақиқий эмас деб топиб, солиқ тўловчига бир марта молиявий санкция қўллаган.

4. Даъво аризаси имзоланмаган ёки имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, хўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдиради.

Тошкент туман ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан «Абдужалилхон Барака» ФХнинг янги таҳрирдаги Устави рўйхатдан ўтказилган. Мазкур Уставда ФХнинг раҳбари И. Позилов деб кўрсатилган.

«Абдужалилхон Барака» ФХ раҳбари вазифасини бажарувчи Ф. Абдужалилхонов Тошкент туман ҳокимлигига нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, унга ФХни бошқариш ҳуқуқини беришни ва туман ҳокимлиги зиммасига ер ижара шартномасини тузиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Даъво аризасида ФХ раҳбари И. Позиловнинг турар жойи номаълум эканлиги, унга нисбатан сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш ҳақида жиноят ишлари бўйича Тошкент туман суди томонидан 2009 йил 1 майда ажрим чиқарилганлиги қайд этилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, Тошкент туман ҳокимлиги зиммасига «Абдужалилхон Барака» ФХнинг меросхўри билан ер ижара шартномасини тузиш мажбурияти юклатилган. Даъво талабининг қолган қисми бўйича иш юритиш тугатилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиб, даъво кўрмасдан қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарорида биринчи инстанция суди даъво аризасини имзолаш ҳуқуқи бўлмаган Ф. Абдужалилхонов томонидан имзоланганлигига эътибор бермаганлиги, ФХнинг 2009 йил 20 апрелдаги «Вақтинчалик раҳбарликка тайинлаш тўғрисида»ги 1-сонли буйруғи ва И. Позилов томонидан берилган ишончнома Ф. Абдужалилхоновда даъво аризасини имзолаш ваколати борлигини билдирмаслиги, чунки, юқорида қайд этилган буйруқда ФХ раҳбари меҳнат таътилига чиқиши муносабати билан раҳбар вазифасини вақтинчалик бажариш Ф. Абдужалилхоновга юклатилганлиги, ушбу буйруқ 2009 йил 20 апрелда чиқарилган даъво аризаси эса 2010 йил 15 мартда имзоланганлиги, Ф. Абдужалилхоновга берилган иншончномада эса у ФХ номидан даъво аризаси бериши мумкинлиги назарда тутилмаганлиги, ХПК

88-моддасининг 3-бандига кўра, даъво аризаси имзоланмаган ёки имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, хўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдириши белгиланганлиги қайд қилинган.

5. Қонунда белгиланган қоидаларни бузиб ўтказилган ким ошди савдоси манфаатдор шахснинг талаби билан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Сурхондарё вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан Термиз шаҳар ДСИ фойдасига жавобгар «Орзу–165 қурилиш» МЧЖ мол-мулкидан 18 070 681 сўм асосий қарз, 6 757 281 сўм устама ва 5 500 сўм почта харажати, жами 24 833 463 сўм солиқ қарзи ундирилган. Мазкур ҳал қилув қарори асосида 2007 йил 14 сентябрда ижро варақаси берилган.

Суд ҳужжати ижросини таъминлаш мақсадида суд ижрочиларининг Термиз шаҳар бўлими томонидан 2008 йил 12 февралда далолатнома тузилиб, «Орзу–165 қурилиш» МЧЖга қарашли Термиз шаҳар, М. Кошғарий кўчасида жойлашган уч қаватли маъмурий бино холислар иштирокида хатланган ҳамда ушбу бино Республика кўчмас мулк биржаси Сурхондарё вилоят филиалида 2008 йил 24 июнда ўтказилган аукцион савдосида «Ассон-Термиз» СИЧХКга 133 100 000 сўмга сотилган.

Даъвогар «Орзу–165 қурилиш» МЧЖ жавобгарлар Республика кўчмас мулк биржаси Сурхондарё вилоят филиали, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси, мазкур бошқарманинг Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлими, «Ассон-Термиз» СИЧХКга нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, Республика кўчмас мулк биржаси Сурхондарё вилоят филиалида 2008 йил 24 июнда ўтказилган аукцион савдосини ва аукцион савдоси натижалари бўйича тузилган баённомани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суднинг ажрими билан Республика кўчмас мулк биржаси ишга жавобгар сифатида жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилинган. Даъвогарнинг аукцион савдосини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво талаби бўйича иш юритиш туга-

тилган. Даъвогарнинг аукцион савдоси натижалари бўйича тузилган баённомани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво талаби рад этилган.

Кассация инстанцияси суди апелляция инстанция судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган ва бунга асос қилиб қуйидагиларни кўрсатган:

– суд ижрочилари томонидан ижро ишини қўзғатиш ҳақидаги қарор даъвогарга юборилганлиги, шунингдек бинони хатлашда қонунда кўрсатилган кетма-кетликка риоя этилганлиги исботлаб берилмаган;

– суд ижрочилари томонидан даъвогарга тегишли мулкни рўйхатга олиш тартибининг бузилиши билан бир қаторда уни аукцион савдоларига чиқаришда ҳам қонун бузилишига йўл қўйилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ–458-сонли қарори билан тасдиқланган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 11-бандида суд ижрочиси автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни сотиш учун биржага давлат даромадига ўтказилган автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар билан биргаликда ваколатли органдан олинган куннинг эртасидан кечиктирмай, бошқа ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишда – баҳоловчидан автомототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни баҳолаш тўғрисидаги хулоса олинган куннинг эртасидан кечиктирмай буюртма юбориши қайд этилган. Суд ижрочиси томонидан даъвогарга тегишли мулкларни савдога чиқаришда ушбу муддатларга риоя этилмаган;

– «Азиза-Баҳо» МЧЖнинг бинони баҳолаш бўйича ҳисоботида баҳоланган сана 2008 йил 12 март деб кўрсатилган, суд ижрочиси томонидан буюртма эса кўчмас мулк биржасига 2008 йил 30 апрелда юборилиб, ушбу буюртма биржа томонидан 2008 йил 8 май куни кирим қилинган ва аукцион савдолари 2008 йил 24 июнь соат 11–00 га тайинланган;

– даъвогар томонидан иш бўйича берилган ижро варақасида кўрсатилган қарз суммаси 2008 йил 23 июнь куни қопланганлиги, хўжалик суди томонидан Республика кўчмас мулк биржаси Сур-

хондарё вилоят филиалига ҳамда Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлимига савдони тўхтатиш ҳақида хат берилган бўлса-да, савдо тўхтатилмаган;

– қайд этилган Қонун 34-моддаси иккинчи қисмининг 3-бандида ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини ижро этишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи қонунда қайси мансабдор шахсга берилган бўлса, ўша мансабдор шахс томонидан қарор чиқарилганда ижро иши юритиш суд ижрочиси томонидан тўхтатиб турилиши шартлиги, қайд этилган Низомнинг 32-бандида эса ижро ҳужжати беришга асос бўлган қарор бекор қилинган ёхуд ижро ҳужжатининг ижроси қонунда белгиланган тартибда тўхтатилган тақдирда, аукцион уни ташкил этиш ёки ўтказишнинг ҳар қандай босқичида тўхтатиб қўйилиши мумкинлиги, бу ҳақда суд ижрочиси зудлик билан биржага ёзма хабар бериши лозимлиги қайд этилган;

– апелляция инстанцияси судининг аукцион савдосини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво талаби хўжалик судида кўриш учун тегишли эмаслиги ҳақидаги хулосаси нотўғри, чунки, ФКнинг 381-моддасига кўра қонунда белгиланган қоидалар бузиб ўтказилган ким ошди савдоси манфаатдор шахс талаби билан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги, ким ошди савдосини ҳақиқий эмас деб топиш ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан тузилган шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабабчи бўлади.

6. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми суд муҳокамаси предмети ҳисобланган барча талаблар бўйича тугалланган ва якуний жавобни ўз ичига олган бўлиши зарур.

Оққўрғон туман ҳокимлиги хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Оққўрғон туман ҳокимининг «Бердиёр» ФХга ер майдони ажратиш тўғрисида»ги қарорини бекор қилишни ҳамда 99,0 га ер майдонини Оққўрғон туман ҳокимлиги захирасига қайтаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан иш юритиш тугатилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Биринчи инстанция суди томонидан даъвонинг фақатгина туман ҳокими қарорини бекор қилиш ҳақидаги қисми муҳокама қилинган ҳамда ушбу талаб хўжалик судида кўриш учун те-

гишли эмаслиги ҳақида хулосага келиниб, ХПК 86-моддасининг 1-бандига асосланган ҳолда иш юритиш тугатилган.

Суд томонидан даъвонинг ер майдонини Оққўрғон туман ҳокимлиги захирасига қайтариш ҳақидаги қисми муҳокама қилинмаган ва ушбу талаб бўйича қарор қабул қилинмаган.

Ваҳоланки, ХПК 138-моддасининг олтинчи қисмига кўра ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши лозим. Шунингдек, Олий хўжалик суди Пленуми 2007 йил 15 июндаги «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 161-сонли қарорининг 8-бандига мувофиқ судларнинг эътибори қарорнинг хулоса қисми суд муҳокамаси предмети ҳисобланган барча талаблар бўйича тугалланган ва якуний жавобни ўз ичига олган бўлиши зарур.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди ажримни бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

7. Даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар ҳам уни тўлашдан озод қилинган бўлса, суд томонидан ундирилмайди.

«Чилонзор туман электр тармоқлари» ОАЖ ҳамда Чилонзор туман молия бўлими ўртасида «Бюджет ташкилотлари учун электр энергия таъминоти шартномаси» тузилган.

Мазкур шартномага биноан даъвогар жавобгарга шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда электр энергияси етказиб берган.

Бироқ, жавобгар шартнома шартларини лозим даражада бажармаганлиги сабабли даъвогар олдида электр энергиясидан 808 752,13 сўм қарздорлик вужудга келган.

Шу сабабли, «Чилонзор туман электр тармоқлари» ОАЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Чилонзор туман молия бўлимидан 808 752,13 сўм асосий қарз ва 81 322,92 сўм пеня ундиришни сўраган. Жавобгар томонидан иш судда кўрилгунга қадар 727 945,45 сўм тўлов амалга оширилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, «Чилонзор туман электр тармоқлари» ОАЖ фойдасига Чилонзор туман молия бўлимидан 41 732 сўм жарима, 8 132 сўм пеня, 37 680 сўм давлат божи ва 5 000 сўм почта харажатлари ундирилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Биринчи инстанция суди ишни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаган.

Чунки, жавобгар томонидан иш судда кўрилаётган кунга қадар 727 945,45 сўм тўлов амалга оширилган. Суд эса ушбу тўловни инобатга олган ҳолда асосий қарздан ушбу суммани чегириб ташлаган бўлса-да, лекин ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида жавобгардан 41 752 сўм асосий қарз ундириш ўрнига 41 752 сўм жарима ундириб, хатога йўл қўйган.

Бундан ташқари, биринчи инстанция суди Чилонзор туман молия бўлимидан 37 680 сўм давлат божи ундириш тўғрисида нотўғри хулосага келган. Чунки, СК 330-моддасининг 21-бандига кўра молия органлари давлат божидан озод қилинган.

Шу боис кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, ҳал қилув қарори хулоса қисмидаги «Чилонзор туман молия бўлими ҳисобидан «Чилонзор туман электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ фойдасига 41 752 сўм жарима ундириш қисми «Чилонзор туман молия бўлими ҳисобидан «Чилонзор туман электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ фойдасига 41 752 сўм асосий қарз ундирилсин» деб ўзгартирилган ва ҳал қилув қарорининг Чилонзор туман молия бўлими ҳисобидан 37 680 сўм давлат божи ундириш қисми бекор қилинган.

8. ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли, аммо неустойканинг энг кам миқдори ФКнинг 327-моддасида кўрсатилган фоизлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

«Олпласт» ҚК ва «Навоийазот» ОАЖ ўртасида тузилган маҳсулот етказиб бериш шартномалари ва қўшимча келишувларга асосан «Олпласт» ҚК томонидан жавобгарга 850х550х130 мм. полиэтелен қопламали полипропилиен қоплари етказиб берилган.

Бироқ, жавобгар томонидан етказиб берилган маҳсулот учун тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли унинг даъвогардан 1 215 547 292 сўмлик қарздорлиги вужудга келган.

Шу боис, ССП Тошкент шаҳар бошқармаси «Олпласт» ҚК манфаатида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, жавобгар «Навоийазот» ОАЖдан 1 215 547 292 сўм асосий қарз, тўлов 125 кунга кечиктирилганлиги учун 607 773 645 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, «Олпласт» ҚК фойдасига жавобгар «Навоийазот» ОАЖдан 1 215 547 292 сўм асосий қарз, 36 466 418 сўм пеня ундирилган. Даъвонинг қолган қисми рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими билан апелляция шикояти бўйича иш юритиш тугатилган.

Биринчи инстанция суди низони хал этишда моддий ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатога йўл қўйган. Яъни, жавобгардан даъвогар фойдасига 36 466 418 сўм пеня ундириш тўғрисида нотўғри хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 2007 йил 15 июндаги 163-сонли Қаророининг 4-бандида ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли эканлиги, шу билан бирга неустойканинг энг кам миқдори ФКнинг 327-моддасида кўрсатилган фоизлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Шу боис, кассация инстанцияси судининг қарори билан Навоий вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, «Олпласт» ҚК фойдасига жавобгар «Навоийазот» ОАЖдан 57 000 000 сўм пеня ундирилган.

9. Шартномада етказиб берилган маҳсулот қийматини тўлаш муддати кўрсатилмаган бўлса ва ФКнинг 242-моддасига асосан кредитор қарздорга тўлов мажбурияти ижросини бажариш юзасидан талабнома юбормаган бўлса, кредитор қарздордан шартнома ёки қонун ҳужжатларида белгиланган неустойкани талаб қилишга ҳақли эмас.

«Мевасабзавоттайёрловсавдо» МЧЖ билан «Соҳибқирон Салтанати» МЧЖ ўртасида жами 211 500 000 сўмлик гуруч етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилган.

«Соҳибқирон Салтанати» МЧЖ маҳсулот қийматининг 50 фоизи, яъни 117 500 000 сўмини олдиндан тўлаб берган.

«Мевасабзавоттайёрловсавдо» МЧЖ шартномада белгиланган 90 000 кг, яъни 211 500 000 сўмлик гуруч маҳсулотини етказиб бер-

ган. Етказиб берилган маҳсулот қийматининг 94 000 000 сўмини эса «Соҳибқирон Салтанати» МЧЖ тўламаган. Шу боис «Мевасабзавоттайёрловсавдо» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Соҳибқирон Салтанати» МЧЖ дан 94 000 000 сўм асосий қарз ва 47 000 000 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан 94 000 000 сўм асосий қарз, 23 500 000 сўм пеня ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суд қарорларининг 23 500 000 сўм пеня ва 1 410 000 сўм давлат божи ундириш қисми бекор қилинган ва даъвонинг 47 000 000 сўм пеня ундириш талаби рад этилган.

Кассация инстанцияси суди бунга асос қилиб тарафлар ўртасида тузилган шартномада маҳсулотни етказиб бериш муддати кўрсатилган бўлса-да, маҳсулот қийматини тўлаш муддати кўрсатилмаганлигини, ФКнинг 242-моддасига кўра, агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга, қарздор эса – ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлишини, мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шартлигини, даъвогарнинг жавобгарга талабнома берилганлигини тасдиқловчи далиллар иш материалларида мавжуд эмаслиги, шартноманинг 3.1-бандида тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 фоиз пеня тўланиши белгиланганлигини, шартнома талабига кўра, жавобгар тўлов муддатини кечиктирган деб бўлмаслигини, шу боис даъвонинг пеня ундириш ҳақидаги қисми рад этилиши лозимлигини кўрсатган.

10. ФК 153-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд ҳал қилув қарори чиқаргунга қадар берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

«Тошқишлоқмаш» ОАЖ ва «Китоб туман техник хизмат кўрсатиш» ШК ўртасида 2005 йил 25 январда маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилган. Ушбу шартномага асосан «Тошқишлоқмаш» ОАЖ 2005 йил 25 январдаги 31-сонли счёт-

фактура орқали жавобгарга 5 770 560 сўмлик қишлоқ хўжалиги техникаси учун эҳтиёт қисмлари ва бошқа турдаги маҳсулотларни етказиб берган.

Бироқ жавобгар етказиб берилган маҳсулотлар учун тўловни амалга оширмаганлиги сабабли «Тошқишлоқмаш» ОАЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Китоб туман техник хизмат кўрсатиш» ШКдан 3 347 729 сўм асосий қарз, 1 673 865 сўм пеня, 502 159 сўм жарима, жами 5 523 754 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, «Китоб туман техник хизмат кўрсатиш» ШКдан 3 347 729 сўм асосий қарз, 50 215 сўм жарима ундирилган. Даъвонинг қолган қисми рад қилинган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Биринчи инстанция суди томонидан иш ҳолатларига етарлича баҳо берилмасдан, даъвони қисман қаноатлантириш тўғрисида нотўғри хулосага келинган.

Ҳал қилув қарорида тарафлар ўртасида 2005 йил 25 январда маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилганлиги кўрсатиб ўтилган бўлса-да, лекин иш ҳужжатларида мазкур шартнома мавжуд эмас.

Бундан ташқари, жавобгар судга ёзма равишда мурожаат қилиб, даъво аризаси асоссиз эканлиги ҳамда даъво муддати ўтганлиги сабабли даъвони рад этишни сўраган.

ФКнинг 150-моддасига кўра умумий даъво муддати уч йил.

Ушбу Кодекснинг 153-моддасига кўра, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатидан ўтганлигидан қатъи назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланади.

Қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Бироқ, мазкур ҳолатлар суднинг эътиборидан четда қолган.

Шу боис, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2011 йил 27 январдаги 13-сонли қарори билан тасдиқланган)

4.4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА 2011 ЙИЛДА ИШЛАРНИ КЎРИШ СУД АМАЛИЁТИ

1. ФК 384-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган талабларга риоя қилмаган ҳолда шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақида судга даъво аризасини тақдим этиш, уни кўрмасдан қолдиришга асос бўлади.

Денов туман ҳокимлиги хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Мироншоҳ» ФХ билан туман ҳокимлиги ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисидаги шартномани ўзгартиришни ва шартли чорва моли сонига нисбатан ортиқча ажратилган 28 га ер майдонини туман ҳокимлиги захира ер фондига қайтаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, туман ҳокимининг 2008 йил 1 ноябрдаги қарорига кўра «Мироншоҳ» ФХга жами 52,69 га ер майдони ажратилган. 2009 йил 13 мартда тарафлар ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш тўғрисида шартнома тузилган.

Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг 2010 йил 5 ноябрдаги тақдимномасида ФХ чорвачилик йўналишида ташкил қилинганлиги, шундан экин ери 47,6 га, ариқ ва зовурлар 5,0 га, йўллар 0,13 га ва қурилиш остидаги ерлар 2,33 га.ни ташкил этиши қайд этилган.

Туман ҳокимлиги ФХга ер майдони унда мавжуд бўлган шартли чорва молларига нисбатан кўпроқ ажратилганлиги учун даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиб, ФХга ижарага берилган 47,6 га ер майдонининг 28 га.ни туман ҳокимлиги захира ер фондига қайтаришни ва ижара шартномасини ўзгартиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди ишни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бузилишига йўл қўйган.

ФКнинг 384-моддасига асосан бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган

ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Бироқ, даъвогар томонидан жавобгарга шартномани ўзгартириш ҳақида талабнома юборилмаганлиги биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг эътиборидан четда қолган.

ХПК 88-моддасининг 5-бандига кўра, даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, суд даъвони кўрмасдан қолдиради.

Шу боис, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, даъвони кўрмасдан қолдирган.

2. Жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмаганлиги учун бундай талабларга нисбатан ХПК 86-моддасининг 8-бандини қўллаб бўлмайди.

«MUBORAKNEFTGAZ» ШК хўжалик судига мурожаат қилиб, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙКдан 37 810 206 сўм етказилган зарарни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан иш юритиш тугатилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «MUBORAKNEFTGAZ» ШК «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙК «Қарши-Термиз» темир йўл узелига 2010 йил 21 апрелда талабнома юборган.

Бироқ, биринчи инстанция суди Темир йўллар Уставининг 148-моддасига таяниб, юк ташиш жараёнида келиб чиқадиган барча низолар юзасидан талабномалар 6 ой ичида берилиши лозим бўлиб, ушбу муддат ичида талабнома берилмаган ва уни бериш имконияти йўқотилган деб ҳисоблаб, ХПК 86-моддасининг 8-бандига асосан иш юритишни тугатган.

Биринчи инстанция суди мазкур низо юк ташиш жараёнида эмас, балки жиноят туфайли юзага келганлигига эътибор бермаган. Зеро, зарарнинг жиноят туфайли етказилганлиги Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 2009 йил 15 декабрдаги ажрими билан ўз тасдиғини топган.

ФК 163-моддасининг бешинчи қисмига кўра жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

3. Сотиб олувчи сотувчи томонидан сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганда, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, кўрилган зарар ўрнини қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

«Навоий кон-металлургия комбинати» ДК «Шимолий кон бошқармаси» хўжалик судига мурожаат қилиб, «Навоийулгуржисавдо» МЧЖдан 9 600 000 сўм асосий қарз ва 12 800 000 сўм жарима ундиришни сўраган.

Шунингдек, жавобгар қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъвогардан 54 400 000 сўм асосий қарз, 2 720 000 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан асосий даъво рад этилган. Қарши даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар ва жавобгар ўртасида 2009 йил 5 декабрда шартнома тузилган. Унга кўра, жавобгар даъвогарга 2 дона ҳар бири 32 000 000 сўмдан «40/65–39X MICHELIN» русумли шиналарни 3 ой кафолат муддати билан етказиб бериши, даъвогар эса унинг ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини олган.

Шартномага биноан жавобгар 2009 йил 23 декабрдаги ҳисоб-фактура билан 2 дона ҳар бири 32 000 000 сўмлик, жами 64 000 000 сўмлик «MICHELIN» русумли шиналарни даъвогарга етказиб берган.

Даъвогар эса шартноманинг 3.4-бандига асосан жавобгарга маҳсулотнинг 15 фоизи миқдорида – 9 600 000 сўмлик тўловни олдиндан амалга ошириб берган. Мазкур шиналар 2009 йил 28 декабрда «KOMATSU WA–700» русумли юклагичларга ўрнатилган. Даъвогар томонидан 2010 йил 16 февраль ва 15 мартда тузилган далолатномаларда шиналарни ишлатиш жараёнида шиналарнинг бири 2010 йил 30 январда, яъни у қабул қилиб олинган кундан 33-

кун ўтгач, иккинчиси 2010 йил 14 мартда 77 кун ўтгач, ён томонидан йиртилиб, яроқсиз ҳолга келганлиги қайд этилган.

Шартноманинг 2.2-бандига кўра маҳсулотнинг кафолат муддати ишга туширилган пайтдан бошлаб уч ой деб белгиланган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 2.1-бандига биноан етказиб берилаётган маҳсулот сифатига кўра янги бўлиши ва ишлаб чиқарилган йили 2008–2009 йиллардан олдин бўлмаслиги лозимлиги белгиланган. Бироқ, жавобгар даъвогарга тегишли даражада сифатли бўлмаган товарларни, яъни 2000 йилда ишлаб чиқарилган шиналарни етказиб берган. Шунингдек, мазкур шартноманинг 2.3-бандига биноан, агар етказиб берилган маҳсулот кафолат муддати ичида тегишли даражада сифатли бўлмаган товар эканлиги аниқланган тақдирда, сотиб олувчининг, яъни даъвогарнинг ёзма мурожаатига биноан сотувчи, яъни жавобгар тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулотни янгисига, яъни сифатли маҳсулотга алмаштириб бериш мажбуриятини олган.

Даъвогар жавобгарга 2010 йил 17 февраль ва 15 мартда талабномалар билан мурожаат қилиб, кафолат муддатида яроқсиз ҳолга келган шиналарни янгисига алмаштириб беришни сўраган. Бироқ, даъвогарнинг ёзма талабномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари ишни кўришда иш ҳолатларига етарлича баҳо бермасдан, асосий даъвони рад этиш ва қарши даъвони қаноатлантириш тўғрисида хулосага келган.

ФКнинг 408-моддасига кўра, агар товарнинг камчиликлари сотувчи томонидан маълум қилинмаган бўлса, тегишли даражада сифатли бўлмаган товар топширилган сотиб олувчи ушбу Кодекснинг 434-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади.

Ушбу Кодекс 434-моддасига кўра сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганда, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни, харид нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни, товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни сотиб олувчи ёхуд учинчи

шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини, харид нархини мутаносиб камайтиришни, кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Юқоридагилардан кўра, кассация инстанцияси суди асосий даъвонинг 9 600 000 сўм ундириш қисмини тўлиқ қаноатлантиришни, жарима миқдорини 1 500 000 сўм қилиб белгилашни, дастлабки даъвонинг қолган қисмини эса рад этишни ҳамда қарши даъвони ҳам рад этишни лозим топган.

4. Қўшимча ҳисобланган солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни ундириш ҳақидаги талаб хўжалик судига тааллуқли бўлмаганлиги сабабли, талаб бўйича иш юритиш тугатилади.

Термиз шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, «Таъмир таъминот ташқи савдо» корхонасидан 29 697 300 сўм қўшимча ҳисобланган солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳамда 4 537 500 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, жиноят иши юзасидан СВОЖЖДЛҚК департаментининг буйруғига асосан «Таъмир таъминот ташқи савдо» корхонасида солиқ қонунчилигига риоя қилиши юзасидан текшириш ўтказилган.

Текшириш натижаси бўйича тўпланган ҳужжатлар Термиз шаҳар ДСИ томонидан кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинган. Унга кўра, корхонага 29 697 300 сўм қўшимча солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳамда 4 537 500 сўм пеня ҳисобланган. Корхона томонидан қўшимча солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳамда ҳисобланган пеня талабномада белгиланган муддатларда тўлаб берилмаган.

Шу сабабли солиқ органи судга мурожаат қилиб, мазкур тўловларни ва пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди аризани қаноатлантириш тўғрисида хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг мо-

лиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги 12/149-сонли қарори 16.1-бандининг учинчи қисмида агар назорат қилувчи орган томонидан аризада молиявий санкция қўллаш билан бирга қўшимча ҳисобланган солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни ундириш ҳақида талаб қўйилган бўлса, бунда ишнинг ушбу қисми бўйича иш юритиш мазкур талаб судга тааллуқли эмаслиги муносабати билан тугатилиши лозимлиги белгиланган.

СК 61-моддасининг биринчи қисмига кўра, солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчи томонидан олинган кундан эътиборан беш кун ичида солиқ қарзи узилмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари уни ушбу Кодекснинг 63-моддасида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг банк ҳисобварақларидан сўзсиз ундириш чораларини қўллайди.

Юқоридагиларга асосан кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талаби бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

5. Ишни кўриш даъвони (аризани) кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримни чиқариш билан якунланганида (даъвогар низони судга қадар ҳал этиш (претензия билдириш) тартибига риоя этмаган ва бундай ҳал этиш имконияти бой берилган ҳоллари бундан мустасно) давлат божи қайтарилмайди, тўланмаган давлат божи эса даъвогардан ундирилади.

«Ўринбой Ўткир яшил дала» ФХ хўжалик судига мурожат қилиб, Шофиркон туман ҳокимининг ҳамда Бухоро вилоят ҳокимининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Даъвогар низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар даъво предметини ўзгартириб, Шофиркон туман ҳокимининг қарорини ҳам ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан даъво кўрмасдан қолдирилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, биринчи инстанция суди ХПК 88-моддасининг 3-бандини қўллаб, даъвони кўрмасдан қолдирган.

Бироқ, биринчи инстанция суди СК 342-моддасини нотўғри қўллаган. Даъвонинг кўрмасдан қолдирилишида даъвогарнинг айби йўқ деб ҳисоблаб, ундан давлат божини ундирмаган.

Гарчанд, иш ҳужжатларида «Ўринбой Ўткир яшил дала» ФХнинг бошлиғи Ўринов Ғайрат деб кўрсатилган бўлса-да, унинг ўрнида ҳужжатлар аслида Ўринов Аваз томонидан имзоланган. Унинг имзолари ФХнинг бурчак тамғаси ва муҳри билан тасдиқланган. Бу эса ўз навбатида даъво аризасининг суд томонидан қабул қилинишига ва суд мажлисида муҳокама этилишига сабаб бўлган.

Биринчи инстанция суди томонидан давлат органининг низолашилаётган 3 та қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво талаблари бўйича республика бюджетига белгиланган тартибда ва миқдорда жами 1 130 400 сўм давлат божини ундириш масаласи ҳал этилмаган.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2008 йил 18 апрелдаги «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 180-сонли қарорининг 15-бандига кўра, ишни кўриш даъвони (аризани) кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримни чиқариш билан якунланганида давлат божи қайтарилмайди, тўланмаган давлат божи эса даъвогардан ундирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги «Давлат божи ставкалари ҳақида»ги 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 2-бандининг б-кичик бандида мулкка оид бўлмаган тусдаги даъво аризаларидан, шу жумладан, корхоналар ва бирлашмаларнинг юқори турувчи органларининг актларини тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ҳақидаги аризаларидан, шунингдек, жамоа хўжаликларининг, хусусий корхоналар, ҚКлар ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ташкилотлари халқаро бирлашмаларининг мулкка оид бўлмаган даъво аризаларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси суди суд ажримини ўзгартириб, даъвогардан 1 130 400 сўм давлат божи ундиришни лозим топган.

6. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил қарздорга кўрсатган хизматлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади.

ССП «SHOSH INVEST GROUP» МЧЖ манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, «JUNG-SURO» ҚК ва «UZBEK ANK SPINNING» МЧЖдан 563 954 500 сўм ундиришни сўраган.

Ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар даъвогар қўшимча даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъво талабини ўзгартириб, қўшимча жавобгар «JUNG-SURO» ҚКдан кафиллик шартномасига асосан қўшимча равишда 30 281 АҚШ доллари миқдорида пеня ва 42 811,05 АҚШ доллари миқдорида зарар ундиришни сўраган.

«JUNG-SURO» ҚК эса қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «SHOSH INVEST GROUP» МЧЖдан 204 598,68 АҚШ доллари асосий қарз ва 25 574,83 АҚШ доллари миқдорида мукофот пули ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан дастлабки даъво қисман қаноатлантирилиб, «UZBEK ANK SPINNING» МЧЖдан «SHOSH INVEST GROUP» МЧЖга 512 695 000 сўм асосий қарз, 6 000 000 сўм пеня ҳамда 1 800 000 сўм зарар, «JUNG-SURO» ҚКсидан «SHOSH INVEST GROUP» МЧЖга 5 229 356 сўм (3 028 АҚШ доллари) пеня, 36 967 298 сўм (21 405 АҚШ доллари) зарар ундирилган. Қарши даъво қаноатлантирилиб, «SHOSH INVEST GROUP» МЧЖдан «JUNG-SURO» ҚКга 353 341 920 сўм (204 598,68 АҚШ доллари) асосий қарз ва 44 167 731 сўм (25 574,83 АҚШ доллари) мукофот пули ундирилган. Даъволар ўзаро ҳисобга олиниб, «UZBEK ANK SPINNING» МЧЖдан «SHOSH INVEST GROUP» МЧЖга (562 691 654 – 397 509 651) 165 182 003 сўм ундирилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Даъвогар кассация шикояти билан мурожаат қилиб, дастлабки даъвони тўлиқ қаноатлантиришни ва қарши даъвонинг 25 574,83 АҚШ доллари миқдорида мукофот ундириш қисмини бекор қилиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «SHOSH INVEST GROUP» МЧЖ ва «JUNG-SURO» ҚК ўртасида қарз шартномаси имзоланган. Унга кўра, «SHOSH INVEST GROUP» МЧЖ 512 695 000 сўмни 90 кун муддатда қайтариш шарти билан «JUNG-SURO» ҚКга ўтказиб берган. Бироқ, «JUNG-SURO» ҚК шартнома шартларини бажармасдан қарзни ўз вақтида қайтармаган.

2011 йил 13 январда «SHOSH INVEST GROUP» МЧЖ (кредитор), «JUNG-SURO» ҚК (қарздор) ва «UZBEK ANK SPINNING»

МЧЖ (янги қарздор) ўртасида қарзни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида шартнома тузилган. Унга асосан «JUNG-SURO» ҚКнинг «SHOSH INVEST GROUP» МЧЖ олдидаги 512 695 000 сўмлик қарзи «UZBEK ANK SPINNING» МЧЖга ўтказилган.

2009 йил 13 ноябрда «SHOSH INVEST GROUP» МЧЖ ва «JUNG-SURO» ҚК ўртасида кафиллик шартномаси тузилган. Ушбу шартномага мувофиқ «JUNG-SURO» ҚК «SHOSH INVEST GROUP» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк»дан бўлган 302 810 АҚШ доллари миқдоридаги қарзини тўлаб бериш мажбуриятини олган. Мазкур шартномага асосан «JUNG-SURO» ҚК ОАТБ «Капиталбанк»га 204 598,68 АҚШ доллари миқдорида «SHOSH INVEST GROUP» МЧЖнинг қарзини тўлаб берган. Кафиллик шартномасининг 3.1-бандида кўрсатилган хизмат учун 12,5 фоиз миқдорида мукофот пули тўлаб бериш белгиланган.

ФКнинг 297-моддасига кўра, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил қарздорга кўрсатган хизматлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди кассация шикоятини қаноатлантирмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг
2012 йил 26 январдаги 3-сонли қарори
билан тасдиқланган)

4.5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА 2012 ЙИЛДА ИШЛАРНИ КЎРИШ СУД АМАЛИЁТИ

1. Иш берувчи ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этганлиги туфайли қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланиши лозим бўлган пул маблағларини тўлаб берганда, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига асосан суғурта товони иш берувчига, у шундай харажатларни амалга оширганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида тўланади.

«Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи» УК тугатиш бошқарувчиси хўжалик судига мурожаат қилиб, «O‘zbekinvest» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясидан 15 768 864 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи» УК ва «O‘zbekinvest» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ўртасида 2011 йил 23 июнда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш» ҳақида шартнома тузилган.

Мазкур шартноманинг 1-бандига асосан суғурта компанияси суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда иш берувчига, жабрланувчига ёхуд наф олувчига меҳнатда олган майиблиги, касб касаллиги ёки ходимнинг шартнома амал қиладиган даврда меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини олган. Шартноманинг 3-бандига асосан суғурта мукофоти 4 131 290 сўм миқдорида белгиланган. УК 2011 йил 29 июндаги тўлов топшириқномаси билан суғурта мукофотини тўлиқ тўлаб берган.

ФК 947-моддасига асосан суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтда кучга киради.

Агар шартномада суғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, шартномада шартлашилган суғурта суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

УК 17-цехининг ишчиси А. Исмоилов 2012 йил 3 февралда меҳнат вазифасини бажариш вақтида бахтсиз ҳодиса оқибатида, елка суякларининг синиши натижасида вафот этган.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгашининг 2012 йил 27 февралдаги хатига асосан, УКга вафот этган ходимнинг вояга етмаган синглисига боқувчисини йўқотганлик учун 15 768 864 сўм тўлаш тавсия этилган. Шу сабабли, УК 2012 йил 14 мартдаги тўлов топшириқномаси билан вафот этган ходимнинг оиласига 15 768 864 сўмни тўлаб берган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари»нинг 26-бандига кўра, ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этган ҳолларда, иш берувчи марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга, шунингдек ўн олти ёшга тўлмаган ёки у вафот этган кунга қадар ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзандига, шунингдек ота-онасидан бирига, умр йўлдошига ёки оиланинг бошқа аъзосига, агар у ишламасдан марҳумнинг уч ёшга етмаган болалари (укалари, сингиллари) ёки невараларининг парвариши билан банд бўлса, зарарни тўлаши шарт.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидалари»нинг 48-бандида мажбурий суғурта қилиш шартномасининг иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг соғлиғи ёмонлашганлиги ёхуд вафот этганлиги туфайли ке-

либ чиққан қўшимча харажатларининг компенсация қилинишига доир қисми бўйича суғурта товони иш берувчига, у шундай харажатларни амалга оширганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида тўланиши белгиланган.

Юқорида қайд этилганларга асосан биринчи инстанция суди даъвони тўлиқ қаноатлантириш ҳақида қонуний тўхтамга келган бўлса-да, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

Шу боис, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

2. Устав капиталининг камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақли.

Даъвогар «Buxoro Rabot Qoziteks» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгарлар «Turhal tekstil sanayi ve ticaret Ltd Sti» фирмаси ҳамда «Selen tekstil ve turizm sanayi taceret limited shirketi» фирмасини таъсисчилар таркибидан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Turhal Rabot Qoziteks» МЧЖ Ўзбек-Туркия ҚК Низомининг 7.2-бандида жамият устав фонди 1 236 000 АҚШ долларини ташкил этиши белгиланган. Унда «Buxoro Rabot Qoziteks» МЧЖнинг улуши 723 000 АҚШ долларини (ҚК устав фондининг 58,5 фоизини), «Turhal tekstil sanayi ve ticaret Ltd Sti» фирмасининг улуши 241 000 АҚШ доллари (ҚК устав фондининг 19,5 фоизини), «Selen tekstil ve turizm sanayi taceret limited shirketi» фирмасининг улуши 272 000 АҚШ долларини (ҚК устав фондининг 22 фоизини) ташкил этиши кўрсатилган.

«Turhal Rabot Qoziteks» МЧЖ Ўзбек-Туркия ҚК таъсисчиларининг 2009 йил 30 сентябрдаги умумий йиғилиши қарори қабул қилинган. Унга кўра, «Turhal tekstil sanayi ve ticaret Ltd Sti» фирмаси вакили Узкан Огуз ҚК ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш, корхонани энг камида 70 фоиз қувват билан ишлашини таъминлаш, «Selen tekstil ve turizm sanayi taceret limited shirketi» фирмаси вакили Хакверди Узкан ҚКда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни

сотиш ишларини ташкил этиш, маҳсулотларни сотиш мумкин бўлган янги бозорларни ўрганиш ва шартномалар имзолаш, жамият томонидан рақобатбардош, сифатли жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш устидан назорат қилиш мажбуриятларини олганлар.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмида жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақли эканлиги назарда тутилган.

ҚК таъсисчиларининг умумий йиғилишига асосан ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш мақсадида даъвогар – «Buxoro Rabot Qoziteks» МЧЖ жавобгарлар – «Turhal tekstil sanayi ve ticaret Ltd Sti» фирмаси ва «Selen tekstil ve turizm sanayi taceret limited shirketi» фирмасига 2010 йил 10 январда, 7 февралда, 17 мартда, 20 апрелда, 7 июнда, 15 июнда, 12 октябрда, 1, 11 декабрда огоҳлантириш хатлари билан мурожаат қилган. Аммо таъсисчилар томонидан ушбу мурожаатларга ҳеч қандай муносабат билдирилмаган.

Биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқлаб, ишдаги далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаб, даъвони қаноатлантирган.

Шу сабабли, кассация инстанция суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

3. Сотиб олувчи товар хусусида аниқланган номувофиқликлар ва камчиликлар тўғрисида товар етказиб берувчини дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

«Имон» тайёрлов корхонаси хўжалик судига мурожаат қилиб, «Шўртангазкимё мажмуаси» ШКдан 54 250 000 сўм асосий қарз ва 13 562 500 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, жавобгардан даъвогар фойдасига 54 250 000 сўм асосий қарз ва 1 356 000 сўм пеня ундирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, тарафлар ўртасида 2011 йил 16 майда олди-сотди шартномаси тузилган. Унга кўра, даъвогар жавобгарга 9 турдаги қиймати 108 490 000 сўмлик маҳсулотларни етказиб бериш, жавобгар эса маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Жавобгар томонидан қабул қилиб олинган маҳсулотлар учун 54 250 000 сўм тўловлар амалга оширилиб, қолган 54 250 000 сўмлик маҳсулот ҳақи тўлаб берилмаган.

Шу сабабли, даъвогар хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгардан 54 250 000 сўмлик қолган маҳсулот ҳақини ҳамда тўлов муддати кечиктирилган кунлар учун 13 562 500 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг даъвони рад этишига даъвогар томонидан жавобгарга етказиб берилган маҳсулотлар сифатсиз бўлганлиги сабабли улар қабул қилинмасдан даъвогар ходими Б. Жўраевга қайтариб бериб юборилганлиги асос бўлган. Бу ҳақда, 2011 йил 18 августда баённома тузилган.

Аммо ишда ушбу маҳсулотлар сифатсиз бўлганлиги сабабли жавобгар томонидан даъвогар вакили Б. Жўраевга қайтариб бериб юборилганлиги ва у маҳсулотларни қабул қилиб олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишончнома, ҳисоб-варақ) мавжуд эмас. Биринчи инстанция суди мазкур ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бермаган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 6.2-бандида сифатсиз маҳсулот етказиб берилганлиги учун мулкий жавобгарлик белгиланган бўлиб, жавобгар маҳсулотни сифатсиз эканлиги юзасидан даъвогарга эътироз билдирмаган.

ФК 446-моддасининг учинчи қисмига кўра, сотиб олувчи (олувчи) худди шу муддатда қабул қилинган товарларнинг миқдори ва сифатини қонун ҳужжатларида, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган тартибда текшириши ва товарнинг аниқланган номувофиқликлари ва камчиликлари тўғрисида товар етказиб берувчини дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

Адлия вазирлиги томонидан 1245–1-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлигининг 2003 йил 7 майдаги 62-сонли буйруғи

билан тасдиқланган «Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 9-банди биринчи қисмига асосан ишончномалар амал қилиш муддатидан қатъи назар товар-моддий бойликларнинг дастлабки берилишида етказиб берувчига қолдирилади. Товар-моддий бойликларни қисмларга бўлиб беришда ҳар бир берилган қисмга юкхат (қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжат) тузилади, унда ишончнома рақами ва у берилган сана кўрсатилади. Бундай ҳолларда юкхатнинг (ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг) бир нусхаси товар-моддий бойликларни олувчига берилади, бошқаси – етказиб берувчида қолади ҳамда ишончномага кўра бойликларни бериш устидан кузатув ва назорат учун қўлланилади.

Шу сабабли, апелляция инстанция суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 54 250 000 сўм асосий қарз, 1 356 000 сўм пеня ундириш тўғрисида асосли хулосага келган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

4. МЧЖнинг қарзлари бўйича, унинг мол-мулки ижро ҳужжатидаги талабларни ижро этиш учун етарли бўлмаганда, ундирувни уни таъсисчиларининг мол-мулкига ижро ҳужжатини ижро этиш тартиби ҳамда усулини ўзгартириш йўли билан қаратиш мумкин эмас.

«AVS Karvon trans» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Фрукты Кува Гарант» МЧЖдан 55 825,46 АҚШ доллари миқдорида асосий қарз ва 138,05 АҚШ доллари миқдорида комиссион тўлови ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилган. Ижро варақаси даъвогар томонидан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Қува туман бўлимига ижро этиш учун тақдим қилинган.

Ижро иши юритиш давомида қарздорнинг мол-мулки бўлмаганлиги сабабли томонидан Суд қарорларини ижро этиш,

судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Қува туман бўлими хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, ХПКнинг 217-моддаси ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 48–3-моддасига асосан суд ҳужжатининг ижро усулини ўзгартириб, ундирувни таъсис шартномасида кўрсатилган таъсисчиларнинг мулкига қаратишни сўраган.

Суднинг ажрими билан суд ҳужжатининг ижро усули ўзгартирилиб, ундирув таъсис шартномасида кўрсатилган таъсисчиларнинг мулкига қаратилган.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими билан апелляция инстанцияси судида иш юритиш тугатилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суднинг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Ишни янгидан кўриш жараёнида «AVS Karvon trans» МЧЖ судга ариза билан мурожаат қилиб, суд ҳужжатининг ижро усулини ўзгартиришни ва ундирувни жавобгарнинг таъсисчилари М. Раимжонов ҳамда «Раҳматжон ота» ФХ мол-мулкига қаратишни сўраган.

Суднинг ажрими билан суд ҳужжатининг ижро усули ўзгартирилиб, ундирув жавобгарнинг таъсисчиси М. Раимжоновнинг мол-мулкига қаратилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан суднинг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Қонун 48–3-моддасининг иккинчи қисмига кўра, тегишли қарздор юридик шахсларга нисбатан ижро ҳаракатларини амалга оширишда ундирувни ХК мулкдори, муассаса мулкдори, ФХнинг раҳбари, деҳқон хўжалигининг аъзолари, ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари, қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари, тўлиқ ширкат иштирокчилари, шунингдек коммандит ширкатдаги тўлиқ шериклар пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш ижро ҳужжатини ижро этиш тартиби ҳамда усулини ўзгартириш орқали амалга оширилади.

Ушбу модданинг учинчи қисмига асосан қарздорнинг ижро ҳужжатидаги талабларни ижро этиш учун етарли мол-мулки

бўлмаганда, ундирув суд қарори асосида қарздорнинг масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, тўлиқ ширкат, коммандит ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улушига, қарздорнинг ишлаб чиқариш кооперативидаги пайига қаратилади.

Мазкур ҳолатда қарздорнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли хусусий корхона, муассаса, фермер ёки деҳқон хўжалиги, ишлаб чиқариш кооперативи, қўшимча масъулиятли жамият, тўлиқ ёхуд коммандит ширкат бўлмаганлиги боис, уни таъсисчиларининг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкига қаратиш ижро ҳужжатини ижро этиш тартиби ҳамда усулини ўзгартириш орқали амалга оширилмайди.

Шу боис, биринчи инстанцияси судининг ажрими билан суд ҳужжатининг ижро усулини ўзгартириш ҳақидаги аризаларни қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ажрими ўз кучида қолдирилган.

5. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомототранспорт воситаларини сотиш фақат очиқ аукцион савдолари орқали амалга оширилади ва аукцион ўтказилиши тўғрисида хабарнома камида иккита (республика ва вилоят миқёсидаги) оммавий ахборот воситаларида берилади.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Бухоро вилоят бошқармаси «Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Бухоро вилоят филиали ва «Сулаймон файз» ХКга нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ким ошди савдосининг 14/8-сонли баённомасини ҳақиқий эмас деб топишни ва автомашинани ким ошди савдосида сотишни қонун доирасида қайтадан ташкиллаштиришга топшириқ беришни сўраган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2008 йил 13 апрелдаги ижро ҳужжатига асосан «Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Бухоро вилоят филиалида давлат рақами 20 U 9847 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси ким ошди савдосига чиқарилган. Унинг бошланғич нархи 13 559 856 сўм қилиб белгиланган.

Департаментнинг буюртма хатига асосан «Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Бухоро вилоят филиали маҳаллий матбуотда автотранспорт воситаси савдога чиқарилаётганлиги ҳақида эълон берган.

2011 йил 3 февралда бўлиб ўтган савдода «Сулаймон файз» ХК ғолиб чиқиб, автотранспорт воситасини 15 500 000 сўмга сотиб олган. Бу ҳақда ким ошди савдосининг баённомаси тузилган.

Бироқ, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Бухоро вилоят бошқармаси ўтказилган ким ошди савдосидан норози бўлиб, унинг натижалари бўйича тузилган баённомани ҳақиқий эмас деб топишни ва ким ошди савдосини қонун доирасида қайтадан ташкиллаштиришга топшириқ беришни сўраган.

Суднинг ажрими билан «Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ қўшимча жавобгар сифатида ишга жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвонинг «Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ баённомасини ҳақиқий эмас деб топиш қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси суднинг қарори билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ким ошди савдосининг баённомаси ҳақиқий эмас деб топилган. Даъвонинг ким ошди савдосини қонун доирасида қайтадан ташкиллаштиришга топшириқ бериш қисми бўйича иш юритиш тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ–458-сонли Қарори билан тасдиқланган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 2-бандида (низони кўрилаётганда амалда бўлган) ижро ҳужжатлари бўйича автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулк фақатгина биржалар томонидан махсус ажратилган савдо майдонларида ўтказиладиган аукцион савдоларида сотилиши белгиланган.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 15-бандига кўра, биржа буюртмани қабул қилган кундан бошлаб 3 кундан кечиктирмай оммавий ахборот воситаларида аукцион ўтказилиши тўғрисида хабарнома беради, хабарнома камида иккита (республика ва вилоят миқёсидаги) оммавий ахборот воситасида берилади.

Мазкур ҳолатда «Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Бухоро вилоят филиали томонидан аукцион ўтказилиши тўғрисида фақатгина маҳаллий матбуотда эълон берилган.

ФКнинг 381-моддасига кўра, қонунда белгиланган қоидалар бузиб ўтказилган ким ошди савдоси манфаатдор шахс талаби билан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Бухоро вилоят филиали ким ошди савдосини юқоридаги Низом талабларини бузиб ўтказганлиги сабабли, ким ошди савдоси баённомаси асосли равишда ҳақиқий эмас деб топилган.

Шу боис, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

6. Мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан даъво муддатининг ўтиши узилади ва узилишдан кейин даъво муддатининг ўтиши янгидан бошланади, узилишигача ўтган вақт эса янги муддатга қўшилмайди.

Андижон вилоят прокуратураси «Боғишамол» СИЧФ манфаатида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясидан 91 574 900 сўм асосий қарзни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Кассация шикоятида, суд томонидан компания тақдим этган ҳужжатлар, қарздорликни келиб чиқишининг сабаблари муҳокама қилинмаганлиги, даъво муддати ўтганлигига қарамасдан даъво аризаси кўриб чиқилганлиги баён қилиниб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад этиш сўралган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, тарафлар ўртасида 2004 йил 7 декабрда пудрат шартномаси тузилган. Унга кўра, даъвогар Қўрғонтепа туманидаги 22-сонли умумтаълим мактаби биносида қурилиш ишларини бажариш, жавобгар эса тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини олган.

ФК 631-моддасининг биринчи қисмига кўра, пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбурия-

тини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Даъвогар томонидан Қўрғонтепа туманидаги 22-сонли умумтаълим мактаби биносининг қурилиши бўйича бажарилган 465 200 000 сўмлик ишлар 2005 йилнинг январь-ноябрь ойларидаги ҳисоб варақ-фактуралар билан жавобгарга топширилган.

Бироқ, жавобгар даъвогарга бажарилган ишлар учун 373 625 000 сўм тўловни амалга ошириб, қолган 91 574 900 сўм қарзини тўламаган.

Шу боис, вилоят прокуратураси даъвогар манфаатида мазкур қарзни ундириш тўғрисида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди даъво аризасини иш юритишга қабул қилиб, даъво талабини тўлиқ қаноатлантириш ҳақида тўғри хулосага келинган.

Биринчи инстанция суди асосли равишда жавобгарнинг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги эътирозини қабул қилмаган.

ФКнинг 150-моддасига кўра, умумий даъво муддати – 3 йил.

Ушбу Кодекснинг 154-моддасига асосан даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди.

ФК 157-моддасига биноан даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво қўзғатилиши билан, шунингдек мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилади. Узилишдан кейин даъво муддатининг ўтиши янгидан бошланади, узилишгача ўтган вақт эса янги муддатга қўшилмайди.

Даъвогар томонидан 2006–2012 йиллар давомида жавобгарга бажарилган қурилиш ишлари бўйича тўланмасдан қолган 91 574 900 сўм қарздорликни тўлаб бериш ҳақида талабномалар юборилган.

Жавобгар эса, талабномаларнинг айримларига жавоб хатлари юбориб, унда даъвогар олдидаги 91 574 900 сўм қарзини тан олишини, даъвогар томонидан жами 465 200 000 сўмлик ишлар бажарилганлиги, шундан 373 600 000 сўмлик бажарилган ишлар учун бюджетдан ташқари мактаб таъминотини ривожлантириш жамғармасидан, 91 574 900 сўмлик қисми бўйича пул маблағи маҳаллий бюджетдан ажратиш белгиланганлиги боис тўлаб бериш имконияти йўқлигини билдирган.

Хусусан, жавобгар бошқа ташкилотлар ва даъвогар олдидаги қарздорликларни бартараф қилишда амалий ёрдам сўраб, 2010 йил 17 июлда, 2011 йил 1 мартда, 2 июнда хатлар билан Андижон вилоят ҳокимига, 2010 йил 29 ноябрда вилоят адлия бошқармасига, 2011 йил 16 июлда вилоят молия бошқармасига мурожаат қилган.

Шу боис, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришини лозим топган.

7. ФКнинг 4-моддасига асосан агар шартнома тузилганидан кейин тарафлар учун мажбурий бўлган, шартнома тузилаётган пайтдагидан бошқача қоидаларни белгилайдиган қонун қабул қилинган бўлса, тузилган шартноманинг шартлари ўз кучини сақлаб қолади, қонуннинг аввал тузилган шартномалардан келиб чиққан муносабатларга татбиқ этилиши кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

«Андижон Баққоллик» МЧЖ «Андижонсавдо» концернининг ҳуқуқий вориси бўлган «ANDA-JON A.Z.M.» СИЧФ га нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 1995 йил 7 июлдаги ва 1998 йил 1 июндаги ҳамкорлик шартномаларини ҳақиқий эмас деб топишни ҳамда тўлаб берилган 3 500 769 сўмни ундириб беришни сўраган.

Даъвогар ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар даъво талабининг миқдорини кўпайтириб, жавобгардан 426 883 038 сўм зарар суммасини ундиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан ишга «ANDA-JON A.Z.M.» МЧЖ дахлдор жавобгар сифатида жалб этилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, 1995 йил 7 июлдаги ва 1998 йил 1 июндаги ҳамкорлик шартномалари ҳақиқий эмас деб топилган ҳамда жавобгардан 150 000 000 сўм зарар ундирилган. Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад қилинган.

«Андижон Баққоллик» МЧЖ ва «Андижонсавдо» концерни ўртасида 1995 йил 7 июлда Андижон шаҳар Ш. Рашидов кўчасида қурилаётган «Ўзбекистон» савдо марказини қуриш мақсадида ҳамкорлик шартномаси тузилган. Унга кўра, «Андижон Баққоллик» МЧЖ ҳамкорлик улуши сифатида 1 000 000 сўм пул маблағи ўтказиши, «Андижонсавдо» концерни эса савдо марказининг биринчи қаватида 100 квадрат метр савдо майдони ҳамда

100 квадрат метр ёрдамчи хоналар ажратиши лозим бўлган. Ушбу шартномага асосан «Андижон Баққоллик» МЧЖ 1 000 769 сўм пул маблағи ўтказиб берган.

Бундан ташқари, «Андижон Баққоллик» МЧЖ ва «Андижонсавдо» концерни ўртасида 1998 йил 1 июнда ҳамкорлик шартномаси тузилган. Унга кўра, «Андижон Баққоллик» МЧЖ улуш сифатида 5 000 000 сўм ўтказиши лозим бўлган. Мазкур шартноманинг 3.3-бандида «Андижон Баққоллик» МЧЖ ва «Андижонсавдо» концерни ўртасида тузилган 1995 йил 7 июлдаги ҳамкорлик шартномасига асосан ўтказилган 1 000 769 сўм 5 000 000 сўмнинг таркибига қўшилиши белгиланган.

«Андижон Баққоллик» МЧЖ томонидан «Андижонсавдо» концернига жами бўлиб 3 500 769 сўм ўтказиб берилган.

«Андижон Баққоллик» МЧЖ «Андижонсавдо» концернининг ҳуқуқий вориси бўлган «ANDA-JON A.Z.M.» СИЧФга нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 1995 йил 7 июлдаги ва 1998 йил 1 июндаги ҳамкорлик шартномаларини ҳақиқий эмас деб топишни ҳамда тўлаб берган 3 500 769 сўмни ундириб беришни сўраган.

Ҳал қилув қарорида тарафлар ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномалари «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун талабларига зид равишда тузилганлигини важ қилиб кўрсатилган ва ФКнинг 116-моддасига асосланиб шартномалар ҳақиқий эмас деб топилган.

Ваҳоланки, ҳамкорлик шартномалари тузилган пайтда қайд қилинган Қонун бўлмаган.

ФК 4-моддасининг биринчи қисмига кўра, фуқаролик қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ агар шартнома тузилганидан кейин тарафлар учун мажбурий бўлган, шартнома тузилаётган пайтдагидан бошқача қоидаларни белгилайдиган қонун қабул қилинган бўлса, тузилган шартноманинг шартлари ўз кучини сақлаб қолади, қонуннинг аввал тузилган шартномалардан келиб чиққан муносабатларга татбиқ этилиши кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Апелляция инстанцияси суди ФКнинг ушбу нормаларига асосланиб ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

8. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 128-моддасига кўра, тугатиш бошқарувчиси тайинланган пайтдан эътиборан қарздорнинг ишларини бошқариш ҳамда қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш бўйича барча ваколатлар унинг зиммасига ўтади. Жумладан, корхона номидан судларга киритиладиган даъво аризалари ҳам тугатиш бошқарувчиси томонидан имзоланади.

«KIMYOREAKTIV» МЧЖ хўжалик судига мурожаат қилиб, «SUNNY RAISING» МЧЖдан 33 500 000 сўм асосий қарз, 7 587 900 сўм жарима ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 33 500 000 сўм асосий қарз, 17 500 сўм жарима ундирилган. Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 33 500 000 сўм асосий қарз, 167 500 сўм жарима ундирилган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «KIMYOREAKTIV» МЧЖ ва «SUNNY RAISING» МЧЖ ўртасида 2008 йил 28 сентябрда хизмат кўрсатиш шартномаси тузилган. Унга кўра, даъвогар жавобгарга қуритилган магиз маҳсулотини қайта ишлаш учун топшириш, жавобгар эса ушбу маҳсулотни қайта ишлаш ва қайта ишлангандан сўнг даъвогарга белгиланган муддатда ва сифатда топшириш, даъвогар ушбу маҳсулотларни қабул қилиш ҳамда кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Даъвогар жавобгарга 26 тонна маҳсулотни қайта ишлаш учун топширган бўлса-да, жавобгар магиз маҳсулотини қайта ишлаб даъвогарга алоқаси бўлмаган шахс М. Турсуновга тилхат орқали бериб юборган.

Шу боис даъвогар хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 33 500 000 сўм асосий қарз, 7 587 900 сўм жарима ундиришни сўраган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 128-моддасига кўра, тугатиш бошқарувчиси тайинланган пайтдан эътиборан қарздорнинг ишларини бошқариш ҳамда қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш бўйича барча ваколатлар унинг зиммасига ўтиши белгиланган.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 10–1110/10757-сонли иш бўйича 2011 йил 25 августда қабул қилган ҳал қилув қарори билан «KIMYOREAKTIV» МЧЖ банкрот деб топилган ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб Ё. Зокиров тайинланган.

Бироқ, биринчи инстанция суди «KIMYOREAKTIV» МЧЖ номидан судга тақдим этилган 2011 йил 12 сентябрдаги даъво аризаси тугатиш бошқарувчиси Ё. Зокиров томонидан эмас, балки ваколатсиз шахс жамият собиқ директори Л. Оганян томонидан имзоланган бўлса-да, иш юритишга қабул қилиб ишни мазмунан кўриб чиққан. Апелляция инстанцияси суди ҳам бу ҳолатга эътибор бермаган ҳолда ишни кўриб чиққан.

ХПК 88-моддасининг 3-бандига кўра, даъво аризаси имзоланмаган ёки имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан, ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, даъво кўрмасдан қолдирилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, даъвони кўрмасдан қолдиришни лозим топган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2013 йил 31 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган)

4.6. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА 2013 ЙИЛДА ИШЛАРНИ КЎРИШ СУД АМАЛИЁТИ

1. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари юридик шахс ҳисобланмайди ва хўжалик судига даъво аризаси (ариза) билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Янгиариқ туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Собиржон Мардонбек» ХКни тугатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Суднинг ҳал қилув қарори устидан кассация протести келитирилган ва унда биринчи инстанция суди жавобгарнинг олти ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлигини аниқланмасдан процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган ҳолда асослантирилмаган ҳал қилув қарори қабул қилганлиги тўғрисида важ келтирилиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш сўралган.

Суд томонидан даъво аризасини имзолаган инспекция бошлиғининг уни имзолашга ваколати борлиги, даъво аризасига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар илова қилинмаганлиги, низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилганлиги ўрганилмасдан, даъво аризаси иш юритиш учун қабул қилинган ва кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 27 сентябрда 1279-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 05–20–401, 14 ва 01/23–55-сон қарори билан тасдиқланган «Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисида»ги Намунавий Низомнинг 1-бандига мувофиқ туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузурида тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларига ҳисоб берадиган тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш

инспекциялари ташкил этилади, инспекция туман (шаҳар) ҳокимлиги тузилмасига киради ва юридик шахс ҳисобланмайди, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлмайди, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ва бошқа шахслар билан ўз номидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришишга ҳақли эмас.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав фондларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 2010 йил 19 ноябрдаги 221-сонли қарори иккинчи хатбошисида туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида давлат рўйхатидан ўтказилган молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўз устав фондини шакллантирмаган корхонани тугатиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига ушбу ҳокимликлар томонидан берилиши ҳақида тушунтириш берган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилган ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

2. Солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органи қарорининг нусхаси олинган кундан эътиборан беш иш куни ичида содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олганлиги ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисидаги ёки уни рад этганлиги тўғрисидаги ёзма билдиришни тақдим этмаган ёхуд рад этганлиги тўғрисида ёзма билдириш тақдим этган тақдирда, шунингдек жарима тўланмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига нисбатан жарима қўллаш тўғрисида ариза билан хўжалик судига мурожаат қилади.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Жиззах вилоят ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси, Жиззах вилоят ДСБнинг буйруғига асосан Жиззах шаҳар ДСИ ходимлари томонидан ЯТТ Д. Зухуровага қарашли савдо дўконида савдо, НКМ, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш ҳамда нақд пул муомаласини тартибга солиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текшириш натижаси юзасидан тузилган далолатномага кўра, ЯТТ томонидан харидорга 41 500 сўм товарлар нақд пулга реализация қилиниб, НКМ чеки ёки унга тенглаштирилган квитанция берилмаганлиги, НКМ ҳисоботи чиқарилиб касса китоби билан солиштирилганда 254 300 сўм нақд пул маблағлари НКМга кирим қилинмаганлиги, сифат сертификати ва кирим ҳужжатлари бўлмаган жами 3 147 000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари дўконда мавжудлиги аниқланган.

Ўтказилган қисқа муддатли текшириш материаллари ДСИ томонидан кўриб чиқилиб, унинг юзасидан ЯТТга нисбатан Ўзбекистон Республикаси СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз баробари яъни 2 387 700 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш ҳақида қарор қабул қилинган ва қўлланилган жарима суммасини ихтиёрий тўлаб бериш тавсия этилган.

Бироқ, ЯТТ томонидан молиявий жарима ихтиёрий равишда тўлаб берилмаган ва шу боис, ДСИ ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиб, ЯТТга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан кирим ҳужжатларсиз ва сертификатсиз маҳсулотлар қиймати 3 147 000 сўм ва НКМга кирим қилинмаган 41 500 сўм жами 3 105 500 сўм миқдорида, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз баробари яъни 2 387 700 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб тўлиқ қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, арз қилинган талабнинг ЯТТга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан 3 105 500 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш қисмини қаноатлантириш рад этиш, 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз баробари яъни 2 387 700 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш талабини кўрмасдан қолдириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан СК умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарори 33-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ хўжалик судлари низоларни давлат солиқ хизмати органларининг даъво аризаларида (аризаларида) билдирилган талаблар ва қарорларида

кўрсатилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар доирасида ҳал этишлари лозим.

Ўтказилган қисқа муддатли текшириш материаллари асосида ДСИ томонидан қабул қилинган қарорда ЯТТга нисбатан СКнинг 114-моддасига асосан кирим ҳужжатларсиз ва сертификатсиз маҳсулотлар қиймати 3 147 000 сўм ва НКМга кирим қилинмаган 41 500 сўм, жами 3 105 500 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш назарда тутилмаган.

Шу боис, апелляция инстанцияси суди асосли равишда ДСИнинг бу талабини қаноатлантиришни рад этган.

ДСИнинг ЯТТга нисбатан 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз баробари яъни 2 387 700 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш талабини кўрмасдан қолдиришга апелляция инстанцияси суди молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарор ДСИ томонидан ЯТТга 2013 йил 1 апрелда юборилганлиги, бироқ жаримани ихтиёрий тўлаш учун СКнинг 104-моддасида назарда тутилган ўттиз кунлик муддат ўтмасдан судга ариза билан мурожаат қилганлиги кўрсатилган.

СК 104-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, агар давлат солиқ хизмати органининг қарори бюджетга ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушмаслигига олиб келмаган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун солиқ тўловчига нисбатан жарима қўлланилишини назарда тутса, солиқ тўловчи қарор нусхасини олган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига мазкур ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олганлиги ва ихтиёрий равишда жарима тўлаши тўғрисида ёки уни рад этиши тўғрисида ёзма билдириш тақдим этиши (юбориши) шарт.

СК ушбу моддасининг олтинчи қисмига биноан ушбу моддани-нинг тўртинчи қисмига мувофиқ солиқ тўловчи содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олганлиги ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисидаги ёки уни рад этганлиги тўғрисидаги ёзма билдиришни тақдим этмаган ёхуд рад этганлиги тўғрисида ёзма билдириш тақдим этган тақдирда, шунингдек ушбу модданинг бешинчи қисмига мувофиқ берилган муддат ичида жарима тўланмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига нисбатан жарима қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилади.

Шу боис, кассация инстанцияси судининг қарори билан апелляция инстанцияси суди қарорининг ДСИнинг ЯТТга нисбатан СК 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари, яъни 2 387 700 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш талабини кўрмасдан қолдириш қисми бекор қилиниб, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг ДСИнинг бу талабини қаноатлантириш ҳақидаги қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

3. Даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво қўзғатилиши билан, шунингдек мажбур шахс қарзнинг тан олинганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилади.

«Парвина лаззат» ХК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, «Турон шарқ инвест лойиҳа» МЧЖдан 59 465 000 сўм асосий қарз ва 29 732 500 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида санаси кўрсатилмаган 7-сонли ҳисоб-шартнома тузилган.

Мазкур шартномага асосан даъвогар томонидан 2009 йил 23 ноябрдаги 39-сонли ишончнома ва 23/11-сонли ҳисоб-фактура билан жавобгарга 59 465 000 сўмлик битум маҳсулоти етказиб берилган. Бироқ, етказиб берилган маҳсулот ҳақи жавобгар томонидан тўлаб берилмаган.

Шунга кўра, даъвогар хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан етказиб берилган маҳсулот ҳақи 59 465 000 сўм асосий қарз ва тўлов муддати кечиктирилган кунлар учун 29 732 500 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди томонидан ФКнинг 153-моддасига кўра даъво муддати ўтиб кетганлигини асос қилиб, даъво талабини рад этган.

Бироқ, ФК 157-моддасининг биринчи қисмига кўра, даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво қўзғатилиши билан, шунингдек мажбур шахс қарзнинг тан олинганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилиши белгиланган.

Тарафлар ўртасида тузилган 7-сонли шартноманинг амал қилиш муддати 2010 йил 31 декабрга қадар белгилаганлиги ҳамда даъвогар хўжалик судига 2012 йил 29 декабрда мурожа-

ат қилганлиги биринчи инстанция судининг эътиборидан четда қолган.

Қолаверса, 2010 йил 20 июль ҳолатига тарафлар ўртасида таққослаш далолатномаси тузилганлиги ҳамда жавобгар томонидан қисман тўловлар амалга оширилганлиги ҳолатларига суд томонидан ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Шу сабабли, кассация инстанция суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни лозим топган.

4. ФКнинг 670-моддасига мувофиқ пудратчи қурилиш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқлаганда ва бу тўғрисида буюртмачига хабар бермасдан қўшимча ишлар бажарган бўлса, у бажарган қўшимча иши учун буюртмачидан ҳақ тўлашни ва шу туфайли кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

«Толегенов Данияр» МЧЖ хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Нукус шаҳар ободонлаштириш бошқармасидан (бундан буён матнда «компания» деб юритилади) 48 783 370 сўм етказилган зарар ундиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан ишга Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ғазначилик бошқармаси мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида, Нукус шаҳар ҳокимлиги эса шерик жавобгар сифатида жалб этилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, компаниядан МЧЖ фойдасига 32 283 370 сўм ундирилган. Даъвонинг қолган ва Нукус шаҳар ҳокимлигига нисбатан қисмлари рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарорига асосан компаниядан МЧЖ фойдасига ундирилган зарар миқдори 32 283 370 сўмдан 24 386 136 сўмга ўзгартирилган. Шунингдек, ҳал қилув қарорининг давлат божи қисми ўзгартирилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, тарафлар ўртасида умумий баҳоси 13 291 580 сўмлик пудрат ишларини бажариш юзасидан 2010 йил 27 сентябрда пудрат шартномаси тузилган.

Шартномага мувофиқ, МЧЖ – (пудратчи) Нукус шаҳридаги Дўстлик гузари билан Қорақалпоғистон кўчаси чорраҳасида жойлашган майдонда фонтан ўрнатиб, кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириши, компания – (буюртмачи) эса бажарилган ишларни қабул қилиб олганидан сўнг, 10 кун мобайнида бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириши лозим бўлган.

Мазкур шартнома Қорақалпоғистон Республикаси ғазначилик бошқармасида 2010 йил 15 октябрда 3699-сон билан рўйхатга олинган.

Буюртмачи бюджет ташкилоти бўлганлиги сабабли шартномага асосан бажариладиган ишлар учун маблағ Молия вазирлигининг ғазначилиги томонидан ажратилиши лозим бўлган. Шартномага асосан МЧЖ томонидан бажарилган 13 291 580 сўмлик ишлар учун Молия вазирлигининг ғазначилик бошқармаси томонидан маблағ ажратилган ва буюртмачи томонидан қабул қилиб олинган ишлар учун 13 291 580 сўм тўлов амалга оширилган.

ФК 631-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, пудрат шартномасининг айрим турлари (маиший пудрат, қурилиш пудрати, лойиҳалаш ёки қидирув ишлари пудрати, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати)га, агар ушбу Кодекснинг бундай турдаги шартномалар тўғрисидаги қоидаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу параграфда назарда тутилган қоидалар қўлланади.

ФКнинг 670-моддасига мувофиқ, пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ бўлган ишларни ишнинг ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган бошқа талабларни белгилайдиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши шарт.

Ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларига кўра, пудратчи қурилиш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт. Пудратчи буюртмачидан ўн кун ичида ўз хабарига жавоб олмаган тақдирда, агар қонунда ёки қурилиш пудрати шартномасида бунинг учун бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, тегишли ишларни тўхтатиб, бекор туриб қолиш натижасида кўрилган зарарни буюртмачининг зиммасига юклаши шарт. Агар буюртмачи қўшимча иш бажариш зарурати йўқлигини исботласа, бу зарарни қоплашдан озод этилади.

Шунингдек, ФК 670-моддасининг олтинчи қисмига биноан, ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида белгиланган мажбуриятларни бажармаган пудратчи, агар буюртмачининг манфаатини кўзлаб, хусусан ишнинг тўхтатилиши қурилиш объектининг нобуд бўлишига ёки шикастланишига олиб келиши мумкин бўлганлиги муносабати билан дарҳол ҳаракат қилиш зарур бўлганлигини исботлай олмаса, у бажарган қўшимча иши учун буюртмачидан ҳақ тўлашни ва шу туфайли кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Аммо МЧЖ (пудратчи) бажараётган ишларига шартномада ҳисобга олинмаган қўшимча ишларни бажариш ёки шартнома қийматини ошириш зарурлиги ҳақида буюртмачига хабар бермасдан, қўшимча шартнома тузмасдан ва уни белгиланган тартибда ғазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказмасдан «Дўстлик» кўчаси билан «Қорақалпоғистон гузари» чорраҳасида жойлашган майдонда 13 291 580 сўмлик ишларни ўрнига 26 429 800 сўмлик ишларни бажарган.

Бундан ташқари, Нукус шаҳридаги «Халқлар дўстлиги» майдонида ҳам ҳеч қандай шартнома тузмасдан ва уни белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси ғазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказмасдан 35 645 150 сўмлик ишларни бажарган. Натижада МЧЖ (пудратчи) жами бажарган ишларини 62 074 950 сўм ҳисоблаб, тўланган 13 291 580 сўмни чегирган ҳолда қолган 48 783 370 сўмни зарар сифатида компания (буюртмачи)дан ундиришни сўраган.

Бироқ, пудратчи ўзининг шартномадан ортиқча бажараётган ишлари ҳақида буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирганлигини, иш бажараётган объектнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлганлиги муносабати билан дарҳол ҳаракат қилганлиги ҳолатини тасдиқловчи бирон-бир далилни судга тақдим этмаган ва судда исботламаган.

Иш ҳужжатларида тарафлар ўртасида ишларни бажариш тўғрисида қўшимча келишув имзоланганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслиги биринчи инстанция судининг эътиборидан четга қолиб, даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келинган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйган камчиликларни эътибордан четга қолдириб, ҳал қилув қарорини ўзгартириш билан чекланган холос.

Баён этилганларга кўра, кассация инстанцияси суди низо юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъвони рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

5. ФКнинг 422-моддасига кўра, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган ва ўзига топширилган товар учун навбатдаги тўловни шартномада белгиланган муддатда амалга оширмаса, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва сотилган товарни қайтаришни талаб қилишга ҳақли, сотиб олувчидан олинган тўловлар суммаси товар баҳосининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно.

«Ренат» ХК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «TERTS» МЧЖ билан гаровдаги кўчмас мулкни олди-сотдиси тўғрисидаги шартномани бекор қилишни сўраган.

МЧЖ қарши даъво аризаси билан мурожаат этиб, корхона, Ангрен шаҳар хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати ҳамда ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Ангрен филиалига нисбатан кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан корхонанинг даъво талаби қаноатлантирилиб, МЧЖ ва корхона ўртасида гаровдаги кўчмас мулкни олди-сотдиси тўғрисидаги шартнома бекор қилинган, МЧЖнинг қарши даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан апелляция протести қисман қаноатлантирилиб, ҳал қилув қарорининг давлат божи ундириш қисми ўзгартирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, корхона ва Банк ўртасида кредит шартномаси тузилган. Мазкур шартнома бўйича юзага келган қарздорлик ўз вақтида тўланмаганлиги сабабли, Банкнинг даъво аризаси асосида суднинг 11–1025/12307-сонли иши юзасидан ҳал қилув қарори билан корхонадан Банк олдидаги қарздорлик тўлиқ ундирилиши ҳамда ундирув гаровдаги Ангрен шаҳри, Брикетний қўрғонидаги кўчмас мулк жойлашган 2,275 га ер участкаси, 4531,61 м.кв. фойдали ер майдони, 4838,02 м.кв. қурилиш остидаги ер майдони, ишлаб чиқариш цехи, трансформатор биноси, қоровул хона, хизмат хонаси, насос ва махсус хонадан иборат кўчмас мулк объектларига қаратилиб, гаровдаги мулкларнинг бошланғич сотув баҳоси 304 270 000 сўм деб белгиланган.

Суд қарорининг ижроси юзасидан Ангрен шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан гаровдаги кўчмас мулклар савдога чиқарилган. 2011 йил 25 ноябрда корхона ҳамда МЧЖ ўртасида банкнинг розилик хати асосида гаровдаги кўчмас мулкни олди-сотдиси тўғрисида шартнома тузилган. Ушбу шартнома шартларида сотувчи «Ренат» ХК банк олдидаги кредит шартномаси бўйича юзага келган қарздорликни сўндириш мақсадида мазкур кредит шартномаси бўйича гаровга қўйилган кўчмас мол-мулкни сотиб олувчи «TERTS» МЧЖга 310 000 000 сўмга сотишга келишилган.

Натижада, МЧЖ томонидан шартнома асосида 2011 йил декабрь ойидан 2012 йил апрель ойига қадар тўлаб берилган 290 000 000 сўм ҳисобидан 11–1025/12307-сонли ижро варақасига асосан 258 438 356 сўм банкка тўланган, 32 000 000 сўм эса корхонанинг ҳисоб рақамига солиқ қарзи бўйича қўйилган инкассо асосида солиқ тўловига йўналтирилган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 2.1.2-бандига кўра сотувчи ўз ҳисобидан мулк ҳуқуқини сотиб олувчига ўтказиш мажбуриятини олган. Шартноманинг 3.1.1-бандига кўра сотиб олувчи 310 000 000 сўм пул маблағини 30 банк кунида пул ўтказиш йўли билан тўлаб бериш мажбуриятини олган.

Сотиб олувчи МЧЖ томонидан шартномага асосан 2011 йил декабрь ойидан 2012 йил апрель ойига қадар 290 000 000 сўм маблағ тўлаб берилган.

Шунингдек, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 5-бўлимида томонларнинг жавобгарлиги белгиланган бўлиб, унга кўра сотиб олувчи тўловни ўз вақтида амалга оширмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган сумманинг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлаши белгиланган.

ФК 422-моддасининг учинчи қисмига кўра сотиб олувчи ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган ва ўзига топширилган товар учун навбатдаги тўловни шартномада белгиланган муддатда амалга оширмаса, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва сотилган товарни қайтаришни талаб қилишга ҳақли, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчидан олинган тўловлар суммаси товар баҳосининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2009 йил 18 декабрдаги «Хўжалик шартномаларини ту-

зиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 203-сон қарорининг 25-банди иккинчи хатбошисида қонунчиликка мувофиқ шартномани бажаришдан бир тараф-лама бош тортишга муайян шартлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади (ФК 422-моддасининг учинчи қисми, 746-моддасининг биринчи қисми ва ҳ.к.). Бундай ҳолларда шартномани бекор қилиш талаб этилмайди деб тушунтириш берилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан мазкур Пленум қарори тушунтиришларига зид равишда, сотилган товар ҳақининг 93,5 фоизидан ортиқ миқдорда тўлови амалга оширилган бўлса-да, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириб, тарафлар ўртасида ту-зилган олди-сотди шартномасини бекор қилган.

Апелляция инстанцияси суди эса ҳал қилув қарорини ушбу қисмини ўзгаришсиз қолдириб хатога йўл қўйган.

Юқоридагиларга асосан кассация инстанцияси суди иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларини ўзгартириб, суд қарорларининг дастлабки даъвони қаноатлантириш ҳақидаги қисмини бекор қилган ва мазкур даъво талаби бўйича даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

6. Сотиб олувчи (олувчи) ўзи қабул қилган товарни қонун ҳужжатларида, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган муддатда кўздан ке-чириши, товарларнинг миқдори ва сифатини текшириши ва товарнинг аниқланган номувофиқликлари ва камчиликлари тўғрисида товар етказиб берувчини дарҳол ёзма равишда ха-бардор қилиши лозим.

«Навоий кон-металлургия комбинати» ДК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Навоий вилоят ИИБ 64/48-сонли ЖИЭКдан ортиқча тўланган 35 913 382,47 сўм асосий қарз ва 65 773 703 сўм жарима ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъ-во қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига ортиқча тўланган 35 913 382,47 сўм асосий қарз ундирилган, даъ-вонинг 65 773 703 сўм жарима ундириш қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида 2011 йил 2 декабрда «Қурилиш оҳаки етказиб бериш тўғрисида» шартнома

тузилган. Мазкур шартноманинг 1.1-бандига кўра, жавобгар таркиби «СаО 70» фоиз бўлган қурилиш оҳакини келишилган нархда, сифатда ва миқдорда етказиб бериш, даъвогар эса маҳсулот учун олдиндан маҳсулот қийматининг 15 фоизи миқдорида тўловни амалга ошириш, қолган қисмини маҳсулот тўлиқ қабул қилиб олинганидан сўнг 60 кун ичида тўлаб бериш мажбуриятини олган. Шартнома шартларига кўра, жавобгар томонидан даъвогарга жами 1 133 706 054 сўмлик 10 007,78 тонна оҳак маҳсулотлари етказиб берилган.

Даъвогар томонидан оҳак маҳсулотлари ҳисоб-фактуралар орқали қабул қилиб олинган ва маҳсулот учун тўлов амалга оширилган. даъвогар раҳбарининг 2012 йил 9 январдаги 45–01/332-сонли фармойишига асосан қабул қилиб олинган оҳак маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича ички текшириш ўтказилган ва текшириш даъвомида жавобгар томонидан «СаО 70» фоиздан кам бўлган қиймати 328 868 519 сўм бўлган 2 826,68 тонна оҳак етказиб берилганлиги аниқланган.

Ушбу «СаО 70» фоиздан кам бўлган маҳсулот 1 тоннасининг қиймати 103 639,30 сўм бўлиб, 2 826,68 тоннаси эса 292 955 136,52 сўмни ташкил этганлиги сабабли, даъвогар жавобгардан ортиқча тўланган 35 913 382,47 (328 868 519–292 955 136,52) сўмни қайтаришни сўраган.

Шунингдек, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 6.3-бандига мувофиқ етказиб берилган сифатсиз маҳсулот қийматининг 20 фоизи миқдорида, яъни 65 773 703,90 (328 868 519 х 20 %) сўм жарима ундиришни сўраган.

ФКнинг 446-моддасига асосан сотиб олувчи (олувчи) ўзи қабул қилган товарни қонун ҳужжатларида, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган муддатда кўздан кечириши, худди шу муддатда қабул қилинган товарларнинг миқдори ва сифатини қонун ҳужжатларида, маҳсулот етказиб бериш шартномаси ёки иш муомаласи одатларида белгиланган тартибда текшириши ва товарнинг аниқланган номувофиқликлари ва камчиликлари тўғрисида товар етказиб берувчини дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

Шартноманинг 2.5-бандида, агар маҳсулотни қабул қилишда ва ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот тегишли сифатда бўлмаганлиги аниқланган тақдирда, сотувчи сотиб олувчидан ёзма талабномани олганидан кейин 10 кун ичида тегишли си-

фатдаги маҳсулот билан алмаштириб бериши, 5.1-бандида, сотиб олувчи ҳар бир маҳсулотни миқдори ва сифати бўйича амалдаги 1965 йилда тасдиқланган П–7 Қўлланмасида белгиланган тартиб асосида қабул қилиб олиши, 5-бандида, сотиб олувчи маҳсулотни қабул қилишда ва ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот тегишли сифатда бўлмаганлиги аниқланган тақдирда 45 кун ичида сотувчига талабнома юбориши, талабномага П–6, П–7 Қўлланмаси асосида тузилган далолатномани юбориши, маҳсулотни қабул қилишда камомад ва сифатсизлиги аниқланган тақдирда сотувчи вакилининг иштирок этиши шартлиги, агарда сотувчи вакили чақирувни олганидан 2 кун ичида келмаса, маҳсулотнинг сифатсизлиги ҳақидаги далолатнома сотиб олувчи томонидан бир томонлама имзоланиши белгиланган.

Бироқ, даъвогар томонидан оҳак маҳсулотларини қабул қилиб олишда, маҳсулотни сифати ва миқдори юзасидан жавобгарга нисбатан ҳеч қандай эътироз билдирилмаган. Бундан ташқари етказиб берилган оҳак маҳсулотларини сифатсиз чиққанлиги бўйича жавобгарга талабнома юборилмаган, маҳсулотнинг сифатсизлиги ҳақида далолатнома тузилмаган.

Шунингдек, жавобгар томонидан етказиб берилган маҳсулотлари даъвогар томонидан тўлиқ ишлатиб юборилган.

Кассация инстанция суди томонидан даъвогарнинг товар сифати ва миқдори ҳақидаги эътирозлари асоссиз деб топилган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

7. Ундирувни гаров нарсасига суд тартибида қаратишда гаровга қўйилган мол-мулкнинг ким ошди савдоси бошланадиган вақтдаги бошланғич сотиш баҳоси юзасидан низо вужудга келган ҳолларда, у тарафларнинг илтимосномаси бўйича тайинланган мутахассис (эксперт)нинг хулосасига кўра белгиланади.

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»и ва ММ «Тўқимачи» ИЧТК ўртасида 134-сонли кредит шартномаси тузилган. Мазкур шартномага кўра, Банкнинг Яккабоғ филиали, ИЧТКга йиллик 16 фоиз миқдорида устама тўлаш шарти билан 4 йил муддатга 350 000 000 сўм миқдорда кредит маблағини ажратиш, ИЧТК эса кредит ва ундан фойдаланганлиги учун фоизларни шартномада белгиланган шартлар ва муддатларда қайтариш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Шунингдек, кредит мажбуриятини таъминоти сифатида тарафлар ўртасида ипотека шартномаси тузилиб, унга кўра ИЧТКга тегишли бўлган Яккабоғ шаҳар, «Жамбул» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Э. Хужантаев» кўчаси 105-уйда жойлашган маъмурий бино ва иншоотлар гаровга қўйилган. Гаровга қўйилган бино ва иншоотлар тарафларнинг келишувига асосан 438 000 000 сўмга баҳоланган.

Қарздор томонидан кредит шартномасида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли Банк хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида тузилган кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни, ИЧТКдан Банк фойдасига 203 268 000 сўм кредит қарзи ва 2 800 000 сўм фоиз қарзини ундиришни ҳамда ундирувни гаровдаги мол-мулкга қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, гаровга қўйилган мол-мулкнинг ким ошди савдоси бошланадиган вақтдаги бошланғич сотиш баҳоси 438 000 000 сўм, яъни гаров шартномасида кўрсатилган миқдорда белгиланган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, ИЧТК томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар гаровдаги мол-мулкларнинг бозор баҳосини аниқлаш юзасидан экспертиза тайинлаш ҳақида ариза тақдим этган.

ХПКнинг 129-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ва ишни кўриш билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича аризалари ва илтимосномаларини хўжалик суди ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрларини эшитиб бўлгач ҳал қилади. Хўжалик суди аризалар ва илтимосномаларни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Аммо биринчи инстанция суди ИЧТКнинг мазкур илтимосномасини муҳокама қилмаган ва унга ҳуқуқий баҳо бермаган.

Ундирувни гаров нарсасига суд тартибида қаратишда суднинг қарорида гаровдаги мол-мулкнинг номи, жойлашган жойи, гаров шартномасида кўрсатилган миқдордаги бошланғич сотув баҳоси кўрсатилиши лозим. Гаровга қўйилган мол-мулкнинг қиймати юзасидан низо вужудга келган ҳолларда, у тарафларнинг илтимосномаси бўйича тайинланган мутахассис (эксперт)нинг хулосасига кўра белгиланади. Бунда мутахассис (эксперт) сифатида баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга

бўлган ҳам жисмоний, ҳам юридик шахс қатнашиши мумкин. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарорининг 23-бандида тушунтириш берилган.

ХПКнинг 188-моддасига кўра моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ёки қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Шу сабабли кассация инстацияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

8. Жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақли.

ССП вилоят ҳудудий бошқармаси «412-ИМКК» МЧЖ манфаатида вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жамият иштирокчиси (таъсисчиси) Д. Ғаниевни жамият иштирокчилари сафидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «412-ИМКК» МЧЖ таъсисчиларининг йиғилиш қарори билан жамиятнинг таъсис шартномаси тузилиб, мазкур шартнома Қарши туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида рўйхатга олинган.

Мазкур таъсис шартномага кўра, 34 нафар фуқародан иборат таъсисчилар жамиятнинг устав фондига ўз улушларини қўшиб, жамият ташкил қилганлар.

Жамият таъсис шартномасининг 5.2-бандида жамиятнинг низом жамғармаси 1 675 500 сўмни ташкил этиши қайд қилинган.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарорига кўра, таъсисчи Д. Ғаниев жамият йиғилишларига қатнашмаганлиги, унинг ўрнига жамият йиғилишларига акаси И. Ғаниев қатнашиб, жамият раиси ва таъсисчиларига ўз тазйиғини ўтказганлиги, жамият таъсисчилари улушларини ғайриқонуний равишда ўзлаштириб олаётганлиги, ўзига қарашли «232-ХМКК» корхона номидан «412-ИМКК» МЧЖга «Шўртаннефтгаз» УКнинг асосий йўлларини таъмирлаш ишларини бажартириб, бажарилган ишлар ҳақини тўламасдан келаётганлиги, яъни 25 837 478 сўм маблағни ўзлаштириб, корхонанинг оғир иқтисодий аҳволга олиб келганлиги баён қилиниб, жамиятнинг устав фондини 24,5 фоизига эга бўлган таъсисчи Д. Ғаниевни жамиятдан суд тартибида чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган.

ХПК 23-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятидан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар (меҳнатга оид низолардан ташқари) хўжалик судининг судловига тегишлидир.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасини иккинчи қисмида, жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлилиги белгиланган.

Мазкур Қонун нормаси билан иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқариш ҳуқуқи жамиятга эмас балки, жамият иштирокчиларига берилган.

Бироқ, мазкур ҳолатда даъво аризаси билан жамият иштирокчилари эмас балки, жамият манфаатини кўзлаб Палата судга мурожаат қилган.

«ССП тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига кўра Палата давлат божи тўламасдан судга Палата аъзолари манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этиш, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар

мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Бироқ, даъво аризасида Палата аъзоси яъни жамиятнинг манфаати бузилганлиги ҳолати исботланмаган.

Биринчи инстанция суди томонидан мазкур ҳуқуқ нормалари нотўғри талқин қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келинган.

Апелляция инстанцияси суди эса ҳал қилув қарорини кучда қолдириб хатога йўл қўйган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди иш юзасидан қабул қилган суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъвони рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

9. Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шарт ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга киради.

Қибрай туман «Махсуссавдо-матлубот» ШК хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Қибрай туман Халқ таълим бўлимидан 30 051 752 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, Қибрай туман Халқ таълим бўлимидан «Махсуссавдо-матлубот» ШК фойдасига 27 541 152 сўм асосий қарз ундирилган. Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантирилиши рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, даъвогар ва Қибрай туман Халқ таълим бўлими ўртасида шартнома тузилмаган. Озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилганлиги тўғрисидаги ҳисоб варақларга асосан 2009 йил 1 декабрь ҳолатига 12 143 145 сўмга, 15 599 007 сўмга, 27 742 152 сўмга тарафлар ўртасида учта ўзаро ҳисоб-китоб солиштирма далолатномалари имзоланган.

Биринчи инстанция суди Қибрай туман Ҳалқ таълим бўлимининг даъвогар олдидаги қарздорлиги 2006–2007 йиллар давомида етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотлари учун 15 599 007 сўмни, 2009 йилнинг декабрь ойига қадар бешта мактаб учун етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотлари 11 942 145 сўмни, жами 27 541 152 сўмни ташкил этишини, ушбу ҳолат ишдаги мавжуд солиштирма далолатномалар, ҳисоб варақлар ва тарафларнинг суд

мажлисида берган кўрсатмалари билан ўз тасдиғини топганлигини асос қилиб, даъвони 27 541 152 сўмга қаноатлантирган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–594-сонли Қарорининг 6-бандида бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши қатъий белгилаб қўйилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилишда жавобгар бюджет ташкилоти эканлиги, белгиланган тартибда шартнома тузилиб, ғазначиликдан рўйхатдан ўтказилиши лозимлиги эътибордан четда қолдирилган.

Апелляция инстанцияси суди эса моддий ҳуқуқ нормалари бузилган ҳолда қабул қилинган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида асоссиз тўхтамга келган.

ХПКнинг 188-моддасига кўра моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ёки қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Шу боис, кассация инстанция суди низо юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

10. Даъво аризаси даъвогарнинг раҳбари ёки унинг вакили томонидан имзоланган бўлиши лозим. Бунда имзонинг механик ёки бошқа нусха кўчириш воситалари орқали амалга оширилишига, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, йўл қўйилмайди.

ССП Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси ОАТБ «Ҳамкорбанк» Қарши филиали манфаатида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Оқтош Файз Барака» МЧЖдан 27 000 000 сўм кредит қарзи ва 1 997 260 сўм кредит фоизини ундиришни ҳамда ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, ССП Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ф. Тошатов даъво аризасини ўз қўли билан имзоламасдан, факсимил имзодан фойдаланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида»ги 162-сонли қарорининг 22 бандига кўра, ХПКнинг 112-моддасига мувофиқ хўжалик судига тақдим этилаётган даъво аризаси даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади... ХПК 112-моддасининг биринчи қисми мазмунига кўра даъво аризаси даъвогарнинг раҳбари ёки унинг вакили томонидан ўз қўли билан имзоланган бўлиши лозим. Бунда имзонинг механик ёки бошқа нусха кўчириш воситалари орқали амалга оширилишига қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, йўл қўйилмайди.

ХПК 88-моддасининг 3-бандида даъво аризаси имзоланмаган ёки имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан, ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, хўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдириши белгиланган.

Биринчи инстанция суди томонидан даъво ариза кўрмасдан қолдирилиши лозим бўлса-да, хўжалик иши мазмунан кўриб чиқилган.

Апелляция инстанцияси суди эса ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо бермасдан ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириб хатога йўл қўйган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъвони кўрмасдан қолдирган.

11. Агар шартномада тарафлар томонидан келиб чиққан низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ҳақидаги шарт назарда тутилган бўлса, аммо низони ҳал этиш тартиби белгиланмаган бўлса, бу ҳолда низони талабнома юбориш йўли билан ҳал этиш тартиби мажбурий ҳисобланмайди.

«Агромашхолдинг-Ташкент» МЧЖ шаклидаги чет эл корхонаси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Шодмонов Ғолибжон Баходирович» ФХ дан 7 040 000 сўм асосий қарз ва 3 520 000 сўм пеня, жами – 10 560 000 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан даъво ариза кўрмасдан қолдирилган ва бунга асос қилиб, тарафлар ўртасида тузилган шартномада даъвони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш)га келишилганлиги, аммо иш ҳужжатларида низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилинганлигини ҳамда даъво муддатни ўтмаганлигини исботловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслигини кўрсатган.

Иш ҳужжатларидаги тарафлар ўртасида 2008 йил 3 июнда тузилган шартноманинг 7.1-бандида тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ юзага келадиган низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилиниши, 7.2-бандида эса, агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик судларида ҳал этилиши ҳақида келишилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида»ги 162-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбошисида агар шартномада тарафлар томонидан келиб чиққан низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ҳақидаги шарт назарда тутилган бўлса, аммо низони ҳал этиш тартиби белгиланмаган бўлса, бу ҳолда низони талабнома юбориш йўли билан ҳал этиш тартиби мажбурий ҳисобланмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди мазкур Пленум тушунтиришига зид равишда, низони талабнома юбориш йўли билан ҳал этиш тартиби белгиланмаган бўлса-да, ХПК 88-моддасининг 5-бандига асосан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя қилинмаган деган хулоса билан даъво аризасини кўрмасдан қолдирган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси суди даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажримни бекор қилиб, ишни мазмунан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборган.

(Олий хўжалик суди Раёсатининг 2014 йил 30 январдаги 3-сонли қарори билан тасдиқланган)

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3
Кириш сўзи 5
Тўпламда қўлланилган қисқартиришлар 7

1-боб. ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ СУД АМАЛИЁТИ

1.1. Кўчмас мулк олди-сотди шартномаларидан келиб чиқадиган низолар ҳамда мол-мулкни инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиш билан боғлиқ низоларни ҳал этишга оид суд амалиёти (2006–2007 йиллар ва 2008 йилнинг 1-чораги) 9
1.2. Хўжалик судлари томонидан 2007 йил ва 2008 йилнинг 9 ойи давомида ижара шартномасидан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд амалиёти 20
1.3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги нормаларини қўллаш юзасидан суд амалиёти (2008 йил ва 2009 йилнинг биринчи ярми) 32
1.4. 2007–2009 йилларда хўжалик судларида даъво муддатига оид қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ суд амалиёти 41
1.5. Хўжалик судлари томонидан 2008–2009 йиллар давомида битимларни ҳақиқий эмас деб топишга доир низоларни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд амалиёти 51
1.6. Гаров (ипотека) шартномасидан келиб чиққан низоларни ҳал этиш билан боғлиқ суд амалиёти (2008–2009 йиллар ва 2010 йилнинг биринчи чораги) 66
1.7. Банкротликка оид ишларни соддалаштирилган тартибда кўриш билан боғлиқ суд амалиёти (2008, 2009 йиллар ва 2010 йилнинг биринчи ярми) 74
1.8. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунини қўллаш билан боғлиқ суд амалиёти (2005–2010 йиллар) 86
1.9. Лизинг шартномасидан келиб чиққан низоларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти (2008–2010 йиллар) 103
1.10. Хўжалик судлари томонидан 2009–2010 йиллар ва 2011 йилнинг биринчи ярми мобайнида суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти 112
1.11. Мулк ижараси шартномаларидан келиб чиққан низоларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти (2009–2010 йиллар ва 2011 йилнинг биринчи ярми) 124

1.12. Хўжалик судлари томонидан 2010–2011 йиллар ва 2012 йилнинг биринчи ярми мобайнида суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни кўриш суд амалиёти 137
1.13. Хўжалик судлари томонидан 2010–2012 йиллар давомида темир йўлларда юк ташиш билан боғлиқ низоларни кўришга оид суд амалиёти 154
1.14. Энергия таъминоти ва коммунал хизматлар кўрсатиш шартномаларидан келиб чиқадиган низоларни даъво тартибида кўришга оид суд амалиёти (2011–2012 йиллар ва 2013 йилнинг биринчи ярми)..... 164
1.15. Хўжалик судлари томонидан иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан, акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятидан келиб чиққан низоларни кўриш суд амалиёти (2011–2013 йиллар) 178

2-боб. МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ СУД АМАЛИЁТИ

2.1. Хўжалик судлари томонидан 2007 йил ва 2008 йилнинг 8 ойи давомида божхона органлари иштирокида кўрилган низоларни ҳал этиш бўйича суд амалиёти 192
2.2. 2008 йилда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга оид ишларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти 206
2.3. Хўжалик судлари томонидан 2007 ва 2008 йиллар давомида суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари ижроси ҳамда суд ижрочиларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан келиб чиққан низоларни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд амалиёти 219
2.4. Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллаш билан боғлиқ суд амалиёти (2008 йил ва 2009 йилнинг тўққиз ойи)..... 231
2.5. 2009 йилда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга оид ишларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти 242
2.6. 2008–2009 йилларда хўжалик судларида Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг монополистик фаолиятини чеклаш, ноқонуний олинган маблағларни ундириш ҳамда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳақидаги аризаларнинг кўриб чиқилишига доир суд амалиёти ..254
2.7. Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарори билан тасдиқланган «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан корхоналарни тугатиш ҳақидаги аризаларнинг кўриб чиқилишига доир суд амалиёти 267

2.8. 2010 йилда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга оид ишларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти 277
2.9. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида кўрилган ишларга доир суд амалиёти (2008–2010 йиллар) 285
2.10. Хўжалик судлари томонидан 2008–2010 йиллар мобайнида тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш ҳақидаги аризаларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти 300
2.11. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллаш билан боғлиқ суд амалиёти (2010 йил ҳамда 2011 йилнинг биринчи ярми)..... 312
2.12. 2011 йилда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга оид ишларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти 324
2.13. Давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўриш суд амалиёти (2009–2011 йиллар)..... 331
2.14. Фискал хотирали назорат-касса машиналаридан ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш тартибини бузганлик билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти (2010–2011 йиллар ва 2012 йилнинг биринчи ярми)..... 345
2.15. 2012 йилда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга оид ишларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти 359
2.16. Хўжалик судлари томонидан 2010–2012 йиллар ва 2013 йилнинг биринчи ярми давомида суд қарорларини ижро қилиш жараёнида юзага келган низоларни ҳал қилишга оид суд амалиёти..... 370
2.17. 2013 йилда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга оид ишларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти 377

3-боб. ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ОИД СУД АМАЛИЁТИ

3.1. Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида»ги 162-сонли қарорини қўллашга оид суд амалиёти 388
3.2. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини қўллаш билан боғлиқ суд амалиёти (2006–2007 йиллар ва 2008 йилнинг 1-ярми)..... 394
3.3. 2006–2008 йиллар мобайнида суд қарорлари назорат тартибида бекор қилиниб, янгидан кўришга юборилган хўжалик ишларини кўришга оид суд амалиёти 401

3.4. 2008 йил ва 2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида келишув битимини тасдиқлаш билан боғлиқ суд амалиёти 418
3.5. Ҳакамлик судининг қарорини бекор қилиш ҳамда ҳакамлик судининг қарорини мажбурий ижрога қаратиш тўғрисидаги аризаларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти (2008–2010 йиллар) 425
3.6. Хўжалик судлари томонидан 2008–2010 йиллар мобайнида даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризаларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти 434
3.7. Даъвони кўрмасдан қолдириш ва иш юритишни тугатишга оид суд амалиёти (2008–2010 йиллар) 441
3.8. Апелляция инстанцияси суди томонидан бекор қилиниб, биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юборилган хўжалик ишлари бўйича суд амалиёти (2009–2010 йиллар ҳамда 2011 йилнинг биринчи ярми)..... 448
3.9. Чет давлат судлари (халқаро тижорат арбитражлари) қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ҳамда чет давлат судларининг топшириқларини ижро этиш билан боғлиқ суд амалиёти (2007–2011 йиллар) 459
3.10. Ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш, ижро варақасининг дубликатини бериш, суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш ҳақидаги аризаларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти (2009–2011 йиллар)..... 474
3.11. Хўжалик ишларини кўришда суд экспертизасини тайинлаш билан боғлиқ суд амалиёти (2009–2011 йиллар ва 2012 йилнинг биринчи ярми)..... 482
3.12. Хўжалик ишларини кўришда иш юритишни тўхтатиб туриш билан боғлиқ суд амалиёти (2010–2011 йиллар ва 2012 йилнинг биринчи ярми)..... 496
3.13. Хўжалик судлари томонидан 2010–2012 йиллар мобайнида суд ҳужжатларини қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 161-сонли қарорига риоя қилиниши юзасидан суд амалиёти 506
3.14. Хўжалик судлари томонидан 2010–2012 йиллар мобайнида қарши даъвони кўриб чиқилишига доир суд амалиёти..... 515
3.15. Хўжалик судлари томонидан 2010–2012 йиллар мобайнида даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ва даъво аризасини қайтариш билан боғлиқ суд амалиёти 522
3.16. Хўжалик судлари томонидан 2010–2012 йиллар ва 2013 йилнинг биринчи ярми давомида суд буйруғи тартибида ишларни кўришга оид суд амалиёти..... 530
3.17. Хўжалик судлари томонидан 2011–2013 йилларда хўжалик ишларини кўришда суд экспертизасини тайинлаш билан боғлиқ суд амалиёти..... 538

4-боб. КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА ИШЛАРНИ КЎРИШ СУД АМАЛИЁТИ

4.1. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди кассация инстанциясида 2008 йилда ишларни кўриш суд амалиёти 551
4.2. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди кассация инстанциясида 2009 йилда ишларни кўриш суд амалиёти 563
4.3. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди кассация инстанциясида 2010 йилда ишларни кўриш суд амалиёти..... 577
4.4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди кассация инстанциясида 2011 йилда ишларни кўриш суд амалиёти..... 592
4.5. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди кассация инстанциясида 2012 йилда ишларни кўриш суд амалиёти..... 601
4.6. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди кассация инстанциясида 2013 йилда ишларни кўриш суд амалиёти..... 616

СУД АМАЛИЁТИНИ УМУМЛАШТИРИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(кўчирмалар)

Муҳаррир *Ш. Ильҳомбекова*
Бадиий муҳаррир *Ж. Гурова*
Техник муҳаррир *Д. Салихова*
Компьютерда тайёрловчи *Е. Сысуева*

Оригинал-макет «EMERALD GROUP» МЧЖда тайёрланди.
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй.

«Niso Poligraf» нашриёти.
Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Оқ-Ота» ҚФЙ, Марказ-1 кўчаси.
Лицензия рақами AI №236.11.02.2013.

Босишга 2015 йил 3 февралда рухсат этилди. Бичими 60×90 1/16.
Офсет қоғози. «Times New Roman» гарнитураси. Кегли 11.
Шартли босма табоғи 40,0. Нашр табоғи 37,2. Адади 1000 нусха. Буюртма №30.

«NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Оқ-Ота» ҚФЙ, Марказ-1 кўчаси.